Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎН ОЛТИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Султонмурод ОЛИМ

Нақшбанд ва Навоий

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

СУЛТОНМУРОД ОЛИМ

НАҚШБАНД ВА НАВОИЙ



ЎЗИМ УЧУН ЁЗГАНИМ

(Муқаддима ўрнида)

Чин олим ёстуқин тошдин яратди,
Нима уқди – ани оламга айтти.
Хожа Аҳмад ЯССАВИЙ

Инсон бу дунёга ўзини англаш учун келади. Ўзни англаш эса – бир умрлик узун жараён. Мавжуд олам сирру синоатларини билишга интилганингиз сари билмаганингизни тушуна борасиз. Кўп буюк-буюк олимларга нисбат бериладиган: *“Шуни билдимки, ҳеч нарсани билмас эканман”,*– деган гап – ўта ҳаётий бир ҳикмат.

Атоқли шарқшунос Е. Э. Бертелъснинг: *“Навоийни билиш учун унинг кутубхонасидан тўла бохабар бўлиш керак”,* – тарзида айтган бир яхши хулосаси – бор. Навоийни ўрганишга тутинганимиз заҳоти бу улуғ шоир таянган манбаларни кам кўрганимиз аён бўлаверади. Бобокалонимиз сўз санъати бобида қайси дарёлардан сув ичгани ҳақида озми-кўпми ёзилган. Аммо назарий-фалсафий жиҳатдан, яъни дунёқарашу мафкура маъносида Навоий таянган манбаларнинг биринчиси – Қуръони карим, иккинчиси – ҳадиси шариф, учинчиси – шу иккисидан келиб чиққан тасаввуф таълимоти. Тасаввуфда шоир дохил бўлган тариқат эса – нақшбандия. Аталишидан ҳам маълумки, бу тариқат – Баҳоуддин Нақшбанд номлари билан бевосита боғлиқ.

Хўш, Баҳоуддин Нақшбанд – ким? Муҳаммад бинни Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий ҳазратлари башарият ақлий-ҳиссий, илмий-маърифий тараққиётига қандай ҳисса қўшдилар? Нега одамлар ул зоти шарифни бунчалар ихлосу эътиқод билан тилга олади? Қандай қилиб Баҳоуддин *“Балогардон”* деган жуда улуғ рутбага мушарраф бўлганлар? Ахир, Аллоҳнинг ўзи эмасми барча балоларни қайтаргувчи? Не учун бу улуғ зот қабрларини нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки Афғонистон, Эрон, Туркиядан, Ҳиндистон, Покистон каби ўлкалару араб давлатларидан келиб зиёрат қилади? Нима сабабдандирки, ҳозиргача ҳам кўпчилик Худо йўлига бағишлагани жонзотларни келтириб, Баҳоуддин қабрлари қошида сўяди – халққа тарқатади ё пишириб беради? Нақшбандия – қандай тариқат ўзи? Унинг яссавиядан нима фарқи – бор? Нақшбандия таълимоти адабиётимизга қанчалар таъсир ўтказди? Алишер Навоийнинг Баҳоуддин Нақшбанд ва у киши такомиллаштирган тариқат ақидаларига муносабати қандай?..

Амалда кубравия тариқати вакили бўлган Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ига таржима-назира тариқасида битилган “Лисон ут-тайр”да нақшбандия тариқати ғоялари қай тарзда акс этган? Бу достон моҳиятининг тасаввуфий талқинлари бизни нималарга ошно этади?

Шу ва шунга ўхшаш кўп-кўп саволларга жавоб топмай туриб Баҳоуддин Нақшбандниng миллий-маърифий тарихимизда тутган ўрнини тайин этиш ҳам, ҳатто, Алишер Навоий асарлари туб моҳиятига етиш ҳам – мушкул.

XV асргача бўлган бой меросимизга шамс ул-миллатимиз – Алишер Навоийнинг пок назари билан қарашга ўрганиб қолганмиз. Чунки бу буюк қалам соҳибининг ижоди – биз учун энг мўътабар миллий қомус янглиғ қадрли. Навоийдан бир аср илгари, аниғи, 1318

– 1389 йилларда яшаб ўтган Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлари ва фаолиятлари, шунингдек, нақшбандия тариқати хусусиятларини ўрганиш Навоий асарлари моҳиятини тушунишни ният қилган ҳар бир китобхон учун табиий бир эҳтиёжга айланиши – муқаррар.

Афсуски, қўлингиздаги китобнинг 1-нашри чоп этилган ўтган аср 90-йиллари ўрталарига қадар Навоий ижодиётини нақшбандия тариқати ғоялари билан узвий алоқадорликда кўздан кечиришга бағишланган махсус тадқиқотлар яратилган эмас эди. Бундай шароитда ҳар бир навоийхон бу масалада ўзича изланишга мажбур эди. Шунинг учун бўлса керак, Абдусалом Абдуқодиров Навоийнинг нақшбандияга муносабатини ўрганишни ҳозирги ўзбек адабиётшунослигининг биринчи даражали режалари қаторига қўшади[1].

Қўлингиздаги рисола ана шу ички бир эҳтиёж натижаси ўлароқ қоғозга тушди. Бироқ унда мавзу кун тартибига қўйилди ва бу борадаги дастлабки кузатишларгина баён этилди, холос. Муаллиф тадқиқда айни масаланинг барча қирраларини қамраб олишни ният қилган эмас. Бу жуда қизиқарли ва ўта муҳим мавзу ҳали кўп ишланади.

Ўқиётганингиз нашрдаги фикру мулоҳаза, ҳукму хулоса, талқину таҳлиллар – гўёки муаллифнинг ўзи учун ёзганлари. Аммо, эҳтимолки, улар кимларнингдир Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирар, энг муҳими, балки Алишер Навоий асарлари мағзини чақишига кўмаклашар. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёту фаолиятлари, у киши қиёмига етказган тариқат ҳақида ўтган аср 90-йиллари биринчи ярмида чоп этилган мақолаю китоблар қўлингиздаги монографиянинг ана шундай х о с йўналишини тайин этган бўлса ҳам, ажаб эмас. Чунки айни мавзудаги ҳар қандай икки китоб бир-бирининг такроридан иборат бўлмаслиги, аксинча, ўзаро бир-бирини тўлдириши лозим.

1992 йил 3 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги тарихий қарори қабул қилинди. Бу амалда мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин азиз-авлиёларимиз таваллуд тўйларини ўтказишга бағишланган илк дадил қадам эди. Айни қонуности ҳужжати истиқлол туфайли биз ўзлигимизни англашга, томирларимизни ўрганишга, диний-ирфоний қадриятларимиз, миллий маънавиятимизни қайта тиклашга қатъий киришганимиздан далолат берар эди.

Шу қарор асосида 1993 йилнинг 17 сентябрида Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Ўтган ана шу давр мобайнида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолияти, мероси ва хожагон-нақшбандия таълимотини ўрганиш мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Мамлакатимизда ўзига хос нақшбандшунослик шаклланди ва тобора ривожланиб бормоқда. 1994 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойида Бухорода анъанавий тарзда нақшбандхонлик Республика илмий-амалий анжумани ўтказиб келиняпти.

2004 йили 27 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди[2]. 2008 йилдан ***бошлаб шу Марказ муассислигида тасаввуф, жумладан, нақшбандия таълимотини ўрганиш ва бугун учун аҳамиятли ғояларини тарғиб қилишга йўналтирилган махсус “Нақшбандия” илмий-ирфоний, адабий-маърифий журнали чоп этиб келинади***[3].

[1] А б д у қ о д и р о в *А.* Навоий ва нақшбандийлик. / Адабий мерос, 1991 йил, № 4. – Б. 72.

[2] Нақшбандия билан боғлиқ қонуности ҳужжатлар монографиямиз биринчи қисмининг *“Истиқлол ва нақшбандия”* деб номланган 2-бобида батафсил маълумот берилади.

[3] Ушбу сатрлар муаллифи 2009 йилдан шу журналга бош муҳаррирлик қилади.

Тарихий манбаларнинг далолат беришича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳижрий-қамарий йил ҳисобида муҳаррам ойида дунёга келганлар. Бу ҳозирги тақвимимиз бўйича 1318 йилнинг мартига тўғри келади. Демак, бу зоти шариф таваллудларига 703 ***йил тўлди.***

Алишер Навоий мероси шундай буюк бир хазинаки, ундан халқимиз тарихининг энг қадим замонлардан то XV ***аср охиригача бўлган даврига тегишли деярли ҳар қандай масалага оид муносабат, ҳеч бўлмаса, муҳим бир маълумот топасиз.***

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолияти, хожагон-нақшбандия таълимоти тарихи, ғоялари тарғиби, бу тариқат вакиллари ҳаёти ва фаолияти бўйича туркий тилда улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири асарларидан кўра бойроқ ва мукаммалроқ бошқа бирон манба йўқ. *Шунинг учун Нақшбанд ва Навоий масаласи фақат адабиётшуносликкина эмас, амалда диншунослик, тасаввуфшунослик, фалсафашунослик, тарихшунослик, маънавиятшунослик, мафкурашунослик ва фаннинг яна кўплаб соҳалари изчил шуғулланиши лозим бўлган мавзу ҳисобланади. Бинобарин, ҳозиргача бу борада бир қадар илмий ишлар дунёга келди ва илгари яратилган айрим китоблар яна қайтадан чоп этилди*[4].

Навоий асарларида Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таърифи масаласини ёритиш учун, аввало, улуғ мутафаккир меросида ана шу буюк авлиёга, умуман, нақшбандия тариқатига муносабат, шунингдек, шоир ижодида нақшбандия таълимоти ғоялари тарғибининг кўринишлари ва йўналишларини аниқлаб олиш лозим.

Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, камида қуйидаги манзара намоён бўлади:

1. ***Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятини ёритиш*** (“Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват”).

2. ***Хожагон-нақшбандия тариқати вакиллари ҳаёти ва фаолиятини ёритиш*** (“Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Сайй-

[4] Н а с а ф и й. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандий. – Тошкент: 1992. Бу китоб “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд” номи билан 1993 йили қайта чоп этилди; А б д у қ о д и р о в А. Навоий ва нақшбандийлик. / Адабий мерос, 1991 йил, № 4; Қ а ю м о в А. Бу оҳанг ила бўлғасен Нақшбанд... – Тошкент: 1993; Б у х о р и й С. С. Дилда ёр. – Тошкент: 1993; Шу муаллиф. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Тошкент, 1993; У с м о н О. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: 1993; И с л о м и й Ҳ. Ипор ҳид ила туғилган ориф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: 1993; З о ҳ и д о в П. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Меъморий ҳазира. – Тошкент: 1993; С у л т о н И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: Фан, 1994; О л и м С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992; Шу муаллиф. Хожа Баҳоуддин ҳақиқати. – Наманган: 1994; Шу муаллиф. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996; Шу муаллиф. Луқмайи ҳалол. – Тошкент: Маънавият, 1997; Идрис Шоҳ. Нақшбандий тариқати. – Тошкент: 1993; Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад А л и. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент: 1993; Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи. Тузувчилар: Шамсиддинхон Зиёвуддинхон ўғли Б о б о х о н о в, Шайх Абдулазиз М а н с у р. – Тошкент: 1993; Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тузувчи: Зуфаржон Ж ў р а е в. – Тошкент: 1994; И с ҳ о қ о в Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Халқ мероси, 2002; Ислом тасаввуфи манбалари (Тасавуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа. Тузувчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи филология фанлари доктори, профессор Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: O‘qituvchi, 2005; К о м и л о в Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009; Шу муаллиф. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: Тамаддун, 2012; Ҳ о м и д и й Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2009; Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010; Тасаввуф адабиёти лингвопоэтикаси (Ўқув қўлланма). – Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2011; Глобаллашув шароитида тариқатлар: таълимот ва услублар, таҳлил ва хулосалар. – Тошкент: Movarounnahr, 2014; Тасаввуф атамалари. Изоҳли луғат. Биринчи китоб. – Тошкент: Movarounnahr, 2015; С а й ф у л л о ҳ С. Етти пир (Дунё муршидлари). – O‘zbekiston, 2019; С а й ф у л л о ҳ С. Тасаввуф ва нақшбандийлик (Манбалар ва ҳикматлар). – O‘zbekiston, 2019; С а й ф у л л о ҳ С. Хожагон-нақшбандия (Асослар ва рашҳалар). – O‘zbekiston, 2020; Р а ҳ и м о в К. Хожагон-нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент: O‘zbekiston, 2020; Р а ҳ и м о в К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII – XI асрлар). – Тошкент: Akademnashr, 2020.

ид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Мажолис ун-нафоис”, “Сирож ул-муслимин”[1], “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”[2], “Арбаъин”[3]).

3. ***Нақшбанд ва нақшбандийлар бадиий тимсолларини яратиш*** (“Ҳайрат ул-аброр”, “Лисон ут-тайр”).

4. ***Бадиий асарларда нақшбандия таълимоти ғояларини тарғиб этиш*** (“Хазойин ул-маоний”, “Девони Фоний”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъайи сайёр”, “Садди Искандарий”, “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Сирож ул-муслимин”).

Бу йўналишларнинг ҳар бири – алоҳида-алоҳида тадқиқотга мавзу бўлгулик даражада катта қамровга эга. Аммо илмимизда ҳали масала айнан шу тарзда қўйилиб, комплекс равишда изчил ўрганилганича йўқ. Бу йўналишлар юзасидан қарашларимиз ҳам мунтазам равишда ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб бораётибди. Шунинг учун ҳам даврлар ўтгани сайин улуғ авлиё Нақшбанд билан доҳий шоир Навоийни ўзаро боғлаб *турган талай ришталарни изчил ва майдалаб ўрганишга эҳтиёж кучайгандан кучаяверади. Чунки тасаввуф тарихида нақшбандия энг сўнгги мукаммал тариқат экани, Навоий мероси миллий маънавиятимизнинг юксак чўққиси ҳисобланиши, унинг асарларида бу тариқат муаллифнинг асл эътиқоди, мафкураси янглиғ намоён бўлгани инобатга олинса, бу хусусда сўз юритишнинг аҳамияти ўз-ўзидан аёнлашади ва тиниқлашади.*

Шу тариқа ҳаёт билан фалсафанинг, фалсафа билан тасаввуфнинг, тасаввуф билан адабиётнинг, адабиёт билан ғоянинг, ғоя билан сўзнинг бир-бирига чамбарчас алоқаси очила боради. Энг муҳими, шу асосда биз Нақшбанд билан Навоийнинг башарият шуурий хазинасига буюк ҳисса бўлиб қўшилган дурдона фикру ғояларидан бугунимиз учун бевосита керак бўладиган муҳим жиҳатларни ҳам топамиз.

Келажакда ана шу йўналишлар бўйича катта-катта тадқиқотлар олиб борилиши – тайин. Ушбу тадқиқотимизда Навоий асарларидаги Нақшбанд таърифланган асосий-асосий нуқталаргагина тўхтаб ўтамиз.

Монографиямизнинг “Нақшбандия – Навоий ижодининг ғоявий асоси” деб номланган *1*-қисми билан “Лисон ут-тайр”нинг қиёсий поэтикаси: синтез, назиравийлик ва таржимавийлик” деб аталган 2-қисми ўзаро бир-бирини тўлдиради, деб ҳисоблаймиз. Асосий фарқ шундан иборатки, 1-қисмда Навоий ижодида нақшбандийлик кенг миқёсда, яъни умумий асосда ўрганилади. 2-қисмда эса бу масала бир асар мисолида, яъни хос тарзда кўриб чиқилади.

Муаллиф ўзи учундай қилиб ёзгани ушбу китобининг зукко ва азиз ўқувчилар тарафидан синчиклаб мутолаа этилишига умидвор бўлиб қолади. Унга Сизнинг фикрингиз, муносабатингиз, маслаҳатингиз керак.

---

[1] Бу асарнинг ёзилишига, жумладан, нақшбандиянинг XV асрдаги энг йирик муршиди Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг тирик пайтида бировга Навоийнинг шариат аҳкомлари ҳақида асар ёзишини кутганини айтгани ва йиллар ўтиб, ўша киши буни шоирга етказгани ҳам сабаб бўлган.

[2] Бу асарда эпизодик тарзда нақшбандия тариқати вакили, Хожа Баҳоуддин Нақшбандниг халифаси Хожа Муҳаммад Порсонинг бир фикрига суянилади: *“Ва Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу баъзи нусхада мундоқ битибдурким: “Хизр алайҳиссалом Сабзаворнинг Кавк отлиғ кентидиндур ва ҳоло Ҳазрат Рисолат саллаллоҳи васаллам динидадур ва имом Шофеъий раҳматуллоҳи мазҳабидадур”, валлоҳу таоло аълам”* (*Алишер Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 129). Шунга кўра, уни мазкур рўйхатга киритдик.

[3] Маълумки, Навоийнинг устози ва пири Абдураҳмон Жомий Муҳаммад(с. а. в.)нинг қирқта ҳадисини танлаб олиб, форс-тожик тилида улар мазмунини икки байтли (тўрт сатрли) қитъалар тарзида шеърга солади. Навоий шу форсий қитъаларни ўзбек тилига таржима қилади. Асарда Жомийга муносабат ҳам акс этгани учун уни шу гуруҳга киритдик.

БИРИНЧИ ҚИСМ

НАҚШБАНДИЯ – НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСИ

БИРИНЧИ БОБ[1]

ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД: ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Исми, лақаби, нисбаси ва шажараси

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий – ислом оламининг энг машҳур авлиёларидан бири, нақшбандия тариқатининг асосчиси.

Халқ орасида *"Баҳоуддин", "Баҳоуддинжон", "Хожа Баҳоуддин", "Баҳоуддин Балогардон", "Балогардон", "Хожайи Бузрук", "Шоҳи Нақшбанд"* номлари билан ҳам машҳур.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Бухорийнинг асл исми – *"Муҳаммад"*. Отасининг исми ҳам *"Муҳаммад"* бўлган. Баъзи манбаларда бобосининг исми ҳам *"Муҳаммад"* экани ҳақида маълумот келтирилади. Ўша даврда ёзилган мўътабар манбаларда Хожа Баҳоуддиннинг насаби ҳақида бирор-бир маълумот учрамайди. Кейинги даврларда битилган китобларда Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ота тарафдан саййидлар авлодидан экани зикр этилган. Баҳоуддин Нақшбанднинг манбаларда келтирилган шажараси Имом Жаъфар Содиқдан бошланиб, қуйидагича давом этган:

1. Имом Жаъфар Содиқ.
2. *Имом Мусо Козим.*
3. *Мусо Ризо.*
4. *Имом Муҳаммад Тоқий.*
5. *Имом Али Тоқий.*
6. *Имом Ҳасан Аскарий.*
7. *Саййид Али Акбар.*
8. *Саййид Фахриддин (ёки Муҳйиддин).*
9. *Саййид Тоқи Сўфий Хилватий.*
10. *Саййид Булоқ (ёки Исҳоқ, Илоқ).*
11. *(Саййид Қилич) Саййид Маҳмуд.*
12. *Саййид Бурҳониддин.*
13. *Саййид Шаъбон.*
14. *Саййид Қосим.*
15. *Саййид Зайнулобиддин.*
16. *Саййид Абдуллоҳ.*
17. *Саййид Бурҳониддин.*
18. *Саййид Жалолиддин.*

[1] Китобимизнинг ушбу фаслида тасаввуфшунос Комилжон Раҳимовнинг сўнгги маълумотлар асосида ёзилган қуйидаги мақоласида келтирилган факт ва далиллардан унумли фойдаландик: Р а ҳ и м о в К. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, фаолияти ва таълимоти. / Нақшбандия, 2014 йил, № 1. – Б. 16 – 25.

19. *Саййид Муҳаммад Бухорий.*

20. *Хожа Баҳоуддин Нақшбанд*[1].

Баҳоуддин Нақшбандниng насаби она тарафдан ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади[2].

Хожалар авлодидан бўлгани учун унинг номи олдига Хожа сўзини ишлатиш расм бўлган. Бухоролик бўлгани учун *Бухорий* нисбаси, ёшлигида отаси билан бирга кимхобга нақш солиш ҳунари билан шуғулланган учун *Нақшбанд* лақаби билан машҳур бўлган. Ўша даврда матоларга нақш ишлаган, нақш солинган кўйлаклар ёки нақшли гиламлар тўқиган касб эгалари *нақшбанд* дейилган. *"Баҳоуддин"* сўзи *"Диннинг нури"* деган маънони англатади. Бу – Хожа Нақшбандга кейинчалик берилган фахрли унвон. Манбаларда баъзан: *"Баҳо ул-Ҳаққи ва-л-миллати ва-д-дин",* яъни: *"Ҳақ таоло, миллат ва диннинг нури",* – деган тўлароқ тарзда ҳам келтирилади. Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват" тазкирасида қайд этилган маълумотга кўра, хожагон-нақшбандия тариқатининг олтин силсиласида бешинчи ҳалқа ҳисобланмиш Хожа Муҳаммад Бобо Самосий унга бир бўрк (бош кийими) беради, шунинг шарофати билан Баҳоуддинга балогардонлик хислати юзага келади. Яъни унинг Аллоҳдан балони қайтаришни сўраб қилган дуоси инобатга олинадиган бўлади[3]. Баҳоуддин Нақшбандниng *"Балогардон"* дейилиши – шундан.

Таваллуди

У ҳижрий сана билан 718 йилнинг муҳаррам, милодий сана билан 1318 йилнинг март ойида Бухоро вилоятининг Когон туманидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилиб, ҳижрий 791, милодий 1389 йили ҳижрий ҳисобда 73, милодий ҳисобда 71 ёшда шу қишлоқда вафот этган. У туғилган Қасри Ҳиндувон қишлоғи кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд шарафига *"Қасри орифон"* деб атала бошлаган ва ҳозир ҳам шундай ном билан юритилади. *"Орифон"* сўзи *"орифлар",* яъни *"сўфийлар", "авлиёлар"* деган маънони англатади.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган хожагон тариқатининг Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжирфағнавий, Хожа Али Ромитанийдан кейинги (бешинчи) пири Хожа Муҳаммад Бобо Самосий баъзи муридлари билан Қасри Ҳиндувондан ўтаётиб, бу ерда яқин келажакда бир буюк зот туғилишини ҳис этади*: "Бу тупроқдан бир йигитнинг ҳиди келяпти. Яқинда унинг шарофати билан Қасри "ҳиндувон қишлоғи Қасри орифон бўлади",* – дейди. Орадан бир муддат ўтиб, яна шу қишлоқдан ўтаётиб у муридларига: *"Бизнинг димоғимизга келиб турган ҳид ортиқроқ бўлибди, ўша бола* туғилганга ўхшайди", – дейди. Ўшанда Баҳоуддин Нақшбанд туғилганига уч кун бўлган экан. Бобо Самосийнинг Қасри ҳиндувонга келганини эшитган бобоси неварасини ихлос ва ҳадя билан Бобо Самосийнинг ҳузурига келтиради. Чақалоқни кўрган Самосий бобо: *"Бу бизнинг ўғлимиздир, уни фарзандликка қабул қилдик"* – дейди ва суҳбатдошлари сари боқиб: *"Бизга олдиндан иси келган бола – шу. У келажакда раҳнамо бўлади",* – деб башорат қилади[4].

---

[1] Муҳаммад Ф а з л у л л о ҳ. Умдат ул-мақомот. – Кобул, 1397/1977. – Б. 63; *Лоҳурий.* Хазинат ул-асфиё. Ж. 1. – Канпур (Ҳиндистон): 1312/1894. – Б. 549; Носириддин Б у х о р и й. Туҳфат уз-зоирин. – Бухоро: 1910 (тошбосма). – Б. 54

[2] Қаранг: Носириддин Б у х о р и й. Туҳфат уз-зоирин. Бухоро: 1910. 54-бет.

[3] Қаранг: Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 261.

[4] Қаранг: Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 261.

Хожа Баҳоуддин эндигина тўрт ёшда бўлган пайти онасига: *“Сигиримиз пешонасида Ҳилол (Янги ой) шаклидаги белги билан бузоқ туғади”*[5], – дебди. Бир неча ойдан сўнг, башорат қилинганидек, пешонасида Ҳилол шакли бор бузоқ туғилибди.

Пирлари ёхуд муридлик даврлари

Баҳоуддин Нақшбанд умри давомида бир неча пирнинг тарбиясини олган. Биринчи пири – Хожа Муҳаммад Бобо Самосий эди. Юқорида эслатиб ўтилганидек, у зот бу буюк шахснинг туғилишини олдиндан билган ва чақалоқлигида уни фарзанд(мурид)ликка қабул қилган. Кекса шайх бу ёш муридини тарбиялашни ўринбосарларидан бўлмиш Амир Саййид Кулолга топширади. Иккинчи пири Амир Саййид Кулол тариқат бобида билганларини ўргатиб бўлганидан кейин шогирдига бошқа пирлардан илм ўрганиши учун ижозат беради.

Баҳоуддин илм истаб, яссавия тариқати шайхларининг машҳур вакилларидан бўлмиш Қусам Шайх олдига, Нахшаб, яъни ҳозирги Қаршига боради. Уч ой ундан таълим олади. Баҳоуддиннинг бу пирга ихлоси баланд бўлган, айни чоғда Қусам Шайх ҳам уни ўз ўғлидек билиб, муридига чексиз ҳурмати туфайли кейинчалик Бухорога келиб, умрининг охиригача шу ерда яшаб, вафот этади. Қусам Шайх Баҳоуддинга учинчи пир эди.

Тўртинчи пири – Халил Ота (Султон Халил). Баҳоуддин Нақшбанд 1335 – 1346/47 йиллари, яъни 17 – 29 ёшлари орасида 12 йил (6 йил у Мовароуннаҳрга ҳукмдор бўлгунига қадар, 6 йил ҳукмдорлиги даврида) унинг хизматида бўлиб, тарбияланади.

Баҳуоддин Нақшбанд – увайсий эдилар. Манбаларнинг далолат беришича, у кишига Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний(1103 – 1179)нинг руҳи келиб, тарбия берган[6].

Силсиласи

Тарихда ўтган улуғ зотлар ҳақида гап кетганда “шажара” ҳамда “силсила” тушунчалари ўртасидаги ўта жиддий фарқни кўздан қочирмаслик зарур. “Шажара” луғавий жиҳатдан “дарахтнинг шохи”ни англатади. Бунда муайян шахснинг ота тарафдан айнан кимларга бориб боғланиши, яъни фалончи фалончининг ўғлининг ўғлининг ўғлининг ўғлининг ўғлининг ва ҳоказо ўғли экани аниқлаштирилади. Масалан, шажара бўйича Заҳириддин Муҳаммад Бобур – Соҳибқирон Амир Темурга олтинчи авлод. Демак, Бобурнинг отаси(Умаршайх Мирзо)нинг отаси(Султон Абусаид Мирзо)нинг отаси(Султон Муҳаммад Мирзо)нинг отаси(Мироншоҳ Мирзо)нинг отаси – Амир Темур. Шунинг учун ўша замонларда бу шажарани ёзиш керак бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ибн Умаршайх Мирзо ибн Султон Абусаид Мирзо ибн Султон Муҳаммад Мирзо ибн Мироншоҳ Мирзо ибн Амир Темур Кўрагон[7] тарзида битилган.

Силсила – бутунлай бошқа нарса. Аввало, у фақат тасаввуф пирларига нисбатан қўлланади. Қолаверса, бунда аждод-авлодлик чизиғи эмас, балки, пир-муридлик масаласи аниқлаштирилади.

Биринчидан, ҳар қандай силсиланинг бошида, албатта, Муҳаммад (с. а. в.) туради. Чунки тасаввуфий тарбия пайғамбар(с.а. в.)дан бошланиб, узлуксиз-узилишсиз равишда пирдан муридга ўтиб келади.

---

[5] Салоҳ ибн Муборак Б у х о р и й. Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин. Нашрга тайёрловчи Халил Иброҳим Споиоғлу. – Теҳрон: 1371/1992. – Б. 80.

[6] Бу ҳақда монографиямизнинг 2-қисмидаги *“Увайсий ҳам увайсиймиди?”* деб номланган 7-бобида батафсил сўз юритилади.

[7] Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Б о б у р. Бобурнома. – Тошкент: Фанлар академияси, 1960. – Б. 64.

Иккинчидан, силсилага фақат пирлик даражасига етган тасаввуф вакилларигина киради. Ҳар бир пир вафотидан олдин бирон-бир муридига халифалик вазифасини юклайди ва у пиридан сўнг тариқатга раҳнамолик (пирлик) қилади. Силсилага ҳар бир янги ном тиркалиши ўз даврида қозининг муҳри билан тасдиқланган.

Шунинг учун шажара билан силсилани аралаштириб тушуниш мутлақо мумкин эмас.

Нақшбандия силсиласи ҳам, яссавия силсиласи ҳам Хожа Юсуф Ҳамадонийга боғланади. Баҳоуддин Нақшбанд ана шу икки тариқат пирларидан ҳам таълим олгани учун икки силсилада ҳам саналаверади. Нақшбандия силсиласи манбаларда *"силсилат уз-заҳҳаб"*, яъни *"олтин силсила"* тарзида тилга олинади. Бу қуйидаги тарзда шаклланган:

1. *Сарвари коинот Муҳаммад (с. а. в., 571 – 632).*
2. *Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (р. а.[1], 573 – 634).*
3. *Ҳазрат Салмон Форсий (р. а., 578 – 657).*
4. *Ҳаз*рат Қосим ибн Муҳаммад (р. а., вафоти 605 йил).
5. *Ҳазрат Им*ом Жаъфар Содиқ (р. *а., 702 – 765).*
6. *Султон ул-орифин Боязид Бистомий (қ. с[2].,* вафоти 875 йил).
7. *Шай*х Абул Ҳасан Харақоний (қ. с., *963 – 1033).*
8. Шайх Абу Али Формадий (қ. с., *962 – 1055).*
9. *Ҳазрат* Хожа Юсуф Ҳамадоний (қ. с., *1049 – 1141).*
10. *Ҳазрат Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний – Хожа*йи жаҳон (қ. с., *1103 – 1179).*
11. *Ҳазрат Хожа Ориф* Ревгарий – Моҳитобон (қ. с., *1166 – 1263).*
12. *Ҳазрат Хожа* Маҳмуд Анжирфағнавий (қ. с., вафоти – 1286*).*
13. *Ҳазрат Хожа Али Ром*итаний (қ. с., *1191 – 1321).*
14. *Ҳазрат Хожа* Муҳаммад Бобо Самосий (қ. с., вафоти – 13*35).*
15. *Ҳазрат Х*ожа Саййид Амир Кулол (қ. с., *1281 – 1370).*
16. *Ҳазрат Хожа Баҳоу*ддин Накшбанд Бухорий (қ. с., *1318 – 1389)*[3].

Баҳоуддин Нақшбанднинг яссавия силсиласидаги ўрни эса қуйидагича:

1. *Хожа Аҳмад Яссавий (*қ. с., вафоти – 1166).
2. *Мансур бинни Арслон Бобо (*қ. с., вафоти – 1197).
3. *Абдулмалик Тож Хожа (*қ. с., вафоти – 1218).
4. *?*
5. *?*
6. *?*
7. *Халил Ота (*қ. с., вафоти – 1347).
8. *Баҳоуддин Нақшбанд (*қ. с., *1318 – 1389)*[4].

Абдулмалик Тож Хожа Билан Халил Ота орасида яна уч нафар пир бўлган. Улар ҳақида ҳозирча аниқ маълумотга эга эмасмиз.

Баҳоуддин Нақшбанд Қусам Шайх орқали ҳам яссавия тариқатига боғланади.

---

[1] Р. а. – разиаллоҳу анҳу.

[2] Қ. с. – қуддиса сирруҳу.

[3] Қаранг: Р а ҳ м а т К. Нақшбандия тариқатининг Бухорода давом этган силсиласи. / Нақшбандия, 2014 йил, № 1. – Б. 27.

[4] Қаранг: Т р и м и н г е м Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – Моквас: Наука, 1989. – С. 58.

Оиласи

Отасининг исми ҳам *“Муҳаммад”* бўлганини айтдик. Онасининг исми тарихий манбаларда қайд этилмаган бўлса-да баъзи янги асарларда, эҳтимол, оғзаки ривоятларга таяниб, *“Орифа”* бўлгани айтилади.

Баҳоуддин отаси кейинчалик Амир Баёнқулихоннинг ҳарбий хизматида бўлган. Бироқ қандай вазифа эгаси экани тўғрисида маълумот йўқ. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд шайхлик даврида муриди Амир Ҳусайнни Термиз томондаги ҳарбий қисмга жўнатиб, у орқали отасини Бухорога таклиф қилади. Дастлаб бу таклифни қабул қилмаган отаси охири Бухорога келишга рози бўлган[5]. Бундан Хожа Баҳоуддин Нақшбандниг шайхлик даврида отаси ҳаёт экани аёнлашади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд биринчи марта ҳажга отаси билан бирга боргани тўғрисида ҳам маълумот бор. Ҳаждан Бухорога қайтганида онасининг қабрини зиёрат қилади. Бундан ҳажга кетаётганида онаси ҳали ҳаёт экани аёнлашади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бемор отасига: *“Суратан сиз менинг отамсиз, аммо маънан мен сизнинг отангизман. Сиз мени шаклан тарбияладингиз, мен сизни маънан тарбиялайман”*[6], – деганидан отаси қариган чоғида тасаввуф йўлида ҳазрат Нақшбандга эргашганини тахмин қилиш мумкин.

Отаси ва онасининг вафоти саналари маълум эмас. Онасининг қабри Қасри Орифон қишлоғида, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси ҳудудида. Мантиқан отасининг қабри ҳам шу мозорда бўлиши керак.

Хожа Баҳоуддин Нақшбандниг комил инсон бўлиб етишувида уни чақалоқ пайтида Бобо Самосий ҳузурига олиб борган бобосининг хизматлари катта бўлган бўлиши керак. Шунингдек, манбаларда, Нақшбандниг солиҳа бир бувиси бўлгани ҳам қайд этилади. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат...”ида бу Хожа Баҳоуддин тилидан: *“...Бизга жаддае эрди, солиҳа, отамиз онаси”*[7], – тарзида эсланади. Бироқ ҳеч қаерда бу бувиси ҳақида батафсил маълумот учрамайди.

Фарзандлари

Баҳоуддин Нақшбандниг аёли тўғрисида ҳам тузукроқ маълуьмотга эга эмасмиз. Манбаларда қул ва жория сақламаганлиги тўғрисида зикр этилган бўлса-да, бироқ табаррукан унга хизмат қилиб юрган бир жорияси бўлгани ҳақида ҳам маълумот учрайди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбандниг тўрт қиз ва бир ўғли бўлган. Бир қизи ёшлигида вафот этган. Қолган уч қизи қуйидагилар:

1. Биби Хотун Калон. Алоуддин Атторнинг ўғли Ҳасан Атторга турмушга чиққан. Бу турмушдан Юсуф Аттор ва Муҳаммад Аттор исмли икки ўғил ва тўрт қиз дунёга келган. “Рашаҳот...”да Фахриддин Али Сафий янглишиб, Алоуддин Атторнинг Нақшбандниг қизи билан турмуш қурганини айтган[8]. Бу хато кейинги кўп муаллифлар томонидан тузатилган[9] бўлса-да, ҳозир ҳам баъзи китобларда кўзга ташланади.

---

[5] Салоҳ ибн Муборак Б у х о р и й. Анис ут-толибин... – Б. 353 – 363.
[6] Фахриддин Али С а ф и й. Рашаҳот. – Б. 343.
[7] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томли. Т. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 260.
[8] Фахриддин Али С а ф и й. Рашаҳот. Ж. 1. – Б. 140.
[9] *Мавлоно Ш а й х.* Манокиби Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (Хаворикн одоти Аҳрор). Қўлёзма. – В. 70б – 71а; *Доро Ш у к у ҳ.* Сафинат ул-авлиё. – Лакҳнав: 1862. – Б. 80; Муҳаммад Т о л и б. Матлаб ут-толибин. Қўлёзма. – В. 24а; *Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Таййиб Х о р а з м и й.* Силсилайи нақшбандия (Тазкират ул-авлиёйи Тоҳир Эшон). ЎзР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар хазинаси. 69-қўлёзма. – В. 126а.

2. Биби Робия Хотун. Аллома Мавлоно Фазлуллоҳ Найистонийга турмушга чиққан.

3. Биби Сарвар Хотун. Отасининг вафотидан кейин Абулхайр Туркистонийга турмушга чиққан. Бу турмушдан Хожа Баҳоуддин Набира, Хожа Амир Али ва Хожа Мирак дунёга келади.

Хожа Амир Алининг ҳам уч ўғли бўлган: Хожа Мир Муҳаммад, Шайх Зайниддин ва Хожа Баҳоуддин. Хожа Мир Муҳаммаднинг ҳам уч ўғли бўлган: Хожа Мирак, Мирзо Оёқ ва Низомиддин Аҳмад[1].

Юқорида қайд этилганидек, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд биринчи марта ҳажга борганида Бухорода ягона ўғли вафот этади. Эҳтимол, вафот этган фарзанди, аслида, айни бир бола, яъни қизи бўлиб, манбаларда жинси адаштириб ёзилгандир ҳам.

Ҳасанхожа Нисорий Бухорий(вафоти – 1005/1596)нинг “Музаккири аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) китобида Хожа Баҳоуддин Нақшбандниг зурриётларидан бўлган баъзи кишиларнинг номлари келтирилган. Низомиддин Мир Муҳаммад Нақшбандий, Саййид Ҳодий Нақшбандий, Саййид Иброҳим, Хожа Ҳасан Нақшбандий – шулар жумласидан. Бадахшонийнинг “Жомеъ ус-салосил” (“Силсилалар мажмуаси”) китобида Хожа Ҳасан Мозорий (XVI аср) ҳам Баҳоуддин Нақшбандниг наслидан экани қайд этилган.

Хожа Баҳоуддин Нақшбандниг зурриётларидан бир қисми ўзлари билан бирга Қасри Орифонда дафн этилган. Қолганлари Кобул ва Деҳлида яшаб, ўша ерларда вафот этган.

Муқаддас ҳаж зиёрати

Баҳоуддин Нақшбанд икки марта ҳажга борган[2]. Илк бор милодий 1370 йили муридлари ва отаси билан бирга бориб, Марв, Сарахс, Майхон каби шаҳарларда тўхтаб ўтган. Майхон шаҳрига келганида таниқли шайх ва шоир Абусаид Абулхайр(X аср)нинг авлодидан бўлган Хожа Муайяднинг уйида меҳмон бўлади[3]. Маккадалиги чоғида Бухорода ўғли вафот этади[4]. Ҳаждан қайтишда Бағдоддан ўтиб, Мозандаронга келади. У ерда таниқли уламо Сайфиддин Абҳарий билан кўришади.

Сўнгра Марвга етиб, бир муддат шу ерда истиқомат қилади. Марвда бўлганида Бухородан бир хабарчи келиб, ул зотни Мавлоно Ориф Деггароний йўқлаётганини айтади. У Мавлоно Орифнинг ҳузурига – ҳозирги Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Деггарон қишлоғига келади. Ўлим тўшагида ётган шайх иршод вазифаси мажбуриятини Хожа Муҳаммад Порсога ҳавола этганини айтиб, вафот этади[5]. Таъзия маросимларини ўтказиб бўлиб, Нақшбанд ҳазратлари яна Марвга равона бўлади. Яна бир муддат у ерда қолиб, сўнг Бухорога қайтиб келади. Бухорога қайтган куни, яъни милодий 1370 йили пири Саййид Амир Кулол вафот этади[6]. Саййид Амир Кулол вафот этишидан олдин муридларига Хожа Баҳоуддин Нақшбандга эргашишларини васият қилади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ўшанда 52 (ҳижрий тақвим бўйича эса 54) ёшда эди. Бу пайтда отаси ҳали ҳам ҳаёт бўлиб, Бухорода яшар эди[7].

---

[1] *Муҳаммад Т о л и б.* Матлаб ут-толибин. – В. 24а.
[2] *Муҳаммад Б о қ и р.* Мақомот. – Б. 58.
[3] Ўша манба. – Б. 143 – 144.
[4] Ўша манба. – Б. 135.
[5] Фахриддин Али ибн Ҳусайн Кошифий С а ф и й. Рашаҳоту айн ул-ҳаёт. Нашрга тайёрловчи Али Асғар Муинён. Ж. 2. – Теҳрон: 1977. – Б. 88 – 89.
[6] Мавлоно Ш а ҳ о б и д д и н. Огоҳийи Саййид Амири Кулол. – Карачи: 1381/1961. – Б. 60 – 61.
[7] Салоҳ ибн Муборак Б у х о р и й. Анис ут-толибин. – Б. 109.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд етмиш ёшида (1388 йили ёки бундан сал олдин) иккинчи марта ҳажга борган. Бунда Хожа Муҳаммад Порсо ҳам ёнида бўлган. Марвга етганида Хожа Порсони бошқа муридлари билан бирга Бовард (Абивард) йўли билан Нишопурга юборади. Ўзи эса Ҳиротга бориб, Зайниддин Абу Бакр Таёбодий (вафоти – 1388/89 йил) билан кўришиб, уч кун суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлади[8]. Сўнг сафарини давом эттириб, Нишопурда Бухородан бирга чиққан муридларига қўшилади. Бағдодга етиб келганида туя кира қилиб, Маккайи мукаррамага етиб боради. Ҳажни адо этгач, қайтишда Бағдодга келиб, Шайх Нуриддин Абдураҳмон бошлиқ тасаввуф мажлисида иштирок этади. Бу ерда қодирия тариқатининг асосчиси султон ул-авлиё Шайх Абдулқодир Гелоний, яъни Ғавс ул-аъзам қабрини зиёрат қилади[9]. У ердан Марвга келиб, бу ерда яна бир муддат яшаб қолади. Сўнг Бухорога қайтиб, умрининг охирига қадар шу ерда – Қасри Орифонда яшайди[10].

Асарлари

Олимлар форс-тожик тилида битилган “Ал-аврод”, “Далил ул-ошиқин” деган насрий, “Ҳаётнома” деган назмий асарларни Баҳоуддин Нақшбандга нисбат беришади. Булардан фақат “Ал-аврод”нинг бир қисмигина фалсафа фанлари доктори, профессор Гулчеҳра Наврўзова томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Унинг форс-тожик тилида битилган кўп рубоийси турли китоб қўлёзмалари таркибида бизгача етиб келган. Шулардан 5 таси жуда машҳур бўлган. Нақшбандий дарвешлар ҳар намоз охирида шу 5 рубоийдан биттасини ўқишни тариқат аҳлининг хос анъанасига айлантиришган эди[11].

Вафоти

Ҳаж зиёратидан қайтган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бетобланади. Хасталиги авж олгач, бир карвонсаройга бориб, унинг кичик бир хонасини макон тутади. Ёнида фақат айрим муридларигина бор эди. Қишлоққа нисбатан холироқ бўлгани учун бу ерни афзал кўрган бўлиши мумкин. Муридларни эса Баҳоуддин Нақшбанд ўзидан кейин иршод ижозатини кимга бериши қизиқтирар эди, албатта. Вазиятни тушунган пир ижозат бериш иши унинг ихтиёрида эмаслигини айтади. Вафотининг яқинлигини билиб, муридларига ўзидан кейин маънавий ўринбосар сифатида Хожа Муҳаммад Порсони қолдиришни таъкидлайди[12]. Бошқа бир ривоятга кўра: *“Бу масаладаги сўзимиз – Макка йўлида айтганимиз. Агар ким бизни орзу қилса, Хожа Муҳаммад Порсога қарасин”,* – дейди.

Ўлими олдидан Баҳоуддин Нақшбанд узундан-узун дуо қилади. Алоуддин Аттор эса пирининг бош тарафида Қуръони каримнинг “Ёсин” сурасини қироат қилар эди. Сура ярмига етганда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бу дунёдан кўз юмди. Бу ҳижрий 791 йил раби ул-аввал ойининг учинчиси (милодий 1389 йилнинг 1 марти) – душанба кечаси эди.

---

[8] Абдураҳмон Ж о м и й. Нафаҳот... – Б. 498 – 501.
[9] Ҳусайн В а с с о ф. Сафинат ул-авлиё. 2-жилд. – Б. 10 – 11.
[10] Фахриддин Али С а ф и й. Рашаҳот... – Б. 103.
[11] Бу рубоийларнинг асл матни ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол амалга оширган ўзбекчага таржимаси “Нақшбандия” журналининг 2013 йилги 2-сони(Б. 7)да босилган.
[12] Фахриддин Али С а ф и й. Рашаҳот... – Б. 103.

Мақбараси

Замонлар ўтиши билан қабри атрофида масжид, минора, мадраса, хонақоҳ, мусофирхона, дарвоза каби иморатлар қурилиб, натижада бу ер катта бир мажмуа ҳолига келган. XVI асрда Тоқи Миёна, Диловар ва Салом дарвозалари бунёд этилган. Тоқи Миёнадан Салом дарвозасигача бўлган ҳудудда "Даҳмайи Шоҳон" ("Шоҳлар хилхонаси") ўрин олган. Унда Абдулазизхон (1540 – 1549), Абдуллоҳхон (1583 – 1598), Имомқулихон (1611 – 1642), Субҳонқулихон (1682 – 1702) ва Нодир Девонбеги (XVII аср) каби Бухоро ҳукмдорлари ва юқори мансаб эгаларининг оилавий даҳмалари – мавжуд. Мажмуада, шунингдек, шайбонийлардан Абдулазизхон 1544 йили қурдирган хонақоҳ, Амир Музаффархон ва Абдулҳаким Қушбеги томонидан бино қилинган масжидлар, қорихона, мусофирхона, мадраса каби тарихий-меъморий обидалар жойлашган.

Халифа(ўринбосар)лари

Тасаввуф амалиётида ҳар бир етук шайх ўзига ўринбосар тайёрлаши қатъий анъанага айланган эди. Баҳоуддин Нақшбанднинг муридлари жуда кўп бўлган, албатта. Аммо улар орасидан у қуйидаги ишончли тўрт халифа қолдирган:

1. Алоуддин Аттор (вафоти – 1400).
2. Муҳаммад Порсо (1348 – 1420).
3. Ёқуб Чархий (вафоти – 1447).
4. Алоуддин Ғиждувоний (вафоти – 1448).

Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан кейин Алоуддин Аттор маънавий иршод бошлаб, шуҳрат қозонган. Тариқатда асосий оқимларга бўлиниш Аттордан кейин содир бўлган. Алоуддин Аттор билан бошланган алоия тариқати унинг вафотидан кейин ўғли Ҳасан Аттор ва шогирди Низомиддин Хомуш билан икки алоҳида йўл бўйича давом этган. Баҳоуддин Нақшбанддан ижозат олган Муҳаммад Порсо, Ёқуб Чархий ва Алоуддин Ғиждувоний турли жойларда ирфоний-тасаввуфий тарбия билан шуғулланишган.

Булардан Алоуддин Ғиждувоний ва Муҳаммад Порсо билан бошланган оқимлар унчалик оммалашмаган. Тариқат, асосан, Атторнинг халифалари ва Ёқуб Чархий билан давом этган. Чархий, манбаларда қайд этилишича, Нақшбанддан тарбия олиш билан бирга, узоқ йиллар Алоуддин Атторнинг суҳбатида ҳам бўлган. Шунинг учун кейинроқ ёзилган асарларда унинг Аттор халифаси ҳам экани ва тасаввуфий таълимни унинг раҳнамолигида тамомлагани ҳақидаги қараш ҳам – бор.

Баҳоуддин Нақшбанднинг халифалари орасида, тариқатнинг амалий жиҳатдан ривожига кўп ҳам ҳисса қўшмаган бўлса-да, бироқ ёзган асарлари сабаб тасаввуф тарихида, айниқса, нақшбандийликда назарий жиҳатдан катта ҳисса қўшган шахс – Хожа Муҳаммад Порсо.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси

Когон туманининг Бухоро шаҳридан 10 километр шимолий-шарқдаги Қасри Орифон қишлоғида жойлашган Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси беш аср мобайнида шаклланган. Унинг илк даври тарихи тўғрисида маълумот жуда оз. Баҳоуддин Нақшбанд қаблари олдидаги дастлабки бинолар, тахминан, ҳазрат вафотларидан кейин пайдо бўлган.

Чунки меъморий-археологик тадқиқотлар даврида илк биноларнинг қолдиқлари ва асослари топилди. Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан кўп ўтмай ҳазрат мақбараларининг ғарбий томонида қабристон пайдо бўлиб, унда ҳазратнинг мурид-мухлислари дафн қилина бошлаган.

Кейинчалик бу ерда Бухоронинг ҳукмрон сулолалари вакиллари дафн қилинган. Шу тариқа Даҳмайи шоҳон ташкил топди. XV аср охирида Баҳоуддин Нақшбандниг анъанавий қабрлари устига даҳма қурилиб, у мармар қоплама ва ўлчамлари бўйича бир-бирига мос келадиган гўзал нақшинкор мармар панжара билан безатилди. XVI аср биринчи ярмида шайбоний Абдулазизхон (1540 – 1590) буйруғи билан Баҳоуддин Нақшбанд қабрлари атрофи ҳазира билан ўраб олинди, унинг шимолий-ғарбий бурчагида эса милодий 1545 йили хонақоҳ барпо этилди. Ҳазиранинг шимолий томонидаги ҳовуз ҳам шу пайтда қазилган бўлиши керак.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси энг мўътабар ва машҳур зиёратгоҳга айланди ва у бу мақомни ҳозирги кунгача сақлаб келмоқда.

Ҳазиранинг фақат ғарбий бош пештоқи сақланиб қолган. Пештоқ – равоқсимон токчалардан ташкил топган баланд ғиштин девордан иборат. Ҳазира ҳовлисига кираверишда чап томонда катта масжид айвони ва ўнг томонда Қуръон тиловат қилинадиган гумбазли хона – мавжуд. Баҳоуддин Нақшбанд даҳмалари ҳазира кириш қисмининг марказида жойлашган. Ҳазира ёнида туғ, шимол томонда эса ҳовузча бор. Ҳовузчадан сал шимолроқда муқаддас сув сақланадиган қозонга эга сақохона жойлашган.

XIX асрда ҳазира шимолга қараб кенгайган. Бу даврда ёғочдан Амир Музаффархон (1860 – 1885) ва Абдулҳаким Қушбеги масжидлари қурилди. Абдулҳаким Қушбеги масжидининг айвони геометрик ва ўсимликсимон нақшлар билан безатилган.

Пишиқ ғиштдан барпо этилган хонақоҳ биноси суфа устида жойлашган. Бу иморат квадрат шаклга эга. Хонақоҳ залининг уч томонида кириш эшиклари – бор, ғарб томонда эса меҳроб жойлашган. Кириш эшиклари устки қисми – равоқли токчалардан иборат. Диаметри катта бўлмаган гумбаз бир-бири билан туташган мустаҳкам равоқлар(арка)га таянади. Марказий ички қисми декоратив белбоғ билан безатилган. Меҳроб қирма услубида ишлан муқарнас ва нақшлар билан зийнатланган. Хонақоҳ бурчакларида икки қаватли ҳужралар – мавжуд. Пештоқлар симметрик равишда қурилган. Бош жанубий пештоқ эса баландлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Уларнинг илк декорацияси (безаклари) бизгача етиб келмаган. Фақат ғарбий пештоқда сирланган сополга гул босиш услубида ишланган кичик ёзув парчаси сақланиб қолган.

Баҳоуддин Нақшбанд қабрининг ғарбида жойлашган шайбонийлар ва аштархонийлар даҳмалари, яъни Даҳмайи шоҳон катта қизиқиш уйғотади. Даҳмалар катта ғиштин параллель кўринишда бўлиб, безакли мармар билан қопланган. Баҳоуддин Нақшбанд қабри жойлашган ҳовлига кирадиган эшиги олдидаги Н. Сетняковский (XIX аср охири) томонидан *“Шайбоний қабри”* деб қайд этилган даҳма тахминан XVI аср бошларида қурилган. Аштархонийларга тегишли учта даҳманинг тадқиқ этилиши учала даҳма ҳам Субҳонқулихон (1680 – 1702) ва унинг хотини Пошшобиби (у Ситорайи Моҳи Хоса номи билан машҳур бўлган) томонидан XVII асрнинг 90-йилларида қурилганини кўрсатди. Субҳонқулихон ва унинг ўғли Убайдуллоҳхон (1702 – 1711) даҳмалари тарҳи бир-бирига ўхшайди. Уларнинг жанубий қисмида қуббасимон коридор-вестибюль, унинг томида туйнуклар, шимолий деворида эса қуббасимон даҳмаларга олиб кирувчи эшиклар жойлашган. Аёллар даҳмаси – бир-бири би-

лан қия гумбазли хочсимон шакллар кўринишидаги кенг туйнуклар орқали туташтирилган 6 та хонадан иборат. Хоналардан бирининг тепаси зинапояли вестибюль ҳисобланади. Субҳонқулихоннинг хотини дафн этилган даҳма устига ажойиб қабртош (ҳозир у Баҳоуддин Нақшбанд тарихий музейида сақланади) ўрнатилган. Қабртошдаги унинг темурий Султон Аҳмад(1469 – 1494)нинг ўғлига тегишли эканини англатувчи ёзувлар ўчирилиб, ўрнига Ситорайи Моҳи Хоса хонимга дахлдорлигини билдирувчи матн битилган. Бу даҳмалар фойдасига кўплаб вақфлар таъсис этилган. Аштархонийлар даҳмаси қурилиши даврида бир бора қабристондаги бошқа бинолар ҳам таъмирланди. Шайбонийларга тегишли бир неча қабр, жумладан, Абдуллоҳхон (1583 – 1598) қабри бир даҳмага бирлаштирилди.

XIX аср охири – XX аср бошларида хонақоҳ шарқий пештоқи қошида кичик минора ва бир неча ҳужрадан иборат бир қаватли меҳмонхона барпо этилди. Шу даврнинг ўзида мажмуа шимолида кичик бозорча ва унинг орқасида боғ бунёд қилинди. XX аср бошларида ҳар йили Наврўзда бу ерда “Сайли гули сурх” (“Қизил гул сайли”) байрами нишонланган.

XX аср бошларида қабристон ҳудудига олиб кирадиган асосий йўл – дарвозахона ғарбда жойлашган эди. Зиёратчилар бу дарвоза орқали ошхона ва бошқа қўшимча хоналардан иборат бўлган хўжалик ҳовлисига ўтишган. Ҳовлининг шарқий тарафида пештоқи мармар билан қопланган яна бир дарвоза қад кўтариб турган. Унинг атрофида эса 2 масжид ва мадраса мавжуд эди. Шу дарвозадан то Баҳоуддин Нақшбанд ҳазираларининг асосий дарвозаси, яъни Боби Саломгача узун тор йўлак чўзилган бўлиб, унинг 2 тарафида қат-қат қабрлар, даҳмалар жойлашган. Мажмуанинг бу қисми мустақиллик йилларида қайта таъмирланди.

1992 йилнинг 3 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 693 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори билан 1993 йилнинг 17 сентябрида Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Шу муносабат билан Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси жиддий таъмирланди, мамлакатимизнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бирига айлантирилди.

2002 йил 4 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори асосида 2003 йил 27 ноябрида Бухорода тасаввуф илмининг йирик намояндаси Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида юксак ташкилий савияда ўтказилди. Ғиждувонда унинг мақбараси мажмуаси бунёд этилди. Бу мажмуа таркибида янги масжид ҳам бор. Мақбара ёнидаги Мирзо Улуғбек мадрасаси таъмирланди.

Шу юбилей муносабати билан хожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиларидан бўлмиш Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси мажмуасига янги иморатлар – миллий нақшинкор айвонлар солинди. Ниятнинг холислигини қарангки, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов чизиб берган лойиҳа бўйича иш бошланганда ер остидан бузилиб кетган тарихий айвоннинг худди шу тарзда бўлган асоси топилди. Боби Ислом, яъни Ислом Дарвозаси ўрнида эса янги Боби Ислом бунёд этилди. Зиёратчилар мажмуага айнан шу дарвоза орқали кириб келадиган бўлди.

Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига бағишланган асосий тантанали маросим айнан Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтди. Бу тантанада Пре-

зидент Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади[1]. Бухоро шаҳрида шу санага бағишланган халқаро илмий-назарий конференция ҳам ўтказилди[2].

2009 йили ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд даҳмаси устига қўйилган қабр тоши янгиланди. Даҳманинг эски қабр тоши "Баҳоуддин Нақшбанд" тарихий музейига топширилди. Мазкур тошдаги матн 1964 йили нуроталик хаттот Абдужалол Самарқандий томонидан мармарга туширилган эди. Бу матнда буюк бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг умр йўли, у муборак зотнинг қилган ибратли ишлари баён этилган. Лавҳда "Бу ҳазрат буюк шайх, суннатни тирилтирувчи, бидъатни ўчирувчи, ҳақиқатни кашф этувчи, дақиқ маъноларни изҳор қилувчи, Ҳақнинг халқдан ҳужжати Саййид Муҳаммад ибн Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий(Аллоҳ сирларини муқаддас қилсин)нинг мунаввар қабртошидир", – деган сўзлари битилган. Янгиланган қабртошга ҳам худди ана шу ёзувлар араб алифбосида бухоролик хаттот Абдулғафур Раззоқов томонидан қайта кўчирилди.

Таниқли уста, Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати Олим Абдиев бошчилигида таъмирловчилар Боби Миёна дарвозахонасини бунёд этмоқда. Бир пайтлар бу ерда етимесирларга мурувват кўрсатиладиган ногиронхона бўлган. У ҳам ўз тарихий ўрнида қайта тикланмоқда. Мевазор барпо қилинди. Ҳудуддаги 2 масжид таъмирланиб, намозхонлар учун қулайликлар яратилди. Абдулазизхон хонақоҳи тубдан таъмирланди. Қасри орифон дарвозаси янгидан қурилди. Айвон нақшларига қайта зийнат берилди. Супаларга 10 сантиметр қалинликдаги тошлар ётқизилди. Ҳазратнинг оналари дафн этилган гўшага элтадиган йўл бўйлаб ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 120 ўринли анжуманлар саройи ишга туширилди. Шунингдек, 8 та меҳмонхона қурилди.

2013 йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида қайта қурилган ва ободонлаштирилган Биби Орифа мақбара мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Биби Орифа ҳазираси, деярли янгидан бунёд этилгандек даражада таъмирланган кўркам масжид, бу гўшага кўрк ва салқинлик бағишлаган ҳовуз, чиройли минора ва бошқа иншоотлардан иборат қадамжо билан бойиди.

Хуллас, мустақиллик йилларида Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси тўла қайта таъмирланди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёевеспубликаси Президенти муҳтарам Шавкат МирзиёевРеРРРРРлллл кўрсатмалари асосида Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида таъмирлаш ва қурилиш ишларининг янги босқичи ниҳоясига етказилди.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси зиёратига ҳар куни дунёнинг турли бурчакларидан, мамлакатимизнинг барча минтақаларидан минглаб зиёратчилар ташриф буюради.

---

[1] Бу нутқ матни "Нақшбандия" журналининг 2009 йилги 2-сони(Б. 6 – 9)да ҳам чоп этилган.

[2] Ўрни келгани учун шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, 2004 йил 25 мартида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори чиқди. Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валий нақшбандия тариқатининг XV асрдаги энг йирик раҳнамоси ҳисобланади. Ана шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Хожа Аҳрор Валий асарларининг қўлёзмалари манбаларини кенг, холисона талқин ва ёндашувлар асосида ўрганилди, алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги замонавий тадқиқотлар тўпланиб, нашр этилди, Самарқанд шаҳрида "Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди, алломанинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий-ҳужжатли фильм суратга олинди, Самарқанд туманидаги Хожа Аҳрор Валий меъморий мажмуасини таъмирлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, бу ер яна қайтадан юртимизнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бирига айлантирилди. Шу тахлит мамлакатимизда тасаввуф тарихи, назарияси ва амалиётини ўрганиш, бу тариқат вакиллари меросини тадқиқ этиб, нашр қилиш ишлари ўзига хос йўналишга айланди.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази

2004 йил 27 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази нодавлат ташкилот, ташкилий шаклига кўра, муассаса ҳисобланади. Марказ ўз фаолиятини жамоатчилик асосида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги ва амалдаги бошқа қонунлар, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгашининг қарорлари ҳамда ўз Низомига биноан амалга оширади.

Мазкур Марказига нақшбандия шайхлари қолдирган бой маънавий меросни тўплаш, ўрганиш, нашр этиш, тарғиб қилиш, келажак авлодга асл ҳолда етказиш, Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулхолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаларини халқаро миқёсдаги зиёратгоҳларга айлантириш, уларда зиёратчи юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш, тасаввуф таълимотининг халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида, ислом олами ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада оширишга кенг имкониятлар яратиш ва бошқа муҳим вазифалар юклатилган.

2008 йилдан буён ана шу Марказ муассислигида “Нақшбандия” илмий-ирфоний, адабий-маърифий журнали чоп этиб келиняпти. У Марказий Осиёдаги тасаввуф йўналишида чиқадиган ягона нашр ҳисобланади.

Марказда 2009 йили ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Шарқ хаттотлик ва миниатюра санъатидан намуналар. VII – XXI асрлар” альбоми ўзбек, рус, инглиз, француз ва япон тилларида тайёрланиб, чоп этилди. Шунингдек, Марказ ходимлари 2011 йили нашр этилган “Ўзбекистон обидаларидаги дурдона битиклар” альбоми, унинг Самарқанд (икки жилд, 2015), Қорақалпоғистон (2015), Навоий (2015), Бухоро (2 жилд, 2016), Қашқадарё (2016), Тошкент вилоят(2017)лари, шунингдек, Хива (2015) ва Тошкент шаҳар(2016)лари меъморий обидалари битикларига бағишланган жилдларини тайёрлашда иштирок этди. Бу альбомларда мамлакатимиз меъморий обидаларидаги туркий, форсий ва арабий тилларда битилган матнлар ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги таржима ва шарҳлари билан бирга чоп этилган.

Марказ ҳузурида ахборот-ресурс маркази ҳам ишлаб турибди.

Бу ер – Ўзбекистонимизнинг энг муқаддас гўшаларидан бири. Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси маркази олиб бораётган эзгу ишлар эса бизда миллий маънавий қадриятлар қанчалар юксак даражада эъзозланаётганини олам-жаҳонга намоён этишда ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти.

“Нақшбанд”ми ё “Нақшбандий”?

Юртимизнинг бутун дунёга машҳур фарзандларидан бири – Баҳоуддин Балогардоннинг муборак номларидаги касбу корлари билан алоқадор тахаллуслари *“Нақшбанд”*ми ё *“Нақшбандий”*ми?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 ноябрида чиқарган қарори асосида 1993 йил сентябрида Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш белгиланган туртки бўлиб, мамлакатимиз илм-фанида нақшбандшунослик жадал бошланди. Қисқа фурсат ичида янги ўзбек нақшбандшунослиги пайдо бўлди. Мат-

буотда кетма-кет Ориф Усмон, Абдуқодир Ҳайитметов, Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Абдулқодир Зоҳид, Муҳаммаджон Имомназаров ва бошқа талай олимларимизнинг мақолалари чиқиб турди. Таваллуд тўйигача ва ундан кейин кўп рисолалар чоп этилди. Доно Насафийнинг "Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандий"[1], Азиз Қаюмовнинг "Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд..."[2] Садриддин Салим Бухорийнинг "Дилда ёр"[3], Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир"[4], Ориф Усмоннинг "Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида"[5], Ҳамидхон Исломийнинг "Ипор ҳид ила туғилган ориф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд"[6], Пўлат Зоҳидовнинг "Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Меъморий ҳазира"[7], Иззат Султоннинг "Баҳоуддин Нақшбанд абадияти"[8] ва ушбу сатрлар муаллифининг "Хожа Баҳоуддин ҳақиқати"[9] тадқиқотлари ўқувчилар қўлига тегди. Идрис Шоҳнинг "Нақшбандий тариқати"[10] рисоласи ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр этилди. Абулҳусайн бинни Муҳаммад Али Боқирнинг "Мақомоти ҳазрати Хожа Нақшбанд" рисоласини Маҳмуд Ҳасаний "Баҳоуддин Балогардон"[11] деган ном билан таржима қилиб, китобхонларга тақдим этди. Диний алломаларимиз – Шамсиддинхон Зиёвуддинхон ўғли Бобохонов билан Абдулазиз Мансур "Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи"ни[12] тузиб, нашр қилдиришди. Ношир-журналист Зуфаржон Жўраев тасаввуф, жумладан, нақшбандия ҳақида талай тадқиқотларни жамлаган "Ғолиблар хайлидан ёнган чироқлар"[13] тўпламини тайёрлади. Бухоро Давлат университети ҳузуридаги "Маърифат" нашриёти "Жаҳон мулкининг нигоҳбони"[14] номида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўллари, нақшбандия тариқатига оид тезис ва мақолалар тўпламини чиқарди.

Нашр бўлган китобларнинг номларига диққат қилган бўлсангиз, уларда *"Баҳоуддин", "Нақшбанд"* ва *"нақшбандия"* сўзларининг ҳар хил ёзилганини сезасиз. Насафий рисоласи муқовасида бу улуғ авлиё *"Нақшбандий"* дейилади. Уни варақлаганда гоҳ *"Нақшбанд",* гоҳ *"Нақшбандий"* деб битилганига кўзингиз тушади. Абдулазиз Мансур сўзбошисида, шунингдек, мутаржим – Маҳкам Маҳмуд ва муҳаррир – Асрор Самад изоҳларида *"Нақшбандий"* деб ёзилади. Рус тилидаги айрим нашрларда ҳам гоҳ *"Нақшбанд",* гоҳида *"Нақшбандий"* деб битиш учрайди[15].

"Кўп ҳолларда "Баҳоуддин Нақшбандий" деб айтиляпти, ёзиляпти, – дейди навоийшунос Ёқубжон Исҳоқов. – Бу – нотўғри. Форсий изофани ҳам сақлаб: "Баҳоуддини Нақшбанд" тарзида ёзишимиз – лозим"*[16].* Бу икки талабнинг биринчиси – айни ҳақиқат. Мўътабар манбалардан бирортасида Баҳоуддин ҳазрат тахаллуслари *"Нақшбандий"* деб ёзилмаган. Иккин-

---

[1] Н а с а ф и й. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандий. Тошкент: 1992. Бу китоб "Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд" номи билан 1993 йили қайта чоп этилди.
[2] Қ а ю м о в А. Бу оҳанг ила бўлғасен Нақшбанд... – Тошкент: 1993.
[3] Б у х о р и й С. С. Дилда ёр. – Тошкент: 1993.
[4] Б у х о р и й С. С. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. – Тошкент: 1993.
[5] У с м о н О. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. – Тошкент: 1993.
[6] И с л о м и й Ҳ. Ипор ҳид ила туғилган ориф Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: 1993.
[7] З о ҳ и д о в П. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Меъморий ҳазира. – Тошкент: 1993.
[8] С у л т о н И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Тошкент: 1994.
[9] О л и м С. Хожа Баҳоуддин ҳақиқати. – Наманган: 1994.
[10] Идрис Ш о ҳ. Нақшбандий тариқати. – Тошкент: 1993.
[11] Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад А л и. Баҳоуддин Балогардон. –Тошкент: 1993.
[12] Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи. – Тошкент: 1993.
[13] Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Тошкент: 1994.
[14] Жаҳон мулкининг нигоҳбони. – Бухоро: 1993.
[15] Қаранг: Т р и м и н г э м Дж. С. Суфийские орден в исламе. – Москва: 1989. – С. 26, 61, 83 и др.
[16] Қаранг: О ч и л о в Э. Нақшбандийми Нақшбанд? / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 30 апрель.

чи фикр ҳам хато эмас. Албатта, ўрни-ўрни билан *“Баҳоуддини Нақшбанд”* деяверайлик. Лекин форсий изофани қўллашни қатъий талаб қилиб қўйиш ўзбек тили табиати учун қанчалар маъқул бўлар экан? Унда барча тарихий кишиларимиз исми ва тахаллусини ҳам изофа билан – Ибни Сино, Алишери Навоий, Ҳусайни Байқаро, Заҳириддини Бобур, Бобораҳими Машраб, Зокиржони Фурқат ва ҳокозо тарзида айтишу ёзишга тўғри келмайдими?

“Баҳоуддин”, “Баҳовуддин”, “Баҳоваддин”... Буларнинг қай бири тўғри?

Арабчада, асли, *“Баҳо ал-дин”* тарзида ёзилади. Бироқ, араб тилининг хусусиятига кўра, кейинги сўз – *“дин”*нинг биринчи товуши – *“д”* ассимиляция ҳодисаси асосида “ал-”даги *“л”*ни ўзига ўхшатиб талаффуз қилишга ундайди ва *“ал-”*, ўз-ўзидан, *“уд-”* тарзида талаффуз этилади. *“О”* ва *“у”* унлиларини талаффузда *“в”* ундоши билан боғлаб туриш эҳтиёжи бор. Аммо *“уд-”*нинг асли *“ал-”* бўлгани учун бугунги ёзувимизда ўртага *“в”* қўшиб ёзишнинг иложи – йўқ[1]. Арабшунос-исломшунос алломаларимиздан Шайх Абдулазиз Мансур ҳам – шу фикрдалар. Шунинг учун ҳазрати Хожани *“Баҳоуддин Нақшбанд”* деб ёзган – маъқул.

Майли, биз ҳозир бу пири комилимиз исми шарифларини ёзишда қийналаётган, баҳслашаётгандирмиз. Бундан кейин Муҳаммад бинни Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий номларини қўлёзма манбалардагидек *“Нақшбанд”* деб ёзармиз, ул зот тариқатларини *“нақшбандия”* дермиз ва бу сулукдаги кишинигина *“нақшбандий”* деб атармиз. Ёки Баҳоуддин Балогардон таваллудларини нишонлаш ҳақидаги бундан кейин чиқадиган қонуности ҳужжатларда ҳам ҳозиргидек *“Нақшбандий”* деб эмас, *“Нақшданд”* деб ёзармиз. Аммо ҳозир ана шу улуғ бобомиз ҳақларида китоблар чиқа бошлаганининг ўзига қувонайлик. Ахир, атиги бир неча йиллар бурун буни орзу қилиш ҳам амри маҳол эди. Нақшбандия таҳлилига бағишланган китоблар битиш бизнинг замонда яна қайта жонланганининг ўзига шукр.

Гап номлар ҳақида мулоҳаза юритишдан бошлангани учун муҳтарам ўқувчиларимизда: *“Хўш, Нақшбанд ҳақидаги янги китоблардан биринг муаллифи – Доно Насафийнинг ўзлари* – ким?”– деган ҳақли савол туғилиши ҳам – мумкин. Бу – ўзбекистонлик рус ёзувчиларидан бўлмиш Евгений Березиковнинг янги тахаллуси. Евгений Березиков – Шарқсевар адиб. У бир пайтлар Қашқадарё вилоятида туман партия қўмитасининг биринчи, вилоят партия қўмитасининг иккинчи котиби лавозимларида ишлаган, кейин Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг котиби ҳам бўлган эди. Шунинг учун у Қарши шаҳрининг қадим номларидан бири – Насафни ўзига тахаллус қилиб олишни маъқул кўрган.

Ҳа, Ўзбекистон бугун мустақил давлат. Шунинг учун Евгений Березиковнинг ўзбекча тахаллус билан китоб чоп этгани жуда табиий ва биз халқимиз бой меросини элга етказиш бўйича хайрли ишлар қилаётган Доно Насафийни дуо қилишимиз – керак.

[1] Туркиялик тасаввуфшунос Фуод Кўпрулу ҳам бу зоти шариф номларини “Баҳоуддин Нақшбанд” деб ёзади.

ИККИНЧИ БОБ

ИСТИҚЛОЛ ВА НАҚШБАНДИЯ

Баҳоуддин Нақшбанд ва нақшбандия пирлари таваллуд тўйларини ўтказиш, ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш билан боғлиқ қонуности ҳужжатлар

1. 1992 йил, 3 ноябрь. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 693 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори.**

Бу тарихий қарор амалда мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин азиз-авлиёларимиз таваллуд тўйларини ўтказишга бағишланган илк дадил қадам эди. Айни қонуности ҳужжат истиқлол туфайли биз ўзлигимизни англашга, томирларимизни ўрганишга, диний-ирфоний қадриятларимиз, миллий маънавиятимизни қайта тиклашга қатъий киришганимиздан далолат берар эди.

Шу қарор асосида 1993 йилнинг 17 сентябрида Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Ўтган йиллар мобайнида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолияти, мероси ва хожагон-нақшбандия таълимотини ўрганиш мисли кўрилмаган даражада тараққий этди. Мамлакатимизда ўзига хос нақшбандшунослик шаклланди ва тобора ривожланиб бормоқда.

1994 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойининг учинчи жумасида Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказида анъанавий тарзда нақшбандхонлик Республика илмий-амалий анжумани ўтказиб келиняпти. **Унда мамлакатимизнинг таниқли тасаввуфшунос, диншунос, тарихчи ва филолог олимлари, шоир ва ёзувчилари, соҳа мутахассислари ўзларининг долзарб мавзулардаги маъруза ва чиқишлари билан иштирок этяпти.**

2. *2002 йил, 4 декабрь.* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори.

Ана шу қарор асосида 2003 йил 27 ноябрида Бухорода тасаввуф илмининг йирик намояндаси Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги ЮНЕСКО иштирокида юксак ташкилий савияда ўткази***лди.***

Ғиждувонда унинг мақбараси мажмуаси бунёд этилди. Бу мажмуа таркибида янги масжид ҳам – бор. ***Мақбара ёнидаги Мирзо Улуғбек мадрасаси таъмирланди.***

Шу юбилей муносабати билан хожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиларидан бўлмиш Хожа Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси мажмуасига янги иморатлар – миллий нақшинкор айвонлар солинди. Юбилейнинг ***асосий тантанали маросими*** айнан Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтди. Бу тантанада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов иштирок этиб, нутқ сўзлади[2]. ***Бухоро шаҳрида шу санага бағишланган халқаро илмий-назарий конференция ҳам ўтказилди.***

3. *2003 йил, 22 август.* *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги қарори.*

[2] Бу нутқ матни "Нақшбандия" журналининг 2009 йилги 2-сонида (Б. 6 – 9) чоп этилган.

Шу қарорда, жумладан, исломий йўналишдаги ўрта махсус ва олий таълим муассасалари мақоми жиҳатидан мамлакатнинг тегишли ўрта махсус ва олий таълим муассасаларига тенглаштирилди. Яъни илгари ўрта мадрасани битирганлар олий таълим муассасасига кириш учун, Тошкент ислом институти, яъни олий маъҳадни битирганлар магистратурага кириш учун ҳужжат топшира олмас, уларнинг дипломи фақат Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидагина инобатга олинар эди. Шу қарордан кейин эса бу дипломлар бошқа ўрта махсус ва олий таълим муассасалари дипломларига тенглаштирилди.

Шу қарор билан 15 та зиёратгоҳ фойдаланиш учун бутунлай Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига берилди. Улар орасида дин ва тасаввуф вакиллари номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар, яъни Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий мажмуаси, Имом Мотуридий зиёратгоҳи, Шоҳи Зинда мажмуаси, Сурхондарё вилоятидаги Ҳаким Термизий зиёратгоҳи, Абу Исо Термизий мақбараси, Такия ота зиёратгоҳи, Сўфи Аллоҳёр зиёратгоҳи, Фарғона вилоятидаги Соҳиби Ҳидоя шаҳристони зиёратгоҳи, Навоий вилоятидаги Қосим Шайх мажмуаси, Хоразм вилоятидаги Паҳлавон Маҳмуд зиёратгоҳи, Тошкент вилоятидаги Зангиота мажмуаси, Қашқадарё вилоятидаги Хўжа Жарроҳ зиёратгоҳи, Дор ус-сиёдат меъморий мажмуаси, Тошкент шаҳридаги Шайх Ховандн Таҳур мажмуаси ҳам – бор.

4. *2004 йил, 25 март.* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида буюк нақшбандий пир Хожа Аҳрор Валий асарларининг қўлёзмалари манбаларини кенг, холисона талқин ва ёндашувлар асосида ўрганиш, алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги замонавий тадқиқотларни тўплаш ва нашр этилди, Самарқанд шаҳрида “Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди, алломанинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий-ҳужжатли фильм суратга олинди, Самарқанд туманидаги Хожа Аҳрор Валий меъморий мажмуасини таъмирлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, бу ер яна қайтадан юртимизнинг муқаддас зиёратгоҳларидан бирига айлантирилди.

5. *2004 йил, 27 май.* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказига нақшбандия шайхлари қолдирган бой маънавий меросни тўплаш, ўрганиш, нашр этиш, тарғиб қилиш, келажак авлодга асл ҳолда етказиш, Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдулхолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаларини халқаро миқёсдаги зиёратгоҳларга айлантириш, уларда зиёратчи юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонлар учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш, тасаввуф таълимотининг халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида, ислом олами ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини янада оширишга кенг имкониятлар яратиш ва бошқа муҳим вазифалар юклатилган.

6. *2008 йил, 7 август.* [ОКОЗ:

1.**01.00.00.00 Конституциявий тузум / 01.17.00.00 Нодавлат нотижорат ташкилотлари (шунингдек, 03.03.10.03га қаранг) / 01.17.10.00 Ижтимоий жамғармалар;**

2.**06.00.00.00 Ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта тўғрисидаги қонунчилик. Ижтимоий ҳимоя / 06.13.00.00 Ҳомийлик;**

3.**13.00.00.00 Таълим. Фан. Маданият / 13.03.00.00 Маданият / 13.03.05.00 Маданий мерос объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш]**

[ТСЗ:

1.**Давлат ва жамият қурилиши / Жамоат бирлашмалари (жамғармалари), диний ташкилотлар, сиёсий партиялар]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори.

Мазкур қарорда муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк уламо ва азиз-авлиёларнинг табаррук номлари билан боғлиқ Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Ҳазрати Имом, Шоҳи Зинда, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Кўк гумбаз, Дор ус-сиёдат, Қосим Шайх каби мамлакатимиз ҳудудидаги қутлуғ зиёратгоҳ ва қадамжоларни талаб даражасида сақлаш ва ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини такомиллаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда "Нуроний" жамғармасининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Юртимизда яшаб ўтган, ёдгорлик ва қадамжолари қутлуғ зиёратгоҳга айланиб кетган азиз-авлиё ва мутафаккирларнинг қолдирган бебаҳо меросини халқимиз, аввало, ёшларимизнинг қалби ва онгига чуқур сингдириш, ноёб тарихий-меъморий мажмуалар бўлмиш мазкур зиёратгоҳларни сақлаш, тиклаш-таъмирлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш, ушбу қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу масканларга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, диний таълим муассасалари учун мутахассислар тайёрлаш ҳамда диний соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш масаласида молиявий кўмак бериш Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Каромат

...Алишер Навоий Баҳоуддин Нақшбандни *"увайсий"* дейди. XIX асрда яшаган машҳур шоираларимиздан бири – Жаҳонотин ўзига *"Увайсий"* деб тахаллус қўйган. Хўш, бу сўз нима маънони билдиради?

Шу саволга жавоб излаб, 1992 йил кузида "Увайсий ҳам увайсиймиди ёки Баҳоуддиннинг пирлари – ким?" деган мақола ёздим. Уни "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси таҳририятига топширган эдим.

Лекин увайсийлик нима эканини халқ унутиб бўлган эди. Чунки шоира Увайсий ҳақидаги илмий тадқиқотларда ҳам бу сўзнинг маъноси шарҳланмаган. Илгари замонларда ўтиб кетган бир улуғ авлиё зотнинг руҳи келиб кимгадир пирлик, яъни руҳий-маънавий устозлик қилса, уни тарбияласа, шу инсон *"увайсий"* дейилар экан. Баҳоуддин Нақшбандни Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳи тарбиялаган. Ҳолбуки, уларни икки асрдан кўпроқ вақт ажратиб туради. Бу Муҳаммад (с. а. в.) даврларида Яманда яшаган, пайғамбар(с. а. в.)ни кўрмай туриб, руҳан у кишидан таълим олган, шу тариқа ислом динига ўтган, Уҳуд жангида расуллоҳ(с. а. в.)нинг тишлари синганидан хаёлан хабар топиб, ўзининг ўттиз икки тишини суғуриб ташлаган Увайс Қаранийга ишора тарзида пайдо бўлган тушунча экан. Муҳаммад

(с. а. в.) ўлимлари олдидан табаррук хирқаларини (чакмонларини) ҳам айнан ўша яманлик Увайс Қаранийга бериб юборишни васият қилганлар.

Ана энди кеча – шўро даврида даҳриёна таълимот ботқоғига тамом ботган одамларга бундай диний-тасаввуфий тасаввурларни сингдириш мушкулотини айтинг. Моддиюнчилик, *даҳрийлик* қон-қонига сингдирилган кишиларни вафот этган инсоннинг руҳи бўлиши, у келиб бировга таълим-тарбия беришига ишонтириш – осон, деб ўйлайсизми?

"Жамият бу мақолани қандай қабул қилар экан, бу гапларга ким инонади?" – дея мулоҳаза юритиб турилган бир пайтда – ўша йилнинг 3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида" қарори қабул қилинди.

Бу мустақиллик тарихида диний-тасаввуфий зот таваллуд тўйини ўтказишга қаратилган илк қонуности ҳужжат эди. У амалда муқаддас динимизга, бой маънавий-тасаввуфий меросимизга муносабатимиз тубдан ўзгарганидан далолат берар эди.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 7 ноябрь сонида мазкур қарор матнини эълон қилди, кейинги жума, яъни 13 ноябрь сонида эса "Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ал-Бухорий таваллудининг 675 йиллиги олдидан" деган рукн остида "Увайсий ҳам увайсиймиди ёки Баҳоуддиннинг пирлари – ким?" сарлавҳали мақола босилди[1].

Бундай карамотни ҳеч ким кутмаган эди. Ҳатто, юқоридан таҳририятга қўнғироқ қилиб, ҳукумат қарорига тезкорлик билан муносабат билдирилгани учун раҳмат ҳам айтишган экан ўшанда.

Муаллиф ва таҳририят айнан истиқлол шарофати билан бундай гаплар газета юзини кўраётгани учун шукрона айтишга тўла ҳақли эди.

Янги босқич

Халқ – ҳамиша тарихи билан тирик. Тарихни варақлаш – ҳамма вақт қизиқ. Тарих тарихни етаклар экан. Тарих билан тарих эса ўзаро қиёс қилинади. Чунки мантиқан тарих фақат ўтмишгина эмас-да. У халққа, аввалambор, бугуни, эртаси учун керак. Тарих, бугун ва келажакнинг танаси – битта, улар бирлашиб, бир бутунни ташкил этади...

Мустамлакачилик сиёсати тарихий шахсларга муносабатни издан чиқарди, миллатнинг ўз аждодлари билан фахрланишига, *биз шундай улуғ зотларнинг фарзандлари бўламиз,* дейишига асло йўл қўймади. Кўп улуғ одамлар номи булғанди, улар ҳаёти ва фаолиятини истаганча қоралаб кўрсатди, айримлари ҳақида, ҳатто, лом-мим дедирмади. Халқ Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби Ватан, унинг равнақи учун курашган қанчадан-қанча улуғ зотлар, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Қаффол Шоший, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби буюк аждодлари муборак номини тилга олишдан ҳам қўрқиб яшашга мажбур қилинди.

Миллат ўзининг аср-асрлик иймон-эътиқодидан маҳрум этилди, муқаддас ислом дини ҳаддан ташқари таҳқирланди, иймонли-эътиқодли кишилар шафқатсизларча жазога тортилди.

Хуллас, шўро даврида ўзбек халқи маънавий-маданий меросидан тўла баҳраманд бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Меросга муносабатда тамоман мустамлакачилар нуқтаи назари ҳукмронлик қилди. Коммунистик мафкура ўз чиғириғидан ўтган асарларнигина ўрганди,

[1] О л и м С. Увайсий ҳам увайсиймиди ёки Баҳоуддиннинг пирлари ким? / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил, 13 ноябрь.

уларни ҳам ғаразли мақсадларига мослаб, аксарият ҳолларда хато талқин этди. Мероснинг катта қисмига қўл теккизишга, улар ҳақида оғиз очишга қўймади.

Ўзбек миллий урф-одатлари, халқ анъаналарига қарши сурункали кураш уюштирилди. Миллийликни йўқотиш амалда замонавийлик, илғорлик тарзида улуғланди. Халқ ўз аждодлари анъаналари асосида яшаш имконига эга бўлмади.

Коммунистик сиёсат, энг аввало, миллатнинг зиёлиларига қарши ҳужум бошлади. Халқни айнан ақлли, тафаккури кучли вакилларидан жудо қилишни ўзининг асл мақсади янглиғ билди. Инқилоб баҳонасида бойларни синф сифатида йўқотиш шиори остида мамлакатнинг не-не ақлли, кучли, тадбиркор, дунё кўрган одамлари бегуноҳдан-бегуноҳ қирғин қилинди. Сўнг эса Сталин қирғинлари даврида ҳам қанчадан-қанча зиёлилар бесабаб қатағонга учради. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва бошқалар ана шу қатағонлар қурбонлари бўлдилар.

Ростини айтганда, истиқлол туфайли, аввало, маънавий эркимизни қўлга киритдик. Эрк тушунчаси таркибида эса маданий меросга муносабат ҳам бор.

Маънавий меросни халқ, унинг вакиллари яратади. Бунда буюк-буюк зотларнинг ҳиссаси ҳамиша катта бўлган. Умуман, халқимиз орасидан етишиб чиққан улуғлар яратган маънавий меросни, шартли равишда бўлса ҳам, тўрт гуруҳга – олимлар, бадиий ижодкорлар, давлат ва жамоат арбоблари, азиз-авлиёлар яратган меросга ажратиш мумкин.

Ислом миллий меросимизнинг таркибий қисми ҳисобланади. Жаҳон тамаддунини ислом маданиятисиз тасаввур қилиб бўлмагани каби, ислом маданиятини Ўзбекистонимиздаги бой маънавий мероссиз кўз олдимизга келтиролмаймиз. Аммо буни бутун дунё афкор оммаси олдида исботлаб бериш керак. Истиқлол шунга имкон яратди.

Ота-боболаримиздан қолган: *“Ҳамма нарса дилу ниятга боғлиқ”,* – деган ажойиб нақлимиз бор. Яратган ҳам дил-ниятга қараб беради. Халқимиз: *“Мен дил қилсам, оламни гул қиламан”,* – деган ажойиб ҳикмат ҳам яратган. Лекин ниятнинг ўзи билангина иш битмайди-да. *“Сендан – ҳаракат, мендан – баракат”,* – деган ўгит замирида ана шу ҳақиқат ётибди.

2017 йил мамлакатимизда миллий меросимизга муносабатни тубдан ўзгартириб юборди, десак, ҳеч қандай муболаға қилмаган бўламиз. Бу даъвонинг исботи учун ўша 2017 йилнинг тарихга назар ташлайлик.

14 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

18 апрель куни **Ўзбекистон Республикаси Президенти** “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги **қарорини имзолади.**

1991 йили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ташкил этилиб, у ерда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали очилган эди. Бу ҳудудда 2007 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор, 2010 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек, 2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва унинг рафиқаси – таниқли шоира Саида Зуннунова хотираларига бағишлаб, ҳайкаллар ўрнатилган эди.

Бу қарорга кўра, Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиладиган, Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун равишда Адиблар хиёбонининг яхлит меъ-

морий ансамбль шаклидаги лойиҳаси ишлаб чиқилдиган бу манзилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун замонавий янги бино қуриладиган бўлди. Мазкур ҳудудда жойлашган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тасарруфига ўтказилди. Келгусида Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуалари барпо этилади. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом, Ўзбекистон давлат санъат музейи ёнидаги хиёбонда ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ҳайкаллари ҳам Адиблар хиёбонига кўчирилади[1].

21 апрель куни давлатимиз раҳбари пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Тошкент шаҳрининг Олмозор туманида бўлдилар. У киши, жумладан, Имом Термизий жоме масжиди билан ҳам танишиб, Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасида Ислом маданияти марказини ташкил этишдек эзгу мақсадни билдирдилар.

21 май куни Президентимиз Саудия Арабистонининг Риёз шаҳрида бўлиб ўтган Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этдилар. Ана шу ташриф давомида Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Ҳажар билан учрашдилар. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Имом Бухорий халқаро тадқиқот марказини тузиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 майда **қабул қилинган** “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” **қарори аҳамиятини ҳам алоҳида қайд этиш керак.**

Бу қарорда таъкидланадики: *“...Нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ғоят ноёб ҳисобланган, ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган қўлёзмалар фондига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, шунингдек, қадимий ёзма манбалар фондига эга бўлган муассасалар фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади”.* Ушбу ҳужжатга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қадимий қўлёзмалар, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган замонавий ёзма манбаларни сақлаш, ўрганиш, илмий асосда тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш бўйича мамлакатимиздаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланди ва бу илмий тадқиқот муассасасининг асосий вазифалари тайин этилди. Мамлакатимизда турли манбаларда сақланаётган ноёб ва қимматли қўлёзма асарлар, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, аҳолида сақланаётган шундай китобларни сотиб олиш ва Институтда жамланишини таъминлаш мақсадида экспертлар гуруҳи ҳамда комиссия тузилди.

8 – 9 июнь кунлари Юртбошимиз Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг саммитида нутқ сўзлаб, жумладан, Самарқанд шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти кўмагида Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот марказининг ташкил этилиши миллатлараро, маданиятлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлишини таъкидладилар.

[1] Кейинчалик буларнинг ҳаммаси амалга оширилди.

15 июнь куни Тошкентда “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Президентимиз мамлакатимиз зиёлилари, дин аҳллари вакиллари иштирокидаги бу анжуманда нутқ сўзлаб, мавжуд аҳволни атрофлича таҳлил қилдилар ҳамда бу соҳада давлат ва жамият олдида турган муҳим вазифаларни белгилаб бердилар. Видеоселекторда аҳоли, айниқса, ёшларни бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий-диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, буюк аждодларимиз қолдирган бой илмий меросни ҳар томонлама ўрганиш, уларни кенг жамоатчиликка етказиш, турли оқимларнинг ёт ғояларига қарши асосли раддиялар тайёрлаш мақсадида Самарқанд вилоятида ҳадис ва калом илми, Фарғона вилоятида ислом ҳуқуқи мактаби, Бухоро вилоятида тасаввуф мактаби, Қашқадарё вилоятида ақида мактабларини ташкил этиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берилди.

20 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шубҳасиз, хориждаги мамлакатимиз ва халқимизга оид маданий бойликларнинг сезиларли қисмини бевосита исломий йўналишдаги манба ва ашёлар ташкил этади.

23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори юртимизда давлатимиз раҳбари олиб бораётган изчил ва тизимли сиёсатнинг маҳсули янглиғ имзоланди.

Унда “ислом маданияти” тушунчага жуда кенг маънода қараган ҳолда талқин этилади. Исботи шуки, қарорда 11 нафар ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошимиз номи шарифи тилга олинади. Булар – Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Абу Муин Насафий, Қаффол Шоший, Абдухолиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий. Шу билан бирга, жаҳон илм-фани тарихида ўчмас из қолдирган 8 олим ва мутафаккир, яъни Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи номи шарифи саналади. Шунингдек, яна тўрт мумтоз адабиёт ва санъат намояндаси меросини ўрганиш кўрсатилади. Булар – Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу буюк боболаримизнинг муборак номлари мисол тариқасида келтирилган. Аслида, бу Марказда юртимизда ислом маданияти ривожига ҳисса қўшган кўп-кўп, ҳатто, минглаган зотлар мероси тадқиқ этилади, уларнинг башарият тамаддуни равнақига қўшган буюк ҳиссаси жаҳонга кўз-кўз қилинади.

Яна бир нарсани эсдан чиқармайлик: “ислом маданияти” деганда фақат диний мероснигина тушуниш биртомонламалик бўлур эди. “Ўзбекистондаги ислом маданияти” истилоҳи амалда Ватанимизга ислом дини кириб келганидан кейин ўтган даврлардаги “маданият” тушунчаси қамровига кирадиган, шунга алоқадор барча жиҳатлар тушунилади.

Ислом динининг илдизи араб диёрида бўлса ҳам, унинг шохлари Мовароуннаҳрда гуркираган, мева берган, деган қараш бор. Бу бежиз айтилмаган. Аждодларимиз муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшди. Олти буюк муҳаддиснинг икки нафари (Имом Бухорий ва

Имом Термизий) юртимиздан етишиб чиққан. Ислом оламида ҳадислар Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръони каримдан кейин турадиган муқаддас манба ҳисобланади. Ҳадис тўпламлари орасида энг мўътабари эса – Имом Бухорий тузган "Саҳиҳи ал-Бухорий" номи билан машҳур китоб.

Ўзбекистонимиз кўп-кўп цивилизацияларни кўрган. Унутмаслик керакки, ислом маданиятининг юртимизда бу қадар равнақ топишига асос бўлган муҳим омил ҳам – шу. Чунки араблар босқинига қадар ҳам юртимизда жуда катта тамаддун бўлган. Биринчидан, эрамиздан олдинги ва эрамизнинг дастлабки асрларида эътиқод вазифасини ўтаган зардуштийлик динининг ўзини олиб кўрайлик. Иккинчидан, Искандар Мақдуний, яъни Александр Македонский босқинидан кейин юртимизда Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг уйғунлашиши жараёни юз берди. Ўша давлардан топилган қанчадан-қанча осори атиқаларда ана шу уйғунлик акс этган. Бу халқимиз ўша VII аср охирларигача ҳам жуда катта ривожланиш босқичларини босиб ўтганидан далолат беради. Ҳатто, ундан қарийб минг йил бурун бу заминда "Авесто" яратилган эди. Халқ ўзининг ана шу юксак маданиятидаги ижобий жиҳатларни кейин ҳам сақлаб қолди, бир қисмини исломийлаштирди. Натижада Ўзбекистондаги ислом маданиятида ўзига хос тарзда уйғунлашиш, яъни синтезлашиш жараёни юз берди.

Бир-иккигина мисолга диққат қилайлик. Уйимизга меҳмон келгудек бўлса, у ўтириши биланоқ дуога қўл очамиз. Юзимизга фотиҳа тортганимиздан кейин қуюқ-қуюқ сўрашамиз. Овқатланиб бўлдикми, дастурхонга яна дуо қиламиз. Намозни бошяланг ҳолда ўқимаймиз. Таъзияда дўппи, чопон киямиз ва ҳоказо.

Бу одатлар – айнан бизнинг диёримизга хос. Айримлари арабларда ҳам йўқ. Ҳолбуки, бундай нозикдан-нозик урф-одатлар бизда исломийлашиб, диннинг талаби даражасига етган. Бунда ана ўша қадим маданиятларнинг таъсири ҳам бор, албатта.

"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорда мавжуд бир муҳим концепцияни алоҳида таъкидлаш керак. У ҳужжатнинг мана бу жумласида аниқ-тиниқ қилиб ифодаланган: *"Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир".*

Очиғини айтганда, мустақилликкина бизга бу ғояни ана шу тарзда қатъий қилиб қўйиш имконини берди. Аммо бу гапни айтишнинг ўзи билангина иш бита қолмайди. Энди шуни дунёга исботлаб, кўрсатишимиз керак.

Қарорда масалани: *"Мана, кўриб қўйинглар, биз фалон-фалон ишларни қилган халқмиз"*, – деган тарзда эмас, аксинча: *"Бизнинг бой меросимиз – амалда бутун инсониятнинг маънавий мулки"*, – тарзида қўйилган. Энг муҳими, бу меросни изчил ва теран ўрганиш алалоқибатда жаҳонда яратилажак янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқлигини уқтиряпмиз. Бу меросни тадқиқ этишда хорижий мамлакатлар мутахассисларини ҳамкорликка чорлаяпмиз. Шунинг замирида ҳам, қаранг, қандай юксак маънавият барқ уриб турибди.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ижросини таъмин-

лашга қаратилган эзгу ишлар бошланиб кетди. Президентимиз 1 сентябрь куни Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасида бўлиб, мазкур Марказ лойиҳаси билан танишдилар. Ана шунда у киши янги ташкил этилаётган Марказ номини *"Ислом цивилизацияси маркази"* деб ўзгартириш таклифини ҳам билдирдилар.

Албатта, *"ислом цивилизацияси"* тушунчаси – *"ислом маданияти"* тушунчасидан кўра чуқурроқ ва кенгроқ маънога эга. *"Цивилизация"* лотинча *"civilis"* сўзидан ясалган. Луғавий жиҳатдан у дастлаб фуқарога хос, давлатга тегишли деган маъноларни англатган. Французчада у *"civilization"* шаклини олган. Атама сифатида эса у *"маданият"* сўзига яқин, баъзан унинг маънодоши ҳам. Бироқ *"маданият"* калимаси *"цивилизация"*га нисбатан торроқ маъно ташийди. Яъни бу сўз, асосан, маънавий қадриятлар мажмуасини англатади. *"Цивилизация"* эса жамиятнинг ҳар тарафлама, жумладан, иқтисодий-техник тарафдан тараққиётини ҳам билдиради.

"Тамаддун" сўзи – *"цивилизация"*нинг ҳақиқий маънодоши. Масалан, Шарқ цивилизацияси, айниқса, ўрта асрлар мусулмон цивилизацияси ҳақида гап кетганда, услубий жиҳатдан *"тамаддун"* сўзини қўллаш – ҳар тарафлама муносиброқ.

Сўзни истилоҳий жиҳатдан таҳлил қилганда, цивилизация – ёввоийлик ва ваҳшийликнинг тескариси. Саудия Арабистонидаги ёввоийлик ва ваҳшийлик даври ислом таълимотида *"ж*аҳолат даври*"* деб юритилади. Қуръон нозил бўла бошлаши билан ислом тамаддуни юзага кела борди.

Араблар босқинидан қутулиб, мустақилликка эришган Сомонийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари даврида, яъни IX – XII асрларда, кейин мўғул истилосидан қутулиб, мустақил темурийлар давлатини ўрнатганимиздан кейин, яъни XIV – XV асрларда Марказий Осиёда жуда катта маданий кўтарилиш, яъни юксак даражадаги тамаддун юз берди.

Цивилизациянинг муҳим белгиси шуки, халқ энг юксак даражаларга етишни кўзлайди. Ҳамма соҳа тараққиёт сари юзланади. Буюк зотлар юзага келади. Энциклопедик билим эгалари пайдо бўлади. Бу фикрнинг тасдиғи учун Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Алишер Навоий, Камолиддин Биноий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Атоуллоҳ Ҳусайний ва бошқаларни етиштирган Ҳусайн Бойқаро ҳукронлиги замони ҳақида айтган мана бу эътирофини келтиришнинг ўзи етарли бўлса керак: *"*Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис (хусусан*) Ҳири (*Ҳирот*) шаҳри мамлу (*тўла*) эди. Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллиғи бор эди, ҳиммати ва ғарази (*ният, мақсади*) ул эдиким, ул ишни камолга тегургай"*[1].

Лойиҳага кўра, янги ташкил этилаётган бу Марказда академия, кутубхона, архив ва қўлёзмалар фонди ташкил этилиб, уларни бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ва уламолар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий тадқиқот ишлари, видео- ва фотоҳужжатлар билан бойитиш, 300 ўринли мажлислар зали барпо этиш кўзда тутилган.

Юртбошимиз ташкил этилаётган Марказда мазкур соҳага оид адабиётларни жамлаш, чет элларда бўлса, уларни юртимизга олиб келиш чораларини кўриш зарурлигини таъкид-

[1] Заҳириддин Муҳаммад Б о б у р. Бобурнома. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 239 – 240.

ладилар. Бундан ташқари, мамлакатимизда диний йўналишда кадрлар тайёрлашга ихтисослашган 9 (7 эркаклар ва 2 қиз-аёллар) ўрта махсус ислом билим юрти ва 2 олий (Тошкент ислом институти ва Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси) таълим муассасаси ҳам Марказ ихтиёрига ўтказиладиган бўлди.

Асримизни ҳар ким ҳар хил таърифлайди. Буларнинг бари – тўғри. Чунки замон ҳамиша кўпқиррали хусусиятларга эга бўлади. Аммо каминага қолса, XXI асрни *"реклама асри"* деган бўлардим. Нима учун? Глобаллашув даврида, айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ким рекламасиз рўёбга чиқа олади? Ҳеч ким! Энди буни халқ, мамлакат миқёсида тушуниб кўрайлик. Ўзбекистонимиз қандай мамлакат, халқимизнинг қандай бой маънавий меросга эга эканини, демакки, биз нималарга қодирлигимизни дунёга кўз-кўз қилмасак, ким бизни танийди, ким биз билан ҳисоблашади, ким биз билан ҳамкорлик қилади? Дунёга қўшилмай туриб, олдимизга қўйган олий мақсадимиз – тезроқ ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишдек юксак ниятга етишимиз жуда қийин кечади.

Аминмизки, Ислом цивилизацияси маркази келажакда мамлакатимизни дунёга янада чамбарчас боғлашга муносиб хизмат қилади. Юртимизнинг Ер юзидаги обрў-эътибори ортиб боргани сари интеграциялашиш жараёни тезлашади. Хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳам, сайёҳликнинг кучайиб, халқ ҳаётининг муҳим бир таркибий қисмига айланиши ҳам, экспортнинг ортиши ҳам, илмий-техникавий тараққиёт ҳам, илмий-маданий ҳамкорликнинг равнақ топиши ҳам – шунга чамбарчас боғлиқ.

Ҳеч бир халқ ўз тор қобиғига ўралиб олиб ривожланган эмас. Шу нарса ҳақиқатки, биз қанчалар дунёга мустаҳкам боғлансак, юртимизда тараққиёт суръатлари ҳам шунга мувофиқ равишда кескин тезлашади, албатта.

20 июль куни Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ артисти, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ана шу байрам иштирокчиларига табрик йўллади.

3 август куни **Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан видеоселектор учрашуви ўтказиб, «А**дабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида маъруза қилдилар. Маърузада, жумладан, "давлатимизни барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш мақсадида *2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"* ишлаб чиқилганини айтиб: *"*Мана шу Стратегияга мувофиқ, барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари равнақини янги босқичга кўтаришни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз*"*, – дедилар. Кейин бу борада олиб борилаётган амалий ҳаракатлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтилди.

Август ойи охирида Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" ўн биринчи халқаро мусиқа фестивали ўтказилди. 28 август куни унинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев унда табрик нутқи сўзлаб, 1997 йили ўтказилган биринчи фестивалда 31 давлатдан 57 нафар санъаткор қатнашган бўлса, бу гал 58 та мамлакатдан 241 нафар моҳир хонанда иштирок этаётганини мамнуният билан қайд этдилар. Бу фестиваль ҳар гал амалда ўзбек халқи бой мусиқий меросга ҳам эга эканини тўла исботлайди, дунёга кўз-кўз қилади.

Меросга янгича муносабат мамлакатимизда изчил сиёсатга айланди. 2017 йилнинг 14 сентябрида шу соҳага алоқадор яна икки қонуности ҳужжати имзоланди. Булар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида" ҳамда "Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва "Астрономия ва аэронавтика" боғни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Бу мамлакатимизда халқимиз бой миллий меросига муносабатнинг кескин ўзгарганини жаҳон миқёсида намоён этиш бўлди.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихан исломшунослик бўйича Саудия Арабистонидан кейинги ўта муҳим ўрин тутадиган ҳудудлардан бири ҳсиобланади. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг энг нуфузли халқаро минбаридан туриб давлатимиз раҳбарининг мана сўзларни баралла айтишга тўла ҳақли эди:

"Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни, энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман".

Тарихда биринчи марта ана шу энг нуфузли халқаро ташкилот минбаридан буюк бобомиз – Имом Бухорийнинг номи янгради: "Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган "Саҳиҳи Бухорий"нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган".

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинганини айтди.

18 октябрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбойжон мисолида" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ана шу конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

Ҳар юртнинг халқ бошига кўтарадиган муқаддас гўшалари бўлади. Бу жиҳатдан Ўзбекистонимиз жаҳондаги бошқа мамлакатлардан тамоман ажралиб туради. Чунки бизда не-не улуғ қадамжолар, қанчадан-қанча муқаддас маконлар – бор. Мамлакатимизда муқаддас динимизни, уламоларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

10 ноябрь куни Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзладилар. У исломий мерос тарғиби билан боғлиқ қуйидаги фикрни билдир-

дилар: «Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, биринчи галда ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш экстремизмга қарши курашишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Бу борада биз Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази ва Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини ташкил этишга қарор қилдик".

10 ноябрь куни Мир Араб олий мадрасаси ҳузурида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф илмий мактаби очилди. Тасаввуф мактабида тингловчиларга, асосан, нақшбандия таълимоти ўргатилади. Шунингдек, юртимиздан етишиб чиққан ва аҳолимиз ўртасида кенг тарқалган, мамлакатимиз тарихида ўзига хос ижтимоий-маданий аҳамият касб этган кубравия, яссавия ҳамда қодирия тариқатлари ўрганилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Тасаввуф мактабидаги дарсларда тасаввуф шайхлари, хусусан, нақшбандия тариқати буюк намояндаларининг ҳаёт йўли, турмуш тарзи ҳақидаги, шунингдек, маънавий-руҳий тарбияга оид китоблар ўқитилади. Тариқат пирлари томонидан насиҳат сифатида айтилган, яъни солиқларни тарбиялашга қаратилган ва бугунги кунда ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган ҳикматли сўзлар шарҳланади. Тингловчиларга мунтазам равишда араб ва форс тилидан сабоқ берилади, тарихий манбаларни ўқиш жараёнида тил қоидалари тушунтирилиб, уларнинг билим ва кўникмалари мустаҳкамлаб борилади. Замонавий тасаввуфшунослик соҳасида ўзимизда ва хорижий давлатларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар, илмий-оммабоп нашрлар, жаҳонда тариқатчилик ҳаракатлари, шунингдек, сохта "пир"ларнинг маънавий ҳаётимизга зарари хусусида атрофлича маълумот берилади.

Мактабга Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятидаги вакили раҳбарлик қилади. Истиқболда ана шу илмий даргоҳ атрофига бириккан Гулчеҳра Наврўзова, Ҳалим Тўраев, Самад Азимов, Бобур Намозов, Эркин Зоиров, Ибодат Ражабова, Ахтам Аҳмедов ва бошқалардан иборат илмий-ижодий гуруҳ кучи билан долзарб мавзуларда тадқиқотлар олиб бориш, тасаввуфга оид асарларни хорижий тиллардан таржима қилиб, чоп этиш ҳам кўзда тутилган.

10 ноябрь куни Самарқандда БМТ шафелигида "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

17 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрсида" қарори қабул қилинди. Унга кўра, давлат муассасаси шаклида Ўзбек миллий мақом санъати маркази ташкил этилди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг "Мусиқий шарқшунослик" кафедраси негизида "Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси" кафедраси ташкил қилинадиган, шунингдек, вилоятлардаги педагогик олий таълим муассасаларининг мусиқий таълим йўналишида мақом санъатини махсус фан сифатида ўқитиш жорий этиладиган бўлди.

2018 йилдан бошлаб Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш ҳам белгиланди. Тошкентда Ўзбек миллий мақом санъати маркази учун замонавий талабларга жавоб берадиган лойиҳа асосида янги бино қуриладиган бўлди.

Мақом санъатини тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий изланишлар, ўқув қўлланмалари, таржималар, илмий ва услубий адабиётларни нашр қилиш харажатлари Ўзбекистон Рес-

публикаси давлат бюджетининг параметрларида ижтимоий соҳага назарда тутилган маблағлар доирасида молиялаштирилишини таъминлаш белгиланди.

15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигидаги диний ва дунёвий таълим берувчи нодавлат таълим ва илмий тадқиқот муассасаси ҳисобланадиган Ўзбекистон Ислом академияси ташкил этилди. Бу таълим ва илм даргоҳи 2018/2019 ўқув йилидан “Қуръоншунослик”, “Фиқҳ илми”, “Ҳадисшунослик” ва “Калом илми” мутахассисликлари бўйича магистрларни, шунингдек, ушбу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб борадиган илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлайди. Шу билан бирга, бу ерда соҳага доир долзарб йўналишлар ва мавзуларда теран тадқиқотлар олиб борилади.

Меросга муносабатдаги бу сиёсат 2018 йилдан бу ёғига ҳам изчил давом эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 5 январи куни Тошкент вилоятига ташрифи доирасида Зангиота мажмуасини зиёрат қилдилар.

11 январь куни Президентимиз раисликларида Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари фаолияти таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Юртбошимиз нутқ сўзлаб, жумладан, аждодларимиз орасидан машҳур ва моҳир дипломатлар, элчилар етишиб чиққани, дунёдаги дипломатияга оид энг зўр китоблар ҳам, аслида, Шарқда, хусусан, бизнинг заминимизда яратилганини айтдилар, бунинг тасдиғи учун айрим мисоллар келтирдилар: “Самарқанд шаҳридаги қадимий Афросиёб давлати жойлашган макондан топилган ноёб деворий... расмларда Самарқанд ҳукмдорининг Хитой, Корея, Ҳинд, Чағаниён каби давлатлардан келган элчиларни қабул қилиш маросими акс эттирилган. ...Амир Темур бобомиз... Франция, Англия, Испания, Византия, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Усмонийлар империяси каби кўплаб давлатларнинг ҳукмдорлари билан ёзишмалар олиб борган... Амир Темур ва темурийлар салтанати номидан Европа ва Осиё мамлакатларига вакил бўлиб борган, асли шаҳрисабзлик Муҳаммад Кеший, шунингдек, Мавлоно Ҳофиз, Ғиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий каби элчиларнинг номлари тарих саҳифаларида сақланиб қолган. Уларнинг ҳаёти ва фаолияти, афсуски, ҳозиргача чуқур ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди”.

Бу мулоҳазалардан миллий дипломатиямиз тарихи ҳам буюк маънавий меросимизнинг ажралмас қисми экани англашилади.

Юртбошимиз 19 январь куни ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, аввал белгиланган вазифалар ижроси билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюриб, жумладан, Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилдилар.

22 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Унда ана шу устувор йўналишларнинг бешинчиси бўлмиш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳасида ҳам муайян вазифалар, жумладан, “терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш, миллатлараро ва ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш” бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

Давлатимиз раҳбари 28 – 29 январь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи доирасида Шаҳрисабздаги “Дор ут-тиловат” мажмуасини зиёрат қилдилар. Бу мажмуа – Кўк гумбаз масжиди, Шайх Шамсиддин Кулол, Гумбази Саййидон мақбаралари ва ҳужралардан иборат. Улар, асосан, XIV аср охири – XV аср бошларида бунёд этилган.

“Дор ут-тиловат” сўзи “Қуръон ўқиладиган ёки тиловат қилинадиган жой” маъносини англатади. Кўк гумбаз масжидини Мирзо Улуғбек 1434/35 йили отаси Шоҳрух Мирзо номидан бобоси Амир Темур шарафига барпо эттирган. Шайх Шамсиддин Кулол мақбараси XIV аср охирида қурилган. Бу улуғ зот Соҳибқирон Амир Темур ва унинг отаси Тарағай Баҳодирнинг устози ва пири бўлган, 1370 йили вафот этган. Гумбази Саййидон мақбараси ҳам 1437 йили Мирзо Улуғбек фармони билан қад ростлаган. Саййидлар Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг авлодлари ҳисобланади, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар уларни алоҳида эъзозлаган.

Президентимиз Шаҳрисабздаги Оқсарой майдонида 2018 йилдан ҳар икки йилда ўтказиладиган Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш учун зарур бўлган ишлар билан танишди. Бу майдоннинг тарихий қисмида мақом санъатига бағишланган музей ва ва марказ ташкил этиш кўзда тутилади. Оқсарой майдонидаги Мақом маркази ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолиятини такомиллаштириш тадбирлари белгиланган.

Президентимиз 2017 йилнинг 24 – 25 февраль кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши туманидаги Абу Муин Насафий мақбарасини обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, бу масканда кутубхона ташкил этиш, буюк олим асарларини халқимизга етказиш бўйича тавсиялар берган эди. 2018 йилнинг 29 январь куни давлатимиз раҳбари ана шу зиёратгоҳда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Насафий – калом илмининг буюк намояндаларидан бири. У яна бир ватандошимиз бўлмиш Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотининг дунёда кенг тарқалишига салмоқли ҳисса қўшган. Насафийнинг катта бобоси Макҳул Насафий Имом Мотуридийнинг шогирди бўлган. Бобоси Муътамид ибн Макҳул Насафий эса ҳанафий олимлар орасида машҳур эди. Насафий шундай олимлар оиласида тарбия топади. Унинг жаҳон кутубхоналарида сақланадиган “Табсират ал-адилла фи усул ад-дин аъла тариқати Абу Мансур ал-Мотуридий”, “Баҳр ул-калом фи илм ал-калом” ва “Ат-тамҳид ли қоваъидит ут-тавҳид” китоблари жуда эътиборли манбалар ҳисобланади.

Президентимиз бу аллома асарлари бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятли экани, уларни нашр этиш, мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш зарурлигини таъкидлади.

6 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унда, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада Зиёрат туризмини қўллаб-қувватлаш бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Президентимиз 16 – 17 февраль кунлари Бухоро вилоятида бўлди. У вилоятга ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси зиёратидан бошлади.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 10 март куни мазкур мажмуада бўлиб, бу ерни янада обод масканга айлантириш, зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берган эди. У ўтган бир йилга яқин вақт мобайнида қилинган ишларни кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбарига Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 915, Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллиги муносабати билан амалга оширила-

диган маънавий-маърифий, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” ҳақида маълумот берилди.

Бухоро вилоятидаги етти нақшбандий пир зиёратгоҳи нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук маскан ҳисобланади. Давлат раҳбарига мазкур мажмуаларни реконструкция қилиш ва янги сайёҳлик йўналишларини очиш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Унга мувофиқ, бу мажмуалар қайта таъмирланиб, қўшимча бино ва иншоотлар бунёд этилади. Атрофлари ободонлаштирилиб, меҳмонхона, чойхона, савдо мажмуалари, автотураргоҳлар қурилади.

Мазкур мажмуалар ўртасидаги умумий масофа 122 километрни ташкил қилади. Президент мажмуалар ўртасидаги йўллар бўйида замонавий инфратузилма ташкил этиш бўйича кўрсатма берди. Бундан ташқари, Бухоро давлат университети ҳузурида Бухоро тарихини ўқитадиган махсус факультет очиш кераклигини таъкидлади.

– Етти пирнинг орасидаги йўллар бўйларида улар ҳақидаги маълумотлар акс этсин. Зиёратга келганлар кенг маълумотга эга бўлсин. Бунинг учун кадрлар тайёрлашга эътибор бериш керак, – деди Президент. Давлат раҳбари тақдим қилинган лойиҳаларнинг барча жиҳатларига эътибор қаратди. Мутасаддиларга лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича топшириқ берди.

22 февраль куни Президентимиз раислигида хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлиги масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўла туриб, узоқ йиллар бу имкониятдан тўлиқ ва самарали фойдаланилмагани қайд этилди. Шунингдек, туризм хизматлари реал экспортини беш йил ичида камида икки баробар ошириш вазифаси қўйилди. 30 кунгача виза олиш бекор қилинганидан кейин икки кун ичида Исроилдан Ўзбекистонга келиш учун июнь ойигача бўлган авиачипталар сотиб бўлинган.

Йиғилишда маданий мерос объектларига кириш тизимини такомиллаштириш, турникетлар, видеокамералар ва йўл кўрсаткичлари ўрнатиш, ахборот марказлари ташкил этиб, уларда туристларни қизиқтирувчи барча хизматларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Қадимий шаҳарларда туну кун ишлайдиган сайёҳлик ҳудудлари, “Қадимий Бухоро” ва “Самарқанд сити” туристик зоналари ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланди. Зиёрат туризмини янада кучайтириш мақсадида Малайзия, Туркия, Индонезия каби давлатлар учун визасиз режим жорий қилинди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда ислом дунёсида тан олинган алломаларнинг мақбаралари, табаррук қадамжолар кўплигини таъкидлар эканлар, жумладан, турли вилоятларда нақшбандия тариқатининг 12 буюк вакили қабри борлигини айтиб: *“Биз ҳозир уларнинг* 8 таси, яъни Бухородаги *“Етти пир”* ва Самарқанддаги *“Хо*жа Аҳрор Валий*”* зиёратгоҳларини обод қиляпмиз. Лекин Сурхондарёдаги Муҳаммад Зоҳид Бухорий, Алоуддин Аттор ва Қашқадарёдаги Муҳаммад Дарвеш, Муҳаммад Имганакий мақбаралари – таъмирга муҳтож*”,* – дедилар.

13 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори

қабул қилинди. Бу Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилаётган бугунги кунда янада муҳим маъно ва аҳамият касб этади.

15 март куни Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, нутқ сўзладилар, жумладан, шундай дедилар: "Экстремизм мафкурасига қарши курашиш, шу мақсадда аҳоли, аввало, ёшларга ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини етказиш энг муҳим вазифадир. Шу муносабат билан Ўзбекистонда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази ва Ислом академиясини ташкил этдик".

2017 йилнинг сентябрь ойида икки давлат раҳбарлари 2018 йилда Қозоғистонда "Ўзбекистон йили" ҳамда 2019 йилда Ўзбекистонда "Қозоғистон йили"ни ўтказишга келишиб олган эди. Қозоғистон Республикаси 2018 йилни мамлакатда "Ўзбекистон йили" деб эълон қилди. Шу муносабат билан 15 март куни "Остона опера" театрида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев нутқ сўзлади. Юртбошимиз халқларимизнинг муштарак меросга эга экани ҳақида алоҳида тўхталиб, шундай дедилар: "Халқларимизнинг Абу Райҳон Беруний ва Абу Наср Форобий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоев, Ойбек ва Мухтор Авезов, Ғафур Ғулом ва Собит Муқонов каби улуғ намояндалари ва бошқа кўплаб атоқли олимлар, мутафаккир ва шоирлар мероси бизнинг умумий бойлигимиздир".

Қардош халқлар миллий меросига ҳурмат билан қараш мамлакатимизда тизимли тарзда йўлга қўйилган. 2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори имзоланди.

5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда, жумладан, "мумтоз адабиётимиз, хусусан, Алишер Навоий асарларини халқимизга янада яқинлаштириш, бу ноёб меросни маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаи ва таркибий қисмига айлантириш ҳақидаги таклифлари" маъқулланди. Шунингдек, Исҳоқхон Ибрат, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номлари билан аталган ижод мактабларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, "Темурбеклар мактаблари"да тизимли равишда маънавий-маърифий ишларни, «Зулфияхоним клуби»ни, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида Олий адабиёт курсини ташкил этиш белгиланди.

6 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, шу йилнинг 6 – 10 сентябри кунлари Шаҳрисабз шаҳрида ҳар икки йилда ўтказилиши белгиланган Халқаро мақом санъати анжуманини биринчи марта ўтказиш таклифи маъқулланди.

16 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони имзоланди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тузилмасида 15 та штат бирлигидан иборат Диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази, Ўзбекистон ислом академияси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом

университети негизида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари минтақавий филиалларига эга бўлган Малака ошириш маркази, олий диний-маърифий таълим муассасаси шаклидаги Ҳадис илми мактаби, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида "Вақф" хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Шунингдек, ислом илм-фани ва маданиятига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва бой илмий меросини чуқур ўрганиш, мамлакатимиз довруғини жаҳон миқёсида кенг ёйиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган шахсларни рағбатлантириш мақсадида "Имом Бухорий" давлат мукофоти таъсис этилди.

Президентимизнинг таклифига биноан мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 24 апрель куни Хоразм вилоятида бўлди. Давлатларимиз раҳбарлари "Ўзбек-туркман" дўстлик уйи ҳовлисига ўрнатилган туркман халқининг буюк шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий бюсти пойига гул қўйди. Президентлар "Улли ҳовли" ёдгорлик мажмуаси, "Ичан қалъа" ҳамда Нуриллабой мажмуасига ташриф буюрди. "Ичан қалъа"даги Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида буюк аждодимиз хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

Юртбошимизнинг таклифига биноан, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон 29 апрель – 1 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизга бўлди ва 1 май куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Юртимизда туғилиб ўсган, жаҳон илм-фани ва башарият маънавияти равнақига улкан ҳисса қўшган буюк зотларни Туркияда ҳам яхши билишади ва қадрлашади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд – ана шундай улуғ сиймолардан бири. Режеп Таййип Эрдўғоннинг Бухоро вилоятига ташрифини айнан Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилишдан бошлаши ҳам бежиз эмас. Бу ерда олий мартабали меҳмонга тариқат асосчисининг ҳаёти ва фаолияти, ислом дини ва тасаввуф ривожига қўшган ҳиссаси, мустақиллик йилларида мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берилди.

2017 **йили мажмуа ҳудудида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли Мир Араб олий мадарасаси фаолият бошлаган эди. Туркия Президентига ушбу мадраса тарихи ва фаолияти ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон буюк алломаларга бешик бўлган муқаддас замин экани, халқимиз тарихи, бой маданий меросига ғоят ҳурмат билан қарашини таъкидлади.**

Туркия Президенти Юртбошимиз ҳамроҳлигида Бухоро шаҳридаги Арк қўрғонини ҳам томоша қилди. Азалдан Ғарб билан Шарқни боғлаган Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган Бухоро – бой ва шонли тарихга эга. Бу тарих халқимизнинг турмуш тарзи, бунёдкорлиги, хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларидан гувоҳлик беради. Арк қўрғонида жойлашган вилоят ўлкашунослик музейида намойиш этилаётган минглаб экспонатлар, археологик буюмлар ҳам шу ҳақда ҳикоя қилади. Икки давлат раҳбарлари мазкур музей фаолияти билан танишди, бу ердаги ноёб осори атиқаларни кўздан кечирди, музей қўриқхона ҳудудидаги жоме масжидида бўлди. Қўрғон марказида сақланиб қолган қабулхона-маросимхонада вилоят санъаткорлари томонидан халқлар дўстлигини тараннум этувчи миллий куй-қўшиқлар янгради.

Президентлар Арк қўрғони яқинидаги Пойи калон мажмуасида ҳам бўлдилар. Бухоро заминининг ҳар қаричи – тарих. Қадимий обидалар аждодларимизнинг буюк яратувчилик даҳоси ва маънавий қудратидан сўзлайди. XII **ва** XVI **асрлар оралиғида бунёд этилган Минорайи калон, Масжиди калон ва Мир Араб мадрасаси ўзининг бетакрор меъморий ечими, маҳобати ва жозибаси билан ҳар қандай кишини мафтун этади. Хусусан, Минорайи Калон архитектуравий ечими бўйича дунёдаги кам сонли тарихий обидалардан бири ҳисобланади. У қарийб 900 йил давомида не-не талотўпларга гувоҳ бўлган. Халқимиз қудратининг ўлмас рамзи сифатида у бугун ҳам барчани ҳайратга солаётир. Мир Араб мадрасасида ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди.** XVI **асрда ишга туширилган Мир Араб мадрасасида ҳозир фаолият юритаётган ўрта махсус ислом билим юрти ўз вақтида собиқ шўро давлати ҳудудига ягона ислом таълим муассасаси бўлган.**

Олий мартабали меҳмон Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида – Арк қўрғонидан то Лаби ҳовуз мажмуасигача бўлган ҳудудда намойиш этилаётган **зардўзлик, заргарлик, гиламдўзлик, каштачилик, кулолчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.** Бухоронинг тарихий ва меъморий обидалари миллий ҳунармандлик маҳсулотлари туркиялик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 2 ноябрь куни Наманган вилояти сайловчилари билан учрашувда Исҳоқхон Ибрат боғи ва ёдгорлик мажмуасини барпо қилиш, “Ибрат мактаби”ни ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. 2018 йилнинг 2 – 3 май кунлари давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятида бўлган чоғида Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон тўра Ибрат мемориал мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

XIX асрда Тўрақўрғон заминида туғилиб ўсган Ибрат араб, форс, рус, ҳинд, урду, инглиз, француз тиларини яхши билган. Қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганган. Серқирра ижодкор сифатида “Луғати ситта ал-сина” (“Олти тилли луғат”), “Жомеъ ул-хутут” (“Хатлар мажмуаси”), “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон ул-замон” (“Замон тарозуси”), “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” каби ўндан ортиқ тилшуносликка оид, илмий-тарихий ҳамда маърифий асарлар яратган. 1886 йили эски мактабларга нисбатан бирмунча илғор бўлган мактаб очган. 1907 йили эса “Усули савтия” мактабини ташкил этиб, қишлоқ болаларини ўқитган.

Ибрат – ўлкамиздаги илк матбаачи зиёлиларимиздан бири. 1908 йили Оренбург шаҳридан литографик машина харид қилиб, уни Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўрақўрғонгача эса туяларда катта машаққатлар билан олиб келиб, ўз ҳовлисида “Исҳоқия бомахонаси”ни ташкил этган. Бу босмахона ўтган асрнинг 60-йилларигача фаолият кўрсатиб келган ва бу ерда турли илмий-маърифий китоб ва рисолалар, миллий газеталар чоп этилган. Уларни тарқатиш учун Фарғона водийси бўйлаб ўнлаб китоб дўконлари ташкил қилинган.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг июль ойида Наманган вилоятига ташрифи доирасида ушбу комплексда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишган, уни мазмун жиҳатидан такомиллаштириш, Наманган давлат университети қошида тил ўргатиш бўйича махсус мактаб ташкил этиш, бу ерда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти билан ҳамкорликда хорижий тилларни

чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш зарурлигини таъкидлаган, ўқитувчи ва ўқувчиларга зарур шароитлар яратиш, мажмуа атрофини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида икки гектардан зиёд майдонни эгаллаган мемориал мажмуада кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Лойиҳа қиймати 13 миллиард сўмдан зиёд мажмуа боғ-хиёбон, унинг ўртасида Исҳоқхон тўра Ибрат ҳайкали, миллий услубдаги айвон, босмахона, мусиқали фаввора, чет тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган 400 ўринли мактаб-интернет ва тарихий-меъморий обидада барпо этилган этилган музейни ўз ичига олади.

Президентимиз Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда бўлди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашдилар.

– Ибрат домланинг эл-юртимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона хизматлари нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолмоқда, – дедилар Шавкат Мирзиёев. – *Ёшларимиз шунга муносиб, юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етиши керак. Бу мактабга нафақат Наманган вилояти, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан энг иқтидорли ёшлар ўқишга қабул қилинади.*

Президентимиз хорижий тиллар бўйича илмий ишлар қилиш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш, мактаб-интернатда дарсларни шу асосда олиб бориш кераклигини қайд этдилар, Ибрат мактабини аъло баҳоларга битирган ўғил-қизларни олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилиш ва грант асосида ўқитиш бўйича топшириқ бердилар.

Шавкат Мирзиёев мажмуага уйғун тарзда Косонсой сойининг икки қирғоғида бунёд этилган хиёбонни кўздан кечирдилар. Бу ерда қурилаётган уй-жойлар, савдо шохобчалари, кўнгилочар масканлар, сайр йўлаклари ва бошқа инфратузилма объектлари қурилишини янада такомиллаштиришни таъкидладилар.

Исҳоқхон Ибрат музейи билан танишув асносида Президентимиз вилоят зиёлилари, нуронийлар билан мулоқот қилдилар. Улар давлатимиз раҳбарига буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратаётгани учун миннатдорчилик изҳор этди.

12 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бундан олдин ўтказилган “Ёш китобхон” танловида 250 минг нафарга яқин ёш иштирок этиб, унинг ғолибларига “Президент совғаси” сифатида енгил автомашина топширилгани мамлакатимиз ёшлари ўртасида китобхонлик маданияти ривожланишига муҳим таъсир ўтказди. Бу танлов алоҳида номинациялар бўйича ташкил этиладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йили Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шу асосда бу ерда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жами 16,7 гектарни ташкил этадиган бу боғ майдонига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилган, гулзор ва майсазорлар ташкил этилган. Унинг марказида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ҳайкали ўрнатилган.

Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 12 июль куни Фарғона вилоятига ташрифлари чоғида ана шу ижодкорлар боғини бориб кўрдилар. Эркин Воҳидов ҳайкали пойига гул қўйдилар, жумладан:

– Ушбу боғ ёшлар маънавиятини юксалтирадиган масканга айланиши керак. Бу ерга келувчилар Эркин Воҳидов шеърларидан баҳраманд бўлиб, маънавий оламини янада бойитсин, – дедилар.

Боғда, шунингдек, Эркин Воҳидов номидаги ижтимоий фанлар йўналишидаги истеъдодли ёшлар мактаб-интернати, Эркин Воҳидов мемориал музейи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими биноси, Нуронийлар маскани, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 1 минг 500 ўринли амфитеатр, ош маркази ва бошқа инфратузилма объектлари қурилган.

Президентимиз мемориал музейдаги экспонатларни кўздан кечирдилар. Бу маскан ҳақиқий маънавият ўчоғи бўлиши, бу ерда ўқувчи ва ёш ижодкорларни кўпроқ олиб келиш зарурлигини таъкидладилар. Вилоятда бир йилда икки марта воҳидовхонлик кунларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар бердилар.

Президентимиз 2018 йилнинг 16 – 17 февраль кунлари Бухоро вилоятига ташрифлари доирасида Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида муайян топшириқлар берган эдилар. Шу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йилнинг 8 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 372-ф фармойиши қабул қилинди. Унда, жумладан, «*2020 йилда Бухоро шаҳрининг "*Ислом маданияти пойтахти*"* деб эълон қилиниши муносабати билан амалга ошириладиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар дастури – *"*йўл харитаси*"* ҳам тасдиқланди.

Бухоро вилоятида етти пир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, уларнинг зиёратгоҳларини асл миллий-меъморий анъаналар асосида қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини жойида ўрганиш, вилоят ҳокимлиги билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда зарур масалалар юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар берилишини ташкиллаштириш мақсадида 9 – 10 июль кунлари ишчи гуруҳнинг Бухоро вилоятига хизмат сафари амалга оширилди.

Бухоро вилоятида етти пир мажмуаларида олиб борилаётган ҳамда 2020 йилда Бухоро шаҳрининг "Ислом маданияти пойтахти" деб эълон қилиниши муносабати билан амалга оширилаётган ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 майдаги 372-ф-сон фармойишида белгиланган топшириқлар асосида ўрганилди. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, мазкур йўналишда Бухоро вилояти ҳокимлиги томонидан қатор ижобий ишлар амалга ошириляпти, жумладан, етти пир туркумига кирувчи объектларда архитектура ва қурилиш ишларини ташкил этиш масалалари жадал суръатда ҳал қилиняпти.

Ишчи гуруҳ томонидан Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси фаолиятини янада такомиллаштириш, зиёрат туризми билан боғлиқ маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш, Мир Араб олий мадрасаси ўқув дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, 2020 йилда Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллуд саналарига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция ва бу билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш ва илмий адабиётларни нашр қилиш ҳамда етти пир бўйича назарий ва амалий тадбирларни қамраб олган мухтасар концепция тайёрлаш каби масалалар батафсил ўрганилди ва янги вазифалар белгиланди. Ушбу вазифаларни бажаришда мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини ошириш учун ҳар бир йўналиш бўйича республика ва ҳудудий вакиллардан иборат қўшма ишчи гуруҳ шакллантирилди. Қўшма ишчи гуруҳ томонидан тезкор равишда "Назорат режа" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қўшма ишчи

гуруҳга “Назорат режа” ижросини таъминлаш ва ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида вилоят ҳокимлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага ҳисобот киритиб бориш юклатилди.

Бу саъй-ҳаракатлардан кўзланган бош мақсад – нима?

Биринчидан, Ўзбекистон халқининг умумбашарият тамаддуни равнақига улкан ҳисса қўшганини кўрсатиш. Иккинчидан, халқимизни ана шу буюк меросга мос даражаларга кўтариш. Учинчидан, шу тариқа ҳар тарафлама, яъни ҳам маънан, ҳам иқтисодий жиҳатдан бой, ривожланган давлатлар сафидан ўрин олиш.

Мерос – бамисли илдиз. Дарахтнинг илдизи қанчалар бақувват бўлса, у шунча гуркираб ўсади, мўл-кўл мева беради, албатта.

Бу эзгу хатти-ҳаракатларни нима бир-бирига чамбарчас боғлаб турибди?

Тизимлилик!

Чунки бу мамлакатимизда ислом қадриятларига муносабатнинг тизимли асосда янги поғонага кўтарилаётганидан далолат беради.

Меросга муносабатда фақат шулар билангина чекланиб қолинаётгани йўқ. Биз бу йўналиш 2017 – 2018 йилларда амалга оширилган эзгу ишларнигина таҳлилга тортдик, холос.

Бу хайрли ишлар кейинги йилларда ҳам изчил давом эттириляпти[1].

[1] Китобнинг бу фаслини тайёрлашда Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги материалларидан унумли фойдаланилди.

УЧИНЧИ БОБ

БУЮКЛИК СИРИ

“Бир балоси бўлмаса...”

“Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур?!” – деган мақол бекорга тўқилмаган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлари давомида эл-юрт эътиборига лойиқ эзгу ишлар қилгандирларки, халқ у кишини шунчалар эъзозлайди. Тўғри, кенг омма бугун бу улуғ бобокалонимиз ҳақларидаги бор ҳақиқатларни яхши билмайди, у кишининг умуминсоний маънавий камолотга қўшган ҳиссалари ҳақида тафсилий маълумотларга ҳам эга эмас эди. Баҳоуддин ҳаётлари, фаолиятлари ва таълимотларини ўрганиш бизда энди-энди бошланаёгани ҳам – аччиқ ҳақиқат. Аммо шу нарса жуда муҳим ва жиддий эътиборга сазоворки, ўтган даврлардаги ҳукмрон мафкура ҳар қанча қарши курашмасин, қанчалар тақиқу таъқиблар қилмасин, халқ хотирасида, кишилар қалбининг туб-тубида бу азиз ватандошимизга бўлган эъзозу эътиқод йўқолмади, билиб-билмай, моҳиятига етиб-етмай бўлса ҳам, бу авлиёуллоҳ руҳи покларига ҳурмат отадан ўғилга, онадан қизга ўтиб, бизнинг шу – маънан ёруғ кунларимизгача етиб келди.

Халқ сифатида яна шу нарсага ҳам етиб келдикки, энди Баҳоуддин Нақшбанд каби авлиёуллоҳларимизга кўр-кўрона садоқатимиз эмас, атрофлича, ҳар тарафлама билимимиз, ул зоти шарифларнинг ҳаётларию аъмолларидан тўла ва атрофлича бохабарлик мусулмон маданиятига дахлдорлиги бор ва уни ҳурмат қиладиган ҳар бир кишининг бурчи даражасига кўтарилди.

Баҳоуддин Нақшбандни *“улуғларимиздан”* дедик. Улуғлар эса ҳар турли бўлади. Айтайлик, Искандар Зулқарнайн ёки Амир Темур – жаҳонгирлик, саркардалик бобида тенги йўқ улуғ. Кимдир, борингки, бирор спорт тури бўйича жаҳон чемпиони ва ҳоказо. Аммо инсоният ақлан, яъни фикран ва руҳан юксак мартабаларга етган мутафаккирларни ҳамиша буюкларнинг буюги, комилларнинг комили санаб келади. Мутафаккирлар ҳам ҳар турли бўлади. Уларни, шартли равишда, уч гуруҳга бўлиш ҳам мумкин:

1. Олимлар.
2. Шоиру адиблар.
3. Авлиёлар, яъни шайхлар.

Шунча тазйиқу таъқибларга қарамай, қизиқ бир акс ҳолат юз берди: гарчи халқ авлиёларимиз ҳақида етарли маълумотларга эга бўлмаса ҳам, қабрини зиёрат қилишни, улар руҳидан бирор бир мушкулини осон этишда мададкор бўлишни сўрашни тўхтатмади. Хуллас, чорак кам бир асрлик коммунистик зулму зўравонлик халқ хотирасидан авлиёларга бўлган ҳурматни сидириб ташлай олмади. Ҳатто, ўша авлиёлар яшаган ёки дафн этилган жойлар ва шу улуғларнинг номлари билан ҳам аталди. Масалан, Бухорода кўпчилик кеча-кечагача Ғиждувонни *“Хожайи жаҳон”* деб Абдухолиқ Ғиждувонийнинг рутбалари билан, Шофиркоронни *“Хожайи Ориф”*, Қасри орифонни *“Хожа Баҳоуддин”* деб атар эди, ҳозир ҳам айримлар бу жойларни ана шу шайхлар номи билан тилга олади.

Шунинг ўзиёқ бир масалага аниқлик киритиб ўтишни тақозо этади. Умидли ёш тилшунос Дилшодбек Ҳакимов: *“...*Ким бўлишидан қатъи назар, ҳеч бир инсоннинг исм-шарифини жойларга ном сифатида қўллаб бўлмайди”[1], – деб ҳисоблайди. Бу талабига асос сифатида

[1] Ҳ а к и м о в Д. Ном қўйишга шошилманг. / Туркистон, 1992 йил, 3 сентябрь.

тарихимиздан далил келтиради: *"...Бу фоний дунёдан ўтганларига бир неча аср бўлганига қарамай, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Камолиддин Беҳзод, Мунис, Огаҳий каби кўплаб аждодларимизнинг азиз номлари жойларга қўйилмаган бўлса-да, авлодлар уларни унутмадилар-ку!.."*[2]. Авлиёларга муносабат кўрсатадики, қадимда халқимиз шоиру олимлари номи билан жойларни атамаган бўлса ҳам, шайхлар ётган маконни улар оти билан юритган. Бу ота-бобомизнинг авлиёларни буюкларнинг буюги, комилларнинг комили ҳисоблаганини исботлайди.

Авлиёлар – инсонлар орасида руҳини ҳадди аълосида камолга еткарган кишилар, қалби пок, феъл-атворидаги барча ёмонликларни батамом фориғ айлаган, шу тариқа, ҳатто, кароматлар кўрсатиш даражасига етган юксак инсоний мақомга эришган шахслар. Авлиёлар – ислом оламида пайдо бўлиб, инсон маънавиятининг энг мўътабар ирфоний таълимотига айланган тасаввуфни қаттиқ тутган, унга қатъий амал қилган, уни ривожлантирган, шу йўлда одамларни ўзларига эргаштирган пиру муршидлар.

Баҳоуддин Нақшбанд – шундайларнинг энг буюкларидан бири.

Гарчи тасаввуф таълимоти бевосита исломнинг мағзида шаклланиб, ривож топган бўлса-да, уни расмий дин билан айнан бир нарса тарзида тушунмаслик – керак. Дин Қуръони каримнинг зоҳирий, яъни кўпчиликка тушунарли, ақл қабул қила оладиган маънолари доирасида амал қилади. Тасаввуф Қуръони каримнинг ботиний, яъни фақат хос – алоҳида кишиларгагина тушуниш насиб этадиган ички нозик маънолари билан иш кўради. Ақл-идрок, мантиқий тафаккур билан зоҳирий илмни ўрганиш – мумкин. Бироқ ботиний илм учун мантиқий тафаккурнинг ўзигина етарли эмас. Шунинг учун зоҳирий илм эгаси *"о р и ф"* дейилган. Ботиний илм *"ирфон"* ҳам дейилади. "Хўш, олим – ким-у, ориф – ким? Илм – нима-ю, ирфон – нима?" Таниқли адабиётшунос Муҳаммаджон Имомназаров масалани ана шу тарзда қўйиб, бу саволларга, жумладан, шундай жавоб беради: *"Тасаввуф ҳақидаги суҳбат ана шу ердан бошланади. Биз билим манбаи ақл деб ҳисоблаймиз, суфий билим манбаи ишқ деб ҳисоблайди. Чунки ишқ интилиш туғдиради, ақл фақат назарий мушоҳадага таянса, мантиқий билимлар мажмуидан келиб чиқса, ишқ инсоннинг бутун табиатини, шуурини ишга солади, унда кўзнинг ва қулоқнинг тажрибасигина эмас, инсоннинг бутун руҳияти ва моддияти тажрибаси бир нуқтага жамланади. Биз билангина эмас, ҳали билмаган, аниқ тасаввур этмаган омиллар ҳам* ишга тушади"[3]. Хуллас, муаллиф тўғри таъкидлаганидек, илми ботин, яъни тасаввуф *"илоҳий илҳомга таянади"*[4].

Аммо тасаввуф йўлини тутиш учун аввал комил мусулмон бўлиш, шариатнинг барча шартларини бекаму кўст бажариш – зарур. Яна шуни айтиш керакки, аввало, диннинг ўзи ҳам – даҳрийлик тарғиботи бизнинг тор тасаввурларимизда бадном қилиб шакллантирган тушунчадан тамоман фарқ қиладиган гўзал бир маъво.

Тасаввуфнинг бошқа айрим соф назарий таълимотлардан бир фарқи шу эдики, у кишиларни бевосита ўз ғояларига амал қилишга ундар эди. Бошқача айтганда, тасаввуф бир гуруҳ одамлар учун фалсафий таълимотгина эмас, бевосита кун кечириш тарзи, демакки, кундалик машғулот эди. Турли даврдаги хилма-хил кўринишлари, тариқатлари, тизимларидан қатъи назар, тасаввуф, умуман олганда, инсонни руҳан камолга етказиш назарияси эди. Бу назарияга кўра, инсонни Худо ўзига ўхшатиб яратганми, Аллоҳнинг

[2] Ўша ерда.
[3] Имомназаров М. Навоий кашф этган олам. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 30 июль
[4] Ўша ерда.

бу оламни пайдо қилишдан кўзлаган бош мақсади ҳам, аслида, инсон эканми, демак, одам Тангрининг бу мурувватига шукроналар айтиб, ўзини батамом Яратганга бағишлаши, бунинг учун эса ўзини унга лойиқ даражада поклаши – камолга етказиши керак. Ана шундай ўзини олий мақсадга чоғлаган, жисмини унутиб, руҳини Аллоҳга етар даражада ўстирган, ўзини Аллоҳга етар даражада поклаган, жисм эҳтиёжлари туфайли пайдо бўладиган жамики иллатлардан фориғ қилган кишилар инсони комил бўлганлар. Тасаввуфий ақидага кўра, комил инсонлар пировардида, шубҳасиз, Аллоҳ васлига мушарраф бўладилар, руҳан Тангри билан бирлашиб кетади, ваҳдат, яъни бирликка эришади.

Аждодларимиз ичидан бундай комил инсонлар кўп ўтган. *"Хўш, уларнинг бошқаларга, айтайлик, сиз билан бизга нима дахли бор?"* – деб сўрашингиз мумкин. Чиндан-да, ана шу саволга жавоб топмас эканмиз, авлиёлар, жумладан, Баҳоуддин Нақшбанднинг бугун учун аҳамиятини ҳам англаб етмаймиз.

Гап шундаки, Одам Ато насли ичидан шундай комил инсонларнинг етишиб чиққани – наинки бир халқ ёки миллион-миллион, борингки, миллиард-миллиард одамлар, балки бутун башариятнинг буюк бахти, мислсиз бойлиги. Тасаввуф ақидасига кўра: *"...Жумла мавжудот одамзодга шунинг учун сажда қиладики, одамлар орасида комил инсон (!) бор. Бас, жумла одамзод комил инсон туфайли (шарафли)дир. Мавжудот ичра комил инсондан кўра улуғроқ ва донороқ нарса* – йўқ, чунки комил инсон энг пастдан энг юқоригача мартабалардаги мавжудотларнинг хулосаси (!) ва қаймоғидир (!) ва фаришталар, руҳоний мавжудотлар ва аршу курси, самовоту кавокиб – ҳаммаси комил инсон хизматидадирлар ва ҳамиша комил инсон теграсини тавоф қилурлар ва комил инсон илм мазҳаридир (кўринишидир. – С. О.*), комил инсон илоҳий зот (яъни Худо.* – С. О.*) сифатларининг ҳам мазҳаридир"*[1].

XIII аср охири – XIV аср бошларида яшаб, ижод этган мутасаввиф олим Шайх Азизиддин Насафийнинг "Инсони комил" рисоласидан олинган бу парча профессор Нажмиддин Комил таржимасида келтирилди.

Авлиёлар атрофида фаришталар, барча руҳоний мавжудотлар, аршу курси, самовоту кавокиб айланиб юрса-ю, унинг хизматида бўлса, кишилар дардларини ана шу авлиёлар руҳига айтса, зора, бу руҳ фаришталарга буюрса-ю, ўша дардманднинг илтижосини Аллоҳга етказишса ва шу тариқа ўша руҳга топинган одамнинг мушкули кушод бўлиб, у дардига шифо топса!..

Мана, Баҳоуддин Нақшбанд қабрларининг ҳамиша одамлар билан бунчалар гавжум бўлишига бир сабаб!

Авлиёларнинг кишига ғайритабиий таъсир ўтказа олиш қобилияти, Худодод бир қудратга эга бўлиши мумкинлиги ҳақида биргина Навоий асарларининг ўзида ҳам талай воқеоту ҳодисот, ҳикояту ривоят – бор[2]. Вафот этган комил инсонлар руҳининг таъсири ҳақида ҳам манбаларда кўп сўзланади ва бу ҳақда қўлингиздаги китобнинг кейинги фаслида ҳам ҳикоя қилинади.

Навоийнинг ўзи ҳам суфийлар дуоси ижобат бўлишига ишонган. Буни бадиий асарларидагина эмас, бевосита илмий рисолаларида ҳам ўз таржимайи ҳоли билан боғлаб кўп қайд этган. Масалан, "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида Мавлоно Лутфий ҳақида: *"Бу фақир* (яъни Навоий ўзини кўзда тутяпти. – С. О.) борасида кўп фотиҳалар ўқубтур. Умид улким,

[1] Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил, 14 август.

[2] Бу ҳақда қаранг: О л и *м С.* Шайхлар каромати (Навоий ва экстрасенслар). / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 йил, 1 февраль.

чун дарвиш киши эрди, баъзи мустажоб бўлмиш бўлғай"[3], – дейди. Демак, Лутфийнинг айнан дарвиш, яъни сўфий киши экани учун унинг Навоий борасидаги айрим фотиҳа-дуолари ижобат бўлган бўлиши – мумкин. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз авлиёлар дуоларига мушарраф бўлишга кўп умидворлик қилишган.

Тарихни қўя турайлик. Аксар одамлар улуғ авлиёларимиз руҳи поклари ҳам кишига мададкорлик қилишига ҳам ишонади. Чунки каминангиз то уч бор Баҳоуддин Нақшбанд қабрларини зиёрат қилмади, ҳарчанд уринмасин, қўлингиздаги китобни бита олмади. Ана шу зиёратлари маҳали қанчадан-қанча кишининг ул зоти шариф руҳларидан мадад топгани ҳақидаги ҳикоятларини эшитди. Учинчи зиёрат чоғи эса унинг ўзи жисмию руҳиятида шундай ғаройиб тағйироту таъсирот сездики, ҳали сирларининг миллиарддан бири ҳам англаб етилмаган бу дунёда ўтиб кетган бир авлиёуллоҳ руҳининг кучи борлигига мутлақо мункир айрим ўқувчиларимиз кўнглига бадтар ишончсизлик уруғини сочмаслик учун бу ҳақда батафсил ҳикоя қилишни бошқа галга қолдирамиз.

Хуллас, қадимгилар билмай айтмаганки:

Мардони Худо Худо набошанд,
Лекин зи Худо жудо набошанд[4].

Чиндан ҳам, *"мардони Худо"*, яъни авлиёлар Худо эмаслар, лекин улар Худодан жудо ҳам эмаслар.

Аллоҳга яқинлик эса – бани башарга орзу.

Баҳоуддин неча пирнинг муриди?

Халқда: *"Худо – ёр, пирлар – мадад*кор[5] бўлсин!" – деган дуо бор. Шунинг ўзиёқ бизда узоқ йиллар зарарли таълимот сифатида ноҳақ қораланиб келган тасаввуфнинг миллий ҳаётимизга нақадар чуқур кириб борганидан далолат беради. Одатда пирларнинг руҳидан мадад кутилганини айтдик. Тасаввуф нафақат ҳаёт бўлган шайхларнинг нафасини, ҳатто, кўп илгарилар ўтиб келган улуғ авлиёларнинг руҳини ҳам тан олади.

Инсон кўнглини, аниқроғи, руҳини камол топтиришнинг, ким билади, дейсиз, эҳтимолки, умумбашарият жамияти тарихидаги энг олий даражасига етган ана шу тасаввуф таълимоти қатъий қоидасига кўра, солик, яъни сўфий, албатта, бир пирнинг этагини тутиб, унга мурид тушиши шарт. Алишер Навоий "Ғаройиб ус-сиғар" девонининг 51-ғазалида ёзганидек, тасаввуф водийларини пирсиз кезиш мумкин эмас:

Пирсиз кезма бу водий ичраким, топмас калим,
Тийра шомин равшан амр этмай анга хидмат Шуайб[6].

Аммо шундай истисно ҳоллар ҳам бўладики, қай бир суфийни илгари замонлар оламдан ўтиб кетган бирор машҳур шайхнинг руҳи келиб тарбиялайди.

---

[3] Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. Ж. 12. – Тошкент: 1966,. – Б. 62.
[4] Қуйидаги манбадан олинди: Мухаммедходжаев А. Идеология накшбандизма. – Душанбе: 1991. – С. 201.
[5] Бу сўз, аслида, *"мададгор"* тарзида ёзилиши керак эди. Чунки, *"шудгор"*, *"ёдгор"* сўзларидаги каби, бунда ҳам *"-гор"* қўшимчаси ишлатилган. Бироқ адабий тилимизда бу аллақачон *"мададкор"*га айланиб улгурган (Қаранг: Ўзбек тилининг имло луғати. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 256). Биз ҳам ана шу ғалати машҳурга амал қилдик.
[6] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: 1988. – Б. 64.

Бундайлар *“у в а й с и й”* дейилган.

Ривоят қилишларича, Муҳаммад (с. а. в.) оламдан ўтар пайтда саҳобалар, яъни атрофларидаги суҳбатларига мушарраф бўлган зотлар у азиздан эски тўнлари – хирқаларини кимга бериш лозимлигини сўрабдилар. Пайғамбаримиз (с. а. в.), Алишер Навоий сўзлари билан айтилса: *“Дебтурларки: “Увайс Қаранийға берсунлар ва десунларки, менинг умматимни дуо қилсун”*[1].

Яманнинг Қаран деган еридан бўлган бу туябоқар Уҳуд тоғидаги урушда пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг муборак тишлари синганини эшитиб, уриб-уриб ўзининг ўттиз икки тишини синдирган эди. Аммо Муҳаммад (с. а. в.) билан Қараний бир-бирларини ҳеч қачон кўрмаган эди. Шундай бўлса ҳам, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат...” ида қайд этилишича, расуллоҳ уни: *“Маъни ва руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин ҳар кишинингки, бу тойифадин* (яъни шайхлардан. – С. О.) зоҳир юзидин (яъни бевосита ҳаётда тарбия қилган – С. О.) пири маълум бўлмаса ва машойихларидин бирининг руҳи (!) они тарбият қилған бўлса, они “увайсий” дерлар” (75).

Демак, *“увайсий”* деган тасаввуфий атама ана шу Увайс Қаранийнинг исмидан олинган. Увайс Қаранийнинг ўзи эса мусулмон оламида хусусан, адабиётда жуда машҳур эди. Навоий “Насойим ул-муҳаббат...” да таърифлаган биринчи шайх ҳам – айнан шу. Унинг, ҳатто, ўзбек халқ китобларида ҳам тилга олинганига дуч келамиз. Масалан, “Ҳурилиқо” достонида фарзандсизлигидан нолиб, тахтни тарк этиб, узлат қилган Хусравшоҳга унинг вазири – Қосим тасалли бериб айтган бир ғазалда ана шу умматларнинг гуноҳларини ёпган[2], расулуллоҳ (с. а. в..) хирқаларини кийган Увайснинг ҳам ўғилсиз ўтгани сўзланади:

Муножот тоғиға чиққан,
Умматлар журмини ёпқан,
Пайғамбар хирқасин кийган
Увайс ҳам ўтди ўғулсиз[3].

Увайсийлик ҳақидаги тасаввурни янада ойдинлаштириш мақсадида шуни эслатиш – керакки, машҳур шоирамиз – Жаҳон отин Увайсий тахаллусининг маъноси ҳам худди ана шу тушунчадан олинган. Ким билади, балки, уни ҳам қадим машойихларимиздан бирининг руҳи келиб тарбия қилгандир, ҳеч бўлмаганда, Увайсийнинг ўзи шуни орзулагандир. Биргина далил. Шоиранинг “Увайсийман” радифли ғазали шундай тугалланади:

Вайси(й) бериёзат деб саҳл тутма, эй ориф,
Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсийман[4].

Биринчидан, *“Вайси(й)”* – вазн тақозосига кўра, *“Увайсий”* сўзининг шартли равишда қисқарган шакли. Уни зинҳор-базинҳор *“вайсамоқ”* маъносига алоқадор сўз деб тушунмаслик керак. Иккинчидан, тасаввуфда солик пирнинг йўл-йўриқларига бевосита амал қила

[1] Алишер Н а в о и й. Асарлар. 15 жилдлик. Ж. 15. – Тошкент: 1968. – Б. 75. Бундан кейинги шу нашрдан олинган парчаларнинг саҳифаси қавсда бериб борилади.

[2] Чунки пайғамбаримиз (с. а. в.), эслатилганидек, унга: *“Менинг умматимни дуо қилсун”*, – деб етказишни васият қилган эдилар-да.

[3] Қаранг: Ж у м а н и ё з о в Р. Эски ўзбек ёзуви. – Тошкент: 1989. – Б. 75 (Матнлар қисми).

[4] У в а й с и й. Кўнгил изҳори. – Тошкент: 1983. – Б. 122.

бориб, руҳни камолга етказиш учун истилоҳда *“риёзат”* деб аталадиган махсус қийинчиликлар босқичини босиб ўтиши – лозим. Бу – пирсиз амалга ошиши мумкин бўлмаган бир мушкул машғулот.

Шу ерда Навоийнинг адабиёт тарихи учун жуда зарур яна бир маълумотини эслаб ўтиш ўринли кўринади. “Мажолис ун-нафойис” тазкирасида қайд этилишича, кучли истеъдод соҳиби Мавлоно Биноий, яхши шоир бўлишидан ташқари, илм, хаттотлик, ҳатто, мусиқада ҳам муайян ютуқларга эришади. Лекин феъл-атворидаги айрим камчиликлар туфайли бу соҳалардаги ишлари *“эл кўнглига мақбул бўлмайди”.* У феълидаги ана шу салбий жиҳатларни бартараф этиш учун фақр, яъни тасаввуф йўлига киради, риёзатлар тортади, яъни махсус қийинчиликлар босқичини ҳам ўтайди. Лекин, афсуски, пири бўлмагани, бу ишларни ўзбошимчалик билан амалга оширгани учун фойда топмайди: *“Бу сифат*и салби (яъни феълидаги камчиликларни йўқотиш. – С. О.) учун фақр ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилған учун ҳеч фойда бермади”[5]. Ҳолбуки, риёзат босқичидан кейин солик руҳида ўсиш, муайян ўзгариш бўлиши керак эди.

Тасаввуф таълимотининг ҳаётийлигини қаранг: чиндан ҳам, устозсиз бирон соҳада камолга етиш – қийин!

Биргина байтдан ҳам билиб олдикки, шоирамиз Жаҳон отиннинг ҳам ҳаётда бевосита тасаввуф нуқтаи назаридан тарбия берган пири бўлмаган, чунки у – увайсий! Шунинг учун байтдаги *“Увайсийман”* сўзини бир йўла ҳам ўз маъносида, яъни: *“Ўтиб кетган шайхлардан бирининг руҳидан тарбия топганман”,* – қабилида ва ҳам тахаллус маъносида тушуниш – керак. Бунинг учун эса ўқувчи уни ҳам бош, ҳам кичик ҳарф билан ёзилгандек тасаввуф қилиб ўқиши – лозим. Бундай айни матнда сўзни бир йўла ҳам луғавий ва ҳам тахаллусий маънода қўллашдек бадиий санъат “иттифоқ” дейилади. Шоира ориф, яъни сўфийга: *“Риёзатсиз, деб менга таъна қилма, мен – увайсийман, яъни мени шайхлардан бирининг руҳи (ўзи эмас!) тарбиялаган!”* – деб писанда қилаётибди.

Бундан яна бир нарса аниқлашади: демак, кимники ўтиб кетган шайхлардан бирининг руҳи келиб тасаввуф бўйича тарбия қилса, у риёзат босқичларини босиб ўтиши шарт эмас ёки, камида, бу босқич зоҳирий эмас, ботиний кечади.

Хўш, риёзатнинг ўзи – нима?

Бунга ҳам “Насойим ул-муҳаббат...” дан жавоб излаймиз. Навоийнинг ёзишича, Абу Саид Абулхайр деган шайх сулукка кирганларидан кейинги дастлабки пайтларида ҳар кеча бир қудуққа бошларини қуйи қилиб, оёқларидан ўзларини осар, эрталабгача зикр айтиб чиқар эканлар. Аҳвол шунгача бориб етар эканки, охири кўзларидан қон келар экан. Ёки кимсан – машҳур шоир Низомий Ганжавий тўрт марта қирқ кундан (жами 160 кун-а!) бир дарахтнинг устига чилла ўтирганлар! (178).

Сўфий учун ё зоҳирий (яъни ҳаётда), ё ботиний (яъни руҳ орқали) пир бўлиши – шарт. Лекин баъзи суфийлар бир неча пирнинг тарбиясини олган. Масалан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг пирлари кўп бўлган. У киши талай шайхлардан таълим олганлар. “Насойим ул-муҳаббат...”да келтирилишича: *“Аларға қабул назари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдиндур ва одоби тариқат таълими зоҳир юзидин Амир Саййид Кулолдиндур, андоқки, дер эрмишлар. Аммо ҳақиқат юзидин алар* увайсийдурлар (таъкид бизники. – С. О.) ва тарбият ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳидин (!) топибдурлар” (130).

[5] Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. Ж. 12. – Тошкент: 1966. – Б. 74.

Хўш, руҳ ҳам тарбия берадими? Бу нима дегани – ўзи? Шу деганики...

Хожа Баҳоуддин туғилмасларидан бурун Хожа Муҳаммад Бобо Самосий буюк бир шахс дунёга келаётганини она қорнидаги боланинг ҳидидан сезадилар. "Насойим ул-муҳаббат..."да ўқиймиз: *"...Хожа Баҳоуддин ҳазратлариға алардин* (Самосийдин. – С. О.) қабул фарзандлиғқа воқеъ бўлубтур ва алардурларки, Қасри ҳиндувон (яъни Баҳоуддин туғилган қишлоқ. – С. О.) ўтарда дер эрмишларки: "Бу туфроғдин бир эр иси келадур, бўлғайки, Қасри ҳиндувон Қасри орифон бўлғай". То бир кунки, Саййид Кулол манзилидинки, аларнинг хулафосиндур, Қасри орифон сори мутаважжиҳ (бораётган. – С. О.) эрдилар, дедиларки: "Ул эр исики, бизинг димоғимизда етар эрди, ортуқроқ бўлубтур, ҳамонки, ул эр мутавалид бўлубтур (туғилибди. – ***С. О.***) Чун нузул қилибтурлар (меҳмонликка борибдилар. – С. О.), ҳазрати Хожа Баҳоуддин валодатидин (туғилганларидан. – С. О.) уч кун (ўтган. – С. О.) экандур, аларнинг жадди (яъни Баҳоуддиннинг боболари. – ***С. О.***) бар муомала аларнинг (Самосийнинг. – С. О.) кўксиға қўюб, аларни (Баҳоуддинни. – С. О.) ихлос ва ниёз била Хожа Муҳаммад Бобо назариға келтурубтур. Хожа Муҳаммад Бобо дедиларки: "Ул бизинг фарзандимиздур ва биз ани қабул қилдуқ" *в*а асҳоб сори боқиб, дебтурларки: "Бу ул эрдурки, бизга анинг иси келиб эрди, рўзгорнинг муқтадоси (йўлбошчиси. – С. О.) бўлғай" *в*а Амир Саййид Кулолға буюрдиларки: "Фарзандим Баҳоуддин ҳақида тарбияту шафқатни дариғ тутмағайсен ва сенга биҳил қилмағаймен (кечирмайман. – С. О.)*, агар тақсир* (хато, қусур. – С. О.) қилсанг". Амир дедиким: "Эр бўлмағаймен, агар Хожа васиятиға тақсир қилсам" (126)[1].

Демак, Самосий – Нақшбандга *"қабул назари"* юзасидан, Амир Кулол эса зоҳир юзасидан, яъни тариқатга ўргатгани жиҳатидан пир. Аммо Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний – у кишига ҳақиқат юзасидан, яъни руҳи келиб тарбиялагани тарафидан, таъбир жоиз бўлса, ботиний пир.

Хўш, икки аср олдин яшаган, милодий 1179 йили вафот этиб кетган Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг руҳлари қандай йўл билан Хожа Баҳоуддинга тарбия берган?

"Насойим ул-муҳаббат..."да айтилишича, ёшлик чоғларида Баҳоуддин бир кечаси чиқиб, Бухоронинг уч мозорига борадилар. Ҳар мозорда ёғи тўла, пилтаси ёғи ичига солиб қўйилган чироқ кўрадилар. Фақат яхшироқ ёниб, тузукроқ ёритиши учун ўша пилталарни ҳаракатга келтириш керак экан. Учинчи муқаддас мозорда қиблага қараб ўтирган пайтларида у тарафда девор ёрилиб, ажиб бир манзара намоён бўлибди. Воқеанинг бу ёғини "Насойим ул-муҳаббат..."даги Баҳоуддиннинг ўз сўзлари билан айтай: *"Қибла девори шақ бўлди* (ажралди, очилди. – С. О.) ва бир улуғ тахт пайдо бўлди ва яшил парда ул тахт олдиға тортилған ва теграсида жамоате ва Хожа Муҳаммад Бобони алар орасида танидим. Билдимки, ул хайл (тўп, жамоа. – С. О.) ғойиблардандурлар (вафот этган кишилардандирлар. – С. О.). Ораларидин биров менга айттики: "Тахти Абдулхолиқдур ва ул жамоат аларнинг хулафосидандурлар" *в*а бирин-бирин аларнинг отин атади ва Хожа Муҳаммад Бобоға етганда дедики: "Аларни худ ҳаётлари чоғида кўрубсен ва сенинг пирингдурлар ва сенга бир бўрк беribдурлар ва каромат қилибдурларки, нозил бўлған бало сенинг баракатингда дафъ бўлғай". Андин сўнгра ул жамоат айттиларки: "Қулоқ тут ва яхши эшитки, улуғ Хожа ҳазратлари санга сўзлар айтғусидурларки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло йўли сулукида санга андин чора йўқдур".

[1] Х. Ҳасанов, Г. Наврўзованинг "Ҳазрат Амир Кулол" (Бухоро-Когон: 1993. – Б. 12) рисоласида Амир Кулол таваллуди милодий 1305 йил деб кўрсатилади ва унинг Бобо Самосий билан илк учрашуви 15 ёшида юз бергани айтилади. Баҳоуддин туғилганда Амир Кулол 13 ёшда ва ҳали пири билан учрашмаган бўлиб чиқади. Ё Амир Кулол таваллуди, ё пири билан учрашуви санасида хато – бор. Кейинги тадқиқотлар Амир Кулолнинг милодий 1281 йили туғилиб, 1370 йили вафот этганидан далолат беради.

Ул жамоатдин илтимос қилдимки: “Ҳазрати Хожаға салом қилай ва муборак дийдорлариға мушарраф бўлай”. Пардани иллайидин олдилар. Пире кўрдим нуроний. Салом қилдим. Жавоб бердилар ва сўзларки, сулук мабдаъида (бошида. – С. О.) ва васатида ўртасида. – С. О.) ва охирида керакликтур, менга баён қилдилар ва дедиларки: “Ул чароғларки, ул кайфият била санга кўргуздилар, ишорат ва башоратдур санга бу йўл қобилият ва истеъдодидин. Аммо истеъдод фатиласин (яъни мозорларда кўринган чироқлардаги каби пилтасини. – С. О.) ҳаракатға келтурмак керак, то ёруғай ва асрор (сирлар. – С. О.) зуҳур қилғай (кўрсатади. – С. О.)*” в*а яна буюрдилар ва муболаға қилдиларки: “Борча аҳволга қадамни амру наҳй жодасиға (буюрилган ва ман этилган ишлар йўлига. – С. О.) қўйғил ва азимат била амал қил ва суннатни бажо келтургил ва рухсатлар ва бидъатлардин йироқ бўл ва Мустафо (с. а. в.) аҳодисини (Муҳаммад пайғамбар ҳадисларини. – С. О.) ўзунгга пешво қил...” (131).

Бу парчадан илгари ўтган шайх руҳи қандай қилиб бир соликка тарбия бериши мумкинлигини бир оз тасаввурга келтирдик. Суфийларнинг марҳум шайхлар руҳониятидан тарбия топиши тасаввуфда машҳур ҳодисалардан эди.

Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Балогардоннинг ўзлари-ку увайсий эдилар. Аммо оламдан ўтганларидан кейин у азизнинг руҳлари келиб кимсан – ҳазрати махдум Абдураҳмон Жомийга тарбия берган. Навоий пири ва устози ҳақида ёзади: *“Зоҳир юзидин ўзларин қутб ул-муҳаққиқин* (Худони изловчилар қутби. – С. О.) ва ғавс ус-соликин (соликлар мададкори. – С. О.) мавлоно саъд ул-миллати ва-д-дин (миллату диннинг бахти. – С. О.) ил-Кошғарий муриди кўргузурлар эрди, аммо, ҳамонки, увайсий (!) эрдилар ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд руҳониятидин тарбият топиб эрдилар” (185).

Абдулхолиқ Ғиждувоний – Баҳоуддин Нақшбанд – Абдураҳмон Жомий...

Алишер Навоий ҳам мансуб нақшбандия тариқатидаги увайсийликнинг бир узвий йўли ана шундай кечган. Чунки увайсийлик бевосита тасаввуфдаги оқимлар – тариқатларга алоқадорликни ҳам билдиради. Ўз-ўзидан, соликка кимнинг руҳи тарбия берган бўлса, у ана ўша ботиний пирнинг йўналишини давом эттиради.

Тасаввуф тарихида марҳум пирнинг руҳидан тарбият топганлар кўп ўтган. Энди увайсийликнинг иккинчи бир йўналиши ҳақида фикр юритсак.

Ёшлигида кексайиб қолган шайх – Фаридиддин Аттор билан учрашиш бахтига муяссар бўлган ва бу улуғ авлиё совға қилган “Асрорнома” деган китобни бир умр қўлидан қўймаган яна бир буюк авлиё шоир – Жалолиддин Румий ўша машҳур *“Ан ал-Ҳақ!” (“Мен Худоман!”)* дегани учун ноҳақ дорга тортилган Шайх Мансур Ҳалложнинг нури юз эллик йилдан кейин Фаридиддин Атторда жило топганини айтган: *“Ва Мавлоно Жалолиддин Румий сўзларида мазкурдурки, Шайх Ҳаллож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳиға тажаллий қилди ва анинг мураббийси бўлубтур”* (169). Демак, Фаридиддин Аттор ҳам увайсий эди.

Фаридиддин Атторнинг зоҳир юзидан пири – 1219 милодий йили вафот этган Маждиддин Бағдодий эди. Маждиддин Бағдодий эса хоразмлик машҳур суфий ва шоир, милодий 1145/46-1221/22 йиллар орасида яшаган Шайх Нажмиддин Кубронинг муриди эди. Фаридиддин Аттор, биламизки, Навоий болалигида ёд олгани – “Мантиқ ут-тайр” достонининг муаллифи. Буюк ўзбек шоири умрининг охирларида ана шу “Мантиқ ут-тайр” жавобида “Лисон ут-тайр” достонини битди. Шубҳа йўққи, Фаридиддин Аттор ўзининг фалсафий-тасаввуфий достонида буюк юртдошимиз Нажмиддин Кубро асослаган кубравия тариқати

ғояларини тарғиб этди. Бунинг Навоий “Лисон ут-тайр”ига ҳам кўчгани – тайин. Демак, Навоийнинг Навоий бўлиб етишувида Нажмиддин Кубронинг бевосита ҳам, билвосита ҳам ҳиссаси – бор. “Лисон ут-тайр”да кубравия билан нақшбандия ўзаро уйғунлашган.

Кубравия билан нақшбандия бошқа бир жиҳатдан ўзаро туташганини кўрамиз. Навоийнинг пири – Жомий, Жомийнинг пири – Нақшбанд, Нақшбандниг пири – Ғиждувоний эканидан келиб чиқиб, шуни таъкитдлаш лозимки, ана шу Абдулхолиқ Ғиждувоний билан Фаридиддин Аттор тасаввуф йўлида Мансур Ҳаллож туфайли ҳам боғланади.

“Қандай?” – дейсизми?

“Насойим ул-муҳаббат...”да Хожа Али Ромитаний деган машҳур шайхнинг бир эътирофи келтирилади: *“*...Алардин манқулдурки, дебтурларки: “Агар ер юзида Хожа Абдулхолиқ (яъни Ғиждувоний. – С. О.) фарзанларидин (яъни шогирдаридан. – С. О.) бири бўлса эрди, Мансур (яъни Ҳаллож – С. О.) дор остига бормағай эрди” (127). Маълумки, Мансур Ҳаллож *“Ан ал-Ҳақ!” (“Мен Худоман!”)* – деган ақидани илгари сургани учун дорга осилган эди. Хожа Али Ромитанийнинг таърифидан шу нарса англашиладики, Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тасаввуфдаги қарашлари мантиқан *“Ан ал-Ҳақ!”* ақидасини юмшоқлик билан шарҳлаб исботлашга хизмат қилади. Шунинг учун, қаранг, Ғиждувонийнинг ўзлари тугул, ҳатто, шогирдларидан бири бўлганда ҳам, Мансур Ҳаллож қатл этилмай қолиши мумкин эди, деб ҳисобланяпти.

Демак, адабий жиҳатларни бир тарафга суриб қўйиб, соф тасаввуфий тариқатлар нуқтаи назаридан олиб қараганда ҳам, Навоийнинг “Мантиқ ут-тайр”га жавоб айтиши тасодифий эмас ва шоиримиз тарафдорлик қилган нақшбандия тариқати билан Фаридиддин Аттор мансуб кубравия ақидалари ўртасида кескин қарама-қаршиликлар эмас, муайян яқинликлар – бор. Мансур Ҳаллож ақидаси эса бу икки машҳур тариқат – кубравия билан нақшбандия ўртасидаги ўзига хос ҳалқа янглиғ ўрин тутади.

Шубҳасиз, Фаридиддин Аттор, таъбир жоиз бўлса, тасаввуф адабиётининг “ота”ларидан бири эди. Яна ўша Жалолиддин Румий ҳазратлари Аттор ва Саноийнинг сўфиёна шеъриятдаги мавқеини кўзда тутиб, буюрадилар:

Аттор руҳ буд-у, Саноӣ – ду чашми ӯ,
Мо аз паи Саноиу Аттор омадем (170).

Маъноси: *“Аттор руҳ эди, Саноий* – унинг икки кўзи, биз Саноию Аттор кетидан эргашиб келдик”.

Ҳаким Саноий Ғазнавий ҳам – буюк тасаввуф шоирларидан. Милодий 1181 йили вафот этган.

Хожа Баҳоуддин Нақшбандниг *“қабулий”* пирлари[1] Муҳаммад Бобо Самосий, зоҳирий пирлари Амир Саййид Кулол ва ботиний пирлари Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний эканини билиб олдик. Бироқ Баҳоуддин Балогардон бевосита яссавия шайхларига ҳам мурид тушганлар. Ҳатто, инглиз тасаввуфшунос олими Ж. С. Тримингэм Аҳмад Яссавий шажарасини санаганда Баҳоуддин Нақшбанд номларини силсилада Халил Отанинг муриди сифатида кўрсатади[2]. Чиндан ҳам, Баҳоуддин Нақшбанд яссавий шайхлардан Халил Ота хизматида бўлганлар.

[1] *“Қабулий пир”* истилоҳини, Навоийга таяниб туриб, биз илк бор ишлатяпмиз.
[2] Қаранг: Т р и м и н г э м Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – Москва: 1989. – С. 58.

“Насойим ул-муҳаббат...”нинг далолат беришича, Баҳоуддин ҳазрат бир кеча тушларида Ҳаким Ота, яъни милодий 1186 йили вафот этган авлиё ва шоир Сулаймон Боқирғонийни кўрадилар. Ул зот Баҳоуддинни бир дарвеш ихтиёрига топширадилар. Баҳоуддин бу тушларини она бибиларига айтсалар, у киши: *“Эй фарзанд, сенга турк машойихидин насибе бўлғусидур”* (129), – дейдилар. Баҳоуддиннинг кўнгиллари ўша тушларида кўрган дарвешни кўп тусайди. Бир куни Бухоро бозорида ўша тушларида кўрганлари дарвешни учратиб, танийдилар ва танишадилар. Оти *“Халил”* экан. Ўша куни бозорда у билан яхшироқ гаплаша олмайдилар. Оқшом уйларига одам келиб, Халил чақиртираётганини айтади. Куз маҳали экан. Баҳоуддин бир оз мева олиб, ўша дарвешнинг ҳузурига борадилар. Унга тушда кўрганларини айтмоқчи бўлиб турганларида Халил: *“Улча сенинг хотирингдадур, бизга аёндур. Баён қилмоқ ҳожат эмас”* (130), – дейди. Чунки кўп шайхларга бировнинг кўнглидаги гапни айтмасидан ҳам уқиб олиш қобилияти берилган бўлади.

Шу тариқа Баҳоуддин олти йил Халил Отанинг хизматини қилиб, унинг тасаввуф йўлидаги суҳбатларидан баҳра топадилар. Кейинроқ Халил Ота Мовароуннаҳр мамлакатига подшоҳлик ҳам қилади. Баҳоуддин у кишининг подшоҳлик даврида ҳам яна олти йил хизматда бўлиб, шайх тарбиятини оладилар. Пир ва мурид холи қолганларида тасаввуфдан суҳбат қурар, кўпчилик ичида эса улар шоҳ ва мулозим каби муомалада бўлаверар эдилар. Бу ҳақда Баҳоуддиннинг ўзлари: *“Халода хос суҳбатининг маҳрами эрдим ва малода* (кўпчилик орасида. – С. О.) салтанат одобин риоят қилур эрдим” (130), – дейдилар.

Баҳоуддин Нақшбанд ёш пайтлари яна бир яссавий пир – Қусам Шайхдан ҳам таълим олганлар. Бу ҳақда кейинги *“Пўчоқ еган шогирд”* деган фаслда батафсил ҳикоя қиламиз.

Пўчоқ еган шогирд

Энди, азиз китобхон, бир фурсат шахсий мулоҳазаларга ҳам изн беринг...

Аҳли илму аҳли адаб орасида баъзан учраб турадиган ножўя манманлик бизнинг миллат сифатида шарқона бой анъаналаримизни аллақачон поймол қилиб бўлганимиздан далолат беради. Айрим ёш истеъдодлардан: *“Ким бўлибди фалончи, унинг менга устозлик қилишига йўл бўлсин!”* – деган очиқ-ошкор худдонамликни кўп кўрган бўлсангиз керак сиз ҳам.

...Болалигимизда Эроннинг “Мозандарон йўлбарси” деган киносини томоша қилганмиз. Ундан ҳазин қўшиқларининг нозик жилоларидан ташқари, фильм қаҳрамони – бир шеркелбат полвон йигитнинг устози – миттигина лилипут одамча ёдда қолган. Устоз шогирдининг елкаларида юриб, оёқчалари билан тепиб, чарчаган мускулларига дам беради. Полвон тиззаси бўйи келиб-келмайдиган ана шу мураббийнинг измидан чиқмайди...

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудларининг 675 йиллиги олдидан радио орқали берилган ўқиётганингиз мақолани эшитган муҳтарам зиёлиларимиздан бири қизидан:

– Агар домланг қовунни еб, пўчоғини сени есин деган маънода олдингга ташласа, нима қилар эдинг – пўчоқни ермидинг? – деб сўрабдилар.

– Баш-шар-рас-сига отвор-рар-рийдим! – дебди қизлари.

Йўқ. Мен бу синглимизни устозларга нисбатан беҳурматликда айбламоқчи эмасман. Унинг ўрнида бўлган ҳар биримиз ҳам бу саволга, эҳтимол, шундай ё шунга яқин жавоб қайтарган бўлар эдик. Ахир, бизни – “коммунизм қурувчилари”ни ана шундай “инқилобий” руҳда тарбиялаган эдилар. Ҳатто, бадиий асарларнинг ҳам ана шундай “курашчан” жойла-

ри жуда бўрттириб кўрсатилар эди. Устозу шогирдликнинг ота-боболаримиздан қолган қадимий анъаналарини давом эттираёганларни учратиш эса жуда камёб ҳодиса бўлиб қолди.

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфда шу қадар баланд поғонада турадиларки, қаранг, бугун Бобо Самосийни ҳам, Амир Саййид Кулолни ҳам, Халил Отани ҳам, Қусам Шайхни ҳам аввал ана шу муридларининг шуҳрати туфайли қайта таний бошладик. Лекин ана шу пирлар таълимию тарбиясисиз Баҳоуддини Балогардон шу улуғ мақомга ета оларми эдилар?! Йўқ!

Нақшбандияда пири муридлик шарту қоидалари, яъни устозу шогирдлик одоби тариқатга доир илмнинг муайян қисмини ташкил этади. Бинобарин, Муҳаммад Мусо ибн Хожа Исо Даҳбедий "Касир ул-фавойид" рисоласининг мавжуд уч бобидан охиргиси махсусан ана шу муриднинг муродга етиш борасидаги ахлоқий меъёрлари, унинг устоз олдидаги бурчларини бирма-бир баён этишга бағишланган. Нақшбандия хақидаги шу ва бошқа талай мўътабар манбалар асосида мазкур тариқатдаги муридлик одобини алоҳида тадқиқ этиш – фақат тасаввуф ё адабиёт учун эмас, умуман, маънавиятимиз, хусусан, миллий педагогикамиз учун жуда-жуда керак. Бу – мактабларимизда ўқитилаётган одобнома фани учун тап-тайёр таянч.

Ҳозир бевосита Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдона одобларидан бир шингилгина ҳикоя қилсак.

Муҳаммад Бобо Самосий Баҳоуддин тарбиясини Амир Саййид Кулолга васият қилганларидан хабарингиз бор. Суҳбат нисбати, тариқат сулуки одоби таълими ва зикр талқинини Баҳоуддин ана шу Амир Саййид Кулолдан олганлар. Бир куни Амир Саййид Кулол шогирдларини ёнларига чақириб шундай дедилар: "Эй фарзанд Баҳоуддин! Хожа Муҳаммад Бобо нафаси васиятин сизнинг борангизда ба жой келтурдум..." Дедиларки: "Ҳар не тарбият бобида бормен, сенинг ҳақингда кўргузубмен. Сен фарзанд Баҳоуддин бобида кўргизгил". Андоқ қилдим" (128). Кейин ўз кўксиларига ишорат қилиб: "Бу эмчакни сизинг учун қуруттум ва сизинг руҳониятингиз қуши башарият байзасидин (тухумидан. – С. О.) чиқди. Аммо сизинг ҳимматингиз шаҳбози (ов қуши. – С. О.) баландпарвоз тушубтур. Эмди ижозаттур. Ҳар ерда матлубдин (талабдан. – С. О.) исе (бирон ҳид. – С. О.) димоғингизга етса, тиланг ва талабда ўз ҳимматингиз мужиби (сабаби. – С. О.) била тақсир (қусур, хато. – С. О.) қилманг" (128).

Демак, Амир Саййид Кулол ўзларидаги бор билимни Баҳоуддинга бериб бўлган, аммо шогирднинг истеъдоди жуда баланд ва бундан-да юқорироқ даражаларда таълим олиш иштиёқи кучли эди. Ҳа, устоз фақат истеъдодининг кучлилиги учун эмас, талабанинг чироғи пилиги баландлаб ёнишига кўмак берадиган тажрибаси ҳам борлиги учун мураббийлик қилади шогирдига. Баҳоуддин пирларининг ана шу гапларига амал қилиб, илм истабон яссавия тариқати шайхларининг машҳурларидан бўлмиш Қусам Шайх олдига – Нахшаб, яъни ҳозирги Қаршига бордилар. Навоийнинг Абдураҳмон Жомий тазкираси – "Нафаҳот ул-унс..." дан таржима қилиб келтиргани маълумотга кўра, Баҳоуддиннинг Қусам Шайх билан учрашувлари жуда қизиқ кечган: "Ул (Қусам Шайх. – С. О.) аввали мулоқотда қовун ейдур эрди. Пўчоғини Хожа (Баҳоуддин. – С. О.) сари ташлади. Алар (Баҳоуддин. – С. О.) ғояти талаб ҳароратидин пўчоғни териси билан едилар (!). Ул мажлисда икки-уч қатлаъ бу навъ воқеъ бўлди ҳам бу мажлисда Шайхнинг ходими кириб, дедики: *"Уч тева* (туя. – С. О.) ва тўрт от ғойиб қилибмен (йўқотибман. – С. О.) Шайх Хожаға ишорат қилиб, дедики: "Ани яхши тушунгиз!" Тўрт киши андоқ хушунат (қўполлик. – С. О.) била Хожаға ёпуштиларки, гўё арода қоне воқеъ бўлубтур. Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин. – С. О.) дебтурларки: "Турк ма-

шойихидин шинохти (доноси, маърифатлиси. – С. О.) бўлмаса, алар тариқидин (ишидан. – С. О.) мутанаффир (нафратланган. – С. О.) ва навмид (ноумид. – С. О.) бўлур эрдим". Хожа муроқаб (қараб туриб. – С. О.) ўлтуруб дедиларки: "Намозшом адосидин сўнгра ходим яна кириб, дедики: "Ғойиб бўлған тевалару отлар ўзлари келдилар" (129).

Бу парчани батафсил шарҳлашдан олдин бир мулоҳазани айтиб ўтай. Баъзилар, Баҳоуддин Нақшбанддек улуғ зот ҳаётидаги ана шу пўчоқ ейиш ҳодисасини халққа ошкор қилмай ўтиб кетавериш – керак, деган фикрни билдириб юрибди торроқ адабий-илмий суҳбатлар аро. Хўш, нега, дерсиз? Ҳа, нима эмиш, бу билан халқимизнинг Баҳоуддин ҳазратлари ҳақидаги тасаввурлари ўзгариб, у зоти шарифнинг обрўларига путур етган бўлар эмиш.

Яқин ўтган замонларда, яъни мустақилликка эришгунимизга қадар кўп нарсани матбуот ва ё илм орқали ошкор қилмай-қилмай-ку шу аҳволга тушиб қолдик. Ахир, тазкирада бу воқеа зўр бир ибрат янглиғ келтириляпти-ку. Энди бир тасаввур қилиб кўринг. ...Дарвешлар давраси. Тўрда пир, яъни Қусам Шайх ўтирибди. Қовун ейиляпти. Шайх олдига бир нотаниш шогирд салом бериб, таъзим бажо айлаб кириб келди. Шу боланинг қадрини ерга ургандек, Шайх ҳозиргина еб бўлгани қовун тилимининг пўчоғини унинг олдига отди. Йигит, ҳеч иккиланмай, пўчоқни олиб, чайнай бошлади. Чайнай-чайнай батамом еб қўйди. Шайх ҳеч нарсани сезмагандек, яна бир тилим қовунни паққос тушириб, пўчоғини яна меҳмон йигитнинг олдига ирғитди. Яна ўша гап: йигит пўчоқнинг бунисини ҳам еб қўйди. Шайх ташлаган учинчи пўчоқ ҳам бемалол ҳазм қилинди.

Хўш, нима гап – ўзи? Наҳотки, кимсан – Хожа Аҳмад Яссавий хонадонидан бўлган замонасининг машҳур шайхи одамга нисбатан шунчалар беписанд муносабат қилса?!

Тасаввуфда мурид тушган шогирд пирнинг қули янглиғ ихтиёрини унга топширади. Нима учун? Ўзидаги ўзликни – ғурурни дейсизми, худпарастлик, ўзим бўлайчилик, худбинлик, худдонамликни дейсизми, ишқилиб, жисм ва нафс йўлидаги салбий жиҳатларни енгиши учун унга пир устозлик қилиши – лозим. Бунинг учун шогирддаги ғурур тинимсиз ўлдирила бориши керак. Бу, айниқса, яссавия тариқати одобида ниҳоятда қатъий қилиб белгиланган. Бу ҳақда тасаввуфшунос олимларимиздан Турғун Файзиев ва Ориф Усмоновлар шундай ёзадилар: *"Яссавийлик таълимотидаги соликлар (тариқат аъзолари) қуйидаги қоидаларни бажаришга мажбур бўлганлар: 1. Мурид ҳеч кимсани ўз шайхидан афзал кўрмаслиги, унга мутлақо таслимият изҳор этмоғи* – лозим... 2. Шайхнинг барча ақволи (сўзлари) ва афъоли (ишлари)га мурид содиқ бўлиб, унга мутлақо мўътақид (эътиқод қилувчи. – С. О.) бўлмоғи – лозим. ...Мурид ўз ихтиёридаги барча мол-мулкни, бутун бору йўғини ўз шайхига нисор этмоқ учун доимо тайёр турмоғи – лозим"[1].

Қусам Шайх нега бу нотаниш йигит – Баҳоуддиннинг олдига пўчоқ ташлади? Бу билан у нима деб сўраган бўлди? Нега Баҳоуддин шу заҳоти пирнинг нишхўрди – пўчоқни паққос туширди? Бу билан нима деб жавоб қайтарган бўлди?

"Нафаҳот ул-унс..."дан таржима жараёнида Навоий аслиятга содиқ қолиб, воқеанинг ўзинигина баён қилади, уни шарҳлаб ўтирмайди. Чунки тасаввуфдан бохабар ўша давр кишилари учун ишоранинг ўзиёқ бас эди. Бироқ биз учун сўзу сухансиз – қовун пўчоғи "тил"и билан гаплашилган бу "суҳбат" – шарҳга жуда-жуда муҳтож.

Қусам Шайх гап-сўзсиз ҳам ёш йигитнинг бу ерга илм истаб келганини билади. Хўш, қани, шогирд бутун измини устозга топширишга тайёрми-йўқми? Қолаверса, илм олиш

[1] Файзиев Т., Усмонов О. Занги Ота. 1-қисм. – Тошкент: 1993. – Б. 4 – 5.

маҳали пирдан жуда оғир, инсон учун ғурурга тегадиган вазифалар топширилса, уни ҳам бажаришни кўнглига тугиб келганми бу йигит ё бу бир шунчаки ҳою ҳавасми? Бундай ўта муҳим ва нозик саволларни сўз билан ифодалашга ҳеч бир ҳожат йўқ. Негаки суфийлик киши кўнглини англаш экан, уни ҳадди аълосида софлаган, яъники тараққий эттирган комил кишилар учун гап-сўзсиз ҳам бир-бирларини тушунишлари – табиий ҳол-ку. Демак, Қусам Шайхни шогирдлик истаб келган йигитнинг ана шу жиҳатдан қай даражага етгани, яъни унинг фаҳму фаросатини ҳам имтиҳон қилиш туйғуси чулғагани рост.

Шу нуқтаи назардан қаралса, Қусам Шайх уч бор Баҳоуддиннинг олдига пўчоқ ташлаш билан бўлғуси шогирдни обдон синаб олди. Навоийнинг матнидаги "ғояти талаб ҳарорати-дин" деган калималарда гап –кўп. Пўчоқни ейиш билан Баҳоуддин: *"Мен Сизнинг олдингизга илм истаб келдим, бу йўлда нимаики машаққат чекишга тўғри келса, мен бунга тайёрман"*, – демоқчи бўлди.

Пир кутган жавобини олган эди.

Қусам Шайхнинг пўчоқ ташлаш воқеаси *"икки-уч қатла"* такрорлангани ёзилади. Келинг, озгина мулоҳазага эрк берайлик-да, шуни уч марта деб ҳисоблайлик. Чунки Жомий уч марта деб аниқ қилиб ёзади[1]. Чунки суфийлар шу қадар зеҳнкор кишиларки, ана шу уч марта пўчоқ ташлашнинг замирида ҳам муайян маъною мазмун бўлиши – мумкин. Эҳтимол, ана шу уч бор пўчоқ ташлашда ҳам сир яширидир?

Биламизки, тасаввуфда аввал – шариат, кейин – тариқат ва сўнгра –ҳақиқат.

Биринчи марта пўчоқ ташланганда пир шогирддан: *"Шариатдан илминг* – борми?" – деб сўраган бўлса, ажаб эмас. Пўчоқни еб қўйиш билан шогирд: *"Бор, л*екин Сиздан яна таълим олишга муштоқман!" – дегандир.

Иккинчи бор келиб тушган пўчоқ: *"Тариқатдан хабардорл*игинг –қалай?!" – деган савол эди, балки. *"Бехабар эмасман, а*ммо Сизнинг тарбиянгизга мунтазир бўлиб келдим"! – деган жавоб эди, эҳтимол, иккинчи пўчоқни еб қўйиш.

Учинчи дафъа ташланган пўчоқ: *"Ҳақиқат илмини биласанми?"* – деган сўроқ бўлиши – мумкин. *"Биламан,* – демоқчи, шекилли, шогирд учинчи пўчоқни ейиш билан. – Бироқ Сизнинг таълимингиз етмай турибди!"

Агар шундай бўлса, пир кутган жавобини олган эди...

Хўш, бу ваъдалар-ку – яхши-я. Аммо шогирднинг илм талаби борасидаги бардоши қандоқ экан? Бунга чидай олармикан? Ахир, тасаввуф учун сабру чидамнинг айрича аҳамияти борку! Бинобарин, тожик тасаввуфшуноси Муҳаммадқул Ҳазратқуловнинг бу ҳақдаги фикрлари – эътиборли: *"Тасавв*уф адабиётида келтирадиларки, сўфийнинг иймони икки қисмдан иборат. Унинг аввалги ярмини сабр ва кейинги ярмини шукр ташкил этади. Суфийларнинг эътиқодига кўра, ҳар бир фарзни охирига етказиш ва ҳар бир масиятни тарк этиш сабрсиз амалга ошмайди, зеро тариқатга кирган солик бошига тушган мушкулликларнинг барисини сабру тоқат билан кутиб олади. Собир шундай кишики, у ҳақиқат маърифати учун сабрни бўйнига олади ва қийинчиликлардан шикояту эътироз қилмайди. "Тазкират ул-авлиё" муаллифи (яни Фаридиддин Аттор. – С. О.) сабрни сўфий ҳаётининг энг яхши жиҳати деб билади"[2].

---

[1] Қаранг: Нуриддин Абдураҳмон Ж о м и й. Нафаҳот ул-унс мин ҳазорот ул-қудс. – Теҳрон: 1370. – С. 288 (Араб ёзувида.).

[2] Ҳ а з р а т қ у л о в М. Тасаввуф. – Душанбе: 1988. – С. 49.

Хуллас, энди Баҳоуддин сабрини синашнинг гали келган эди.

Юқорироқда келтирилган парчадан биламизки, ходим кириб Қусам Шайхга, туяю отлар йўқолди, деганда Шайх атайлабдан Баҳоуддинга туҳмат қилиб, уни ўғри ҳисоблайди ва пир буйруғи билан муридлар унга шу даражада ташланадики, ҳатто, Хожа Баҳоуддиннинг баданларидан қон ҳам чиқади. Шунда ҳам Баҳоуддин миқ этмайдилар. Агар у киши сабрсизлик кўрсатиб, ўзларига нисбатан тухмат қилинаётганини айтганларида ёки асабийлашиб, муридлар билан талашиб кетганларида тасаввуф йўлидаги даражалари ҳали жуда ҳам пастлигини билдириб қўйган бўлар эдилар. Чунки сабр – улуғ неъмат. Ахир, тасаввуф йўлига кирган, Ҳаққа етишни орзулаган солик руҳиятида метиндек ирода ва ўта кучли чидам бўлиши керак эмасми? Тасаввуфни тўғри қўя туринг, бу дунёда жиддийроқ бир мақсадга эришмоқ учун ҳам одам боласида қанчалар матонат шаклланган бўлиши лозим-ку!

Баҳоуддин устознинг бу имтиҳонидан ҳам эсон-омон ўтадилар. Намозшомга бориб эса йўқолган уч туяю тўрт от ўзи кириб келади.

Дақиқроқ назар ташланса, балки шу туяю отларнинг яна ўзи қайтиб келиши ҳам Баҳоуддин билан боғлиқдир, деган фикр ҳам кечади ҳаёлдан. Эҳтимол, ул зоти шарифнинг Бало-гардонликлари шу ерда иш бериб қолгандир. Ҳар ҳолда, ҳозирча буни тўлиқ исбот қилиш учун далил етарли эмас.

Ана шу биргина парча таҳлилидан ҳам ойдинлашяптики, Навоийнинг наинки бадиий асарлари ҳар бир давр учун замонавий шарҳларга муҳтож, балки унинг илмий ва ё насрий асарлари ҳам бугун алоҳида ва махсус шарҳланиши – керак. Акс ҳолда, кўпчилик бу улуғ бобоколонимиз қаламидан чиққан жумлалар аро яширин маъноларнинг моҳиятига етмай, ўтиб кетавериши мумкин.

Ана шундай жиддий синовлар билан бошланган Қусам Шайх ва Баҳоуддин Нақшбанд аро пиру муридлик шу даражага етдики, шогирд уч ойча устоз хизматида бўлиб, унинг энг севимли талабасига айланди. Яна “Насойим ул-муҳаббат...”га суянамиз: “Охир ул-амр Шайх Хожаға ташриф берди (бу ерда устознинг шогирдга мустақил иш юритиш учун қўл бериб, рухсат қилгани, яъни унга фотиҳа бериб, оқ йўл тилагани кўзда тутилган; одат бўйича бунда муридга ҳирқа – тўн ёпади. – ***С. О.***) ва деди: “Тўққуз ўғлум бор. Сен борчадин улуғроқ ва муқаддамроқ (олдинроқ, устунроқ. – С. О.)” (129). *“Тўққуз ўғлум”* деганда Қусам Шайх фарзанларини кўзда тутганми ё муридларини? Бу очиқ маълум эмас. Ҳойнаҳой, Шайх Баҳоуддинни энг улуғ шогирдлари қатори ҳисоблаяпти. Баҳоуддин Қусам Шайх хизматидан – Нахшабдан Бухорога қайтганларидан кейин ҳам бир умр устозларининг ҳурматини аъло даражада бажо келтирдилар: *“Андин сўнгра ҳар қачон Шайх Нахшабдин Бухороға келур эрди, Хожаға мулозамат қилурлар эрди* (бирга бўлур эдилар. – С. О.)” (129). Қусам Шайхнинг ўзи Баҳоуддин ҳақларида: *“Бу навъ талабгорлиғки, сенда кўрибмен, толиблардин ҳеч қайсида кўрмаймен”* (129), – деган эди. Устоз Қусам Шайхнинг Хожа Баҳоуддинга ҳурмати шу қадар юксак эдики, умрининг охирида у ана шу муриди юртида яшади ва Бухорода вафот этди. “Насойим ул-муҳаббат...”да ўқиймиз: *“Охир бу Қусам Шайх Хожа* (Баҳоуддин. – С. О.) интиқо (айрилиқ, соғиниш. – С. О.) ва камоли бетаайюнлуғидин (бу ерда жудоликдан қутилиш маъносида. – С. О.) Бухоронинг тимларидин бирида андоқ савдову сотиқ қилди ва чиқиб бир дўкончада ўлтуруб, асҳоб (суҳбатдошлар, муридлар. – С. О.) ва фарзанларидин ҳар кимки, анинг эдилар, тилади ва дедики: “Бизинг борур чоғимиз бўлди”. Тавҳид калимасин алар мувофақати била (улар билан биргалашиб. – С. О.) айтти ва жон таслим қилди” (129).

Биргина пўчоқни ейиш билан бошланган пиру муридлик ана шундай якун топган эди. Бу устозу шогирд ўртасидаги ўзаро ҳурмату иззат – биз учун намуна бўлгулик. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлари эса – бундай ибратомуз жиҳатларга жуда бой.

Тасаввуф – рамзларга кўмилган фалсафа. Хусусан, тасаввуфона адабиёт барча фалсафий мушоҳадаларни тимсолларга кўчириб ифодалар эди. Шундай экан, бу фалсафани қаттиқ тутган ва ривожлантирган шайхлар, уларнинг пок этагини ушлаган соликлар ҳар бир ишорадан моҳиятни англаш қобилиятини ҳадди аълосида камолга етказишга бир умр интилган кишилар эди. Қовун пўчоғини бўлғуси мурид олдига ташлаш эса ана шундай замирида, кўриб ўтилганидек, теран моҳият ётган ишоратлардан бири эди. Пўчоқ икки буюк сўфий орасида гўё ўзаро сўзлашув "тил"и эди. Агар биз суфиёна адабиёт яратган ота-боболаримиз бой меросининг моҳиятига етмоқчи бўлсак, бу ўзига хос "тил"ни ҳали кўп ўрганишимиз – керак.

Хожалик билан рост келмайдиган бандалик

Бундай ўйлаб қаралса, бу дунёда ўзи бор-йўғи биргина ижтимоий муаммо бор. Қолган жамики муаммолар – назаримда, ана шу бош масаланинг бўлаклари, тармоқлари ёки оқавалари.

Нима бу бош муаммо?

Бу – меҳнат ва маҳсулот тақсимоти, кишиларнинг ишлашга, шунингдек, аксинча, меҳнат кетидан барпо этилган бойликларга эгалик қилишга муносабатлари. Аммо қарийб ҳеч қачон: *"Сен эмас, мен ишлай!"* – деган жанжал, ғавғо, тортишув бўлмайди-ю, *"Сен эмас, мен олай!"* – деган можаро ҳар кун давом этаётгандек. *"Мен эмас, сен ишла!"* – деган тортишув авж олаверади-ю, *"Мен эмас, сен ол!"* – деган интилишни кам топамиз. Онадан туғилган жонзотки бор, ана шу икки бир-бирига чамбарчас боғлиқ муаммони қандай ҳал этаётганига қараб кимлигини ошкор қилади. Бир қарашда, одам боласининг бари инсоният меҳнати натижасида барпо бўлган бойликларни имкон қадар ўзиники қилишга интилади, шунинг учун яшайди гўё. Жаҳоннинг Одам Ато яратилганидан бериги бош тортишуви, барча сиёсатлар, мамлакатлар аро жанжаллару урушлару қирғинлар, э, ҳатто, боринги, дўстона муносабатлар ҳам мазкур икки масаланинг қандай, яъни адолатлими ё адолатсизми ҳал этилганига боғлиқдек ёки, камида, ана шу масалалар атрофида пайдо бўлади, айланади ва якун топади. Дунё ана шу манфаатлар бозоридан иборатга ҳам ўхшаб кетади. Бу бозорда эса, аниқки, биров – сотувчи, биров – харидор. Албатта, сотган ҳам, сотиб олган ҳам – ўз манфаатидан келиб чиқиб, иши битганига хурсанд. Шуниси ҳам аёнки, ҳар қандай олди-сотдида кимдир ютади ва кимдир... ютқазади. Демак, гўё манфаатлар тамоман мос келиб турган ҳолатларда ҳам ана шу бойлик устида талаш зимдан давом этади, биров ютқазади ва биров... ютади.

"Бекор гап – бу", – дейишингиз ҳам –мумкин. Айтайлик, икки қўшни – Али билан Вали бир хил кенгликдаги майдонларда ёнма-ён деҳқончилик қилишади. Али – ҳаддан ортиқ меҳнаткаш. Вали у қадар ишлай олмайди. Валининг Алига ҳасади келади. Лекин бундан: *"Мана, меҳнат қилиш учун талаш кетяпти-ку!"* – деб хулоса чиқармаслик – керак. Чунки Вали Алининг айнан кўп ишлаганигами ҳасад қилади? Йўқ. Ишлаблар кетмайдими!.. Ҳамма гап шундаки, меҳнат орқасидан бойлик келади. Агар оз меҳнати билан ҳам Вали кўп ҳосил олса эди, Алига ҳасад қилармиди? Йўқ. Ана ўша маҳсулотга эгалик ҳисси Валига ғайрлик туғдиряпти.

Бу гаплар шунинг учун айтиляптики, нақшбандия тариқати жаҳоннинг ана шундай энг муҳим ижтимоий муаммоси – меҳнатга ва унинг натижасида эришиладиган бойликка муносабат масаласига ниҳоятда жиддий эътибор берди. *"Дил – ба ёр-у, даст – ба кор!"* – шиори соликларнинг меҳнат қилиб туриб ҳам тасаввуф билан машғул бўлиши мумкинлигини исботлайди ва шунга ундайдигина эмас, ҳатто, сўфийни ўз меҳнати, яъни қўл кучи билан тирикчилик қилишга ҳам давъат этади. Агар ҳар ким ўз меҳнатининг кетидан тирикчилик ўтказса, бойликларга фақат меҳнати даражасида эга бўлишга интилса, бу дунёда ноҳақлик юз бермайди, ижтимоий адолат тантана қилади. Бу нақшбандия йўлига кирганлар учун шунчаки бир ғоягина эмас эди. Улар шу ақидаларига қатъий амал қилиб яшар эди. Бу тариқат жаҳоннинг ана шу *"энг асосий"* деяётганимиз ижтимоий муаммосини ҳар кимнинг ўзи адолат билан ҳал этишига чорлар эди.

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд ҳақларида, китобларда ёзиб қолдирилганидан ташқари, халқ хотирасида ҳам бир талай ривоятлар сақланиб келяпти. Шундай халқ ривоятларидан бирида айтилишича, Баҳоуддин, ҳатто, жуфти ҳалоллари ёпган нонни ҳам емас эканлар. Хўш, нега? Чунки, ахир, шу нонни ёпаётганда хотинлари рози бўлиб меҳнат қилганми ё кўнглидан: *"Эрим учун куч сарфлаб,* нон ёпяпман-а..." – деган миннатли фикр кечганми? Ҳамма гап ана шунда! Бу ақидага кўра, ҳатто, жуфти ҳалолингиз ҳам қилган хизматига агар заррача норози бўлса, бу нон сиз учун ҳалол эмас!

Шунинг учун Баҳоуддин ўзлари буғдой экиб, уни ўзлари ер суғориб, ўзлари ўриб, ўзлари ҳўп қилиб, ўзлари янчиб, ўзлари хамир қориб, ўзлари нон ёпиб еганлар... Ҳаётга, ҳалолликка, меҳнатга муносабатда қанчалар инсоний юксакликка кўтарилган эдилар бу жиҳатдан бобомиз Баҳоуддин!

Ҳар бир халқ турмуш маданиятининг даражаси аёллар меҳнатининг қай даражада камайтирилгани билан ўлчанади, десак, хато бўлмас. Бизда эса бу ғоя Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари томонидан XIV асрдаёқ кун тартибига қўйилган экан. Аммо кундалик турмуш кечиришимиз учун ҳозир ҳам хотин-қизларимиз – оғир ва маъсулиятли меҳнат қилишга мажбур. Баҳоуддини Балогардон ҳақларидаги ана шу биргина ривоят ҳам биз – эркакларга аёлларимизнинг уй-рўзғор ишларини иложини топганимиз қадар камайтириш чораларини кўришимиз лозимлигини уқтиради. Бунинг учун эса газлаштириш, электрлаштириш, автоматлаштириш каби уй-рўзғор ишларининг замонавийлашувига эришиш – керак. Ундан ташқари, қадим маданият соҳиби бўлган бир халқ вакиллари ўлароқ ҳар биримиз, ўз меҳнатимиз ва ширин сўзимиз билан бўлса ҳам, аёл-қизларимиз оғирини енгил қилиш тадоригида бўлишимиз – зарур. Бунинг учун эса умр йўлдошимизга ичимиздан *"қул"* деб қараш ҳиссини батамом қувишимиз – шарт. Чунки: *"Инсон инсонга қул эмас!"*

Нақшбандия айнан шундай таълим беради.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақларида халқдан эшитиб келтирганим ривоятни ўқиб, кимнингдир хаёлидан: *"Бу* – бир афсона бўлса керак", – деган фикр кечган бўлса ҳам ажаб эмас. Лекин Абдураҳмон Жомий ёзган ва Алишер Навоий таржима қилган тазкирада Баҳоуддин Нақшбандниг биров меҳнатидан фойдаланмасликлари айтилади: *"Дерларки, аларға* (Баҳоуддин Нақшбандга. – С. О.) ҳаргиз қул ва дадак (чўри. – С. О.) бўлмас эрмиш. Алардан бу маънида сўрубтурлар. Алар дебтурларки: "Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!" (132).

Демак, инсоннинг ўзи-ку – банда. *"Банда"* – боғланган, яъни Худога қул, дегани. Агар инсон Аллоҳнинг қули бўлса, у яна қандайига бировни ўзига қул қилиб олади? Ахир, бу

– одамнинг одамга ҳукмронлик, яъни хожалик қилиши бандалик ақидасига тўғри келадими? Инсон-ку тасаввуфда ўзининг нақадар ожиз бир қул эканини теран ҳис этишга интилади. Бунга тескари бир ишни амалга оширса – қулу чўриларга эгалик қилса, бу сўфий учун хожалик даъвоси бўлиб қолмайдими? Инсоннинг инсонга хожалик қилиши зимдан Худолик даъвоси эмасми? Ахир, инсонга хўжайинлик қилиш – фақат ва фақат Аллоҳгагина ярашадиган иш-ку!

Бу ғояни қўл остида ихтиёрини батамом пирига топширган сонсиз-саноқсиз муридлари – бор, атрофини мухлислари ўраб олган улуғ зотнинг илгари сураётганига ҳам диққат қилайлик.

Биз ҳозир коммунизмнинг инқирозга учраган даврида яшаяпмиз. Тўғри, коммунизм дастлаб ана шу инсоннинг инсон тарафидан эксплуатация қилишини йўқотиш истаги билан майдонга чиққан эди. Аммо эксплуатация асосида тараққий этиши исботлаб берилган капитализм, аслида, инсоният ижтимоий тараққиётининг табиий бир оқими ўлароқ тадрижий асосда пайдо бўлган. Уни инқилобий йўл билан йўқ қилиб, дунёда орзудагидек жамият яратиб бўлмаслигини ҳаёт, яъни социализмнинг таназзули тўла тасдиқланди. Бироқ нақшбандия тариқати ақидаларидаги одилликка эришиш ғояси – ҳозир ҳам керак. Чунки у коммунизмча одилликдан тамоман фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, коммунизм жамиятни ёппасига – бирданига ўзгартирмоқчи, ҳамма одамларни бирданига тузатмоқчи, бунинг учун инсоният асрлар мобайнида яратган тузумни бирданига йўқ қилиб ташлаб, ўрнига лўп ўтиб янги, орзудагидек тузумни яратмоқчи бўлди ва хато қилди. Бунда энг асосий жиҳат – инсон омили ҳисобга олинмади. Одамга одам, *шахс* деб эмас, қул деб, ҳатто, сиёсат қўлидаги жонсиз буюм янглиғ қаралди.

Нақшбандия ғоялари эса жамиятни ялпи ҳолда ўзгартиришга эмас, якка-якка шахсларни тарбиялашга, ҳар кимнинг ўзини ўзи камолга етказишига қаратилган. Албатта, беш қўл баробар эмас. Ҳамма бирдек инсофга келмайди ҳам. Бироқ агар нақшбандия таъсиридан бир неча минг ё миллион одам адолат мезонлари билан ҳалол меҳнати кетидан яшашга ўтса ҳам, жамият ютади-ку. Шунинг ўзи ҳам жамият ҳавосининг мусаффолигига олиб келади, ахир.

Нақшбандия хожаликни эмас, меҳнаткашликни тарғиб қилгани жиҳатидан ҳам ўз даври учун улкан ижтимоий ҳодиса эди ва бу – ҳозир учун ҳам ниҳоятда аҳамиятли. Мана, бизнинг замонамизда дунёда инсониятнинг илғор қисми демократия ғоясини улуғлайди. Демократия – нима? Содда қилиб айтганда, демократия – бу дунёда ҳамманинг тенглигини, ҳар кимнинг ҳам барча инсонлар қатори ҳуқуқ ва эркинликларга эгалигини таъминлаш. Хўш, Баҳоуддин Нақшбанднинг: *“Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур!”* – деган сўзлари ҳамманинг ҳам Аллоҳ олдида тенг бир банда эканини тарғиб қилиш эмасми? Ўзи банда, яъни ҳамма билан баробар бўлган кишининг яна устунлик даъво қилиб, хожаликка интилиши инсонийликка тўғри келмайди-ку, деган ақида ҳам ётмайдими ана шу икки оғиз гап замирида?

Ётади.

Яна шуни ҳам унутмайликки, ҳар қандай ифлос, адолатсиз жамиятларда ҳам инсоф билан кун кечирадиган кишилар бўлади. Улар жамиятни мўътадиллаштириб туради. Ифодали қилиб айтганда, жамият ўшалар орқали нафас олади. Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ инсоф эгалари миллатимиз маънавий оламида ана шу пок нафасни чексиз кўпайтиришга

ҳисса қўшганлар. Шу ерда Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолнинг мустақиллик мафкураси асослари муҳокамасига бағишланган давра суҳбатида (Тошкент, 1993 йил, 19 май) айтган бир гапни эслаш ўринли: *"Уят" деган сўз ҳамма тилларда* – бор. Лекин "ҳаё", "ибо" деган сўзлар кўп тилларда йўқ. Бизда – бор. Баъзи тилларда "андиша" деган, "инсоф" деган сўз, демак, шундай тушунчаларнинг ўзи ҳам – йўқ. Бизда – бор. Бу – *бизнинг ботиний маданиятимиз, миллий қадриятимиз".*

Ҳақ гап.

Агар бугун биз миллат сифатида: *"Инсофли, ҳаёли, ҳамиятли, адолатли, ҳалол халқмиз!"* – деб фахрлансак, демак, бизнинг халқ сифатида ана шундай ноёб фазилатлар эгаси бўлишимизда бутун бир исломий маданият, жумладан, тасаввуф маънавиятининг ҳам алоҳида ҳиссаси – бор. Бунинг учун биз улуғ авлиёуллоҳларимиз, шу қатори, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларидан то абад миннатдор бўлишимиз – керак. Бу миннатдорлигимизнинг изҳори эса фақат ва фақат ана ўша боболаримиз улуғлаб келган чинакам инсонпарварона ва адолатпеша ақидаларга бевосита амал қилишимиз билангина намоён бўлади.

Баҳоуддин нега *"*Балогардон*"?*

Бухоро ва унга яқин ерларда бир ҳодисага кўп гувоҳ бўласиз. Одамлар бирон жиддий куч талаб қиладиган ишни: *"Ё Баҳоуддин*и Балогардон!" – деб бошлайди. Масалан, шундай деб қоп кўтарилади, кўпкарига кирилади, белкурак билан пахсачига лой ирғитилади ва ҳоказо. Рисоламизнинг "Буюклик сири" фаслида айтилганидек, кишилар улуғ авлиёлар – комил инсонлар руҳидан мадад кутади. Лекин, бошқа авлиёлардан фарқли ўлароқ, нега Баҳоуддин Нақшбанд руҳи покларидан айнан бало-қазоларни даф этиш борасида мадад кутилади?

Қўлингиздаги китобнинг "Не-не пирлар муриди" фаслидан биласизки, Баҳоуддин туғилмасларидан бурун шундай бир улуғ зот дунёга келаётганини сезган авлиёуллоҳ – Муҳаммад Бобо Самосий Баҳоуддин Нақшбандга *"қабул назари била"* пир. Ана шу пири комил уч кунлик чақалоқни тасаввуф йўлида тарбиялаш учун Муҳаммад Бобо Самосий муридлари – Амир Саййид Кулол ихтиёрига топширган эдилар. Кейинчалик Муҳаммад Бобо Самосий Баҳоуддин Ҳазратга бир бўрк, яъни қалпоқ берадилар. Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг кароматларидан бири шу эдики, ана шу бўрк Баҳоуддин Нақшбандниг баракотлари билан пайдо бўлган бало-қазоларни даф қилар эди. Хожа Нақшбанд худди ана шунинг учун *"Баҳоуддини Балогардон"* деган ном билан шуҳрат қозондилар. Бу ҳақда "Насойим ул-муҳаббат..."да ўқиймиз: *"...Хожа Муҳаммад Бобоға* (Самосийга. – С. О.) етганда дедики: "Аларни худ ҳаётлари чоғида кўрибсен ва сенинг пирингдурлар ва санга бир бўрк (!) берибдурлар ва каромат қилибдурларки, нозил бўлған бало (!) сенинг баракатингдин дафъ бўлғай" (131).

Баъзи давраларда: *"Баҳоуддини Балогардон"* дейиш исломий нуқтаи назардан тўғри эмас", – деган мулоҳазаларни ҳам эшитамиз. Рост, аввало, ҳар қандай бало-қазо – Худодан, уни қайтариш ҳам, ахир, Аллоҳнинг иродаси билангина амалга ошади-да. Инсон, хусусан, оламдан ўтган киши руҳи қандай қилиб балоларни қайтариши – мумкин?

Бир қарашда, жуда ўринли мулоҳаза – бу. Аммо тасаввуфий ақидага кўра, комил инсонларнинг илтижоси Аллоҳ ҳузурида тезроқ қабул бўлади. Олдин айтилганидек, комил инсонлар руҳидан ҳам мададкорлик кутилади. *"Улуғ авлиёлар руҳи қўлласин!"* – деган дуо заминида ҳам ана шу ишонч ётади. Шу маънода Баҳоуддин ҳазратнинг Балогардонликла-

ри – рост. Билъакс, бу ҳақда Абдураҳмон Жомий каби комил мусулмон аллома махсус ёзиб кетмаган ва уни Алишер Навоий келажакни – биз билан сизни ўйлаб таржима қилмаган бўлар эди...

Халқда Баҳоуддиннинг Балогардонликлари ҳақида бир талай ҳикояту ривоят – бор. Уларнинг шарҳи – алоҳида бир масала.

Бу ерда шунигина қайд этиш мумкинки, тасаввуфда Аллоҳга яқин кишиларнинг дуоси тез ижобат бўлишига қаттиқ ишонилади. Бинобарин, Баҳоуддиннинг пирлари – Амир Кулол эваралари бўлмиш Шаҳобиддиннинг "Мақомоти Мир Кулол" асарида бу ҳақда шундай ёзилади: *"Эй ёронлар, билингларки, ҳазрати жалол Субҳонаҳу таоло ҳамма замонларда бу тоифа (яъни аҳли кашф)даги дўстлар дуосини қайтармагай. Зеро* Аллоҳ таоло бу зотлар баракотидан барча балоларни дафъ этгай"[1]. Демак, Ҳаққа етган ва ё унга яқин кишилар дуоси билан балолар қайтарилиши мумкин экан.

Балогардонлик – Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг зўр кароматларидан эди. Ҳозирги тушунчамиз бўйича, ақл бовар қилмайдиган ишни амалга ошириш мўъжиза. Лекин қадимиятимизда мўъжиза билан кароматнинг кескин фарқи бор эди. Гарчи мўъжиза ҳам, каромат ҳам қай бир банданинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа ё ҳодисани амалга ошириши бўлса-да, уларни бир-бирига аралаштириб юбориш мумкин эмас.

Мўъжиза – Аллоҳ таолонинг фақат пайғамбар(а.)ларига иноят қиладиган ҳиммати. Каромат эса авлиёларга – шайхларга насиб этадиган неъмат. Тожик тасаввуфшуноси А. Муҳаммадхўжаевнинг сўфий назариётчи ва муаррих Ҳажвирийнинг "Кашф ул-маҳжуб" рисоласига таяниб ёзишича, мўъжизалар пайғамбар(а.)ларда очиқ-ошкор намоён бўлади. Улар буни халойиқдан беркитмайди. Лекин каромат яширин тарзда содир этилади. Бу имкон қадар одамлардан пинҳон тутилади[2].

Жаноза олдидан ўқилган байт

Ҳар бир мусулмон банда вафот этганидан кейин унга жаноза ўқилади. Ҳазрати Хожа Баҳоуддиннинг бу борадаги бир гаплари – ниҳоятда мутаассир. У кишининг айтишларича, Абу Саид Абулхайр деган бир шайхдан: *"Сизнинг жанозангиз иллайида қайси оятни ўқисунлар?"* – деб сўрашибди. Шайх шундай жавоб берибди: *"Оят ўқумоқ улуғ ишдур. Бу байтни ўқусунларки:*

Чуст аз ин хўбтар дар ҳама офоқ кор,
Дўст расад – назди дўст, ёр – ба наздики ёр" (133).

Хўш, жаноза олдидан ўқилиши васият қилинаётган бу байтда қандай маъно ифодаланган? Шундай дейиладики: *"Дўст – дўст ёнига, ёр – ёр яқинига етса, бу барча оламларда бундан яхшироқ иш борми?"*

Бу ердаги *"дўст"* сўзи ҳам, *"ёр"* сўзи ҳам тасаввуфий маъно ташийди. Байтда суфийнинг Аллоҳга етиши орзуси акс этган. Биринчи бор қўлланган *"дўст"* ва *"ёр"* – сўфийни, яъни ошиқни, иккинчи бор қўлланган *"дўст"* ва *"ёр"* Аллоҳни, яъни маъшуқни англатади. Албатта, ошиқ учун бу дунёда маъшуққа етишдан олийроқ бахт борми?!

---

[1] Дурдона. Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақомотлари. Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси. – Тошкент: 1993. – Б. 31.

[2] Қаранг: М у х а м е д х о д ж а е в А. Идеология накшбандизма. – Душанбе: 1991. – С. 188.

Шайх Абу Саид Абдулхайрнинг бу васиятини эслаган Хожа Баҳоуддиннинг ўзлари ҳам жанозалари олдидан байт ўқишларини васият қилганлар: *“Андан сўнгра алар* (Хожа Баҳоуддин. – С. О.) дебтурларки: “Бизнинг жанозамиз иллайида бу байтни ўқусунларки, байт:

Муфлисонем омада кӯи ту,
Лавҳашаллоҳ, аз ҷамоли рӯи ту” (133).

Сўфийнинг бутун дарди – Аллоҳ васлига мушарраф бўлиш. Ҳойнаҳой, Баҳоуддин Нақшбанд жанозалари олдидан ўқилишини васият қилганлари байтнинг маъноси ҳам буни ифодалайди: *“Сенинг кўчангда, сенинг юзинг жамоли дардида юрган фақирларимиз”. “Сен”* дейилганда, шубҳасиз, Аллоҳ назарда тутилган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳақларида Абдураҳмон Жомий ёзиб кетган бу маълумот[3] тасаввуфнинг шеърият билан нақадар чамбарчас боғланиб кетганидан далолат беради. Чиндан-да, киши кўнглини тўкиб солиши учун шеъриятдан соҳирроғу қодирроқ восита бўлмаса керак бу оламда. Сўфийнинг кўнглини эса ҳамиша ёр, яъни Аллоҳ банд этган. Шу икки сабаб Абу Саид Абулхайр ва Баҳоуддин Нақшбанддек буюк зотларнинг жанозалари олдидан, икки сатрликкина бўлса ҳам, шеър ўқишни васият қилишга ундаган.

Шу кунларда ҳазрати Баҳоуддин даҳмаларини минг-минг одам зиёрат қилаётибди. Қани энди ана шу васият қилганлари – жанозалари олдидан ўқилган байт арабий ва замонавий алифболарда бир лавҳга чиройли қилиб битилиб, зиёратгоҳнинг кўпнинг кўзи тушадиган ерида осиқлиқ турса...

Ана шунда бу ерга келган ҳар бир киши авлиё кўнгилларидаги буюк орзуни қалбан бирров такрорлагандек бўларди. Соддагина сўзларда Аллоҳни буюк ва ўзни унинг олдида ҳаддан зиёд муфлису фақир – камбағалу камтар билиш фалсафасининг асл ҳикматига етиш эса инсон учун нечоғлик фараҳ. Бундан ҳам ўзимизнинг кўнглимиз ёришади-ю, ҳам, иншоаллоҳ, ул зоти шарифнинг руҳлари шодланади...

Жаҳоний тариқат

Инглиз тасаввуфшуноси Ж. С. Тримингэмнинг ёзишича, Ўрта Осиёда тасаввуф ривожида икки буюк сўфийнинг ҳиссаси – кўп. Бири – Абулҳасан Али ал-Хороқоний. У киши милодий 1034 йили 80 ёшида вафот этган. Иккинчиси – Абу Али ал-Фармадий. Бу шайх милодий 1084 йили оламдан ўтган. Фармадийнинг икки шогирди – тасаввуф оламида жуда машҳур: биринчиси – Аҳмад ал-Ғаззолий (1126 йили вафот этган), иккинчиси – Юсуф Ҳамадоний (1049 – 1140). Кўп тариқат силсилалари ана шу икки шогирддан бошланади[4].

Юсуф Ҳамадоний Бухорода Туронзамин соҳиби истеъдодларидан бир гуруҳига тасаввуфдан чуқур таълим берди. Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Абдуллоҳ Баррақий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийлар Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт забардаст халифаси эди. Биласиз, Хожа Аҳмад Яссавий – яссавия тариқатига асос солди, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний дастлаб *“хожагон”,* сўнг эса *“нақшбандия”* деб номланган тариқатни бошлаб берди[5].

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳларининг Баҳоуддин Нақшбандга қандай тарбия бергани ҳақида китобимизнинг “Не-не пирлар муриди” фаслида батафсил сўз борди. Баҳоуд-

[3] Қаранг: Нуриддин Абдураҳмон Ж о м и й. Нафаҳот ул-унс мин ҳазорот ул-қудс. – Теҳрон: 1370. – С. 393 (Араб ёзувида.)
[4] Қаранг: Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука, 1989. – С. 51.
[5] Бу ҳақда қаранг: Файзиев Т., Усмонов О. Занги Ота. 1-қисм. – Тошкент: 1993. – Б. 3.

дин силсилада ҳам бевосита Абдулхолиқ Ғиждувонийга бориб тақаладилар. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг муриди –Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Ориф Ревгарийнинг муриди – Хожа Али Ромитаний, Хожа Али Ромитанийнинг муриди – Хожа Бобо Самосий, Хожа Бобо Самосийнинг муриди – Саййид Амир Кулол ва Саййид Амир Кулолнинг муриди – Баҳоуддин Нақшбанд...[1] Муҳаммад Мусо Даҳбедийнинг "Касир ул-фавойид" рисоласида Абдулхолиқ Ғиждувонийгача бўлган силсила ҳам бир-бир баён этилади. Шунинг учун, тасаввуфдаги ҳар қандай тариқат каби, нақшбандия ҳам ўз ғоялари, тартиб-қоидалари, одоблари ва қатъиятларини шакллантиришда жуда қадим ришталардан сув ичган. Аммо тариқатнинг бутун моҳиятини белгилаб турадиган мавжуд ўн бир қоида уч буюк зот – Юсуф Ҳамадоний, Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд тарафидан асосланган[2].

Юсуф Ҳамадоний тайин этган шоирлар:

1. Ҳуш дар дам[3].
2. Назар бар қадам.
3. Сафар дар ватан.
4. Хилват дар анжуман.

Абдулхолиқ Ғиждувоний тайин этган қоидалар:

1. (5). Ёткард.
2. (6). Бозгашт.
3. (7). Нигоҳдошт.
4. (8). Ёддошт.

Бу саккиз қоидага Баҳоуддин Нақшбанд яна уч шиорни қўшадилар:

1. (9). Вуқуфи замоний.
2. (10). Вуқуфи ададий[4].
3. (11). Вуқуфи қалбий.

Бу шиорлар кейинги бир-икки йил ичида чоп этилган кўп мақолаю рисолаларда шарҳланди. Шунинг учун бу ерда уларга махсус тўхтаб ўтирмаймиз. Рисоламизнинг кейинги бобларида айрим шиорларнинг Алишер Навоий асарларидаги талқину таҳлиллари берилади. Шуни айтиш керакки, бу шиорлар – аслида, соликларнинг зикр тушиш маҳали амал қилиши лозим бўлган қоидалари. Аммо уларнинг яна қанчадан-қанча рамзий, умумфалсафий ва ҳаётий маънолари – бор.

Хўш, зикрнинг ўзи – нима?

Зикр – тасаввуф йўлига кирган кишиларнинг кундалик ўқиб юрадиган махсус калимаю дуолари. Ҳадиси шарифда: *"Барча зикрларнинг афзали – "Ло илоҳа иллаллоҳ"*, – дейилади[5].

---

[1] Қаранг: Муҳаммад Мусо ибн Хожа Исо Даҳбедий. Касир ул-фавойид. – Қўлёзма. В. 3а. Ушбу сатрлар муаллифнинг шахсий кутубхонасида сақланади. Бу рисоланинг яна бир қўлёзмаси ЎРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 10171 рақами билан сақланади (бу ҳақда қаранг: Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 82). Асар муаллифи – Муҳаммад Мусо ибн Хожа Исо Даҳбедий милодий 1776 йили вафот этган. Унинг "Махзан ут-таоруф", "Ашроф ул-холиқ", "Наводир ул-маориф" ва бошқа рисолалари ҳам – мавжуд (бу ҳақда қаранг: Мухаммедходжаев А. Идеология накшбандизма. – Душанбе: Ирфон, 1991. – С. 225).

[2] Қаранг: Усмон О. Руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. / Тошкент оқшоми, 1993 йил, 8 июнь.

[3] А. Абдуқодиров *"Ҳуш дар дам"*ни *"Хуш дар дам"* тарзида хато ўқийди ва уни: *"Яъни умрни хушнудлик билан ўтказиш, беҳуда ғам чекмасдан, ҳар бир дақиқани ғанимат билаш"* (Адабий мерос, 1991 йил, № 4. – Б. 69), – дея ғалат талқин қилади.

[4] Муҳтарам тасаввуфшунос Ориф Усмоннинг "Руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя" (Тошкент оқшоми, 1993 йил, 8 июнъ) мақоласида Баҳоуддин Нақшбанд тайин этган уч шоир ана шу иккитасининг ўрни алмашиб кетган.

[5] Қаранг: Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи. Тошкент: Фан, 1993, 112-бет.

Туронзамин тасаввуфида зикр тушишнинг икки усули амалда бўлган. Бири – зикри лисоний ёки зикри жаҳрия. Бунда зикр овоз чиқариб ижро этилади. Иккинчиси – зикри дил ёки зикри хуфия. Бунда зикр тил билан талаффуз қилинмайди, овоз чиқарилмайди, сўзлар фақат дилда айтилади. Нақшбандияда ана шу зикри хуфия устувор эди. *"Ло илоҳа иллаллоҳ"* сўзларини дилдан такрорлашнинг ҳам махсус тартиб-қоидаси бор эди тариқатда. "Ло" дейилганда бош тепага кўтарилади. *"Илоҳа"* дейилганда эса ўнг тарафга қаралади. *"Иллаллоҳ"*ни дилдан айтганда чап томонга назар солинади. Буни сўфий шундай ижро этиши керакки, унинг кўнглида Худодан бошқа ҳеч бир фикр ўрин тутмасин. Зокир, яъни зикр тушаётган киши – зикрда, зикр – Аллоҳда йўқ бўлиб кетиши керак[6].

Нақшбандия шайхлари ҳақидаги маноқибу мақомотлар муаллифлари Шайх Абдуллоҳ Ансорийнинг: *"Кўнгилни поклашнинг воситаси – зикр. Ҳаққа етишнинг Аллоҳ номини қайта-қайта такрорлашдан бошқа йўли йўқ",* – деган сўзларини кўп қайд этишади[7]. Тариқатнинг асосини ташкил қиладиган қоидаларнинг бари зикрга алоқадор экани ҳам бежиз эмас.

Умуман, нақшбандия моҳиятини тариқатнинг: *"Дил – ба ёр-у, даст – ба кор!"* – шиори очиб беради. Бу – кўнгил Худода бўлсин-у, қўл – ишда, деган маънони билдиради. Мавжуд ўн бир шиорнинг кўпи ҳам моҳиятан ана шу бош ақидадан келиб чиқади. Бу қоидаларга амал қилиш соликнинг зикр маҳали ўз руҳини назорат этиб, мақсадга йўналтириб туриши учун зарур. Мазкур шиорларнинг тор маъносигина – зикр тушиш билан боғлиқ. Ақидаларнинг ҳар бири яна шундай кенг маъноларга эгаки, суфий нафақат зикр пайтидагина, балки, умуман, умри давомида уларга риоя этиб бориши зарур.

Бу даъво исботини навбатдаги бобу фаслларга қолдириб, нақшбандиянинг бош шиори ҳақида икки оғиз айтиб ўтилса...

Нақшбандия ўзидан олдинги тариқатлардан бевосита ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради. Булар айнан нималардан иборат экани ҳақида китобимизнинг *"Яссавия ва нақшбандия"* бобида махсус фикр юритилади. Бу ерда шунигина таъкидлаш жоизки, нақшбандия тасаввуфдаги илгарилари амалда бўлган қаттиқ оқимни бир оз юмшатди, мўътадиллаштирди, кундалик турмушга мослади. Чунки нақшбандия бевосита касбу кор кишиларига – шаҳарликлар, ҳунармандлар, зиёлилар, ўтроқ ҳолда кун кечираётган деҳқонларга мўлжалланган эди[8]. Бундай иш одамлари эса тирикчиликларидан воз кечиб, тариқат билангина машғул бўлсалар, уларга ҳеч ким ўз-ўзидан бир бурда нон келтириб бермас эди. Демак, Аллоҳга интилиш кўнгил билан амалга ошиши – керак. Қўл эса иш билан банд бўлаверсин. Инсон руҳининг у дунё дардидаги комиллик сари ўсишига бу дунё ишлари билан банд бўлишнинг ҳеч ҳам зиёни – йўқ. Чунки ташқи тарафдангина бу дунё ишлари билан машғул бўлинади. Соликнинг руҳий, яъни ички олами эса Аллоҳ ишқида ёнаётибди. Солик зоҳирдан ўзаро суҳбатлар қуриши, анжуманларда, яъни халқ орасида одамлар билан бирга бўлавериши мумкин. *"Мен – с*ўфийман!" – деб халқдан ажралиб қолиш шарт эмас.

Тасаввуфдаги кўп тариқатлар, жумладан, яссавия тартиб-қоидасига кўра, зикр тушиш жамоа бўлиб, баланд овоз, яъни жаҳрия усули билан амалга оширилади. Нақшбандиянинг ҳаётга яқинлашганига далил бўлувчи жиҳатларидан бири шуки, бу тариқат қоидасига биноан, ёлғиз, ҳатто, ботинан, яъни овоз чиқармай, бировга билдирмай зикр тушиш – мумкин.

---

[6] Қаранг: М у ҳ а м м е д х о д ж а е в А. Идеология нақшбандизма. – Душанбе: Ирфон, 1991. – С. 166 – 167.
[7] Қаранг: Ўша асар. – Б. 167.
[8] Бу ҳақда қаранг: Т р и м и н г э м Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука, 1988. – С. 83.

Умуман, нақшбандия тариқатининг ана шундай таркидунёчилик қилмай, демакки, бу дунё ишларидан очиқ-ошкор қўл силкимай туриб ҳам, Аллоҳга етиш – мумкинлигини кўрсатиб бергани мусулмон оламида тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига кириб боришини таъминлади. Нақшбанддан бошлаб бу тариқатнинг мавқеи кўтарилгандан кўтарилиб бораверди.

Нақшбандия тариқати кейинчалик, яъни XV асрда кучли давом эттирган машҳур шайхлардан бири – Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий. Ул зотнинг темурийлар салтанатидаги мавқеи ҳам бу тариқатнинг янада оммавийлашиб кетишига сабаб бўлди. XV аср нақшбандия шайхлари ҳақида Фахриддин Али ал-Кошифий ас-Сафий ўз даврида "Рашаҳот айн ал-ҳаёт" номли махсус китоб битди[1]. Тасаввуф адабиётининг икки йирик сиймоси – Абдураҳмон Жомий ҳамда Алишер Навоий ҳам бевосита нақшбандия тариқатнинг вакиллари эди.

Туркий дунё Алишер Навоийдек улуғ даҳодан қанчалар миннатдор бўлса, Баҳоуддин Нақшбандсиз бу шоир ижодини мутлақо тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳам унутмаслик – керак. Шуни далил айтиш – лозимки, нақшбандия таълимоти Навоий ижодининг ғоявий асосини – мафкурасини ташкил этади. Бошқача айтганда, шоир асарларида комил инсон бўлишнинг айнан нақшбандиёна тарғиби, йўл-йўриқлари, шиору қоидалари инсоний тимсоллар, ҳаётий воқеалар асосида далилланади. Навоий ўз ижодида комил инсон бўлишнинг нақшбандия йўлини тутган кишилар тимсолларини яратди.

Ҳозир ҳам юртимизнинг турли бурчакларида нақшбандия тариқатига мансуб кишилар, хусусан, уларнинг фарзандлари яшайди. Нақшбандия тариқатининг XIX асрдаги энг йирик намояндаси – ургутлик Муҳиддин ҳожи ҳаётлари билан боғлиқ ҳужжатлар рус шарқшунослигида кўп эълон қилинган[2]. Муҳиддин ҳожининг ўғиллари – Қутбиддин эшонни кимсан – Ғафур Ғуломдек шоири замон ўзига пир, ўзини эса ул зотга мурид санаган эди. Қутбиддин эшон зукко шарқшунос, филология фанлари номзоди эдилар, тожик тилининг изоҳли луғати ҳисобланмиш "Фарҳанги забони тожикий" икки жилдлигини, шунингдек, "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати" тўрт жилдлигини тузишда фаол иштирок этдилар. У кишининг ўғиллари – навоийшунос, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби Муслиҳиддин Муҳиддинов СамДУ профессори. Қутбиддин эшоннинг жиянлари ва куёвлари – филология фанлари номзоди, доцент Исоҳоқхон Носиров амакилари касбини давом эттираётган навоийшунос-луғатшунос. Қутбиддин эшоннинг неваралари – Абдували Қутбиддин (1960 – 2019) таниқли шоир, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист эди. Қутбиддин эшоннинг бир неваралари – Бадия Муҳиддинова филология фанлари номзоди, СамДУ доценти. Яна бири – Назмия Муҳиддинова эса филология фанлари доктори, СамДУ доценти.

Гарчи Баҳоуддин Нақшбанд ҳеч бир ҳукмдорга хушомад қилмаган бўлсалар ҳам, у кишининг, умуман, нақшбандия шайхларининг амиру аъёнлар орасида ҳам обрўйлари баланд бўлган. Темурийзодаларнинг деярли бари ана шу тариқат шайхларига мурид тушган.

---

[1] Бу ҳақда қаранг: К а р и м о в Э. Э. Некотоые аспекты политической и религиозно-философской практики тариката Накшбандийа в Мавераннахре XV в. – Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 75.

[2] Қаранг: Переписка ургутского ишана. – Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Т. I. Под редакцией проф. А. А. Семёнова. – Ташкент: Фан, 1952. – С. 167. Инв. №1820-Ш.

Тарихий маълумотларга кўра, манғит сулоласига мансуб, Бухоро амирлари тахтга ўтиришларидан олдин, албатта, Баҳоуддин Нақшбанд қабрларини зиёрат қилиб келишган. Бухородан сафарга чиқаётганларида Баҳоуддин даҳмаларини зиёрат қилиб, сўнг йўлга отланишган. Сафардан қайтишганда ҳам аввал Баҳоуддин қабрларини зиёрат қилиб, кейин Аркка қадам қўйишган. Ҳатто, Амир Насруллоҳ Баҳодирхон ҳафтада бир бор Аркдан Баҳоуддин қабрларига пиёда зиёратга бориб, яёв қайтган[3]. Амир Абдулазизхон эса милодий 1544 йили Баҳоуддин Нақшбанд мақбаралари ёнида улкан бир хонақоҳ қурдирди[4].

Нақшбандия Кичик Осиё ва Кавказда, хусусан, Курдистонда, Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда, Туркияда кенг тарқала борди. Ҳозир талай мусулмон мамлакатларида бу тариқат жуда катта мавқега эга. Ҳатто, Покистоннинг Лаҳор шаҳрида нақшбандия тариқатининг жаҳон маркази – мавжуд. 1992 йилнинг ёзида ана шу нақшбандия жаҳон марказининг раҳбари, мазкур тариқатнинг ҳозирги пирларидан бири, Покистоннинг йирик жамоат арбоби ва диний уламоси Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий Ўзбекистонимизга ташриф буюрди. *“Ишончимиз комилки,* – дейди Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий, – нақшбандия дарахтининг сояси бутун дунёни тутади”[5].

Марҳум Мухторжон ҳожи Абдуллоҳ Баҳоуддин Нақшбанд масжиди жомеъининг имом хатиби бўлиб турган маҳалларида Туркияга борган эдилар. Туркиянинг ўша пайтдаги Президенти – марҳум Турғут Ўзол у киши билан суҳбатда: *“Мен ҳам ҳазрати Нақшбанднинг йўлидаман, ота-боболарим ҳам* – мана шу йўлда, шу сулукда”[6] – деган.

Ҳа, нақшбандия – жаҳоний шуҳратга эга. Баҳоуддин Нақшбанд ва у киши ниҳоясига етказган нақшбандия сулуки, бу тариқат пирлари ҳақида жаҳон илмида жилд-жилд китоблар битилган. Биргина Алишер Навоий асарларида нақшбандия таълимотининг қанчадан-қанча талқинлари – бор, бевосита Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётларию аъмоллари билан боғлиқ нечоғлик мулоҳазаю муҳокамаю маълумотлар – мавжуд.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларининг аҳамиятини фақат унинг тарихдаги ўрни билангина чеклаш ярамайди. Энг муҳими, бу тариқат ғоялари – бугун учун, ҳозирги кишилар маънавий камолоти учун, демакки, келажак учун ҳам жуда керак. Тасаввуф, жумладан, нақшбандия фалсафаси, Ж. С. Тримингэм ёзганидек: “Бундан буён ҳам инсониятнинг маънавий баркамоллиги учун муҳим ҳаётий таълимот бўлиб қолаверади”[7].

Бу таълимотнинг маданиятимиз, миллий маънавиятимиз тарихидаги ўрнини илман тайин этишда, уни халқимиз руҳию қалбига олиб киришда, иншооллоҳ, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ва бошқа пири комилларимизнинг руҳи поклари мададкор бўлғай!..

---

[3] Бу ҳақда қаранг: Т и л л а б а е в Р. А. К вопросу об ордене Накшбандийа. Из истории суфизма: источники и социальная практика. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 17.

[4] Қаранг: Т р и м и н г э м Дж. С. Суфийские ордены в исламе – Москва: Наука, 1989. – С. 62.

[5] Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил, 12 июнь.

[6] Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил, 29 май.

[7] Т р и м и н г э м Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – Москва: 1989. – С. 208.

ТЎРТИНЧИ БОБ

ЯССАВИЯ ВА НАҚШБАНДИЯ

Сир яшириш “санъати”

Собиқ шўролар замонида бизда жуда ёмон бир одат қатъийлашди. Бу – халққа бор гапни очиқ-ошкор айтмаслик. Ана шу иллат туфайли чорак кам бир аср мобайнида матбуотимиз ва китобларимиз, радио ва телевидение орқали ёхуд жонли тарғиботу ташвиқот йўли билан халқ онгига шунчалар кўп ёлғонлар сингдириб юборилдики, билмадим, улар энди шууримиздан не тахлит *чиқиб* кетади-ю, улардан қай бирининг алдовлардан иборат эканини айтиб адо қиламиз?..

Бу шунинг учун таъкидланяптики, ҳали ҳам одамларимизнинг кўпчилигида халққа бор ҳақиқатларни айтавермаслик ва ё, шўро мафкурасида бўлгани каби, ҳар қандай масалани фақат ва фақат ўз манфаатимизга мослаб талқин этиш туйғуси – ҳаддан ташқари кучли.

1992 йил. Тошкент шаҳрининг “Илғор” маҳалласида Наврўз байрам қилиняпти. Сайлу суҳбат ойнайи жаҳон учун тасвирга ҳам олинди. Каминангиз ҳам Наврўзимиз тарихи ҳақида гапирган, Алишер Навоий асарларига суяниб, Наврўз Жамшид подшо тарафидан жорий этилгани, шунга ҳам 4 минг йилча бўлганини айтган бўлдим. Бир элшунос олиммиз четга тортиб:

– Наврўзни биз: “Минг-минг асрлардан буён нишонланади”, – деб келяпмиз. Уни бунақа “4 минг йил” деб яшартирманг, – дедилар.

Мана, сизга ҳақиқатни хаспўшлаш!

1993 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётларию фаолиятлари, нақшбандия тариқати тарихию аҳамияти масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Яссавия ва нақшбандия тариқатлари аро ўзаро муштаракликлару тафовутлар ҳақида гапирган бўлдим. Албатта, кимгадир бу икки тариқат аро фарқлар бир оз бўрттириброқ талқин этилгандек туюлган бўлса, бордир. Ҳар ҳолда, бир фалсафашунос олимимиз:

– *Тариқатларни бундай ўзаро қарама-қарши қўйиш* – нотўғри, – деб қолдилар.

Тариқатлар, ҳақиқатан, ўзаро қарама-қарши бўлмаса-ю, уни бугун атайлабдан бир-бирига зид қўйсак, бу яна ўша шўолар мафкурасидаги биртомонламаликнинг ўзгинаси бўлади-қолади. Аммо тарихий ҳақиқатнинг ўзи тариқатлар аро маълум фарқлар, яъни нозик-нозик қарама-қаршиликлар борлигини исботлаб турса-чи? Унда илм қайси йўлдан юрсин: бор гапни очиқ айтсинми ё яна ҳақиқатларни хаспўшлаб кетаверсинми?

...1975 йили эди, чамамда, Тошкентдаги «Ёшлик» спорт саройида Америка Қўшма Штатларининг уй-рўзғор кўргазмаси намойиш этилди. Бу кўргазмани ҳар куни минглаб одамлар навбатда туриб томоша қилган. Навбатнинг охири Хадрагача бориб қолар, бу худди Ленин мавзолейини зиёрат қилишдаги илон изи навбатни эслатар эди. Ўзбекистон ҳаётининг ўзида шунчалар катта бир шов-шувли воқеа юз берган-у, бу ҳақда собиқ ЎзТАГ бир энлик совуққина хабар бериш билан чекланган. Ўша пайтдаги матбуот нашрларининг бирортаси ана шу кўргазма ҳақида лом-лим демаган шу хабардан бошқа. Ҳолбуки, биз, мана, мустақиллик шарофати билан мутараққий мамлакатлардан техник тараққиёт сирларини ўрганишимиз кераклигини ошкор ҳис қилиб, шу йўлда хорижий мамлакатларга талабалар юборяпмиз

ҳам. Ана шу кўргазма ҳақида матбуотда кишилар фикрини чоп этиш, уни АҚШнинг уй-рўзғор техникаси, унда инсон меҳнатининг қанчалар қисқарганини таҳлил қилиб бериш ҳукмрон мафкуранинг мақсад-муддаосига асло тўғри келмас эди. Бу мафкура халқни асрлар мобайнида фикрий зиндонда сақлашга қаратилган эди. Америкада уй-рўзғор маданиятининг бу қадар камол топганини англаб етган совет фуқаросининг кўзи очилмаслиги керак эди, шу кўриб тургани, АҚШга солиштирганда, ниҳоятда паст даражадаги ҳаётини *"жаннат"* деб билиб, алданиб юраверишини лозим эди унинг. Ана сизга ҳақиқатларни халққа етказмасликдан кўзланган ғараз!

Бугун бор гапни борлигича айтишимиз – шарт. Бугун халқнинг хабардорлик даражаси ва бунга имкониятни кўтариш – мамлакатни тараққий эттиришнинг бош вазифаларидан. Бор гапни бугун айтмасак, эртага, албатта, уни фарзандларимиз айтади. Тарих – шафқатсиз. Бизнинг билмай илгари сурган хато хулосамизни, истаймизми-истамаймизми, келажак кўрсатади ва танқид ҳам қилади, Билмаганимиз гуноҳимиз эмасдир, балки. Бу – нари борса, чаламуллалигимиздан. Лекин билиб туриб хато гапириш, кўриб туриб кўрмасликка олиш, қандайдир маҳдуд мақсадлар билан бор ҳақиқатларни хаспўшлаш – гуноҳ.

Шу маънода буюк Туронзаминда пайдо бўлиб, камолга етган ва сўнгра аста-секин мусулмон Шарқининг жуда кенг ҳудудларига тарқаган яссавия ва нақшбандия тариқатлари аро фарқлар бўлмаганида эди, улар ўша замонларнинг ўзидаёқ, *"бу – яссавия", "бу – нақш*бандия", деб ажратилмаган бўлур эди.

1993 йили туркий оламда *"Яссавий йили"* деб эълон қилинган эди. Ўша йили Ўзбекистонимизда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудларининг 675 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. Бугунга келиб ҳам биз бу икки тариқатнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида етарли маълумотга эга бўлмасак, ана шундай улуғ меросимизни ўрганишга интилишимиз юзаки бўлиб қолаверади. Чунки бугунги омма – миллий руҳи уйғона бошлаган омма. Яссавия ва нақшбандия ҳақида энг умумий маълумотлар олишгагина интилган киши учун дастлаб пайдо бўладиган савол, менимча, бу икки тариқатнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини билишга қизиқишдан туғилса ҳам, ажаб эмас.

Ҳар қандай икки нарсани ўзаро қиёслаш учун аввал улар ўртасидаги умумийликни аниқлаштириб олиш – керак. Одамнинг табиати – ана шундай. Мантиқ ҳам шуни тақозо этади. Чунки муқояса қилаётган киши, айтайлик, дарахт билан дарахтними, дарахт билан қушними, дарахт билан дарёними солиштираётганини аниқ билиши – керак. Албатта, дарахт билан қуш ўртасида узоқроқ боғлиқлик – бор: қушлар кўпинча дарахт устида ўзларига ин қуради ёки қушлар вақтинча дарахтга қўниб ўтиради. Дарахт билан дарё ўртасидаги умумийлик – бундан ҳам кўра узоқроқ: дарахт дарё қирғоғида, ундан сув ичиб кўкариб турган бўлиши – мумкин. Умумийлик кам жойда фарқларни аниқлаштириш осонроқ кечади. Лекин дарахт билан дарахтни солиштирганда умумийлик жуда устун келади. Энди тафовутларни аниқлаш мушкуллашади.

Шу нуқтаи назардан яссавия билан нақшбандияни муқояса қилганда дастлаб улар ўртасидаги умумийлик кўзга ташланади. Бу умумийлик эса яссавиянинг ҳам, нақшбандиянинг ҳам бир ягона таълимот – т а с а в в у фнинг икки оқими – т а р и қ а т и эканидан ҳам маълум.

Хўш, тариқат – нима ўзи? Буни билиш учун аввал: *"Тасаввуф – нима ўзи?"* – деган саволга жавоб топиш – керак.

Тасаввуф – нима?

Рус олими О. Ф. Акимушкин инглиз тасаввуфшуноси Ж. С. Тримингэмнинг “Исломдаги сўфий сулуклар” китобига ёзган сўзбошисида шундай савол қўйиб, унга мана бундай жавоб қайтаради: “Афсуски, ҳозирги пайтда тасаввуфга бир тизим сифатида аниқ таъриф бериш мумкин эмас, чунки фанда бу фавқулодда мураккаб, кўп йўналишларга эга ва ҳаддан ташқари ранг-баранглик касб этган, бутун ислом олами ва Испания, Сицилия ҳамда Болқонда ҳам кенг тарқалган бу диний дунё-қараш ҳақида ягона хулоса шаклланган эмас”[1]. Шу олимнинг яна қайд этишича, “тасаввуф” истилоҳи 1821 йили олмон диншунос профессори Ф. А. Толук томонидан илмий муомалага олиб кирилган[22]. Ғарб илми маъносида бўлса, бу гап тўғридир ҳам. Аммо “тасаввуф” истилоҳи ислом Шарқининг ўзида пайдо бўлган ва бевосита ана шу назарияга бўйсундирилган руҳий тарбияга асосланган амалиётни билдириб келган.

Шарқда: “Тасаввуф – нима?” – деган савол наинки сўфийликка доир илмий асарларда, балки сўфиёна руҳдаги бадиий адабиётда ҳам кўп бор қўйилган. Унга жавоблар тарзида турли бадиий асарлар ҳам битилган. Масалан, Амир Ҳусайний деган форсигўй шоирнинг Муҳаммадқул Ҳазратқулов “Тасаввуф” китобида келтирган жавоби тубандагича:

Ҳеч роҳе аз тасаввуф пеш нест,
Чор ҳарф андар тасаввуф беш нест.

Тавбаю сидқ аст шарти он вафо,
Пас фано кардан фаноро дар бақо.

Аввалаш сабр асту сидқу ифтиқор,
Охираш таслиму тарку ихтиёр,

То ту дар банди худи мушкил расӣ,
Ҷон фидо кун то бадон манзил расӣ.

Соф кун дилро нахуст аз хайру шар,
Пас панаҳ кун хӯи табъиро ба сар.

Оташ андар зан сифоти хешро,
Пас ҳавои нафси кофиркешро.

Соф шав ба Ҳақ ниҳону ошкор,
Сӯфиёни софро ин аст кор[3]*...*

Биринчи байтда шоир тасаввуфдан устунроқ йўл мавжуд эмаслигини айтиб, айни таълимотда тўрт харфдан яхшиси – йўқ, дейди. Бунда мазкур сўзнинг араб ёзувида тўрт ҳарф (“т”, “с”, “в” ва “ф”) билан битилиши кўзда тутилган. Шунинг учун “тавба”, “сидқ”, “вафо” ва ундан кейин “фано” сўзлари тилга олинади. Шундай мазмун келиб чиқадики, демак, тасаввуф йўлига кир-

[1] Акимушкин О. Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем. // Т р и м и н г э м Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука, 1989. – С. 3 – 4.
[2] Ўша нашр. – Б. 209.
[3] Ҳ а з р а т қ у л о в М. Тасаввуф. – Душанбе: Ирфон, 1988. – С. 75.

ган киши илгариги яхши-ёмон ишларидан тавба қилиши, кейин содиқлик билан Аллоҳга берган ваъдасини бажариши – лозим, шундан сўнггина унга фано насиб этиши мумкин. Бу йўлнинг аввали – сабр, содиқлик ва фақирлик, яъни камбағаллик, охири – таслим бўлиш, яъни тамоман ўзни Аллоҳнинг иродасига топшириш ҳамда ихтиёрни тарк этиш. Сен, дейди шоир, ўзингнинг бандинг чигалига етганда ана шу манзилга яқинлашганинг учун жонингни фидо қил. Аввал дилингни хайру шар, яъни барча яхшилигу ёмонликлардан покла, кейин табъингда мавжуд хулқ-атворингдан бошингни асра. Ўз сифатларингдаги ҳамма нарсани ўтга ташла, кейин кофирваш нафсинг ҳавосини ҳам куйдир. Ҳақ билан бўлиб, яширин ва ошкор софлан. Чунки соф, яъни ҳавқиқий суфийнинг иши шундай бўлиши керак.

Тасаввуфни сўздаги ҳарфлар асосида талқин этиш бошқа муаллифларда ҳам кўп учрайди. Масалан, Навоийнинг замондоши Ҳусайн Воиз Кошифий шундай ёзади: *"Агар: "*Тасаввуф" сўзининг ҳарфлари нима маънони билдиради*?"* – деб сўрасалар, қуйидаги маъноларни билдиради, деб айт: *"*Т*"* – тажрид, яъни зоҳирда таалуқларни тарк этмоқ, *"*С*"* – сидқу сафо, яъни ботин – ички оламни равшан этмоқ, *"*В*"* – вафо, яъни аҳдга ва муҳаббатга вафо килмоқ, *"Ф"* – фано булмоқ, яъни ўзни илоҳий жамол денгизига ғарқ ҳисоблаб, мушоҳада юргизмоқ"[4].

Бу шарҳ Амир Ҳусайний талқинидан фақат биринчи ҳарф – *"т"* изоҳидагина фарқланади. Лекин моҳиятан тавба билан тажрид бир-бирига яқин келади: тавба ҳам – аслида, олдинги ҳаёт тарзидан воз кечиб, мужаррад бўлиб ишққа шўнғиш, яъни тажрид, яъни ёлғизланиш учун керак.

Алишер Навоий ҳам: *"*Тасаввуф нима*?"* – деган саволга жавоб тариқасида махсус бир ғазал битган. Аввал биринчи ва охирги мисралари *"*тасаввуф*"* сўзи билан якун топган, иккинчи ва учинчи байтлари бевосита ана шу атама билан бошланадиган мазкур ғазал матнини келтирайлик:

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф, –
Ки зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.

Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат, –
Ки анда риё йўл топар бетавақкуф.

Эрур маҳз тақво-ю, лекин риёсиз,
Убудияти сарфу айни талаттуф.

Не эл қавлу феълиға андин таадди,
Не Ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.

Ўзинг уйла беихтиёр англабонким,
Не қолиб тараддуд анга, не таассуф.

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф[5].

[4] Ҳусайн Воиз *К*ошифий. Футувватномайи султония ёхуд жавонмардлик тариқати. Форсийдан Нажмиддин Комилов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 20.
[5] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 6. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 211 – 212.

Бу – “Фавойид ул-кибар” девонининг 306-ғазали[1]. Унинг Навоий тузган дастлабки икки девон – “Бадойиъ ул-бидоя”ю “Наводир ун-ниҳоя”да йўқлигидан ҳам билса бўладики, шоир бу асарини 1487 йилдан кейин битган.

Энди ғазални байтма-байт кўздан кечирсак.

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф, –
Ки зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Демак, кимгаки тасаввуф йўлини тутиш насиб бўлган экан, энди унинг жисмида фикрдан қайтиш, бу йўлдан тониш йўқ. Билиниб турибдики, тасаввуфнинг кишидан кучли қатъийлик талаб қилиши уқтириляпти.

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,
Эрур истилоҳоти зебу такаллуф.

Ризо аҳли – ким? Борига қаноат қиладиган кишилар. Демак, тасаввуф сабр-қаноатли кишилар учун яхши ахлоқ экан. Унинг истилоҳлари эса кишига ҳам оройиш – ҳусн бағишлайди, ҳам уни ҳаракатга, тасаввуф қоидаларини амалга оширишга ундайди.

Тасаввуф эмас зуҳду тақвою тоат, –
Ки анда риё йўл топар бетаваққуф.

Риё – нима? Бу – ўзни кўз-кўз қилишга уриниш, мунофиқлик, иккиюзламачилик, сиртдан ўзини пок қилиб кўрсатиш. Тасаввуф риё осонгина йўл топа оладиган зоҳидлик, тақво ё тоат эмас. Зоҳидлик – таркидунёчилик, инсоний лаззатлардан парҳез қилиш. Тақво – Аллоҳдан қўрқиш, Худо йўлига ўзини кўп жиҳатлардан тийиш, ҳар қандай ҳаромдан ниҳоятда йироқ юриш, баъзи бир таомларни мутлақо емаслик, тоат-итоат билан ибодат қилиш. Шу ўринда Навоий асарлари, хусусан, лирик шеъриятидаги зоҳид сиймосига салбий муносабатни, унга ошиқликни ёки бир тимсол сифатида майпарастликни қарши қўйишни эсланг:

Зоҳид, санга ҳур-у, манга жонона керак,
Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса, ёна керак[2].

Ёки шоирнинг чаҳорёрлардан бири – ҳазрати Али айтган ҳикматли сўзлар асосида шеър билан таржима қилиб битгани «Назм ул-жавоҳир» тўпламидаги:

Ирфон аҳлиға эл ниёзи – яхши,
Таъзим ила лутфи дилнавози – яхши,
Гар маърифат ўлса, чорасози – яхши,
Тоат кўпидин маърифат ози – яхши[3], –

[1] Бу ғазал Иброҳим Ҳаққулнинг “Тасаввуф ва шеърият” (Тошкент: 1991) китобида яхши таҳлил этилган.
[2] Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. Ж. 1. – Тошкент: 1963. – Б. 491.
[3] Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. Ж. 15. – Тошкент: 1968. – Б. 32.

мисраларини ёдга келтиринг. Ирфон аҳли – маърифат кишилари, дегани. Маърифат – Аллоҳни тасаввуф йўли, яъни кўнгил, руҳ билан ҳиссий билиш, ишқ орқали олам сирига етиш[4]. Бу "ботиний илм" ҳам дейилади. Аллоҳни ана шу йўл билан билишнинг озгинаси ҳам кўр-кўрона кўп тоат-ибодат қилишдан яхши экан. Демак, шарҳлаётганимиз ғазалнинг ушбу байтида шоир тасаввуфни риёкорона зуҳду тақвою тоатга йўл бермайдиган бир маърифий оқим сифатида талқин этяпти:

Эрур маҳз тақвою, лекин риёсиз,
Убудияти сарфу айни талаттуф.

Албатта, тасаввуф ҳам холис ният билан қилинадиган бир тақво, бироқ унда риё – кўзбўямачилик, ўзни кўрсатиш, шу билан элнинг олдида мақтаниш йўқ. Унда Аллоҳга чин кўнгилдан, холис бандалик хизматини адо этиш, меҳрибонлик кўрсатиш – бор.

Тасаввуфда, хусусан, нақшбандияда сўфийнинг Аллоҳ йўлида сулукка машғул бўлганини элга кўз-кўз қилиш қаттиқ қораланади. Ҳатто, ошкора хилват ҳам шунинг учун рад этиладики, Баҳоуддин Нақшбандинг фикрларига кўра, хилватда шуҳрат – бор, шуҳратда эса офат бўлиши – аниқ. Ҳар қандай машҳур одам – бу дунёда номашҳур кишига нисбатан бир неча бор кўп азият чекиб яшашга маҳкум. Шунинг учун сўфий ошкора хилват қилиб, шуҳрат қозонмаслиги – керак. Бунинг учун у сиртдан одамлар билан бирга бўлавериши – лозим. Ҳар қандай анжуман, яъни кўпчилик ичида ҳам суфий қалбан – ботинан хилват қилаверади.

Не эл қавму феълиға андин таадди,
Не Ҳақ амру наҳйиға андин тасарруф.

Ҳа, ана шундай тасаввуфга амал қилган сўфийга на элнинг Аллоҳ учун ваъда бериб, уни бажаришига зулм етади ва на соликнинг Ҳақ буюрган яхши ишларга машғул бўлишию ёмон ишлардан тийилиши ҳуқуқи қўлидан тортиб олинади. Демак, тасаввуф суиистеъмолга йўл қўймайди ҳам, унинг шариат қоидаларини бажаришга ҳеч бир зиёни ҳам йўқ.. Хуллас, тасаввуф сўфийга ортиқча оғирлик юкламайди.

Ўзин уйла беихтиёр айлабонким,
Не қолиб тараддуд анга, не таассуф.

Тасаввуф шундай бир маърифий йўлки, унга кирган киши ўзини худди беихтиёр одамдек ҳис қилади. Шунинг учун энди унда на бирон нарсанинг тараддуди, ғами – бор ва на бирон ишдан афсусланиш. Нега? Чунки:

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.

Демак тасаввуф йўлига кирган киши ўз вужудини Аллоҳ вужудида маҳв, яъни йўқ қилади. Сўнгги мисрада шоир ўзига ўзи мурожаат этади: эй Навоий, худди ана шуни сен "тасаввуф йўли" деб билгин!

[4] Бу ҳақда қаранг: И м о м н а з а р о в М. Навоий кашф этган олам. / Ўзбекистан адабиёти ва санъати, 1993 йил, 30 июль.

Ғазалдаги бор-йўқ гап – шу. Асар *“тариқи тасаввуф”* сўзлари ила якун топган мисра билан бошланиб, *“тариқи тасаввуф”* сўзлари ила тугаган сатр билан ниҳоясига етади. Бадиият илмида бундай ифода воситаси *“радд ул-матлаъ”* дейилади. Бу санъат қоидасига кўра, матладаги бир мисра ё унинг бир қисми кейинги байтларнинг бирида, аксарият мақтада айнан такрорланади. Шоир ғазал бошидаёқ *“тариқи* тасаввуф”, яъни тасаввуф йўли нима эканини муҳим масала қилиб қўйди. Ички байтларда бу саволга жавоб бера борди. Охирида, *“*мана, тасаввуф йўли*”,* деб уқтиряпти.

Бус-бутун олганда, бу ғазалда тасаввуф нақшбандиёна талқин этилаётганини сезиш қийин эмас. Чунки шоир зимдан тасаввуфнинг эл ишларигаю шариат қоидаларини амалга оширишга зиёни тегмайдиган, бир қадар оммабоп йўлини қўллаб-қувватлаяпти. Тўғри, тасаввуфдаги ҳамма тариқатлар ҳам ўз даври ва ўз муҳити учун у ё бу даражада оммабоп эди. Акс ҳолда улар бу қадар тараққий этиб, кенг ёйилмаган – оммалашмаган бўлур эди. Аммо нақшбандия аҳолининг кенг қатламларига нисбатан тез ва мушкулотларсиз кириб борган тариқатлардан. Тожик тасаввуфшуноси Муҳаммадқул Ҳазратқулов бу ҳақда шундай ёзади: *“*Нақшбандия йўлининг давомчилари ўз таълимотларини авом халққа яқинроқ қилиб яратишга, турли-туман йўлу усуллар билан кишиларни унга жалб этишга интилар эдилар*”*[1]. Олимнинг яна қайд этишича: *“...*Накшбандия гуё соликка Ҳақни билишнинг яқинроқ йўлини кўрсатади. Нақшбандиянинг соликлар гуруҳини тезроқ Ҳақни билишга етказмоқчи бўлгани яқин ва пинҳоний йўли эса хуфя зикр ва қалбий муроқаба (яъни дунёни унутиб, қалбан Аллоҳ ёди билан бўлиш. – С. О.*) эди. На*қшбандия бу ваъдани ўз силсиласига халқ оммасини кўпроқ жалб қилиш учун яхши восита сифатида олдинга сурар, ўз таъсири ва нуфузини кучайтиришга ҳар хил йўллар билан ҳаракат қилар эди*”*[2].

Навоий ҳам ғазалда тасаввуфни ўз тариқати бўлмиш нақшбандияни кўзда тутиб таърифлаган. Чунки шоир мазкур тариқат ғояларини оммага бадиий адабиёт воситасида тарғиб этган буюк нақшбандий соҳиби қаламлардан бири эди. Демак, у нақшбандия ғояларини нафақат ўзининг йирик асарлари, айтайлик, достонларида, балки, ғазалларида ҳам халққа сингдириш имкониятларини топган.

Тасаввуф – керакми?

Хўш, тасаввуфни билиш бугун учун нима беради? Бундан беш аср муқаддам ёзилган Навоий асарларидаги тасаввуф ғоялари бадиий талқинларини ўрганиш фақат ва фақат ўтмиш меросимизни билиб қўйиш учунгинами керак? Ахир, ярим минг йил илгари яшаган одамнинг тасаввурларию ақидалари ҳам, бу асарлардаги ҳикоятларда тасвир этилган ҳаёт ҳам, инсоний муносабатлар хам бизга – XXI аср одамларига жуда содда, ҳатто, баъзан жўн бўлиб туюлмайдими? Шахсий самолётига эга кишилар-ку кўп ҳозир бу дунёда. Энди инсон, иложини топса, шахсий ракетасига ҳам эга бўлса-ю, хоҳлаган сайёрасига исгаган пайтида сайр қилиш имконига эришишни орзу қилиб, тўғрироғи, шу тараққиёт даражасига тинимсиз интилиб турган бир даврда эшак миниб юрган кишилар, бир мамлакатдан иккинчисига фақат пиёдаю туялардагина сафар қилган одамлар, ҳажга пою пиёда борган ҳожилар ҳаётидан олиб хикоя қилинган асарларнинг қизиғи бормикан? У ота-боболаримиз-ку, ҳозирги тезкор ҳаётни орзу қилган бўлсалар – бордир. Бироқ энди биз улар ҳаёти ҳолатига туша олармиканмиз? Ўзаро борди-келди алоқаларию ахборот воситалари тараққиётининг

[1] Ҳазратқулов М. Тасаввуф. – Душанбе: Ирфон, 1988. – С. 96.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.

ҳадди аълосига чиққан тезрафтор замон кишиларининг бир овлоқ-овлоқ жойларда, вайронаю ғорларда якка-ёлғиз – хилватга чекиниб яшашини қандай ҳазм қила олади?

...Бугун одамзод метро деган бир мўъжизани яратиб, энди нега кўп кишиларнинг ер юзасидан юрадиган нақлиёт воситаси, айтайлик, автобус, трамвай ё троллейбус тайёр турган бўлса, манзилга, иложи борича, метро билан эмас, ўша Ер юзасидан юрадиган восита билан етиб олишга интилишининг сабабини ҳам илмий тадқиқ этиб ўрганяпти. Сабаб шу эканки, одамзодда ахборотга ўчлик туйғуси кучли бўлар экан. Метрода жуда тез фурсатда манзилга етиб бориш мумкин, албатта. Аммо Ер юзасидан юрадиган нақлиёт воситасининг устунлиги шундаки, агарчи бир муддат кўпроқ йўл юрилса ҳам, қайтанга, ана шу вақт ичида одам кўчани кўриб кетар ва шу орқали кўп маълумот олиб, зерикмас экан.

Шундай бир замонда тасаввуфдаги хилват аро гўшанишин бўлиб ўтириш ғоясини кишилар қандай қабул қилади?

Шундай ё шунга ўхшаш мулоҳаза юритишимиз хам табиий, ҳам ғайритабиий. Нега? Ахир, бир китобхоннинг ўзи тарихнинг турли замоналарида ёзилган, ҳар хил миллату элатлар ҳаёти акс эттирилган, турли-туман феъл-атворга эга одамлар сиймоси яратилган асарларни ўқийверади, тушунаверади, ундан ўзига керакли завқу шавқу фикр-хулосалар олаверади-ку. Шу маънода нима бўлибди, ўз мозийимиз акс этган ўша “содда” ҳаёт ҳам ўқувчини ўзига жалб этиши мумкин. Лекин асосий масала бу ҳам эмас.

Ҳамма гап шундаки, даврлар ўтса – ўтаверар, бироқ инсон миллати, дини, ирқидан қатъи назар, моҳиятан Одам Атодан бери ҳозиргача ўша-ўша: кишиларнинг дардлари, ҳаёт учун тинимсиз курашиб яшашга мубтало экани, завқу ҳаяжонлари – қарийб ўша-ўша. Эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги тасаввурлар ҳам – бутун оламда деярли бир хил. Демак, тасаввуфнинг ғояларида бўртиб кўринадиган эзгуликлар талқини нафақат ўз миллатимиз, балки бутун дунё халқлари учун ҳам бир зўр таълимот янглиғ керак бўлиши – табиий. Тасаввуфни бутун дунё олимлари тадқиқ этаётгани ҳам шуни исбот қилиб турибди.

Эзгу ғоялар даврлар ўтиши билан ўзгариб бораверади, албатта. Бошқача айтганда, ҳар бир давр ўзига хос ва мос ғояларни илгари суради. Аммо эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги қарашлар, сиртдан ҳар қанча ўзгармасин, ички жиҳатдан, яъни моҳиятан кам тағйир топади. Шу маънода инсоният тафаккурининг турли даврларидаги маҳсуллари аро қанча фарқ бўлса, шунча ўхшашлик ҳам – бор. Тафовутлар кўпинча мақсадлардан келиб чиқади. Чунки кимки бирор ишни амалга оширишни орзуласа, билингки, унинг муайян мақсади бор. Аввал – мақсад, кейин – ҳаракат. Ҳаракат – мақсадга етказадиган йўл. Ана шу мақсад сари олиб борадиган йўлни восита деб ҳисобласак, демак, ҳар қандай бажарилган иш – мақсад ва восита уйғунлигидан иборат. Буни осонроқ тушуниб олишимиз учун бир-икки мисол келтирсак.

Тасаввуфдаги ўзаро тариқатлараро қиёс ҳам – худди шунинг учун керак. Тасаввуф – бир бутун таълимот. Унинг қандай таълимот эканини батафсил шарҳлаш бу рисола вазифасига сиғадиган масала эмас. Бироқ қисқа қилиб уни, инсоннинг Аллоҳга етиш мақсадини рўёбга чиқарадиган, Тангри васлига мушарраф бўлиш учун одамнинг руҳини имкон қадар юксак тараққий эттиришни тарғиб айлайдиган исломий таълимот, бевосита амалга оширишни талаб қиладиган назария, деб таърифлаш мумкин.

Яссавия билан нақшбандия аро фарқлар ҳам, энг аввало, ана шу тариқатлар яратилган ёки такомиллаштирилган даврдаги шароитдан келиб чиқади. Шуни унутмаслик керакки,

бу тариқатларга аслан бир сарчашмадан таралган икки жилға янглиг қаралмоғи керак. Бухоройи шарифда Шайх Юсуф Ҳамадоний қўлида таълим олган бир суфий – Хожа Аҳмад Яссавий яссавия, иккинчи сўфий – Шайх Абдулхолиқ Ғиждувоний хожагон жамоасини тузди. Хожагон жамоаси кейинчалик нақшбандия тариқати сифатида шаклланди. Бу ҳақда профессор Ориф Усмоннинг мақолаларида кўп ёзилди. Юсуф Ҳамадонийнинг икки муриди, чиндан ҳам, бошқа-бошқа тариқатларга асос солди. Бироқ зинҳор-базинҳор бунга, фақат Абдулхолиқ Ғиждувоний билан Хожа Аҳмад Яссавийнинг шахсий истаги билангина амалга ошиб кетаверган ҳодиса, деб қаралмаслиги – керак. Албатта, бу омилнинг ҳам жиддий ўрни – бор. Лекин Юсуф Ҳамадоний бу икки халифасининг кейинчалик алоҳида-алоҳида икки мустақил тариқатни бошлаганига муайян ижтимоий сабаблар ҳам – бор. Хожагон жамоасининг дастурини кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд такомиллаштирдилар, уни нақшбандия тариқатига айлантирдилар. Нақшбандия тариқатини камолга етган ҳолда олсак, яссавия билан нақшбандия ўртасида давр фарқи борлиги ҳам ойдинлашади. Аммо Баҳоуддин хожагон жамоасининг мавжуд саккиз одоб қоидасига яна уч шиор қўшиб, уни мукаммал тариқатга айлантирдилар. Шунинг учун хожагон шайхлари сулуки "нақшбандия" деб аталадиган бўлди. Баҳоуддин Нақшбандгача ҳам мавжуд бўлган олдинги саккиз шиорнинг ўзи ҳам яссавиядаги йўл-йўриқлардан кескин ажралиб туради.

Унда бизнинг, бу икки тариқат фарқида давр муҳим сабаб бўлган, деган даъвомиз инкор этилган бўлмайдими?

"Турк шайхлари" – ким?

Дастлаб яссавия билан нақшбандия ўртасидаги фарқларга сабаб бўлган давр билан боғлиқ ижтимоий омиллар ҳақида бир оз мулоҳаза юритсак. Бунинг учун эса аввал: "Турк шайхлари – ким?" – деган табиий саволга жавобни аниқлаштириб олишимиз керак.

"Насойим ул-муҳаббат..."нинг муқаддимасида Алишер Навоий "Нафаҳот ул-унс..."да бўлмаган шайхлар ҳақида ёзади: "...Ва ҳазрати Шайх Фаридиддин Аттор битган "Тазкират ул-авлиё"дин баъзи кибори машойих-ким, "Нафаҳот ул-унс..."ға дохил бўлмайдур эрди, ҳар қайсини муносиб маҳалда дохил қилдим ва ҳинд машойихи шарҳи ҳам оз мазкур эрди, мумкин бор – тилаб, топиб, ҳазрати қутб ул-авлиё Шайх Фарид Шакарганждин ва сўнгги машойихғача илҳоқ қилдим (қўшдим. – С. О.) ва турк машойихи зикри ҳам озроқ эрди, ани доғи ҳазрати шайх ул-машойих Хожа Аҳмад Яссавийдин бу замонғача, улча мумкин бор – тилаб, топиб, ул мутабаррак (табаррук.— С. О.) китобда йўқ эрди, мунда қўштум" (66).

Шу парчадаги "турк машойихи" сўз бирикмаси, бир қарашда, ҳаммага тушунарли ифода. Албатта, бу – "турк шайхлари" деган маънони беради. Аммо, ҳамма гап шундаки, "турк машойихи" деганда тили, бугунги тушунча билан миллати турк бўлган шайхларнинг ҳаммаси деб тушунилмаслиги –керак. Унда: "Ҳазрати Жомий атайлаб турк қавмидин бўлган шайхларни ўз китобларига озроқ киритибдилар-да", – деган ғайриилмий ва ғайривоқе тасаввур туғилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Умуман, форсий манбаларда яссавия тариқати, бу сулук шайхлари ҳақида маълумот – кам. Шунинг учун бўлса керак, тожик тасаввуфшуноси Муҳаммадқул Ҳазратқулов "Тасаввуф" китобида 18 тариқат ҳақида маълумот беради, яна 11 тариқатни ҳозирча кам ўрганилган силсилалар сифатида санайди. Бироқ бу 29 тариқат ичида яссавияни мутлақо тилга олмайди[1]. Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат..."и туркий тилдаги авлиёлар ҳақида

[1] Қаранг: Ҳазратқулов М. Тасаввуф. – Душанбе: Ирфон, 1988. – С. 86 – 100.

битилган илк тазкира эди. Ҳазрати Жомийнинг қўлларида ҳам яссавия тариқати шайхлари хақида мукаммал маълумот берувчи манба бўлмаган кўринади. Чунки Навоийнинг ўзи ҳам уларни имкон қадар излаб, топиб, кейин тазкирасига киритганини ёзади. Бу буюк ўзбек шоири ва мутаффаккирининг яссавия тариқатини ўрганишдаги улуғ тарихий хизмати янглиғ баҳоланмоғи – керак. "Турк машойихлари" тушунчаси шоир замонида "яссавия тариқатидаги шайхлар" деган соф тасаввуфий маънони англатадиган истилоҳ эди. Яссавия шайхларини "турк машойихи" дейишга сабаб эса шу эдики, яссавия соф туркона, яъни туркий элу элатлар орасида кенг ёйилган бир тариқат эди. Шунинг учун "Нафоҳат ул-унс..." ҳамда "Насойим ул-муҳаббат..."нинг қайси саҳифасидаки "турк машойихи" ифодасига дуч келинса, уларнинг бари "яссавия тариқатига мансуб шайхлар" деб тушунилиши – лозим. Ўзи турк қавмидин бўлса-ю, бошқа тариқат вакили ҳисобланса, бу сўфий "турк шайхлари" тушунчасига киритилмаган.

Лекин илмимизда ана шу "турк шайхлари" атамасини турлича тушуниш – бор. Масалан, фалсафашунос Р. Т. Шодиев уни: "Ўрта Осиё тасаввуфи вакиллари"[2], – деб талқин этади. Бу – қалтис хато. Чунки, ахир, нақшбандия шайхлари ҳам Ўрта Осиё тасаввуфи вакиллари ҳисобланади, бироқ улар "турк шайхлари" сирасига кирмайди-ку.

Аҳмад Яссавий туркий халқ вакили эди. Ўзаро илмий суҳбатларимиздан бирида билимдон шарқшуносларимиздан профессор Ҳамид Неъматов жуда тўғри ва содда қилиб тушунтириб берганларидек, Яссавий яшаган даврда туркий халқларнинг бир қисми ҳали мусулмончиликни қабул ҳам қилмаган, ўша қадимий кўчманчилик ёхуд ярим кўчманчилик ҳолатида яшар эди. Айрим қабилалар исломни қабул қилгани билан, ҳали бу диний ақидалар у қадар мустаҳкамлашмаган бир вазият ҳукмрон эди. Шунинг учун ҳам яссавия тариқати бирйўла ҳам тасаввуф, ҳам дин тарғиби тарзида майдонга келганини юқорида айтдик. Ҳаётий вазият шуни тақозо этар эди. Тариқат мўлжалланган ахолининг руҳий-маданий даражаси, диний-маърифий тайёргарлиги шуни талаб қилар эди. Шу боис яссавия тариқатида тасаввуф учун дастлабки, лекин, албатта, пухта бажарилиши керак бўлган шариат қоидаларини қайтадан майдалаб тушунтириб ўтириш кўзга ташланади. Аҳмад Яссавий ҳикматлари – бунга ёрқин мисол. Аслида эса тасаввуф комил мусулмонларга, яъни шариат қонун-қоидаларини оғишмай, тўла ва пухта бажариб келаётган кишиларга, янада аниқроқ қилиб айтилса, хос кишиларга мўлжалланган бир таълимот эди. Шариат босқичини мукаммал ўтаган одамга эса шариат қоидаларини бажаришни тарғиб қилиб ўтириш ҳеч ҳам шарт эмас. Ҳатто, Аҳмад Яссавий замонасидаги арабий ва форсий тасаввуф тарғибида шариатнинг ислом оламида маълум ва машҳур қоидаларини бу қадар тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаган. Аҳмад Яссавий ҳикматларида эса ана шу шариат қоидаларини шарҳлаш, уларнинг аҳамиятини тушунтириш, хуллас, соф диний тарғиб сўфиёна талқинлар билан бирга келади. Ана шу жиҳатига кўра, айтиш мумкинки, яссавия тасаввуфнинг нисбатан соддароқ тариқати эди. Айримлар учун бу тариқат, ҳатто, бевосита ислом тарғиби сифатида ҳам қабул қилинган. Баъзи туркий қабилалар ана шу яссавия шайхларининг тарғиби билан исломга ўтган. Бу ҳақда Ж. С. Тримингэм шундай ёзади: "Яссавия таълимоти – талай диний, ижтимоий ва маданий шохобчаларга зга. У туркий қабилаларнинг мусулмонлашувида, туркий-кўчманчилар орасида исломни татбиқ этишда ўрин тутди, Аҳмаднинг (Яссавийнинг. – С. О.) ва унинг давомчилари бўлмиш Юнус Эмро (740/1339 йилга яқин вафот

[2] Ш о д и е в *Р. Т.* Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии (IX – XIII вв). – Автореф. дисс. ... д. филос. н. – Ташкент: 1993. – С. 14.

этган) каби дарвеш шоирларнинг шеърлари орқали эса форсий-туркий тиллар ўзаро таъсирига ҳисса қўшди"[1].

Тарихий ҳақиқат – шундан иборатки, туркий халқларнинг катта қисми кўчманчи ва ярим кўчманчи сифатида яшаб, исломни ўтроқ қавмларга нисбатан кечроқ қабул қилган эди. Яссавия ана шу элу элатларнинг эътиқоди бўлмиш шомонийлик унсурларидан ҳам айримларини ўзида уйғунлаштира борди. Р. Т. Шодиев тасаввуфга шомонийлик хусусиятларининг кириб келишини, айнан Аҳмад Яссавийдан бошланган, деб ҳисоблайди[2]. Турк олими Эртуғрул Ямон тўғри қайд этганидек: "Туркларнинг оммавий равишда исломга кириши, асосан, қорахонийлар даврида амалга ошди. Маълумки, қорахонийлар даврида давлат ҳам расман исломиятни қабул қилди. Туркларнинг исломга ўтиши турк тилининг тарихий ўтмишида ниҳоятда муҳим бир даврдир"[3].

Қорахонийлар айнан ана шу Аҳмад Яссавий замонида – XI – XII асрларда ҳукм сурган эди.

Нақшбандияда яссавиядаги каби содда диний тарғиб – йўқ. Чунки нақшбандия аллақачон мусулмончилик кучли тараққий этган жойлар аҳолисига – ўтроқ яшаётган кишиларга мўлжалланган. "Қуббат ул-ислом" ҳисобланмиш Бухоро заминида пайдо бўлган бу тариқатда, гарчи содда ислом тарғиби бўлмаса ҳам, шариат коидаларини, суннатни бажаришга ниҳоятда катта эътибор берилади. "Насойим ул-муҳаббат..."да шундай келтирилади: "Ва (Бахоуддин Нақшбанд. – С. О.) дер эмишларки: "Бизинг тариқимиз урвайи вусқодурур (яъни ишончу эътимод мустаҳкам тутиладиган йўл. – С. О.). Ул илик пайғамбар мутобаатиға (итоатига. – С. О.) урмоқдур ва саҳобайи киром осориға иқтидо (тақлид. – С. О.) қилмоқ ва бу тариқда оз амал била кўп футуҳ (муваффақият. – С. О.) етишур. Аммо суннат мутобаати (пайғамбар алайҳиссалом суннатларига – анъаналарига итоат қилиш. – С. О.) раияти улуғ иштурки, ҳар киши бу тариқимиздин юз уюрса (ўгирса. – С. О.), анга дин хатаридур" (132). Демак, нақшбандияда диннинг содда тарғиби – йўқ, деганда, бу тариқатда шариат инобатга олинмас экан, деган ғайриилмий тасаввурга бормаслик – керак.

Туронзаминда пайдо бўлган яссавия ва нақшбандиядек икки машҳур тариқат ўртасидаги бундан ҳам муҳимроқ яна бир фарқини ойдинлаштириб олмасак, масаланинг моҳиятига етиш яна қийин кечади. Хўш, бу – нима?

Эътибор берилса, яссавия тариқатида бу дунё ишларига кучли мухолафатчилик оҳанги – устунроқ. Шунинг учун яссавия шўро илмида, ҳатто, "таркидунёчилик" сифатида ҳам қаттиқ қораланди. Яссавияда мулк инобатга олинмайди, у – инсоннинг Худога интилиши йўлида ортиқча, халал берувчи бир юк. Ўткинчи бу дунёда мулкка меҳр қилиш Аллоҳга ишқ қўйишга зиён етказиши – турган гап. Шунинг учун наинки мулк, умуман, бу дунё лаззатларидан воз кечавериш – керак. Чунки бу дунёнинг ўзига ҳам, ундаги бирор нарсага ҳам бақо – йўқ. Демак, бу фоний дунёки инсонга вафо қилмайдими, олам бойликларининг неча пуллик қадри – бор, дейсиз?! Соддароқ қилиб айтганда, яссавия ақидасига кўра, қўлни ҳам, дилни ҳам бу дунёдан узиб, уларни Худога боғлаш – керак. Худди шу нуқтада, умуман, барча шунга ўхшаш дунё билан боғлиқ масалаларда нақшбандия, таъбир жоиз бўлса, келишувчилик, замонавий тил билан айтилганда, либераллик йўлини тутади. Яъни, албатта, бу дунё

---

[1] Т р и м и н г э м Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука, 1989. – С. 58.

[2] Ш о д и е в Р. Т. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии (IX—XIII вв). Автореф. дисс. ... д. филос. н. – Ташкент: Без издательства, 1993. – С. 21.

[3] Эртуғрул Я м о н. Бир чинорнинг шохлари (Турк тили ва лаҳжалари). / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 18 июнь.

– бебақо, шунинг учун кўнгилни фақат ва фақат Аллоҳга боғлаш – шарт. Аммо, майли, қўл ишлаб тураверсин, бу дунё учун ноз-неъмат яратаверсин, бунинг кўнгилни Худога бағишлаш учун ҳеч ҳам зиёни – йўқ. Қайтанга, бунда солик ўз ҳалол меҳнати билан тирикчилик қилиш учун кўп имкониятга эга бўлади-ку.

Ана шу нуқтада яссавия билан нақшбандия ўртасида нозик фарқ пайдо бўлишини сезиш қийин эмас.

Ботин ва зоҳир

Хўш, умуман олганда, мақсади – бир, ҳатто, устоз – Юсуф Ҳамадоний берган таълим – бир-у, нега энди бу икки тариқат орасида фарқ пайдо бўлиб қолди? Ҳатто, Баҳоуддин Нақшбанд яссавия тариқатидаги пирлардан Халил Отанинг ҳам хизматида бўлиб, у кишидан узоқ йиллар таълим олган эдилар. Халил Ота орада яна уч пир воситасида Занги Отанинг оталари – Абдулмалик Тож Хожанинг муриди эдилар. Ана шу йўл билан Нақшбанд яссавия тариқати силсиласида ҳам қайд этиладилар[4]. Шу тариқа яна: "Баҳоуддин ҳам хожагон, ҳам яссавия тариқатлари пирларига мурид бўлсалар-у, нақшбандия яссавиядан фарқ қиладими?" – деган табиий савол туғилади.

"Ижтимоий омил" деган нарса ана шу нуқтада ойдинлашади. Яссавий яшаган муҳит бир бошқа тарихий тараққиёт даврида эди ёхуд халқ бошқача ишлаб чиқариш билан кун кўрар эди. У ерда, энг муҳими, жамоа мулки бор эди. Қабиланинг, қишлоқнинг, овулнинг – борингки, қандайдир жамоанинг умумий мулки, ҳеч бўлмаса, моли бор эди. Агар шу жамоа ичидан тасаввуф йўлига кирган кишилар топилиб қолса, аниқки, халқ бундай одамларни иқтисодий жиҳатдан ташлаб қўймас, яъни у оч қолмас эди. Жамоанинг умумий мулки – гўшти борми, бас, бир неча одам иш билан машғул бўлмай ҳам кун кўриши, Худо йўлига бошқалар уни боқишни ўз бўйнига олиши – турган гап. Агар жамоанинг умумий мулки бўлмаган тақдирда ҳам, халқнинг қўлида моли – қўй-эчкиси бор, тирикчилик бир қадар содда ва мол боқиш учун кенг-кенг яйловлар – шу аҳоли ихтиёрида. Шунинг учун бундай содда яшаш тарзида халқ бир неча дарвешни бемалол боқади.

Бу даъво исботсиз қолмасин учун бир мисол келтирамиз. Гарчи, бир қарашда, бунинг яссавияга мутлақо алоқаси йўқдек туюлса ҳам, аслида, моҳият жиҳатидан бу – яссавиядаги таркидунёчилик учун ижтимоий асос нақшбандиядагига нисбатан кучлироқ бўлганини исботлаш нуқтаи назаридан керак.

Чинакам тасаввуф бора-бора юртимизда ўзининг асл йўлидан чиқиб, бизнинг асримизга келиб эшончиликка айланиб кетди. Тасаввуфда, ҳатто, пирнинг ўз фарзанди ҳам отасигами ва ё бошқа шайхгами мурид тушиб, ундан ботиний илм ўрганмаса, ўзини руҳий тарбиялашда етарли бир даражага эришолмаса, шайхлик мақомини ололмайди ва мурид тўплаш ҳуқуқига эга ҳам бўлолмайди. Лекин бизнинг замонларга келиб ота-бобоси шайх ўтган кишиларнинг барча фарзандлари, фарзандларининг фарзандлари ўзларини "эшон" ҳисоблаб келди, эшонлик тарбия йўли билан эмас, ворисий қон асосида авлоддан авлодга ўтди ва ўша ота-боболаридан биринг муридлари бўлмиш кишиларнинг фарзандлари ворисий асосда буларга ҳам мурид саналаверди. Ҳолбуки, чинакам тасаввуфда ҳар бир солик пир кўмагида ўзини ўзи тараққий эттириш орқалигина шайх даражасига етади. Ҳатто, пир ёки пирларнинг улуғлиги ҳам масалани тўла ҳал қилмайди. Чунки тасаввуфда шахс пир кўма-

[4] *Қаранг:* Т р и м и н г э м Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – Москва: Наука, 1989. – С. 58.

гида ўзини ўзи тарбиялаши – лозим. Баҳоуддин Нақшбанддан: "Сизнинг силсилангиз не ерга етар?" – деб сўраганларида ул зоти шариф: "Киши силсила била ҳеч ерга етмас" (132), – деб жавоб берганлар. Демак, силсила қайси буюк зотларга бориб тақалишининг ўзигина ҳали шараф келтиравермайди. "Силсила" деганда Баҳоуддиндан кимларнинг мурид эканликлари сўралган. Тасаввуфда пирнинг халифаси фарзандидай саналади. Демак, ҳар бир муридга пирлик қилган одамнинг ҳам пири – бор, ўша пирнинг ҳам пири бўлган. Тасаввуфда бундай занжирнинг аҳамияти катта. Бироқ Баҳоуддин Нақшбанд, ҳатто, ана шу тан олинган силсиланинг ҳам тасаввуфда кўнгилни тараққий эттириш учун бош масала эмаслигини таъкидлаганлар. Шундай экан, киши отаси ё бобоси шайх бўлгани учунгина шайх бўлиб кетавермайди.

Аммо гап ҳозир замонавий пир-муридликнинг ижтимоий сабабларию хусусиятлари ҳақида эмас. Бизни қизиқтираётган жиҳат шуки, ана шу мурид пирларини хам моддий жиҳатдан таъминлаб туради. Айтайлик, эшон Бухоро ё Самарқандда истиқомат қилади, аммо унинг мурид лари Қашқадарё ё Сурхондарёнинг асосан қипчоқ шеваларида гаплашадиган ва аксарият чорвачилик билан машғул бўлган аҳолиси ичида. Эшонлар ана шу мурид ларини йўқлаб, тез-тез уларнинг олдига келиб туради ва мурид лар ҳам баҳоли қудрат уларга назр қилади. Албатта, кўпинча эшонларга қўй ё эчки берилади.

Хўш, нега Бухоро ё Самарқанддаги эшонларнинг мурид лари – асосан, дашт ерларда? Нега Қашқадарё ё Сурхондарёда пир-мурид лик, яъни мурид ларнинг пирларга назр бериб туриши бу жойларда аввалгидек сақланган?

Ҳамма гап шароитга – ижтимоий омилга бориб тақалади. Ўша назр бераётган қишлоқлар аҳолисининт бир-ярим ортиқча моли бўлса керакки, ўзидан ортиб, назр қилади. Тамоми ҳамма ерига пахта экиладиган, уйидаги бир-икки бош моли ҳам даладан минг азобда юлиб келинадиган ўт-ўлан ҳисобига боқиладиган қишлоқларда пирларга назр қилиш имконияти, албатта, жуда-жуда чекланган. Яна бир нарсани эслатиб утайликки, Бухорода назр қилиш одати ўша шайхларнинг авлодларига эмас, балки, уларнинг руҳлари ҳурмати учун авлиёларнинг мозорлари бошида қурбонлик қилишга айланиб кетган. Бунда пир-мурид лик йўқ. Албатта, ҳар қандай қурбонлик ҳам, назр ҳам, аслида, Худо йўлига амалга оширилади. Қурбонликка аталган жонзотни бирор авлиёнинг мозорига олиб бориб сўйиш шарт эмас. Аллоҳ – ягона ва унга аталган жонзотни қаерда қурбонлик қилсангиз ҳам, бўлаверади. Хўш, унда нега авлиёлар дафн этилган мозорлар бошига бориб назр қилиш, яъни жонзот сўйиш бунчалар расм бўлиб қолган? Бунга сабаб шуки, илгари, яъни ўша авлиё тирик пайтида ё унинг вафотидан сўнг ана шу мозор бошида хонақоҳлар бўлган ва шайх ё унинг халифалари у ерга мурид лар йиғиб, уларни Ҳақ йўлига бошлаган. Халқ ана шу хонақоҳда ўзини Худо йўлига бағишлаганларни кўнгилларидан чиқариб берган моллари билан боққан. Фақат шуни ойдинлаштириш керакки, аҳоли зич жойлашган ва ҳунармандчилик ё деҳқончилик билан тирикчилик қилинадиган ерларда дарвешларнинг халқ эҳсонлари ҳисобидан тирикчилик қилиш имкониятлари чорвадор ерлардаги, яъни кўчманчи қабилалардаги даражадан кескин фарқ қилган. Бу ҳам аҳолининг ижтимоий аҳволи ва яшаш тарзидан келиб чиқади. Ҳар ҳолда, чорвадорлар табиатнинг уларга яратиб қўйган имкониятларидан кўпроқ баҳраманд бўлиб, юз-юз эллик қўй қилиб қўя олади ва ҳозирги шароитда ҳам бир қуйни эшонга назр қилган билан уларнинг молига унчалар зиён етмаслиги мумкин. Аммо деҳқон бола-чақасининг ризқини қирқиб, минг азоб билан даладан ўт-ўлан юлиб келиб

зўрға боқаётган икки-уч қўйининг бирини эшонга бериб юбориши – жуда кам учрайдиган ҳодиса.

Бу – яссавия шайхлари билан нақшбандия дарвешлари фаолият олиб борган муҳит аҳволини солиштириш учун жуда муҳим бир қиёс.

Яссавия тариқати туркий халқлар орасида кенг ёйила борган замонларда кўчманчи чорвадор гуруҳларнинг умумий мулки ҳам бўлганлигини ёддан чиқармайлик. Дарвешларни аҳоли ана шу умумий мулк ҳисобидан ҳам боқаверган. Энди нақшбандия шайхлари фаолият олиб бора бошлаган ҳудудлардаги аҳволни ҳисобга олайлик. Тўғри, бундай жойларда, хусусан, шаҳарларда бойлар ҳам кўп бўлган. Лекин улар мулки – хусусий-да. Бундан ташқари, айни шароитда ҳар ким тирикчилик учун қандайдир жиддий меҳнат билан шуғулланмаса, умр бўйи яшаш у ёқда турсин, бир кун ҳам унинг қозони қайнамайди. Нима қилиш – керак? Айнан яссавиядаги тарғиб йўлини бу ерларда амалга ошириш – қийин. Чунки, ахир, кун бўйи Худо йўлида машғул бўлиш учун ҳам, ҳеч бўлмаса, яшаб туриш даражасида овқатланиш – керак-ку. Ана шундай тинимсиз меҳнат билан банд одамларни қандай қилиб тасаввуф йўлига кирита оласиз?

Хуллас, хожагон шайхлари, яъни кейинчалик *“нақшбандия”* деб атала бошлаган тариқат вакиллари тасаввуфнинг ўтроқ аҳолига – деҳқонлар, ҳунармандлар, зиёлилар, ҳатто, амалдорларга ҳам мўлжалланган йўлларини тинимсиз излади ва уларни топа олди. Бу – дунё ишларидан батамом ажралмаган ҳолда ҳам Аллоҳга етишиш билан машғул бўлиш.

Хўш, бунинг учун нима қилинди?

Энг аввало, тасаввуфда асосий диққат марказида турадиган масалалар иккига ажради: ахир, ҳамма нарсанинг ҳам с у в р а т и – бор ва с и й р а т и – бор. Демак, бир нарсанинг ўзига ҳам з о ҳ и р а н ва ҳам б о т и н а н қараш – мумкин. Шу жиҳат, яъни масалаларни ташқи ва ички жиҳатларга ажратиш ишни осонлаштирди.

Нақшбандиянинг бу ақидасини Баҳоуддин Нақшбанднинг Абдураҳмон Жомий “Нафоҳат ул-унс...”ида келтирилган мана бу байтлари жуда яхши ифодалайди:

Аз дарун шав ошноу аз берун – бегонаваш,
Ин чунин зебо равиш кам мебувад андар ҷаҳон[1].

Агар *“аз дарун”*нинг *“ичдан”* ҳамда *“аз берун”*нинг *“ташдан”* деганлигини инобатга олсак, байтда мана бундай маъно илгари сурилгани аёнлашади: *“*Ичдан ошною ташдан бего-

[1] “Нақшбандия” журналининг 2009 йилги 1-сони муқовасида бу байтнинг:
Зоҳиринг бегона, ботинда бўл огоҳ ҳар нафас,
Бул каби озода рафторга жаҳон қилгай ҳавас, –
тарзидаги таржимаси дарж этилган эди. Гарчи жаранги жиҳатидан қулоққа яхши эшитилса ҳам, уни, аслиятга яқин таржима, деб ҳисоблаш – қийин. Биринчидан, байт аслиятга зид равишда жуфт қофия (*“нафас” – “ҳавас”*) билан ўгирилган. Иккинчидан, *“гўзал яшаш тарзи”* маъносидаги *“зебо равиш”* бирикмаси *“озода рафтор”*, яъни *“эркин юриш”* тарзида таржима қилинганки, бунда маъно узоқлашиб, ҳатто, мавҳумлашиб ҳам кетган. Учинчидан, байтдаги асосий тазодни юзага чиқарган сўзлар бир шаклда келиши, яъни *“зоҳиринг”* дейилдими, *“ботининг”* бўлиши ёки *“ботинда”* дейилмоқчи бўлса, *“зоҳирда”* бўлиши лозим эди. Журналнинг 2009 йил 2-сонидан бошлаб бу байт:
Ичда доим ошно бўл, ташда тут бегонадек,
Бу каби зебо равиш кам топилур дунёда ҳам, –
тарзида бериб келиняпти.

надек бўл, бундай гўзал яшаш тарзи жаҳонда кам топилади"[1]. Демак, ич ва таш айнан бўлиши шарт эмас. Сўфий – ташқи тарафдан бир қадар эркинликка эга. Ҳатто, у ташқи жиҳатдан бошқалардан ажралиб турмаслиги – керак. Сўфийнинг оддий одамлардан ажралиб туриши ўзини кўз-кўз айлаш ва Худога интилишини пеш қилиш, кишилардан алоҳида иззат-икром тама этиш бўлур эди.

Нақшбандиянинг агар бошқа тариқатлар, жумладан, яссавиядан бирор фарқи изланса, бу, аввало, ана шу ташқи жиҳатга муносабатдагина кўриниши – мумкин.

Моҳиятан, яъни ички тарафдан эса нақшбандия ҳам тасаввуфнинг йўлларидан бири ва илгариги тариқатларда амалда бўлган барча умумий қонун-қоидалар ва шарт-шароитлар бу сулукда ҳам қатъий ҳисобга олинаверади.

Нақшбандия тариқатининг бош шиори янглиғ талқин этиладиган: "Дил – ба ёр-у, даст – ба кор!" – ақидасини олайлик[2]. Солик моҳиятда, яъни ичида ҳамиша Худога кўнгил қўйиши – шарт, аммо ташқи жиҳатдан қараганда унинг қўли иш билан банд бўлаверсин. Бунинг моҳиятга зиёни – йўқ. Ёки мавжуд ўн бир ақидадан бири – "Хилват – дар анжуман"га диққат қилайлик. Ўзи-ку тасаввуфда хилват – бош масалалардан бири. Чунки инсон жамиятдан узилиб, ёлғиз ҳолда Аллоҳни ўйласа, наф кўпроқ – унинг фикри чалғимайди, бошқа ҳою ҳавасларга берилмайди. Умуман, тасаввуфда, Аллоҳ билан бўлиш учун бошқа одам билан суҳбатлашиш ҳам халақит қилади, деган кучли қараш бор. Бунинг исботи учун Фаридиддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё"сида Шайх Абу Бакр Абу Варроқ ҳақида нақл қилинган мана бу ҳикоятни келтириш – ўринли.

"Хизр пайғамбар*(а.)*ни кўрмоқ орзуси ул ҳазратнинг кўнглига тушибди. Ҳар тонгда Қуръон ўқир ва қабристонга борар эди. Орада тазарру ва илтижо этарди. Бир куни уйидан ташқари чиқди. Бир нуроний пир келиб, унга салом берди.

– Бугун бирга суҳбат қилмоғимизни истармисен? – деди пир.

– Истармен, – деди шайх. Иккиси сўзлашиб, қабристонга бордилар. Кўп сўзлар сўзлашдилар. Пир кетмоқ истади.

– Ё, Абу Бакр! Бугун сени бир бўлак Қуръон ўқимоқдан қўйдик. Мен ўшал орзу этганинг Хизрмен. Бир соат Ҳақ билан суҳбат қилмоқ – минг йил Хизр билан ўтирмоқдин яхшидир, – деди.

*(Хизр каби бир зотнинг су*ҳбати одамни Аллоҳдан чалғитса, энди қолган кишилар билан бўладиган суҳбатни ўзинг бир қиёслаб кўргил)"[3].

Ҳатто, Хизр алайҳиссалом билан суҳбат ҳам Аллоҳ сари йўлга халақит қилиши ҳақида Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат..."ида Абу Исҳоқ Иброҳим Хавос деган шайх айтган мана бу фикрлар Шайх Абубакр Каттоний тилидан келтирилади: "Бир қатла Иброҳим сафардин етти. Андин сўрдумки: "Йўлда ҳеч ажаб нима кўрдунгму?" Дедики: "Хизр манга етти ва дедики: "Санга ҳамроҳ бўлайинму?" Дедим: "Йўқ". *Деди:* "Невчун?" Дедим: "Ул (яъни Аллоҳ. – С. О.) рашкиндур, тезкор. Қўрқарменки, кўнглум санга улфат тутмағай" (89).

---

[1] Мазкур байт ўзбек тилига ушбу сатрлар муаллифи таржимасида "Нақшбандия" журналининг шиори тарзида унинг ҳар сони муқовасида қуйидагича дарж этиб келиняпти:
Ичда доим ошно бўл, ташда тут бегонадек,
Бу каби зебо равиш кам топилур дунёда ҳам.

[2] Хожагон-нақшбандия тариқатининг бу бош ғояси "Нақшбандия" журналининг шиори тарзида унинг ҳар сони муқовасида дарж этиб келинади.

[3] Фаридиддин А т т о р. Тазкират ул-авлиё. Туркия туркчасига таржимадан ўзбек туркчасига уйғунлаштирган Мирзо Кенжабек. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 18 июнь.

Фаридиддин Атторнинг ёзишича, Абу Бакр Абу Варроқ *"халққа аралашмоқ"*ни қоралаб, *"халқдан ҳам қочмоқ – керак"*, деб ҳисоблайди ҳам: *"Тўрт душман бордир ва улардан қутилмоқнинг тўрт йўли бордир: Шайтон, нафс, дунё севгиси, халққа аралашмоқ. Шайтон ва нафсга мухолифат (қаршилик) этмоқ керак, дунёдан чекинмоқ, халқдан ҳам қочмоқ – керак. Киши бу тўрт ёрдамчи билан қутилгайдир, йўқса ҳалок бўлур"*[4].

Нақшбандия моҳиятан бу ақидаларни ҳеч ҳам инкор этмайди. Бироқ ташқи тарафдан анжуман, яъни одамлар даврасида бўлавериш – керак. Чунки ҳақиқий Аллоҳ йўлига кирган солик ана шу жамият ичида ҳам хилват қилаверади. Сабаби шуки, хилватга чекиниш – инсоннинг қалбида кечавериши мумкин ҳодиса-ку. Демак, масалаларни з о ҳ и р ва б о т и нга бўлиш нақшбандияга Аллоҳга интилиш йўлининг кўнгилда кечадиган жиҳатларини бирламчи қилиб қўйиш имконини берди. Бора-бора бу тариқатда, ҳатто, соликнинг очиқ-ошкор, яъни намойишкорона хилватга чекинишининг ўзига ҳам эътироз пайдо бўлди. Ахир, ошкора хилват ҳам соликнинг ўзини кўз-кўз қилиши, яъни шу тариқа бу бошқалардан устундек туришига сабаб бўлмайдими?

Шариат қонун-қоидаларига амал қилиш ҳамманинг, авомнинг ҳам вазифаси. Тасаввуф эса – хос, шунга иқтидорию истеъдоди бор, айрим танланган кишилар йўли. Лекин нақшбандия – ана шу танланган кишиларнинг тасаввуфга кирганини авомдан ажратиб кўрсатишига тамоман қарши. Бу ҳақда Навоийнинг бир ғазали-да муҳим мулоҳазалар бор:

Авом зоҳиридек қилмағанға зоҳирини
Муяссар ўлмади ботин иши нечукки хавос.
Бировга хос иноят бу йўлда ом ўлди, –
Ки ом суврати бирла ўзини айлади ом[5].

Дейилмоқчики, ташқи кўринишда оддий одамлардек бўлиб юрмаган сўфийларга ички дунёсини камолга еткаришнинг иложи бўлмади, кимки ўзига берилган истеъдодни кўз-кўз қилмай, оддий одамлар каби ўзини улар қаторида санаса, унгагина хослик насиб этади.

Бу ҳақда Баҳоуддин Нақшбанднинг ўз сўзларини келтирай: *"Ва дер эрмишларки, бизинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офат, хайрият жамъиятдадур ва жамъият суҳбатда, бу шарт билаки, бир-бирига нафй бўлунғай ва улча ул бузург буюруб-турки... агар жамъи бу йўл соликлари бир-бири била суҳбат тутсалар, анда хайру баракат"* (132).

Шуни ҳам унутмаслик – лозимки, хожагон-нақшбандия тариқати ҳар қандай анжумандаги суҳбатни тарғиб қилаверган эмас. Шаҳобиддиннинг "Мақомоти Мир Кулол"ида ўқиймиз: *"Билингки, нодонлар суҳбати сизни Аллоҳ таолодан йироқ этур. Раққослар мажлисига ҳозир бўлманг (тарона билан сохта зикр тушувчи кишилар назарда тутиляпти), улар суҳбатига яқинлашманг, чунки бу тоифадагилар юракни ўлдиради, яна улар аҳли ҳол эмас (сунъий жазавага тушадилар). Соҳиби ҳол улдурки, баданига пичоқ санчсалар ҳам, бундан унга пашша чаққанчалик таъсир қилмас. Мана бундай одамларнигина соҳиби ҳол деса бўлур"*[6].

Демак, нақшбандия тариқатида суҳбат – муҳим шартлардан. Чунки хилватда шуҳрат – бор. Яъни хилватга чекинган одам элдан ажралади, суфийлигини ошкора кўз-кўз қилади,

---

[4] Ўша нашр.
[5] Алишер *Н* а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 197.
[6] Дурдона. Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақомотларидан. – Тошкент: 1993. – Б. 31.

унинг сўфий экани ҳақидаги гап ҳаммага аён бўлади, шундай қилиб, у шуҳрат қозонади. Шуҳрат қозонилган ерда эса офат – мавжуд. Буни ҳаёт деярли ҳар куни исботлаб турибди. Демак, жамият, яъни кўпчилик ичида бўлсанг, хайру барака ёғилади. Жамият эса суҳбат орқали пайдо қилинади. Аммо ҳазрати Абдураҳмон Жомий келтирган ва Алишер Навоий ўзбекчага таржима қилган бу матнда бир шарт ҳақида ҳам гап боради. Бу – суҳбат чоғида соликларнинг бир-бирига нафй бўлиши масаласи. Маъноси шуки, суҳбат чоғида одамлар бир-биридан узоқлашади ҳам. Чунки бир руҳий ҳақиқат шундаки, ҳар қандай гурунг охир-оқибатда суҳбатдошларни бир-биридан узоқлаштиради ҳам. Шунинг ўзи ҳам, аслида, ботинан хилват сари яқинлашиш эмасми? Ахир, шунинг ўзи ҳам Аллоҳга явуқлашиш сари етакламайдими? Айтмоқчи, илгариги суфиёна тариқатларда ҳам хаёлан Аллоҳ билан ва бевосита халқ билан суҳбат масалалари бор эди. Аммо уларнинг ҳар бирида бу масала ҳар турли ҳал этилган. Масалан, Абу Бакр Сайдалоний шундай деган: *“Ҳақ* била суҳбат тутунг ва агар тута олмасангиз, ул киши била тутунгки, ул Ҳақ била суҳбат тутар, то анинг суҳбати баракати сизни Ҳақға еткургай” (95 – 96). Шайх Абу Бакр Сайдалонийнинг бу ақидаси нақшбандия шиорига яқин келади. Лекин жиддий фарқ ҳам – бор. Нақшбандияда жамият, яъни эл билан суҳбат кўзда тутилган, Сайдалонийда эса фақат Аллоҳ билан суҳбат тута оладиган киши билан суҳбатлашиш тарғиб этилган. Чунки бу шайх – Тангри билан кўп бўлиб, халқ билан оз бўлиш тарафдори. Ҳолбуки, тасаввуфдаги кўп қарашлар бўйича, хилват – ўта муҳим масалалардан. Абу Бакр Сайдалоний қатъий қилиб айтган: “Тенгри таоло била кўп бўлунг ва халқ била – оз” (96).

Аммо шаҳарлик косиб ё савдогар, қишлоқлик деҳқон бу ақидага қандай амал қилсин? Улар хилватда машғул бўлиши учун касбининг баҳридан ўтиши – керакми? Унақада охири бу таълимотни қабул қилмай қўйиши ҳам – мумкин. Чунки тирикчилик масаласи ҳам – борда. Демак, бундай кишиларга тасаввуфни бевосита яссавия йўли билан сингдириш – жуда қийин. Шундай йўл излаш – керакки, ҳар куни иш билан машғул одамлар хам, яъни деҳқону косибу тужжор ҳам тасаввуф шуғлига бошласин. “Дил – ба ёр-у, даст – ба кор!” шиори тасаввуфни айни ана шундай ижтимоий табақалар учун ҳам мос бир тариқатга айлантиради. Демак, хилват масаласи ҳам нақшбандияда бошқача – худди шу “Дил – ба ёр-у, даст – ба кор!” ақидасидан келиб чиқиб ҳал қилинди. Хожагон жамоасида илгаридан амал қилиб келинган бу шиорни Баҳоуддин Нақшбанд шундай тушунтирадилар: “Яна (у кишидан. – С. О.) сўрдиларки: “Сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур?” Дедиларки: “Анжуманда – хилват, зоҳир юзидин халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаҳу таоло била” (132). Бу – зоҳиран, яъни юзаки қараганда, халқ билан бирга бўлиш, унинг йиғинлари – *т*ўй-маъракасига ҳам бориш, лекин қалбда – ботинан хилват қилиш, яъни ҳамиша кўнгилда Худо билан бирга эканликни унутмаслик, дегани. Устахонасида ишлаётган косибга ҳам, дўконда ўтирган савдогарга ҳам, масжидда болаларга таълим бераётган муаллимга ҳам мос келадиган ақида эди бу.

Баҳоуддин Нақшбаднинг муридликка келган ҳар бир шогирддан аввал: “Нима касбу коринг бор? Қўлингдан қандай иш келади?” – деб сўрашлари, агар ҳеч бир касби бўлмаса, тариқатга киришдан аввал бориб бирон касбни ўрганиб келиши учун қайтариб юборганликлари ҳақида ҳикоятлару ривоятлар – бор. Бу бежиз эмас эди. Нақшбандия дунёвий ишлардан ажралмаган ҳолда ҳам сўфий бўлишнинг йўлини тутган тариқат эди.

Нақшбандиянинг бошқа айрим шиорлари ҳам ана шундай таркидунёчилик бўлиб туюлган, таъбир жоиз тутилса, тасаввуфнинг ўта кескин йўлларини мўътадиллаштиргани

билан дунёвийлик касб этди. Шу тариқа у тасаввуфни ҳаётга яқинлаштирди, уни меҳнат қишилари шароитига мослаштирди. Айтайлик, "Сафар – дар ватан" шиори ҳам – шундай. Бу ақиданинг шарҳи алоҳида бобда тақдим этилади.

Байналмилал тариқат

Алишер Навоий асарларида яссавия тариқатидаги шайхлар "турк шайхлари" деб юритилишини кўриб ўтдик. Чиндан ҳам, Хожа Аҳмад Яссавий турк эди, бугунги тушунчаларга мослаб айтсак, ўзбек эди. Яссавия турклар тариқати экани ҳам – рост. Аммо нақшбандия ҳақида "турк тариқати" деган қайд учрамайди. Шу ўринда бир нарсани аниқлаштириб олиш керак. Бу мулоҳазалардан: яссавия – туркий халқлар, нақшбандия – форсий халқлар (ёки тожиклар) тариқати экан-да, деган бир томонлама хулоса келиб чиқмаслиги – керак. Унда масала жуда чалкашиб кетади. Чунки унда нега Алишер Навоийдек улуғ туркпарвар шоиримиз тариқатда яссавия эмас, нақшбандияни танлади? Унда нега темурий (демак, турк) ҳукмдорлар тариқатда, асосан, нақшбандия тарафдори бўлди, яъни нақшбандия шайхларига мурид тутинди? Туркий салтанатларнинг энг буюги – темурийлар сулоласи ҳукмдорлиги давридаги сиёсий саҳнада ҳам муҳим мавқе тутган шайх – Хожа Аҳрор Валий ҳам нақшбандий пирлардан эди. Яссавияни, "туркий тариқат", десак, унчалар хато бўлмас. Аммо нақшбандия фақат форсий халқлар орасидагина тарқалган тариқат ҳам эмас. Ўша хожагон жамоаси иш бошлаган даврлар(XII асрнинг охири ва XIII асрнинг бошлари)да ҳам, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд замоналари(XIV аср) да ҳам, ундан кейин ҳам шаҳар ва қишлоқларимизда ўтроқ яшаётган туркий аҳоли вакилларидан анча нақшбандийлар чиққани – аниқ. Умуман, нақшбандия – ўзида яссавия тариқатининг муҳим жиҳатларини ҳам сингдирган омихта, яъни синтез бир тариқат сифатида ҳам ахамиятли. Ҳатто, айнан нақшбандия юртимизда ўзбеклар билан тожиклар ўртасидаги қадимий дўстликнинг янада мустаҳкамланишига, ўзбек-тожик ўзаро уйғун маданий-миллий анъаналари шаклланишига улкан ҳисса қўшди.

Хуллас, яссавия ва нақшбандия тариқатларини соф тил ё халққа боғласак, умуман, калаванинг учини йўқотиб қўйишимиз – тайин. Фақат фарқ шундаки, яссавия дастлаб туркий халқлар ичида тарқаган бўлса, нақшбандия кўпроқ форсийзабонлар орасида ёйилган. Эҳтимолки, нақшбандия дастлаб тарқаган жуғрофий ҳудудларда тожиклар ўзбеклар ва бошқа туркий халқлардан кўра кўпроқ яшар эди. Аммо булар масаланинг моҳиятини белгиламайди. Гап шундаки, Хожа Аҳмад Яссавий тариқати Турон заминнинг кўпроқ даштийларига, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд тариқати эса унинг ўтроқ аҳолисига мўлжалланиб ривожланган эди. Даштийларнинг аксарияти туркийлар бўлгани учун яссавия шайхлари "турк шайхлари" деб юритилган. Аммо нақшбандия шайхларини "тожик шайхлари" ёки "форсий шайхлар" деб аталганига дуч келинмайди. Нега? Сабаб шундаки, ўша пайтларда ўтроқ бўлиб деҳқончилик қилаётган ёки шаҳарларда ҳунармандчилигу тижорат билан шуғулланаётган халқ орасида туркийлар ҳам, форсийлар ҳам бор эди. Тарқалиши нуқтаи назаридан олганда, нақшбандия ҳам форсизабон, ҳам туркизабон ўтроқ халқ орасида бирдай ва бир пайтда ёйила бошлаган. Тасаввуфда тариқатлар аро кескин фарқлар бўлиши – мумкин, лекин бу таълимот учун, аслида, тиллар ва элатларнинг кескин фарқи – йўқ. Алишер Навоий дунёга келган ва ҳаёти кечган ҳудуд ўтроқ халқлар макони эди, бу улуғ шоиримиз ижоди ҳам ана шу ўтроқ туркийлар адабиёти – ёзма сўз санъати янглиғ майдонга келди. Ўз-ўзидан, бу буюк шоир ва мутафаккир ижодининг фалсафий-назарий асоси ҳам шу ўтроқ

халқлар эътиқодига мос тариқат нақшбандия бўлиши табиий эди. Шунинг учун бугун Яссавий тариқати ҳақида гап кетганда уни ўринли-ўринсиз равишда бевосита Навоийга келтириб боғлайвериш, унинг асарларини гўё Яссавий ижоди билан чамбарчас алоқадор ижод тарзида талқин этавериш баъзи бир нозик жиҳатлардан кўз юмиш бўлур эди. Кўрдикки, тариқатлар нуқтаи назаридан Навоий Яссавий йўлида эмас. Бадиий ижод маъносида эса, шуни айтиш керакки, Навоий Яссавийни улуғ бир шайх – авлиё сифатида ниҳоят даражада қадрлаб, таъриф этади, лекин ул зоти шарифнинг шеъриятлари ҳақида бир оғиз ҳам гапирмайди. Ё Навоийга Яссавий ҳикматлари маълум бўлмаганми? Ҳар ҳолда, илм келажакда буни аниқлаб берар. Аммо агар Навоий Яссавий шеъриятидан бевосита хабардор бўлганида ҳам, шу нарса аниқки, у Яссавий йўлидан кетмаган бўлур эди. Бу Навоий униб-ўсган муҳит, шу даврдаги нақшбандиянинг мавқеидан келиб чиқиб айтиляпти. Навоий даврида шеъриятдан кутилган олий мезонлар ҳам Яссавий ҳикматлари содда бадииятидан тамом фарқ қилар эди. Шайх Низомий Ганжавий, Шайх Муслиҳиддин Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Шамсиддин Муҳаммад Хожа Ҳофиз Шерозий, шайх ул-исломий Мавлоно Муҳаммад Нуриддин Абдураҳмон Жомий ва шу каби бошқа талай форсигўй соҳиби суханлар каҳкашонига қаламий қадам қўйган Навоий учун тасаввуфнинг ҳам “замонавий” тариқати, унинг бадиий ниятларига мос дақиқ ғоявий таълимотга эҳтиёж бор эди. Нақшбандия шоирнинг бу талабига ҳартарафлама жавоб берар эди. Шунинг учун Яссавий шеъриятининг Навоий шеъриятига таъсири деган масала – илман жуда қалтис ва ҳали кўп исботу далилларга муҳтож бир муаммо. Тариқатлар у ёқда турсин, соф бадиий адабиёт маъносида ҳам Яссавий ва Навоий шеъриятлари сўз санъатининг бошқа-бошқа тараққиёт босқичлари маҳсуллари сифатида ҳам ажралиб туради.

Навоий учун адабиётдаги йўналишларнинг аҳамияти катта эди. Форсий шеъриятни қўя турайлик, XV асргача бўлган туркий шеъриятнинг ўзида ҳам ҳар хил даражалар, ҳар турли йўналишлар, ҳар тоифа услублар бор эди. Шу ўринда Навоийнинг Паҳлавон Муҳаммад билан бўлиб ўтган бир саволу жавобини эслайлик. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида ўқиймиз: “Паҳлавон илтифот юзидан маъҳуд дастури (одат бўйича. – С. О.) била эгнимни тутар эрди, муқаддима бунёд қилдиким:

– Сени бу кун дерларким, туркча шеърни яхши айтурсен ва туркча назм айтур элдин эшитиб, бизга бу сўзни мусаллам тутарлар (раво кўрадилар. – С. О.). Бизнинг бир саволимиз бор.

– Жавоб берай, сиз бори саволингизни айтинг. Деди:

– Саволимиз будурки, туркигўй шуародин улча шеърлари рўзгор сафҳасида сабтдур (ёйилган, мавжуд. – С. О.), қайси яхшироқ айтибдурлар *в*а сенинг ақиданг анинг яхши айтмоқиға борур, сен бегонурсен?

Фақир (яъни “мен”. – С. О.) дедим:

– Борча яхши айтибдурлар, мен бегонурмен. Паҳлавон деди:

– Сен такаллуф (сўз одоби, камтарлик. – С. О.) ва касри нафсни (яъни ўзини пеш қилмасликни. – С. О.) қўй. Воқеъ юзидин сўз айтки, буки*: “Б*орини бегонурмен”, – дерсен, борча худ бирдек эмас, албатта, тафовут бор.

Фақир айттимким:

– Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар (тан олинганлар. – С. О.) ва бу қавмнинг устоди ва малик ул-каломидур (яъни сўз подшоҳидир. – С. О.).

Деди:

– Нечук Саййид Насимий демадинг? Фақир дедим:

– Хотирға келмади ва бар тақдир келмоқ, *Саййид Насимийнинг назми* ўзга ранг тушубдур (!), *зо*ҳир аҳли (!) шуаросидек назм айтмайдур, балки, ҳақиқат тариқин адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди*"*[1].

Навоийнинг охирги тушунтириш жавобида гап – кўп. Биринчидан, у Лутфий билан Насимийнинг бошқа-бошқа йўналишдаги, яъни *"*ўзга ранг*"*даги шоирлар эканини қайд этяпти. Иккинчидан, бу бошқа-бошқалик нимадан иборат эканини ҳам тушунтиряпти. Шеъриятда ҳақиқат тариқи – бевосита Аллоҳнинг ўзини назарда тутиб тасвирлаш. Мажоз эса услубда Аллоҳга ишқни *тўғридан-тўғри тарзда эмас, балки* одамлар ёки бошқа тимсоллар ўртасидаги муҳаббат рамзида қаламга олиш. Аммо мажоз дейилишидан ҳам билиниб турибдики, мақсад – бунда ҳам, аслида, Аллоҳ ишқи. Бу икки ишқ хусусиятлари ҳақида илмимизда муайян қарашлар илгари сурила бошлади[2].

Аслида, адабиёт намунаси сифатида Саййид Насимий шеърияти –Лутфий шеъриятига Аҳмад Яссавий ҳикматларидан кўра услубан кўп яқин. Бироқ Навоий ана шу ўзаро нисбатан яқин икки шеърият орасида ҳам кескин афовут кўряпти бунда, албатта, ўзини Лутфийга яқин оляпти. Туркий шеъриятда Навоийга руҳан ва услубан яқин келадигани – Лутфий ижоди эди. Буни "Муҳокамат ул-луғатайн"даги мана бу қайддан ҳам билиб оламиз: *"*То мулк араб ва сорт (форс. – С. О.) салотинидин (султонларидан. – С. О.) турк хонларға интиқол топти (ўтди. – С. О.), Ҳулокухон (Чингизхоннинг невараси, Элкония давлатининг биринчи ҳукмдори, милодий 1283 йили вафот этган. – С. О.) замонидин фарзанди халафи Шоҳрух Султоннинг (Амир Темурнинг тўртинчи ўғли, 1376 – 1446 йилларда яшаган, 42 йил подшолик қилган. – С. О.) замонининг охиригача турк тили билан шуаро (шоирлар. – С*. О.*) пайдо бўлдилар *в*а ул ҳазрат(Амир Темур. – С*. О.*)нинг авлод ва аҳфодидин (набиралари, умуман, авлодлари. – С*. О.*) ҳам хуштабъ салотине зуҳурға келди: шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атоий ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоийдеклар ва форсий мазкур бўлған шуаро муқобаласида (қаршисида, уларга тенг келадиган. – С*. О.*) киши пайдо бўлмади, бир Мавлоно Лутфийдин ўзгаким, бир неча матлаълари борким, табъ аҳли (диди баланд ки-шилар. – С*. О.*) қошида ўқуса бўлур*"*[3].

Навоий кўнглига ёққан ва унга етишни, ундан-да ўтказиб шеър битишни орзу қилгани форсий адабиёт мезонларига жавоб берадиган туркий шоир Лутфийгина эди. Унинг ҳам *"*бир неча матлаълари*"*нигина, ана шундай юксак шеърият талабларига жавоб беради, деб ҳисоблаяпти Навоий. Ана шундай жуда олий даражадаги юксак бадииятга эга форсий шеърият – Навоий кўзлаган чўққи эди. Унинг буюк мақсади – туркий шеъриятни ҳам ана шу юксак мақомга олиб чиқиш, балки ундан-да юқорироқ кўтариш эди. Бу улуғ ниятни кўнглига туккан шоир учун ғояда ҳам энг илғор таълимотга суяниш илинжи бўлиши – табиий. Нақшбандия Навоий наздида айнан шундай пешқадам таълимот эди.

Яссавия билан нақшбандиянинг ўзаро муносабатлари, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, ҳатто, ўзаро "кураш"лари ҳақида ўзбек илмида биринчи бўлиб Абдурауф Фитрат қалам

---

[1] Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. Ж. 14. – Тошкент: 1967. – Б. 98.

[2] Бу ҳақда қ*аранг:* Момназаров М. Ҳақиқат ва мажоз. / Шарқ юлдузи, 1988 йил, № 4. – Б. 176 – 181; 1990 йил, № 4. – Б. 147 – 152; 1991 йил, № 4. – Б. 150 – 166; Олим С. Мажоздан мақсад – ҳақиқ*ат.* / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 10 сентябрь.

[3] Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. Ж. 14. – Тошкент: 1967. – Б. 128.

тебратган эди. Унинг “Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар” сарлавҳали мақоласида шу муҳим масаланинг миллатимиз ижтимоий-фалсафий тафаккури, борингки, ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги долзарб ўрни ҳақида сўз боради. Адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоев ушбу мақолани нашрга тайёрлаб, чоп эттирди[1].

Мақолага берилган ҳаволалардан бирида Фитрат яссавия ва нақшбандияни ўзаро қиёсан ўрганиш муҳимлиги хусусида шундай ёзади: *“Сўфийликда бу яссавий ва нақшбандий тариқатларининг ҳаракатлари Ўрта Осиё тарихининг муҳим ҳам жуда қизиқ бир қисмидир. Бугунгача жиддий сувратда текширилмаган бу мавзуга оид яқинда “Ўрта Осиёда тасаввуф оқимлари” унвони билан мақолалар нашр этмоқчимиз”*[2]*.* Кўриниб турибдики, илмимиз бундан юз йил муқаддам тасаввуфни ўрганишнинг қай даражада аҳамияти борлигини тўғри белгилаган, яхши ҳаракат бошланган, лекин шўро даврининг кейинги йилларида бу маънавий-руҳий меросимизга муносабат тамом тескари тарафга қараб кетди. Тасаввуфга бир томонлама баҳо берилди, яссавия ва нақшбандия тариқатларини, умуман, Ўрта Осиёда тасаввуф оқимларини қандай бўлса шундайича ўрганиш бизда мустақиллик йилларидагина қайта бошланди.

Фитратнинг мана бу қайдлари ҳам – биз учун жуда муҳим: *“...Яссавия тариқати Ўрта Осиёда абдулхолиқийлар ёхуд нақшбандийлар тариқати билан мувозиъ сувратда давом этиб курашкан. Темурийлар замонида яссавийлар бу курашда муваффақ б*ўла олмаган бўлсалар ҳам, ўзбеклар (шайбонийлар кўзда тутилган. **–** С. О.) ҳукумати замонида рақибларини енга олғанлар. Шайбонийхоннинг яссавий шайхларининг фотиҳа ва ташвиқлари билан келиб (!), машҳур нақшбандий шайхи Хужа Аҳрорнинг севикли ўғли Хожа Яҳёни укалари, болалари билан ўлдириши яссавийларнинг енгишлари эди. Ўзбек Убайдуллохон замонида яшаб, милодий 1542 йилда ўлган Махдум Аъзам Даҳбедий(Махдуми Аъзами Даҳбедий)нинг нақшбандий бўлгани ҳолда жаҳрияни қабул қилиши Ўрта Осиёда яссавийлик ғалабасининг хорижий бир шоҳиди бўлди”[3].

Тасаввуфшунос А. Муҳаммадхўжаев Убайдуллохон ва унинг тарафдорлари Махдуми Аъзамга мурид тушганларини ёзадики[4], буни яссавия билан накшбандиянинг ўзаро муносабатлари тарихидаги муҳим воқеа ҳисоблаш мумкин. Фитрат эса, ҳатто, буни, икки тариқат аро *“кураш”*да яссавиянинг ғалабаси, ҳам деб билади: *“*Мана шундан сўнг яссавийликнинг Ўрта Осиёда ғолиб сифати билан давом қилғанини кўрамиз, – деб ёзади олим. – Яссавийликнинг, хоҳ ғалабасидан бурун, хоҳ ундан кейин – Ўрта Осиёда бир кўп шоирлар етиштирганини қабул этмак жудаям янглиш бир ҳаракат бўлмаса керак. Лекин бу яссавий шоирларнинг асарлари бўлсун, ўзлари бўлсун, ҳалигача тамоман маълум бўлмаган, текширилмаган! Булардан бизга яхшиғина маълум бўлгани – Аҳмад Яссавийнинг шогирди, муриди – Ҳаким Отадир. Ҳаким Сулаймон Ота Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифаси бўлуб, унинг

---

[1] Қ*аранг:* Қалб кўзи, 1993 йил, декабрь сони. Кези келгани учун шуни афсус билан айтиш керакки, бу нашрда Фитрат мақоласи сарлавҳаси “Яссавия мактаби” тарзида чала берилганидан ташқари, матндан ҳам, негадир, айрим парчалар, ҳатто, баъзи қайдлар қисқартирилган, имловий жиҳатдан ҳам анча-мунча хатоларга йўл қўйилган. Шунинг учун биз мақоланинг журнал нусхасини топиб ўқишга ва ана шу асл манбага таянишга мажбур бўлдик. Бу каби мақолаларнинг фақат илмийгина эмас, тарихий аҳамияти ҳам борлиги учун улар айнан, яъни тўлиқ чоп этилиш шарт эди, акс ҳолда журналнинг ўзини кўрмаган мутахассис Фитрат мақоласи борасида чала хулосага келиб, хато ҳукм чиқариши – мумкин.

[2] Абдурауф Фитрат. Яссавия мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар. / Маориф ва ўқитғувчи, 1928 йил, № 5 – 6. – Б. 49.

[3] Ўша асар. – Б. Ўша.

[4] Қаранг*:* Мухаммедходжаев А. Идеология накшбандизма. – Душанбе: 1991. – С. 206.

кўрсатмаси билан Хоразмга бориб, шайхлиқ қилган. Милодий 1186 да (пиридан йигирма йил сўнгра) ўлган. Қабри – Хоразмда, Боқирғон деган жойда. Қўлимизда бўлган тазкират ул-авлиёларнинг ҳеч бири Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикмат"ларидан хабар бермагани ҳолда, ҳаммалари Ҳаким Сулаймон Отанинг кўп "Ҳикмат"лари борлиғини бир оғиздан айтиб турадилар. Боқирғон ҳикматлари "Боқирғон китоби" исми билан 1906 йилда Қозонда босилган. Бори 75 бетдангина иборат бўлган бу китобчадаги шеърларнинг ҳаммаси Ҳаким Ота шеърлари эмас. Унда Ҳаким Сулаймон Отанинг ёлғиз 36 парча шеъри бўлуб, ҳаммаси 1180 мисраъдан иборатдир"[5].

Фитрат яссавия йўлидаги шоирларни ажратиб кўрсатяпти. Бу бежиз эмас. Фитрат ибораси билан айтганда, "хонақоҳ, *ибодат адабиёти*", яъни сўфиёна – тасаввуфона адабиёт туркийда ана шу асосда, яъни тариқатлар таъсири нуқтаи назаридан ҳам тасниф қилиниши – керак. Чунки Навоий шоир сифатида Аҳмад Яссавий йўлидаги ижодкор эмас. Буни Фитрат Убайдий мисолида аниқ айтади. Гапни узоқроқдан бошласак, ана ўша "Боқирғон китоби"да шеърлари келтирилган шоирлардан бири – Убайдий. Унинг кимлиги ҳақида Фитрат шундай мулоҳаза юритади: "Қул Убайдий: "Убайдий", "Убайдулло", "Қул Убайдий" тахаллуслари билан ҳикматлар ёзған бу одам, бизнинг фикримизча, машҳур ўзбек хони – Убайдуллохондан бошқа киши эмас. Машҳур Шайбонийнинг Марв теграсида Шоҳ Исмоил Сафавий томонидан ўлдирилиши (1510) муносабати билан фожеъ сувратда тарқалған ўзбек аскарий кучини бот фурсатда йиғиб, Шайбоний олған ўлкани забт қилған бу одам нойиб ҳам мустақил бўлуб, йигирма саккиз йил ҳукумат сурди ва милодий 1539 да вафот қилди. Бу одам ўзининг ҳукумат ишларига қарамасдан, шайхлиқ ҳам қилар эди, бу ишни ўзининг сиёсати учун лозим билар эди. "Самарат ул-машойих"нинг (Фитрат бу кимнинг асари эканини ёзмаган. – С. О.) ёзғанига кўра, Убайдуллохоннинг тариқат нисбаси Авлиё Қорахон отли бир шайх воситаси билан Ҳаким Сулаймон Отаға борадир. Ёлғиз бу қадар билан қолмаған, у ўзи учун муридлар олған, жаҳр мажлисларига иштирок қилған. Унинг ўлиши муносабати билан топилған таърих моддаси "зикргў"*(яъни* "зикр айтгучи"*)дир. Убайдуллонинг яссавийлар билан жуда* қаттиқ боғланғаниға яна бир далил – яссавий шайхи Худойдоднинг мурид Муҳаммадёр Нўғой Отаға ўз қизини берғанидир (Нўғой Ота 1533 да ўлуб, Самарқанднинг Сўғд мавзеъида кўмилган)"[6].

Ҳар қанча яссавия билан нақшбандия орасидаги тафовутлар ҳақида сўз бораётган бўлса ҳам, бу иккала тариқатнинг ҳам бир сарчашмадан – Шайх Хожа Юсуф Ҳамадонийдан олинган таълим туфайли юзага келганини унутмаслик – керак. Икки тариқатнинг ўзаро боғланиши кейин ҳам давом этди. Баҳоуддин Нақшбанд, гарчи хожагон тариқатини камолга етказиб, машҳур нақшбандия тариқатига айлантирган бўлсалар ҳам, ўзлари, аслида, яссавия шайхларидан айримларининг ҳам бевосита муриди ҳисобланадиларки, бу ҳақда монографиямизнинг олдинги саҳифаларида сўз борди.

Бир кеча ҳазрати Баҳоуддин тушларида яссавия шайхларининг улуғларидан – Ҳаким Ота, яъни машҳур Сулаймон Боқирғонийни кўрадилар. Ул зоти шариф эса Баҳоуддинни бир дарвешга топширадилар. Сулаймон Боқирғоний XII асрда, яъни Нақшбанддан икки аср олдин яшаб ўтганлар.

---

[5] Абдурауф Ф и т р а т. Яссавия мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар. / Маориф ва ўқитғувчи, 1928 йил, № 5 – 6. – Б. 49 – 50.

[6] Ўша нашр. – Б. 51.

Баҳоуддин тушларини она бувиларига айтганларида ул зоти шарифа: *"Эй фарзанд, сенга турк машойихидин насибе бўлғусидур", –* дейдилар. Шундан кейин Баҳоуддин кўп вақтлар ўша Сулаймон Боқирғоний ўзларини топширган дарвешни кўришга интизорлар бўлиб юрадилар. Бир куни тасодифан Бухоройи шариф бозорида ўша тушларида кўрганлари дарвешга йўлиқадилар. Исмини сўрасалар, *"Халил"* деб айтади. Лекин бозорда Халил билан бемалол суҳбатлашиш имкони бўлмайди.

Ўша куни оқшом Баҳоуддиннинг уйларига Халилнинг қошидан киши келиб, сўратаётганини айтади. Баҳоуддин куз меваларидан олиб, унинг олдига борадилар. Энди тушларини айтмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаганларида: *"Улча сенинг хотирингдадур, бизга аёндур. Баён қилмоқ ҳожат эмас", –* дейди.

Бу дарвеш яссавия шайхларидан бири Халил ота эди. Баҳоуддин нақд ўн икки йил ана шу шайх тарбиясини оладилар, унинг хизматида бўладилар. Халил Ота вафот этган 1347 йили Баҳоуддин йигирма тўққиз ёшда эдилар.

Халил Ота яссавия тариқати силсиласининг милодий 1218 йили вафот этган Абдулмалик Тож Хожадан кейинги тўртинчи ҳалқасидаги шайх ҳисобланади. Абдулмалик Тож Хожа эса машҳур авлиё – Занги Отанинг падари бузрукворлари эдилар. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд яссавия силсиласида ҳам қайд этиладилар.

Нақшбанднинг яссавияга боғланишлари фақат Юсуф Ҳамадоний, танҳо Халил Ота орқали эмас. Монографиямизнинг "Пўчоқ еган шогирд" фаслидан

ҳам биласизки, ул зоти шариф яссавия шайхларидан Қусам Шайх қўлида ҳам тарбия кўрганлар.

Нақшбандия, гарчи бевосита хожагон тариқатининг давоми бўлса-да, ўзида яссавиянинг ҳам яхши жиҳатларини уйғунлаштирган мукаммал бир тариқат ҳисобланади.

Хожагон тариқати шайхларининг бевосита яссавия пирларига мурид тушиши Баҳоуддин Нақшбанддан олдин ҳам мавжуд эди. Масалан, Баҳоуддинга бевосита тарбия берган пир – Амир Кулол ўз вақтида яссавия шайхларидан Саййид Отага мурид тушган эди. "Мақомоти Мир Кулол"да ҳикоя қилинишича, Амир Кулолнинг отаси Саййид Ота билан қалин дўст бўлган. Ҳатто, Амир Кулолнинг туғилишини ҳам Саййид Ота олдиндан башорат қилган, ҳали дунёга келмаган болага: *"Амир Калон"* деб от қўйинглар", – деб ҳам айтган. Амир Кулолнинг асл исми Амир Калон эди. Саййид Ота эса бевосита Занги Отанинг издошларидан эди[1].

Бир нарсага аниқлик киритиб ўтиш – керак.

Албатта, адабиёт тараққиётини тамоман тасаввуфга, айниқса, унинг тариқатларига бутунлай боғлаб қўйиш – мутлақо нотўғри. Лекин, истаймизми-йўқми, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний шеърияти – бошқа, Лутфий, Навоий, Бобурлар шеърияти – бир бошқа йўналиш, даража ва мавқедаги сўз санъати эди. Адабиётимиз тараққиётидаги бу тафовутларни Фитратчалик сезган олим кам эди. Бинобарин, у Убайдийнинг ҳам Яссавий, ҳам Навоий йўлида қалам тебратганини ёзади: *"Убайдулло шоир ҳам мутасаввиф шоирдир.* Унинг форсийча яхши шеърлар ёзғанини *"Музаккир ул-аҳбоб", "Мажмаъ ул-фусаҳо", "Тазкират ус-салотин"* каби манбаълар кенг сувратда бизга билдирадирлар. Унинг форсийча бир ғазали м*а*шҳур мутасаввиф Махдум Аъзам томонидан тасаввуф услубида шарҳ қилинган (менинг кутубхонамда бор). Убайдуллохон форсийча шеърларда тахаллуси кўпрак *"Убайдий" б*ўлуб, баъзан *"Убайдулло"*дир. Масаланинг қоронғи томони унинг туркча ҳикматлар

[1] Бу ҳақда қаранг: Ҳ а с а н о в Ҳ., *Н* а в р ў з о в а Г. Ҳазрат Саййид мир Кулол. – Бухоро – Когон: 1993. – Б. 6.

ёзиб-ёзмаганидир. Юқоридан бери унинг ҳаёти ҳақида берганимиз маълумотдан Убайдуллонинг ҳикматлар ҳам ёзганини гумон қилиш мумкин эди. Иш бизнинг гумонимиз билангина қолмади. Яқинда Бухородa топилган девони унинг Навоий мактабига эргашиб, туркий ғазаллар, Яссавий мактабига эргашиб, ҳикматлар ёзғанини ҳам очиқ исбот қилган бўлди*"*[2].

Бу мулоҳазалардан кўриниб турибдики, адабиётимизда ана шу икки йўл баъзан айнан бир шоир ижодининг ўзида ҳам кечаверган. Шунинг учун яссавия ва нақшбандия муносабатларини тадқиқ этиш – фақат тарих, биргина фалсафашунослик, танҳо тасаввуф учун эмас, бевосита ўзбек адабиёти ўтмишини ўрганиш, туркий шеърият хусусиятларини аниқлаш, турларга ажратиш учун ниҳоятда керак.

Энди адабиётимиз тарихига муносабатда юз кўрсатган яқин ўтмишимиздаги бир жиҳатга диққатни жалб этсак. Хўш, нега шўро адабиётшунослиги айнан тасаввуф адабиёти бўлгани учун Аҳмад Яссавий ижодини, ғоявий жиҳатдан зарарли, деб баҳолаб, дарсликларга киритмади, ҳатто, адабиёт тарихи ёритилган мўътабар (фундаментал) тадқиқотлар ҳам бу шоирни тамом қоралаб ўтди ё унга ҳеч бир муносабат билдирмай кетди-ю, аксинча, Алишер Навоий ижоди *"дунёвий адабиёт"*нинг юксак намунаси тарзида баҳоланиб, кўкларга кўтарилди? Бутунисича олганда, Навоий ижоди ҳам – моҳиятан тасаввуфона адабиёт-ку. Мақсадга кўра, Навоий ижодида тарғиб этилган ғоялар билан Яссавий ижодида тарғиб этилган ғоялар бир нарсага – Худо васлига эришишга чорлайди ва *"комил инсон"* деганда тасаввуф йўлини тутган кишиларнигина тасаввур этади-ку!

Аммо сўфиёна адабиётнинг ҳам бир қанча ички йўналишлари – бор. Аҳмад Яссавий шеърияти билан Алишер Навоий ижоди ўртасидаги фарқлар фақат адабий-услубий йўналишлар хилма-хиллигидангина келиб чиққан, дейиш бир томонламалик бўлур эди. Ана шу соф адабий тафовутлар ҳам, асосан, тасаввуфдаги тариқатлар аро фарқлардан келиб чиққан. Аллоҳ васлига етиш йўллари яссавияда – бошқа, нақшбандияда – бошқа эди. Моҳият яна бориб зоҳир ва ботин масаласига тақалади. Навоий шеърияти зоҳир юзидан мажозий ишқни куйлар, аммо маъни юзидан, яъни ботинан ҳақиқий ишқни кўзлар эди. Демак, Навоий ижоди зоҳирий жиҳатдан дунёвий адабиёт бўлиб кўринган. Аслида, Ғарбда шаклланган *"дунёвий адабиёт"* тушунчаси остида динийликдан тамоман холи адабиёт тушунилади. Шу нуқтайи назардан қаралса, Навоий ижоди ҳеч ҳам дунёвий адабиёт намунаси бўла олмайди.

Ҳамма гап – шундаки, худди ана шу тариқатлардаги фарқларнинг Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий шеъриятларида акс этган жиҳатларини шўро мафкураси тез илғади. Яссавий ҳикматларидаги очиқ диний таълим билан бирга қўшилиб кетган тасаввуфий тарғиб *"диний-мистик"* бўлиб кўринди. Шу тариқа молу мулкка ружу қўймаслик, бу дунёдан воз кечиб, фақат сулукка машғул бўлишга даъват *"таркидунёчилик"* тарзида баҳоланди. Энг қизиғи, демакки, нақшбандиядаги бу дунёдан бутунлай узилмай туриб ҳам сулукка машғул бўлиш мумкинлиги ғояси эса шўро илмида *"дунёвийлик"*, бу дунёни, мавжуд (реал) ҳаётни куйлаш тариқасида талқин этилди. Аслида эса, Яссавий ижодига муносабатда ҳам ҳаддан ошиб кетилгани, яъни ўша таркидунёчилик бўлиб кўринган ғоялар мағзи чақилса, кишини покланишга, маърифатга, эзгуликка чорлаш, ёмонлик, хусусан, ёвузликларга қарши кураш, инсоннинг қон-қонига сингиб кетган шайтоний феъл-атвордан қутулиш йўлларини кўрсатиш эканидан биратўла кўз юмилгани каби, Навоий ижодига муносабатда ҳам ҳаддан ошилди, тасаввуф ичидаги *"дунёвийлик"* Худога етиш йўлида бу дунё ишларидан бутунлай

[2] Абдурауф Ф и т р а т. Яссавия мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар. / Маориф ва ўқитувчи, 1928 йил, № 5 – 6. – Б. 51.

узилмаслик мумкинлиги ғояси энди тамоман дунёвийлик тарзида, яъни диний-мистик адабиётга тамоман зид қилиб кўрсатилиб, ҳатто, аслида, ўша бир умумий йўлдаги адабиётга – Яссавий ижодига қарама-қарши қўйилиб талқин этилди.

Нақшбандиянинг ютуғи яна шунда эдики, Баҳоуддин Нақшбанд яссавия шайхлари қўлида таҳсил кўриш жараёнида бу туркий тариқатнинг энг яхши фазилатларини ҳам ўзлаштириб олган ва ўз тариқатларини тараққий эттиришда, шубҳасиз, бундан фойдаланган эдилар. Нақшбандиянинг ҳам форсий, ҳам туркий оламда кенг ёйилиб кетишида ана шу қоришиқлашишнинг ҳам алоҳида мавқеси бўлган бўлса, бордир. Ахир, қаранг, ҳатто, Туркиядек соф туркпарвар бир мамлакатда ҳам нақшбандиянинг мавқеи – жуда баланд.

Хуллас, нақшбандия ўша пайдо бўлиш маҳалларидан бошлаб тараққиёт, яъни тамаддун борасида, бир оз илгарироқ, деб баҳоланадиган ишлаб чиқариш маданиятига эга аҳоли қатламларига мўлжалланган эди. Ана энди, Навоийнинг ижодий мақсади форсийларникидан асло кам бўлмаган адабиёт яратиш эди, десак, албатта, шоирнинг ғоявий-фалсафий дунёқарашда ҳам шундай илғорроқ мақомдаги тариқатга интилиши аёнлашади. Устози ва пири Абдураҳмон Жомийнинг ҳам, умуман, темурийлар мамлакатидаги энг баобрўй шайх – Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Валийнинг ҳам нақшбандия тариқатида бўлгани бунга яна бир муайян омил эди.

Навоий ижодининг буюк форсийзабон шоирлар ичида ўзига хослиги фақат туркийда битилганидагина эмас. Бобокалон шоиримиз асарлари ана шу тасаввуф ғояларининг ҳаётийлаштирилиб, бошқача айтганда, борингки, янада дунёвийлаштирилиб талқин этилгани, нақшбандия тариқати вакиллари бўлган зотлар ҳаёти ва фаолиятининг турлича асосларда кенг шарҳлангани, адабиёт билан тасаввуфни ўзаро яқинлаштиришда ўз салафларидан кўра бир қадам илгари одимлагани билан ўлчанмайдимикан? Ҳатто, Абдураҳмон Жомийнинг айрим асарларида ҳам тасаввуф адабиётдан ажралиброқ қолгандек тасаввур туғдиради. Яъни, таъбир жоиз тутилса, Навоий тасаввуфни ҳадди аълосида адабийлаштирди.

Ҳар ҳолда, бу масалалар навоийшунослигимизни ҳам кўп бош қотиришга, ана шу илмий даъволар исботини излаб, талай тадқиқотлар олиб боришга ундайди.

БЕШИНЧИ БОБ

ҚИТЪАЛАРГА СИНГГАН ҚАТ-ҚАТ ҒОЯЛАР

Гулга айланган қатра

Нақшбандия тариқати ғоялари Алишер Навоий асарлари мағз-мағзига шу қадар сингиб кетганки, уларни фақат шоир очиқ-ошкор тилга олган жойлардангина қидириш ярамайди. Улуғ бобокалонимиз шеъриятида тасаввуфнинг талай жиҳатлари талқину таҳлил этилган, шарҳланган, тарғиб қилинган, мазкур таълимотнинг у ё бу масаласига шоирнинг бевосита муносабати шоён бўлган. Тасаввуфий нуқтаи назарларда Навоий аксарият бевосита нақшбандия тариқати мақомида туради. Буни шамс ул-миллатимизнинг ялпи ижоди мисолида атрофлича таҳлил қилиб, исботлаш –мумкин. Аммо ҳозир уни "Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги қитъаларнинг дастлабки бир нечаси мисолидагина кўриб ўтсак.

Девондаги қитъалар маълум ички тартиб билан жойлаштирилган. *"Ғаройиб ус-сиғар" муқаттаотининг сарсуханлари"* деган умумий сарлавҳа остида берилган бу қитъаларнинг биринчиси, анъанага кўра, бевосита Аллоҳ мадҳига бағишланган. Унга: "Тенгри зоти ҳақиқатидаким, хирад мабҳуту нодондур ва аҳли хирад фартуту ҳайрон" деган сарлавҳа қўйилган. "Мабҳут"нинг – ҳайрон, "фартут"нинг – заиф, "хирад"нинг – ақл эканини ҳисобга олсак, демак, сарлавҳада Тангри зоти ҳақиқатини англашда ақлнинг ҳайрону нодонлиги, ақл эгаларининг заифу ҳайронлиги ҳақида қитъа ваъда қилинаётгани маълум бўлади. Шу тариқа қитъанинг ўзини келтирмасдан ҳам унинг нима ҳақда эканлигини тушуниш мумкин.

Иккинчиси – яна анъанага кўра, наът-қитъа. У – пайғамбаримиз (с. а. в.) ҳақларида: "Расули аъзам шаънидаким, Қуёшдин оламоройроқдуру нафй қилған хуффошдин тийрароқ". Учинчи қитъага эса: "Фано шарбати бобидаким, таъми заҳри қотилдур-у, бақойи абад нўши ул заҳрдин ҳосил", – дея сарлавҳа қўйилади. Демак, бу қитъада таъми одамни ўлдирадиган даражада аччиқ заҳар бўлса ҳам, боқийлик ана шу заҳардан ҳосил бўлиши ҳақида сўз боради. Шоир айтмоқчики, фанога етиш – машаққат, лекин ана шу машаққатни бўйинга олган кишигина бақога ҳам мушарраф бўлади. Фано ва бақо тушунчаларини бир томонга қўйиб, оддийгина маънода тушунганда ҳам, бу – бир буюк ғоя. Такрор бўлса ҳам айтай, ахир, қайси эзгу ниятга машаққатсиз эришиб бўлади?! Халқ бекорга: "Жон куйдирмасанг, жонона –қайда!" – демайди-да. Мана, қитъанинг ўзи:

Фонийи мутлақ ўлмайин солик,
Анга йўқтур умиди мақсади кулл,

Қора туфроққа сингмаган қатра,
Андин имкони йўқ очилмоқ гул[1].

Демак, учинчи қитъадаёқ, шоир тасаввуфга ўтиб кўя қолди. Агар солик фонийи мутлақ бўлмаса, кулли мақсад – асл ниятга ета олмайди, боқий бўлолмайди. Чунки, ахир, томчи – қатра қора тупроққа сингимаса, ундан қандай қилиб гул униб чиқиб, очилади?!

Бу – тасаввуфнинг ҳар қандай тариқати учун ҳам шиор бўлган фикр – ғоя. Чунки барча тариқатлар ҳам фано орқали бақога етишни тарғиб қилади.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 541 – 542.

Солик бой бўлиши мумкинми?

Навоий “Ғаройиб ус-сиғар”нинг тўртинчи қитъасидаёқ масалани нозикроқ қилиб қўяди. Бу қитъа сарлавҳасидаёқ кўзга ташланади: *“Фано мақомиға еткан солик васфидаким, молдин анга зиён йўқтуру жоҳдин – нуқсон”.* Демак, фано мақомига етган солик, яъни сўфийга молдан зиён ва мансабдан нуқсон йўқ экан. Буни қандай тушунмоқ керак?

Навоийнинг ўзи шундай “тушунтиради”:

Солики озодани кўрсанг ғаний, қилғай дебон, –
Мол анинг манъи сулуки, қилмағил инкор анга.

Кема тийри мол аро бўлмиш муқайяд демагил,
Кўрки, анча мол улурму мониъи рафтор анга[1].

Қитъада *“солики озода”* ҳақида гап боряпти. Солик – тасаввуф йўлига кирган киши эканини биласиз. Соддароқ қилиб айтганда, у – дарвеш, Аллоҳга ошиқ бўлган одам. *“Озода”* сўзи эса – хилма-хил маъноларга эга. Бири шуки, *“халос”, “ҳамма нарсадан қутилган”, “ҳеч нарсага (демакки, молу мансабга ҳам!) асир эмас”.* Яна бир маъноси – *“яхши хислатлар эгаси”.* Бошқа бир маъноси – *“комил”, “камолга етган”.* Маъноларидан яна бири – *“пок”.* Қитъадаги *“озода”* сўзида ана шу маъноларнинг ҳаммаси ҳам кўзда тутилганга ўхшайди. Келинг, биз *“солики озода”*ни *“комил солик”* деб тушунайлик. *“Ғаний”* – бой дегани. Лекин энди бу ерда маънавий жиҳатдан бой дейилганми ёхуд моддий жаҳатданми – очиқ айтилган эмас. Аммо агар маънавий бойлик кўзда тутилган, десангиз, кейинги мисраъларда мол ҳақида гап кетади. Айтайлик, иккинчи мисраъда молни сулук, яъни тасаввуф тариқати инкор этиши эслатилади. Рост-да, Аллоҳ йўлига кирган киши на танҳо мол-мулкдан, ҳатто, жисму жондан ҳам воз кечиши лозим эмасми?

Яхшиси, қитъадаги *“ғаний”* сўзини аввал *“маънавий бой”* маносида тушуниб кўрайлик. Унда қитъадан шундай мазмун англашиладики, Аллоҳга етиш йўлида комилликка эришган солик маънан жуда бой бўлади. Унинг бойлигини кўриб, яна: *“*Мол сўфийлик йўлига ғов-ку!” – деб, уни инкор қилма, дейди шоир. Кейин фикрини шундай “исботлайди”: ахир, устига мол, яъни бойликлар ортиб олган кемани кўр, қани, бу юк унинг сузишига халақит қиладими? Демак, кеманинг бемалол сузиши учун мол халақит қилмагани сингари, соликнинг ҳам ўз мақсади сари ҳаракати учун бойлик унга ҳеч қандай зарар етказмайди.

Энди *“ғаний”* сўзини, моддий бой кишига нисбатан ишлатиляпти, деб тушунайлик. Унда шоир нима демоқчи? Ахир, тасаввуф моҳиятан бойликка қарши тарғиб олиб борган бир таълимот-ку. Бу йўлда барча масалаларни кескин қилиб қўйган Шайх Абу Бакр Варроқнинг бойликка муносабатига қулоқ тутайлик: *“*Бир киши Шайхнинг ўзидан ўгит истади. Унга: *“*Икки жаҳоннинг шарри *(ёмонлиги) мол к*ўплигидадир, хайри (яхшилиги) эса Аллоҳнинг берганига қаноат қилмоқликдадир. Боргил, бул ўгитни тутгил, нажот топгайсен*”, –* деди*”*[2].

---

[1] Ўша нашр. – Б. 542.

[1] Фаридиддин А т т о р. Тазкират ул-авлиё. Туркия туркчасидан ўзбек туркчасига уйрунлаштирган Мирзо Кенжабек. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 18 июнь.

[2]Бу ҳақда “Насойим ул-муҳаббат...”да ўқиймиз. *“*Ва сўнгралар ҳазрати Хожага (Хожа Аҳрорга. – С. О.) онча мукнат (бадавлатлик, бойлик. – С. О.) даст бердики (қўлга кирдики. – С. О.), *машойихдин* ҳеч кимга ул даст берубтур ё йўқ*”* (140).

Хўш, Навоий бирваракайига тасаввуфдаги мол-мулкдан устун туриш, ҳатто, уни инкор этиш ақидасини қораламоқчими? Йўқ. Худди ана шу нозик нуқтада Навоийнинг нақшбандия тариқатидаги мутафаккир эканини ёдга олиш – керак. Шундагина қитъада кўтарилган масаланинг моҳияти осон ойдинлашади.

Нақшбандияда ҳам, тасаввуфнинг бошқа тариқатларидаги каби, барча б о ш ақидалар айнан тушунилади ва унга амал қилинади. Аммо энди амал қилиш жараёни кўпроқ ошкора эмас, пинҳона юз беради. Яъни ташқи тарафдан қараганда, нақшбандийлар бирон масалада ҳам оддий, айтайлик, тариқат йўлини қабул қилмаган кишилардан кескин ажралиб турмайди. Улар ҳам ҳамма қатори тирикчилик қилади, керак бўлса, мол-мулк йиғиб, бойлик тўплайвериши ҳам – мумкин. Масалан, нақшбандиянинг Баҳоуддин Балогардондан кейинги энг машҳур пири – Хожа Аҳрор Валий замонасининг ҳаддан ташқари бадавлат кишиларидан бири эди[2]. Ёки Навоийнинг ўзи ҳам шу қадар бой бўлганки, ҳатто, Султон Ҳусайн Мирзонинг давлат хазинасида молиявий мушкулотлар келиб чиққанда шоҳга маблағ тарафидан ёрдам ҳам бериб турган. Чунки бой бўлиш – соликнинг зоҳирий тарафи. Зоҳир эса моҳиятни – ботинни белгиламайди. Нақшбандияда Аллоҳга етиш йўли ботинан, яъни қалбан кечаверади. Шу сабабли, агар, мабодо, соликни бой кўрсангиз, унга таъна қилишга шошилманг, унинг Аллоҳга интилиши учун бу бойлик худди кеманинг сузишига юклари халақит бермаганидек, ҳеч зиён етказмайди, демоқчи шоир.

Қитъа сарлавҳасида *“жоҳдин нуқсон йўқлиги”* ҳам айтилган. Бу нимани билдиради? Нақшбандия мансаб кишиларига, шоҳга ҳам мухолифатчилик қилмайди, яъни ҳукмдорларга кескин қарама-қаршилик кўрсатмайди. Нақшбандия ақидаларига кўра, тахт эгаси – шоҳ ҳам сулукка машғул бўлиши мумкин. Чунки бойлик, мансаб, тожу тахт – ташқи жиҳатлар-ку. Аллоҳга етиш учун эса солик ички дунёсини ривожлантиради. Майли, бой бўлса, бўлаверсин – мол-мулк тўплайверсин. Мансаб кишиси бўлса, лавозимида юраверсин. Шоҳ бўлса, шоҳлигини қилаверсин. Ахир, қўли ишда бўлсин-у, дили – Худода! Қалбан сулук қоидаларни бажариб, ботинан муттасил ўзини поклаб боришни унутмаса, бас!

Навоийнинг “Садди Искандарий” достони сўнгроғида укаси – Дарвешалига бағишланган 88-боб бор. Унинг сарлавҳасида: *“Ҳокимсурату дарвешсийрат, балки Дарвеш исму ҳукуматқисм...”*[3] – деган ифодага дуч ке-ламиз. Шунинг ўзида ҳам киши суратда ҳоким бўлавериши, лекин сийратда дарвешлигича қолавериши уқтириляпти. Навоий Ҳусайн Бойқарони ҳам суратда – шоҳ, сийратда – дарвеш деб кўп таърифлайди.

Шундай фикрларга келасиз-у, яна бир оз иккиланасиз. Чунки таҳлил этаётганимиз қитъада шоир нуқтаи назарини бунчалар яланғоч ҳолда, кўрга ҳасса бўлгудек баён этмаган-да. Лекин “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг кейинги қитъасини ўқишингиз билан шубҳаларга ўрин қолмагандек бўлади. Олдинги қитъа мутолааси жараёнида кўнглингиздан бир иштибоҳ кечган эди: ахир, солик тинимсиз ўзлигидан қутулиб бориши керак бўлса, мол-мулк ҳам ўзликдан қутулишга халақит қилади-ку. Нега Навоий бу қитъасида шуни инобатга олмади экан?

Шоир анойи эмас: у худди китобхон шуурида шундай фикрий ғулғула пайдо бўлишини олдиндан сезиб иш кўргандек туюлади кишига. Чунки кейинги қитъа гўё худди шубҳангизни кўнглингиздан қувиб ташлаш учун ёзилгандек. Камида, уни муаллиф айни мақсадда ана шу ерга жойлаштирган. Қитъага: *“Ўзлукдин қутулмоқ су*убатида ва ананият тарки шид-

[3] Алишер Н а в о и й. Хамса. – Тошкент: Фанлар академияси, 1960. – Б. 843.

датида", – деб сарлавҳа қўйилган. *"Суубат"* сўзи – қийинчилик, оғирчилик, машаққат маъноларида келади. *"Ананият"* эса "менлик" дегани. Демак, ўзликдан қутулиш, менликдан халос бўлиш осон иш эмас. Шоир тўртинчи қитъага бешинчи қитъани шундай боғлайдики, соликнинг Аллоҳга етиш йўлини кеманинг сузишига солиштириб турган китобхон энди ана шу сувда ўзининг танини бир тахта янглиғ сузиб юрган каби ҳис этади ва шунда шоир кўнгилга мурожаат қилиш йўли билан унга айтадики, бу тан тахтасини соҳилга – қирғоққа етказиш жўн иш эмас:

Эй кўнгул, тан тахтасин бу қаъри йўқ гирдобдин,
Истасанг соҳилға чекмак, билки, бу – осон эмас[1]*...*

Кейинги байтда, одатдагидек, нега бу осон эмаслиги ва бу ишни амалга ошириш учун нима қилиш кераклиги шарҳланади:

Пиру истеъдоду тавфиқ ўлмаса, бўлмас бу иш,
Кимдурурким, бағри бу ҳасратдин онинг қон эмас.

Демак, тан тахтасини қаъри йўқ гирдобдан қирғоққа чиқариб, аниқроғи, бу дунё ташвишларидан қутултириб олиш осон эмас. Бу ерда соликнинг олий мақсадга етиши кўзда тутилган. Бунинг учун эса, биринчидан, пир керак, иккинчидан, истеъдод. Соликнинг ўзидаки истеъдод бўлмаса, минг пир ҳам уни мақсади сари етаклай олмайди. Чунки, учинчидан, тавфиқ ҳам – зарур. Пир билан истеъдод-ку тушунарли, лекин тавфиқ нима? *"Тавфиқ"* билан *"мувофиқ"* – бир ўзакдан. *"Муваффақият"* сўзи ҳам шу ўзакдан ясалган. Демак, "тавфиқ" – мувофиқ келиш, дегани. Бунда пир билан истеъдод эгасининг мақсадлари мувофиқ келиши, яъни соликнинг пир етагига юришию пирнинг асл йўлни кўрсатиши кўзда тутилган. Мувофиқ келгандагина муваффақият қўлга киради. Кўчирма қилиб келтирилган парчанинг охирги мисрасида *"бу ҳасратдан бағри қон бўлиш"* кераклиги ҳам айтилганки, бу, ана шу пиру истеъдоду уларнинг ўзаро мувофиқ келиши ҳам юракнинг қони билан қўлга киради, дегани.

Лекин ҳозир гап пир билан истеъдод эгасининг мақсадлари мувофиқ келиш-келмаслиги ҳақида эмас, балки, қитъалараро ўзаро мувофиқлик тўғрисида боряпти. Шу маънода тўртинчи қитъа билан бешинчиси фақат мазмун тарафидан эмас, ифодавий-тасвирий жиҳатдан, яъни шаклан ҳам боғланди: уларнинг иккаласида ҳам сув ва сузиш, кема (ё тан тахтаси) ва қирғоқ масаласи қўйилди.

Ана энди тасаввуф, шу жумладан, сўфиёна адабиёт учун тушунишимиз жуда-жуда зарур бўлган бир масалага жиндай ойдинлик киритиб ўтса бўлар. Бу – фақр масаласи. "Фақр" – камбағаллик, дегани, албатта. Лекин бу – сўзни жўн тушунгандагина шундай. Бошқа кўпкўп истилоҳлар каби, бу сўфиёна атама ҳам бир рамз эканини унутмаслигимиз керак. Яъни фақр тарғибини, одатдаги ҳаётдан батамом воз кечиш, еб-ичишни рад этиш, ҳатто, уйланмаслик, бола-чақа қилмаслик, деб тушунмаслигимиз зарур. Чунки, Ж. С. Тримингэм тўғри таъкидлаганидек, фақр кўпроқ сўфийнинг ички ҳоли – кайфиятини ифодалайдиган

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 542. Қитъанинг кейинги байти ҳам шу бетдан олинган.

тушунча[2]. Инсон, борингки, солик ҳам зоҳиран бой бўлса – бўлаверсин, лекин у шуни ҳеч маҳал унутмасинки, Аллоҳ олдида бу бойлик – нима деган нарса!

Демак, сўфий зоҳиран бойликка эга бўлгани билан ботинан, яни қалбан ўзини ҳамиша фақр ҳолатида сезиши – керак. Ҳамма гап – ана шу дунё бойликларига кўнгил қўймасликда, банданинг ҳар лаҳза Тангри олдида беҳад камбағал – ожиз эканлигини тан олишида, яна ҳам муҳимроғи – ана шу бойликларнинг қандай йўл билан, яъни ҳалол меҳнат кетиданми ё текинми ёхуд қонунийми ё ғайриқонуний йўллар биланми топилганида.

“Ошиқу ишқу машаққат...”

Эркин Воҳидовнинг бир шеърида:

Ошиқу ишқу машаққат...[3] –

деган ажиб мисра – бор. Рост: ишқ ва ошиқлик – кони машаққат. Буни дунёвий маънода тушунсангиз ҳам, фалсафий – тасаввуфий маънода тушунсангиз ҳам – гап шу. Бинобарин, Навоий “Ғаройиб ус-сиғар”нинг олтинчи қитъасига келиб ақл ва тирикчилик машаққати (“душворлиги”), ошиқлик йўлига кирган кимсанинг жунунга қарор бермаги ҳақида гап бошлайди ва буни сарлавҳадаёқ билдириб ўтади: “Ақлнинг борча тариқида маошни (тирикчиликни. – С. О.) душвор билмаг-у, жунунға қарор бермак”. Бу қитъани байтма-байт шарҳламаса, мурод ҳосил бўлмай қолиши мумкин.

Важҳи маош учун кишиким деса фикр этай,
Қисмат ризосидин анга бегоналиқ – керак[4].

Айтилмоқчики, киши ўз тирикчилиги аҳволини, бир фикр қилиб кўрай, деса, унга тақдир насиб этган қисматдан ризо-ризо эмасликни ўйлашдан бегоналик, яъни чекиниш – керак. Мазмуни шуки, улуғ мақсад йўлига кирган солик ёки, умуман, улуғ эзгуликни орзулаган киши тирикчиликнинг у ё бу тарзда, яхши ё ёмон ўтаётганига сира ҳам эътибор бермаслиги лозим.

Кунжи қаноат арчи эрур салтанат, валек
Элдин тамаъни узгали мардоналиқ – керак.

Қаноат бурчагида ўтириш – бир шоҳликдек гап. Бироқ энди одамлардан таъма қилишнинг ҳам баҳридан ўтиш учун мардоналик – керак.

Ким ишқ асири ўлсаки, мумкин эмас висол,
Дарду балоға ҳамдаму ҳамхоналиқ – керак.

Кимки ишққа асир бўлса-ю, висолдан дарак етавермаса, дарду балоларга ҳамдаму ҳамхона бўла олиш – зарур.

---

[2] Қаранг: Т р и м и н г э м Дж. С. Суфийские ордены в исламе. – Москва: 1989. – С. 49 – 50.
[3] В о ҳ и д о в Э. Муҳаббат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. – Б. 51.

Лаззоти нафс тарки самари офият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиқ – керак.

Нафс лаззатларидан воз кечгандан кейин саломатлик мевалари қўлга киради. Лекин бунинг учун аввал ўша меванинг дарахтини экишга фарзоналик, яъни донишмандлик лозим.

Тажрид нуридин киши кўз ёрутай, деса,
Аҳбоб ҳажри шамъиға парвоналиқ – керак.

Ёлғизлик нуридан кўзим ёришсин, деган киши учун дўстларни соғиниш шамъига парвоналик зарур.

Гар анжуманни деса муриду мутеъ этай,
Кўп нуктау фасонада афсоналиқ – керак.

Бу байтда гап пирлик ҳақида кетяпти. Йиғилганларни мурид ва ўзимга мутеъ бўлсин (шогирд маъносида), деса, бу одам даврадагиларга кўп яхши сўзлару афсоналар айтиши учун афсоналик – лозим.

Ботин ҳаримида тиласа махзани ҳузур,
Зоҳир уйи асосиға вайроналиқ – керак.

Бу байт мазмуни бевосита олдинги қитъадаги фикрларга ҳамоҳанглик ва паёпайлик қилади. Чунки бу ерда гап соликнинг ботин ҳарими, яъни қалбида ҳузур-ҳаловат хазинасини топиши ҳақида кетяпти. Агар, уни тиласа, зоҳир, яъни жисм уйи асосига вайроналик – керак. Яъни бу одам энди кўнгли учун жисмидан кечиши – шарт. Шоирнинг ботинни зоҳирдан ажратиб олишдан кўзлаган мақсади – аниқ: ахир, зоҳир бирламчи эмас, мақсад – ботин, зоҳирни маҳв этмай туриб, унга етиш – қийин.

Ботин ва зоҳир қиёси кейинги байтда яна давом этади:

Зоҳир юзидин ар тиласа тожу иззу жоҳ,
Дарду бало муҳитиға дурдоналиқ – керак.

Агар солик зоҳир юзидан тож, иззату ҳурмат ва ё мансаб тиласа, энди унга дарду бало денгизида дурдона бўла олиш қобилияти – керак. Яъни зоҳиран мансабу иззату тожга интилавериш мумкин, аммо энди асосий масалада – ишқ йўлида дур янглиғ пок бўлиб қолаверишга тўғри келади.

Умуман, адабиётда тасаввуф йўли “ишқ” деб таърифланади. Суфийлар – Аллоҳга ошиқ бўлган кишилар. Шунинг учун сўз санъатида ишқ билан дину дунё, айшу ишрат, молу мулк ва иззу жоҳ, яъни иззат-ҳурматгаю мансабга интилишни қарама-қарши қўйиш Навоийгача ҳам бор эди.

Навоий ҳам зоҳир юзидан тож, иззат-обрў ва мансабни батамом инкор этаётгани – йўқ. Аммо унинг наздида ана шу мансабу тожу иззатда ҳам киши ўзининг Аллоҳ васли орзусидаги ошиқона поклигини сақлаб қолаверсин. Чунки ботинда ўша асл йўлдан чекиниш мум-

кин эмас! *“Дарду бало муҳити”* деганда шоир мансаб, иззат ва тожга интилишни айтганми ё ишқ йўлиними? Ҳар ҳолда, бу истиора шундай вазиятда ишлатилганки, уни биринчи маънода ҳам, иккинчи маънода ҳам тушунавериш мумкин. Агар биринчи маънода тушунилса, демак, шоир: мансабга, иззат-обрўга, тожга интилган одам шуни унутмасинки, бу – дарду бало денгизига шўнғигандек гап, лекин яна шуни ҳам унутмасинки, у ана шу дарду бало денгизидаги дур бўлиб қолаверсин, демоқчи ҳам бўлади. Чунки солик ўша денгизда ҳам ўзига гард юқтирмаслиги, Аллоҳга ишқини унутмаслиги, бошига тож кийганда ҳам дур янглиғ бўлиши – керак.

Қитъанинг маъноси китобхонни бевосита нақшбандия тариқати хусусияти ҳақида ўйлаш сари етаклайди. Бу сатрларни нақшбандий бир шоир ёзаётганини инобатга олсак, демак, нақшбандияда ботинни зоҳирга қараб белгиламаслик – бор. Солик *“даст – ба кор”*ликда нимага эришса – эришаверсин, зоҳир юзидан, илоҳо, шоҳ бўлсин! Чунки нақшбандиядаги *“дил – ба ёр”*ликда *“даст – ба кор”*ликнинг кескин инкори – йўқ. Фақат энди одам моҳиятан дарвеш бўлиши, ҳар қандай ташқи шароитда ҳам ботинан комил инсонликка интилишини тўхтатмаслиги, қўлдан бермаслиги – шарт.

Бу шоҳга ҳам, гадога ҳам мос келадиган сулук эди. Бу замонага ёқар эди. Бу темурийларга маъқул эди. Бу ҳаётга яқин тариқат эди. Буни кўпчилик қабул қилар эди.

Қитъани Навоий шоирона сухандонлик билан якунлайди:

Десанг: “Халос бўлай борисидин Навоийдек”,
Бехудлуғу май ичмагу девоналиқ – керак.

Шоир ботин ва зоҳирни ажратган эди. Кейин зоҳир юзидан тожу иззу жоҳ масаласи кўтарилди. Лирик қаҳрамон буларнинг барисидан халос бўлиш учун Навоийдек ўзликдан кечиб, бехуд бўлиш, май ичиш (маънавий маънода!) ва девоналик кераклигини уқтиради. Чунки солик учун ботин муҳим бўлгани сабабли зоҳирдан осонгина воз кечиб юбориш унинг ўз қўлида, бу ҳеч гап эмас.

Солик фоний бўлиш учун, барибир, ўзлигидан кечмаса бўлмайди. Зоҳир солик учун шундай бир дунё бўлиши – лозимки, у ҳеч қачон Аллоҳ сари сайрига халақит қилмасин. Бинобарин, Навоий “Бадойиъ ул-васат” девонидаги 304-ғазалда, ҳатто, ўзликни ҳам, бу йўлдаги оғир юк, деб таърифлайди:

Солмай ўзлук нақдин ўздин тутмағил дашти фано, –
Ким оғир юклукка бу йўлда етар бисёр хавф[1]...

“Наводир уш-шабоб”нинг 374-ғазалидаги мана бу байтда ҳам фақр водийсига кирган киши ўзлик юкидан қутулиши, шунда йўл енгил бўлиши айтилади:

Фақр водийсиға кирган ташласун ўзлук юкин, –
Ким қилур йўл қатъин осонроқ, неча бўлғай енгил[2].

Қалбида ўзлигидан кеча олган солик эса ҳеч қачон бойлигига боғланиб қолмайди, хоҳлаган маҳалда ундан воз кеча олади ёки, камида, у ботинан Аллоҳга интилишга халақит қилмайди.

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 5. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 219.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. Тошкент: Фан, 1989. – Б. 273.

Нақшбандия тариқининг адоси

Ана шу мулоҳазалардан кейин навбат еттинчи қитъага келади. Энди шоир сарлавҳадаёқ шу пайтгача ҳам нақшбандия тариқати қоидаларини шарҳлаб келаётганига ишора қилади ва қитъани шу тариқнинг *“адоси”* тарзида номлайди: *“Қаноат нақшининг ифшосию нақшбандия тариқатининг адоси”.* Олдинги қитъаларда соликнинг зоҳир юзидан бой бўлиши, тожу иззу жоҳга интилиши мумкинлигини кўриб ўтдик. Лекин бир муҳим жиҳатни ёддан чиқармаслик – керак. Бу – қаноат. *“Қаноат нақши”* истиораси ҳам бекорга қўлланган эмас. *“Нақш”* деганда зимдан нақшбандияга ишора – бор. *“Ифшо”* – фош дегани. Демак, қитъа сарлавҳасидаёқ қаноат нақшининг намоён бўлишию нақшбандия тариқати қоидаларини бажаришнинг якун топиши йўл-йўриқлари ҳақида сўз бориши ваъда қилинган.

Девондаги учинчи ва тўртинчи қитъаларда *“фано”* ва *“фонийлик”*ни, учинчи қитъада *“гул”*ни, тўртинчи қитъада соликнинг *“ғаний”* бўлишини, тўртинчи ва бешинчи қитъаларда кема ва сузиш баҳонасида *“сафар”*ни, бешинчи қитъада яна *“қон”*ни, олтинчи қитъада эса *“қаноат”, “тож”, “изз”, “жоҳ”*ни тилга олган эди шоир. Бир қарашда, алоҳида-алоҳида асарлар тарзида қабул қилингани билан, Навоий бу қитъаларни шундай битган ва ё шундай жойлаштирганки, еттинчи қитъада ҳозир эслаганимиз мисолларнинг бари қайта тилга олинади. Гўё олдинги қитъалар айнан шу еттинчи қитъани тушуниш учун битилгандек.

Биринчи байтдаёқ шоир кўнгилга мурожаат қилиб, уни қаноат йўлига ундайди, чунки шундагина *“иззат”* қўлга киради:

Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул, –
Ки хатм ўлғай ойини иззат санга[1].

Демак, иззат ҳам – аслида, қаноатли бўлиш орқали эришиладиган неъмат.

Агар, Еру кўкка шоҳ бўламан, десанг, қаноат сенга бир тахт ва иззат улуғлик соябони бўлади:

Десанг: “Шоҳ бўлай Еру кўк”, басдурур,
Бу бир тахт-у, ул чатри рифъат санга.

Еру кўкка шоҳлигинг учун агар зарбоф тўн керак бўлса, жисмни фано шуъласи билан беркит:

Фано шуъласида ёшур жисмни,
Керак бўлса зарбафт хилъат санга.

Агар гулларга бурканган ҳашаматларни истасанг, сенга лола очилиб турган бир қоя ҳам – етарли:

Етар лола буткан қоя қулласи,
Мурод ўлса гулгун ҳашмат санга.

Тоғдаги қоянинг баланд чўққисида очилиб турган қип-қизил лола гўзаллигидан табъий завқу лаззат ола билиш даражасида кўнгилни тарбиялашнинг ўзи ҳам – қанчалар гўзал бир машғулот.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 543. Қитъанинг кейинги байти ҳам шу саҳифадан, қолганлари шу нашрнинг 544-бетидан олинди.

Агар, дуру лаълдан зебу зийнатга эга бўлай, десанг, сенга пок сўзинг билан (Аллоҳ ишқи йўлида тўккан) қон ёшинг – етарли:

Эрур бас ариғ нуктау қон ёшинг,
Дуру лаълдин зебу зийнат санга.

Ана шундан кейин Навоий қитъадаги асл мақсади бўлган ғоялар талқинига ўтади. Агар, хилватим анжуман бўлмасин, яъни ёлғизгина Аллоҳ дарди билан бўлишимга бошқалар халақит бермасин, десанг, анжуман ичра хилват қил:

Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак – анжуман ичра хилват санга.

Бу – нақшбандиядаги *"Хилват* – дар анжуман" шиорининг айнан таърифи. Демак, хилватдан маҳрум бўлиб қолиш ёки хилват анжуманга айланиб кетишининг олдини олиш учун, яхшиси, соликнинг ўзи анжуманда хилват қила олишга ўрганиши – керак. Шунингдек, агар сафар қилишдан сенга машаққат етадиган бўлса, марҳамат, ватанда сокин бўлиб, сайр қил:

Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.

Бу – *"Сафар* – дар ватан"нинг шарҳи.

Агар, мабодо, йўл азмига рағбат топсанг, назарни қадамдан йироқ солма, яъни *"Назар* – бар қадам" шиорига қатъий амал қил, чунки комил инсон бўлишга интилган киши ҳаётда ҳар бир қадамини билиб босиши керак:

Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.

Ана шу тўрт байтда шоир нақшбандиянинг дастлабки тўрт шиорини қайд этиб ўтди. Бу шиорларни китобимизнинг олдинги бобу фаслларидан ҳам биласиз. Маълумки, бу тўрт қоида хожагон жамоасига Юсуф Ҳамадоннийдан мерос бўлиб ўтган эди. Ана шу тўрт иш билан, дейди шоир кўнглига мурожаат қилиб, сен Ер юзининг тўртдан бир, яъни бутун одамзод яшайдиган қуруқлик қисмига шоҳ бўлсанг-у, сенга давлат ноғораси чалинса, ажаб эмас:

Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чалинмоқ, не тонг кўси давлат санга.

Дейиляптики, подшоҳлик ноғораси чалингандаги оҳанг билан (бу оҳанг ўша қоида бажарилганидан кейин жаранглайди), эй Навоий, санга навбат етса, нақшбанд бўласан:

Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга.

Ана шу қитъаси билан Навоий ўзининг нақшбандия тариқати вакили эканини очиқ қайд этган.

Ҳар бир ифодада уйғунликнинг олий даражасига интилиш – Навоий ижодининг бир муҳим фазилати. Ҳатто, ана шу қитъаларни бир девонда кетма-кет жойлаштириш замирида ҳам, кўрганимиздек, кучли бир мантиқ ётади. Келинг, ана шу дастлабки етти қитъани (девонда жамъи 50 та қитъа мавжуд) бир-бирига боғлаб турган мантиқий занжирга ҳам диққат қилайлик. Қитъаларнинг, муайян ҳамда таҳлил этганимиз мустақил ва алоҳида-алоҳида мазмунларидан ташқари, умумзанжирда юзага чиқадиган маънолари ҳам – бор. Биринчи қитъа билан шоир, мен Аллоҳнинг бандасиман, демоқчи. Иккинчи қитъа билан эса у Муҳаммад пайғамбарнинг уммати эканини, яъни мусулмонлигини билдирмоқчи. Бу икки қитъа зимдан *“Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммад ур-расулуллоҳ”* калимасини такрорлагандек тасаввур уйғотади кишида. Учинчи қитъада шоир ўзининг бевосита тасаввуф йўлидаги киши эканини, фоний бўлиш ва шу орқали бақога етиш орзуси борлигини, бу йўлда худди томчи тупроққа сингиб, кейин гул бўлиб очилгани сингари, ўзликдан кечиб, кейин яна ўзни топиш, яъни бақойи абадга мушарраф бўлиш дардидалигини билдиради. Лекин, фано мақомига етган одам учун бойлик ёки мансабнинг ҳеч бир зиёни – йўқ, дейиш билан шоир муҳим тасаввуфий масалани секингина нақшбандиёна талқин сари буриб юборади. Бешинчи қитъада тасаввуф йўли осон эмаслиги, бу йўлга кириш ва уни босиб ўтиш учун пир ҳамда истеъдод бўлиши ва бу иккаласининг ўзаро мувофиқлиги лозимлигини таъкидлайди. Олтинчи қитъада ишқ йўлига кирган киши яна қандай сифатларга эга бўлиши лозимлигини бир-бир санайди. Ниҳоят, еттинчи қитъада бевосита нақшбандия тариқатига кириш учун қайси муҳим шиору қоидаларга амал қилиш зарурлигини уқтиради. Шу тариқа бир қитъадаги фикр мантиқан иккинчи қитъадаги фикрни айтишга олиб келади ёки, камида, шунга замин тайёрлайди.

Мантиқий боғлиқлик, фикрий узвийлик, ифодавий вобасталик кейинги қитъаларда ҳам шу тариқа давом этади. Саккизинчи қитъада бир коса овқат учун бировга қул бўлган кишининг юзига қозоннинг қорасини суртиш кераклиги айтилади. Бу – Нақшбандиядаги бировга қул ҳам бўлмаслик, бировга “қул” деб ҳам қарамаслик ғоясининг ўзгинаси. Бунинг учун эса ҳар ким ўз меҳнати орқасидан кун кўриши – керак. Худди шу ақида талқинини “Ҳайрат ул-аброр”нинг машҳур ўтинчи чол ҳақидаги ҳикоятида ҳам кўрамиз. Чол ўтин териб, ўз меҳнати билан кун кўришни Ҳотами Тойнинг текин, лекин миннатли овқатидан устун кўради. Ҳатто, сахийликда тенги йўқ Ҳотами Той ўша ўтинчи чолни, ўзидан кўра сахийроқ, деб билади. Демак, сахийлик фақат бировга мол-мулк улашишгина эмас, балки бировдан бекорга бир нарса олмаслик ҳам – олий сахийлик.

Бу – нақшбандиянинг асосий ахлоқий меъёрларидан бири эди.

Тўққизинчи қитъада, кимки Худо қолиб, банда хизматига берилса, яъни бой *ё мансаб эгасига хушомад қилса, унинг елкаси чиқиб, қўли синсин, нафаси тутилиб, тили кесилсин,* дейилади. Демак, нақшбандиянинг, ўз кунингни ўзинг кўр, деган ақидаси, аввало, зимдан кишининг кишига қул бўлмаслигини тарғиб этиш эди. Бу нақшбандиянинг пинҳона жуда олий даражадаги ижтимоий адолат тарафдори бўлган тариқатлардан бири эканини кўрсатади.

Ўнинчи қитъада Навоий киши ўзини камолга етказиши кераклигини тарғиб этади. Ҳатто, ўзини ўстирмай яшаб ўтган одамни олам уйидан ғамгин бўлиб чиққан кишига, пишиб

етилмаган – чала (*"нотамом"*) нарсага ўхшатади, жаҳондан нотамом ўтмак эса ҳаммомга кириб, чала ювинган ва нопок чиққан кишидан ҳеч ҳам фарқ қилмайди:

Камол эт касбким, олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ[1].

"Камол эт касб" сўзлари –*"камолга етишни касб қил"* дегани. Бироқ уни *"касб ўрганишни камолга етказ"* деб ҳам тушуниш – мумкин. Ҳар иккаласида ҳам инсоннинг бу дунёда комилликка эришиш сари интилиши кўзда тутилган. Касб ўрганиш ҳам – комиллик сари ташланган қадам. Бу ҳам – *"даст – ба кор"*лик шартларидан. Буни "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Фарҳоднинг касбу кор ва илм ўрганиш борасидаги интилишлари тасвиридан ҳам яхши биламиз.

Нақшбандиянинг касбу корга алоҳида эътибор берганига ишора шоирнинг бошқа девонларидаги қитъаларида ҳам давом этган. Масалан, "Бадоеъ ул-васат"нинг учинчи қитъаси махсусан бир ҳадиснинг ҳазрат Нақшбанд амалга оширган талқини ҳақида.

Шоирнинг қитъага: *"Ҳад*ис мазмуниким: "Ал-косибу ҳабибуллоҳ", ҳазрат Хожайи Нақшбанд қаддаса сирраҳу мундоқ баён қилибдурким*"*[2] – деган сарлавҳа қўйишидан ҳам маълумки, бу асар – бир ҳадиснинг айнан Нақшбанд талқинига шарҳ. Хўш, ҳадис шарҳига шарҳ битишга не ҳожат эди?

Тасаввуф, жумладан, нақшбандия ақидаларини ифодалаган тушунчаларнинг бадиий адабиётдагидек тимсоллар эканини англамай, уларни тўғридан-тўғри тушунсак, юзаки бир тасаввуф пайдо бўлади. Ана шу хавф бу тариқат ёки, умуман, тасаввуфни тушуниш ва тушунтиришда ҳали-ҳануз рахна солиб турибди. Навоий буни ўта нозик фаҳмлаган кўринади.

Биламизки, нақшбандия – касбу кор эгалари орасида кенг тарқалган, ҳар бир муриддан бирор ҳунар эгаллаш талаб этиладиган тариқат эди. Бунда, албатта, ҳазрати пайғамбаримизнинг ана шу: *"Косиб – Аллоҳнинг дўсти",* – деган муборак ҳадисларига таянилган. Лекин, ҳамма гап шундаки, Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳадисни ҳам тасаввуфона шарҳлаганлар. Қитъа шуни шеърхонга билдириб ўтиш учун ёзилган:

Нукта асносида Ҳабибуллоҳ
Деди: "Ал-косибу ҳабибуллоҳ".

Маъни айтур бу сўзга пири комил, –

Ки сўзи эрди Ҳақ сари шомил.
Ғараз эрмас бу касбдин дунё,
Бал эрур касбдин мурод фано[3].

"Ҳабибуллоҳ" – жаноб Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.), *"пири комил"* – ҳазрат Нақшбанд. Баҳоуддин ҳадисни, кишининг касб ўрганиши – бу дунёга ружу қўйишидан эмас, балки, аксинча, бу Аллоҳга интилиш – фанога эришиш учун керак, дея талқин этган эканлар.

Шу тариқа Навоий қитъалари, бошқа-бошқа девонлардан ўрин олганига қарамай, мазмун ва мантиқ жиҳатидан бир-бирини тўлдириб боради.

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. – Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 545.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. – Т. 5. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 487.
[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. – Т. 4. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 510.

Хожагон-нақшбандия ғояларининг кўпи бадиий тарзда ифодаланган, шиорлардаги аксар сўзлар ўз маъносида эмас, кўчма маънода ишлатилган, улар бир тимсол янглиғ эди. Бу эса Навоий учун жуда қўл келган. Шоир қитъаларида лирик қаҳрамон кўнглидаги нозик инсоний кечинмалар баёни учун ана шу тимсоллардан маҳорат билан фойдаланган. "Наводир уш-шабоб" девонидаги 16-қитъага: *"Хилватда фалак жафосининг озори ва анжуманда улус бедодининг изҳори",* – деб сарлавҳа қўйилишидан ҳам маълумки, бунда нақшбандиянинг *"Хилват* – дар анжуман" шиорига таянилган.

Хилват ва анжуман. Булар бир-бирига батамом зид тушунчалар. Хилват – ёлғизлик. Анжуман – эл билан бирга бўлиш, халқдан холи бўлолмаслик. Инсон табиати шунчалар тушунарсиз, инжиқ, беқарорки, холи қолганида одамларни қўмсайди, одамлар орасида эса ёлғизликни соғинади. Бутун умрини бўйдоқликда ўтказган Навоий учун гоҳ хилватни, гоҳ анжуманни хумор қилиб туриш кўп содир бўладиган табиий ҳол экани аён. Қитъада у ўзида кўп кечадиган ана шу нозик руҳий ҳолатни қаламга олган:

Байт ул-ҳазанға кирсам, улустин қочиб даме,
Атрофдин ғубори малолат манга ёғар.

Силкай, деб, ул ғуборни, чиқтим чу кулбадин,
Эл жавру зулмидин бошима юз бало ёғар[1].

"Байт ул-ҳазан" – ғамхона дегани. Бунда шоир хилватхонани – ёлғиз ўтириладиган уйни кўзда тутган. Агар ана шу хилватни макон тутса, ҳар тарафдан унга малоллик, ғам, азият чанглари қўнаверади. Чунки, ахир, одам боласининг бир уйда якка-ёлғиз ўтириши – осонми, дейсиз?!

Аммо агар у, ана шу маломат чангларини қоқай, деб, кулбадан ташқарига чиқса, аҳволи бундан беш бадтар бўлади: энди унинг бошига эл жавру зулмидан балолар ёғилади...

Гарчи шоир фақат *"хилват"* ва *"анжуман"* тимсоллари орқали ўз туйғусини изҳор этаётган бўлса ҳам, аслида, қитъа замирида теран ва кенг ҳаётий маъно – яширин. Бу маъно эса *"Хилват* – дар анжуман" шиори мазмуни чегараларидан чиқиб кетади. Қитъанинг зоҳирий мазмунигина ҳисобга олинганда – шундай. Бунда ҳали *"хилват"* ва *"анжуман"* тушунчалари нақшбандиёна шиор мазмунидан узоқлашмай туриб англанади.

Қитъанинг ботиний мазмуни эса киши хаёлини, ҳатто, *"хилват"* ва *"анжуман"* тушунчаларининг ўзидан ҳам кенгроқ маънолар сари етаклайди. Чунки яккаш хилватда анжуманни, анжуманда хилватни эмас, умуман, иссиқда совуқни, совуқда иссиқни, ёзда қишни, қишда ёзни соғиниш ва ҳоказолар каби бир-бирига зид ҳолатлар истагининг алмашиниб туриши –одамзод кўнглида кўп кечадиган табиий бир руҳий ҳолат. Кенг маънода шоир қалбидаги ана шу ички беқарорликни – оташинликни қаламга олган.

Нақшбандия шиори бунинг учун зўр дастак бўлган.

Ёдингизда борки, хожагон-нақшбандия тариқатидаги Абдулхолиқ Ғиждувоний тайин этган тўрт шиорнинг иккинчиси – *"Бозгашт".* Бу *"қайтиш"* деган маънони ифодалайдиган зикр амали. Баҳоуддин Нақшбанд, тариқатнинг бошқа шиорлари қатори, буни ҳам махсус шарҳлаб тарғиб этганлар. Навоий пир сўзларини туркийда шеърий тил билан ифодалашга тутинади. Бундай талқинлар учун қитъа энг қулай шеърий шакл эди. Бинобарин, "Фавойид ул-кибар"нинг 42-қитъаси – айни ана шу Нақшбанд сўзлари таржимасидан иборат. Буни сарлавҳаданоқ билиб оламиз: *"Маснавий* Хожайи Нақшбанд қуддуса сирруҳу каломи таржи-

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 5. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 487.

масидаким, аввал бозгашт хотири хаста ва баъд аз он таважжуҳи дили шикаста"[2].

*"Хаста"*нинг маъноси кўпчиликка тушунарли бўлса керак. У, сўзма-сўз айтганда, *"хасталанган"*, яъни *"яраланган"*, мазмунан эса *"эзилган"*, ёки *"касалманд"* тушунчаларини ифодалайди. *"Шикаста дил"* – кўнгли синиқ дегани. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд наздида хотири хаста кишигина шикастадил пирга юзланади ва шифо топади. Чунки шикастадил пир – худди Исо пайғамбар (а.), яъни Масиҳ каби илоҳий нафасга эга. Лекин кимнингки кўнглида ҳавоийлик, мағрурлик, манманлик туғёни урса, унинг умри шамига зиён етади. Демак, ғурур – инсон ҳаёти учун зарарли бир иллат. Чунки ғурур Аллоҳгагина ярашади. Шунинг учун ҳам сўфийнинг бош мақсади – ўзидаги ана шу ғурурни енгишдан иборат. Ахир, инсон ҳамиша ўзининг жуда кўп жиҳатдан бағоят ожиз эканини тан олиб яшаши – керак. Акс ҳолда, у эришган ютуғи ё мавқеига мавҳ бўлиб, кибрга берилиши, такаббурлик йўлига кириб кетиши, умрнинг ўткинчилигини ҳам унутиб, номаъқулчиликлар қилиши, жамиятга талай зиён етказиши – мумкин.

Мана, ўша қитъада келган маснавий:

Хастанинг бошиға чу қўйди қадам,
Пири шикастадиле Масиҳодам.

Бозгашт айлади чу хаста кўнгул,
Неки истар, топар шикаста кўнгул.

Кўнглида чун ҳаво қилур туғён,
Умри шамъиға еткурур нуқсон[3].

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд, даво топиш учун аввал дард бўлиши – керак, дейдилар. Шунда бозгашт (тузалиш) бўлади.

Кўриб ўтилганидек, нақшбандия ғоялари Навоий асарларининг мағзи-мағзига сингиб кетган. Шоирнинг натанҳо йирик манзумалари – достонлари, балки кичик асарлари, ҳатто, қитъалари ҳам ана шу тасаввуфий таълимот моҳиятидан йироқлашмайди. Чунки ялпи ислом дини Навоий учун бир бепаён денгиз бўлса, тасаввуф ана шу денгизга сувини қуядиган бир дарё янглиғ эди. Нақшбандия тариқатини бўлса ана шу дарёнинг муайян ирмоғига ўхшатиш – мумкин. Навоий ислом фалсафаси денгизига тасаввуф дарёси, тасаввуф дарёсига нақшбандия ирмоғи орқали сузаётган бир кема янглиғ ижод этди. Шунинг учун бобокалонимиз умр бўйи ана шу ўзига энг яқин ирмоқ сувларидан кўп ичган. Балки ҳали ҳам ҳеч бир соҳиби қалам нақшбандия ирмоғи сувларидан Алишер Навоийчалик қониб-қониб нўш этмаган бўлса ҳам керак...

Нақшбандия ирмоғи эса, асосан, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд булоғидан сув олади.

---

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 6. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 487.
[3] Ўша нашр. – Б. Ўша.

ОЛТИНЧИ БОБ

“САФАР – ДАР ВАТАН” ШИОРИ ТАЛҚИНЛАРИ

Маънойи аслий

Агар Муҳаммад Мусо ибн Хожа Исо Даҳбедийнинг “Касир ул-фавойид” (“Фойдалар кони”) рисоласидаги тартибга суянилса, “Сафар – дар ватан” – нақшбандия тариқатининг учинчи шиори. Мавжуд ўн бир қоиданинг дастлабки тўрттаси, демак, “Сафар – дар ватан”ни ҳам Юсуф Ҳамадоний жорий этган.

“Сафар – дар ватан”ни тушуниш ва тушунтириш – бирмунча мушкул. Чунки бу шиорнинг қатлам-қатлам маънолари – бор.

Биринчи талқин. Тариқатнинг барча шиорлари каби, маънойи аслийда бу ҳам – бевосита зикр маҳали амал қилинадиган қоида. “Касир ул-фавойид”да бу ҳақда ўқиймиз: “Сафар – дар ватан” шуки, солик башар табиати ичра сайр қилсин, яъни башарий сифатлардан малакий сифатларга сари ва замима сифатлардан ҳамида сифатларга сари кўчсин”[1]. Демак, бу шартни бажариш жараёнида солик инсонга хос иллатлардан қутулиб, малакка хос фазилатларга эга бўла бориши – керак. У шу тариқа барча ёмон иллатларини яхши сифатларга айлантиришга ҳаракат қилиши – лозим. Кўриниб турибдики, бу – соликнинг кўнгли орқали кечадиган жараён. Бу –шоирнинг соф тасаввуфий, таъбир жоиз бўлса, н а з а р и й маъноси.

Шу ерда бир муҳим қайдга изн беринг. “Фарҳод ва Ширин” достонида тасвирланишича, Фарҳод Арманияда минг азоб билан тоғ қазиётган одамлар олдига борганида улар бу ҳунарманд ва ўта меҳрибон йигитга:

Яқин эрмас малаксен ё башарсен,
Худо ёрингки, бас, олий гуҳарсен.

Малак хорижда гар кўрмайдурурбиз,
Сенингдек худ башар кўрмайдурурбиз[2], –

дейишади. Ана шу халқ эътирофи орқали ҳам шоир Фарҳоднинг нақшбандиядаги “Сафар – дар ватан” шиорини бажарганини, башарлик хусусиятини малаклик сифатига, ўзидаги барча ёмонликларни яхшиликларга айлантириб улгурганини билдириб ўтади. Умуман, тасаввуфий адабиётда башарлик билан малаклик – кўп учрайдиган анъанавий қиёслардан.

Ҳатто, айтиш мумкинки, тасаввуф, хусусан, нақшбандияда малакий сифатларга эга бўлиш буюк орзу, улуғ мартаба эди. Навоий “Мажолис ун-нафоис” ёзилаётган пайтда ҳаёт ва шоҳ мадҳига машғул шоирлар ҳақида сўзлар экан: “...Ул ҳазрат зоти малакий сифотиға мадҳ сароянда дур”[3], – деб, Султон Ҳусайн Мирзони малакий сифатлар эгаси тарзида тилга олади. Шу тазкиранинг шайх ва шоир Хожа Абдулвафо Хоразмий ҳақидаги қисмида эса мана бундай сўзларни ўқиймиз: “Хоразм халқи ғоят малакий сифотлиғидин (!) Хожани “Ер

---

[1] Қаранг: Муҳаммад Мусо ибн Хожа Исо Д а ҳ б е д и й. Касир ул-фавойид. (Араб ёзувида.) – Муаллифнинг шахсий кутубхонаси. – В. 13а – 13б.
[2] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 226 – 227.
[3] Алишер Н а в о и й. Асарлар. 15 томлик Т. 12. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1966. – Б. 7.

фариштаси” дерлар эрди...”[4]. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад эса асарда: “Ахлоқда малакийдур (!), башар сурати била келган ва атворда фариштадур, инсон ҳайъатида зуҳур қилған”[5], – дея таърифланади “Ҳайрат ул-аброр”да шоир Султон Ҳусайн Мирзонинг катта ўғли – Султон Бадиуззамон Баҳодирни шундай мадҳ этади:

Зоти назоҳатда малойик сифот (!),
Пок сифоти била йўқ ҳеч зот.

Зоти башар, лек сифоти малак (!),
Балки, сифоти била зоти малак (!)[6].

Бадиуззамон “Лайли ва Мажнун”да ҳам малакваш йигит тарзида улуғланади:

Андоқки малакваш (!) ўлди зоти,
Келди малакий (!) бори сифоти[7].

Бадиуззамон ҳақида шундай таъриф “Садди Искандарий”да ҳам давом эттирилади:

Зиҳи хилқатинг нур, бал руҳи пок,
Малак (!) зикри шаънингда руҳи фидок.

Малойиксифат (!) пок зотинг сенинг,
Малакваш (!) жамъийи сифотинг сенинг.

...Эшитган малаксон (!) сифотинг сенинг,
Дуо бирла истаб ҳаётинг сенинг[8].

“Ҳарат ул-аброр”нинг 22-боби насрий сарлавҳасида, жумладан, “малойика ҳавосида бир неча қанот урмоқ”[9], – деган ифодага дуч келамиз.

Демак, солик малаклардек бўлишни орзу қилади, улардек учмоқ истайди.

Иккинчи талқин. Нақшбандия ақидаларига кўра, бошқа айрим тариқатларга мансуб соликлар, яъни қаландарлар каби, белга кашкул осиб, шаҳарма-шаҳар, маҳаллама-маҳалла кезиб:

Ё Аллоҳ – дўст, ё Аллоҳ,
Ҳақ – дўст, ё Аллоҳ!.. –

деб юриш шарт эмас. “Сафар – дар ватан” шундай уқтиради. Шу биргина шиор билан хожагон шайхлари, унинг дастлабки асосчиси Юсуф Ҳамадоний ва кейинги таълимотчиси Абдулхолиқ Ғиждувоний биратўла ана шу сафарни соликнинг асосий вазифаси даражасида

[4] Ўша нашр. – Б. 11.
[5] Ўша нашр. – Б. 128.
[6] Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 135.
[7] Ўша нашр. – Б. 354.
[8] Ўша нашр. – Б. 644 – 645.
[9] Ўша нашр. – Б. 50.

тушунтирадиган йўлларга муносабатларини билдириб қўя қолган эмасми? Чунки, китобимизнинг олдинги бобу фаслларида айтилганидек, нақшбандия тариқатининг йўли, асосан, ўтроқ аҳолига мўлжалланган ҳолда пайдо бўлган ва ривожланган эди, бундай кишилар қандай қилиб белларига кашкул боғлаб, сайрга чиқади? Кейин нақшбандияда зикрнинг жаҳрия, яъни овоз чиқариб ижро этиш йўли хуфя, яъни ҳеч кимга билдирмасдан амалга ошириш билан алмаштирилган.

Учинчи талқин. Тасаввуф Аллоҳга етиш учун уни англаш, демак, дунёни ўрганишни талаб этади. Дунёни ўрганиш – Аллоҳнинг сирларидан воқиф бўлишнинг бир йўли эса – сафар қилиш, шу орқали оламни кўриш. Нақшбандия тариқати моҳияти буни инкор этмайди. Лекин, ахир, сафар ботиний бўлиши ҳам мумкин-ку! Умуман, нақшбандияда ҳамма шартлар ана шу ўтириб касбу кор қиладиган кишилар шароитидан келиб чиқиб ишлаганини унутмайлик. Шунинг учун бу тариқатда Ватандан жилмай туриб ҳам сафар қилиш мумкинлиги исботлаб берилади.

Тўртинчи талқин. Хўш, Ватанда туриб сафар қилиш соликка нима беради? Бу – ҳатто, юрма-юрт кезиб юришдан кўра муҳимроғу дақиқроқ. Чунки бунда кўнгил билан сайрга чиқилади. Кўнгил сайри эса кишини жисмоний сафарга нисбатан бойроқ қилади. Буни тушуниш учун "Фарҳод ва Ширин"даги Суқрот тимсолини эсга олиш – керак. Суқрот неча-неча асрдан буён ғордан чиқмай ўтирибди, лекин унинг кўнглига бутун олам, наинки, бутун олам, балки Аллоҳнинг ўзи ҳам жо бўлган.

Бешинчи талқин. "Сафар – дар ватан"ни айримлар: "Ўзга мамлакатларга сафар қилиб юриш шарт эмас, ўз Ватанингни саёҳат қилиб, кезиб чиқ, шунинг ўзи муҳим!" – деган ақида тарзида тушунса ҳам, ажаб эмас.

Олтинчи талқин. Адабиётшунос Абдусалом Абдуқодиров эса шиорни, умуман, сафар, яъни ватандан четга чиқиш тариқасида тушунади: "Сафар – дар ватан". Яъни ҳамиша бир жойда турғун умр кечирмай, тез-тез сафарга чиқиш, турли ўлка ва халқлар ҳаёти билан танишиш"[1].

Кейинги талқин – хато. Чунки шиорда ватан ичра сафар қилиш ғояси билан ҳам, ватандан четларга саёҳатга чиқиш ақидаси билан ҳам бевосита боғлиқлик – йўқ.

Ўтмишда яшаган соҳиби маърифатларимиз шиорни бундай жўн маъноларда талқин этишмаган. Садриддин Айний Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари ҳақидаги хотирасида бу буюк жадиднинг 1912 йилги Бухоро сафари ва унинг "Сафар – дар ватан" ҳамда "Хилват – дар анжуман" шиорларини қандай тушганию шарҳлагани хусусида қимматли маълумот беради: "Ушбу сафарида (Беҳбудийнинг. – С. О.) бир кун Баҳоуддин зиёратига бордик. Фотиҳа ўқуб, супада бир оз сукут қилиб ўтирди. Сўнгра манга қараб: "Айний афанди! Ушбу бузрукворлардан икки сўз ривоят қиладурлар. Бири – "Сафар дар ватан!", иккинчиси – "Хилват дар анжуман!"дир. "Сафар дар ватан"нинг маъноси олам аҳволиға илм пайдо қилмоқ, табиатнинг жузъий ва куллий ҳодисаларига воқиф бўлмоқ, миллатлар, шаҳарлар, чўллар ва тоғларнинг аҳволини билиб турмоқдир. Қисқаси, олим, том маъноси билан олим бўлмоқдир.

"Хилват дар анжуман" маъноси зикр ва фикр тасдиқан ботин қила туриб, халқ орасига аралаш бўлмоқ, халқ билан ишламоқ, халқ билан бирга тирикчилик йўлини кўтаришмак, қўлдан келганча халққа ёрдам қилмоқ, ҳеч бўлмаганда, бошқалар бўйниға юк бўлмасликдир".

[1] А б д у қ о д и р о в А. Навоий ва нақшбандийлик. // Адабий мерос, 1991 йил, № 4. – Б. 69.

Шайх Баҳоуддин ҳазратлари ушбу икки қисқа сўз билан жоҳил ва мутаассиб муллоларға, шикорпараст, танпарвар, назрхўр, хонақоҳнишин эшонларға қаттиқ ва буюк бир сад (девор) чеккан. Мутаассиб бояғи мулло ва эшонлар мазкур ҳикматлик сўзларнинг маъноларини таъриф қилған, халқни ушбу бузрукворнинг маърифатидан маҳрум қилиб, ўз нафсларини ором берганлар. Агар ушбу сўзлар Европа файласуфларида содир бўлган бўлса эрди, европакликлар катта ва кичик шаҳарларда қуббалар ясаб, мазкур сўзларни олтун билан ёздириб қўяр эдилар", – деди.

Хожа Баҳоуддин рутбаси атрофида солинған қабатма-қабат масжидларни кўриб: "Масжид ва бир мулло кифоя қилар эди. Бошқа масжидлар ўрниға мактаблар солиниб, бунда йиғилған фақир ва йўқсулларнинг болаларини ўқитсалар эди, шунда кимсалар ўрниға ўз кунини ўзи кўратурған бир тўда фаол одамлар етишар эди", – деди"[2].

Биринчидан, Маҳмудхўжа Беҳбудий "Сафар – дар ватан" шиорини, илм олмоқ, чин олим бўлмоқ, тарзида тўғри баҳолайди. Иккинчидан, мавзудан жиндак четга чиқса ҳам, бу гапларнинг асримиз бошларидаги мутаассиб, танфароқ муллаларимиз ҳақида айтилганига диққат қилайлик. Беҳбудий ҳазратлари юртни мутараққий мамлакатлар даражасида кўрмоқ истаганлар, халқнинг ўз кунини ўзи кўрадиган фаол одамларга айланишини орзуланлар. Бундан 100 йилдан ошиқ давр олдин буюк зиёлимизни безовта қилган бу муаммо бугун ҳам мустақил Ўзбекистонимиз учун долзарб бир ғоя янглиғ кун тартибида турибди. Беҳбудий нақшбандия тариқати талабларидан келиб чиқиб айтганлар бу гапларни. Ота-боболаримиз, демакки, томирларимизни била бошлаганимиз бугунги замонда ўтмишда яшаган не-не буюкларимиз билан фахрланиб юраверишимизнинг ўзи камлик қилади. Ҳамма гап шундаки, энди биз ҳам ана шу улуғ бир миллатнинг авлоди сифатида ўша мўътабар зотлар етган даражаларга етишимиз, дунёнинг манаман деган олди мамлакатларига ўхшаш тараққиётга эришишимиз – керак. Шундагина ота-боболаримиз руҳи поклари биздан шод бўлади. Шундагина биз ўша номи дунёга машҳур бир муқаддас заминга муносиб фарзанлар бўла оламиз. Бунинг учун эса иймонимиз, илмимиз, аъмолимиз, яъни қилаётган ишларимиз билан ана ўша буюк мамлакат номини шарафлаш – лозим. Қадриятларимизни тиклаш, одамларимиз маънавий-маъданий руҳиятини бойитиш – суву ҳаводек керак. Аммо буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда халқимизнинг бугунги турмушини кечагидан, эртанги ҳаётини бугунгидан яхшироқ қилишга олиб келишга хизмат қилмоғи – даркор.

"Сафар – дар ватан"нинг маъносини бугунги кунимизга кўчириб талқин этиш ҳам – мумкин. Масалан, Америка Қўшма Штатларига ўн марта бориб келган киши билан умрида Американи кўрмаган бир одам баҳслашиб қолса, бу баҳсда ўша, бу мамлакатни зиёрат қилган кишини мантиқан Американи кўзи билан кўрмаган одам енгиши – мумкинми? Мумкин! Чунки биринчи кишининг жисми бориб келган Америкага. Албатта, у бу мамлакатни кўзлари билан кўрган. Минг эшитгандан бир кўрган – афзал, деган гап – рост. Бироқ мақоллар маънолари ҳамма вақт ҳам ҳаётга айнан мос келавермайди. Иккинчи кишимизнинг кўнгли, яъни руҳи, шуури, яъни ақли бориб келган Америкага. У бу ўлкани ўрганган. Ўша Америка сафарида бўлган одам кўрганларининг ўзинигина сўзлайди, бу эса ўша воқеаю ҳодисаларнинг сабаби ё тарихини ҳам билади, уларни бурро-бурро айтиб, тушунтириб бера олади.

---

[2] Садриддин А й н и й. Беҳбудий ҳазратлари тўғрисида хотираларим. // Зарафшон, 1922 йил, 25 апрель (араб ёзувида). Муаллиф ана шу хотираларга диққатимизни тортган таниқли адабиётшунос, раҳматлик, Шерали Турдиевдан миннатдор эканини билдириб ўтади.

Буни Навоий “Лисон ут-тайр”да Ҳудҳуднинг Товуққа насиҳатида исботлашга уринган.

Еттинчи талқин. “Сафар – дар ватан”даги “ватан”ни бевосита “кўнгил” деб ҳам тушуниш мумкин. Солик умр бўйи Аллоҳ даргоҳига интилади. Унинг Яратганга талпиниши ўз кўнгли сари йўл солиши орқалигина амалга ошади. Чунки Тангри таоло – қаерда? Кўнгилда![1] Демак, бу шиордаги “ватан” – аввало, кўнгил, шунинг учун бу ақидани кўнгилдаги сайр янглиғ тушуниш ҳам – мумкин.

Саккизинчи талқин. Аллоҳнинг кўнгилда бўлиши – тирикликдаги ҳодиса. Бироқ...

Одамзотни ким яратган? Тангри таоло! Демак, бани башарнинг асл ватани – Аллоҳ ҳузури. Киши бу дунёдан ўтганидан кейин яна ўша Эгамнинг ҳузурига равона бўлади. Шунинг учун “ватан” тушунчасининг ҳақиқий маъноси – Аллоҳ! Шунинг учун ҳазрати пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг ҳозир жуда машҳур бўлиб кетган: “Ҳубб ул-ватан ил-ал-иймон”, яъни “Ватанни севмоқ – иймондан”, – деган ҳадислари мазмунини ҳам юртга муҳаббат тарзида талқин қилиш, бизнингча, унчалар тўғри эмас[2]. Чунки иймон – “ватан” маъносидаги “юрт” тушунчасидан минг чандон баланд турадиган ақида.

Хўш, иймон – нима?

Иймон исломдаги беш арконнинг биринчиси. Қуръондаги Аллоҳнинг яккаю ягоналиги, унинг Ўзи беҳожатлиги-ю, лекин ҳожатбарорлиги, туғмаган ҳам, туғилмаган ҳам экани, унга тенг келадиган бирор зот бўлмагани ва бўлмаслиги ҳақидаги оятлар иймон ўзагини ташкил этади. Иймон тилда ифодалаб, дилдан ўтказиб: “Оманту биллаҳи ва малойикатиҳи ва кутубиҳи ва русулиҳи ва-л-явм ил-охири ва-л-қадари хойриҳи ва шарриҳи миналлоҳи таоло вал баъси баъд ал-мавт”, – дейишдан ҳосил бўлади. Бу: “Мен Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, тақдирдаги яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ томонидан бўлажагига, ўлгандан сўнг яна қайта тирилиш муқаррарлигига ишонаман”, – деган мазмунни ифодалайди. Чин дилдан: “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммад ур-расулуллоҳ. Ашҳаду ал-ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу”, яъни: “Ёлғиз Аллоҳдан бошқа Худо йўқ ва Муҳаммад унинг расули. Аллоҳдан ўзга Илоҳ йўқ, у яккаю ягона ва Муҳаммад унинг бандаси ва пайғамбари эканига шаҳодат бераман”, – деган киши мўъмин, яъни иймонли бўлади.

Иймон шу бўлса, Ватанни севишнинг унга қандай дахлию алоқаси бор?

Фақат “ватан” – Аллоҳ тарзида тушунилсагина, бу ҳадиси шарифнинг маъноси ойдинлашади. Бу даъвога ишончли далолат – керак, албатта. Далилларни ҳам ҳазрат Навоийнинг ўзларидан топамиз.

Навоий пири ва устози – Абдураҳмон Жомий вафотлари муносабати билан ўта дардчил бир марсия битади. Жомий руҳи поклари учун берилган катта йил ошида бу марсияни минбар узра замонасининг энг буюк воизи – Ҳусайн Воиз Кошифий ўқиб туради. Марсия байтларидан бири шундай жаранглайди:

---

[1] Навоий асарларидан бунинг исботи учун талай мисоллар келтириш – мумкин.

[2] Лекин исломда мазкур ҳадисни юрт маъносидаги ватанни севиш тариқасида изоҳлаш ҳам – бор. Масалан, Ҳайдар Ҳасан ўғли Бош ўзининг “Видо хутбасида инсон ҳақлари” мавзуидаги докторлик диссертацияси авторефератида ҳазрат пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг видо хутбаларида келадиган: *“Бу кунингиз нозил муқаддас бир кун, бу ойингиз нозил муқаддас бир ой бўлса, бу шаҳрингиз нозил муқаддас бир шаҳар бўлса, билингизки, жонларингиз, молларингиз, меросларингиз-да Аллоҳнинг ҳузурига чиққунига қадар муқаддас кун, муқаддас ой, бу муқаддас шаҳар каби ҳар бирингиз учун муқаддас ҳисобланади”,* – деган сўзларига таяниб, бу ерда ҳам Ватаннинг муқаддаслиги айтиляпти, деган хулоса чиқаради ва *“Ватанни севмак* – иймондан” ҳадисини ҳам она юртга муҳаббат тарзида тушунтиради: Қаранг: Haydar Hasan oglu Bas. Veda hutbesinde insan haklari. Ilahiyat Ilmleri Doktoru Alimlik Derecesinin Iddiasi Icin Olan Disertasiyanin Avtoreferati. – Baku: 1993. – S. 46.

З-ин сабаб масти маи ҷоми азал орифи Ҷом
Сархуш аз дори фано сӯи ватан кард хиром[3].

Мазмуни: “Шунинг учун азал жоми майидан маст бўлган жомлик ориф (суфий) сархушлик билан фано уйидан (бу дунёдан) Ватан (бу дунё, Аллоҳ ҳузури) томон кетди”.

Албатта, буни, Худо одамни тупроқдан яратган эди, у вафотидан кейин яна тупроқ бағрига кетади, деб ҳам талқин этиш – мумкин. Лекин бу ҳам диний маънодаги ватанни юрт деб тушуниш каби тор бир талқин бўлиб қолади.

Масала – ҳал: агар ватан аслан Аллоҳ ҳузури бўлса, “Сафар – дар ватан” шиори айнан Тангрини зикр этиш маҳали сўфий амал қиладиган қоида ҳисобланса, демак, қандай талқин қилинмасин, нақшбандиянинг мазкур ақидаси банданинг эгаси сари йўлида шамчироқ бўладиган бир қатъият экани – ҳақиқат.

Модомики, монографиямиздаги асосий мақсадлардан бири Навоий ижодида нақшбандия таълимоти тарғибини тадқиқ этиш экан, тариқатнинг машҳур ақидаларидан бири ҳисобланмиш – “Сафар – дар ватан”нинг улуғ шоир асарларидаги талқинларини бир сидра кўздан кечириш муҳтарам китобхонларимиз учун жуда қизиқарли бўлса керак.

Биласиз, “сафар” билан “ватан” – ўзаро бир-бирига қарама-қарши тушунчалар. Чунки сафардаги одам – ватандан йироқ. Ватандаги киши – сафардан маҳрум. Сойирлик, яъни сафар қилиш ва собитлик, яъни бир жойда – ватанда турғун бўлиш Навоий асрларида кўп қиёсланади. Бу эса шоирга теран фалсафий фикрларни илгари суриш имконини беради. Нақшбандиянинг “Сафар – дар ватан” ақидасида айнан ана шу собит туриб сойир бўлиш тарғиб қилингани учун бу Навоий наздидаги жуда муҳим масалалардан бири эди.

Умуман, Навоий бадиий ижоди, жумладан, ғазалиётида ҳам нақшбандия йўлини маҳкам тутган ва буни “Бадоеъ ул-васат” девони ҳақида гапира туриб, ишора йўли билан унинг ўзи шундай баён этади: “Яна “Бадоеъ ул-васат” девонидурким, умр авсатида (ўртасида. – С. О.) хаёлим хомаси (қалами. – С. О.) анинг зебиға нақшбандлиғ (таъкид бизники. – С. О.) ва зийнатиға сеҳрпайвандлиғ қилибдурким, ул бадиълар воситасидин шайдо кўнгуллар эшигин ишқ тоши била қоқибмен ва ул уйга фитнау офат ўтин ёқибмен[4]”.

“Нақшбандлиғ” сўзидан мурод ўз тариқатини эслатиб ўтиш ҳам экани аён. Шоир ўрта ёшларида нақшбандий пир – Абдураҳмон Жомийга расман мурид тушганига ишора қилиб ўтган бу жумлада.

Сойиру собитлик масаласи “Ғаройиб ус-сиғар”нинг айрим ғазалларида ҳам кўтарилади. Айтайлик, девоннинг пайғамбаримиз (с. а. в.) ҳақларидаги ғазалларидан бири шундай бошланади:

Чарх изин гардига қилди кавкаби сайёр харж,
Жавҳар олмоқға ғаний қилған каби динор харж.

Сойиру собит нисоринг қилса тонг йўққим, бўлур,
Кечқурун шоҳ ўлса меҳмон, кимсага бисёр харж[5].

[3] Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. Т. 14. – Тошкент: 1967. – Б. 67.
[4] Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. Т. 14. – Тошкент: 1967. – Б. 120.
[5] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: 1988. – Б. 95.

Бу ерда гап – осмоний жисмлар ҳақида. Илми нужумга биноан, айрим юлдузлар ҳаракатланувчи – сойир, баъзилари ҳаракатсиз – собит бўлади. Навоийнинг кўп асарларида одамлар ҳам ана шундай икки гуруҳга бўлинади: сайрни севувчилар – бор, умрни гўшанишинликда ўткаришни хуш кўрувчилар ҳам – кўп. Бундай қиёс шоирга "Сафар – дар ватан" ақидасининг ҳар тарафлама шарҳи учун керак.

"Сафар – дар ватан" тазодидан фойдаланиб битилган байтлар Навоий ғазаллари ичида яна учрайди:

Эй кўнгул, айлама даҳр эски работин маскан, –
Ким работ ўлмади ҳаргиз сафар аҳлиға ватан[1].

Бундай қиёслар шоир кўз ўнгида "Сафар – дар ватан" ақидаси турганини кўрсатади. Айни тазодий тасвирлар бизга ушбу шиорни шарҳлаш учун жуда асқотади.

Турли тариқатларнинг сафарга муносабати турлича бўлган, албатта. Лекин нақшбандия авж олган замонларда сайрга, ишқни камайтирадиган нарса, деб қаралар эди. "Сафар – дар ватан", бир жиҳатдан, айни ана шу ақидани ифодалайди ҳам. Навоий "Фавойид ул-кибар"га кирган 397-ғазалида лирик қаҳрамон кечинмалари мантиқини мазкур ғоя асосига қурар экан, санъаткорона лутф билан ажиб байтлар тизади:

Айладим азми сафар, бўлғай дебон ишқ ўти кам,
Ул худ афзун бўлди, ҳар манзил демайким, ҳар қадам.

Қайси манзилни қадам ҳар дамки, урдум йўл аро,
Ғам сипоҳи хайли кўргузди ул ўтдин бир алам.

Сафарким, дерлар кам айлар ишқни, кўр, эй рафиқ, –
Ким жаҳон ovораси бўлдум, ғалат чиқди бу ҳам.

Ҳажр водийсиға қилманг азм, ошиқларки, бор
Ҳар хаси бири тиғи меҳнат, ҳар тоши – бир кўҳи ғам[2].

Бу сатрларнинг мазмуни – қуйидагича: "Ишқ ўти камайсин, деб сафарга чиққан эдим, лекин ҳар бир манзилга қадам қўйганимда бу бадтар бўлди. Ҳар қадамда ва ҳар дамда ғам лашкари олов кўрсатди. Сайр ишқни камайтиради, деган эдилар, овора бўлиб жаҳон кездим, лекин ишқ камайиш ўрнига кучаяверди. Демак, бу гап ҳам ёлғон бўлиб чиқди. Шунинг учун, эй ошиқлар, ҳажр водийсини сайр қиламан, деб овора бўлиб юрманглар, чунки унинг ҳар бир хаси бир азоб тиғи, ҳар тоши эса бир ғам тоғи экан".

Ғазал шу тариқа давом этади. Лирик қаҳрамон хулосасига кўра, ишқ ҳақиқий бўлса, сафар қилдинг – нима-ю, қилмадинг – нима, у бадтар зўрайиб бораверади. Чунки ишқ – умрнинг сўнггигача ўз домига олган бир дард.

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 319.
[2] Ўша нашр. Т. 6. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 271.

Сафарнинг уч мақоми

“Садди Искандарий”нинг 35-боби Искандарнинг Хуросон ва Мовароуннаҳрни забт этиши, кейин Кашмир сари равона бўлиб, бу юртни олиши ҳақида. Бу достоннинг ички тузилишига кўра, шоир ҳар тўрт бобда бир масалани кўтаради, таҳлил этади ва якунлайди. Айни боблар силсиласининг ички қурилмаси шундайки, аввал Искандар ҳаёти билан боғлиқ бир ҳикоя, кейин эса яна воқеа ривожига алоқадор фалсафий мушоҳада боб, сўнг бир ҳикоят ва сўнгра ҳикмат – хулоса келади. 35 – 38-боблар асардаги ана шундай тўрт бобдан иборат силсиланинг биринчисини ташкил этади. 36-бобда ундан олдинги, яъни 35-бобда тасвирланган воқеа билан боғлиқ фалсафий мушоҳадалар берилган. 36-боб сарлавҳаси – мана бундай: “Ҳакими коинотпайванд ва Холиқи бемислу монанд маснуъоти томошаси анинг вужуди исботиға ҳужжати қотиъ ва бурҳони сотиъ экан бобда нукта сурмак ва ул саноеънинг бадоеъ жаҳон кезмакта кўпрак муяссар эрканга ҳам далил келтирмак ва сафар тариқин уч навъда тақсим қилмоқ: аввал – солики раҳнавард ўзлук баводисин қатъ этиб, мақсад ҳарамиға муҳтарам бўлмоқ; иккинчи – сайёҳи жаҳонгард талаб манозилида бошдин қадам қилиб, муршиди комил иршоди била такмил топмоқ; учинчи – хисрави Баҳромнабард сипоҳи анжум адад чекиб, жаҳон мулкин олмоқ” [3].

Бу сўзларнинг ҳар бирида шоирнинг мақсади –яширин. Келинг, бир бошдан бошлай қолайлик.

“Ҳакими коинотпайванд ва холиқи бемислу монанд” ким? Албатта, Аллоҳ. Чунки коинотни “боғлаган”, яъни пайдо қилган ҳам, махлуқотни яратган бемисл куч ҳам – унинг Ўзи. “Маснуъот” – санъат қилинган, яъни яратилган нарсалар. Демак, шоир ана шу яратилган нарсаларни томоша қилиш Худонинг вужудини исботловчи аниқ ҳужжат ва равшан далил, бошқача айтганда, жамики мавжудот Аллоҳнинг тажаллийси, яъни жилваланиши экани ҳақида сўзламоқчи. Ана шу саноеъ, яъни эзгу нарсаларнинг ажиб хислатлари жаҳон кезганда кўпроқ муяссар бўлишига, яъни дунёни кўпроқ кезган одам Яратганнинг сирларидан кўпроқ воқиф бўлишига далил келтирмак ҳақида ҳам экан бу боб. Сарлавҳанинг давомидан билиб оламизки, сафар қилишнинг уч тури – бор. Биринчиси – йўлга чиққан одам, яъни солик ўзлик даштларини босиб ўтиши – керак, шу тариқа мақсад ҳарамига мушарраф бўлинади. Иккинчиси – жаҳонни кезувчи сайёҳ бўлиб, бошни оёқ қилиб, комил пир йўл-йўриғи билан талаб манзилидан ўтиб, камолга етмоқ. Учинчиси – Баҳромшоҳ янглиғ юлдузлар аскарини жангга йўллаб, жаҳон мамлакатини эгалламоқ.

Демак, сарлавҳада соф тасаввуфий талқин кетяпти. Айтилмоқчики, жаҳон мамлакатини эгалламоқ, дунёвий маънода англанадиган бўлса, олам сирларига етмоқ, дунёни тушунмоқ, комил инсон бўлмоқ, Аллоҳ ҳақиқатига етмоқ учун аввал киши ўзлигидан – худбинлигидан воз кечиши, кейин бир етишган инсон – пир кўмагида талаб йўлига кириши, яъни ана шу олий мақсади сари ҳаракатни бошлаши ва охирида жаҳонни эгаллаши – керак. “Жаҳонни эгаллаш” дегани эса, унинг ўзи – комил инсонга айланган, энди унинг ўзи пир, унинг ўзи бошқаларни орқасидан етаклашга қодир, дегани.

Боб мана бундай бир байт билан бошланади:

Азал субҳиким, чекди файёзи жуд,
Бори офаринишқа нақши вужуд[4].

[3] Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 719.
[4] Алишер Навоий. Хамса. – Б. 719.

Маъноси шуки, азал субҳи, демак, тонг саховат файзини (яъни Қуёшни) чекиб (яъни чиқариб), барча яратилган нарсаларга вужуд нақшини чизди. Дабдурустдан, бу табдил билан ҳам китобхон ҳеч нарса тушунмаслиги – тайин. Шоир бу билан нима демоқчи ўзи? Энди бизнинг табдилни бир ёнга суриб, Иноят Махсум баёнини ўқийлик: "Азал тонги сахийлик билан лутфу карам кўрсатиб, барча яратилган нарсаларга мавжудлик тамғасини босди"[1].

Ёмон таржима эмас. Лекин унинг кўмагида ўқувчи Навоий муддаосидан бехабар қолаверса, бундай табдил ҳақида, ўз вазифасини тўла бажарган, дейиш – қийин.

"Азал субҳи" деганининг ўзидаёқ шоир Аллоҳнинг дунёни яратиши пайтини кўзда тутяпти. Лекин мантиқан субҳ, яъни тонгда Қуёш чиқади. Барча нарсалар мавжудлиги кўринади. Шунинг учун "файёзи жуд", яъни сахийлик файзини тарқатувчи Аллоҳ бўлгани билан бадиий маънода уни Қуёшга ўхшатиш ҳам йўқ эмас. Лекин "нақш" сўзи бу ерда бекорга ишлатилдимикан? Нақшбандияга алоқадорлик йўқмикан бу сўз ё байтда? Бир қарашда, ҳеч қандай алоқа – йўқ. Чунки "нақш" сўзи – нақшбандия тариқатисиз ҳам мавжуд ва тилда муайян маънога эга. Бироқ...

Тақдир қаламини қўлида тутган бу зот, яъни Худо, деб давом этади шоир, кўп ажойиб суратлар чизди. Шунинг учун Тангрининг бир оти – "мусаввир" бўлди. Ахир, у эмасми, кавнайн, яъни икки оламнинг суратини чизган?! У чизган тасвир аро кўп ғаройиб ва ажойиб нарсалар – бор. Лекин биргина зарра моҳиятини билиш ҳам одам боласи учун осон эмас. Наинки осон эмас, ҳатто, бунинг имкони ҳам йўқ даражада:

Ул аъжубаларда бўлуб хурдабин,
Анга Ҳақ камолида ортар яқин, –

Ким ўлғай Қуёш сирринг маҳрами, –
Ки бир зарра моҳиятин бир одаме.

Нечукким керак – билмак осон эмас,
Не осон эмас, балки, имкон эмас[2].

Лекин тушкунликка тушиш ярамайди. Агар киши истаса, талаб йўлига қадам қўйса, дунёда ажойибдан ажойиб нарсалар – кўп. Буларни кўриш эса жаҳон кезмай, қийинчиликларни бошдан ўтказмай туриб қўлга кирмайди:

Ва лекин киши зоҳир этса талаб,
Жаҳон ичра кўптур ажабдин ажаб.

Муни кўрмак ўлмас жаҳон кезмайин,
Тааб заҳрин ўз комиға эзмайин[3].

Ана энди шоир бевосита сафарнинг инсонга нима учун кераклиги, унинг дунёни билишдаги аҳамиятини батафсил шарҳлайди:

---

[1] Алишер Навоий. Садди Искандарий. Насрий баёни билан. – Тошкент: 1991. – Б. 643.
[2] Алишер Навоий. Хамса. – Б. 719.
[3] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Сафар заҳмати гарчи душвор эрур,
Тенгиз қаърида дурри шаҳвор эрур.

Муҳит ичра чўммай нечукким наҳанг,
Киши урса бўлғайму гавҳарга чанг?

Катакда қолиб бўрдаған мокиён,
Не маълуми учмоққа суду зиён.

Фалак жавфида ғарқ ўлуб журрабоз,
Пару бол урар чун нишебу фароз.

Демай сайд жониға яғмо қилур, –
Ки оламни яксар тамошо қилур.

Тарона чекар сойир эрканда руд,
Чу турди тараб бирла чекмас суруд.

Валоят ишин қилсалар кимга арз,
Бийикрак мақоми эрур таййи арз.

Сафар қилмаған одами хомдур,
Совуқда тўнгар кимга оромдур.

Фалак сайрдин поя топти баланд,
Сукун қилди туфроғни хору нажанд.

Сафар қилмағанға не огоҳлиқ, –
Ки элга қилур Хизр ҳамроҳлиқ.

Не воқиф киши уйдин олмай қадам, –
Ки не жонфизодур тавофи ҳарам[4].

Энди ана шу келтирилган парчадаги фикрларнинг бир мағзини чақиб кўрайлик.

Сафар енгил иш эмас. Лекин, ахир, дурру гавҳар ҳам – денгиз остида-ку. Денгиз тубига баликдек чўкмай туриб, у гавҳарга етиб бўладими? Ёки катакда семириб ётган мокиён учишнинг фойда-зиёнини қайдан билсин? Нар боз қушни қаранг, осмоннинг тоқигача етиб, пасту баланд учади. Уни, овининг жонига ҳужум этяпти, демайман, чунки у бирваракайига оламни томоша қиляпти. Агар сой бир жойда турганида, бундай шўх шалдираб, куйлаб оқмас эди. Кимки мамлакатни бошқариш ишини бошлаган бўлса, у аввал ана шу ўлкани айланиб чиқсин, шу – энг буюк мартаба. Сафар қилмаган киши – ҳали ҳам хом одам. Чунки кимки бир ерда қимирламай ўтирса, музлаб – тўнгиб қолади. Фалак худди шу сайр қилгани учун баланд мартаба бўлди, Ер сокин бўлгани – қимирламай ўтиргани учун хору паст бўлди. Сафар қилмаган одамда огоҳлик бўлмайди, чунки элга ҳам Хизр ҳамроҳлик қи-

[4] Ўша нашр. – Б. 719 – 720.

лади. Ахир, киши уйидан чиқмай туриб, ҳарамни тавоф қилишнинг қанчалар жонга роҳат эканини қаердан билсин?!

Бу байтлардаги мазмундан ҳам билиниб турибдики, сафар қилиш –тасаввуф учун жуда зарур шартлардан. Оламни билиш – ўзликни англаш учун ҳам, албатта, сафар қилиш – керак. Шоир шундай сафарни маъқуллар экан, бу ерга “кўнгул” деган тушунчани ҳам қистириб ўтишни унутмайди:

Хуш улким, кўнгулга кушод истабон,
Қўпуб азм қилғай мурод истабон.

Фано тайласонини қилғай кафан,
Кафан бас анга, балки, гарди миҳан.

Тажарруд хиромиға роғиб бўлуб,
Таваккул самандига рокиб бўлуб.

Сароби фано жўйбори анинг,
Самуми бало лолазори анинг.

Аёқтин боши шавқ ўти ичра ғарқ,
Итик пўяда секриб андоққи барқ.

Тани чайқалиб кўнгли топокидин,
Ул ўт бош уруб жисми хошокидин.

Қабарчуқ кафи пойида ҳар тараф,
Тўла дурри мақсуд ила икки каф.

Ёрилғач, суйи, дема, ҳар ён томиб,
Фано абридин дурри ғалтон томиб.

Дема дурри ғалтонки, ҳайвон суйи,
Аёқда тўла ҳар тараф жон суйи.

Ёруғким тобонин қилиб чоклиғ,
Ясаб оби ҳайвон оқарға ариғ,

Хизир айласа пойбўсин ҳавас,
Ғараз ичмаги оби ҳайвону бас.

Не бийми малолат, не хавфи алам,
Бу янглиғ етиб, қилса тавфи ҳарам.

Иё мукриму ҳужра тайёр анга,
Карамдин эмас бермамак бор анга.

Бу янглиғ азиз улки, меҳмони – бор,
Қачон мезбон бўлмай имкони – бор?

Бу янглиғ сафар кимгаки берса даст,
Нетар хилват ичра бўлуб пойбаст[1].

Шу билан шоир ўша сарлавҳадаги биринчи сафарни тушунтириб беради. Бу – оламни билиш маъносидаги сафар ҳақида. Сафарлар ичида бундан буюк мақом – йўқ, дейди шоир ва кейин агар шундай сафар насиб қилмаса, нима қилмоқ кераклиги ҳақидаги фикрларини баён этади:

Сафар ичра мундин бийик йўқ мақом
Ва гар кимсага даст бермас бу ком,

Ямон эрмас ул ҳамки озодае,
Миён бастае, йўлға омодае.

Қадам тортқан халқ аввобидин,
Этак силкиб олам асбобидин.

Бўлуб жузвдони аниси анинг,
Китоби рафиқу жалиси анинг.

Жаҳон аҳлида чун вафо кўрмайин,
Жаҳондин дағи жуз бало кўрмайин,

Қилиб майл олам тамошосиға,
Фано мулкига, фақр саҳросиға.

Қўпуб гом уруб фарзу фарзонавор,
Қилиб дашт қатъини девонавор.

Солиб ҳар нечук ергаким, етса кўз,
Эшитиб яна борча эл ичра сўз.

Кўруб ҳар машаққатда хосияте,
Топиб ҳар мазаллатда кайфияте.

---

[1] Ўша нашр. – Б. 720. Ана шу охирги байтнинг Иноят Махсум қаламига мансуб: *“Бу янглиғ сафар кимга муяссар бўлса, унинг кимсасиз, хилват жойларда боғланиб ўтиришининг нимага кераги* – бор?” – деган насрий баёнини Абдувоҳид Ҳайит тубандагича таҳлил этади: *“Табдилни синчиклаб кузатганда шоир айтган “хилват” билан табдилчининг “хилват жойлари” икки хил тушунчалар эканлигини кўришимиз* – мумкин. Навоий “хилват”и замирида нақшбандия таълимотининг икки шарти: “Сафар – дар ватан” ва “Хилват – дар анжуман” яширинган бўлиб, унда хилватга нисбатан инкор эмас, балки хилватда фақат тоат-ибодат билан машғул шахс – зоҳидга нисбатан инкор маъноси – мавжуд. Бунга боб контекстини синчиклаб кузатган ўқувчи ишонч ҳосил қилиши мумкин. Шу жиҳатдан табдилчининг “хилват жойлари” шоир кўзда тутган “хилват”нинг тўла маънода аксидир*”* (Ҳ а й и т о в А. “Садди Искандарий” достонини насрий баён билан қиёслаб ўрганиш. Диплом иши. – ТошкентНашриётсиз, 1993. – Б. 87).

Зилоле тилаб кўнглининг тобиға,
Табибе сўраб дарди ноёбиға,

Ўзин борча хайл ичра туз еткуруб,
Бори тузлар олниға юз еткуруб.

Агар етса сарвақтиға комиле,
Фалакдек фалаксайру равшандиле.

Қўюб заррадек сайру саргашталик,
Этак чун топиб, олмай андин илик.

Анинг хизматидин қушоде топиб,
Худо рўзий этса, муроде топиб.

Бу янглиғ сафар доғи марғубдур,
Бу ҳам бўлмаса, ул дағи хубдур[1].

Хўш, шоир бу сафар таърифида нималарга эътибор беради? Биринчидан, бундай сафарга отланган киши оламдан қўл силкиб, белини маҳкам боғлаб, йўлга равона бўлади, у олам-томошасига майл туфайли фано мамлакатига – фақр саҳросига қадам қўяди. Демак, бу – аниқ сўфийнинг сафари. Иккинчидан, у бу йўлни якка – "фарду фарзона" кезади. Учинчидан, у бу йўлда нимаики машаққат ё мазаллат кўрса, унинг хосияти ва кайфиятини билиб боради. Демак, у моҳият излайди бу ҳаётдан. Тўртинчидан, бу йўловчи кўнглининг дардига даво ахтаради. Бешинчидан, у фалакдек сайр қилувчи, лекин унинг дили равшан – пок. Олтинчидан, бу йўловчи бир этак топса, яъни бир пир этагини ушласа, ундан қўлини бўшатмайди. Ўшанга хизмат қилиш орқали ниятига етади. Худо йўл берса, шу тариқа муроди ҳосил бўлади ҳам. Бундай сафар жуда маъқул. Кўриниб турибдики, тасаввуф йўлидаги сафар – бу.

Унда биринчи – шаклан ҳам юртма-юрт кезиш тарғиб қилинган сафар ниманинг рамзи эди?

Келинг, аввал учинчи сафар талқинига ҳам қулоқ солайлик. Олдин келтирганимиз парча охирида ана шу учинчи тур сафар ҳақида гап бошланган эди ва у мана бундай давом этади:

Ки тортиб Скандар масаллик сипоҳ,
Бўлурга ети кишвар аҳлиға шоҳ.

Қаёнким азимат қилиб фатҳ этиб,
Қилиб ҳар тараф майл, нусрат етиб.

Бўлуб гаҳ Ажам мулки тасхир анга,
Мусаллам бўлуб гоҳ Кашмир анга.

Ғаройиб ниҳоятдин афзун кўруб,
Ажиб амр ғоятдин афзун кўруб.

[1] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Чу бир-бир келиб ком ҳар дам анга,
Бўлуб рубъи маскун мусаллам анга.

Жаҳон мулкига ҳукм шоҳий топиб,
Бу шаҳлиғин маҳ то ба моҳи топиб[2].

Демак, учинчи сафар мамлакатни эгаллаш – Искандарга ўхшаб жаҳонгир бўлиш. Хулосалаб айтиш мумкинки, биринчи сафарда киши кўради, иккинчи сафарда ҳис этади, учинчи сафарда эса эгалик қилади.

Бобдан англашиладиган бош ҳикмат – шу.

Хўп, энди тасаввуф нуқтаи назаридан мушоҳада қилиб кўрайлик, қани, шоирнинг бу жиҳатдан муддаоси не экан? Ахир, у шунчаки уч тур сафарни бирдай мақтаб ўтиб кетавермаса керак? Бу билан ниманидир пинҳона уқтириб ўтмаса эди, "Садди Искандарий"дек бир дақиқ фалсафий достонга бу боб бир узвий ҳалқа бўлиб киритилмас эди-да.

Маълумки, тасаввуф Навоийда уч босқичли ҳаракат тарзида талқин этилади. Биринчиси – шариат. Бунда Қуръоннинг зоҳирий жиҳатлари ўрганилади ва унинг юза – ҳаммабоп маънолари асосида амаллар ижро этилади. Қуръоннинг зоҳирий маъноларини ўрганувчи соҳалар эса "зоҳирий илмлар" деб ҳам юритилади. Шунинг учун "илми зоҳир" деганда табиий фанларнигина тушуниб кетавериш тўғри эмас[3]. Агар одам Қуръоннинг маъноларини англаб, шариатга тўла амал қилса, комил мусулмон бўлади. Ана энди у, боб сарлавҳасида қайд этилганидек, "мақсад ҳарамиға муҳтарам"га айланади. Иккинчи босқич – тариқат. Энди бунда инсон ўз олдига муайян мақсад қўяди, шу нияти йўлида нимаеки машаққат бўлса – ҳатто, ҳаёт бош билан юришни тақозо этса ҳам, бўйнига олади. Бунда у бир пир этагини тутади, пир унга йўл кўрсатади. Сарлавҳада айтилганидек, "муршиди комил иршоди била такмил топади". Учинчи босқич – ҳақиқат. Ана шу шариат ва тариқат қоидаларини бекаму кўст бажарган солик охири ҳақиқатни топади. Ҳаққа етади, жаҳонни эгаллагандек бўлади, сарлавҳада айтилганидек – "жаҳон мулкини олади".

Демак, Навоий шариат қоидалари, тариқат расм-русумлари ва ҳақиқат қонун-қоидаларини бажаришнинг барини "сафар" деб атаяпти. Шунинг учун асардаги сафарни шунчаки бир қуруқ тушунча янглиғ англамаслик керак. Сафар – "Садди Искандарий"да энг асосий рамзий тимсоллардан бири. Сафар тасаввуф истилоҳотида Навоийгача ҳам бор тимсол эди. Демак, нақшбандия тариқатининг мавжуд ўн бир шиоридан бири бежиз "Сафар – дар ватан" тарзида ўта рамзий-тимсолий ифода этилмаган экан, деган хулосага келади "Садди Искандарий"нинг таҳлил этилаётган 36-бобини ўқиган киши.

Ҳаракатда – баракат

Хўш, "Сафар – дар ватан"нинг моҳиятини қандай тушуниш – керак?

Келинг, авввал ана шу "Садди Искандарий"дан кейинги – 37-бобни ўқийлик, зора саволимизга жавобми ва ё шунга яқин ишораларми топилиб қолса...

"Садди Искандарий"даги тўрт боб бирлиги анъанасига кўра, ана шу яхлитликдаги учинчи боб – ҳикоят. У достонда 37-боб бўлиб келган. Сарлавҳаси – тубандагича: "Икки рафиқ ҳикоятиким, бири сайрдин, Қуёш сипеҳр кишварида шоҳ бўлғандек, мулк салтанатиға етти

[2] Ўша нашр. – Б. 720 – 721.
[3] Бу ҳақда қаранг: О л и м С. Тафаккур – кўнгил калити. / Тафаккур, 1995 йил, № 1.

ва бири сукундин Ер олам аҳлиға лагадкўб бўлғандек, хоксорлиқ ҳосил этти, бу ҳам то гарддек ҳаракат этмади, туфроқдин кўпуб, олий мақомға етмади”[1]. Ана энди бу ҳикоятда сафарнинг уч тури эмас, икки тури: биринчиси – сафар орқали, худди Қуёш осмон мамлакатига шоҳ бўлганидек, мамлакат салтанатига етгани; иккинчиси – сукундан, яъни сафарнинг акси – бир жойдан қимирламай ўтиришдан Ердек хоксор бўлгани, лекин, токи худди гард, яъни чангдек, бу ҳам ердан ҳаракат этмагунча олий мақомга етмагани солиштириляпти. Демак, аслида, ана шу сокинликда ўтирган одамда ҳам сафар – бор, бусиз мақсадга етиб бўлмайди.

Хўш, бу қандай сафар бўлдийкин?

Ҳикоят шундай сўзлайдики, Хуросонда тирикчилик ниҳоятда оғир келиб қолган замонларда яшаган икки биродар бўлган экан. Улар яшашнинг бир-бирига тамом тескари икки йўлини танлабди:

Бири қилмайин тарк мулку диёр,
Бири қилди лекин сафар ихтиёр[2].

Хўш, бири сафарга чиққан, бири ўз юртида муқим бўлиб қолган бу икки ўртоқнинг кейинги аҳволи қандай кечади? Мужовир, яъни юртда қолганига даврон кўп зорликлар солди. Мусофир эса айнан сафарга чиққани учун кўп рағбат топди:

Мусофир сафарга топиб ихтисос,
Бурун худ мазаллатдин ўлди халос.

Кўруб ҳардам амре бағоят ажиб,
Ани тортибон элтур эрди насиб, –

Ки тушти гузаргоҳи Юнон сори,
Етишти ўлук – оби ҳайвон сори.

Ере кўрди туфроғи ҳикматсиришт,
Магар ҳикмат эрди анга сарнавишт.

Неча вақт анда мақом айлади,
Билик касбига эҳтиром айлади.

Мусоҳиб бўлуб аҳли ҳикмат била,
Басе илм касб этти рағбат била.

Не қилғоли кимгаки ниятдурур,
Бурун шарт анга қобилиятдурур.

Чу қобил эди, топти беҳад вуқуф, –
Ки ҳикматда бўлди жаҳон файласуф[3].

[1] Алишер Навоий. Хамса. – 721.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[3] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Демак, Юнон ҳикмат юрти экан. Буни “Фарҳод ва Ширин”даги Фарҳоднинг Юнонга саёҳати тасвирларидан ҳам биламиз[4]. Таҳлил этилаётган ҳикоятдаги йигит ҳам, худди Фарҳод каби, кўп аҳли ҳикмат, яъни файласуфлар билан суҳбатлар қуради. Энг муҳими, Навоий бу ҳикоятда ҳам, монографиямизнинг “Тасаввуф – нима?” фаслида таҳлил қилинган ғазалда айтганидаги каби, қобилият – истеъдод зарурлигини таъкидлайди. Жаҳонга танилган файласуф бўлиши учун йигитга сайр ёрдам беради. Ҳикоят охирида тасвирланишича, у саёҳатини давом эттириб, Ҳинд мамлакатига етади. Ҳиндистон подшоҳи кўр бўлиб қолган эди. У: “Агар кимки кўзимни очса, уни ўзимга фарзанд қилиб оламан”, – деб ваъда берган эди. Доно йигит бир-икки кунда шоҳнинг кўзини очди. Шоҳ ваъдасида туриб, уни ўзига фарзанд қилиб олди. У вафот этганидан кейин эса шоҳлик ўша ҳаким йигитга насиб этди.

Юртда қолиб, хору зор кун кечираётган ўртоғи дўстининг шоҳ бўлганини эшитиб, Ҳиндистон сари йўл солади. Унинг ҳам сафар қилишдан бошқа чораси қолмаган эди. Ўртоғи уни ўзига вазир қилиб олади. Бу йигит ўз мамлакатида-ку хору зор яшар эди, бу ерга келиб эса вазир бўлди. Шу ҳам сафарнинг хосиятидан:

Чу мулкида афтодау зор эди,
Улус оллида дам-бадам хор эди.

Назоратдин ўлмоқ рафоҳияти,
Бу доғи эди сайр хосияти[5].

Аммо бу икки ўртоқ сайри орасида кескин фарқ – бор, яъни аввалгисининг сафари комил эди учун у шоҳ бўлди:

Чу аввалғининг сайри комил эди,
Анга салтанат амри шомил эди[6].

Бу-ку – бир ҳикоят. Бироқ шоирнинг мақсади – ана шу ҳаётий воқеа асосида ҳам тасаввуфий бир фикрни ўтказиб олиш:

Киши ўзлуки мулкидин қилса сайр,
Анга оқибат айласун Тенгри хайр[7].

Боб, яъни ҳикоят ана шу хулосавий байт билан якун топади. Бироқ тўрт бобдан иборат силсиланинг хулосаси – “Ҳикмат” деб аталган 38-боб. Унга шоир шундай сарлавҳа қўяди: “Искандарнинг Арастудин саволи ул бобдаким, чун сафар мужиби шиддатдур, ҳикмат аҳлидин анга нега рухсатдур ва жавоб эшитмак”[8].

Искандар Арастудан шундай деб сўрайди:

---

[4] Бу ҳақда қаранг: И м о м н а з а р о в М. Ҳақиқат ва мажоз. 2-мақола. Фарҳоднинг Юнонга сафари / Шарқ юлдузи, 1990 йил, № 4. – Б. 147–152; К о м и л о в Н. Суқрот – комил инсон тимсоли. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 йил, 27 сентябрь.

[5] Алишер Н а в о и й. Хамса. – Б. 722.

[6] Ўша нашр. – Б. Ўша.

[7] Ўша нашр. – Б. Ўша.

[8] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Ҳазарда бўлур кому осудалиқ,
Сафарда вале ранжу фарсудалиқ.

Чу табъ анда ранжуру ожиздурур,
Недин шуғли ҳикматда жоиздурур?[1]

Ҳазар – сокинлик, сафарнинг акси, бир жойдан жилмаслик. Ҳазарда киши мақсадига етиши – мумкин, яъни осудалик унга насиб этади. Лекин сафарда қанча ранж чекишга, азоб-уқубат кўришга тўғри келади. Шунга қарамай, нега илми ҳикматда, сафар – жоиз, деб айтилади? Жавобда эса Арасту сафарнинг фазилатларини бир-бир санайди:

...Буким сайр аро элга етгай малол,
Анинг рухсатидур маҳалли савол,

Вале мунда сирри ниҳоний эрур, –
Ки нафъи анинг жовидоний эрур, –

Ки ҳар ранждин сўнг бўлур роҳате,
Таабсиз муяссар эмас ишрате[2].

Демак, сафарда бир сир-синоат – яширин. Унинг фойдаси – абадий. Шуниси аниққи, ҳар ранж-машаққатдан кейин роҳат ҳам бўлади. Ҳеч бир ишрат машаққатсиз қўлга кирмайди. Халқ билиб айтган-ку: “Жон куйдирмасанг, жонона – қайда?” Энди бунинг исботига қулоқ тутайлик:

Таомеки, ул мужиби комдур,
Гар ўт ранжини тортмас – хомдур.

Не олтунки, бор элга дилкашлиғи,
Ўт ичра бўлубтур жудо ғашлиги.

Сафарким, машаққатда келди сақар,
Анинг ўтида кимса тутмаи мақар,

Ҳамоно анга озмойиш куни,
Эмас поку холис вужуд олтуни.

Чу ҳар неча ўт бўлса сўзандароқ,
Гудоз ичра олтун фурўзандароқ.

Сафар ўтини айлаган ихтиёр,
Вужуд олтунин қилди комил иёр.

Кетурса биров имтиҳондин маҳақ,
Иёри аро топмағай ҳеч шақ.

[1] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Яна андин ўлди сафар рухсати,
Ки элнинг эрур мужиби сиҳҳати.

Нединким, сафарға киши урса гом,
Тараддуд эрур мужиби инҳизом.

Ғизо ҳазмиға табъ чун бўлди чуст,
Киши бу жиҳатдин бўлур тандуруст[3].

Бу байтларда айтилган фикрларни ёймасдан ўтишнинг иложи йўқ. Ҳар қандай таом то ўтга кирмагунча – хом. Олтин ҳам ўтда пишиб чиққани учун одамлар эъзозига сазовор – харидоргир. Киши вужуди ҳам шунга ўхшайди: токи ўтда пишмаса, таомдек хомлигича қолаверади. Вужуд олтинини ҳам сафар машаққатида пишитиб, тилло каби поклаш – керак. Сафарнинг тан саломатлиги учун ҳам кўп фойдаси – бор.

Арасту сафарнинг яна бир фазилатини айтади. Инсон саломатлиги учун ҳар доим бир хил сув билан ҳаводан фойдаланавериш – зарарли. Шунинг учун унда-бунда суву ҳавони алмаштириб туриш – керак. Бу эса сафар йўли билан амалга ошиши – мумкин. Шу боис ақл эгалари кишига сафар қилиш учун рухсат берадилар.

Асл нақшбанд – ким?

Навоий бу бобларда инсоннинг руҳий сафари билан жисмоний сафарини бир-бирига чамбарчас боғлаб юборади. Бу – унга жуда керак. Чунки, шоирнинг бошқа достонларидаги каби, “Садди Искандарийда” ҳам ҳар бир боб – асарнинг умумий руҳига жуда-жуда вобаста. Ана шу шартли равишда “силсила” деб олганимиз тўрт бобда сафар масаласининг кўтарилиши ҳам бизнинг тор таҳлилимиз доирасидан чиқиб, умумасар миқёсида қарашга ундайдиган мулоҳазаларни ҳам талаб этади.

Ҳозир: “Нега шоир айнан ана шу тўрт бобдан иборат силсилада, яъни 35 – 38-бобларда сафар масаласига бунчалар алоҳида эътибор берди ёки бу силсиланинг достонда тутган ўрни – нимадан иборат?” – деган саволга жавоб беришнинг мавриди эмас.

Шуни унутмаслик – керакки, сафар масаласи фақат достоннинг ана шу тўрт бобидагина ўртага қўйилган эмас. Достоннинг 61-бобига келиб бу масала яна кўтарилади. Энди бу ерда сафар тўла ва бевосита нақшбандия таълимоти нуқтаи назаридан таҳлилу талқин этилади. Сарлавҳани тушуниб олишнинг ўзиёқ – бир муҳим вазифа. Унга Қуръони каримдан келиб чиқиб, теран ёндашиш – керак. Бироқ ҳозир сарлавҳага нақшбандия ғояларининг қандай қилиб сингдириб юборилганинигина кузатайлик. “Басират кўзларин айн ул-ҳаёт кўҳли ёрутқанлар бобидаким, қаён боқсалар, офариниш ғаройибин мушоҳада қилурлар ва мубдии корсоз ва мухтарии банданавоз сунъиға офарин айтурлар ва одами хокий хилқати сўзиким, “Хамиру тинага одама бияди арбаина сабоҳан” дастбурди била суратпазир бўлди, “Валақад каррамно бани одама” парвариши била тахти хилофатгир”[4], – деган сарлавҳадан ҳам билса бўладики, бу боб – басират, яъни ўткирлик ёки моҳиятга етиш кўзлари ёришган кишилар ҳақида. Бундай одамлар ниманики кўрса, Яратганга ғаройиб иши учун таҳсин ўқийди. Бошқача айтганда, улар ҳар бир нарсада Худони кўради. Бу – тасаввуфда етиш-

[3] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[4] Ўша нашр. – Б. 788.

ганлик, яъни комиллик белгиларидан бири. Бундай одамларда қалб кўзи очилган бўлади. Қалбда эса Аллоҳ акс этади.

Хўш, бунинг сафарга қандай алоқаси – бор?

Боб бошида басират кўзини очган одамгина ўзини "маъни аҳли"дан деб ҳисоблаши мумкинлиги, унга нимаеки кўринса, унга, Сураткаш, яъни Аллоҳнинг санъати, деб қараши ҳақида сўз юритилиб, фикрлар шундай давом эттирилади:

Қаю нақш аро кўрса бир чошни,
Анинг сониъи билса наққошни.

Не пайкарки ороста кўрса ул,
Анинг пайкароройиға топса йўл[1].

Демак, одам қай нақшни кўрса, Наққош, яъни Худони унинг яратувчиси, деб билса, бирон чиройли пайкарга кўзи тушса, ўша пайкарни ясаган, яъни Тангри сари йўл топса... Чунки:

Ғараз нақшедин бўлмаса нақшбанд,
Киши нақшдин бўлмағай баҳраманд[2].

"Нақшбанд" сўзи бу ерда ўз маъносида ишлатилиб, нақш солувчини англатиб келган. Бир қарашда, унда Хожа Баҳоуддин ҳазратга ҳеч бир ишора – йўқдек. Чунки: "Ҳар бир нақшдан мақсад – нақшбанд" – сўзлари орқали, ҳар бир суратдан мақсад – ўша суратни чизган киши, дейилмоқчи. Бу нақшларнинг нақш боғловчиси – нақшбанди ким? Албатта, гап бутун мавжудот, жамики борлиқ ҳақида кетаётгани учун асл нақшбанд – Аллоҳнинг ўзи!

Аллоҳни нақш билан боғлаб тасвирлаш Навоийнинг бошқа асарларида ҳам – бор. Шоир, ҳаттоки, бу оламда нақш ҳам, наққош ҳам, манқуш, яъни нақшланган зот ҳам Аллоҳнинг ўзи эканини, бу сирни ҳеч ким унингчалик фош қилмаганини айтади. "Фарҳод ва Ширин"да:

Ажаб суратки, бир наққоши моҳир,
Бўлур юз навъ сурат бирла зоҳир.

Ўзи нақшу ўзи манқушу наққош.
Киши бу сирни мендек қилмади фош[3].

Демак, гарчанд Баҳоуддиннинг лақаблари бевосита касбу корларидан келиб чиқиб танланган бўлса ҳам, моҳиятан бу тахаллуснинг кўп дақиқ маънолари ҳам мавжуд экан. Дунёдаги ҳар бир нақшдан нақшбандни, яъни Худони англаш фалсафаси бу улуғ авлиёуллоҳ лақабининг чуқур-чуқур маъновий жилолари борлигидан далолат беради. Бу лақаб маъносини "Аллоҳни кўнгилга нақш этиш" деб талқин қилиш ҳам – тўғри.

---

[1] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[3] Алишер Навоий. Хамса. – Б. 150.

Кўнгил – ганжина

Тангрини Навоий юз бир сўз билан ифодалаши мумкин эди. Аммо шу ерга келганда шоир уни “нақшбанд” деган истиора билан англатади. Чунки бу ифода –муаллиф муддаосига жуда мос. Негаки шоир бедард эмас. Унинг дарди – бу бобда зимдан сафар масаласини нақшбандия ақидаси нуқтаи назаридан шарҳлаб ўтиш. Шунинг учун бобда ҳар бир заррада Аллоҳни, унинг яратувчилик маҳоратини кўриш, шу тариқа оламнинг бир куч тарафидан бунёд этилганию унда ҳамма нарсанинг бир-бирига узвий боғлиқлиги, борлиқнинг бир бутунлиги ҳақидаги қарашларнинг бадиий-фалсафий тасвири давом этиб келади-да, айтиладики, изтироб чекмай туриб оламга назар айлаган киши бу дунёда бир тоб берилган ип топа олмайди. Мабодо, ана шундай ип топса ҳам, агар унинг ҳикмати бўлмаса, шу ипнинг яратилиш санъати сирини тушуниб етмайди. Демак, дунёнинг сирларини билиш учун кўп меҳнат-машаққат чекиш, илму ҳикмат ўрганиш – зарур. Бироқ, шуниси ҳам борки, кўз тушган ерни юриб бориб кўриб келиш шарт эмас:

Ёрутқонға тавфиқ кўҳли басар,
Қаён тушса кўз ҳожат эрмас гузар[4].

Бу – айнан “Сафар – дар ватан” шиорининг ўзгинаси! Шоир зимдан, яъни шиорнинг ўзини тилга олмасдан ана шу машҳур ақида таҳлилини давом эттиради:

Кишиким ғаройиб қилур орзу,
Не лозимки, қилғай юруб жустужў.

Гаҳи манзили бўлғай Ақсойи Чин,
Гаҳи тортқай ранжи Мағрибзамин.

Гаҳи Ҳинд мулкида бўлғай залил,
Таажжубда кўрмакка товусу пил,

Араб барриға гаҳ бўлуб тезгард,
Шутур мурғ кўрмакка водинавард[5].

Дейилмоқчики, дунё ғаройиботларидан тўла бохабар бўлишни орзу қилган киши юрт-ма-юрт юриб, мамлакатма-мамлакат кезиши шарт эмас. Нега? Чунки:

Назар қилса топқон басират кўзи,
Эрур бу боридин ажаброқ ўзи[6].

Ҳа, басират, яъни ўткирлик ёки қалб кўзи билан дунёга назар ташлаш – уни кезиб, айланиб чиқишдан кўра кўп афзал. Бунинг учун эса инсон ўз авзойига бошдан-оёқ боқиши – керак. Не-не тимсолу бой-бой маъниларнинг ҳаммаси – унинг ўзида жам-ку:

---

[4] Ўша нашр. – Б. 788.
[5] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[6] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Ўз авзойиға боқса сар то қадам,
Топар, айласа яхши андиша ҳам, –

Ки турфа тимсол эрур дилписанд,
Анинг зимнида маънийи аржуманд[1].

Шоир “тимсол” ва “маъни” сўзларини ҳам бекорга ишлатаётгани – йўқ. Кейинги байтда ана шу тимсол ва маънини бир-бир шарҳламоқчи эканини ҳам айтади:

Бурун айлайин шарҳ тимсолини,
Дейин сўнгра маъносининг ҳолини[2].

Хўш, тимсол – нима ёки ким? Ислом ва тасаввуфдан, ирфоний бадиий адабиётда орзу этилган қаҳрамон кимлигидан бехабар одам мана бу байтлар мазмунини англаши – жуда мушкул:

Не тимсолки, дурри дарёйи жуд,
Не дарёу дур, сарви боғи вужуд.

Боши узра тожи хилофат келиб,
Ҳамул тож уза лаъли рафъат келиб.

Жабинида пероййи шоҳлиқ,
Қоши узра туғройи огоҳлиқ.

Кўзидин аён нури айн ул-яқин,
Сочида ниҳон тоби ҳабл ул-матин.

Жамолида аввори шоҳаншаҳий,
Каломида эъжози руҳуллаҳий.

Қўлидин гаҳи меҳри гардун намой,
Гаҳи бармоғидин ики пора Ой.

Қилиб тийнатин қудрат илги хамир,
Ҳамул қўл била шакли суратпазир.

Ҳақ ўз қудратин ошкоро қилиб,
Жамолин анинг оламоро қилиб,

Ҳакими азал турфа жисме ясаб,
Демай жисм, мушкул тилисме ясаб.

[1] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[2] Ўша нашр. – Б. 789.

Тузуб ул тилисм ичра кўп тору пуд, –
Ки эгнига солиб либоси вужуд.

Ясаб сунъ ила ўзга бир оламе,
Ҳақиқат аро ақлдин мубҳаме.

Бу эрди намудору тимсол анга,
Дейин эмди маънисидин ҳол анга[3].

Бошида халифалик тожи, пешонасида шоҳлик зийнати, қоши узра огоҳлик хати – чизиғи, кўзида билиш нури, сочида боғланиш ипи, жамолида шоҳларнинг шоҳи эканлигининг нури, сўзида Аллоҳнинг руҳи (бўлмиш Исонинг мўъжизаси) яширин, қўлидан гоҳида (Мусо алайҳиссалом мўъжизаси каби) Қуёш порлайдиган, гоҳида бармоғи ойни икки бўлак қиладиган зот ким? Албатта, Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.)! Демак, шоир жаноби расулимиз(с. а. в.)ни комил инсонликнинг энг олий намунаси тарзида таърифлаяпти. Китобхонга: “Ўзингга бошдан оёқ разм сол!” – деганда, уқтирмоқчики, ахир, одамлар орасидан Муҳаммад пайғамбардек комил инсон чиққан экан, умматлар ҳам у кишига ўхшашга интилиши, шуни орзу қилиши лозим. Пайғамбар(с. а. в.) – бу дунёнинг энг кўп сирини билган ягона зот. Бироқ бошқа одамларда ҳам комиллик сари интилиш имкони – мавжуд. Пайғамбар вужудида Аллоҳ бир тилсим пинҳон этган. Бунинг маъносини эса шоир мана бундай шарҳлайди:

Бу янглиғ тилисм ўлғач ороста,
Тамом уйлаким моҳи нокоста.

Ҳакимеки, айлаб анинг созини,
Ниҳон айлабон махзани розини.

Ҳамул ганжким, топмай аҳли жаҳон,
Ани бу тилисм ичра ул айлаб ниҳон.

Чу ул ганжини анда мактум этиб,
Халойиққа сиррини маъдум этиб[4].

Бу тилсим – нима? Кўнгил! Шоир уни, Яратган ҳаким, яъни Аллоҳ кўнгилда ўз сирлари хазинасини яширган, деб таърифлаяпти. Навоий ижодидан, хусусан, унинг достонларидаги кўнгил таърифида келган анъанавий боблардан яхши бохабар киши “Садди Искандарий”нинг таҳлил этилаётган 61-бобидаги бу байтлар маъносини тез англайди. Аллоҳни кўнглида тўла акс эттирган энг комил инсон эса Муҳаммад (с. а. в.) эдилар.

Хўш, бу мулоҳазаю мушоҳадаларнинг “Садди Искандарий” бош қаҳрамони Искандарга қандай алоқаси – бор, дерсиз? Шундай алоқаси –борки...

Шоҳ – ким? Дунёни забт этган жаҳонгирми? Йўқ, дейди шоир, ўз кўнглини забт этган одам – шоҳ:

[3] Ўша нашр. – Б Ўша.
[4] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Кишиким бу ганжинаға топти йўл,
Жаҳон аҳлининг шоҳи ул бўлди, ул[1].

Ганжина эса, биласиз – кўнгил. Шоир ружуъ санъати асосида кўнгилни "ганжина" дегани фикридан ҳам қайтади-да, уни денгизга, йўқ-йўқ, денгиз эмас, тўққиз осмонга ўхшатади. Чунки қодир Эгам –бир қатрада денгизни акс эттириш салоҳиятига эга. Кичкинагина кўнгилда бутун олам, демакки, Аллоҳнинг ўзи ҳам бемалол акс этиши мумкин. Дунёда бундан-да ғаройиброқ нарсанинг ўзи – йўқ:

Дема ганжким, етти дарё, дегил,
Не дарё, тўқуз чархи воло, дегил.

Таолаллаҳ – ул Холиқи Моҳу Меҳр,
Қаю Моҳ ила Меҳр, гардонсипеҳр, –

Ки бир қатрада қилди дарё ниҳон,
Суҳо зимнида чархи аъло ниҳон.

Кишиким ғаройибдин истар насиб,
Нима топмоқ ўлғайму мундин ғариб[2]!

Бобнинг энг муҳим жойи – сўнгги икки байти:

Ғаройибқа ҳар кимки хоҳон эрур,
Ҳам ўзида мақсуди пинҳон эрур.

Не маъники истар ўзинда топар,
Жаҳонда кезарнинг не маъниси – бор[3]?! (789).

Ёддан чиқармайликки, Навоий бу ўткир хулосасини Искандари Зулқарнайн, яъни тиғ билан Ерy сувни забт этган жаҳонгир ҳақидаги асарида айтяпти. Демак, Аллоҳ ва оламнинг сирру синоатини билиш учун жаҳонни забт этиш, дунёни бир бошдан кезиб чиқиш шарт эмас. Киши Ер юзини эгаллагани билан чинакам шоҳ бўлолмайди. Ҳақиқий шоҳ – ўз кўнглини забт эта олган инсон!

Осмоннинг тўққизталиги ҳақидаги фикр "Фарҳод ва Ширин"нинг Хусрав Деҳлавий таърифида келган байтлари орасида ҳам тилга олинади:

Маоний бағриға анфосидин мавж, –
Ки ул мавж остиға қолиб тўқуз авж[4].

Бу ерда, аслида, "баландлик" маъносини англатувчи "авж" сўзи мажозан осмонни билдириб келган.

[1] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[3] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 28.

Нақшбандиядаги “Сафар – дар ватан” шиорининг моҳияти, қаранг, буюк шоирга қандай зўр ғояларни илгари суриш учун имкон берган. Тўғри, бундан олдинги – 60-боб якунида шоир лирик чекиниш қилиб, “ватан” сўзини ишлатган эди:

Навоий, чу ғурбатда сен шод бўл!
Ватан ёди ранжидин озод бўл!

Агар Шарқу Ғарб ўлса манзил санга,
Не ғам, ком агар бўлса ҳосил санга[5].

Ғурбат – ватандан йироқлик, бугунги тил билан ифодалаганда, мусофирлик. Бундай пайтда, табиийки, киши ўз юртини қўмсайди, “ватан ёди” билан “ранж” чекади. Лекин шоирнинг лирик қаҳрамони учун Шарқдами, Ғарбдами манзил тутганининг унчалар аҳамияти йўқ. Чунки, қайси ерда турганидан қатъи назар, унинг мақсади – коми ҳосил бўлса, бас! Шоир шеърхоннинг тезфаҳм зеҳнини бир зумда ўз маъносидаги “ватан” тушунчасидан ўзга маънодаги “ватан” тушунчасига кўчиради. “Сафар – дар ватан”даги “ватан” сўзи эса ана шу кўчма маънода инсоннинг кўнглини ҳам билдиради, бу ақида талабига кўра, солик тинимсиз кўнгил сари сафарда бўлиши – лозим. Бу ғоянинг кенгроқ талқинини кейинги – 61-бобда кўрган эдик. Шоир унда “сафар” ё “ватан” сўзларини сира ишлатмай ҳам моҳиятан усталик билан “Сафар – дар ватан” ақидасини ўтказади. 62-бобдаги балиқлар ҳақида келган ҳикоят ҳам, 63-бобдаги Искандарнинг Арасту билан савол-жавоби ҳам ана шу ақида шарҳига бағишланган. Сўз узайиб кетмасин учун бу ерда уларга махсус тўхтаб ўтирмаймиз. Фақат шунигина таъкидлаш керакки, балиқлар ҳақидаги ҳикоят сўнгида шоир китобхонга, ҳамма ажойибот – ўзингда мавжуд, шунинг учун ҳар хил ажойибларнинг кетидан қувиб юрмасдан, охирида пушаймон бўлиб қолмасликни истасанг, ўзингни билиб, йўлга қадам қўй, деб насиҳат қилади. Йўл эса, биласиз, кўнгилни англашни билдиради. Кўнгил эса фақат тасаввуф орқалигина англанади.

Навоийнинг “Садди Искандарий”да илгари сурган яна бир муҳим хулосасини шу ерда айтиб ўтиш ўринли кўринади. Буюкликнинг энг олий мақоми – оламга подшоҳ бўлиш. Лекин, ахир, бутун оламга шоҳ бўлиш муайян замонда фақат биргина одамга насиб этиши – мумкин, холос. Хўш, нима қилиш – керак? Йўқ, ҳар бир киши ҳам бу оламга подшоҳ бўлиши мумкин! Қандай қилиб? Ўз кўнглини забт этиш орқали! Кўнгилни забт этиш эса олам подшоҳлигидан минг-минг чандон зўр. Сабаби шуки, олам шоҳи – фақат еру сувга, жамики элу улусга ҳукмдор. Лекин кўнгил мамлакатини забт этган комил инсон эса бутун олам ва Аллоҳ сирларини эгаллаган бўлади.

Чин инсон бўламан, деган кишики бор – ўз кўнгли мамлакатини эгаллаш ишқи билан яшаши – керак бу ўткинчи дунёда!..

“Дам – бу дамдур, дам – бу дам...”

“Садди Искандарий”да шунча талқину таҳлил қилинса ҳам, Навоий “Сафар – дар ватан” шиорининг ўзини бевосита тилга олиб ўтишга унчалар шошилмайди. Гарчи достоннинг айтиб ўтганимиз – кўнгилга шоҳликни жаҳонга шоҳликдан устун қўйишдек бош ғояларидан бирини илгари суришда мазкур нақшбандиёна ақиданинг ўрни беқиёс бўлса-да, шоир

[5] Алишер Навоий. Хамса. – Б. 788.

уни тилга олишни кейинроққа – 69-бобга сари суради. Бу боб ҳам “сайр” ва “сукун” ҳақида. Сарлавҳадаёқ ана шу сўзлар асосида иш кўрилади: “Елдек сайр аро сабукворлиғ нафйин қилмоқ ва тоғдек сукун аро бовиқорлиқ амрин буюрмоқ ва асҳоб суҳбатинким, бир-бир ишлари борурға шитобдур, ғанимат билмак ва аҳбоб мулоқотинким, ҳар бири бир гавҳари ноёбдурур, муғтанам тутмоқ ва адам ғарибистонидин шаммае ёд этмак ва вужуд сарманзилин хушлуқ била ўткарурни васият қилмоқ”[1] (805).

Бу сарлавҳада фақат “сайр”у “сукун” эмас, нақшбандия тариқатига алоқадор яна бир ақида – “асҳоб суҳбати”ю “аҳбоб мулоқоти” ҳам тилга олиняптики, бу – бобда “Хилват – дар анжуман” шарҳи ҳам ваъда қилинаётганидан далолат. Энг муҳим жиҳат эса – “вужуд сарманзили”, яъни бу умрни “хушлуқ била”, яъни хушу хурсандчилик билан ўткаришнинг васият қилинаётгани.

Умрни ғанимат билиб, уни яхши ўткармоқ ҳақида гап кетар экан, беихтиёр Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” отлиқ панднома асаридаги:

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам – бу дамдур, дам – бу дамдур, дам – бу дам[2]*, –*

деган байти ёдга тушади. “Мозий” – ўтмиш, “мустақбал” – истиқбол, яъни келажак. Навоий, ўтмишни ҳам, келажакни ҳам камроқ гапир, демоқчи. Чунки кечмиш – ўтиб бўлган, келажак – ҳали олдинда. Шунинг учун шоир: “Дам – бу дамдур, дам – бу дамдур, дам – бу дам”, – дея бонг уради. Ҳар бир дамни ғанимат билиб, унинг қадрига етишга чорлайди кишини. Ҳар бир дамнинг қадрига етиш учун эса “Ҳуш – дар дам” бўлиши – керак. Демак, “Садди Искандарий”нинг ана шу 69-бобида зимдан нақшбандиянинг бу шиори ҳам шарҳлаб ўтиляпти. Бинобарин, боб бевосита ана ўша “Маҳбуб ул-қулуб” байтидаги ғоянинг кенгроқ талқини билан бошланади:

Чу охир бўлурбиз адам, э рафиқ!
Ғанимат тутоли бу дам, э рафиқ!

Бу бир дамки, хушвақтлиғ берди даст,
Тараб жомидин айлагил ўзни маст.

Чу бу дамни ўткарур ҳам бу дам,
Дамодам май ичким, эрур дам – бу дам[3]*!*

Ана шу мулоҳазалардан кейин шоир секин “Хилват – дар анжуман” ва “Сафар – дар ватан”нинг бевосита талқинига ўтади:

Кўруб умр таърихи мубҳамлиғин,
Ғанимат бил асҳоб ҳамдамлиғин.

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

[1] Ўша нашр. – Б. 805.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 14. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 126.
[3] Алишер Навоий. Хамса. – Б. 806.

Сафар меҳнати жовидоний дурур,
Нединким, сақардин нишоне дурур.

Сафарға недур ҳар дам этмак ҳавас,
Санга ул сафарким бор оллингда, бас.

Неча бўлса хайлинг аро кўсу пил,
Чолинғуси пил узра кўсу раҳил.

Неча сайр ташвишидин қонмоғунг, –
Ки борғунгдур ул навъким, ёнмоғунг[4].

Гап айланиб келиб, умрнинг қисқалигию ёру биродарлар билан суҳбат қуришнинг ғаниматлигига бориб боғланади. Шундай экан, бир нафас ҳам тарки ватан қилмасдан, мусофирликни ҳавас этмаслик – керак. Зеро ҳар дам сафарни ҳавас қилиш яхши эмас. Ахир, киши олдида шундоқ ҳам сафар бор-ку. Аммо бу шундай сафарки, борилади-ю, қайтиб келинмайди... Рост: инсоннинг ўтган ҳар сонияси – ўлим сари ташланган қадам. Бу йўл бағоят қаттиқ, дўстлардан айрилиш майи эса – жуда-жуда аччиқ:

Эрур бир йўл оллингда беҳад қатиғ,
Майи ҳажри аҳбобнинг, бас, ачиғ[5].

Бу йўлда кишига на ҳамроҳ бўлади-ю, на ҳамдам:

Не ҳамроҳе ул йўлда, не ҳамдаме,
Эрур, Аллаҳ-Аллаҳ, ажаб оламе[6].

Бу шундай йўлки, унга қадам қўйган кишининг биринчи одимиёқ йўқлик сари ташланган бўлади. Шу сайрнинг охиридан ҳам дарак – йўқ, унда на мақсуд – пайдо-ю, на мақсад – намоён. Ўзи-ку олдида шунча ранжу азоб бор бўлса, яна нима керак киши ўзини ортиқча азобга қўйиб, сафарни орзу қилиб? Шоир ёзади:

Ки ҳар киши ул йўлға қўйди қадам,
Бурунғи қадамдур саводи адам.

Не ул сайр поёниға ҳад – падид,
Не мақсуд – пайдо, не мақсад – падид.

Эрур онча ранжу суубат анга, –
Ки ўлмак эмастур уқубат анга.

Эрур бежиҳат кимки шарҳин қилур, –
Ки ҳар кимки айлар тааммул, билур.

[4] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[5] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[6] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Киши билса оллида бу навъ йўл,
Сафарни не янглиғ ҳавас қилғай ул[1]?

Шоир умрнинг оқар сувдек ўтиб бораверишидан келиб чиқиб, “сафар” деганда бу ерда кишининг ўлимини тезлаштирадиган феълу атворимизни, хатти-ҳаракатларимизни кўзда тутяпти. Умрнинг ўлим сари ўз-ўзидан сафар қилиб бораётганини айтганда эса муаллиф – жуда-жуда ҳақ. Худо раҳматий онамиз – Хадичахон Ҳотам қизидан кўп эшитганимиз мана бу сўзларда, билмадим, қай бир донишманд қайд этиб кетганидек:

Келдилар, кетдилар,
Биз ҳам – йўлдамиз...

Шунинг учун Навоий китобхонга мурожаат қиларок, уни босиқликка, бир дам тўхтаб, мундоқ ўйлаб кўришга ундайди, чунки борса келмас йўлга, қачон бўлса ҳам, азм айлаш – мумкин:

Нечаким таваққуфни жазм айлагунг,
Қачон бўлса бу йўлга азм айлагунг.

Чу охир борурсен, шитобинг недур?!
Борурдин бурун изтиробинг недур?!

Тараддудни тарк айлаб, ором тут,
Тузуб базм аҳбоб ила, жом тут[2].

Чунки, ахир, бу дунё – жуда-жуда ўткинчи ва тезрафтор. Ана-мана дегунча оламдан ўтамиз-кетамиз. Ҳаммамиз бир-биримизга меҳмонмиз бу оламда. Шунинг учун яшаб турганимиз замон – ғанимат. Уни хушу хурсандлик билан ўтказиш керак:

Йўқ улким, бориб сен, қоларлар бу хайл, –
Ки бордур бориға борур сори майл.

Эрурлар ғанимат бори бу замон, –
Ки бир-бирга сиз борчангиз меҳмон.

Бўлунг майға гулрез ўлуб субҳхез, –
Ки бир-бир учун бўлғунгиз ашкрез.

Тараб бирла жоми шабона ичинг,
Тўла тутсалар, бебаҳона ичинг.

Олинг айшдин умрнинг комини,
Тутунг хуш йигитликнинг айёмини.

[1] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Ичиб базм аро, жоми дилкаш тутунг,
Неким келса ўзни даме х (в) аш тутунг[3] *(806).*

Шоир фикрларини шу тариқа кучайтириб борар экан, бу дунёнинг ғам ейишга арзимас бир бевафою бебақо нарса эканини ҳам уқтиришни ҳам унутмайди:

Агар ғам етиб, кимса топса алам,
Қилур бир ғамин куч била икки ғам.

Муни англаким, ошкору ниҳон,
Киро айламас ғам емакка жаҳон.

Чу бир лаҳза давронға йўқ эътимод,
Бадан қайдида жонға йўқ эътимод.

Нечук одаме бежиҳат ғам егай,
Ва гар бўлса юз минг жиҳат ғам егай[4]*.*

Шу ерга келиб Навоий ҳудди “Маҳбуб ул-қулуб”даги байтда айтгани фикрни илгари суради, ўтмишу келажакдан гапирма, нақди – шу иккаласи ўртасидаги ҳозирги даминг, дейди:

Бурунғи куну тонгладин урма дам, –
Ки ул бир адамдур, бу доғи адам.

Эрурбиз бу кун ҳарне нобуду буд, –
Ки икки адам ичра тутмиш вужуд.

Даме нақд агарчи бу маъдум эмас,
Вале етмак оқшомға маълум эмас[5]*.*

Муаллифнинг гўё ўз кўнглигадек айтгани насиҳати – бағоят батаъсир:

Алам ичра дам урмағил, э кўнгул!
Не ғам етса, қайғурмағил, э кўнгул[6]*!*

Шоир ватан масаласига сафар баҳона яна қайтади:

Ватандин чу охирдур оворалиқ,
Недур они истаб ситамгоралиқ.

Будур чарх ишиким, шитоб айлагай,
Не обод кўрса, хароб айлагай.

[3] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[4] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[5] Ўша нашр. – Б. 806 – 807.
[6] Ўша нашр. – Б. 807.

Чу ул бузғуси, қилмағил изтироб, –
Ки андин бурун айлагайсен хароб[1].

Чарх-ку ўзи тезрафтор, яна шитоб қилиш – шартми? Барибир, чарх ҳамма обод нарсаларни ҳам вайрон қилади. Шунинг учун ғам чекиб, сафар истаб, ундан олдинроқ ободни вайрон қилишга, яъни ўзингни билиб туриб, азобларга қўйишга, умрни камайтиришга не ҳожат?! Лекин жуда сафарни истасанг, ватан ичра сафар ва анжуман ичра хилват қил, марҳамат:

Вагар сайрға асру роғиб эсанг,
Сафар нафъу зарриға толиб эсанг,

Мусофир бўл, аммо ватан ичра бўл,
Тила хилват-у, анжуман ичра бўл[2].

Сафар – аслида, иккинчи бир дўзахдек гап, Ватанга муҳаббат эса иммон нишонаси ҳисобланади:

Сафар азми дўзахқа соний дурур,
Ватан ҳубби иймон нишони дурур[3].

“Сафар – дар ватан”нинг кўнгил билан сайр этиш эканини айтдик. Шундан келиб чиқиб, баъзилар уни, иймон билан сафар қилиш, деб ҳам талқин этади. Навоий ҳам аста-секин гапни иймон сари бураётганини сезган бўлишингиз керак. Бора-бора сафар ва иймон масаласи бир-бирига чамбарчас боғлаб юборилади:

Кишигаким иймон эрур сарнавишт,
Неча журми бор кўргусидур биҳишт.

Бориб журмсиз кирма дўзах аро,
Ўзунгга кетурма узун можаро.

Чу зотингда иймондин ўлди нишон,
Гулистони жаннатда бул гулфишон.

Эрур равзайи хулд чун масканинг,
Нега бўлди дўзахқа бормоқ фанинг[4]*?!*

Боб охирлай боргани сари шоирнинг нақшбандия шиорларини ҳаётпарастлик йўлида шарҳлаши кучайиб, масала Искандарга келиб тақалади ҳам:

Жаҳон мулкин этсанг сафар хушку тар,
Скандардек олсанг юруб баҳру бар,

[1] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[3] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[4] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Қўюб борин охир чу кетгунгдурур,
Дегинким, олиб они неткунгдурур[5]*?*

Достон ниҳояси сари яқинлашяпти. Искандар ўлимига ҳам оз қолган. Шоир китобхонни олдиндан инсоннинг ўлимидан кейин бу дунёдан ҳеч вақо орқалаб кетолмаслиги, шунинг учун тириклик даврини ғанимат билиш лозимлиги каби хулосаларга тайёрлаб боряпти. Искандар вафотидан кейин эса, жаҳонгир васиятига кўра, унинг қўлини тобутдан чиқариб қўйганликлари тасвири келадики, бунинг таҳлилини кейинги бобга қолдирамиз.

Шунинг учун, дейди шоир, йўл юришни тарк этиб, фароғатни ўйлаш, тоғ каби сокин бўлиб, бу вайрона дунёда тўрт-беш кун фароғат билан яшаш –керак:

Ҳамул хушки, тарки азимат тутуб,
Фароғат мақомин ғанимат тутуб,

Этакка аёғ чексанг андоқки тоғ,
Неча кун бу вайронда қилсанг фароғ[6]*.*

“Садди Искандарий”нинг 74-боби – Искандарнинг етти денгизу ўн икки минг қуруқлик, яъни жазоирни забт этиб, муҳит, яъни океан маркази сари кема сурганию шу улкан сув ўртасига етганда шишадан идиш ясаб, унинг ичида сув ости саёҳатига тушгани ҳақида[7]. Шунда ҳам шоир “сафар” билан “ватан”ни имкон қадар ёнма-ён қўллашни эсдан чиқармайди:

Гумон эттиларким, туганди сафар,
Ватан бўлғусидур аларға мафар[8]*.*

Бу – Искандар билан бирга юрган улуснинг кўнглидан ўтган фикр ифодаси. Бу одамлар сафар тугаб, Ватанларига қайтишни орзулайди.

Хуллас, достоннинг бу – 74-бобида бошдан охир сайр ҳақида гап боради. Искандарнинг муҳитнинг қоқ марказига етганидан кейинги ҳаёти ҳақида Навоий бир неча ривоят борлигини айтиб, уларни бир-бир санайди. Улар ичида бир талқин кўнглига ёққанини ҳам эслатиб, баённи шундай давом эттиради:

Яна бир ривоят доғи бордур, –
Ки ровийлар оллида мухтордур.

Манга доғи ул келди чун дилпазир,
Қачон бўлғай они демакдин гузир?

Будур улки, таърихлар ноқили,
Ҳам они “наби” дебдурур, ҳам “вали(й)”.

[5] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[6] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[7] Навоийнинг сув ости кемаси ҳақидага XV асрдаги бу хаёлий орзуси XX асрда амалга ошганини ҳам эслатиб ўтайлик.
[8] Алишер Н а в о и й. Хамса. – Б. 807.

Хабар бу сифатдурким, ул комжўй,
Чу бўлди муҳит ичра оромжўй.

Риёзат басе чекмиш эрди тани,
Топиб тасфия хотири равшани.

Бўлуб сайр итмоми топқач мақом,
Иши ҳам сулук ичра бўлди тамом.

Валоят мақомида топти ўзин,
Нубувват чароғи ёрутти кўзин.

Кўзи бўлғач ул шуъладин нурлуқ,
Су(в) аҳлиға рафъ ўлди мастурлуқ.

Қаён боқти, кўрди неким бор эди,
Анга борча махфий падидор эди.

Суву су(в)дағин уйла кўрди аён, –
Ки кўргай киши баркайи моҳиён.

Қуруғлуқта ҳар жонварким бўлур,
Башар жинсидин ҳар суварким бўлур,

Кўрунди анга борчаси су(в) аро,
Нечукким, булар акси кўзгу аро[1].

Шу мулоҳазалардан ҳам билиниб турибдики, шоир Искандар тимсолини бир солик рамзи янглиғ тасвирлаяпти. Искандарнинг ўша муҳит марказига етиб, шиша ичида сув остига сайрини комилликка етганлик тимсоли сифатида қаламга оляпти. Демак, жаҳонгирнинг бу сайри тугаши билан унинг кўнгли ҳам камолот касб этиб, сулук охирига етди. Искандар ўзини валийлик – Аллоҳга яқинлик даражасида кўрди. Унинг кўзини набийлик, яъни пайғамбарлик чироғи ёритди. У энди қаёққа боқса, у ёқда бор нимаеки бўлса – кўрди, унга махфий бўлиб кўзга ташланган нарсаларнинг ҳам энди сири очилди. Муҳит тубида у сувдаги нарсаларни ҳам, қуруқликдаги нарсаларни ҳам, демак, бутун оламни кўрди. Буни у ҳудди ойинадаги каби томоша қилар эди. Демак, Искандарнинг кўнгли энди кўзгу каби бутун оламни, яъники Аллоҳни ҳам акс эттира бошлади. Соликнинг олий мақсади – шу! “Лисон ут-тайр” достонидаги қушларнинг Симурғни топганлари, яъни қаён боқсалар, ўзларини кўрганлари, аниқроғи, “си” (ўттиз) ва “мурғ” (қуш) бўлганлари билан бу воқеа тасаввуфий адабиётда талқин этиладиган бир даражадаги комилликка етишни билдиради. Навоий Искандарнинг ана шу ҳолатга етишигача бўлган тарихини битишда, кўриб ўтилганидек, нақшбандия тариқатининг машҳур шиорлари, айниқса, “Сафар – дар ватан”ни теран ва ҳар тарафлама таҳлил қила борди. Бу шиорлар шоирга ҳар турли мулоҳазалар юритиб, ранг-баранг бадиий-фалсафий хулосалар чиқариш имконини берган.

[1] Ўша нашр. – Б. 823.

Ушбу бобимиз бошида “Сафар – дар ватан”нинг бир неча маъноси ҳақида қисқа-қисқа мулоҳаза юритган эдик. Навоий ҳам асарларида нақшбандиянинг бу ва бошқа қоидаларини ана шундай кенгроқ маънолар майдонига олиб чиқиб шарҳлайди. Шиорлардаги ифодалар – бошдан-охир рамз. Аммо бу рамзлар – тасаввуфда муайян истилоҳий маъноларга эга. Айни шиорлар бадиий адабиётга кўчганда бу ифодаларнинг рамзийлик даражаси кутилмаган миқёсларда кучайиб кетади. Рамзий истилоҳлар бадиий тимсолларга айланади. Бадиий тимсол эса – рамзий истилоҳдан неча бора кенг тушунча. Айрим олимларимиз: “Навоий ижоди – тасаввуф таълимотидан кўра кенгроқ қамровга эга”, – деганда, эҳтимол, шуни назарда тутишар. Аммо бу, таҳлиллардан ҳам кўриниб турганидек, Навоийнинг тасаввуф адабиёти йирик вакили эканини инкор этмайди. Шуни ҳам унутмайликки, суфиёна адабиётнинг ўзи ҳам – алоҳида ва махсус таснифотга муҳтож. Бадиий асарларнинг, шоирлар ижодининг тасаввуфийлик даражаси – ҳар бир асар ё ҳар бир шоирда ҳар хил. Жумладан, Навоий ижоди тасаввуфий адабиётнинг қандай синфига – турига мансуб? Ёки шоирнинг муайян асарларида – достонлари, ғазаллари, қитъалари, рубоийлари ва ҳоказо жанрларга тегишли манзумаларида сўфиёна ғоялар қай даражада илгари сурилган? Худди ана шу тасаввуфга муносабати жиҳатидан бу буюк ўзбек шоири асарлари қандай ўзаро ўхшашлигу қанақа муайян фарқларга эга?

Бу саволлар илмнинг аниқ ва асосли жавобларини кутиб ётибди...

Абдураҳмон Жомийдек улуғ аллома нақшбандиянинг биргина “Ҳуш – дар дам” шиори шарҳига бир махсус рисола бағишлаганини[2] эсласак, ҳали илмда бу ақидалар ҳақида талай китоблар битилиши аниқлиги аёнлашади.

2 Абдураҳмон Жомийнинг “Рисола дар маънии “Хуш – дар дам” деган асари қўлёзмаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар хазинасида 3844 рақами билан сақланади.

ЕТТИНЧИ БОБ

ҚЎЛ ВА КЎНГИЛ

Шоҳу гадо – баробар

Алишер Навоий “Хамса”сининг биринчи достони – “Ҳайрат ул-аброр”нинг 21-боби махсус Баҳоуддин Нақшбанд ҳақларида. Боб бошидаги жамъи ўттиз мисраъда нақд ўттиз бир марта “нақш” сўзи турли шаклларда ишлатилади:

Хожаки, наққоши сипеҳри баланд,
Бўлғали ҳар сафҳасиға нақшбанд –

Айлади авроқ мунаққаш басе,
Нақш рақам айлади дилкаш басе.

Лек анинг нақши киби дилнавоз,
Чекмади то хомасидур нақш соз.

Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,
Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд.

Нақшиға тенг тутмай ўзин нақши Чин,
Олам ўлуб илгида нақши нигин.

Буйла нигин нақшиға фармонбари,
Мунча ажаб нақш ила деву пари.

Саъй ила бу гунбади бисёр нақш.
Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш.

Нақшининг олдида намудор уза,
Нақш бўлуб сафҳайи девор уза.

Мунча ажаб нақш била аржманд,
Кимса эмас ғайри шаҳи нақшбанд.

Жонға чекиб ранжу ано нақшини,
Сизмоқ учун анда фано нақшини.

Жони чу ул нақш макони бўлуб,
Нақшдин ўзга бори фоний бўлуб.

Турфа буким нақшға кўз солмайин,
Жонида жуз нақши бақо қолмайин.

Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр,
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши ғайр.

Сайр анга бу тоқи мунаққаш уза,
Нақши кафи лавҳайи заркаш уза.

Чун изининг нақшиға суртуб жабин,
Равшан этиб кўз фалаки нақшбин[1].

Бу парчада "нақш" билан боғлиқ бўлмаган сўзсиз бирон мисра йўқ. Бу сўз сатрларда ниҳоятда хилма-хил маъноларни ташиб келган. Уларнинг кўпчилигига Навоий шоирона сухандонлик билан бир йўла бир неча маъно юклайди. Шундан ҳам билса бўладики, Баҳоуддиннинг лақаблари бевосита у кишининг кимхобга нақш солиш касбларидан олинган бўлса ҳам, ҳар хил фалсафий-тасаввуфий маъноларда шарҳлаш учун имкон беради. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас. Энг муҳими, ана шу бобда Навоий нақшбандияга, шунингдек, Баҳоуддин Нақшбандниng табиатларига хос асосий-асосий жиҳатларни кўрсатиб ўтади.

Нақшбандия гарчи ўз ғояларини ёя бошлаган ҳудудлар аҳолиси ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб иш кўрган бўлса ҳам, моҳиятан аҳоли ижтимоий қатламлариаро табақа ажратмаган бир тариқат эди. Бошқача айтганда, нақшбандия учун ҳамма тенг – шоҳу гадо баробар эди. Бу сулук вакиллари кишиларни синфий жиҳатдан табақаламас эди. Ахир, дунёга келаётган ҳамма теппа-тенг туғилади, вафотидан кейин ҳам ҳамма теппа-тенг бўлади-қолади. Шундай экан, нега энди кишилик жамиятида одамлар табақаларга ажратилиши керак!

...Шоҳу гадо! Бу – Шарқ мумтоз адабиётининг ўзак мавзуларидан. "Ҳайрат ул-аброр"даёқ Баҳоуддин Нақшбанд мадҳида кўтаргани бу масалага Навоий "Хамса" давомида кўп қайтади. "Садди Искандарий" достонига келиб эса бу асарнинг энг асосий нуқталаридан бирига айланади.

Искандар Мағриб заминни босиб олгач, бу мамлакатга бир одил шоҳ танламоқчи бўлади. Одамлар шоҳликка бир лойиқ одам борлигини, лекин у тождан бош қочириб, қабрларда ётиб юрганини, кишиларнинг бу дунёдан кўнгилларини совутиб, уларни фано йўлига тарғиб қилиш билан машғуллигини айтадилар. Искандарнинг буйруғи билан уни жаҳонгирнинг олдига келтирадилар. Яланг бошу яланг оёқ бу дарвешнинг икки қўлида икки суяк бор эди. Шоҳ бунинг сабабини сўрайди. Дарвеш жавоб беради:

Деди: "Гўрлардин қилурда гузар,
Неча бу сўнгакларга солдим назар.

Замиримға лекин ниҳон қолди бу, –
Ки шаҳнинг – қаюдур, гадонинг – қаю?

Чу ўлганда бирдур бу икки матоъ,
Тирикликда невчун қилурлар низоъ?" (657).

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Хамса. Тошкент, 1960, 49-бет. Боб давомида шу нашрдан олинган парчаларнинг саҳифаси қавсда кўрсатиб борилди.

Искандар бу дарвешнинг донолигига таҳсин ўқиб, унга Мағриб заминнинг подшолигини топширади. Аммо дарвеш уни рад этади, фақирликни шоҳликдан устун кўришини айтади. Шунда Искандар унга: “Сенинг ҳимматинг менинг шоҳлигимдан баланд экан!” – дейди. Шунда шоир хулоса ясайди:

Гадойики бўлғай бийик ҳиммати,
Анда паст эрур шоҳлиғ рифъати.

Чу ҳиммatбаланд ўлди эрса фақир,
Кўзига эрур аср шоҳи ҳақир (658).

Ҳа, ҳиммати баланд фақирнинг кўзига аср шоҳининг мартабаси паст кўриниши табиий.

Бу ажиб фалсафани Баҳоуддин Нақшбандчалик теран англаганлар кўп ўтган эмас бу дунёдан...

Бўм-бўш қўл

Болалигимизда бобомиз билан Бухоронинг кўп авлиёларига зиёратга борганимиздан қолган хотиралар, сўз билан ифодалашнинг иложи йўқ бир сеҳрли, руҳий, илоҳий, андак англаб бўлмас бир қўрқув аралаш ва моҳиятига етолмаганимиз сирлар ичра туғилган қандайдир бир мавҳумотлари билан бот-бот ёдга тушади...

Ҳар гал бирор қабристонга қадам қўйилди дегунча ўша мурғак кўнгилга муҳрланган кайфият, ҳолат, сезим ва кишига йиғи олди бир лаҳза устувор келадиган ғалати бир руҳоният қайта жонланади. Билмадим, бошқа ерлардаги авлиёлар қабри узра тикланган туғларда борми-йўқми, лекин болалик зиёратларидан дилда қаттиқ нақшланиб қолгани – туғ тепасидаги сизга кафтини очиб турган ёлғизгина бир қўл!..

Агар Бухоро тарафларга йўлингиз тушган бўлса, Вобкентдан ўтгандан кейин ва шаҳри шарифга етмасдан ўнг қўлда – шундоққина йўл ёқасидаги мозорда ҳам шундай туғ узра йиллар офтоби мурғайтириб ташлаган қорамтир туғ узра оп-очиқ қўлга дуч келгансиз. Бухоро музофотида бундай мозорлар жуда кўп. Бу мозорлардаги ёғоч туғлар узра қўллардан баъзилари ясси – темирдан ясалган, айримлари эса худди ҳайкалдек – табиий, баайни одам кафтининг ўзи...

Болалигимизда бизга мозористонни қўл билан кўрсатиш мумкин эмас, деб ўргатишгани учунми, зиёратлар маҳали ўқилган тиловатлар сеҳрига тушибми, ишқилиб, бобомдан нима учун авлиёлар қабри устида ростланган туғ узра очиқ турган қўл ясаб қўйилганининг сабабини сўрай олмаганмиз.

Худди шундай кафтини очиб турган ёлғиз қўлни кейинчалик – талабалик кезлари ҳазрати Алишер Навоий тасвирларида кўрдим.

Бешинчи курсда ўқирдик. Домламиз – Ғайбуллоҳ Саломов бизга таржима назарияси ва амалиётидан махсус таҳсилда ярим ўқув йили мобайнида фақат Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”ини Абдуқодир Ҳайитметов амалга оширган насрий баёни ҳамда Владимир Державин қаламига мансуб русча таржимасига қиёслаш йўли билан дарс ўтдилар.

Ҳаммамиз дарсга биттадан “Навоий асарлари луғати”ни олиб борамиз. Сатрма-сатр қиёс кетади. Алишер Навоий, Абдуқодир Ҳайитметов, Владимир Державин қаламларидан чиққан ифодаю жумлалар маъноларини устозу шогирдлар биргалашиб таҳлил этамиз.

Шунда Ғайбуллоҳ Саломов домланинг Навоий ҳазрат қалбларининг қўри янглиғ қоғозга тушган ёниқ сўзлар жилоларию жилваларидан чинакамига маст бўлганларини кўп кўрганмиз.

Устоздаги бу ғаройиб кайфият шогирдларга ҳам юқар эди...

Ана шундай сўз танингизда руҳониятни устувор қилган лаҳзаларда “Ҳайрат ул-аброр”нинг 49-бобидаги жаҳоннинг етти иқлимини босиб олган кимсан – Искандари Зулқарнайннинг ўлими олди айтган мана бу васияти кишига қанчалар фавқулодда таъсир қилишини ҳис этиш қийин эмас:

Чун, ки Скандар шаҳи иқлимгир,
Бўлди жаҳон мулкида соҳибсарир,

Қолмади бир ерки – юруб олмади,
Ерки юруб олмади – бир қолмади.

...Қўллуғини шаҳлар этиб ихтиёр,
Қуллуғи шаҳларға бўлуб ифтихор.

...Ҳам ети кўк ҳукми муяссар анга,
Ҳам ети иқлим мусаххар анга.

...Борчаси қолиб бу яшил боғ аро,
Озим ўлуб ул қаро туфроғ аро.

Ўртади чун буйла заволи ичин,
Бу сўз ила айлади холи ичин, –

Ким: “Бу нафаским, борадурмен залил,
Навбати шоҳий манга кўси раҳил.

Қайсиғаким, шарти ҳамият дурур,
Мендин анга ушбу васият дурур, –

Ким: “Манга чун тойири бўстони қудс,
Қилса ҳаво ёд этиб айвони қудс,

Оҳ ила оламни қаро айлабон,
Хобгаҳим наъш аро айлабон,

Қабрға чун бошлағунгиздур йўлум,
Наъш ёнидин чиқаринг бир қўлум,

То кишиким қилса назар ул сори,
Ибрат ила боққай ўшул қўл сори,

Билгай аниким ети кишвар шаҳи,
Етти фалак мушкилининг огаҳи,

Жисмида жон йўқ бу макондин борур,
Холи илик бирла жаҳондин борур.

Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга,
Ушбу илик тажриба басдур анга" (110).

Қаранг-а, тириклигида Искандарга қуллуқ қилиш, ҳатто, шоҳу шаҳоншоҳлар учун ҳам зўр ифтихор эди! Лекин шундай куч-қудрат ҳам бу дунёда омонат-ку. Ахир, Искандар еру кўкка эгалик қилиб, шунча молу мулк йиққани билан нариги дунёга равона бўлиш навбати етганда нима олиб кета олади, дейсиз?! Шуни англаган шоҳи жаҳон ўлганимда бир қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглар, токи қабрга элтаётганда одамлар кўрсинки, етти кишвар шаҳаншоҳи ҳам бу дунёдан бўм-бўш қўл билан кетаётибди, менинг тажрибам жаҳон мамлакатларига эгалик қилишга ёки умуман бу дунёга ўчлик туйғусига мубтало кимсаларга намуна бўлсин, дея васият қилади.

Навоийда бир фикр турли асарларида такрор келаверади ҳам. Хусусан, махсус Искандар ҳақида достон ёзишни мўлжаллаган шоир нега бу жаҳонгирнинг ўлими олди васиятини "Хамса"нинг биринчи достони "Ҳайрат ул-аброр"даёқ қаламга олди? "Ҳайрат ул-аброр" билан "Садди Искандарий" ғоялари аро вобасталик нималарда кўринади? Ахир, Навоий "Хамса"ни шунчаки беш достоннинг йиғиндиси қилиб яратмагандир? "Ҳайрат ул-аброр"нинг "Хамса"да тутган дастурий мавқеъидан келиб чиқмадими экан Искандарнинг ўлимини "Хамса"нинг илк достонидаёқ эслатиб ўтиш?

Ҳар ҳолда, бу масалалар келгусида янги-янги тадқиқотларнинг мавзуи бўлади.

Ҳа, айтмоқчи, "Садди Искандарий"нинг ўзида ҳам Искандар васиятига дуч келамиз. Жаҳонгир ўлими олдидан аввал онасига васиятнома ёздиради. Чунки "бадан ичра жон жавҳарини солғувчи" Тангрининг "берганин олиш" пайти келган эди. Биз учун ҳозир муҳими – ана шу васиятномада ҳам қўл тимсоли бор. Бари ўйлаганларим – ҳом экан, – дейди Искандар. – Ахир, Онажоним, сенинг олдингда ўғиллик қилиб, қуллуғингда бўлсам, бўлмасми эди? Лекин, афсус, менга ўлим соати етди. Сен энди кўнглингни мендан узиб, Тангрига уни боғла. Мотамимга чидай олмай, юзларингни тимдалама! Сенга тўзим берсин! Агар сабру тоқат қилолмасанг, бир маслаҳатим бор: бутун мамлакат халқини йиғиб, олдига дастурхон ёз, ош торт. Ҳаммага ош қўйиб бўлганидан кейин жарчи шундай десин:

Дегилким, муноде ул элга десун, –
Ки: "Ул кимса бу ошлардин есун, –

Ки бу кўҳна дайри куҳан тоқ аро,
Анга бўлмағай кимса туфроқ аро" (829).

Демак, жарчи: "Кимнингки бирор кишиси туфроқда ётмаган, яъни ўлмаган бўлса, ошлардан есин!" – деб эълон қилсин. Кўргил, қани, – дейди Искандар онасига васиятномасида, – бирор киши ошу нонигга қўл чўзадими? Ахир, бу дунёда кишиси ўлмаган ким бор:

Назар қил, бу сўзни дегач хонинга, –
Ки кимса сунарму илик нонинга?

Узотса биров ул емакларга қўл,
Менинг сўгума сен ҳам озурда бўл.

Ва гар кимса қўл сунмаса ҳар тараф,
Емак шуғлини қилсалар бартараф.

Бу маълум ўлурким, йўқ эрмиш бирав, –
Ки туфроқ аро йўқ кишиси гарав.

Билингачки, бу навъ эмиш рўзгор,
Ул ишдин ўзунгга бўл омузгор.

Ғамимда алам ҳузнидин фард бўл,
Бори олам аҳлиға ҳамдард бўл.

Неча сарвару бахти фархундасен,
Алар бандадур, сен дағи бандасен.

Керак бандаға иш сарафгандалик,
Не Ҳақдин келур айламак бандалик.

Неким Ҳақ ризоси ризоманд бўл,
Қазо ҳар неким қилса, хурсанд бўл.

Мен ар яхши эрдим ва гар худ ямон,
Хиром айладим умр бермай амон.

Қўлумда агар нақд мақсуд эмас,
Пушаймонлиғимдин вале суд эмас...” (829).

Шундан кейин Искандар мулозимларига мана бундай васият қилади:

“...Манга наъш ичинда мақом айлангиз,
Демай кеча-кундуз хиром айлангиз.

Қилинг нақл жаҳду жид айлаб бори,
Скандари Искандария сори.

Тирикликда ул ер эди маъманим,
Ўлум вақти ҳам айлангиз мадфаним.

Вале қилсангиз наъш аро устувор,
Ҳамул лаҳза зинҳору юз зинҳор –

Чиқоринг бир илгимни тобутдин,
Ҳамул навъким, ришта ёқутдин, –

Ки эл солиб ул сори ҳайрат кўзи,
Не ҳайрат кўзи, балки ибрат кўзи:

“Бу панжаки бармоғлари четки саф,
Жаҳонни жаҳон аҳлидин урди каф.

Кафи ичра олди жаҳон кишварин,
Бару баҳрнинг лаъл ила гавҳарин.

Чу урди ажал илги табли раҳил,
Бақо бўйниға солди ҳабли раҳил.

Жаҳондин шал илги мисоли борур,
Нечукким чинор – илги холи борур.

Ангаким мададгор бўлғай билик,
Жаҳон шуғлидин бори чеккай илик” (829–830).

Илик, панжа, қўл... Бутун ер юзини эгаллаган шоҳ қўли ҳам ўлганидан кейин шол бўлгандек ва ёхуд бамисли ҳеч қачон ҳосил тугмайдиган чинор дарахтининг бўм-бўш қўли – шохи янглиғ бўлади-қолади.

Навоийнинг ёзишича, шу васиятларидан кейин Искандар жон таслим этади. Мулозимлари уни худди шоҳ айтганидек тобутдан бир қўлини чиқариб қўйган ҳолда мозористонга олиб борадилар...

Тахт ва тобут

Бундан ўн йилча муқаддам “Ҳайрат ул-аброр”даги Искандар васиятининг мағзи – тобутдан қўлни чиқариб қўйиш айтилган байтнинг русча таржималардаги ифодаси ҳақида мақола ёзишга тўғри келган эди[1]. Унда қўлни тобут ёнидан чиқариб қўйиш М. Тарловский таржимасида “тобут тахтасидан тешик очтириб, бир қўлни чиқариб қўйиш” тарзида ўгрилгани, яъни Навоий тасаввуридаги ўзбекона тобут европача яшик-тобут тарзида тасаввур қилингани қораланган эди. Чунки аслан македониялик, хитойлик, арабистонлик, арманиялик бўладими, барибир, Навоий ўз қаҳрамонларини, шартли равишда, ўзбекдай, яъни мусулмон турк тарзида тасвирлайди. В. Державин таржимасида эса, ҳатто, Искандар қўлини қабрдан (?) чиқариб қўйишдек ўта ғайритабиий бир васият қилгандек бўлиб қолган. Энди бир хаёлга келтириб кўринг – осмонга узатилган қўл тупроқдан чиқиб турибди! Бу ҳеч бир мантиққа тўғри келмайди. Таржимонлар, кўриниб турганидек, Навоий жасаднинг тобутда кафанга ўралган бўлишини ҳисобга олиб ёзганини билишмаган.

Осмонга тик қадалган кафти очиқ қўлни кейинчалик – Аброр Ҳидоятов театрида Шуҳрат Риваевнинг “Искандар” драмаси намойишида кўрдим. Искандар ролини ўйнаган Элёр Но-

[1] Қаранг: О л и м о в С. “Шарқу Ғарб бўлди манзил...” – “Шарқ юлдузи”, 1981 йил, 2-сон, 205–208-бетлар.

сиров нақ бир неча дақиқа давомида чап ёнига ётганча ўнг қўлини тикка тутиб туради. Шу билан Искандардек жаҳонгирнинг ҳам бу дунёдан қўли очиқ кетаётгани намойиш этилади. Аввал спектакл мухаррижи (режиссёри) Баҳодир Йўлдошев "Садди Искандарий" достонини В. Державиннинг русча таржимасидан ўқибди-да, деб ўйлайсиз. Кейин, театрда шартлилик кучли-ку, ахир, деган фикрга келасиз. Шунинг учун мухарриж, балки, тобутга солинганда жаҳонгир қўлини очиқ қолдириб кўтариб ўтиш томошабинга бунчалар таъсир қилмайди, деб ўйлагандир. Эҳтимол, Баҳодир Йўлдошев Искандар қўлини тобутда очиқ кўрсатиш кўп ташвишга сабаб бўлади, деб ҳам ҳисоблагандир.

Энг асосийси, драматик асарнинг саҳнага қўйилиши – ажиб ва мураккаб бир ижодий жараён. Лекин бунда асл манба, барибир, матннинг ўзи. Муваффақият асар матнининг мухаррижга қанчалар таъсир қилганига кўп боғлиқ. Чунки ҳар қандай асарнинг саҳнавий талқини учун матн имкон беради. Ҳар қандай талқин эса муайян аниқ-таниқ йўллар орқали амалга ошади. Ана шу йўлларнинг энг мосини топа олиш-олмасликни мухаррижнинг истеъдодию маҳорати ҳал этади.

Баҳодир Йўлдошевни баъзилар асар моҳиятига кўп ўзгартириш киритиб ташлайдиган, талқинни тамоман ўз маромига солиб юборадиган "тўқимачи" (импровизатор) мухарриж сифатида биладилар. Кимларгадир унинг бу йўли унчалар ёқмаслиги ҳам мумкин. Аммо ҳозир гап бу соҳиби истеъдод ижодкорнинг қандай қилиб асардан асар яратиши ҳақида. Аниқроғи, унинг Шуҳрат Ризаев "Садди Искандарий" ва "Хамса"нинг бошқа достонларига таянган ҳолда ёзгани "Искандар" драмасини саҳнага қўйганда Баҳодир Йўлдошев яратган бир ажиб бадиий топилдиқ хусусида.

Саҳнада қарийиб томошанинг охирларигача тахт сифатида хизмат қилиб турган баланд суянчиқли курси Искандар ўлимидан кейин кўз ўнгимизда аста-секин орқага томон қулай бошлайди. Саҳна қоронғилаша боргани учун бу юқоридан боғланган ингичка иплар ёрдамида амалга оширилаётгани томошабинга мутлақо сезилмайди ҳам. Тахт суянчиғи ерга бориб қадалганда шу пайтгача шунчаки бир безак янглиғ турган ёғочлар оёқларга айланади. Не кўз билан кўрайликки, саҳнада тахт эмас, тап-тайёр тобут турибди!

Бу – ўзбек саҳначилиги тарихида мухаррижона ноёб бир топилма тарзида қоладиган чинакамига зўр ихтиро.

Фикрда бундай кашф режасининг туғилиши учун биргина "Искандар" драмаси матнининг ўзи билангина чекланиб қўя қолиш камлик қилар эди. Сезилиб турибдики, Баҳодир Йўлдошев Навоийнинг ўзини ҳам синчиклаб ўқиган. Тахтнинг тобутга айланиши ғоясини ҳам улуғ шоирнинг асари берган. Чунки "Садди Искандарий"нинг ўзида тахтни тобутга қиёслаш бор. Навоий буларнинг иккаласи ҳам тахтадан ясалишидан зап фойдаланади: бири тахт, иккинчиси – тахта. "Тахта"ни энди мурдани ювадиган мослама деб тушунасизми, тобут дебми – ихтиёрингиз. Униси ҳам, буниси ҳам – мурда учун хизмат қилади. Бухоро тарафларда: "Ҳе, илоҳим, тахтага тахт бўл!" – деган қарғиш учрайди. Бу: "Ўл!" – деган оддий маънони кучайтириб, бадиий қилиб айтиш. Таъсирчанликни ошириш учун баъзилар, ҳатто: "Ҳе, тахтачага тахтгина бўл, илоҳим!" – деб ҳам айтади.

"Садди Искандарий"нинг "Файлақуснинг дори бақога кетгани ва Искандарнинг мулки фоний тахтин мақом этгани" ҳақидаги 15-бобида шундай байтларга дуч келамиз:

Чу ўғлиға тахтини қилди мақом,
Ўзи айлади тахта сори хиром.

Ҳамоно ики шох берди дарахт,
Бирин йўндилар тахтаву бирни – тахт (654).

Сарлавҳадаёқ ўлим ва шоҳлик, демакки, тахт ва тобут масаласи кўтарилган. Кўриниб турибдики, тахт ва тобут – "Садди Искандарий" достони бош ғоясини рўёбга чиқариш учун энг керак тасвирий ашё. Навоий-ку буни сўздагина баён этган. Унингча, тахт – дарахтнинг бир шохидан, тобут – иккинчисидан ясалган. Баҳодир Йўлдошев бу тахт ва тобутни сўз билан эмас, усталарга буюриб, моддий бир ашё сифатида ясаттирди. Қолаверса, мухарриж тахтни ҳам, тобутни ҳам дарахтнинг бир шохидан тузаттирди. Бугун тахт бўлиб турган ёғоч эртага тобут бўлиши ҳеч гап эмас! Навоийнинг ҳам, Шуҳрат Ризаевнинг ҳам айтмоқчи бўлган асосий дарди шу эди. Буни Баҳодир Йўлдошев саҳнада қойилмақом бир маромда томошабинга етказа олди. "Искандар" драмасининг саҳнадаги энг таъсирчан ери ҳам, асар мағзини бўрттириб кўрсатган воқеаси ҳам – шу.

Инсон, Искандардек жами оламни эгаллаганда ҳам, бу дунёдан бўш қўл билан ўтиши, у дунёга ҳеч нарса орқалаб кетолмаслиги билан тожу тахтнинг ўта омонатлигию ўлимнинг барҳақлиги, ўлим туфайли, ҳатто, шоҳи жаҳон ўтирган тахт ҳам тобут янглиғ бўлиб қолиши ўртасида қанчалар уйғунлигу вобасталик бор-а!..

Дунёнинг ўткинчилиги ва ёрга етиш учун ўзликдан кечиш фалсафаси Навоийнинг бошқа кўп асарларида, жумладан, ғазалларида ҳам бот-бот илгари сурилади. "Ғаройиб ус-сиғар"даги 364-ғазалнинг қуйидаги байтларида бунинг мана бундай изҳорини кўрамиз:

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни су (в)да кўр, бу сафҳани барбод бил.

Жисм уйи чунким эрур фоний, тафовут йўқ ани
Гар фано сайлобидин вайрон-у, гар обод бил.

Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсен, нафъ эмас
Осмоний тўрт дафтарни тутайким, ёд бил.

Эйки дебсен: "Ҳақни не таърифу васф ила билай?"
Васфдин мустағнию, таърифдин озод бил.

Тенгри зикриким малойикка ғизойи руҳ эрур,
Бу ғизони Ҳақ йўлиға кирган элга зод бил[1].

Шарҳга ҳожат бўлмаса керак.

Ана шу "Ғаройиб ус-сиғар"нинг 280-ғазалидаги дастлабки уч байтда ҳам худди Искандар воқеаси каби ғоя илгари сурилади:

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик, 3-жилд. Тошкент, 1988, 292-бет.

Нафс қуттоъ ут-тариқи манзилидур бу работ,
Нақди дин ҳифзиға қил ўткунча андин эҳтиёт.

Манзил этсанг бу работ ичра мақом қилмаким,
Ҳар кун ўзга корвон оромгоҳидур бу работ.

Не тўшарсен тахти жоҳинг фаршин олтун хишт ила, –
Ким сенингдек шоҳни кўп ўткариптур бу бисот[2].

Чиндан-да, бу дунё кимлардан қолмаган, не-не шоҳу шаҳаншоҳларни кўрмаган!..

Хуллас, Шуҳрат Ризаевнинг “Искандар” драмасига Алишер Навоийнинг ўзидан ўтган бир қўлни тобутдан чиқариб қўйиш саҳнада Искандар ўлимидан кейин унинг бир қўли кафтини томошабинларга кўрсатганча осмонга қадалган ҳолда қотиб қолиши тарзида ифодаланади. Ҳар ҳолда, шу ўзгариш орқали очиқ кетаётган қўл томошабин кўз ўнгида бўртиб номоён бўлади.

Худди ана шу осмонга қадалиб турган бўм-бўш қўл беихтиёр ўша болалигимизда мозорларда кўрганимиз қўлларни эслатади...

Биби Орифанинг очиқ қолган қўллари

1993 йил ёзининг жума кунларидан бирида эрта тонг маҳали Бухоро темир йўли бошбекатида поезддан тушдик-да, тўппа-тўғри шаҳри шарифнинг шимоли-шарқида жойлашган машҳур Қасри орифон, яъни Хожа Баҳоуддин қишлоғига йўл солдик. Бир қарашда, Бухоронинг бошқа қишлоқларидан унча фарқ қилмайдиган Қасри орифон ер юзидаги маърифат чироғи порлаган муқаддас маконлардан бири сифатида ҳар бир туронликни фахрлантиради. Мен Америка Қўшма Штатларидаги обрўйли рўзномалардан бири бош муҳаррирининг муовини, юртимизга ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларига қизиқиб, бу зоти шариф ҳақларида китобини ёзишга тайёргарлик кўриш учун келган Скотт Малкомсон деган ҳамкасбим олдида ана шундай ифтихор ҳиссини туйдим. У ҳам Бухорога келадиган кўп зиёратчилар учун анъана тусини олган қадим удумга амал қилди:

– Аввал ҳазрати Баҳоуддинни зиёрат қилиб, сўнг Бухоройи шарифга кирамиз, – деди.

Амри меҳмон – вожиб. Зиёрат маҳали эса маҳаллий аҳоли амалида бўлган удумга биноан, олдин ул зоти шарифнинг оналари қабрлари томон йўл солдик.

Биласиз, ислом таълимотида онанинг ҳурмати ниҳоятда баланд. Пайғамбаримизнинг: “Аввал онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг эса отангга яхшилик қил”, – қабилидаги ҳадисларини бугун билмайдиган кам. Шунинг учунмикин, Баҳоуддин Нақшбанддан олдин оналари қабрини зиёрат қилиш?

Баҳоуддин Нақшбанд оналарининг қабрлари усти, одамлар поймол этмасин учун, тизза бўйи бандликда махсус супа қилинган. Ана шу супанинг уч ерида туғ кўтарилган. Учала туғ узра ҳам ўша болалигимизда бобом билан Бухоронинг бошқа авлиёлари қабрларида кўрганимиз – бўм-бўш кафтини кўрсатиб турган қўл! Кичкинагина, омонатгина мақбарача ёнидаги туғ – Баҳоуддин ҳазартнинг оналари ётган жой белгиси экан шу қишлоқлик қоровул Тўймурод ака Мажидовнинг тушунтиришларича. Иккинчиси – аммаларининг қабрига

[2] Ўша асар, 230-бет.

кўтарилган туғ, учинчиси эса холаларининг қабрлари белгиси янглиғ қўйилган туғ экан. Оналарининг қабри узра туғдаги қўл – темирдан ясалган. Ясси. Ичлари тешик-тешик. Қолган икки туғ узра қўллар эса худди ҳайкалдаги каби – табиий. Баайни ҳақиқий қўлнинг ўзи.

– Бу қўллар ниманинг белгиси? – деб сўради Скотт Малкомсон шу заҳоти.

Қаранг, болалигимизда сўрашга ботинолмаганимиз бу саволга ҳеч қачон жавоб излаб кўрмаган эканман. Аммо шу юрт фарзанди сифатида ота-боболаримиздан қолиб келаётган бунга ўхшаш меросларнинг моҳиятини билишимиз қанчалар зарурлигини ҳеч қачон бунчалар ҳис этмаганман. Болаликда сўролмаганимиз саволга бир кун келиб ўзим жавоб беришга мажбур бўлишим мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганман. Аммо ҳозир жавоб беришим шарт эди. Ўзимизни қўя турсак ҳам, лоақал, бошқа узоқ-узоқ мамлакатлардан келаётган сайёҳлар олдида уялиб қолмаслигимиз учун ҳам бу меросимизни пухта билишга мажбур эканмиз. Бироқ бунақа мулоҳаза юритиб ўтиришнинг мавриди эмас эди. Меҳмон мендан жавоб кутар эди. Ана шунда ялт этиб ҳазрати Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”ларидаги тасвир ҳам, “Садди Искандарий”ларидаги талқин ҳам, ҳатто, фавқулодда топқирлик соҳиби–мухаррижимиз Баҳодир Йўлдошевнинг актёр Элёр Носировга қўлни ана шу қабрлар туғларидаги каби тепага кўтариб ётишга кўрсатма бергани ҳам кўзларимга тўтиё бўлиб кетди-ёв! Ҳеч иккиланмай, қатъий ишонч билан, аслида эса чўққан барака:

– Инсон бу дунёдан, барибир, қўли очиқ кетади, деган фикрни тирикларга билдириб туриш белгиси бу! – дедим дона-дона қилиб.

Скотт инглизларга хос тиниқ ва катта-катта кўзларини бир муддат менга тик қадаб турди. У ўзбек тилини озми-кўпми билади. Менинг сўзларимни бир-бир жой-жойига қўйиб чиқиб, улар англатган маънони обдон туйганидан кейин эса унинг кўзлари чақнаб кетди:

– Окей,! Окей! – деди у аввал.

Кейин ўзбекчалаб:

– Бу жуда зўр ғоя! Жуда зўр! – деди.

Туғ узра осмонга чўзилиб турган кафти бўм-бўш қўллар Скотт Малкомсонни тамом маҳлиё этган эди. Шундан кейин сайёҳнинг қўллари бўшамай қолди. Дафтарчасининг неча-неча саҳифалари қораланди. Суратгирагининг тасмаси ҳам тўлаёзди, чамамда.

...1993 йилнинг апрелида бир ҳафта давомида Тошкентдаги Санъат кўргазмаси намойишгоҳида Эрон Ислом Жумҳурияти маданият кўргазмаси кўрсатилди. Шундаги суратларнинг бирида ҳайкалтарошнинг ижодхонада ишлаб ўтирган пайти акс эттирилган. Иш столи устидаги тайёр ҳайкаллардан бири – осмонга қадалиб турган биргина қўлнинг билакдан кейинги қисми. Кафти худди ўша мозорлардагидек очиқ. Бу билан ҳайкалтарош томошабинга нима демоқчи? Бир санъат асари сифатида у кишида бир талай фикру туйғу уйғотади. Аввало, ана шу санъат асарини кўриб, ҳар куни минг бора ишлатсангиз ҳам, бир бора ҳам эътибор қилмай юраверадиганингиз – қўл ҳақида ўйлай бошлайсиз. Бу қўл хаёлингизни шу пайтгача кўрганларингиз қўллар сари етаклайди. “Башариятни ким боқади?” – деб сўрайсиз кейин ўзингиз ўзингиздан. Инсоният қўллари! “Ўзбекистонни ким боқади?” – деган савол туғилади, албатта, шундан сўнг шуурингизда. Халқимизнинг қадоқ қўллари! Халқнинг қадоқ қўллари эса коммунистик империянинг адолатсиз зулми остида пахта чаноқлари янглиғ бўм-бўш... Лекин у шунга қарамай, ишлайди. Пахта қанчалар оқ-оппоқ бўлса, уни яратаётган кишиларнинг қўллари шунчалар қоп-қора–бир хиллари тош қотиб, ҳатто, ёрилиб-ёрилиб, ғадир-будир бўлиб кетган. Меҳнатда пишган бир ҳамқишлоғимни

биламан, азбаройи ишлаганидан қўллари шунчалар қаттиқлашганки: “Пичоқ кесса, анча ергача қон чиқмайди”, – дейди унинг ўзи...

Энди бу қўл деган мўъжизани иложини топгани қадар тараққий эттирган не-не улуғ зотларни бир тасаввурингизга келтиринг. Нон ёпаётган кишининг қўлларини кузатганмисиз? Ғишт тераётган одамнинг-чи? Томирларнинг қилини қирқ ёриб, инсон юрагига тиғ ураётган жарроҳ қўлларининг назокатини қалбан ҳис этганмисиз? Бу қўллар беморга – умр, эгасига – не-не савоблар олиб келаётганини айтиб, адо қилиб бўлармикан? Куй тинглаб, кўнгил эпкинларини туймаган одам бўлмаса керак бу дунёда. Лекин, буюк Абдуллоҳ Орипов ёзганидек, “эшилиб, тўлғониб, ингранаётган куй”нинг ижрочиси қўлларини тасаввурга келтирганмисиз? Ҳеч бўлмаганда, Худодод созанда – Турғун Алиматовнинг тор чертаётган, йўқ-йўқ, пардалар узра рақсга тушаётган қўллари – бармоқларини бир зум кузатганингиз борми? Шунда хаёлингизда: “Йўқ, булар фақат Турғун Алиматовнинггина эмас, балки ўзбекнинг йигирманчи асрга келиб, ҳадди аълосида камолга еткарилган миллий қўллари!” – деган фикр кечган бўлса, ажаб эмас. Ёки қодир Эгам ҳассос ғижжакчи Ўлмас Расуловнинг ўзи бир умр кўролмайдигани – қўлларига кўзининг ҳам кучини берганига иймон келтирганмисиз?..

“Ҳа”, – деяпсизми? Унда сиз инсонни инсон қилган кўнгли ва қўли эканини ҳам ич-ичдан ҳис этиб турибсиз экан. Аммо бу олий ҳақиқатни Баҳоуддин Нақшбанд бундан қарийб етти аср илгари ва сиз билан биздан кўра минг чандон дақиқроқ англаб етганларига ҳам амин бўласиз.

...Мозорларда нега туғ узра кафти очиқ қўл рамзи қўйилишининг асл сабабларини, рости, ҳозир ҳам илман аниқ билмайман. Баҳоуддин Нақшбанд уй-музейи гид, яъни тушунтирувчи-шарҳловчилари буни аркони ислом, яъни динимизнинг беш асоси – бандаларга Аллоҳ тарафидан бажарилиши буюрилган беш фарзга ишора сифатида талқин этади зиёратчиларга. Биласиз, беш фарзнинг биринчиси – иймон, иккинчиси – намоз, учинчиси – рўза, тўртинчиси – закот ва бешинчиси – ҳаж. Навоийда ана шундай талқинга имкон берувчи бир далил ҳам – бор. “Вақфия” асарида буюк мутафаккир икки орзусини билдиради. Бири – ҳаж сафари, иккинчиси – Султон Ҳусайн Мирзо “мадҳи зоти ва таърифи сифотида... ғарро қасидалар ва рангин ғазаллар ва матбуъ маснавийлар ва маснуъ иншолар, балки ҳар навъ назм ва насрдин китоблар тасниф”[1] қилиш, яъни бошқа барча ишлардан халос бўлиб, жиддий ижодий фаолият билан шуғулланиш. Ана шу биринчи орзусига етолмаса, унинг мусулмонлиги гўё бир бармоғи йўқ панжадек бўлиб қолар эмиш: “Бу мазкур бўлған икки орзудин бири муборак сафардурким (ҳаж кўзда тутиляпти. – С. О.) исломим шахси беш ҳисдан бирининг ўксуклиги жиҳатидин ноқис бўлмағай ва мусулмонлиғим панжаси бир бармоқ йўқлиғидин маълул қолмағай”[2].

Ҳар ҳолда, мозорларда туғ узра қўл қўйилишининг асл моҳиятини келажак фани аниқроқ тушунтирар. Иншааллоҳ. Бироқ Алишер Навоий асарларидаги қўл билан боғлиқ турли-туман тасвирлар бизга ўша муайян матнлар моҳиятидан келиб чиқиб талқин этиш ҳуқуқини беради. Искандарнинг бир қўлини тобутдан чиқариб мозорга олиб боришларини васият қилиши орқали бобокалон шоиримиз замонаси шоҳларини инсофга чорламоқчи, уларга дунё тахту жоҳу мансаб талашиб, одамларга беҳуда жабр-зулм ўтказишга арзимайдиган

[1] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик, 13-жилд. Тошкент, 1966, 174-бет.
[2] Ўша асар, 173-бет.

бевафо ва бебақо нарса эканини, ҳеч ким, ҳатто, Искандари Зулқарнайндек шоҳи жаҳон ҳам оламга устун бўлолмаганини таъкидламоқчи.

Аммо бу – Алишер Навоий асарларидаги қўл билан боғлиқ биргина талқин, холос. Миллатимизнинг то рўзи маҳшар фахр ул-фахри бўлғуси бу бой адабий меросда қўл салкам энг асосий тасвир манбаи эди, дейилса, ҳайрон бўлманг. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг оналари ётган мозорчадаги туғлар узра қўллар маъноси-ку Навоий асарларидаги тасвирларга вобасталикда талқин этилди. Лекин Навоийдаги расмона қўл тасвирлари ҳам ё бевосита, ё билвосита нақшбандия таълимоти билан чамбарчас боғлиқ.

Қўл-ку у дунёга ҳеч нарса олиб кетолмайди. Аммо, бунинг акси ўлароқ, бу дунё учун кўп нарсалар яратиб қолдириши мумкин-ку! Мумкингина эмас, ҳатто, Аллоҳ инсонга инъом этган бу буюкдан буюк мўъжиза умр давомида муттасил истифода этилиши шарт эмасми?! Қўл-ку, ахир, кишининг ўзини, бола-чақасини боқиш, Ватан деган ва тандаги жондек, ундан-да азиз масканни обод этадиган!

Ахир, Фарҳод ҳам айнан ана шу қўлини кўнгилга мос қилиб ривожлантиргани учун ҳам Ширинни кўриш бахтига муяссар бўлди-ку. Одамзоднинг қўлидан келмайдиган ишни бажарди, мўъжиза кўрсатди:

Бўлур эрдук ҳусули ичра ожиз,
Ҳунар эрмас, қўлунг кўргузди мўъжиз (243).

Буни Фарҳодга Ширин айтяпти. У ошиғининг “қудратда қодир”лиги ана шу қўлидан эканини қайд этади.

Ки: “Эй олам элидин фарду нодир,
Келиб зотинг борди қудратда қодир.

Ҳунарда зери дастинг борча олам,
Ҳунар йўққим, камолу фазл аро ҳам...” (257).

Навоий асарларида бундай талқинлар – жуда кўп.

Нақшбандия бир-бирига қарама-қарши тушунчаларни ўта усталик билан мувофиқлаштирган сулук экани олдинроқ ҳам айтилди. Бу тариқат инсонга у дунёга ҳеч нарса олиб кетолмасликни писанда қилиш баробарида бу дунёга кўп нарса бериб кетишни ҳам тарғиб этади. Бунинг учун эса қўл билан кўнгилни бир-бирига боғлайди. Кўнглида Аллоҳ деган пок инсонлар қўли эса савоб ишлар қила олади. “Дил – ба ёр-у, даст – ба кор!” шиори аллақачон соф тасаввуфий маънолари доирасини ёриб чиқиб, жуда кенг мазмунлар касб этиб бўлган. Ўзбекистонимиз учун ана шу ақида ёппасига амал қиладиган замонлар келди. Мустақиллик фақат сўз билангина мустаҳкамланиб кетаверадиган неъмат эмас. Юрт равнақи, шубҳасиз, қалби пок, қўли қадоқ кишиларнинг – минг-минглар ва миллион-миллионларнинг яратувчилик меҳнатларига қараб турибди. Қўлимизни бугун – кечагидан, эртага – бугунгидан чаққонроқ, фойдалироқ, унумлироқ, оқилонароқ ишлатишга ўргатмас эканмиз, бугунимиз кечагидан, эртамиз бугунимиздан авлороқ бўлиши мушкул. Мустақил бир давлат фуқоролари сифатида ҳаммамиз шундай хулоса қилмас ва ҳаракатга тушмас эканмиз, юрт фаровонлиги ва мамлакат ободонлиги қўлга кириши – қийин. Ана шундай фикрга

келишимиз, тезроқ ҳақиқий ва жадал харакатга тушушимиз учун ҳам ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари, ғоялари керак бўлади. Унутмайликки, боболаримиз руҳлари ҳамиша биз билан бирга...

Шу сўзлар битиляпти-ю, беихтиёр қўллар дуо илинжида фотиҳа учун очилади... Ахир, биз – мусулмон бандалар икки қўлимизни очиб дуо қиламиз. Аллоҳдан иноятлар тилаймиз-да, қўлларимизни оҳистагина юзларимизга тортамиз. Дарвоқе, яна қўллар! Кўнгилнинг туб-тубидан чиқадиган ва Аллоҳдан илтижо қилинган дуога ҳам қўлларимиз иштирок этар экан. Дунёнинг кўнгил тилаган кўп орзу-ҳавасларига қўлларимизнинг шарофати билан эришилади.

Фахриддин Али ас-Сафийнинг вафотлари чоғи ёнларида бўлган машойихлар сўзларига таяниб ёзишича, пиримиз – Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари дор ул-фанодан дор ул-бақога дилдан дуолар қилиб, қўлларини юзларига сурган кўйи риҳлат қилган эканлар[1], дилдан дуолар қилиб, бағоят осойишталик ила дор ул фанодан дор ул бақога риҳлат этганлар”.

[1] Қаранг: У с м о н О. Руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. – “Тошкент оқшоми”, 1993 йил, 8 июль.

АҲАМИЯТ

(Хулоса ўрнида)

Дунё шунчалар ранг-баранг. Ҳаёт нақадар мураккаб. Оламнинг сарвари бўлмиш Инсон эса ҳеч қачон тубига етиб бўлмас бир буюк мўъжиза. Одам боласининг ҳар бири – бир жаҳон. Энди ана шу инсонлар жамоасидан иборат жамиятнинг аҳволини хаёлингизга келтираверинг.

Эҳ-ҳе, инсон, унинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ масалалар ечимини кимлар изламайди, кимлар Аллоҳ ярлақлаб бир саховат этгани – улуғ ақлу заковатлари кучини ана шу абад ул-абад муаммоларни ўрганишга бахшида этмади...

Инсон қандай яшасин? У не мақсад билан яралган ўзи? Ўзига фақат бир боргина берилган умрини не янглиғ ўткарсин?

Аллоҳ таоло Одам Атодан то Муҳаммад алайҳи-с-саломгача бўлган жами бир юзу йигирма тўрт минг пайғамбарига ваҳий юбориб, ана шу саволга жавоб айтиб турди. Дин билан бақамти яна қанчадан-қанча таълимотлар, назариялар, йўллару йўриқлар, қонунлару низомлар яралди, яраляпти, яратилажак.

Тасаввуф эса жаҳондаги инсонни баркамолликка чорловчи энг эътиборли таълимот. У тарихан хилма-хил ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган серқирра бир маънавий оқим. Юртимиз – Турон заминда тасаввуфнинг тўққиз асрлик тарихи бор. Шунча даврдан буён у кишиларда маънавиятни шакллантириш, олий бир комилликка интилишнинг йўли янглиғ мавқе тутиб келади. Тасаввуф диннинг айнан ўзи эмас, балки, исломнинг юксак даражага кўтарилган амалиёти. Аниқроғи, у кишидан бевосита бажаришни талаб қиладиган, комилликка интилишнинг шариатдан кейинги юқори босқичи ҳисобланадиган фалсафий назария.

Турон замин халқлари маънавиятини тасаввуфсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу таълимот шоҳлар сиёсатига ҳам, халқ ҳаёти, санъати, хусусан, адабиётига ҳам кучли таъсир ўтказиб келди.

Ҳеч бир халқ маънавиятини унинг сўз санъатисиз хаёлга келтириб бўлмайди. Бизда ҳам шундай. Ўзбек халқи минг йиллик тарихи бор туркий ёзма адабиётга эга бир қавм. Фахр қилгулик жиҳати шундаки, дунёда бундай соҳиби адабиёт халқлар унчалар кўп эмас. Лекин бугун мустақиллик шарофати билан ўз миллий қадриятларимизни қайта инкишоф этаётганимиз маҳалда бир табиий савол ўртага тушади.

Миллий маънавиятимиз тарихида адабиётнинг мавқеи баландроқмиди ёки тасаввуфнингми?

Бир қарашда, масала жуда қалтис қилиб қўйилаётгандек туюлади. Бироқ ота-она учун ўғил ҳам – фарзанд, қиз ҳам. Шунга ўхшаш адабиёт ҳам, тасаввуф ҳам – миллий маънавият фарзандлари. Бир фарқи шуки, тасаввуф – тил танламас, элат ажратмас бир умум-исломий фалсафий-руҳий оқим. Адабиёт эса муайян тил эгалари ва шу забонни билганларга мўлжалланган ўта миллий ҳодиса. Фақат таржима туфайлигина у иккинчи бир миллий майдонга кириб боради. Аммо, нозик жиҳати шундаки, исломий давр ўзбек адабиётининг то йигирманчи аср бошларигача бўлган тараққиётини сира-сира тасаввуфдан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Суфиёна ғоялар адабиётнинг ҳам ўзаги эди. Чунки тасаввуф инсоннинг

энг эзгу мақсадларга интилиб яшаши фалсафаси эди. Ҳар қандай адабиёт каби, ўзбек сўз санъати ҳам кишиларни яхшиликка интилиб яшашга чорлар, ёмонликлардан холи бўлишнинг йўлларини кўрсатар, буни гўзал, нафис, табъий (эстетик), бадиий йўл билан баён этар эди. Тасаввуф амалда бўлган даврлар қалам аҳли учун бу фалсафадан юксакроқ маънавият, ундан устун мафкура йўқ эди. Чунки тасаввуф бутун олам ва оламлар диалектик ҳаракатини и ш қ англами орқали тушунтирар ва бунда, худди сўз санъатида бўлгани каби, аксарият бадиий ифода воситалари, хусусан, рамзиётдан ҳадди аълосида фойдаланар эди. Шу тариқа тасаввуф тарғибининг ўзи адабиётга айлана борган, махсус тасаввуф адабиёти пайдо бўлган эди. Форсийда, Саноий, Аттор, Румий, туркийда Яссавий, Боқирғоний ва бошқа қанчадан-қанча соҳиби қаламлар, аввало, суфий эдилар. Тасаввуфона ғояларни халққа етказиш, ўз маърифатларини бошқалар билан баҳам кўриш илинжи улар қўлига қалам тутқазган, уларни шоирга айлантирган эди.

Хўш, Алишер Навоий-чи? Ахир, у расман Абдураҳмон Жомийга мурид тушган бўлса ҳам, хонақоҳда ўтириб, шайхлик қилмаган, атрофига мурид тўпламаган, махсус риёзат босқичларини ўтамаган, хилватга кириб, чилла ўтирмаган эди. Бу ҳақда маълумотлар йўқ.

Лекин шуларгагина қараб: “Навоий суфий эмас эди”, – дея олмаймиз. Асарларида бот-бот Султон Ҳусайн Мирзонинг сувратда, яъни ташқи кўринишдагина шоҳ, сийратда, яъни қалбан эса дарвеш эканини кўз-кўз қилиб таърифлаган буюк шоирнинг зоҳирига қараб ботинига баҳо берамизми? Бу адолатдан бўлмайди.

Навоий бутун ҳаётини моҳиятан тасаввуф ақидаларига, хусусан, нақшбандийлик талабларига мос қилиб ўткарди. Ўз даври ва муҳити илғор кишилари каби, у ҳам бу тариқатни тасаввуфнинг энг мутараққий оқими янглиғ қабул қилди.

Нақшбандийларнинг ўзлари ҳам бу тариқатларини маърифатнинг энг асосий ва олий йўли деб билардилар. А. Муҳаммадхўжаев Абулмуҳсин Боқирнинг “Мақомот”ига таяниб, Баҳоуддин Нақшбанднинг бу борада айтган: “Жамики мусулмонлар нақшбандия тариқати таълимотига амал қилишлари керак[1]” – деган сўзларини келтиради. Улар мусулмон оламидаги мавжуд барча тариқатлар ичида фақат нақшбандиягина ҳақ йўлга етаклайди, деб ҳисоблайди. Бу оқим шунинг учун ҳам “ақраб ут-туруқ”, яъни “энг яқин йўл” дейилганки, бу тариқатга амал қилган солик учун Ҳаққа етишнинг энг қулай усулларидан фойдаланиш имконияти бор. Чунки у бошқа барча тариқатларнинг жам ул-жами (“хонаводайи кулл”) – синтези. Толиб шариат, тариқат ва ҳақиқат борасида қандай масалага дуч келса, бу ерда унинг ечимини топади, чунки бу жамоа ҳам зоҳир ва ҳам ботинда пайғамбаримиз – ҳазрати Муҳаммад йўлларида юради.

Нақшбандия соликларининг шу сўзларидан ҳам кўриниб турибдики, тариқатлараро зимдан муайян ички рақобат бўлган. Бу нозик курашда кўпинча нақшбандия устуворлик қилганига тарих гувоҳлик беради. Милодий 1562 йили Ҳиндистоннинг Сарҳинд деган ерида туғилган Аҳмад ибн Абдулаҳад Форуқ Сарҳиндий ан-Нақшбандий отасидан қодирия ва чиштия таълимотини ўрганган эди. Ҳусайн Хоразмийнинг муриди – Яъқуб Кашмирий эса унга кубравиядан таълим беради. Отаси вафотидан кейин Маккага кетаётганида нақшбандий шайх – Хожа Беранг Боқий Биллоҳ ҳузурига боради. Унга мурид тушиб, ўзи ҳам нақшбандиянинг ашаддий тарғиботчисига айланади. Муриди вафотидан сўнг нақшбандийлар жамоасини бошқаради. Шу тариқа асрининг энг йирик нақшбандий шайхи бўлади[2].

---

[1] Қаранг: М у х а м м е д х о д ж а е в А. Идеология накшбандизма. Душанбе, 1991, С. 182.

[2] Булар ҳақида қаранг: ўша асар, 182-, 192–193, 215-бетлар.

Нақшбандияни ўрганиш бугун бизга Ватан туйғусини камолга етказиш учун ҳам керак.

Буюк муҳаддис – Имом Бухорий етишиб чиққани учун ислом оламида Бухоро шариф шаҳар сифатида шуҳрат қозонган эди. Навоий "Фавойид ул-кибар"нинг бевосита Муҳаммад алайҳи-с-салом таърифларига бағишланган наът ғазалларидан бирини:

Билди чу ҳадисингни саҳиҳ эмди Навоий,
Маскан чу тилар бўлса не Батҳо, не Бухоро[1], –

дея тугатади. Батҳо – Маккайи мукаррама яқинидаги бир даранинг номи. Лекин мажозан у бевосита Макканинг ўзини ҳам англатиб кетаверади. Биласизки, Имом Бухорий тузган ҳадислар мажмуаси "Саҳиҳи Бухорий" номи билан машҳур. Навоийнинг лирик қаҳрамони: "Ҳадисингнинг саҳиҳ, яъни ишончли эканини билганидан кейин Навоий Маккага бориб юриши шарт эмас, Бухорони маскан тутса ҳам, бўлаверади", – дея лутф қилади. Шу тариқа Бухоро мусулмон дунёсида бевосита Макка билан чоғиштириладиган муқаддас шаҳарлардан бирига айланган эди.

Баҳоуддин Нақшбанд туфайли эса Бухоронинг шуҳратига шуҳрат қўшилди. Адабиётда ҳам бу шаҳри шарифнинг талай таърифлари пайдо бўлди.

Бир шеърда Бухоронинг авлиёлар макони – "кони валоят" экани тилга олинади:

Он хок чй хок аст, ки шуд кони валоят,
Чандин гуҳар аз маъдани икром дар он жост[2].

Айтилмоқчики: "Бу қандайин тупроққи, авлиёларга кон бўлибди, у ердаги карам маъданидан қанчадан-қанча гавҳар чиқибди".

Чиндан ҳам, Бухоронинг деярли ҳар бир қадим мозорида бир буюк авлиё ётибди. Қизилтепа (бу туман ҳозир Навоий вилояти ҳудудида) тарафда Кони сулук деган қишлоқ ҳам борки, бу тариқатлар макони деган маънони билдиради.

Бухоро айнан ана шу муқаддаслиги жиҳатидан Батҳою Ясриб, яъни Маккаю Мадинадан кейинги шаҳар ҳисобланади:

Сикка, ки дар Ясрибу Батҳо заданд,
Навбати охир ба Бухоро заданд.

Аз хатти он сикка нашуд баҳраманд,
Жуз дили бе нақши шаҳи Нақшбанд[3].

Айтилмоқчики: "Аввал Ясриб билан Батҳога илоҳий муҳр босилди, кейин у Бухорога урилди. Лекин бу муҳрдан нақшбандлар шоҳи (Баҳоуддин Нақшбанд) нақшсиз дилидан бошқа ҳеч ким баҳраманд бўлмади".

Нақшбандия вакиллари бора-бора пирлари – Хожа Баҳоуддин даҳмасини бевосита мусулмонларнинг энг муқаддас саждагоҳи – Маккайи мукаррамадаги Каъбатуллоҳнинг ўзи билан тенглаштирди:

---

[1] А л и ш е р Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик, 5-жилд. Тошкент, 1990, 11-бет.
[2] Муҳаммад Ҳусайннинг "Сисилаҳои тасаввуф" китобидан келтилган бу сатрлар қуйидаги манбадан олинди: Мухаммедходжаев А. Идеология накшбандизма. Душанбе, 1991. С. 63.
[3] Ўша асар. Б. Ўша.

Эй он, ки туро рӯй ба роҳи дин аст,
Дар ҷустани Каъбаат ҳазор оин аст,

Файзе, ки зи ҳуҷраи ҳарам металабӣ,
Дар савмаи Хоҷа Баҳоуддин аст[4].

Айтилмоқчики: “Эй дин йўлига юз тутган инсон, сен минг хил йўл билан Каъбани излайсан. Сен ҳарамдаги ҳужра (Каъбатуллоҳ) файзига етмоқчи бўлсанг, уни Хожа Баҳоуддин зиёратгоҳидан топасан”.

Буюк олим – Исмоил Бухорий ва улуғ ориф – Баҳоуддин Нақшбанд туфайли юртимизнинг обрўйи ислом оламида шу қадар юксак даражадаки, Маккаю Мадина тарафларида фақат бугунги тушунчамиздаги бухороликлар эмас, умуман, Турон заминдан борганларнинг барини “бухорийлар” дейишади, Ватанимиз вакилларига чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатишади. Бугун биз учун бунинг сабабларини билишнинг ўзи камлик қилади. Биз шу ҳурмат-иззатга лойиқ маънавиятга эришишимиз керак. Бу маънавиятнинг асл манбаи – ота-боболаримиздан қолган бой ўтмиш меросимиз.

Нақшбандия – ана шундай маънавий сарватларимиздан. Ғоялари Навоий асарлари мағзи-мағзига сингани учун ҳам бу тариқатнинг миллий маънавиятимиздаги аҳамияти янада ошади.

Шундай қилиб, бир шоир ижодининг суфиёна адабиётми ё йўқми эканлигини муаллифнинг бевосита тариқатга кирган-кирмагани белгиламайди[5]. Навоий шиор сифатида ҳам, шахс сифатида ҳам замонасининг энг илғор маънавий таълимотидан бебаҳра қолиши мумкин эмас эди. Наинки ижоди, у, ҳатто, яшаш тарзи, дунёга муносабатини ҳам нақшбандиёна асосларга мослаган эди.

Бу ерда биргина мисол келтираман. “Вақфия”да Навоий умр ўткаришни қандай асосга қургани ҳақида батамом рамзлар – тасаввуфий истилоҳлар билан баён қилади: “Яна ул эрдиким, ул ҳазратнинг (яъни Султон Ҳусайн Мирзонинг. – С. О.) қуллуғин иртикоб қилурда ҳеч навъ ўз ғараз ва маслаҳатим мутасаввар эрмас эрди, балки, хос Тенгрилик учун, дағи мусулмонлар маслаҳати учун эрди. Бу жиҳатдин харид ҳокими одили ҳукми била ростлиқ сиёсатгоҳида ғараз ўғрисини фано дориға осиб, инсоф дор ул-қасосида ҳирс қароқчиси бўйнин қанот қиличи била уруб, вужуд шаҳрида муддао қасрини риёзат ёмғури била йиқиб, нафсоният боғида орзу ниҳолин интиқоъ илиги била қўнгариб, амал мазраъида таваққуъ хирманин фақр ўти билан куйдуруб, ул хирман кулларин фано елига совурдим”[6].

“Ғараз”, “фано”, “инсоф”, “ҳирс”, “вужуд”, “риёзат”, “нафсоният”, “интиқоъ”, “таваққуъ”, “фақр” каби истилоҳлардан маълумки, Навоий бутун молу мулкига айнан суфиёна муносабатда бўлган.

Ўз шахсий ҳаётини тасаввуф талабларига мослаган олий зотнинг асарларида ҳам ўзи азиз билган ғояларни тарғиб қилмаслиги мумкин эмас эди.

Умуман, тасаввуф билан ўзбек адабиётининг ўзаро муносабати – алоҳида ва жилд-жилд китобларга мавзу. Ҳар бир давр сўз санъати, ҳар бир шоир, ҳатто, ҳар бир муайян асар тасаввуфга муносабатда ўзига хосликка эга. Адабиётимизни худди ана шу тасаввуфга муносабатига кўра ҳам даврлаштириш, тасниф қилиш, тизимлаштириш мумкин.

---

[4] Ўша асар. – Б. 185.
[5] Бу ҳақда қаранг: Абдулҳусайни З а р и н к ў б. Ҷустуҷу дар тасаввуфи Эрон. – Душанбе: 1992. – С. 201.
[6] Алишер Н а в о и й. Асарлар. Ўн беш жилдлик, 13-жилд. – Тошкент: 1966. – Б. 166 – 167.

Иншааллоҳ, бу ишларнинг ҳам гали келар...

Хўш, Алишер Навоий ижоди адабиётимизнинг чўққиси ҳисобланса, унинг асарларида тасаввуф ва адабиёт муносабатлари қай даражада тўқнашади – уйғунлашади? Сўз санъати тасаввуф нуқтаи назаридан тасниф қилингудек бўлса, Навоий қандай шоирлар сирасига киради?

Бу ҳам жуда тадқиқталаб масала.

Ҳозир энг умумий тарзда биргина хулосани айтиш зарур: айрим шоирларимиз, масалан, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний учун тасаввуф – мақсад, адабиёт эса – восита эди. Баъзи соҳиби қаламлар, масалан, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур учун адабиёт – мақ сад, тасаввуф эса – восита эди. Бошқача айтганда, Яссавию Боқирғоний одамларни тасаввуф орқали тарбияламоқчи, бунинг учун улар адабиётга суянган. Навоию Бобур кишиларни адабиёт орқали эзгулик сари етакламоқчи, бунинг учун улар тасаввуфга суянган. Тасаввуфнинг Навоий билан Бобур дохил бўлган тариқати эса нақшбандия эди.

Савол савол келтириб чиқараверади...

Хўш, бизда шоирларимиз ҳақида ёзилган китоблар кўпми ё авлиёларимиз тўғрисида битилган асарларми?

Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан икки диний олимимиз – Абдулазиз Мансур билан Шамсуддинхон Зиёуддинхон ўғли Бобохонов биргина Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасидаги нақшбандияга алоқадор китоблардан 195 тасини кўриб чиқиб, фиҳрист тузди[1]. Бошқа хазиналарда, халқнинг қўлида яна қанчадан-қанча манба бор.

Турон заминдаги деярли ҳар бир эски мозорда бир буюк авлиё ётибди. Уларнинг ҳар бири қай бир машҳур тариқатнинг вакили, бевосита ё билвосита қайсидир пири комилнинг муриди. Улуснинг авлиёларимизга ҳурмат-эҳтиромини ҳеч бир сиёсат бутунлай синдира олмади. Эндиги вазифа эса ана шу қабрларда айнан ким дафн этилганини илман аниқлашдан иборат[2]. Бу тасаввуфни кенг миқёсда ўрганиш учун кўп масалаларга калит бўлади ҳам.

Шундай қилиб, Навоий ижодида тасаввуф билан адабиёт олий даражада ўзаро уйғунлашди. Бу уйғунликнинг асосини эса нақшбандия ташкил этади. Навоий замонасининг энг пешқадам зиёлиси сифатида давр учун расм бўлган тариқатни қабул қилди ва ўз ижоди билан унинг янада оммалашишига, теранлашишига, таъсирчан бир мафкурага айлана боришига ҳисса қўшди.

Демак, адабиёт тарихини ўрганиш бугун қанчалар муҳим бўлса, тасаввуф тарихини ёритиш ҳам шунчалар аҳамиятли. Адабиёт билан тасаввуфнинг ўзаро вобасталигини тадқиқ этиш эса маънавий меросимизнинг ана шу икки жабҳасини ёритиш учун жуда зарур. Тасаввуфни фалсафашунослардан кўра адабиётшунослар фаолроқ ўрганаётгани ҳам бежиз эмас. Тасаввуф тадқиқи аҳли адабнинг шахсий фазилатларини ҳам ёритиш имконини беради.

Навоий шахсан ҳам нақшбандий пирлар билан тиғиз муносабатда эди. Унинг айнан ана шу тариқат пешволари билан бевосита алоқалари махсус ўрганишга арзигулик масала. Нақшбандиянинг Навоий замонасидаги икки буюк пири – Самарқандда Хожа Аҳрор Валий ва Ҳиротда Абдураҳмон Жомийни улуғ ўзбек шоири маънавиятнинг чинакам яловбардор-

[1] Қаранг: Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фиҳристи. – Тошкент: 1993.

[2] Бу борада Самарқандда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ботирхон Валихўжаев, Бухорода шоир ва олим Садриддин Салим Бухорий раҳбарлигида олиб борилаётган эзгу ишларни мамнуният билан қайд этиш керак.

лари деб билар, уларга нисбатан шунга лойиқ муридлик одобини сақлар, асарларида уларни шу нуқтаи назардан баҳолаб таърифлар эди. Ёки нақшбандия ва яссавия силсиласидаги энг муҳим ҳалқа бўлмиш Юсуф Ҳамадоний дафн этилган Марвдаги мозорда махсус иморат солдиргани[3], Абдураҳмон Жомийга мақбара қурдиргани [4]ҳам – шу ҳурматнинг бир кўриниши.

Тасаввуфга, ялпи олганда, зарарли таълимот деган тамға босилгани учун ҳам ҳозир кўпчилигимизнинг бу оқим ҳақидаги қарашлару тасаввурларимиз ўта чала, бир томонлама ва ё хато. Шунинг учун баъзилар Навоий ижодини тасаввуфга боғлайверишдан ҳам чўчийдилар. Чунки бундайлар наздида тасаввуф бир тор ва биқиқ таълимот, адабиёт эса бағоят кенг бир олам. Аслида ҳам шундайга ўхшайди. Лекин бу жуда юзаки қараш. Моҳиятан, тасаввуф ҳам, адабиёт ҳам инсон масаласини ўртага қўяди. Инсон ва олам муаммосини кўтаради. Бу эса инсон ва Аллоҳ мавзуидан ечим излашга ундайди. Инсон ва жамият можаросини ўртага солади. Охир оқибат у: "Одам боласи нима учун дунёга келган ва умрни қандай ўтказиши лозим?" – деган умумий саволга жавоб излашга киришиб кетади.

Шунинг учун ҳам тасаввуфдаги комил инсон ғояси ислом даври адабиётининг ҳам асосий мақсадига айланди-қолди. Адабиёт учун бошқа бир маънавий-ахлоқий мезон излаб ўтиришга ҳожат йўқ эди. Чунки тасаввуф ўз ғояларини турли-туман рамз-истилоҳларга ўраб ифодалаш орқали адабиётга яқинлаша борган эди.

Тасаввуфда Аллоҳга интилиш "ишқ" дейилди. Ишқ эса адабиётнинг азалий мавзуи эди. Лекин энди сўз санъатида ишқ тушунчасининг моҳияти ўзгарди, кенгайиб кетди, у яшашнинг маъно ва мазмуни янглиғ талқин этиладиган бўлди, наинки инсон, ҳатто, бутун борлиқнинг мавжудлик асоси тарзида қаламга олинди.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, адабиёт бора-бора тасаввуфсиз яшай олмайдиган бўлиб қолди. Чунки тасаввуф комил инсон қандай бўлиши кераклигини таъкидлабгина қолмасдан, ана шу олий башарий мақомга эришишнинг, тинимсиз ёмонликлардан қутула боришнинг аниқ ва муайян йўлларини ҳам кўрсатиб берган, буни амалда исботлаган вакилларни камолга етказган эди. Албатта, адабиёт ҳам инсонни ҳар томонлама пок, гўзал ахлоқли кўришни орзу қилади. Ҳаётнинг ўзида соҳиби қаламлар ана шундай туриш-турмуши, хатти-ҳаракатлари, бутун аъмоли билан комил инсон намунаси бўлмиш зотларни учратиб турса, яна қандай қилиб бу таълимотни ўзига назарий-маънавий асос қилиб олмасин!

Тасаввуф ва, хусусан, тасаввуфий адабиёт ўтмишда ҳам халқни ҳақ йўлга етаклаб келган, ҳозир ва бундан кейин ҳам улар миллатнинг буюк тадрисий-таълимий, яъни педагогик дастурлари ҳисобланади[5].

Яна бир нарсани унутмаслик керак. Тасаввуф, асосан, шу йўлга кирган кишилар – соликлардан ўта муайян қонун-қоидаларга, амалан мажбурий шарт-шароитларга бўйсунишни талаб этадиган бир таълимот. Лекин Навоийнинг ҳеч бир бадиий асари, ҳаттоки, ҳозирча энг тасаввуфий асар деб келинаётган "Лисон ут-тайр"да ҳам бевосита тасаввуфнинг хонақоҳона жиҳатлари тарғиб этилмайди. Бадиий адабиётдаги тарғиб тасаввуфни, ўз-ўзидан, кенг майдонга олиб чиқади. Сўз санъатида тасаввуф ғоялари омманинг ҳаётий дастури янглиғ қаламга олинади. Бу эса фақат махсус тариқатга кирган хос кишилар учунгина эмас,

---

[3] Қаранг: Ғиёсиддин бинни Ҳумодиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Тошкент, 1967. 67-бет.
[4] Қаранг: Ўша асар, 66-бет.
[5] Бу ҳақда қаранг: Бухорий С. С., Субҳоний И. Тариқат дурдоналари (Сўзбоши ўрнида). – Дурдона. Мир Кулол ва Шоҳи Нақшбанд мақомотлари. Тошкент, 1993, 5-бет.

барча китобхонлар учун ҳаётий ахлоқий-маънавий мезонга айланади. Шу сабаб адабиётдаги тасаввуфий талқин фақат хонақоҳ одоби эмас, балки, ҳаётнинг кенг қатламларида, кундалик турмушда амал қилинадига йўл бўла боради.

Қисқаси, тасаввуф маърифий илм эди. Лекин тасаввуфий бадиий адабиётни илм деб тушунмаслик керак. Тасаввуф ҳам адабиётга буюк тарғибий қурол янглиғ қарар эди. Кўп пирларнинг бадиий ижод билан машғул бўлгани шундан.

Гарчи тасаввуф ҳам, фалсафа бўлгани учун, ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб борса-да, адабиёт даражасида оммавий доирага эга эмас эди. Тасаввуф ҳам, адабиёт ҳам ўз мустақил доирасига эга. Улар, албатта, ўзаро кесишади. Лекин, барибир, тасаввуф доирасига адабиёт тўла кирмагани сингари, адабиёт майдонига ҳам тасаввуфни тўлиғича сиғдириб бўлмайди. Бу иккиси ўз айланасининг шу қадар кенг майдонида ўзаро кесишадики, ҳатто: "Адабиётга тасаввуфнинг таъсири бор эди", – десак ҳам, бу таърифий ифода камлик қилгудек. Чунки тасаввуф билан адабиёт шу даражада ўзаро жипслашиб кетган эдики, "таъсир" деган истилоҳ воқеъликни тўла акс эттиролмай ҳам қолади. Шунга ҳам қарамай, ўз имкониятлари билан сўз санъати тасаввуф чегараларидан жуда узоқларга чиқадиган кўп маъно қатламларига, ҳаётни акс эттириш, инсон ички оламининг турли-турли ва нозик-нозик жиҳатларини ёритиш имкониятларига эга.

Агар мумтоз шоирларимиз ижоди тасаввуфий даражасига қараб тасниф этиладиган бўлса, пиру мурид, устозу шогирд бўлган, бир замонда ўзига хос мусобақадошлар янглиғ қалам тебратган икки буюк зот – Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоий, эҳтимолки, бир ёхуд бир-бирига жуда яқин гуруҳга киритилиши керак. А. Муҳаммадхўжаев эса Жомийни суфий шоирлигига ҳеч ким бирон-бир шубҳа қилмайдиган Ҳаким Санойи, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румийлар билан бир сафда – "пантеизмни тарғиб қилган суфий мутафаккирлар"[1] қаторида санайди.

Хўш, Навоий ижоди бу жиҳатдан Жомийдан кескин фарқ қиладими?

Йўқ. Кузатишлардан ҳам кўриниб турибдики, Навоий ҳам суфий шоир. Фақат Жомийда – суфийлик, Навоийда – шоирлик устунроқ бўлиши мумкин. Кейин улуғ ўзбек қаламкаши суфиёна ғояларни ҳеч қачон ялонғоч ҳолда акс эттирмаган, у, аввало, суфиёна а д а б и ё т яратган.

Яна бир нарса ойдинлашдики, нақшбандийлик – Навоийнинг умум ижодига дахл қилган тариқат. Шунинг учун: "Унинг форсча қасидаларида нақшбандийлик руҳи чуқур из қолдирган"[2], – дейиш бир томонламалик бўлса керак.

Навоийда нақшбандийлик изларини қидириш адабиётимиз тарихининг кейинги даврларини ўрганиш учун ҳам асқотади. Айтиш мумкинки, ўзбек адабиёти Навоийдан кейин нақшбандиясиз яшай олмас эди ҳисоб. Нақшбандия адабиётга Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби соҳиби суханларни ҳам берди.

Қўлингиздаги китобда асосан Навоий ижодининг нақшбандия билан бевосита ва бўртиб кўриниб турган жиҳатлари ҳақида бир чимдим мулоҳаза юритилди. Ҳолбуки, шоир меросининг нақшбандия билан б и л в о с и т а вобасталигию кучли б о т и н и й боғлиқлиги ҳам бор.

Билвосита алоқамандлик деганда, камида, Навоий асарларидаги Баҳоуддиндан бошқа нақшбандийлар, масалан, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий ва шу кабиларга муносабатлар киради. Биргина мисол келтирса бўлар.

---

[1] М у х а м м е д х о д ж а е в А. Идеология накшбандизма. Душанбе, 1991. С. 114.

[2] Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд. Тошкент, 1977, 195-бет.

Навоийнинг ўз давридаги темурий ҳукмдорлараро ўзаро қирпичоқ муносабатлар, хусусан, ота-ўғил ўртасидаги тахт талашишлар олдини олиш учун кўп ўринларда айнан ана шу тасаввуф тарихидан, шайхлар ва, айниқса, нақшбандий пирлар намунали ҳаётларидан мисоллар келтириши бежиз эмас.

"Ҳайрат ул-аброр" достонининг йигирманчи мақолоти Султон Ҳусайн Мирзонинг катта ўғли – Султон Бадиуззамон Баҳодирга насиҳат тарзида битилган. Тарихдан биламизки, Султон Ҳусайн билан Бадиуззамон ўртасидаги муносабатлар жуда кескин эди. Бадиуззамоннинг суюкли ўғли, бегуноҳ йигитча – Мўмин Мирзонинг ўз бобоси – Султон Ҳусайннинг ғафлатда чеккани имзоси билан қатл этилиши Бадиуззамонни Султон Ҳусайннинг ашаддий душманига айлантирди.

Навоийнинг ана ўша Бадиуззамонга насиҳатидан кейин бир ажойиб ҳикоят келтиради. У Баҳоуддин Нақшбанднинг халифалари Хожа Муҳаммад Порсо билан бу кишининг фарзандлари – Хожа Абу Наср ўртасидаги ота-ўғил иззат-икроми ҳақида.

Шайх Хожа Муҳаммад Порсо ўғиллари билан ҳажга борадилар. Маккайи мукаррамада тумонат халойиқ дуони айнан ана шу Бухородан борган нақшбандий авлиёдан илтимос қилади. Лекин Муҳаммад Порсо Маккада дуо қилишдек ўта шарафли ишни ўғилларига юклайдилар. Ҳамма ҳайрон: хўш, нега, ахир?

Чунки, дейдилар улуғ пир, мен ҳажга раҳбарсиз – ўзим йўл излаб, машаққатлар билан йўл топиб, адашиб-нетиб етиб келдим. Менда сафар мобайнида адашиш хавотири бор эди. Мақсад Ҳаққа етиш бўлса ҳам, хаёлимнинг бир чеккаси доимо йўл излаш ташвиши билан банд эди. Ўғлим эса ҳажга пири, яъни мен билан келди. Унинг йўл хавфу хатаридан мутлақо хавотири йўқ эди. Шунинг учун у ўзини батамом Ҳаққа гум қилди, яъни у сафар жараёнида ҳам руҳини Ҳаққа еткариш билан машғул бўлаверди. Шунинг учун унинг дуоси кўпроқ ижобат бўлса керак, деб ўйлайман. Менинг машаққатларим, менинг ўғлимни парвариш қилишим туфайли кўпроқ камол касб этди:

Бўлди менинг ишим анга парвариш,
Парваришимдин анга иш қилмоқ иш.

Йўл итари мени ҳаросон қилиб,
Йўлни ҳаросим анга осон қилиб.

Менда хавотирдин ўлуб юз футур,
Анда сулук ичра шуҳуди ҳузур[3].

Ота-ку дуо қилишни ўғлига топширди. Хўш, ўғил нима қилди, дерсиз? Албатта, амри падар – вожиб. Ўғил йиғлай-йиғлай дуо учун қўл очди, шунда халойиқ – ҳожилар номидан улуғ-улуғ муножотлар қилди. Дуо сўзлари тугагач, ота йиғи аралаш: "Илоҳи омин!.." – деди. Ана шунда ўғил ҳам ота тарбиясини олганлигини, шундай улуғ отага лойиқ фарзанд эканини эл олдида намоён этди. Ўғил сўнгги бор яна дуога қўл очиб: "Агар мен дуо қилишнинг уддасидан чиқа олмаган бўлсам, жилла қолса, отажонимнинг оминларини ижобат қилиб, инобатга оларсан, эй Парвардигор!" – деди:

Сўнгғи дуо бу эдиким: "Ё Илоҳ,

[3] Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент: 1958. – Б. 252.

Дермен уётдин санга айлаб паноҳ:

Билмас эсам мен тилак ойинини,
Айлама зойиъ анинг оминини[1].

Шу ҳикоят баҳона шоир энди бевосита Ҳусайн Мирзо ўғилларига насиҳат қилишга ўтади:

Ёраб, ул омину дуо ҳурмати,
Ё у ўғул бирла ато ҳурмати, –

Ким бу ато бирла ўғулни мудом,
Давлату дин тахтида тут мустадом.

Ўзга ўғулларни ҳам эт муҳтарам,
Анга ўғул, мунга иниларни ҳам[2].

Навоий Бадиуззамонни, Султон Ҳусайннинг бошқа ўғилларини оталарини ана ўша авлиёнинг ўғли каби ҳурматлашга чақиради, укаларни эса акалари – Бадиуззамонни ота ўрнида кўришга даъват этади. Навоий темурийлар салтанатида айнан ана шу тахт талашиб, ота-ўғил, ака-ука муносабатлари фожиъ бир ҳолга келиб қолганини, демакки, халқ, миллат, мамлакат ҳалокат ёқасига яқинлашаётганини ҳис қилмаслиги, сезмаслиги, олдиндан кўрмаслиги қийин эди. Бу дард Навоийни ҳаммадан кўра кўпроқ изтиробга солар эди. Шундай дардларига ҳам Навоий нақшбандиядан малҳам излагани аён бўлиб турибди.

Демак, нақшбандия Навоий асарларидаги темурийларга насиҳатлар учун ҳам асосий мезоний дастур эди.

Нақшбандия ва Навоий ижодининг ботиний боғлиқлигини ёритишнинг ўзи – адабиётшунослик учун жиддий вазифа. Илмий даъво – тезис сифатида бу ерда бир мулоҳазани айтиб ўтиш мумкин. “Фарҳод ва Ширин”да нақшбандиянинг очиқ-ошкор тарғибига дуч келмаймиз. Бироқ, бутун моҳияти билан достон тасаввуфнинг ана шу илғор тариқати ақидаларини илгари суради. Бошқача айтганда, зимдан Фарҳод – айнан нақшбандий бир солик тимсоли. Унинг илму ҳунар ўрганишга муносабати ҳам, “даст – ба кор”ликни айнан “дил – ба ёр”ликнинг бир воситасига айлантиргани ҳам, “ҳуш дар дам”лигию “назар – бар қадам”лиги ҳам, бутун аҳволи руҳиясидан ҳар лаҳза (ҳушидан айрилган дамлари бундан мустасно, бунинг таҳлили ҳушига келганидан кейин давом этади) ўз хатти-ҳаракатларидан воқифлиги ҳам шундай дейишга асос беради. Худди шу жиҳатлари билан у “Лайли ва Мажнун” достонидаги Мажнундан кескин фарқ қилади. Бу икки, аслида, руҳан яқин достон шу нуқтаи назарлар билан қиёсланса, шоир ижодининг кўп нозик хусусиятлари юз оча боради. Шунда Навоий нега “Хамса”нинг иккинчи достони номида ошиқ – Фарҳодни олдин, маъшуқа – Ширинни кейин, учинчи достонда эса, аксинча, маъшуқа – Лайлини олдин ва ошиқ – Мажнунни кейин тилга олгани ҳам бир оз ойдинлашгандек бўлади.

Шу ерда бир нарсага аниқлик киритиб ўтиш керак. Жунайд Бағдодий суфийликнинг “саҳв” йўлини, Боязид Бистомий эса бунга батамом тескари бўлган “сукра” йўлини асослаган.

[1] Ўша асар. – Б. Ўша.
[2] Ўша асар. – Б. Ўша.

Профессор Нажмиддин Комилов бу икки ўзаро зид йўлни шундай тушунтирадилар: “Саҳв”, яъни Жунайд Бағдодий йўли “сукра” (бехудлик, мастлик) йўлига – Боязид Бистомийнинг рукнига қарама-қарши эди. Боязид бўйича, илоҳий маърифатни суфий фақат фонийлик ҳолатида, яъни буткул ўзлигини йўқотиб идрок эта олади. Боязид Илоҳни англаш ва таниш ақл билан, ҳушёрлик билан бўлмайди, деб уқтиради. Жунайд Бағдодий эса, бунга эътироз билдириб, суфий фақат бехуд-девона бўлса, унинг маърифати ўзигагина татийди, ўзгаларни тарбиялай олмайди ва бақога етолмай, ярим йўлда қолади, деб айтади. Жунайднинг назарияси ислом учун ҳам мувофиқ эди ва суфийларнинг дунё, дин ва шариат билан боғланишларига имкон берарди. Шу боис Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд каби Мовароуннаҳр шайхлари Жунайд Бағдодийнинг йўлини маъқуллаганлар. Аммо уларнинг бирортаси Боязид Бистомий йўлига нафрат билдирган эмас”[3].

Демак, гарчи ҳазрати Баҳоуддиннинг силсилайи шарифлари олтинчи ҳалқасида (Баҳоуддиннинг ўзлари ўн олтинчи ҳалқа ҳисобланадилар) Боязид Бистомий ҳам бўлса-да[4], суфийнинг ҳушёрлиги ва бехудлиги масаласида нақшбандия Жунайд Бағдодийнинг “саҳв” рукнига тарафкаш эди. “Фарҳоду Ширин”да айнан ана шу йўл тарғибига дуч келамиз. “Лайли ва Мажнун”да эса, аксинча, суфийликнинг “сукра” йўли кўрсатилган. Навоийнинг фикрича, у йўл билан ҳам, бу йўл билан ҳам Ҳаққа етиш мумкин.

Ана шу биргина жиҳатнинг ўзи ҳам “Навоий ва тасаввуф” деган масалани “Навоий ва нақшбандия” тарзида тор тушунмаслик кераклигини кўрсатади. Нақшбандия улуғ шоир учун а с о с и й тариқат эди. Лекин унинг ижоди – бу тариқат чегараларидан чиқадиган умум тасаввуфий тасаввурлару ақидаларга жуда-жуда бой бир манба.

Аёнки, “Нақшбанд ва Навоий” мавзусининг ўзи ҳам – ҳали кўп ва турли-туман йўналишлар бўйича ўрганиладиган ўзак масала. Қўлингиздаги китоб ана шу умуммавзунинг айрим қирраларини ўрганишгагина бағишланди. Аммо, у ушбу масалага дахлдор бўлак кўп жиҳатларни тадқиқ этишга ҳам туртки берар, деган илинж йўқ эмас.

---

[3] К о м и л о в Н. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: 1995. – Б. 20.
[4] Қаранг: Б у х о р и й С. С. Дилда ёр. – Тошкент: 1993. – Б. 75.

ИККИНЧИ ҚИСМ

“ЛИСОН УТ-ТАЙР”НИНГ ҚИЁСИЙ ПОЭТИКАСИ: СИНТЕЗ, НАЗИРАВИЙЛИК ВА ТАРЖИМАВИЙЛИК

БИРИНЧИ БОБ

“ЛИСОН УТ-ТАЙР”ДА НАҚШБАНДИЯ

Меърож ва қушлар парвози

Воқеасигина қаралса, “Лисон ут-тайр” – қушлар ҳақидаги достон. Аслида эса мақсад – соликлар сиймоларини яратиш. Қушларнинг Симурғ сари интилиши рамзан соликларнинг комил инсонлик мақомига етиш учун ҳаракатини англатади. Комил инсон бўлиш эса фақат тасаввуф учунгина аҳамиятли ғоя эмас. Бадиий адабиёт талқинига айланганидан кейин у, ўз-ўзидан, кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади ва шу тариқа умуминсоний бир орзу янглиғ жаранглайди.

Хўш, бу достонни битишда Алишер Навоийга салафлик қилган Фаридиддин Аттор (милодий 1225 йилга яқин вафот этган) нима учун Аллоҳга етишни айнан қушлар тимсолида ёритган?

Шунинг учунки, пайғамбаримиз – Муҳаммад (с. а. в.) меърож, қилганлар. Меърож мўжизаси бор эканми, инсон учиш орқали руҳан Аллоҳ васлига етиши мумкин, деган тасаввуфона орзу ҳам бўлади.

“Лисон ут-тайр”нинг меърожга бағишланган 4-бобида шундай байт бор:

Пайк ила маркаб қолиб ул сайрдин,
Икки пар тушган масаллик тайрдин[1].

Бу билан Симурғнинг пари Хитойга тушиб қолгани ўртасида алоқадорлик мавжудмикан? Умуман, Буроқнинг қаноти бор-ку. Бу достон ҳам учиш асосига қурилганига сабаб шу эмасми?

Меърож мўъжизасида пайғамбар (с. а. в.) Аллоҳ даргоҳида етиб борадилар:

Боргоҳи қурб аро топиб мақом.
Майл этиб андин ёқинроқ ҳам хиром (11).

---

[1]Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий танқидий текст. Тайёрловчи: Шарафидин Эшонхўжаев. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 11. Монографияда асосий манба сифатида “Лисон ут-тайр”нинг шу нашридан фойдаланилди. Бундан кейин шу нашрдан олинган парчаларининг саҳифаси қавсда кўрсатиб борилади. Бир масалага аниқлик иритайлик: илмий танқидий матн нашрида саҳифалар икки хил рақамланган. Яъни илмий матн учун алоҳида, достон илмий танқидий матни учун алоҳида рақам қўйилган. Биз кўрсатган рақамлар достон матни рақамларини кўрсатади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, достоннинг кирилл ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида чоп этилган нусхаларида имловий ҳар хилликлар – жуда кўп. Мавзу тақозо этмагани учун уларга муносабат билдириб ўтирмаймиз. Илмий танқидий матндан келтирилган парчалар ушбу сатрлар муаллифи транскрипциясида берилди.

Шу бобда яна “Лисон ут-тайр” моҳиятини англаш учун асқотадиган бир-икки байт ҳам бор. Улардан бирида:

Ўзни ўзлук қайдидин айлаб халос,
Топиб ўздин ўзгаликка ихтисос (11), –

дейилади. Сал кейинроқ яна шундай ёзади шоир:

Ўзлуки бирла ўзидин йўқ хабар,
Балки ўзу ўзлукидин йўқ асар (11).

Яна кейинроқ пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг Ҳаққа етганлари масаласи кўтарилади:

Ҳар не истаб, ҳаййи мутлақдин топиб,
Ҳақ тилаб, Ҳақдин тилаб, Ҳақдин топиб (12).

Васлга Муҳаммад пайғамбаримиз (с. а. в.) восил бўлганлари энди аниқроқ қилиб айтилади:

Васлидин масрур ўлуб ул боргоҳ,
Буйруғидин мунтазам бу коргоҳ (12).

Навоийнинг бевосита пайғамбар (с. а. в.) меърожлари тасвирига бағишланган махсус наът ғазалларидан биридаги мана бу икки байтга диққат қилайлик:

Фалак водийлари қатъиға азминг чун суруб маркаб,
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.

Рафиқинг тойир андоққим, Сулаймон оллида ҳудҳуд.
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипеҳросо[2].

Бу парчадаги “фалак водийлари” билан “Лисон ут-тайр”даги етти водий, демакки, пайғамбар(с. а. в.)нинг учиб, Аллоҳ васлига етганлари билан достонда ҳам қушларнинг учиши, “Буроқ” номли учар отнинг “рафиқ”, яъни ўртоқ дейилиши-ю, унинг худди Сулаймон олдидаги Ҳудҳуд янглиғ “тойир”, яъни қуш экани, умуман, Ҳудҳуднинг тилга олиниши, “рафиқ” сўзида Жаброил (а.) кўзда тутилиб, унинг Сулаймон олдида Ҳудҳудга ўхшатилиши ва “Лисон ут-тайр”да ҳам пир рамзи – Ҳудҳуд экани бизга Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”и ва кейин Навоий достонида нега Аллоҳга етиш йўли қушларнинг парвози янглиғ тасвирлангани ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритиш имконини беради.

Пайғамбаримиз (с. а. в.) меърож мўъжизаси орқали тириклик пайтларидаёқ Аллоҳ васлига мушарраф бўлганлар. Шунинг учун у зот – дунёдаги энг комил инсон. Сўфийлар ҳам ўз олдига шундай бир мақсад қўядики, қани, энди биз ҳам, худди пайғамбаримиз *(с. а. в.)* каби, тириклайин Аллоҳ васлига мушарраф бўлсак, деб орзу қилади. Шунинг учун, инсоннинг

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 30.

Тангри васлига етиш имконияти бор, деб қаралади. Шунга интилинади. Лекин бу билан сўфийлар ҳеч ҳам пайғамбарлик даъво қилаётгани йўқ. Фақат пайғамбар(с. а. в.)га насиб этган васлга булар ҳам умидвор. Аттор талқинича, Расулуллоҳ (с. а. в.) учишлари мобайнида фалак водийларини босиб ўтганлари сингари суфийлар ҳам йўлда етти водийни босиб ўтиши керак. Лекин зинҳон-базинхор учишни бу ерда ўз маъносида тушунмаслик керак. Сўфий қалбида кечади, аслида, бу водийларни учиб ўтиш. Достонда эса у зоҳиран, яъни рамзангина қушларнинг парвози янглиғ кўрсатилади.

Нақшланган *“нақш”*лар

Нақшбандия ҳақида гап кетганда, айниқса, Навоийнинг бирор-бир достони айнан ана шу тариқатга алоқадорлиги жиҳатидан таҳлил этилаётганда, ўз-ўзидан, *“нақш”* деган сўзнинг ҳар қандан маънода ишлатилган ўринларига диққат қилинади. Шу маънода “Лисон ут-тайр”да ҳам бот-бот *“нақш”* калимасига дуч келамиз. Достоннинг, хусусан, *“Чин шаҳри сифати ва Симурғ пари тушканининг кайфияти”* деб аталган 19-бобида “нақш” кўп учрайди. Машриқзаминда бир Чин деган шаҳар борлиги, унинг Эрам гулзоридан ҳам хушроқлиги, суви беҳишт анҳоридан ҳам дилкашроқлиги айтилади-да, Симурғнинг бу шаҳар устидан учиб ўтгани-ю, шунда унинг бир пари ўша ерга тушиб қолгани қаламга олинади. Кечаси амалга ошган бу парвозда тушиб қолган пар ҳақида, жумладан, мана бу байтларниўқиймиз:

Рангу нақш ул парда ғоятдин фузун, –
Ким онинг шаҳрида сўз бўғай узун.

Тонгласи чун келмиш эл ўз ҳолиға,
Боқиб ул пар ранг ила ашколиға.

Ҳар киши боғлаб тахайюлдин қалам,
Қилмиш ул пар нақшдин тарҳи рақам.

Борчанинг нақшу хаёл андешаси,
Бу иш андин бўлмиш ул эл пешаси.

Бир кишини қилмиш ул нақшу хаёл,
Нақшу тасвир амрида соҳибкамол.

Оти – Моний, хомаси – мўъжизнамой,
Санъати наззораси ҳайратфизой.

Буйла нисбатлардин аҳли маънавий,
Чинда дерлар “коргоҳи Монавий”.

Ул пар эмди гўйиёким Чиндадур,
Ҳурдек ул мулки хулдойиндадур.

Бу эмиш ул пар зуҳурининг иши,
Мундин ортуқ фаҳм қилмайдур киши (26 – 27).

Бундан сал ўтиб, яна *“нақш”* сўзи ишлатилган байтга дуч келамиз:

Беадад нақш ўлди ул пар ҳолидин,
Ноқил ул пар соҳиби афъолидин (27).

Хўш, нега *“нақш”* сўзи бунчалар кўп тилга олиняпти? Накшбандияга бевосита алоқаси борми бунинг?

Йўқ. Чунки “Лисон ут-тайр”нинг ёзилишича, асос бўлган “Мантиқ ут-тайр”нинг Симурғ ҳақида гап бошланган бобида ҳам бу қушнинг бир пари Чинга тушиб қолгани тасвирида *“нақш”*га кўп дуч келамиз:

Ҳар касе нақше аз он пар баргирифт,
Ҳар кӣ дид он нақшкорӣ дар гирифт.

...Гар нагаштӣ нақши пари ӯ аён,
Ин ҳама ғавғо набудӣ дар ҷаҳон.

Ин ҳама осори сунъ аз фарри ӯст,
Нақшҳо ҷумла зи нақши парри ӯст[1].

Бу байтларда ана шу Симурғ паридан Ер юзида нақшкорлик бошлангани, оламдаги ғавғолар ҳам ана шу пар чизган нақшлар орқали аён бўлгани, нарсаларнинг бари ана шу пар нурию нақшидан пайдо бўлгани ҳақида гап боради.

“Нақш” сўзини кетма-кет қўллашни Навоий бу ерда салафи – Аттордан олган. Аттор “Мантиқ ут-тайр”ни милодий 1177/78 йили ёзиб тугаллаган. Баҳоуддин Нақшбанд эса ундан икки аср кейин яшадилар. Демак, *“нақш”* сўзи такрорларида нақшбандияга бевосита алоқадорлик йўқлиги – маълум. Хўш, билвосита-чи?

“Лисон ут-тайр”даги бобнинг “Мантиқ ут-тайр”даги бобдан бир фарқи шуки, Навоий ана шу Чинга тушган пар туфайли бир кишининг қалами мўъжиза кўрсатадиган бўлгани ҳақида маълумотни қўшади. Бу – Моний. Шунинг учун *“аҳли маънавий”* Чинни *“коргоҳи Монавий”* деб атайди. Ўша Симурғдан тушиб қолган бир парнинг намоён бўлиши, қаранг, Монийни шу қадар мўъжизакор қилди. Бу билан шоир нима демоқчи? Ахир, Симурғ – Аллоҳнинг рамзи ва Симурғнинг пари – *Аллоҳнинг* Ердаги зуҳури бўлса, Ҳақнинг сирларидан воқиф бўла бошлаган инсоннинг қўли ҳам Моний каби соҳибҳунарга айланиши мумкин, демоқчи эмасми? Ахир, Навоий шеърияти ана шундай пинҳонаю ошкора ишоралар борлиги рост бўлса, шоир зимдан нақшбандиянинг: *“Дил – ба ёр-у, даст – ба кор!”* ақидаси сари етаклamаяптими тафаккуримизни?

Хулоса қилишга ҳали шошилмаймиз. Чунки “Лисон ут-тайр”да *“нақш”* сўзи кетма-кет нақшланиб келадиган боблар яна бор.

Биласизки, асарда бошдан охири Фақру фано водийсига етиш орзуси қаламга олинган[2]. Чунки фанодан кейин солик бақога – Аллоҳнинг абадий васлига мушарраф бўлади. Қушлар

[1] Шайх Фаридиддин Аттори Н и ш о п у р и й. Мантиқ ут-тайр. Исфаҳон: 1328. – С. 48 (Араб ёзувида.) Бундан кейин шу нашрдан олинган парчаларнинг саҳифаси қавсда кўрсатилади.
[2] Бу ҳақда қаранг: О л и м С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 7 – 46.

Ҳудҳуд раҳнамолигида Фақруц фано водийсидан ҳам ўтишади. Ана шу еттинчи водий *“адоси”*га бағишланган муҳим боба яна *“нақш”* сўзи ёрдамга келади. Тасвир этилишича, Фақру фано водийсида бир чуқур денгиз юз кўрсатади, унга минг-минг олам ғарқ, денгиз узра кучли шамол турганида эса минг-минг нақш мавжланади:

Баҳрнинг кўлоки тушқан чоғда авж, –
Км аён айлар туман минг нақш мавж (175).

Кетма-кет бу мавжлар фано топиб, яъни йўқолиб, ўрнига яна кўп янги-янги мавжлар пайдо бўлаверади:

Дам-бадам бу нақшлар топиб фано,
Фош ўлур минг мавжи гуногун яно (175).

Чунки бу мавжларда ҳақиқий вужуд йўқ, улар вужудини йўқотган, баҳр, яъни денгизнинг ўзидан бошқа барча нарса нобуд бўлади. Ахир, Аллоҳнинг вужуди – гўёки чеку чегарасиз бир денгиз. Мавжлар эса – унинг хилқатидан бир нишона, холос. Ҳудҳуд Фақру фано водийсини таърифлашда давом этар экан, бу дунёда жамики одамлар – у аллома бўладими, ё авомми, пайғамбар бўладими ё авлиё, бари – Аллоҳнинг мавжи янглиғ англаниши керак, дейди. Шу ўринда яна *“нақш”*га эҳтиёж сезилади:

Борчасининг нақши келди орият
Фони-ю, онда бақодин йўқ сифат.

Баҳр таҳрики, чу мавж айлаб аён,
Нақш мунча зоҳир айлаб ҳар қаён (176).

Агар денгиз тўлқини тўхтаса, бу мавжлардан ҳеч вақо қолмайди. Демак, Ҳудҳуд, Ҳақдан бошқа ҳеч нарса, ҳеч ким боқий эмас эканми, ҳамма ўзини фано айламоғи керак, демоқчи.

“Мантиқ ут-тайр”нинг Фақру фано водийси тасвирида ҳам *“нақш”* сўзи тилга олинади:

Баҳри кулли чун бу ҷунбиш кард рой,
Нақшҳо дар баҳр кай монд ба ҷой.

Ҳар ду олам нақши ин дарёт бас,
Ҳар ки гўяд нест ин савдот бас (214).

Демак, нақш масаласи – “Мантиқ ут-тайр”да ҳам бор. Шунинг учун “Лисон ут-тайр”даги *“накш”* талқинлари салафнинг таъсири ва бу ҳали нақшбандияга боғланмагандек. Навоий достони мутолаасини давом эттирганимиз сари бу фикримиз ўзгара боради. *“Фақру фано водийсининг адоси”* бобидан кейинги ҳикоят – Шайх Абулаббос Қассобнинг (милодий 921 йили вафот этган) фано даражасига етгани ҳақида. Унинг хонақоҳига бир куни бир девонаваш дарвеш кириб келади-да: *“*Менга обдаста тўла сув келтиринглар, таҳорат қилмоқчиман*”*, – дейди. Шайх бу гапни эшитиб, унга обдаста келтириб беришларини буюради. Аммо дарвеш обдастани синдиради. Яна келтиришларини сўрайди. Келтиришади, синдиради. Бу

кўп такрорланади. Охири хонақоҳда биронта обдаста қолмаганини билдиришади. Шунда дарвеш: "Шайхларингизга айтинглар, соқолини келтирсин!" – дейди. Шунда Шайх ўрнидан туриб, йиллар мобайнида ювиб-тарагани соқолини ҳовучлаганча ўша девона дарвеш олдига борарди. Дарвеш бу қадар ўзликдан кечиш, фано даражасига етишни кўриб, Шайхнинг оёғига йиқилади. "Солики фоний", яъни Абулаббос бу дарвешга назар солиб, унинг ўзлигидан асар ҳам қолдирмайди. Демак, бу иши билан у нуқсонли дарвешни камолга еткаради. Бошқача айтганда, мисни олтинга айлантиради.

Ана шундай Навоийга яна "нақш" сўзи керак бўлади:

Рангу нақшу лавндин чиқмай киши,
Мумкин эрмас мундоқ этмаклик иши (178).

Киши ранг, нақш ва бўёқдан, яъни ўзлигидан чиқмай туриб бундай иш қилиши мумкин эмас, дейиляпти. Нақш ҳам бу ерда "ўзлик"нинг белгиси бўлиб келяпти. Ўзликдан қутулиш учун нақшдан ҳам мосуво бўлиш керак. Бу Баҳоуддин тахаллусларига "Нақшбанд" сўзининг "нақшни боғлаш" маъносини "нақшдан қутулиш" тарзида ҳам талқин этиш учун имкон беради. Буни, бир тахмин, деб ўйламаслик керак, чунки шу байтдан кейин шоир ҳикояти:

Фониё, мундоқ фано Ҳақдин тила.
То бақо топқайсен ул ифно била (178), –

деган лирик хулоса билан якунлайди-да, "Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сўзи фанойи комил мақомида" деган бобни бошлайди.

Олдинги олти водий таърифларидан кейин биттадан ҳикоят келтираётган эди. Аммо Фақру фано водийси таърифидан кейин шоир бу тартибни бузади: кетма-кет тўртта ҳикоят келтиради. Шулардан иккинчиси – Баҳоуддин Нақшбанд ҳақларида. Водийлар таърифидан кейин бир неча ҳикоят келтириш Аттордa бор. "Мантиқ ут-тайр"нинг фақат Маърифат водийси таърифидан сўнггина битта ҳикоят, қолган водийлар таърифидан кейин, албатта, бир неча, ҳатто, баъзан етти-саккизтадан ҳам ҳикоят мавжуд. Навоий ҳар бир водий таърифидан кейин биргина ҳикоят билан чекланишни маъқул кўради. Аммо Фақру фано водийси – бошқа гап, бунда у бевосита салафи – Атторга эргашади. Чунки Фақру фано – соликнинг (демак, шоирнинг ҳам) бош мақсади бўлган водий. Лекин энди достонда бу ҳикоятлар шоирона маҳорат билан бир-бирига боғланади. Бари Фақру фанони тушунтиришга бағишлангани учун улар мазмунан-ку бир-бирига вобаста.

Бироқ энди шоир бу ҳикоятларни услубан ҳам бир-бирига мослайди.

Навоийда нақшбандия ғояларининг тарғиби бир томон бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд сиймоларининг таърифи – бир томон. Ҳикоятда, жумладан, ўқиймиз:

Хожайи олий сифоти аржманд,
Шаҳ Баҳо ул-Ҳақ ва-д-дин Нақшбанд –

Чун бу иқлим узра бўлди тахтгир,
Тузди йўқлуқ кишвари узра сарир (178).

Шоир Баҳоуддин ҳазратни, энг олий сифат, энг боэҳтиром Хожа, Ҳақ, яъни Худо ва динниng баҳоси, ҳатто, шоҳ, деб таърифлаяпти. У кишининг бу иқлим (Фақру фано водийси) тахтини эгаллаганлари, йўқлик мамлакатига шоҳ бўлганликлари, яъни фанога эришган энг зўр киши эканликларини айтади. Баҳоуддин Нақшбанд эришган комил инсонлик даражаси – Навоий учун бир буюк орзу эди. Баҳоуддин ҳазрат ҳикоятда шу қадар бир камтар инсон – комиллик рамзи сифатида таърифланадиларки...

Ул зоти шариф бир куни бир қўтир итни кўриб қолиб, ўзларини шундан ҳам кам олган эканлар. "Чунки итда вафо қилишдан бошқа нарса йўқ, аммо менда жафодан бошқа нарса намоён бўлмайди", – дейдилар. Кейин ит шайхнинг олдиларидан ўтиб кетади. Шунда Баҳоуддин унинг изига қараб: "Мен ортиқ эканманми, ё бу из!" – деган савол қўядилар. Сўнг ўзларига ўзлари: "Эй инсофсиз, ахир, бу – вафо аҳли оёғидан нишон, сен бўлсанг вафосизлик сари этак судрайсан!" – дея ер ўпиб, кўзларини ана шу изга суртадилар. Бу ерда Хожа Баҳоуддин бутунлай ўз вужудини унутган бир комил инсон тимсоли янглиғ тасвирланадилар. Шоир буни, фано қадаҳидан май ичиш, дея қаламга олади:

Буйла ошом эттилар жоми фано,
Қолмоғондин сўнг асар ўздин яно ().

Рисоламизнинг бошқа фасллари да тасаввуфни, инсондаги ғурурни енгишнинг йўли, тарзида ҳам баҳолаганимиз – эсингизда бор. Кимсан – ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанддек улуғ зот Аллоҳ олдида ўзларини шунчалар кам оляптилар, ҳатто, вафодорликка инсондан устунроқ турадиган жонзот сифатида тасвирланадиган итдан, унинг изидан-да кам ҳис қиляптилар.

Навоий ҳикоят охиридаги икки байтда қизиқ бир гапни айтиб ўтади:

Ҳақ вужудидин бақое топмайин,
Жоми ваҳдатда лиқое топмайин,

Чун фано хайлиға дохил бўлдилар,
Боқийи муталаққа восил бўлдилар (179).

Баҳоуддин Аллоҳ вужудидан бақо, ваҳдат, яъни Тангри билан бирлик жомида бир-бирини кўришсиз ҳам фано аҳлига айланадилар, шу тариқа у кишига мутлақ боқийлик насиб этади. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳикоятда Навоий орзу қилган пир янглиғ тасвирланяптилар. Шоир наздида ул зоти шариф – тириклайин ана шу фанога ва сўнг бақога етган инсонлардан. Солик учун бу – бир меърождек шараф. Чунки Баҳоуддин Ҳаққа етганлар – тасаввуфда энг олий босқичга кўтарилганлар. Бундайлар ҳақида Малик Орипов шундай ёзади: "Ҳақиқат – бу тариқатнинг, сулук йўлининг энг юқори босқичи ва суфийликнинг олий даражаси ҳисобланади. Бу босқичга камдан-кам соликлар эришадилар ва улар ўз мартабаларига кўра буюк шахслар – авлиёлар ҳисобланадилар. Бундай шахслар Худо билан вақтинча, бир лаҳзагина эмас, балки, ҳамиша... мулоқотда бўлиш имконига эгадирлар. Улар ҳақиқат васлига етганлар – восиллар деб ҳам аталадилар. Бундан шахслар моддий, ҳиссий дунё таъсирларидан, орзу-ҳаваслардан ўз қалбларини бутунлай тозалаганлар, уларнинг қалбларида ҳақиқатдан бошқа ҳеч нарса йўқдир. Шунинг учун бу тоифадаги кишилар аҳли

фано деб ҳам аталадилар. Фано (бақосизлик, йўқлик) ғояси суфийнинг дунёвий сезгиларидан, иштиёқлардан қутулиш ва маънавий адабийлик – бақо сифатига эришганлигининг ифодасидир. Унда инсон қалбининг ҳақиқат билан боғланиши, бевосита мулоқотда бўлиши кўзда тутилади"[1].

Хуллас, бу "Лисон ут-тайр"да нақшбандия талқинининг бир жиҳати, холос. Достонда эса Баҳоуддин Нақшбанд камолга еткарган тариқат билан боғлиқ иккинчи бир муҳим йўналиш – бевосита нақшбандия ғоялари тарғиби ҳам бор.

Ажралиб турмаслик одоби

"Лисон ут-тайр"да тавсирланишича, қушлар жой, иззату ҳурмат талашиб жанжал кўтаришади. Чунки улар тузган базмда адолат йўқ эди – ҳар ким ўз обрўй-эътиборига лойиқ жойини топмаган эди. Шунда қушлар бир доно, одил шоҳга эҳтиёж сезишади. Токи у ҳақни барҳақ қилиб, ҳар кимга ўз мавқеига яраша жой тайин этса. Шу маҳал Ҳудҳуд шоҳ қуш, яъни Симурғдан дарак беради. У билан қушлар ўртасида бўлиб ўтган кўп савол-жавобу сўйланган дилгир ҳикоятлардан кейин бу жамоа Симурғни излаб, қанот қоқишига тушиб кетишади. Бироқ яна ҳар ким ўз билгича учар, кучлироғи илгарилаб кетиб, ожизроғи ортда қолар, хуллас, улар пала-партиш, бебошларча ҳаракат қилар эди. Жамоага мақсад сари бир тану бир жон бўлиб учишларида сардорлик қиладиган, бу йўлнинг пасту баландини яхши биладиган бир бошлиқ керак бўлиб қолади. Қушлар, ҳеч иккиланмай, Симурғдан хабар бериб, уларни мақсад сари йўллаган Ҳудҳуддан раҳбар бўлишни илтимос қилишади. Аммо, гарчи бунда, чиндан, ўзининг энг муносиб қуш эканини билса-да, Ҳудҳуд раҳбарликка кўнмайди. "Майли, мен билганимча йўл кўрсатай, лекин, бошлиқ бўл, десангизлар, қўрқаманки, орамизда фарқ юзага келиб қолади", – дейди. Бу гап моҳиятан Хожа Баҳоуддин айтган ва рисоламизнинг "Хожалик билан рост келмайдиган бандалик" фаслида келтирилган: "Қачон бу бандалиғ хожалиғ била рост келур?!" – деган фикрнинг айнан ўзи. Ҳудҳуд ҳам, худди Баҳоуддин Нақшбанд каби, бошқалардан ажралиб туриш, боз устига, уларга хўжайинлик қилишни ўзига эп кўрмайди. Бу – ўзлигини енгган одамдангина чиқадиган, камтарликнинг буюк намунаси бўлгулик бир гап.

Қушлар, ноилож қуръа ташлаб, бошлиқ тайинлаш фикрига келадилар. Қарангки: "Яхши ният – ярим давлат", – деганларидек, қуръа ҳам келиб Ҳудҳудга тушади[2].

"Лисон ут-тайр"даги нақшбандия ғоялари талқини билан боғлиқ яна бир нуқта – Арастунинг шогирди ҳақидаги ҳикоят. Унда шоир ошиқлик йўлида илмни ташлаб кўйган ёш соҳиби истеъдод йигит ҳаётидан лавҳа келтириш орқали зимдан: "Дил – ба ёр-у, даст – ба кор!" – шоирини илгари суради[3].

Узрлар, узрлар...

Муҳаммаджон Имомназаров ўзаро суҳбатлар чоғи кўп такрорланганидек, Алишер Навоий ижодини фақат тасаввуф фалсафаси билан чеклаб қўйиш ярамайди. Чунки бадиий адибиёт намунаси тасаввуф фалсафасига оид илмий рисола айнан нарса эмас. Бадиий асар

---

[1] О р и п о в М. Етти водий таърифи. / Гулистон, 1991 йил, № 9. – Б. 18.

[2] Асарнинг бу воқеаси ҳақида батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: О л и м С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 22 – 24.

[3] Бу ҳикоятнинг батафсил таҳлилидан хабардор бўлиш нияти туғилса, қаранг: О л и м С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 50 – 56.

илмий рисоладан кўра серқатламрок мазмун ва талқинларга имкон беради. Бироқ, тасаввуфни адабиёт, хусусан, шеъриятсиз тасаввур қилиб бўлмагани каби, мусулмон оламида тасаввуф ривож топган даврлар сўз санъатини ҳам бу фалсафасиз хаёлга келтириш мумкин эмас. Шу маънода Навоий ҳам –моҳиятан тасаввуфий бадиий адабиёт вакили. Сўфиёна сўз санъатида, демакки, бобокалон шоиримиз ижодида ҳам, инсон – бу дунёда қафасдаги қушдек гап, деб қаралади. Ўзликдан қутулганидан кейингина у қафасдан озод бўлган қушга айланади, чаманга – ёр васлига етади. Ўзликдан кечмай туриб, мақсадга етмоқнинг ҳеч иложи – йўқ. Бу ғоя Навоийнинг кўп асарларида бош масала янглиғ қаламга олинган. "Фавоид ул-кибар" девонининг иккинчи ғазали мақтасида эса шоир буни очиқ-ойдин айтиб қўя қолган:

Ўздин қутул, Навоию, мақсадга етки, қуш
Етмас чаманға, бўлса қафас ичра мубтало[1] .

Тасвирланишича, кишининг ўзлиги – қушнинг қафасидек нарса. Тасаввуфий адабиёт моҳиятида инсоннинг ана шу ўзлигидан қутулиши йўлларини бадиий ифодалаб бериш вазифаси ётади, десак, хато бўлмас.

Хўш, унда тамоман қушлар сиймолари асосида битилган "Лисон ут-тайр" достонида бу масала қандай ёритилган?

Асарда шоир пир рамзи бўлмиш – Ҳудҳуд тилидан унинг *"Қушларга кўнгул бериб, бу йўлға* (Симурғни излашга, яъни тасаввуф йўлига. – С. О.) *тарғиб этгани"* деган бобда бу дунёни *"ғарибистон"* дейди, Кушларни эса *"бу ғарибистонда муқим бўлган"* деб ҳисоблайди:

Бу ғарибистон аро бўлғон муқим,
Кўнглунгиздин кетгон ул нозу наъим (29).

Байтда Ҳудҳуд қушларни муқимликда – бир жойда ўтириб қолганликда айблаяпти. Чунки унинг мақсади – қушларни олий ниятли сафарга даъват этиш. Аммо бу сафар – ҳаддан зиёд машаққатли. Ана шу азобу уқубатларни бошдан кечириш орқали жисм худди руҳ каби софланади. Шу тариқа нафс енгила боради. Шоҳ, яъни Симурғ васлига етилади. Жон абадий яшаш бахтига муяссар бўлади. Қушлар чеккан ана шу риёзатлар туфайли бу оламнинг сирларини билиб олишади:

Берса Ҳақ тавфиқ, жидду жаҳд этай,
То яна сизни анга ҳамаҳд этай.

Бу сафарда ранжлардур таъмия,
Кўнглунгузга етса ондин тасфия,

Бу манозил қатъидин етгач футуҳ,
Софий ўлса жисмингиз андоқки, руҳ,

Жилва кўргузгай ҳамул аввалғи ҳол,
Зоҳир ўлғай сизга айёми висол.

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 6. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 8.

Шаҳ сифотиға бўлуб ирфонингиз,
Зиндайи жовид бўлғай жонингиз.

Бўлғасиз сирру риёзат воқифи,
Шоҳ бирла нафсингизнинг орифи (29 – 30).

Хўш, бу муқимлар – ким? Албатта, қушлар. Гарчи улар учиб билса ҳам, аммо ҳали олий мақсад сари сафар қилаётганлари йўқ-да.

Ҳудҳуд "сафар" ҳақида сўзлаяпти. Умуман, тасаввуфда Аллоҳ васлига етказадиган йўлга кирганларни "сафарга отланганлар" дейиш бор. Нақшбандиядаги "Сафар дар ватан" ақидаси ҳам бекорга пайдо бўлган эмас. Шундай экан, достондаги Ҳудҳуд кўзда тутаётган сафарга муносабатда ана шу "Сафар дар ватан" шиорига алоқадорлик борми?

Бир қарашда, ҳеч қандай вобасталик йўқдек кўринади. Лекин шоир усталик билан бу ерда ана шу масаланинг, таъбир жоиз тутилса, урғу қарашда, ҳеч қандай вобасталик йўқдек кўринади. Лекин шоир усталик билан бу ерда ана шу масаланинг, таъбир жоиз тутилса, уруғини сепиб ўтади. Бу уруғ эса достоннинг кейинроғида униб чиқади ва ўз ҳосилини беради ҳам.

Хуллас, Ҳудҳуд қушларга тарғибни бошлаб юборади. Ҳудҳуд кўп қушларга – Тўти, Товус, Булбул, Қумри, Каклик, Тазарв, Кабутар, Шоҳбоз, Шунқорга номма-ном мадҳгўйликлару махсус насиҳатлар қилади. Бир нарсани эътиборга олиб қўяйлик: тарғибда алоҳида-алоҳида ваъзлар бағишлангани қушлар ичида Товуқ йўқ. Товуқ асарга кейин – керак ўрнида киритилади.

Ҳозир бу масалани қўя турайлик-да, аввал Ҳудҳуд узр айтаётган қушларнинг сўзларини бир-бир таҳлил қилайлик. Аввало, қушлар учишади, бир оздан кейин эса бу риёзатга чидаш беролмай, узрхоҳликни бошлашади. Ҳаммасининг мантиғида шу нарса борки, аввалги ҳаёти ёмон эмас эди. Маишат яхши эди, роҳат бор эди. Лекин Ҳудҳуд буларнинг барини "ғафлат" деб атаб, ҳақиқий бахт – Симурғ шоҳ васлига етиш эканини айтади ва уларни бу йўлда машаққатдан қайтмасликка ундайди. Бу билан қандай хулосага эга бўламиз? Албатта, ҳамма ҳам баҳоли қудрат яшаяпти, ҳамманинг ҳам ўзича хурсанд бўладиган жиҳати, ўзига яраша иззат-ҳурмати бор. Хўш, унда бу қанақасига ғафлат бўлди экан? Ғафлатлиги шундаки, инсон мавжуд ҳолатигагина кўниб ўтириши керак эмас. Унда ҳеч қандай тараққиёт юз бермайди. Тинимсиз равишда олий бахт сари интилиш лозим. Симурғни излаш – ана шундай олий бахтга талпиниш. Олий бахтни излаш асносида эса инсон, албатта, машаққату риёзатни бошдан кечиради ва худди ана шу машаққату риёзатлар кишини тарбиялайди, кишидаги кўп ёмонликлар бартараф бўлади, у покланади ва камолга етади. Шунинг учун, Навоийлар наздида, одам тинимсиз меҳнату машаққатни бўйнига олиб, олға интилиши – керак, деган ақида – бор.

Бунинг ҳозир учун кераги йўқми? Баъзилар мустақилликнинг дастлабки қадамларида дуч келаётганимиз машаққатларнигина ўйлаб, олдинги даврimiz минг чандон яхши эди, деб ҳам айтди. Бироқ бу машаққатлар эвазига келадиган ёруғ кунни кута билиш, уни меҳнату матонат билан яқинлаштириш керак-да. Америка ё Японияга борган айрим ватандошларимиз у ерлардаги инсоният ақли бовар қилмайдиган тараққиётдан ёқа ушлаб қайтганини айтади. Лекин, ахир, шу тараққиёт тагида ҳам тинимсиз меҳнат ётмаганми? Улар биздан кўра кўпроқ ва хўброқ меҳнату машаққат чеккандирларки, энди ақлан биз

ҳали-ҳануз қўл кучи билан қилиб юрган ишларимизнинг жуда-жуда кўпини автоматларга юклаб улгуришган. Шу даражага етгунча ҳам инсоният ақли қанчалар меҳнату машаққат босқичларини босиб ўтмади, дейсиз?! Улар-ку ўзлари яратибди, биз ҳали дунёда мавжуд ва синовдан ўтган автомалаштириш технологиясини ҳам ўзлаштириб улгурганимиз йўқ. Бу жараён ҳам ўз-ўзидан кечавермайди, ахир.

Навоийнинг ғоялари бугун бизга ана шундай талқинлар учун ҳам тўла асос ва ҳуқуқ бермайдими? Беради. Ишонмасангиз, мана, энди иккинчи бўлиб узр айтган Товуснинг сўзига бир қулоқ солайлик:

Ҳар кишини қилди Ҳақ бир иш учун,
Нўш учун – бирни-ю, бирни – ниш учун (40).

Худо бировни ичиш учун яратган, бошқани – ниш уриш, яъни чақиш учун. Шу сабаб, демоқчи Товус, ҳар ким тақдирига кўниб юраверсин, берганига шукр қилиб. Бошқа бундан зиёд бахтни излаб, машаққат чекиб юришга не ҳожат? Худди шундай фикрлаб, тараққиётга интилмаётганлар ҳозир орамизда йўқми, дейсиз? Тўлиб-тошиб ётибди. Уларнинг кўпи собиқ коммунистик империя замонларида инсон ташаббускорлиги тинимсиз бўғиб келингани оқибатида: “Берсанг – ейман, урсанг – ўламан!” – қабилида яшашга ўрганиб қолган. Энди ҳам инсон бундан кўра яхшироқ яшашни учун қаттиқ меҳнату машаққатни бўйнига олиши кераклигини тан олмай яшамоқчи бундайлар. Навоий худди ана шундайларни қўзғамоқчи, жойидан силжитмоқчи. Ишонмасангиз, келинг, Товуснинг бу мақтанчоқлигию баҳонасига Ҳудҳуднинг жавоби маънисини биргалашиб чақайлик:

Ноз ила ҳусн ўлди шоҳидлар иши,
Дарду меҳнат бирла хуштур эр киши (40).

Ноз билан ҳусн, яъни Аллоҳ шундоқ ҳам насиб этган жиҳатлар билан мақтаниш шоҳидлар, яъни аёлларнинг иши, дейди Ҳудҳуд. Эркак киши эса дарду меҳнат билан яхши кўринади. Булар – шунчаки диний, шунчаки тасаввуфий, шунчаки адабий-бадиий талқин эмас, балки, шоирнинг ижтимоий ақидаси бу.

Қумрининг узридан ҳам “Лисон ут-тайр”да нақшбандия масаласини ёритишга боғлик талқин топса, бўлади. Қумри ўзининг чамандан чиқмаган бир ўтроқ қуш эканини, бундай дашту водий сайрига тайёр эмаслигини айтади:

Мен қушедурмен чамандин чиқмағон,
Дашту водий сайридинториқмағон (44).

Сафар қилиш борасида ҳам бу қушнинг майдони жуда тор – боғдан чиқмаган сира:

Заъфу ожизлик шиор ўлғон манга,
Шоху барг ичра қарор ўлғон манга.

Не совуғ кўргон жаҳонда, не исиғ,
Не ирик бошимға келган, не қотиғ.

Боғдин боғ ичра кўргузгон сафар,
Шохлардан барг аро қилғон мафар (44).

Қумрининг бу баҳонасини ҳам Навоий кўзлаган маънолардан кўра ҳам кенгроқ майдонларга олиб чиқиб шарҳлаш мумкин. Ахир, бугунги халқимизни ҳам ана шундай тор бир майдонда айланиб қолган миллатга, баргдан баргга ўтишдан бошқа нарса билан иши йўқ бир авомга қиёслаш мумкин эмасми?

Қачон халқ бўласан, эй сен – оломон?![1] –

деб сўзлаган устоз шоиримиз Абдуллоҳ Ориповнинг шу пайтгача тушуниб келганимиз маънолардан ташқари, халқимизнинг ана шундай тор турмуш ташвишларию шу юртдан нари билан иши бўлмай қолган бир элатга айланиб бораётганига куйиниши ҳам йўқми? Бор. Бўлганда ҳам, бу кучли миллий дард янглиғ айтиляпти. Одамларни ана шу лоқайдликдан силжитиш керак. Инсон камолотни орзу қилдими, бас, силжимаса бўлмайди: "Жон куйдирмасанг, жонона қайда?!" Халқ – жуда доно. Буни боплаб айтган.

Энди Қумрининг қандай қушлигига бир диққат қилайлик. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да бу қуш ҳақида шундай ёзилади: "Каптарлар туркумига мансуб, қафасда ҳам урчийдиган сайроқи қуш". Демак, бу қуш хонакилиги, ҳатто, қафасда ҳам урчийвериши жиҳатидан хунармандларга ўхшайди, негаки ҳунарманд ҳам – санъаткор (Қумри сайроқи бўлгани каби), лекин ўта хонаки. Ана шу тоифа одамларни ҳам олий маънавий камолот сари бошлаши керак. Нақшбандиянинг мақсади шу эди. Чунки, Қумри каби, бу табақа ҳам ғафлатда бундан кўра уларнинг мақсади аслий йўлида жон қурбон қилгани – яхшироқ:

Буйла мурдор ўлгуча ғафлат аро,
Ўзни ўртаб шуълайи фурқат аро.

Эр эсанг мақсуди аслий истабон,
Йулға кирсанг, ёр васли истабон.

Ўлсанг ул йул ичра ранжу дарда ила,
Жисми зору жони ғампарвард ила,

Яхшироқ юз қатла ул офотдин,
Ор қилғудек даний авқотдин (44).

Ҳудҳуд Қумрини йўлга, яъни Симурғ сари парвозга тарғиб қилиб келтирган мана шу ҳикояти – янада эътиборли. Унда бевосита касб-ҳунар масаласи кўтарилади, бу нақшбандия тариқатининг бош ғояларидан эди, десак – бўлгудек.

Аввал ҳикоятнинг ўзини ўқийлик:

Боғбоне бор эди, бас, беҳунар,
Боғбонлиқ санъатидин бехабар.

[1] Абдулла О р и п о в. Йиллар армони. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б. 423.

Не шажар пайванд қилмоқ шеваси, –
Ким ҳаловат ҳосил эткай меваси.

Не йиғоч паркови бирла парвариш –
Айлай олибким, шажар қилғай равиш.

Вақт ила не дона сочмоғни билиб, –
Ким фараҳ қилғай гули ҳосил қилиб.

Боғ аро анборкашлиғ бирла х(в)аш,
Боғбон йўққим, дегил анборкаш.

Чун кўруб бу навъ ранжу тоб анга,
Пандлар деб аҳли ҳуш аҳбоб анга, –

Ким: "Бу беҳосил ишингни тарк тут,
Ўзни бир ҳосиллиқ иш бирла овут".

Жоҳил ул меҳнатдин ўлмай мужтаниб,
Эди ул меҳнат чекарга муртакиб.

Токи бир жўя аро кесмакта ток,
Айлади они, йилон санчиб, ҳалок (45).

Бу содда ҳикоятда ҳеч нарса ношоён қолган эмас. Ҳудҳуд Қумрини бекасбликда – меҳнат қилмасликда айблаяпти. Отигагина боғбон эди у одам. Аҳли ҳуш бир неча бор унга: "Бу беҳосил ишингни ташла, бир фойдалик ишга машғул бўл!" – деб маслаҳат берган. Демак, Ҳудҳуд Симурғ сари парвозга чорлаши билан ақлли кишиларнинг ўша дангаса деҳқонни ҳосиллик ишга даъват қилиши ўртасида нима фарқ бор? Бир бадиий асар сифатида бу рамзларга ўралган фикрлар бевосита ҳаётий маъною мазмун касб этмаяптими? "Лисон ут-тайр"ни худди ана шу ҳаётий нуқтаи назардан талқин қилганда ҳам, унинг дунёвийлиги келиб чиқмайдими? Бу дунёвийлик эса, умуман, Навоий учун назарий, фалсафий асос бўлган нақшбандиянинг мағзи-ку.

Кабутар узрининг маъносидан маълум бўладики, Навоий уни беғайратлик тимсоли сифатида таърифлайди. Чунки Кабутар – одамларнинг қўлига қараб қолган қуш. Шунинг учун Ҳудҳуд унга: "Сенчалик беғайрат қуш йўқ. Шунинг учун қушлар аҳволингга ҳайрон", – дейди. Демак, бу ерда тадрижийлик бор: аввал, яъни Қумрига жавобда беҳунарлик қораланган эди, энди беғайрат киши танқид қилиняпти. Чунки ҳунар эгаллаш учун ҳам, ахир, инсонда ғайрат бўлиши керак-ку. Беғайрат киши ҳақида Кабутарга айтилган ҳикоят яна шунинг учун ҳам аҳамиятлики, ўша пайтларда техника ҳали бизда у қадар тараққий этмаган, беғайрат беҳунар, дангаса, бефарқ одамлар ҳам куп бўлган бўлса, ажаб эмас. Халқ сифатида биз – ўта меҳнаткаш халқмиз. Лекин орамизда дангасалар, лавандлар, "Берсанг – ейман, бермасанг – ўламан", – деб юрганлар камми? Ҳудҳуд тилидан Навоий тиламчилик қилиб кунни кўрадиган бу беғайрат кимсанинг одамлардан мушт еб юрганини танқид қилади. Нақшбандия ҳам ўзи, асосан, ҳунар кишиларига мўлжалланган ва ҳам одамларни

касбу корга чорлаган эди. Мана шу ҳикоятлар ҳам зимдан шу вазифани бажараётганини сезиш қийин эмас.

"Лисон ут-тайр"да у қуш билан бу қушнинг узри ўртасида, бир қарашда, ҳеч бир фарқ йўқдек: униси ҳам, буниси ҳам – ҳозир яшаб турган ҳаётидан рози, йўл машаққати уларга ёқмайди – шу. Лекин юзаки қарагандагина шундай кўринади. Аслида эса, ҳар бир қушга шоир бошқа-бошқа масалани баҳона қилдиради. Энг муҳими, бу баҳоналар орасида даражама-даража ўсиб боришни сезиш – жуда осон. Энди, мана, Кабки дарийга келдик. Айтишича, у тоғларда ҳамиша Тангри зикри билан машғул. Дунёдан этак силкиган – дарвеш. Таркидунё қилган. Бу билан у: *"Мен шундоқ ҳам тасаввуф йўлидаман"*, – демоқчи. Лекин қандай тасаввуф тариқатида у? Худди шу нақшбандия эмасми тасаввуфнинг жамики дунё ишидан қўл силкийдиган йўлларига қарши бориб, уни янги, бугунги тил билан айтганда, дунёвий тарафга буриб юборган?!

Мана, Кабки дарийнинг айтганлари:

Мен қушедурмен – қўҳистон манзилим,
Онда Тангри ҳамдига зокир тилим.

Даҳр эли ошубидин силкиб этак,
Тоғ этогинда топиб орому так.

Чун бўлиб толеъ рафиқ-у, бахт – ёр,
Қуллайи узлатни айлаб ихтиёр.

Тоғ ганжи чун манга бўлди мафар,
Не муносиб ҳолима мундоқ сафар?! (47).

Ҳудҳуд (демак, шоир ҳам) Кабки дарийни бемақсадликда, олий ният сари интилмаганликда айблайди, шунчаки узлатга чекиниб, нукул зикр тушиш билан шуғулланишни бемаънилик ҳисоблайди:

Ҳарзагардесен – югурмаклик ишинг,
Пўя тоғу қулла узра варзишинг.

Қаҳқаҳа ҳар лаҳза айлаб бежиҳат, –
Ким мажонин шевасидур бу сифат.

Гавҳари маъники, мазкур айладинг,
Номуносиб амр мазбур айладинг.

Сен ким-у, маъни – ким, эй мажҳули маст,
Жаҳл бирла мастлиғдин худпараст!

Гавҳари маъни соридин урма дам,
Ўзни бу ёлғонға қилма муттаҳам (47).

Кабки дарий Ҳудҳуд бошлаган сайрни “беъмани” деган эди:

Гавҳари маъни ҳамоно улдурур,
Сайри бемаъни манга бу йўлдурур (47).

Ҳудҳуд эса, аксинча, унинг йўлини “бемаъни” санайди:

Ким эрур ул маҳз бадгавҳарлиғинг,
Айни бемаънилиғу абтарлиғинг, –

Ким ҳамул ёлғонға бўлғунг мубтало,
Келгуси ондин бошингға юз бало (47 – 48).

Ҳудҳуд Кабки дарийга намуна қилиб, қалбаки гавҳарлар ясаб сотувчи бир қаллоб ҳақида ҳикоят келтиради. Демак, шоир бундай узлатга чекиниб зикр тушишнинг ўзи билангина машғул бўлаверишни “сохталик” ҳисоблаяпти. Чунки Аллоҳ васлига етиш учун бу буюк мақсад сари ҳаракат даркор.

Тазарвнинг узрида ўз гўзаллигини пеш қилиш, шу билан мақтаниш бор. У ўзини “маҳбуб” санайди. Ҳудҳуд унга жуда қаттиқ танбеҳ беради:

Сенки хотунлар кибисен, худписанд,
Етгуси зотингға эрликдин газанд.

Эр кирар эр сониға ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлагон зийнат била.

Эрга ҳулқу феъл эрур зебу жамол,
Янғи заркаш ҳулласидур эски шол (49).

Баҳонада эркак киши учун чирой эмас, ҳиммат зийнат эканлиги айтиляпти. Асардан узиб олинганда ҳам, бу – бир ажиб ҳикмату панд. Навоий бу гапни бошқа асарларида ҳам кўп айтган. Энди бир нозик масалани эслатайлик: шоир достонда ҳамма қушларни эркак киши сифатида тасвирлаяпти. Кейинроқ бу масалага яна қайтилади.

Тазарвга насиҳат тарзидаги ҳикоятда Муқбил ва Мудбир деган икки ўртоқ ҳақида сўз боради. Муқбил тариқатга – тасаввуф йўлига кирган эди. Мудбир эса айш-ишратни севарди. Бир шаҳарга етиб борганларидан кейин Муқбил фақр аҳли, Мудбир эса айш аҳли томон йўл солди. Муқбилнинг ташрифидан хабар топган шоҳ унинг ҳузурига зиёратга келди. Мудбир эса айш ора бир кишини ўлдириб қўйди ва уни жиноятчи сифатида шоҳ ҳузурига олиб келишди, шоҳ уни ўлимга маҳкум этди.

Бу билан Ҳудҳуд тасаввуф йўлига тарғибини яна давом эттиряпти.

Ҳикоятда тасаввуф йўлини тутган Муқбилнинг шоҳ ҳурматига сазовор бўлгани айтилган эди. Кейинги қуш – Қарчиғай узрида шунга боғлиқлик – бор: Қарчиғай шоҳлар қўли ҳамишаги оромгоҳи экани, не-не ҳукмдорлар унга дон сочгани ҳақида гапиради:

Зотима шаҳлар қўли оромгоҳ,
Тўъма ҳар кун еткуруб оллимға шоҳ.

Қайси қуш қасдиға очсам пару бол,
Насри тойир бўлса, махласдур маҳол.

Шаҳлар оллинда топиб бу эътибор,
Шавкатим Симурғча би-л-феъл бор.

Шаҳ қўли тахтимдур-у, бошимда тож,
Йўқ манга Симурғ сори эҳтиёж (51).

Ҳудҳуд ов қуши бўлмиш Қарчиғайни ғурур қўлида пастликда, жаҳолат ва ғафлат босганликда айбланиб, аслида, шоҳга ҳам, овчига ҳам қул эканини таъкидлайди. Сен нодонсан, нафс куйига тушганинг учун буни билмай, алжираяпсан, дейди. Ҳикоятда овга ўргатилган айиқнинг чеккан азобларию тақдирининг итларга ем бўлиш билан тугагани ҳақида гап бориб, Ҳудҳуд Қарчиғайга, сен ҳам ўша айиқ кабисан, қабилида писанда қилади. Қарчиғай-ку, шоҳлар ҳузурида эрка қушлигини пеш қилган эди. Кейинги қуш – Шунқор эса ундан ҳам юқорироқ даражаси билан мақтанади. Мен қушлар подшоҳиман, дейди у. Тож бор бошимда, барча қушларга нисбатан қодирроқман, бошида тожи бор қушнинг яна бир шоҳ излаб юришига нима ҳожат, демоқчи бўлади:

Ҳуб эмас бир шаҳ қўюб бошиға тож,
Ўзга шаҳға зоҳир этмак эҳтиёж.

Шоҳлиғ ойиниға рожеъ бўлай,
Невчун ўзга шоҳға тобеъ бўлай? (53).

Эсланг: “Лисон ут-тайр”даги қушлар жанжалининг ўзи мансабу даража талашишдан чиққан эди. Узрлар айтаётганда ҳар бир қуш Ҳудҳуд худди ана шу жамиятдаги ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб – мансабию даражасини пеш қилиб, баҳоналар кўрсатади. Тенгсизлик шу тарика жамиятда қанчалар кишилар ўртасида фарқни келтириб чиқаришига урғу бериб борилади. Умуман, тенглик ғояси яширин тарзда, Худонинг олдида ҳамма – баробар, Аллоҳга етган кишигина ўзини юқори даражага эришдим, деб ҳисоблаши мумкин, ундан бошқа мансабу даражаларнинг бари – ўткинчи, ёлғончи, жаҳолат меваси, деб тарғиб қилиняпти.

Биз адабиётни ижтимоиётга айлантириш касалидан энди-энди қутулмоқчимиз. Лекин агар бадиий асарда ижтимоий масалалар Навоийнинг “Лисон ут-тайр”и даражасида бадиийлик билан йўғрилиб кетган бўлса, бундай ижтимоиётга нима етсин?! Умуман, тасаввуфий адабиётда шоҳ – бош масалалардан. Унга ҳамиша дарвешлик зид қўйиб келинади. Шу даражага бориладики, ҳақиқий дарвешлик – шоҳликдан ҳам устун. Чунки дарвеш – ўз-ўзига шоҳ. Шоҳ эса – бундай бахтдан бебаҳра. Шунинг учун Навоий Ҳудҳуд тилидан, бундай шоҳлик ҳақиқий шоҳ – Симурғ олдида гадоликдек гап, дейди. Чунки Ердаги шоҳ билан бори олам шоҳи – Аллоҳ ўртасида қанчалар фарқ бор, бу шоҳ у шоҳдан қанчалар йироқ:

Ул шаҳу сен шаҳ эрур беҳад йироқ,
Буйла шаҳлиғдин гадолиғ яхшироқ (53).

Шундан кейин энди жамиятдаги бошқа тоифалар тимсоли янглиғ тасвирлар кетади. Бургут ўзини "тоғ қаҳрамони" ҳисоблайди, қаҳридану савлатидан бошқа қушлар қўрқишини пеш қилади, қулону кийикларни овлашини ва шу билан озиқланишини айтади. Оч ҳолда қандай қилиб мен учиб ўтаман, дер экан, сўзларини мана бундай тугатади:

Мени бу йўлда қанот кўп солди тут,
Қорин оч ўлғач, йиқилиб қолди тут (55).

Ҳудҳуд йўли қатъий – у бундай қаҳрамонликни "қаҳрамонлик" деб билмайди, унинг наздида жонидан кечиб, йўлга равона бўлган киши – қаҳрамон:

Паҳлавону қаҳрамон ул бўлди, ул, –
Ким кечиб жонидин эткай азми йўл (55).

Ҳикоятда "беҳунарлик фанида соҳибҳунар" бир "паҳлавони зўргар" ҳақида сўз боради. У чоштгоҳ ўн ботмон, кечқурун яна шунча овқат ерди. Қаранг, Навоий кўп овқат ейишни бу ерда ҳам қоралаб ўтяпти. Мамлакатда "бузуғлуғ" бошланиб, эл бошқа юртга кўчиб кетишга мажбур бўлади. Орадаги йўл бўйлаб дашту биёбон – ҳеч бир обод жой топилмайди ва ҳалиги паҳлавонсифат овқатхўр, қорнини тўйғазолмай, ҳалок бўлади. Паҳлавонлик овқат ейишда эмас, чидам билан машаққатлардан ўта олишда синалади, дейилмоқчи. Ҳолбуки, бу машаққатли йўлни ёш болалару мункайиб қолган кексалар ҳам эсон-омон босиб ўтади.

Куф деган қуш доим вайроналарда кун кечириб, ўша ердан бирор ганж топиш умидида яшаётганини баҳона қилади. Ҳудҳуднинг унга жавоби – тайин: ганж – ғам-ғусса келтирувчи бир нарса. Билиб туриб ўзингни шундай балога гирифтор қиласанми? Шундан кейин Ҳудҳуд Куфга соддагина ҳикоят айтиб беради. Бир девона кеча-кундуз вайроналарни кезиб, бузуқ уйларнинг у ер-бу ерини ковлаб, ганж излар эди. Охири бир кун ниятига етиб, бойликка эришди: бир хонадан қирқ хум ганж топди. Буни кўриб, шу заҳоти ҳушидан кетиб қолди. Шу пайт нохост бир аблаҳ одам келиб қолди ва ҳалиги девонага тиғ тортиб, ганж узра унинг қонини тўкди. Девонанинг излагани ганж эди. Охири ўша ганж узра ўз қони тўкилди.

Ҳумойнинг узри – янада қизиқ. У ўзининг бахт қуши экани, сояси, ҳатто, гадони ҳам шоҳ қилиши мумкинлиги билан мақтанади. Ўзим шоҳларга тахти шараф келтирадиган қуш бўлсам-у, яна ўзга бир шоҳни, яъни Симурғни излаб юрганимнинг нима маъниси бор? Мана, Ҳумойнинг мантиғи. Аввало, дейди Ҳудҳуд унга жавобан, бу – бир афсона. Лекин, рост ҳам бўлиб чиқди ҳам, дейлик. Хўш, сенинг соянг билан биров шоҳ бўлса, бунинг сенга не нафи бор? Барибир, даштда қолиб кетган суяклар, қақшаб қолган сўнгаклар билан тирикчилик қилиб, кун кўрасан. Сен ўз хаёлингга ўзинг асир бўлибсан. Бунга ғаввосни мисол келтиради. У савдогарлардан ҳақ олиб, денгизга шўнғийди ва у ердан садафлар топиб чиқади. Лекин олиб чиққан дурларига ўзи эга бўлолмайди, фойдани ўша пул бериб, уни ишлатган бойлар куриб кетади. Ғаввос-ку, озгина ҳақ олади. Бироқ сен шоҳга соя солиб, унинг тахтга ўтиришини таъминлаганинг билан, бундан ўзингга ҳеч нарса тегмайди-ку. Суяк излаб кунинг ўтяпти. Ақлинг бўлса, *бу беъмани гапни қўй,* дейди Ҳудҳуд Ҳумойга.

Ўрдак ўзининг ҳаёт тарзидан келиб чиқиб, сувдан айрилиб яшай олмайман, сувни тарк этиб, Симурғ сари учсам, бу худди балиқни сувдан ажратгандек бўлади-қолади, доим сувда бўлганим учун мен покдомонман, мақсадимни фақат ана шу сувдагина топаман, шунинг учун бошқа ёққа сайр қилиб, парвоз этишимга не ҳожат, дейди.

Ҳудҳуднинг жавоби – мана бундай: ақлингни сув ювиб кетибди, бўлмаса, сувни ҳам "жойнамоз" дейсанми, покдомон бўлсанг, яна сувга шўнғишинг нима учун: Тун-кун сувга чўмганинг билан, пок бўлолмайсан-ку. Шунинг учун, мана, олдингда фано денгизи турибди, ўшанга шўнғигин.

Олдинги қушлар узрлари, уларга Ҳудҳуднинг жавоблари, ҳаётий далил сифатида келтирилган ҳикоятлар, бир қарашда, нақшбандияга алоқаси йўқдек кўринади. Лекин шоир ана шу Ҳудҳуднинг Ўрдакка жавобида баҳри фанони – асл мақсадни эслайди. Энди ҳикоятга қулоқ солайлик. Ҳинд дарёси, яъни денгизида бир савдогар доим сузар эди. У бир мамлакатда, ҳатто, ўн кундан ортиқ турмас эди ҳам – фойда кетидан қувиб, мамлакатма-мамлакатюргани-юрган эди:

Тутмайин бир мулкда ўн кун мақом,
Айлагач савдо су(в)ға айлаб хиром (60).

Унинг умри сафар билан ўтар эди:

Йиллар айлаб эрди бу янглиғ сафар,
Баҳрни онглаб ҳар офатдин мафар (60).

Шоир бундай сафарни инкор этади. Чунки олий мақсадга элтмайдиган сафарнинг нима кераги бор? Бинобарин, Ҳудҳуд давом этади:

Макка атрофин су(в) ичра айланиб,
Фарз адо этмай, яқин етгач ёниб.

Халқ дебким: "Бўл мушарраф ҳажға ҳам»,
Майл бермай ул тараф ҳирси дирам (61).

Бу савдогар пулу молнинг кетидан шунчалар қувганки, ҳатто, сув йўли билан Маккага яқинлашиб борганида ҳам ҳаж фарзини бажармаган. Хўш, оқибатдан келайлик. Натижа шу бўлдики, ўша тожир кучли тўлқин пайти ҳалокатга учраб, бир балиққа ем бўлиб кетди:

Токи бир кун тушти дарё узра мавж,
Кемага ер – гаҳ ҳазиз-у, гоҳ авж.

Бўлди тожир лужжайи савдода ғарқ,
Лек бўлди кемаси дарёда ғарқ.

Бермади дарё хаёли ҳажға йўл,
Токи бир болиққа бўлди тўъма ул (61).

Ҳудҳуд фақат бу дунё ғамида бўлган кишининг сафарини инкор этяпти, мақсадга элтмайдиган, ҳатто, мусулмончиликнинг фарзи бўлган ҳаж шартини адо этишдан ҳам шахсий манфаатини – молу мулк йиғишни устун кўрган тожирни ҳалокат кутаётганин Ўрдакка уқтиради.

Қанот қоқмай учар қуш

"Лисон ут-тайр"да сафар масаласи бекорга келиб-келиб Ўрдак мисолида қўйилмайди. Кейинги қуш Товуқ узрида ҳам сафар масаласи кўтарилади ва Ҳудҳуднинг Товуққа жавобида у янада муфассалроқ, аниқроқ, кучлироқ қилиб шарҳланади.

Шу ерда Навоий маҳоратини намойиш этадиган бир жиҳатга диққат қилайлик. Ўрдак – ҳам уча оладиган, ҳам сувда сузадиган қуш. Шу пайтгача келган қушлар сайр маъносида Ўрдакчалик икки тарафлама кучга эга эмас. Улар фақат уча олади. Бу сузади ҳам. Сузиш ҳақида гап кетганда, шуни эслайликки, Ернинг сув қисми – қуруқликдан кўп. Лекин Ҳинд денгизида сузиб юрадиган савдогарга ўхшаб, Ўрдак хоҳласа, сув узра ҳам кўп сафар қила олади. Аксинча, узр айтган достондаги энг сўнгги қуш – Товуқнинг эса сафар имконияти тамоман чекланган. Хуллас, узр айтган қушларнинг энг ўтроғи – хонанишини шу. Товуқ на эплаб уча олади, на сузади. Бу борада у достондаги узр айтган қушларнинг ҳаммасидан кўра ожизроқ. Навоийга Товуқнинг худди ана шу жиҳати керак. Такрор бўлса ҳам эслатай: нақшбандия сафар имкониятлари чекланган, иш билан банд, аксари хонанишин кишилар ўртасида тарқалган тариқат эди. Бундай одамлар сафар кетидан қувсалар, дўконда – савдо, устахонада – ҳунар, ҳужрада – мутолаа чала, далада – зироат қаровсиз қолиб кетади. Товуқ ҳам – шундай. У – сафар имконияти ўта чекланган бир қуш. Ҳатто, унинг қушлик хусусияти – ўзи камроқ.

Қушлар ичида энг сўнг узр айтган икки қуш – Ўрдак билан Товуқ ўртасида тазод китобхоннинг диққатини кучайтради, масалани янада ёрқинлаштиради. Қолаверса, Товуқ орқали шоир нозик йўл билан Атторнинг "Мантиқ ут-тайр"идаги талқинни ўзи эътиқод қилган нақшбандия тариқати ақидаси сари буриб юборади.

Қандай қилиб?

Товуқнинг қушлик хусусияти – камроқ. Ихчам эмас. Эплаб учолмайди. Хонаки. Эркин ҳам эмас. Тор бир товуқхона ва ёки нари борса, бир ҳовли доирасидагина айланади. Бошқа қушлар эса учгани-учган. Қаердан ризқ ўнса, ўша ердан топасиз уларни. Лекин иккинчи тарафдан қараганда-чи? Бошқа қушлар кун бўйи учиб, ўзига ризқ йиғади, жилла қолса, болаларни боқиш ташвишини қилади. Ризқ топишда Товуқ бошқа қушлардан қолишмайди. Фойда келтириш жиҳатидан Товуқ – кўп қушлардан устун. Меҳнаткаш, йўқ жойдан йўндириб, ризқ топади. Тер тўкиб, дон излайди. Яна у тор имкониятдан фойдаланади. Ана шу жиҳатлари билан Товуқ ҳунармандга, дўкондорга, шаҳарлик аҳолига, ўтроқ деҳқонга ўхшамайдими? Улар, худди Товуқ каби, торгина чекланган майдонда – дала ё дўконда, ҳужра ё устахоначада ўтириб олиб, ризқ топишмайдими, ўзларигаю одамларга фойда келтиришмайдими?

Хўп, дейишингиз мумкин, бу гапларнинг мавзуга қандай дахли – бор?

Албатта, Навоий ижоди реалистик адабиёт намунаси эмас. Шоир "Лисон ут-тайр"ни ёзиш орқали жамиятдаги турли тоифа кишилар сиймоларини мажозий тимсоллар воситасида кўрсатиб беришигина мақсад қилмаган. Бироқ шунга шароит туғилиб қолса, таносиб санъатининг пири – Навоий бадиийликнинг бундай тап-тайёр имкониятини қўлдан

чиқармаслиги тайин. Шунинг учун бу ерда Товуқ бекорга танланмаган. Яна бир гап: узр айтган қушлар "Лисон ут-тайр"да "Мантиқ ут-тайр"даги билан айнан эмас. Фаридиддин Аттор достонида Ҳудҳудга Товус, Бат, Кабк, Ҳумой, Боз, Бутимор, Буф, Саъва – жами саккиз қуш узр айтади. Кейин ҳамма қушлар биргалашиб ҳам узрхоҳлик қилишади. "Лисон ут-тайр"да қушларнинг тури, тартиби, миқдори ҳам ўзгариб кетади. Қиёсланг: Тўти, Товус, Булбул, Қумри, Кабутар, Кабки дарий, Тазарв, Қарчиғай, Шунқор, Бургут, Куф, Ҳумой, Ўрдак ва Товук. Демак, "Мантик ут-тайр"да саккиз, "Лисон ут-тайр"да эса ўн тўрт қуш узрхоҳлик қилади. Навоий ҳар бир қушни табиатидан келиб чиқиб гапиртиради ва Ҳудҳуд ҳам шунга мос жавоб қайтаради. "Лисон ут-тайр"даги қушлар тартибида гап – кўп. Масалан, Ўрдак билан Товуқнинг кетма-кет келиши, кўриб ўтилганидек, бекорга эмас.

Шуни ҳам унутмайликки, Навоийнинг бадиий асарларида ҳам, таъбир жоиз бўлса, илмий-тадқиқий асарларидаги каби кучли м а н т и қ ва и з ч и- л л и к бор. Ҳар қандай ўта руҳий ҳолати тасвирини ҳам шоир тафаккурий-мантиқий мутаносибликка бўйсундириб ифодалайди. Чунки шоирнинг мақсади ва уни рўёбга чиқариш учун зарур вазифалари – муайян, аниқ ва тиниқ. Бу "Лисон ут-тайр"да ҳам кучли намоён бўлган.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, Навоийнинг Товуқни энг охирга олишидан кўзлаган муайян максади нима эди? Бу саволга достон матнининг ўзи жавоб беради.

Гапни Товуқнинг узридан бошлайлик. Аввало, "Товуқ" дегани билан шоир Хўрозни кўзда тутган. Чунки асарда ҳамма қушларнинг ҳам умумий номи тилга олинади-ю, лекин гап, аслида, эркаклар ҳақида кетаётгани сезилиб туради. Барча қушлар асар бошида эр кишилар рамзи ўларок қаламга олинган (уларнинг бари кейин ҳақиқий солиқларга айланади ва биронтасининг ҳам номи айтилмай, "бир қуш" деб кетилаверади[1]1).

Иккаламизга ҳам Худо тож ато қилди, дейди Товуқ Ҳудҳудга. Лекин сенга қушларга раису пешволикни, менга субҳу шом элни тоатга – намозга чорлаш насиб этди. Товуқ узрининг энг муҳим қисми энди келади:

Улки махлуқ этти сунъи важҳу тайр,
Бизга таскин (!) рўзий этти, санга – сайр (61).

Демак, Яратганнинг ўзи Товуққа бир жойда сокинликни берди-ю, Ҳудҳудга – сайрни.

Чун саромад келди эрликда хурўс,
Ҳақ анга берди неча зебо арўс (61).

Эрлик бобида ҳам Хўроз омадли келди: Худо унга бир неча чиройли келин бериб қўйибди. Шундай экан, Аллоҳ ҳар тарафларга сайр қилмаганмизни кечиради, биз – киммиз-у, Симурғ ёки Қоф тоғини (Симурғ Қоф тоғида деб тасаввур қилинади) орзу этиш – қаёқда, дейди Товуқ:

Тутти ҳар ён сайр қилмоғдин маоф,
Ул ким-у, Симурғ бирла қўҳи Қоф? (61).

[1] Бу ҳақда қаранг: О л и м С. Тавба. / Халқ сўзи, 1993 йил, 9 февраль; Шу муаллиф. Тасаввуфий тавба / Нақшбандия, 2008 йил, № Нишона. – Б. 10 – 14.

Хуллас, Товуқ учолмаслигини баҳона қиляпти. Ҳудҳуд бунга шундай жавоб беради:

Деди Ҳудҳудким: "Бу сўз беважҳ эмас,
Гар киши бу сўзни ҳолидин демас.

Бор онингдек қушки, очмай болу пар,
Сидра шохи устида айлар мақар (61).

Ҳудҳуд Товуқнинг фикрини инкор этиш учун Сидра[1] деган дарахт устида қанотларини қоқмай, қимирламай ўтирадиган бир қушни мисол қилиб келтиради. Шу ўринда Шарқ адабиётида хамсанавислик анъанасини бошлаб берган Шайх Низомий Ганжавий ҳақида "Насойим ул-муҳаббат..."даги бир воқеа ёдга тушади. Жаҳоннинг буюк бадиият дурдоналаридан бўлмиш "Хамса"ни ёзиш учун Низомий ўттиз йил қалам тебратиб, заҳмат тортишдан ташқари, тасаввуфда "риёзат" деб юритиладиган руҳни равнақ топтиришнинг энг олий машаққатларини ҳам чеккан. Нима қилган, денг. Бир дарахтнинг устида кам эмас-кўп эмас – тўрт марта нақд қирқ кеча-кундуздан чилла ўтирган. Жами 160 кеча-кундуз бир дарахтнинг устида қимирламай ўтириб, ким билади, нималарни ўйлаб чиққан, бу оламнинг не сирларига етган?! "Хамса" нинг тарҳи шундами пишиб, қиёмига етган бўлса ҳам, ажаб эмас[2].

Осмоннинг еттинчи қаватида ва жаннатда ўсадиган сидра дарахти устида сокин қуш ҳам бекор ўтиргани йўқ:

Келди хилватгоҳи онинг анжуман,
Сайр этар, лекин ери доим ватан (62).

Мана шу биргина байтдаёқ нақшбандия тариқатининг мавжуд ўн бир шиоридан иккитаси тилга олинади. Биринчидан, сидра дарахт устидаги қуш "Хилват дар анжуман" ақидасига амал қиляпти. "Хилват дар анжуман"лиги шундаки, у махсус хилватни кўзлагани йўқ. Бошқа қушлар келиб атрофига қўнса, марҳамат қўнаверсин. Биринчидан, анжуманда, яъни кўпчилик ичида ҳам у хилват қилаверади. Иккинчидан, бир жойда қимирламай ўтиргани билан, у қалбан сайр этяпти, демак, "Сафар дар ватан" шиорини амалга оширяпти. "Сафар дар ватан"лиги шундаки, у ўзининг ботиний парвозини пинҳон тутади, элга ошкор этмайди:

Аршпарвоз ўлди-ю, сидранишин,
Элга зоҳир айламай парвоз ишин (62).

Бу қуш бир лаҳза ҳам Симурғдан айри эмас. Демак, у – нақшбандиядаги "Ҳуш дар дам" ақидасига ҳам содиқ:

Эрмас ул Симурғдин ойру даме,
Васлидин қўнглига ўзга оламе (62).

Шоир бу ерда нақшбандия тариқати ақидаларини илгари сураётганига бевосита ишора ҳам қилади:

---

[1] Навоийгача бўлган ўзбек шеъриятида ёрнинг қоматини сидра дарахтига ўхшатиш учрайди. Бу ҳақда қаранг: Р а ф и д д и н о в С. Атоийнинг поэтик маҳорати. Филол. ф. н. ... дисс. – Тошкент: Нашриётсиз, 1993. – Б. 85.

[2] Бу ҳақда қаранг: О л и м С. Буюклик сири. / Халқ сўзи, 1991 йил, 28 сентябрь.

Етмайин жониға ҳажридин газанд,
Суврати васлида ҳар дам нақшбанд (62).

Бу байтни марҳум навоийшунос Шарафиддин Шарипов: *"Унинг* (Симурғнинг. – С. О.) ҳажридан жонига шикаст етмайди, шакли эса унинг васлида доим нақшланиб туради*"*[3], – деб насрийлаштирган. *"Нақшбанд"* сўзида бевосита тариқатга ишора ҳам борлигини матн остида маълум қилади[4]. Шоир Ҳудҳуд тилидан айтмоқчики, Симурғ (яъни Аллоҳ) сари парвоз этишни бевосита қанот қоқиб, чиндан ҳам учиш, деб тушунманг. Мана, сидра дарахтига қўниб ўтирган қуш. У қимирламайди ҳам, хилватга ошкор чекинган ҳам йўқ. Лекин шу туришида у анжуманда хилват ҳам қиляпти, ўтирган жойида сайр этяпти ҳам. Чунки унинг бирор дами – лаҳзаси ҳам Симурғдан айри эмас. Чунки Симурғнинг васли унинг кўнглида. Ахир, Аллоҳга интилиш кўнгил орқали кечади-ку. Шунинг учун парвозини элга ошкор кўрсатиши шарт эмас. Чунки бу парвоз инсоннинг зоҳирида эмас, ботинида рўй беради.

Сидра дарахти устида ўтирган қушнинг бошида тожи бор, васл жилва қиладиган жой эса – унинг меърожи. Бундай васлдан у мамнун, шунинг учун ўз ҳолини бошқалардан пинҳон тутади:

Боши узра мавҳибат – тожи онинг,
Жилвагоҳи васл – меърожи онинг.

Васлдин мамлу, вале дам осрабон,
Ғайрдин ҳолини мубҳам осрабон.

Васл юз минг дурридин кўнглида жўш,
Лек ўлуб оғзи садаф янглиғ хамўш (63).

Бу ерда бекорга *"меърож"* сўзи тилга олинаётгани йўқ. Симурғ васлига етиш учун етти водийдан ўтиш керак. Кушларнинг Симурғ сари парвозлари, аслида, Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг меърожларидек Аллоҳ васлининг орзуси янглиғ қаламга олинган. Меърож кечасида Расулуллоҳ (с. а. в.) осмоннинг еттинчи қаватида сидра дарахтини кўрадилар[5]. Навоийнинг "Садди Искандарий" достонида руҳ ул-амин, яъни Жаброил (а.)нинг сидра дарахти шохига қўнганига ишора – бор:

Чу товус ўлуб шохи олийнишин,
Бўлуб сидра шохида руҳ ул-амин[6].

Динимиз тарихидан биласизки, меърож кечасида Жаброил (а.) пайғамбаримиз (с. а. в.) билан бирга эдилар.

Яна "Лисон ут-тайр"га қайтайлик.

Ана шу тасвирлардан кейин Ҳудҳуд Товуқни уришиб беради:

---

[3] ***Алишер Навоий.*** Лисон ут-тайр. Қуш тили. Насрий баёни билан. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 317.

[4] Ўша нашр. – Б. Ўша.

[5] Бу ҳақда қаранг: Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Иккинчи китоб. Тошкент: 1991. – Б. 151 – 161, 229.

[6] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 11. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 312.

Ул қуш эрмассен сен, эй хорижнаво,
Ҳарзагарду ҳарзагўю беҳаё!

Фисқу муфрит кеча-кундуз варзишинг,
Бежиҳат ғавғоу қичқирмоқ ишинг.

Юз ямонлиғ бирла шанъат айлабон,
Яхшиларға ўзни нисбат айлабон.

Сустлуғлар бирлаким қилдинг аён.
Демагил ўзни "хурўс", эй мокиён! (62).

Албатта, Товуқ Симурғ сари парвозни бўйнига олмас экан, унинг иши фисқ ноўрин қичқириш, ёмонликлар қилса ҳам, уни *"яхшилик"* деб ўйлаб юришдан нари эмас. Лекин Симурғ сари учиш учун қанот қоқиш шарт эмас, чунки бу парвоз қалбан амалга ошади. Шунинг учун Товуқнинг баҳонаси –бекор. Мана, накшбандиянинг аҳоли кенг қатламларига ниҳоятда мослиги, қулайлиги.

"Лисон ут-тайр"да бошқа қушлар узридан кейинги Ҳудҳуд жавобига ҳаётий далил сифатида биттадан ҳикоят келтирилади. Негадир, Товуққа жавобдан кейин ҳикоят йўқ. Лекин Ҳудҳуднинг жавобидаёқ сидра дарахтида ўтирадиган қуш ҳақида сўз боргани учун шоир жавоб билан ҳикоятни сингиштириб юборган кўринади. Бу жавоб орқали Навоий достонда тасаввуфнинг нақшбандия тариқатини ёқлаётганини очиқ-ойдин ошкор этади. Шунинг учун у алоҳида – бошқа жавоблардан ажралиб туради: ундан кейин ҳикоят келтирилмайди.

Ҳудҳуд Товуқни ҳарзагардлик, яъни ҳар ерда юргувчиликда ва ҳарзагўйлик, яъни ҳар маҳал қичқираверишда айблайди. Бу танқидда ҳам *"Назар бар қадам"* ва *"Ҳуш дар дам"* ақидаларига ишора борлигини сезиш қийин эмас. Чунки инсон ҳар бир қадамини назорат қилиб, билиб босса, ҳар бир дами, яъни нафасидан бохабар бўлса, ўз-ўзидан, ҳар гапни айтавермайди, яъни Хўрозга ўхшаб бемаҳал қичқиравермайди.

Навоий ўзининг "Муҳокамат ул-луғатайн" рисоласида ёзган асарлари ҳақида бир-бир сўзлаб келиб: *"Чун "Лисон ут-тайр" илҳони*[1] била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин (!) мажоз сувратида (!) кўргузупмен"[2], – дейди. Бу нима дегани? Аввало, *"ҳақиқат асрори"* бирикмаси *"Аллоҳнинг сирлари"* деган маънони беради. Лекин бу ерда ишқи ҳақиқийга ишора ҳам бор. Тасаввуфдаги охирги босқич – ҳақиқат. Бу бевосита *"Аллоҳ васлига етиш"* деган гап. *"Мажоз суврати"* деганда буни шоир қушлар мисолида тасвирлаганини қайд этяпти. Бу – мажозий ишққа ҳам ишора. Демак, асардаги қушларнинг учишини, айнан уларнинг қанот қоқиб, чиндан ҳам, қандайдир кенг водийлар узра парвоз этиши, деб тушунмаслигимиз керак. Қушларнинг водийларни учиб ўтиши баҳонасида шоир солик қалби – руҳининг Аллоҳга етиш борасидаги даражаларни назарда тутган. Бундай даражалар эса, аниқки, руҳни ботинан камолга етказа бориш орқали қўлга кира бошлайди. Шунинг учун Товуққа жавобда Ҳудҳуд, зоҳиран энг учолмайдиган қуш ҳам ботинан, яъни қалбан Симурғ сари парвоз айлаши мумкин, демоқчи. Симурғни излаш – кўнгил орқали кечадиган жараён, деб уқтириляпти[3].

---

[1] Нашрда бу сўз *"илҳоми"* тарзида ёзилибди, биз тузатиб кўчирдик.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 26.
[3] Бу масала монографиямиз ушбу иккинчи қисмининг *"Лисон ут-тайр" – меърожнома"* деб номланган тўртинчи бобида батафсил таҳлил этилади.

Худди ана шу Аллоҳга қалб орқали етиш нуқтасига нақбандияда ниҳоятда жиддий эътибор берилди. Ҳудҳуднинг Товуққа жавобида сидра дарахти устидаги қушнинг парвозини элга зоҳир айламаганлиги нақбандиядаги хуфия зикр, ботинни сиртга чиқармаслик, зоҳир юзидан ҳамма, яъни эл қатори қўлни ишга банд қилиб ҳам, тариқатга машғул бўлиш мумкинлиги назарга олинган. Демак, ҳунарманд ўз дўконидан чиқмай туриб ҳам сулукка машғул бўлиши мумкин. Унинг: *"Мен дарвешман!"* – деб, халқдан ажраб кўринишига ҳеч қандай ҳожат йўқ.

Хуллас, Навоий сўнгги достони – "Лисон ут-тайр"да ҳам Аллоҳни ва оламни билиш борасида тасаввуфнинг нақшбандиёна йўлига таянган, бу аниқ-таниқ қилиб битиб ҳам кетган. Кубравия тариқати[4] шайхлардан бўлмиш Маждиддин Бағдодий қўлида таълим олган шоир авлиё – Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" достонига моҳиятан содиқ қолиб, *"таржума расми била"* ёзилган назира – "Лисон ут-тайр"да зимдан нақшбандия ақидаларига мослаб талқин этилади. Ҳолбуки, бу маснавий – Навоийнинг назира достонлари ичида салафнинг асарига энг яқини[5]. Шунинг учун Навоийнинг қушлар парвозини нақшбандия ақидалари сари буриб талқин этиши "Мантиқ ут-тайр" ўртасидаги энг муҳим тафовутлардан бирини келтириб чиқарган. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Навоий "Хамса"даги барча достонларида у ё бу даража, у ё бу баҳона, у ё бу шаклда нақшбандия тариқати ақидаларини шарҳлаган, талқин қилган, тарғиб этган. Демак, шоир олтинчи достони – "Лисон ут-тайр"да ҳам ўзининг бу ғоявий-мафкуравий ақидасига содиқ қолган.

"Лисон ут-тайр" – нақшбандия ғояларининг моҳиятини тушуниш учун дастурлик қиладиган бадиий асарлардан бири. Бу жиҳатдан достон – нафақат адабиёт, натанҳо туркий сўз санъати, балки, тасаввуф, умуман мусулмон Шарқи маънавияти тарихи учун ўзига хос ўрин тутадиган ноёб бадиий ёдгорлик. У нақшбандия ақидаларини тасаввуф назарияси ва амалиёти доирасидан кўра кенгроқ майдонга – бевосита ҳаётий воқеъликка олиб чиққани билан ҳам аҳамиятли. Бу ғоялар – моҳиятан тасаввуф билан бевосита шуғулланмайдиган, ҳатто, дунёда шундай таълимот борлигидан тамом бехабар киши, масалан, Ғарб одамлари учун ҳам фойдали ва мароқли.

Адабиётнинг адабиётлиги – шунда-да.

---

[4] Туронзаминда тасаввуфнинг уч буюк тариқати пайдо бўлди, такомиллашди, шу ердан Шарқнинг кенг ҳудудлари бўйлаб тарқалди. Бу – яссавия, кубравия, нақшбандия. Бу уч буюк тариқат Ватанимиз шарафини дунёга ёйишда, жаҳон аҳли, маънавияти, энг муҳими, фалсафаси ривожида улкан ўрин тутади. Кубравия ҳозир ҳам изчил давом этяпти. Масалн, Англиянинг Оскфорд шаҳрида кубравия тариқатининг бевосита давоми янглиғ ривожланиб бораётган неъматуллоия тариқатининг маркази ишлаб турибди. Бу шохобчанинг асосчиси – эронлик шайх Неъматуллоҳ соҳибқирон Амир Темур билан учрашиб, суҳбатлашган. Жаҳонда неъматуллоия тариқатининг замонимиздаги энг машҳур пири – 1927 йили Эроннинг Кирмон шаҳрида туғилган доктор Нурбахш. Оятулло Ҳумайний билан чиқишолмай, тарки ватан қилишга мажбур бўлиб, Лондонга кўчади. Доктор Нурбахш Ғарбдаги 15 дан ортиқ неъматуллоия хонақоҳига асос солди. Ҳозирги кунда Эроннинг юз шаҳрида неъматуллоия хонақоҳлари – бор. Ўтган аср 90-йиллари бошидаги маълумотларга кўра, бу тариқатдаги соликлар Эронда беш минг, Ғарб мамлакатларида бир неча юз кишини ташкил этади. Кубравия тариқатига хоразмлик втандошимиз – олим, ориф ва Ватан қаҳрамони Шайх Нажмиддин Кубро (1145 – 1221) асос солган. 1995 йили бу улуғ авлиё таваллудининг 850 йиллиги нишонланди (бу буюк зот ҳақида қаранг: О л и м С. Ориф, олим ва қаҳрамон. / Ўзбекистон овози, 1993 йил, 7 июль).

[5] Бу масала монографиямиз ушбу иккинчи қисмининг *"Лисон ут-тайр" – форсий-туркий шеърият синтези сифатид: таржимавийлик ва назиравийлик"* деб номланган олтинчи бобида батафсил таҳлил этилади.

ИККИНЧИ БОБ

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” – ИШҚНОМА

Ошиқлар ва шоирлар таснифида ишқ

Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”и – охиригача мағзи тўлиқ чақилмаган ўта муҳим ва ноёб бадиий ёдгорликлардан бири ҳисобланади. Унда, жумладан, шоирлар ва ошиқлар ўта нозик даражада, навоиёна аниқлик билан тасниф қилиб берилган[1].

Асардаги *“Халойиқ аҳвол ва афъол ва ақволининг кайф*ияти” деган аввалги қисмнинг *“Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида”* деб номланган 16-фаслида шоирлар тасниф қилинади. Қизиққи, бу таснифда улар ижодига айнан тасаввуф нуқтаи назаридан туриб ёндашилади. Дадил туриб бундай дейишимизга асос бўладиган сабаб шуки, тилга олинган 1 араб ва 20 форс-тожик шоири орасида малик ул-калом Абу Абдулло Рудакий билан устоди сухан Абулқосим Фирдавсий йўқ. Чунки уларнинг шеъриятида тасаввуф унсурлари мавжуд эмас-да.

Шундай қилиб, шоирлар гуруҳлари қуйидагилардан иборат:

1. *“Ишлари маоний хазойинидин маърифат жавҳарин термак ва эл файзи* учун вазн силкида назм термак”[2]*: Амир ул-мў*ъминин Ҳазрат Али; Шайх Фаридиддин Аттор; Мавлоно Жалолиддин Румий[3].

Муаллиф буларни *“ҳақиқат тариқининг суханвари”*[4] деб атайди ва авлиёйи огоҳ, машойих ва аҳлуллоҳ орасида буларга татаббуъ (ўхшатма, жавобия, назира) қилганлар борлигини ҳам қайд этади: *“Яна ҳам авлиёйи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ борким, буларға татаббуъ қилибтурлар ва булар каломи адосин ва ҳақойиқи маъносин мутаҳсан билибдурлар. Бу хайлдур ҳақиқат тариқининг суханвари, балки к*имёгари ва кибрити аҳмари”[5]. Демак, бу – адабиётдаги бир тоифа йўли.

2. *“Яна бир жамоатдурларким, ҳақиқат асрориға мажоз тариқин маҳсул қилибдурлар ва каломлари бу услубда марбут этибдурлар”*[6]*: Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Шайх Заҳириддин Саноий, Шайх Авҳадиддин ва Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз*[7] (Шерозий)”.

Мазкур парчада аниқлик киритилиши зарур бўлган бир нозик нуқта бор. Бу – *“маҳсул қилмоқ”* қўшма феъли нимани англатишини билиб олишдан иборат. “Маҳсул” сўзи *“натижа”,* “ҳосил” деган маънони ифодалайди. Демак, тилга олинган иккинчи гуруҳ шоирлари ҳақиқат асрорини, яъни Худонинг сирларини мажоз, яъни унинг суврати, нусхаси, рамзини тасвирлаш, аниқроғи, восита қилиш йўли билан акс эттирган. Шундай тушуниш керакки, ҳақиқат ва мажоз аралаш, яъни синтез тарзда намоён бўлган. Демак, *иккинчи гуруҳнинг хусусияти биринчи гуруҳ хусусиятидан* ана шу нозик жиҳати билан *фарқ қилади.*

---

[1] Ушбу сатрлар муаллифининг қуйидаги мақоласида бу тасниф қисман таҳлил қилинган: Қаранг: О л и м С. “Маҳбуб ул-қулуб”да шоирлар ва ошиқлар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010, № 6. – Б. 38 – 47.
[2] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 14. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 24.
[3] Ўша нашр. – Б. 25.
[4] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[5] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[6] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[7] Ўша нашр. – Б. Ўша.

3. *“Яна жамъе бордурларки, мажоз тариқи* адоси алар назмиға ғолиб ва алар бу шевага кўпрак роғибдурлар. Андоққим, Камол Исфаҳоний ва Хоқоний Шервоний ва Хожуйи Кирмоний ва Мавлоно Жалолиддин ва Хожа Камол ва Анварий ва Заҳир ва Абдулвосеъ ва Асир ва Салмон Соважий ва Носир Бухорий ва Котибий Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий”[8].

Англашилиб турибдики, бу 3-гуруҳда номлари санаб ўтилган шоирлар асарларида мажоз – бирламчи. Ўрни келгани учун шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, бу гуруҳда тилга олинган Мавлоно Жалолиддин асло Мавлоно Жалолиддин Румий эмас. Бу Мавлоно Жалолиддин – 1336 йили вафот этган Ибни Жаъфар Фароҳоний. Девон тузган, Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор”ига жавоб тарзида достон ёзган[9].

4. *“Яна ҳақиқат ва мажоз тариқида комил ва илми икаласи тариқида вофий ва шомил, назм аҳлининг муқтадо ва имоми ҳазрати шайх ул-и*слом Мавлоно нур ул-миллати ва-д-дин Абдураҳмон ал-Жомий(навваралоҳу марқадаҳу ва қуддиса сирраҳу)дурким, аввалғи табақа равиши ва каломида ҳам шарифмақол ва сўнгғи табақанинг ҳам адоси латойифида соҳибкамолдурким, оламда завқу ҳол аҳли булар латойифи била масрурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар”[10].

Демак, Абдураҳмон Жомий ижодининг ўзигина бир гуруҳни ташкил этиб турибди. Унинг асарларида ҳам ҳақиқат, ҳам мажоз ҳадди аълосида тараннум этилган.

Бу ерда жиддий ҳал қилиб олишимиз керак бўлган бир масала бор. Навоий устози ва пири Жомийни ҳам “аввалғи табақа” ва ҳам *“сўнгғи табақа” йўлида камолот даражасида асарлар ёзганини таъкидлайди. “Аввалғи” деганда ҳақиқат куйчилари бўлган шоирлар, яъни бу таснифдаги биринчи гуруҳ, “сўнгғи” деганда мажоз куйчилари бўлган шоирлар, яъни таснифдаги учинчи гуруҳни кўзда тутади. Бу – тушунарли. Демак, Жомий ҳам ҳақиқат тасвири йўлда, ҳам мажоз тасвири йўлида камолот касб этган.*

Гап шундаки, Навоий ижоди ҳам – мантиқан ва моҳиятан ана шу пири ва устози дохил бўлган гуруҳга мансуб. Биринчидан, бу таснифотда туркий адабиёт қамраб олинмаган[11]. Иккинчидан, муаллиф камтарлик қилиб, ўзини ана шу тўртинчи гуруҳда қайд этиб кетишни *лозим топмаган. Бироқ, мақсади келажак авлод китобхонларига шундай аниқлик калитини топшириб кетиш ҳам бўлган эди, дейишга тўла асосимиз бор.*

Гарчи туркий адабиёт қамраб олинмаган бўлса ҳам, бу таснифни туркий шоирларни гуруҳлаштиришда ҳам бемалол қўллашимиз мумкин. Навоий замонасида айнан шундай ёки шунга яқин таснифдан фойдаланилганини тасдиқлаш учун қўлимизда етарли далил ҳам мавжуд. Бу – Навоийнинг “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида келтирилган ҳазилга йўғрилган бир суҳбат.

*Тасвирланишича, Паҳлавон Муҳаммад шогирди Алишердан туркигўй шоирлардан қайси бирини кўпроқ тан олишини сўрайди. Шоир аввалига ҳаммасини тан олишини айтади. Устоз улар ҳаммаси бирдек эмаслигини, ижодлари орасида тафовут борлигини, шунинг учун тўғрисини айтишини сўрайди. Шунда Навоий Лутфийни тилга олади. Устоз ундан нима учун Насимийни айтмагани сабабини сўрайди. Навоий икки сабаб кўрсатади: биринчиси – эсига келмагани, иккинчиси эса – Насимийнинг ҳақиқат тариқида шеърлар битгани. Чунки Паҳлавон Муҳаммад мажоз шоирларини кўзда тутган эди: “*Хотирға келмади ва бар тақдир

[8] Қаранг: Ўша нашр. – Б. 279.
[9] Қаранг: Ўша нашр. – Б. 279.
[10] Ўша нашр. – Б. 25 – 26.
[11] Бунинг сабабларини аниқлаш – илм учун алоҳида масала. Биз бу мавзуга дахл қилмадик.

келмоқ, Саййид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди"[1].

Паҳлавон Муҳаммад Алишерга киноятомуз эътироз қиладики: "Саййид Насимийнинг назми зоҳир юзидин мажоз тариқиға шомилдур ва маъни юзидин – ҳақиқат тариқиға"[2]. Гапининг исботи сифатида эса бугун эрталаб Навоий битган, ҳали ҳеч кимга кўрсатмаган ғазали мақтаъсини *"Навоий"* тахаллусини *"Насимий"* тарзида ўзгартириб айтади:

Гар Насимий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,
Йўқ ажаб, невчунки, хом этган киши ранжур эрур.

Чунки устози шоирга билдирмай қораламани чўнтагидан олиб, ёдлаган ва яна жойига солиб қўйган, ҳатто, ўша оқшом бир неча шогирдига ҳам ўргатиб улгурган эди. Навоий бу байтда *"Навоий"* сўзидан кўра *"Насимий"* калимаси муносиброқдур эканини тан олиб ёзади[3] ҳам. Чунки *"Насимий"* сўзи билан *"сиймбарлар"* сўзи ўртасида нозик оҳангдошлик бор.

Бу ерда бизга энг керакли нуқта шундан иборатки, Паҳлавон Муҳаммад: *"...*Зоҳир юзидин мажоз тариқиға шомилдур ва маъни юзидин – ҳақиқат тариқиға*..."* – деганида фақат Насимий ижодигагина эмас, амалда айнан Навоий ижодига ҳам баҳо берган эди. Ҳазилнинг моҳияти шуни тақозо этар эди.

5. "Яна адно табақаси жамоатедурларким, назм била фақат[4] кўнгуллар хушнуд ва хурсанд ва розию баҳраманддурлар ва юз машаққат била бир байтким, боғлаштурғайлар, даъво овозасин етти фалакдин ошурғайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу дардлари шуълаафган. Баъзидин агар гоҳи бирар яхши байт воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ бўлур. Агар бири бир нозук маънида писандида печ қилур, аммо ўн онча нописанд даъво била ани ҳам ҳеч қилур. Гўё ўзларига ақидада мувофиқдурлар ва сўзларига эътиқодда муттафиқ. Турфароқ буким, ҳар бирининг сўзида маъно озроқ ва ўзида даъво кўпроқ (наузу биллоҳи мин шурури анфусино ва мин сайёти аъмолино)[5].

Сезилиб турибдики, Навоий олдинги тўрт гуруҳга меҳр, яъни симпатия билан қарайди, аммо бешинчи гуруҳга нисбатан кучли нафрати, яъни антипатиясини асло яшириб ўтирмайди. Ҳатто, бу гуруҳни *"адно (паст) табақа"* деб ҳисоблайди. Нима учун? Демак, гарчи буюк мутафаккир таснифда шоирларни беш гуруҳга бўлган бўлса ҳам, мантиқан ва моҳиятан улар икки катта қисмга ажралади. Биринчи қисмга муаллиф симпатия билан қараган дастлабки тўрт гуруҳ, иккинчисига эса муаллиф антипатия билан қараган бешинчи гуруҳ киради. Бугунги тушунчалар билан ифодалашга тўғри келса, шартли равишда айтиш мумкинки, биринчи қисмда илоҳий ишқни, иккинчи қисмда эса дунёвий ишқни куйлаган шоирлар киритилган.

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 116.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[3] Қаранг: Ўша нашр. – Б. Ўша.
[4] Нашрда *"фақат била"* тарзида сўзлар ўрни алмаштириб ёзилган, биз, мантиқ тақозосига кўра, тузатиб кўчирдик.
[5] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 14. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 26.

Афсуски, Навоий дастлабки тўрт гуруҳга кимлар киришини аниқ қилиб айтиб ўтгани ҳолда бешинчи гуруҳга мансуб бирон-бир шоирнинг номини тилга олмайди. Улар номини қайд этиб ўтганида эди шу шоирлар асарларини ўрганиш орқали бу таснифот сирини янада аниқроқ тарзда очиш имкони пайдо бўлар эди. Аммо буюк мутафаккир уларнинг номини тилга олишни, одоб доирасидан ташқари, деб ҳисоблаган кўринади. Мантиқан ўйлаш мумкинки, Навоий бешинчи гуруҳга кирадиган замондош шоирлар тоифасини кўзда тутган. Акс ҳолда, бу қадар аччиқ-қуруқ гапларни ёзмаган бўлар эди.

Шоирлар ҳақидаги ана шу таснифни "Маҳбуб ул-қулуб"даги *"Ҳамида афъол ва замима хисол хосиятида"* деб номланган иккинчи қисмнинг *"Ишқ зикрида"* сарлавҳаси остида 10-боби бўлиб келган парчадаги таснифот билан қиёсий тарзда кўриб ўтайлик.

Ишқни таърифлаб келиб, буюк мутафаккир унинг ўжарлиги олдида подшоҳ ҳам, гадо ҳам, жабри қошида фосиқ (ахлоқсиз) ҳам, порсо (художўй) ҳам тенглигини, ошиқ кўнглига маъшуққа етиш ниятини солгувчи ҳам, бир жилваси билан унинг ҳаёти нақдини олувчи ҳам – шу эканини айтади.

Кейин биз учун жуда қизиқ жойи келади – муаллиф тўрт ошиқни тилга олади: *"Ишқ кўҳистони бедодининг ношодларидин бири Фарҳоддур ва саҳройи жунун забунларидин бири Мажнундур ва шабистон савдоси девоналаридин бири – парвона ва гулистон ҳавоси ношикебларидин бири – андалиби девона ва оташгоҳ ҳарорати гармравларидин бири Хусрави номий ва майкада дардмандлиги номийларидин бири Жомий (навваралоҳу марқадаҳу нуран ваффақаналлоҳу)"*[6]. Ана шу тўрт ошиқнинг ҳаммаси – бевосита адабиёт билан боғлиқ. Икки нафари, яъни Фарҳод ва Мажнун – инсон ошиқ тимсоли, икки нафари, яъни парвона (пашша, у шамга ошиқ) ва андалиб (булбул, у гулга ошиқ) – рамзий ошиқ, икки нафари, яъни Хусрав (Деҳлавий) ва Жомий – ишқни ҳадди аълосида куйлаган шоирлар. Шу тариқа асар муаллифи ишқни олдиндан сўз санъатига вобаста қилиб қўйди. Чунки бу унга кейин яна керак бўлади.

"Маҳбуб ул-қулуб"даги бу парчаларда ишқ ва аҳли ишқ, яъни ошиқ масаласи таҳлили қисман амалга оширилди. Энди маъшуқни тушунтиришга навбат келади. Хўш, маъшуқ – ким? Мана, унинг талқини: *"Бу таъриф қилғон ишқ ва бу баён этган аҳли ишқ маъшуқ вужуди бирла қоимдурлар ва бу адо топқон ҳолотға мансублуклари доим. Ва ул маъшуқ ҳуснедин*[7] иборатдурким, "Инналлоҳу жамилун юҳибб ул-жамол"[8] андин хабар берурким, ишқ бу эътибору жалоли била ва бу ихтиёру истиқлоли била ҳусн саропардайи кибриё ва боргоҳи истиғноси теграсида бир бандайи човуш ва бир камина ҳалқа багўшдурким, ҳар қачон ҳусн султони маҳбублуғ ниқобларидин ва мастурлуғ ҳижобларидин чиқмоқ асбобин тузса ва зуҳур тажаллийси била жилва гар кўргузса, ул нур ошиқи маҳжур кўзи равзани шишалари равзан кўзи шишаларидек ҳайрон қилиб, ишқи бебок айёри ул равзан йўлидин ўзин кўнгул маъмурасиға ташлар ва ул маъмурада хароблиқ оғоз қилиб, хирад ва ҳуш хайлиға қўзғалон сола ташлар. Ул маълум эмаским, ҳусн султонининг бу золим човуши бедодидин ул мулк аҳлининг мазлумлари нетгай ва ҳоллари анинг ташаддуди суубатидин не ерга етгай. Бовужуди бу ҳол ул кишварнинг асирлари ва ул мулкнинг қатлу торож кўрган аҳли фазаъ ва

---

[6] Ўша нашр. – Б. 66.

[7] Нашрда *"ҳуснидин"* тарзида хато кетган, уни *"ҳуснедин"*, яъни *"бир ҳусндан"* деб ўқиш керак, биз тузатиб кўчирдик.

[8] Бу ҳадиси шариф нашрда: *"Ҳақиқатда, Аллоҳ гўзалдур ва гўзалликни севади"*, – тарзида таржима қилинган. Қаранг: Ўша нашр. – Б. 288.

нафирлари ул жилва майидин масти бехуд ва ул жамол тамошосидин волаву ҳайрон бўлиб, анинг ҳавосиға машъуф ва анинг тамошосиға мағлуб бўлурлар”[1].

Келтирилган парчада икки бор *“ҳусн султони”* бирикмаси ишлатилади. Бу –*“Тангри таоло”* дегани. Демак, ҳақиқий маъшуқ – Худонинг ўзи. Кейинги парчада муаллиф уни *“ул султон”*[2] тарзида яна тилга олади.

Энг муҳими, шоирлар таснифида буюк мутафаккир айнан қалам аҳлини ишқни тасвирлаш нуқтаи назаридан гуруҳларга ажратган эди. Бу ерда эса энди ишқнинг ўзини турларга ажратади.

Лекин энди бошқа бир ўринли савол ўртага тушади: хўш, ишқ иккига – ҳақиқий ва мажозийга бўлинса, нега Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да ошиқларни тасниф қилар экан, бу тайёр таснифотдан, умуман, фойдаланмади, яъни бу масалада тамоман бошқа истилоҳлар қўллади? Бундан ташқари, ана шу таснифотда дунёвий ишқнинг ўрни қаерда? *“Дунёвий ишқ”* – нима ўзи?

Бу саволларга жавоб бермай туриб, “Лисон ут-тайр” достони “тилсим”ини мутлақо очиб бўлмайди. Яъни: *“Лисон ут-тайр”да мажозий* ишқ куйланганми ёки ҳақиқий ишқ тараннум этилганми?” – деган масала моҳияти аёнлашмайди.

Мазкур саволга жавоб бериш учун аввал ҳақиқий ишқ – нима-ю, мажозий ишқ – нималигини аниқлаб олишимиз керак. Ҳақиқий ишқ ҳам, мажозий ишқ ҳам – моҳиятан битта тушунчанинг таркибий қисмларини ташкил этади. Иккаласининг замирида ҳам – амалда Аллоҳ таолога муҳаббат, яъни илоҳий ишқ ётади. Шунинг учун *“ҳақиқий ишқ”* билан “илоҳий ишқ”, бизнингча, тенг тушунчалар эмас. Бошқача айтганда, *“ҳақиқий ишқ”* ва *“мажозий ишқ”* адабиётдаги ҳодисани англатади. Илоҳий ишқ – Худога ишқ. Уни адабиётда тўғридан-тўғри тасвирлаш усулига *“ҳақиқий ишқ”,* бирор аллегорик, яъни мажозий йўл билан тасвирлаш эса *“мажозий ишқ”* дейилади. Демак, илоҳий ишқ тушунчаси ҳақиқий ишқни ҳам, мажозий ишқни ҳам қамраб олади.

Булар – албатта, мусулмон Шарқи мумтоз адабиётида мавжуд ишқ тасвири таснифотидаги янги қарашлар. Биз бу атамаларни ана шу тарзда қўллашни таклиф қиламиз.

Бу мулоҳазаларимиздан шундай хулоса келиб чиқадики, демак, *“мажозий ишқ”* дегани *“дунёвий ишқ”* дегани эмас экан. Чунки, ахир, дунёвий ишқ замирида Худога ишққа ишора ҳам кўзда тутилмайди-да. Масалан, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”идаги Отабек ва Кумуш, “Меҳробдан чаён”идаги Анвар ва Раъно, Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон”идаги Омон ва Зайнаб ўртасидаги ишқни қайси аосларга кўра *“мажозий ишқ”* дея оламиз? Бундай ишқни *“дунёвий ишқ”* дейиш керак.

Ўзбек адабиётшунослигида мажоз ва ҳақиқатга муносабат шўро даврининг охирларига келиб ўзгара борди. Шу маънода навоийшунос Ё. Исҳоқовнинг: *“Навоийнинг ишқ масаласидаги* концепциясининг асосий моҳияти шундан иборатки, мажозий ишқ ҳақиқий ишқдан алоҳида олиниб, унга қарама-қарши қўйилмайди. Балки мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич сифатида баҳоланади. Руҳан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айни ҳақиқатдир”[3], – деган нуқтаи назарни илгари суриши шўро давридаёқ олдинги тамоман хато қарашларга бир қадар зарба берган эди.

---

[1] Ўша нашр. – Б. 66 – 67.
[2] Қаранг: Ўша нашр. – Б. 67.
[3] И с ҳ о қ о в Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 25.

Ҳақиқий ва мажозий ишққа тўғри баҳо бериш сари интилишлар жараёни мустақиллик йилларида изчил давом этди[4]. Жумладан, С. С. Рафиддинов Атоий ижодини ўрганар экан, шундай деб ёзади: "Атоий ғазалларида мажозий ишқ ҳақиқий ишқ йўлидаги бир восита, кўприкдир. Чунки Атоий "мажоз тариқи била ҳақиқат асрори"ни куйлади. У "ишқ"-ни *"саодати абадий" деб билади ва беназир, бенуқсон Ёр жамолини "жумла олам партави"да мушоҳада этади. Атоий ғазалларидаги сўфиёна ҳақиқатларда ўзликни англаш ҳамда Яратувчини танишга даъват бор"*[5].

Хуллас, "Мантиқ ут-тайр"да ҳам, "Лисон ут-тайр"да ҳам моҳиятан ҳақиқий ишқ куйланган. Бироқ бу икки достонда, кириш бобларниҳисобга олмаганда, тўғридан-тўғри Худо тимсоли йўқ. Симурғ рамзан Аллоҳни англатиб келган. Демак, биз бу икки достонни ҳар қанча ишқи ҳақиқий таърифидаги асар сифатида баҳоласак ҳам, уларда мажознинг ҳам алоҳида ўрни бор. Шунинг учун Навоийнинг ўзи "Муҳокамат ул-луғатайн"да: *"Чун "Лисон ут-тайр" илҳоми* била тараннум тузупмен, қуш тили ишорати била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузупмен"[6], – деб ёзади.

Ҳақиқий ва мажозий ишқ: ўзаро боғлиқлик ва фарқлар

"Маҳбуб ул-қулуб"даги ошиқлар таснифи билан шоирлар таснифи нега айнан мос тушмайди. Бунга асосий сабаб нима? Бир қарашда, мантиқан иккаласи бир хил бўлиши керак эди-ку.

Ҳеч ким ҳозиргача навоийшуносликда масалани бу тарзда қўймаган. Ҳолбуки, вазият шуни тақозо этади. Буни аниқламай туриб, масаланинг асл моҳиятига етишнинг асло иложи йўқ.

Хуллас, Навоий ошиқлар таснифида ишқни энди 5 га эмас, 3 га ажратади.

Биринчиси – авом ишқи. *"Авом"* сўзи ҳозир ҳам тилимизда бор. Бироқ уни кўпроқ *"ўқимаган", "тушунмаган", "қолоқ"* одамларга нисбатан ишлатамиз. Ҳолбуки, сўз аслан *"халқ", "кўпчилик", "омма"* деган маънони англатади. Шунинг учун бу таснифни *"оммага, яъни кўпчиликка хос ишқ"* деб тушунишимиз керак. Бу ишқни таърифлар экан, адиб шундай деб ёзади: *"Авом ун-нос орасида бу машҳур ва шоеъдурким, дерлар: "Фалон фалонға ошиқ бўлубтур". Ва бу навъ киши ҳар навъ кишиға бўлса бўлур, шағаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсоний эмас ва бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халойиққа суннатдур ва мубоҳ* ва пастроқ мартабасида паришонлиқ ва мушаввашлиқлар ва бесомонлиқ ва нохушлиқлареки, зикри тарки адабдур ва баёни беҳижобликқа сабаб"[7].

Иккинчиси – хавосс ишқи. *"Хавосс"* деганда алоҳида, хос, айрим кишиларгагина тегишли ишқ тушунилади. Хўш, бу ишқ қандай бўлади? Навоий таърифича: *"Ул пок кўзни пок назар*

---

[4] Қаранг: Ҳ а қ қ у л о в И. Занжирбанд шер қошида (Навоий сабоқлари). – Тошкент: Юлдузча, 1989; Яна шу муаллиф. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007; *О л и м С.* Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992; Яна шу муаллиф. Мажоздан мақсад – ҳақиқат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 10 сентябрь; В о ҳ и д о в Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994; М у ҳ и д д и н о в М. Қ. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси. Филол. ф. д. ... дисс. – Тошкент: Нашриётсиз, 1995; Яна шу муаллиф. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005; Яна шу муаллиф. Нурли қалблар гулшани. – Тошкент: Фан, 2007; К о м и л о в Н. Хизр чашмаси. – Тошкент: Маънавият, 2005; Яна шу муаллиф. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zekiston, 2009; Яна шу муаллиф. Маънолар оламига сафар (Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар). – Тошкент: Tamaddun, 2012.

[5] Р а ф и д д и н о в С. С. Атоийнинг поэтик маҳорати. – Филол. ф. н. ... дисс. автореф. – Тошкент: Нашриётсиз, 1993. – Б. 10.

[6] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 26.

[7] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 14. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 67 – 68.

била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ"[1].

Бу ерда икки нозик жиҳат бор. Дастлабкиси – поклик тушунчаси. Боқадиган кўз пок бўлиши керак. Назар пок бўлиши талаб этилади. Боқилаётган юз пок бўлиши лозим. Боқаётган ошиқнинг пок кўнгли пок юз таъсиридан жунбушга келиши даркор. Бу пок мазҳар, яъни кўриниб турган объект воситаси билан покбоз, яъни беғараз маҳбуби ҳақиқий, яъни Тангри таоло жамолидан баҳра олиш зарур.

Ўзи-ку хавосс ишқи таърифи кетяпти. Аслида, *"хавосс"*, яъни *"хослар"* деганда сўфийлар, яъни Худога ошиқлар тушунилади. Аммо Навоий хавосс ишқи қисмида ҳам сўфийларни эмас, балки шоирларни тилга олади – Хусрав Деҳлавий, Шайх Ироқий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий номлари ҳурмату эҳтиром билан қайд этилади:

"Хавосс ишқи аҳлининг покбозлари ва шавқу ниёз аҳлининг назмтироз ва афсонапардозлари мутақаддиминдин андоқким, назм бешасининг ғазанфари ва дарду ишқ оташкадасининг самандари ва завқу ҳол водисининг покрави Амир Хусрав Деҳлавийдурким, пок нафас ва гуфтори, пок алфоз ва маонийлиқ ашъори ишқ аҳлининг орасида ғавғо ва важду ҳол анжумани фазосида алоло солибдур.

Яна сўзи поку кўзи пок ишқ аҳлида мужаррад ва мунфарид ва бебок бу тоифанинг беназиру адил ва тоқи фахр ул-миллату вад-дин Шайх Ироқийдурким, ишқ сифотиға муттасифдур ва ламаоти пок маоний ва тарокибиға мунсифдур *в*а мутааххириндин икки оламни бир дов била ўйнағон муқаммир шевалар покбози ва ишқ дайри фаносида ҳақиқат бодасидин маст риндлар ҳамрози шамс ул-миллати ва-д-дин Хожа Ҳофиз Шерозийдур.

Дунё ва охиратни бир оҳ ила ўртаган пок ошиқлар имоми ва мулк ва малакутда сойирлар шайх ул-исломи ҳазрати муршидий ва махдумий нур ул-миллат ва-д-дин Абдураҳмон Жомий(навваралоҳи марқадуҳу)дурким, агарчи алар васфи назмға нисбат берурдин юқорироқдур, аммо ҳар синф назмда беназир эрдилар ва нечаки таърифлари шеърда маҳоратдин ташқаридур ва лекин ҳар услуб шеърда жаҳонгирдурлар ва назмларида ҳар шеър била ишқ ўтин оламға урубтурлар, шеърларида ҳар байт била дард аҳли жону кўнгул оламин кўйдурубдурлар*"*[2].

Кейин камтарлик билан ҳазрат Жомий муҳаббати жомидаги қуйқаларни ичган, яъни унга пайравлик қилган ва унинг иршоди сулукидан фонийваш бўлган, дарду ишқ йўлида айтганлари турк улусида ҳароратомез ва сорт (форс-тожик) хайлида офатангез бир гуруҳни ҳам қўшадики, бундаги *"жоми муҳаббатидин"*да бирикмасида ўзини ҳам кўзда тутади. Чунки келтирилган катта парча охирида айтилганидек, Жомийга, *"фонийвашларким"* сўзида эса Фонийга ишора бор. Бу билан ўзини ҳам шу хавосс ишқи вакилларига қўшади: *"Яна ул ҳазрат жоми муҳаббатидин дурдкашлар ва иршоди сулукидин фонийвашларким, дарду ишқ таври адосида гуфторлари турк улусида ҳароратомез ва сорт хайлида офатангиздур"*[3].

Бу шоирларнинг мақсади нима эди? Навоий бу саволга ҳам жавоб бериб кетади: *"Борининг ғарази гуфторлари иштиғолидин ва ано ёлинидин ажзу ниёзлиқ ҳолати ва дарду бало чоқинидин сўзу гудозға мубоҳоти ўзин бу ишққа мансуб қилмоқдур, балки кўрунур бу ишқ оламида ошиқлиқнинг саъб ҳоли ва маъшуқнинг муфрит жамоли ҳар ерда ҳар бирининг ажаб ҳолоти ва ғариб хаёлоти ва ғоятсиз бул ажаблар ва ниҳоятсиз рангу тааблрга юзланиб-*

[1] Ўша нашр. – Б. 68.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[3] Ўша нашр. – Б. 68 – 69.

*дур ва анинг изҳори лозим келибдур. Ул жумладин, маъшуқ ҳусну жамолининг бениҳоятлиғи ва нозу истиғносининг беҳадду ғоятлиғи в*а андоқ аҳволким, мунга мувофиқ бўлғай, андин сўнг ошиқ дарду шавқининг фаровонлиғи ва ажзу ниёз ва сўзу гудозининг бепоёнлиғи *в*а ҳар умурким, унга муносибдур, яна иккаласининг бир-бирига имтизожи ва таркибидин ва ихтисоси ва тарбиятидин вуқуъ топқон ҳолот адосида ва юз кўргузган мушкилот имлосидаким, ҳар бирида агар китоблар тасниф қилилса ва мужалладлар таркиб этилса, ҳануз улча анинг адосининг ҳаққидур таҳрирға кетурмак, тақрир қаламин сурмак мутағаййир кўрунур, балки мутааззирдур”[4].

Кўриниб турибдики, шоирларнинг мақсади – биринчидан, ўзини ана шу хавосс ишқига мансуб қилишдан, иккинчидан, ошиқнинг оғир аҳвол ва маъшуқнинг ҳаддан ташқари гўзаллигини тасвирлашдан, учинчидан, ошиқ ва маъшуқнинг бир-бирига яқинлиги ва муносиблиги, мослашуви ва тарбиятини акс эттиришдан иборат. Чунки бутун коинот бозорининг тўс-тўполони ва моддий олам гумбазли ёпиқ бозорининг шовқин-сурони ана шу ишқни сўз ва товуш орқали ифодалашдан келиб чиқади ва бусиз инсоннинг каломи жони йўқ бир танадек, башарият алфози ва иборалари – гулу райҳонсиз бир чамандек гап: *“Ва коинот бозорининг ғавғоси ва унсуриёт чорсусининг алолоси бу такаллум ва тараннум биладур ва мунсиз инсон каломи танедур жонсиз ва башар алфоз ва иборати чаманедур гулу райҳонсиз”*[5].

Шу тариқа адиб китобхонни мана бу хулосани ҳазм қилишга тайёрлайди: “Сўзким, дард чошнисидин ҳарорати бўлмағай, нурсиз шамъ бил ва сарварсиз жамъ гумон қил. Ҳосилеким, сўзга бу таронадур ва мундин ўзга борча афсонадур ва сўз ишқ сўзидур ва кўнгулда ҳаёт нашъаси ишқ ўзидур”[6]. Маъноси шуки, агар сўзнинг дард таъмидан ҳарорати бўлмаса, уни нурсиз шам ва бошлиқсиз жамоа гумон қилиш лозим. Бирор ҳосил юзага келса (яъни асар ёзилса), унда сўз ишқ таронасидан иборат бўлиши керак ва бундан бошқа нарсалар фақат афсона, холос, сўз ишқ сўзидан бошқа нарса бўлмасин, кўнгилда ҳаёт ҳузур-ҳаловати – фақат ишқнинг ўзидангина иборат, вассалом.

Хулоса ўрнида келтирилган байтда Навоий, адабиётнинг бош вазифаси ишқни куйлашдан иборат бўлмоғи даркор, деган позициясини қатъий қилиб қўяди:

Сўзки маъносида ишқ ўти нишони бўлмағай,
Бир таҳарруксиз бадан онглаки, жони бўлмағай[7].

Гап ишқ зикрида кетаётган эди. Фикр бурилиб, адабиётга боғланди. Чунки тасаввуфий дунёқараш бўйича қаралса, бутун борлиқнинг яратилишидан асосий мақсад – ишқ. Жонли ва жонсиз мавжудотнинг ҳаммаси Худога ҳамд айтади. Осмон жисмларининг ҳаракати ҳам, ўсимликларнинг кўкка бўй чўзиши ҳам, қушларнинг сайраши ҳам, дарёларнинг оқишию денгизларнинг мавжланиши ҳам – ҳамма-ҳамма нарса замирида ишқ ётади. Ишқ – ҳаётнинг мағзи. Унинг мавжудлик тарзи. Модомики, адабиёт ҳаётни акс эттиришга масъул экан, у айнан ана шу ишқни куйлаши зарур. Ишқнинг ҳақиқийси эса – Аллоҳга муҳаббат, албатта.

Бу фикрларининг тасдиғи учун, яъни иллюстрация сифатида адиб Мажнун ишқи ҳақида ҳикоят келтиради. Унда баён қилинишича, Мажнун ёри ҳижронида бетоб бўлди. Табиб-

[4] Ўша нашр. – Б. 69.
[5] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[6] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[7] Ўша нашр. – Б. Ўша.

лар ҳар қанча даволамасин, иситмаси тушмади. Ўлар ҳолатга етди. Бу ҳақда Лайлига хабар етказишди. Маъшуқ бундан қаттиқ хафа бўлиб, ошиғига бир мактуб битди-да, бировдан бериб юборди. Аммо Мажнун беҳуш ҳолда эди. Яқинлари мактубни ўқий бошлашди. Буни эшитаётиб, Мажнуннинг руҳида ўзгариш юз бераётганини сезишди. Хатни такрор-такрор ўқиб туришди. Бу мактуб худди дуодай таъсир қилиб, касал бутунлай соғайди. Кейин у бу мактубни бўйнига тумор қилиб, осиб олди. Демак, ишқ сўзидан дарди барҳам топди ва бу сўз такроридан бадани – қувват.

Шундан сўнг адиб учинчи қисм ишқ турини таърифлайди. Бу – сиддиқлар ишқи. Хўш, сиддиқлар – кимлар?

"Садақа", "сидқ", "сиддиқ", "содиқ", "садоқат" сўзлари, шунингдек, *"сидқидил"* қўшма сўзининг биринчи калимаси бир ўзакдан ясалган.

Оддий маънода ростгўй, садоқатли, оқибатли одамга нисбатан ҳам *"сиддиқ"* сўзи ишлатилади. Диний маънода Худога қаттиқ ишонувчи, иймони бақувват, Яратганга сидқи комил киши кўзда тутилади. Пайғамбарлардан Юсуф(а.)нинг, Муҳаммад (с. а. в.) халфаларидан Абубакрнинг лақаби *"Сиддиқ"* бўлган[1]. *"Сидқ"* деганда, ҳамма нарсани Худо кўриб турибди, деб ҳисоблаб, ҳеч қачон ёлғон гапирмаслик ҳам тушунилади.

Аммо Навоий *"сиддиқ"* сўзини тасаввуфий маънода қўллаб, шарҳлайди. Сиддиқлар – ошиқларнинг энг юксак даражага етганлари. Аввал бу парчанинг ўзини келтириб, кейин унда таърифланган сиддиқларга хос сифатларни кўриб ўтсак, тушунарлироқ бўлар:

"Учинчи қисм. Сиддиқлар ишқидурким, алар Ҳақнинг тажаллиёти жамолиға мазоҳир воситасидин айру вола ва мағлубдурлар. Ва ул мушоҳада бехудлиғида алардин шуур алардин маслуб. Шуҳудлари истиғроққа етган ва ул истиғроқдин истиҳлок мақомин ҳосил этган. Агар ҳаводис ели сипеҳр гулшани авроқин учурса, аларға андин хабар йўқ ва анжум гулбаргларин ҳар сори совурса, аларға андин асар йўқ. Ҳавос(с)лари – нокор тажаллиёт жамоли садамотидин ва шавқлари – номиқдор ишқ ҳужуми ғалаботидин. Анбиёйи мурсалин етгандин назарларин мақсуддин олмай ва малоикайи муқаррибин ўтгандин назарларин ул сари солмай. Ҳоллари матлуб мушоҳадайи жамоли ва иштиғоллари ҳам анинг мулоҳазайи саноеъ ва камоли висол майи зўридин кўнгуллари бехуд ва маст, мутаоқиб тажаллиёт сатватидин аъзоларида шикаст. Васл бодасидин ўзга руҳларига ком йўқ ва Ҳақ мушоҳадасидин ўзга кўнгулларига ором йўқ. Булардур ишқда васлдин ком топқон ва "Инда маликин муқтадирин" мақомида ором топқон *в*а бу тоифани "восиллар" дебдурлар, "ишқдин васл мақсуди ҳосиллар"[2].

Биринчидан, сиддиқлар Ҳақнинг жамоли жилосига у акс этадиган нарса воситасисиз, яъни тўғридан-тўғри шайдо;

– иккинчидан, булар шу даражада ўзини йўқотганки, Ҳақ жамоли акс этадиган нарсаларни мушоҳада қилиш улардан олиб қўйилган;

– учинчидан, бир нарсага (Худога етишга) ҳаддан ташқари берилишлари оқибатида атрофдаги бор нарсаларни кўриш, унга гувоҳ бўлишдан мосуволик уларда ҳалок бўлиш мақомини ҳосил этган;

---

[1] Қаранг: Фарҳанги забони тоҷикӣ. Аз асри Х то ибтидои асри ХХ. Иборат аз ду ҷилд. Ҷ. 2. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – С. 233.

[2] Ўша нашр. – Б. 70 – 71.

– тўртинчидан, агар ҳодисалар ели фалак гулшани варақларини учирса, улар бундан хабар топмайди ҳам ва юлдузлар гулбаргларини ҳар тарафга совурса, уларга ундан асар етмайди ҳам;

– бешинчидан, ҳис-туйғулари тажаллиёт жамоли зарбасидан ва шавқлари чексиз ишқ ҳужуми ғалабаларидан ҳосил бўлган;

– олтинчидан, соҳиби китоб бўлган пайғамбар(Довуд, Мусо, Исо ва Муҳаммад алайҳиссалом)лар етган даражалардан назарларини олишмайди ва Аллоҳга яқин фаришталар ўтган йўлларга назар ташлашмайди;

– еттинчидан, ҳоллари матлуб (Худо) жамоли мушоҳадаси ва машғулотлари унинг яратувчилиги мулоҳазаси ва висол майи камоли зўридан кўнгиллари ўзини йўқотган (бехуд) ва маст, кетма-кет тажаллиёт ҳамласидан аъзолари шикаст топган;

– саккизинчидан, руҳларида васл бодасидан ўзга мақсад ва кўнгилларида Ҳақ мушоҳадасидан бошқа ором йўқ;

– тўққизинчидан, булар ишқда васлдан мақсад топганлар ва *“Инда маликин муқтадирин”* мақомида ором топганлар ҳисобланади;

– ўнинчидан, бу тоифани *“восиллар”,* яъни *“васлга етганлар”* ва *“ишқдан васл мақсади ҳосил бўлганлар”* дейишади.

Далолатига бир ҳикоят келтирилади. Унинг мазмуни шундан иборатки, ҳажга борган шайхлар Арофат тоғида муножот қилиб, дуода ҳар қайси бир мурод истар эди. Кўпчилиги: *“Илоҳо, бизга Ўзингга мувофиқлик билан ҳамроҳлик ва Ўз ҳақиқатингдан огоҳлик бер”,* – деб дуо қилар эди. Аммо соликлар қутби ва орифлар султони Шайх Абу Саид Харроз кўзларини осмонга қадаганча жим турар эди. Биров унга: *“Эй Шайх, дуо қабул* бўладиган шундай маҳалда нега жимсан?” – деб сўрайди. Жавоб қайтариб, айтадики: *“Бу халойиқ дуо қилиб тилаётган нарсаларнинг ҳаммасини менга берган, ортиқроғини кўнглим уйига берган. Уларки, огоҳлик тилашяпти, мен бунга эришганман, яъни матлубман. ...Унинг жамоли ҳайратидан ўзимдан хабарим йўқ ва ўзлигимдан асарим йўқ”.*

Шунча таҳлилу далилдан кейин Навоий бевосита хулосага ўтади: *“Ишқнинг ғояти бу ергачадур ва ошиққа васлнинг ниҳояти бу сўзни дергачадур. Бу ошиқларким, олинда қабул аҳлидурлар ва тариқати машойих истилоҳотида “вусул аҳли”дурлар, буларни “Тангрига ошиқ” деса бўлур, “маҳбуб” ҳам ва “Ҳақға толиб” от қўйса бўлур, “матлуб” ҳам”*[3].

Бу ошиқнинг маъшуққа айланиши жараёнини акс эттиради. Чунки, тасаввуфий ақидага кўра, ишқ комилликка етса, ошиқ маъшуққа айланади. Ана шунда: *“Бу ошиқ эди”* ёки *“Бу маъшуқ эди”,* – деб ўтиришга ҳеч қандай ҳожат қолмайди. Мансур Ҳалложнинг: “Ана-л-Ҳақ” (“Мен Худоман”), – дегани – шу. Мажнундан исмини сўраганларида: *“Лайли”,* – деб жавоб

[3] Ўша нашр. – Б. 71.

қайтаргани[1] – шу. *“Лисон ут-тайр”*да (“Мантиқ ут-тайр”да ҳам) қушларнинг ўзи *“си мурғ” (“ўттиз қуш”)* бўлгани[2] – шу.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг бу боби сўнгида келтирилган рубоий мазмунида ҳам агар Аллоҳ бандасини бу даражага етказса, энди мавжудлик йўқолиши, шунда: *“Бу қолди, Тангри қолди”,* – деб ўтиришнинг иложи йўқлигини таъкидлайди. Тасаввуфда *“васл”* дегани ҳам – шу.

Навоий умрининг сўнгида “Маҳбуб ул-қулуб”ни бекорга ёзмади. Бу асар – амалда шоир ва мутафаккир дунёқарашининг хулосаси, шу билан бирга, барча асарларининг ўзига хос қўлланмавий очқичи, яъни калити ҳам ҳисобланади. “Маҳбуб ул-қулуб”даги шоирлар ва ошиқлар таснифидан бехабар ҳолда унинг ижоди, хусусан, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” ҳамда *“Лисон ут-тайр”* моҳиятига асло етиб бўлмас эди.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Мутафарриқа фавойид ва амсол сурати” деб номланган 3-қисмидаги 106-танбеҳ сифатида келган “Шайхухат зикрида” фаслида ҳам Навоий ижоди моҳиятини тушуниш учун ўта муҳим нуқталар бор.

Аввало, шуни айтиш керакки, “шайхухат” деганининг асл маъноси –“кексалик”. Кейинчалик “шайх” сўзи тасаввуфда устозлик мақомига етган кишига нисбатан ишлатила бошлаган. Шунинг таъсирида форсийда “пир” атамаси пайдо бўлган. Чунки бу ҳам – луғавий жиҳатдан “кекса” деган маънога эга. Туркий тасаввуф, яъни яссавияда шайхларни “ота” дейиш ҳам бор. Бу ҳам, аслида, ана ўша ёши улуғликка ишорадан юзага келган.

Ана шу фасл таркибида 107-танбеҳ сифатида келган парча бор. Унда тасаввуф йўлини солик пирсиз босиб ўтолмаслиги сабаблари ҳар тарафлама асослаб тушунтирилган, яъни тасаввуфда пирнинг шартлиги, ўрни ва аҳамияти ҳақида Навоийнинг умумижоди, жумладан, *“Лисон ут-тайр”* моҳиятини тушуниш учун ўта муҳим бўлган қуйидаги фикрларга дуч келамиз:

*“*Пешае соликка ер зарур эрконига одамизод вужуд мулкидин хонапардоздур ва адам кишвариға сафарсоздур. Сафар махсус санга ва манга эмас ё хусусият қилғонни киши, шоҳу гадоға, демас. Ҳар ким адам ниҳонхонасидин вужуд анжуманиға қадам урубтур ва бу бақосиз оромгоҳда бир нафас ўлтурубтур, яна қайтиб, асли ватанға азм этмак керак ва қайдин

---

[1] Бунда “Лайли ва Мажнун”нинг:
Ул бўлуб отин билурдин ёт,
Мундин доғиким, не нимадур от.

Ўз отию қавму хайли оти,
Йўқ ёдида ғайри Лайли оти
(Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 9. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 110)
ҳамда:
Йўқ ҳеч сўз айтмоққа майли,
Айтур сўзи бу қадарки: “Лайли”.

Ҳам Лайли ўлуб тилида зикри,
Ҳам Лайли ўлуб ичида фикри.

Ҳар ён назар этса ошкоро,
Лайли назарида жилваоро (Ўша нашр. – Б. 149), –
сатрларига суяндик.

[2] Бунда “Лисон ут-тайр”даги:
Ким қилиб Симурғ ўттуз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул си мурғ-у, бас
(Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 12. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 268), –
байтига суяндик.

келибдур, яна ул ён кетмак керак. Беш кун бу дори фано тириклигига масрур ва давлатиға мағрур бўлмоқ керакдур. Ўлумдин гузир йўқтур ва ҳеч кишига ул муҳликда дастгир йўқ. Пас, анинг япроғида бўлмоқ заруратдур ва борур асбобин тузатмак чорасиз суратдур. Ул сафар асбоби солиҳ аъмолдур ва ҳамида ҳисол ва анинг зикри иккинчи қисмда тафсил ва тартиб била рақамға келди ва машруҳ битилди. Аммо мусофирға йўл суубатининг суҳунати учун ва водий йироқлигининг дафъи шиддати учун ямон уқбаларким, олдига келур ва азим мухотараларки, воқеъ бўлур, раҳнамолиғи учун ва мушкулкушойлиғи учун бир нимаким, ногузирдур комил раҳнасойи пирдурким, анинг иршоди бўлмайин бу йўлға азм қилмоқни акобири авлиё (қуддиса аллоҳу таоло арвоҳаҳум) жоиз тутмайдур, балки солик атвори ва сулукига ёвутмайдурлар.

Ҳар ойинаким, мусофир кўрмаган йўлга қадам урса ва етмаган водийға югурса, йўл йитурмак эҳтимоли бор ва йўлдин озмоқ имкони бор. Ул уқубатдин ва анда юзланган хатаротдин мусофирни ҳодий ўткарур ва комил муршиднинг иршоди мақсадқа еткурур *ва* яна аҳлуллоҳки, Ҳақ йўлиға қадам қўюбтурлар ва талаб маркабин шавқ водийсиға сурубтурлар, комил пир иршодидин айру азм қилмайдур ва бу йўлда ҳодийсиз мақсад манзилиға етмайдурлар. Агар аҳёнан юздин бир солик зоҳир юзидин муршид пири нобуд экандур, аммо маъни йўлидин мавжуд экандур ё ғойиб муршид тақвияти бирла ё мутаваффойи комил руҳонияти тарбияти била азм этибдурлар ва матлубиға етибдурлар. Мақсудким, бу йўлда нафс душмандур ва шаётини раҳзан ва ҳар қайси азим махофат ва улуғ офатдур, то ҳодий бошқармағай ва муршид муҳликдин ўткармағай. Бу йўл катъи мутаассирдур ва мақсадға етмак мутааззир ва ўзлуки била бу водийға етган ва манозилин қатъ этган аноният гирифторидур ва нафсға тобеъ ва Шайтоннинг масхара ва маҳзалидур ва ранжи зоеъ. Бу мақсудға бир восита бўлмай етмак мумкин эмас ва муршид раҳнамой бўлмай, бир унинг етганин киши демас. Муридни мақсудға еткургувчи Ҳақдур воситайи пир ва соликни матлубқа қўшулдурғучи ҳам Ҳақдур ва василайи ҳам пир”[3].

Бу ерда тасаввуфдаги ҳеч бир мурид пирсиз мақсадга етолмаслиги, юзда бир солик олдин ўтиб кетган пир руҳи тарбияси, яъни увайсийлик йўли билан камолга етмаган бўлса, ҳеч ким муршидсиз бу йўлни босиб ўтолмаслиги ақидасини урғу бериб таъкидлайди.

Шу фикрларига иллюстрация, яъни ҳаётий мисол сифатида келган тамсилий ҳикоятда айтилишича, Шайх Боязид Бистомий бир муриди мулозимлигида сафарга чиқади. Йўлда бир катта сувга дуч келишади. Шайх: “Аллоҳ!” – деб сув устидан юриб кетади ва муридига: *“Боязид!”*– деб қадам урмоқни буюради. Шайх: *“Аллоҳ!”* ва мурид *“Боязид!”* – сўзини такрорлаб, сувдан шамолдек ўтиб боришаётган эди. Кутилмаганда мурид пирига шак келтириб, хаёлидан: *“Шайх Аллоҳ зикри била борадур ва мени йўлда бошқарадур, мен ҳам восита шамъин ўчирай ва* ваҳдат баҳрида Аллоҳ зикри била қадам урай”[4], – деган фикрни ўтказади. Шу тариқа: *“Аллоҳ!”* – деб биринчи қадамини ташлаши билан сувга чўкади. Шайх уни зўрға қутқариб, соҳилга улоқтиради. Бу хом муридига эса: *“Эй фарзанд, сен ул Боязидға ет, андин сўнгра Тенгриға етмак ҳавас эт!”*[5] – деб ўгит беради. *“Мақсудки,* – деб хулоса қилади Навоий, – пир иршодидин айру бу йўлға қадам урмамоқ керак, балки дам”[6].

---

[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Т. 14. – Б. 117.
[4] Ўша нашр. – Б. 118.
[5] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[6] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Бу билан, пир муридни Ҳақ таолога етиш йўлидаги ана шундай кўплаб мураккаб ҳолатлардан эсон-омон олиб ўтади, дейилмоқчи.

Бу таҳлиллар айрим муҳим-муҳим хулосаларни илгари суриш имконини беради.

"Фарҳод ва Ширин"да хавосс ишқ тасвирланган, "Лайли ва Мажнун" ҳамда "Лисон ут-тайр" да сиддиқлар ишқи. "Сабъайи сайёр"да эса авом ишқи акс этган.

Бир қарашда, "Фарҳод ва Ширин"да ҳам, "Лайли ва Мажнун"да ҳам севишганлар ишқи қаламга олинган. Энди савол туғилади: нима учун тилга олинган бу биринчи достон номида ошиқ (Фарҳод) олдин, маъшуқ (Ширин) кейин тилга олинган-у, иккинчисида эса маъшуқ (Лайли) олдин ва ошиқ (Мажнун) кейин қайд этилган? Сабаби – "Фарҳод ва Ширин"да Фарҳод –Ширинга нисбатан фаол, "Лайли ва Мажнун"да Лайли – Мажнунга нисбатан фаол. "Лайли ва Мажнун"даги баъзи воқеаларга асосланилса, Лайли оқилона иш тутиб, Мажнунга нима қилмоқ кераклиги йўлини кўрсатади ҳам.

Тасаввуфий нуқтаи назардан қараганда, "Фарҳод ва Ширин"да саҳв, яъни ҳушёрлик йўли тасвирланган, "Лайли ва Мажнун"да эса – сукр, яъни сархушлик йўли. "Хамса"нинг биринчи достони бўлмиш "Ҳайрат ул-аброр"ни, бешликнинг умумий кириши, деб ҳисобласак, "Фарҳод ва Ширин" ҳамда "Лайли ва Мажнун"ни тезис сифатида қабул қилишга тўғри келади. Уларда, тасаввуфда саҳв йўли билан ҳам, сукр йўли билан ҳам асл мақсадга, яъни ёр васлига етиш мумкин, деган ғоя илгари сурилган. "Сабъайи сайёр" эса антитезис вазифасини ўтайди. Яъни унда: *"Агар саҳв йўли билан ҳам, сукр йўли билан юр*илмаса, нима бўлади?" – деган савол ўртага ташланиб, ҳаётий исботи билан жавоб берилганки, бунда асл мақсад амалга ошмайди. Табиийки, "Садди Искандарий" синтез ўрнида келади.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ўзбек мумтоз адабиётидаги рубоийлар композициясида биринчи ва иккинчи сатрлар – тезис, учинчи сатр – антитезис ва тўртинчи сатр – синтездан иборат бўлишини яхши кўрсатган[1] ва биз юқоридаги хулосани илгари суришда ана шу тайёр формулировкага суяндик.

Навоий "Фарҳод ва Ширин"ни ёзиш учун ўзига йўл излар экан, салафлари бўлмиш Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавий асарларига ҳам танқидий ёндашади. Унга устозлари асарларидаги Хусравнинг кўп хотинли қилиб тасвирлангани, яъни унинг гоҳ Марям, гоҳ Шакар, гоҳ Ширин ишқида ёнгани ёқмайди. Бу ҳақда достонда шундай сатрларни ўқиймиз:

Топиб гаҳ Марям оғушида ором,
Шакар ҳалвосидин гоҳи олиб ком.

Бўлуб Ширинға ошиқ подшаҳвор,
Гоҳ ул маҳбуб ўлуб, гоҳи парастор[2].

Лекин ўзи "Сабъайи сайёр"да Баҳромни етти қасрда етти мамлакат маликасига уйлантириб қўяди:

---

[1] Қаранг: Х а к к у л о в И. Ч. Рубаи в узбекской классической литературе (Поэтика и история жанра). – Автореф. дисс. ... к. филол. н. –Ташкент: Без издательства, 1975. – С. 11.

[2] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 46.

Сур дастури топти чун тарвиж,
Шоҳ ила топти моҳлар тазвиж[3].

Баҳром ўзи бу ёқда Дилором ишқида куйиб-ёниб ётибди-ю, бу ёқда ҳар кеча бир янги хотини оғушида ором оляпти. Ахир, бу "Фарҳод ва Ширин"даги муаллиф қаттиқ танқид қилган нарсанинг айнан ўзи-ку. Нега бундай йўл тутилди? Сабаби – аниқ: шоирнинг мақсади – "Сабъайи сайёр"да охири никоҳ билан тугайдиган авом ишқи фожиасини кўрсатиш. Бунинг замирида, агар ишқ авом тасаввурлари даражасидан юқорига кўтарилмаса, яъни яшашдан мақсад – умрни Яратган васлига етиш ишқи билан ўтказишдан иборат бўлмаса, фойдаси йўқ, дейиш илинжи ётибди.

Кўриниб турибдики, Навоий асарлари, хусусан, достонлари моҳиятини унинг умумижодидан, яъни бошқа асарларидан айри ҳолда, яъни юлиб олиб таҳлил этишнинг асло иложи йўқ. Бу жиҳатдан "Лисон ут-тайр", айниқса, ажралиб туради.

Шу маънода ушбу таҳлилларимиз Навоий асарларини ўзаро қиёсий аснода ўрганиш йўлидаги дастлабки уринишлардан бири сифатида қабул қилиниши лозим.

---

[3] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 10. – Тошкент: Фан, 199. – Б. 138. Бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун "Сабъайи сайёр"нинг *"Етти фалакдек етти қасрнинг тугангони ва Монийи мусаввир ҳар қасрни ўзга бир ранг била нақшбандлик қилғони доғи етти иқлим салотинининг қизларин ул етти қасрда Баҳром била ақд* (никоҳ. – С. О.) қилғонлари ва ҳафтанинг ҳар куни Баҳром бир қасрда суҳбат тутқони" деб номланган бобига қаранг: Ўша нашр. – Б. 134 – 139.

УЧИНЧИ БОБ

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” – МУНОЖОТНОМА ЁХУД УНИНГ ЛИРО-ЭПИКЛИК ДАРАЖАСИ

Навоий “Хамса”сини қирқ икки – қирқ тўрт ёшлари орасида ёзиб тугатди. Бундай ёшдаги ижодкорда, табиий равишда, салафлар билан беллашишга кучли мойиллик сезилиб туради. Қандай бўлмасин, салоҳиятини тўлалигича намоён қилгиси, халқона айтганда, кучини бир “кўрсатиб қўйгиси”, имкон қадар кўпроқ янгилик яратгиси, оҳорий (оригинал), навоиёна атама билан ифодалаганда, *“тарҳи тоза”* асар бунёд этгиси келаверади.

“Лисон ут-тайр”ни шоир олтмиш ёшга яқинлашганида қоғозга туширди.

Биринчидан, бу киши анча босилиб қолган, мулоҳазакорлик кучайган, жўшқинлик ўрнини оғир-босиқлик ва фалсафийликка мойиллик эгаллаган бир ёш ҳисобланади.

Иккинчидан, муаллифнинг “Хамса” ёзишдан кўзлаган мақсади билан “Лисон ут-тайр”ни яратишдаги нияти ўртасида жиддий фарқ бор: “Лисон ут-тайр”да Фаридиддин Аттор олдидаги шогирдона ижодий қарздорлик ҳисси устунлик қилади.

Учинчидан, “Хамса”га жавоб қайтариш анъанаси Навоийгача ҳам шаклланган эди. Унинг асосий тажрибалари моҳиятида, иложи борича, кўпроқ янгиликка интилиш ётарди. Улуғ ўзбек шоири шу анъаналарга суяниши шарт эди. Аммо Навоий учун “Мантиқ ут-тайр”га жавоб ёзиш анъанаси мавжуд эмас эди. Тўғри, “Лисон ут-тайр” Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ига ёзилган биринчи назира эмас. Чунки Атторнинг бу достони яратилганидан бир асрча ўтиб, аниқроғи, милодий 1317 йили Гулшаҳрий усмонли турк тилида шу номда достон ёзди. Навоий ундан 181 йил кейин “Лисон ут-тайр”ни битди. Бироқ бизда Навоийнинг Гулшаҳрий достонидан хабардор бўлгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунга кўра, Навоий ўзини “Мантиқ ут-тайр”га илк жавобия ёзаётган биринчи шоир каби тутган, дейишга тўла асосимиз бор. Ҳатто, Атторнинг бу достонига форс-тожик тилида ҳам назира битилмаган эди. “Мантиқ ут-тайр”га жавоб қандай бўлиши кераклигини Навоийнинг ўзи белгилаган. XVIII асрга келиб хоразмлик ўзбек шоири Мавлоно Ризоий Пайвандий Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”ига жавобан “Қуш тили” достонини яратди. Энди Пайвандийнинг айни достонга назира битиш борасида Навоий анъанасига суяниш имкони бор эди. Эҳтимол, Пайвандий усмонли турк тилидаги назирадан бехабардир, аммо, гарчи асарида Навоийнинг бу мавзудаги достонини қайд этиб ўтмаган бўлса ҳам, унинг “Лисон ут-тайр”ини билмаслигини тасаввурга келтириш – жуда қийин[1].

Шу асослардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, назиравийлик даражаси сифатида “Хамса” достонлари – бошқа, “Лисон ут-тайр” – бошқа мақомда туради.

Бу илмий даъвони биргина шоирнинг “Хамса” достонларидаги ҳамда “Лисон ут-тайр”даги ўз салафларига муносабатидан келиб чиқиб ҳам исботлаш мумкин.

Кўплар Навоий “Хамса”сини, Низомий Ганжавий “Хамса”сига жавоб, деб ҳисоблайди. Бу – жуда умумий тасаввур маҳсулидан бошқа нарса эмас. Юзаки қараганда – шундай, албатта. Яъни Навоий ҳам худди Низомий “Хамса”сидаги тартиб асосида беш достон битди, шу дос-

[1] Шунинг учун манбашунос Ш. С. Ҳасанова, Пайвандий Навоий анъанасига суянган, деб ҳисоблаб, жумладан, шундай деб ёзади: *“*...Ризоий достонидаги Ҳудҳуд образи Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асаридаги Ҳудҳуд образига жуда яқиндир” (Ҳ а с а н о в а Ш. *С.* “Тўтинома” ва “Қуш тили” туркумидаги асарларнинг қиёсий-типологик ва текстологик тадқиқи. – Филол. ф. д. ... дисс. – Тошкент: Нашриётсиз, 2016. – Б. 128).

тонлар табиати, сюжет чизиғи ҳам – ўша-ўша. Бироқ, аслида, Навоий фақат "Ҳайрат ул-аброр"нигина Низомий "Махзан ул-асрор"ига жавоб тарзида ёзди, холос. "Фарҳод ва Ширин" – Хусрав Деҳлавийнинг "Ширин ва Хусрав"ига, "Лайли ва Мажнун" – Хожу Кирмонийнинг "Гавҳарнома"сига, "Сабъайи сайёр" – Ашраф Марағоийнинг "Ҳафт пайкар"ига, "Садди Искандарий" – Абдураҳмон Жомийнинг "Хирадномайи Искандарий" достонига назира. Буни Навоийнинг ўзи айтган: *"Бу тўрт девон* ("Хазойин ул-маоний" девонлари – С. О.) овозасин чун рубъи маскунга еткурупмен, "Хамса" панжасига панжа урупмен. Аввалким, "Ҳайрат ул-аброр" боғида табъим гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи "Махзан ул-асрор"идин бошимга дурлар сочибдур. Яна чун "Фарҳод ва Ширин" шабистонига хаёлим юз тутубдур, Мир Хусрав (Деҳлавий – С. О.) дами "Ширин ва Хусрав" ўтидин чароғимни ёрутубдур. Яна чун "Лайли ва Мажнун" водисида ишқим пўя уруб, Хожу (Кирмоний – С. О.) ҳиммати "Гавҳарнома"сида нисоримга гавҳарлар еткуруптур. Яна чун "Сабъайи сайёра" расадин замирим боғлабдур, Ашраф (Марағоий – С. О.) *"Ҳафт пайкар"ининг етти ҳурвашин пешкашимга яроғлабдур. Яна чун "Садди Искандарий" асосий хотирим муҳандиси солибдур, ҳазрати Махдум* (Абдураҳмон Жомий – С. О.) *"Хираднома"сидин кўси ислоҳ ва имдод чолибдур"*[2].

"Лисон ут-тайр"да муаллифнинг, умуман, Атторга, хусусан, унинг бевосита "Мантиқ ут-тайр"ига муносабатлариданоқ кўп нарса ойдинлашади.

"Лисон ут-тайр"ни шоир *"Фоний"* тахаллуси билан битган[3]. Достон жами 192 бобдан иборат. Шундан 6 бобда муаллиф бевосита Аттор ва унинг "Мантиқ ут-тайр"ига муносабатини очиқ-ойдин ва атрофлича билдириб ўтади.

Аввало, булар – қайси боблар? Қолаверса, улар асарда қандай ўрин тутади? Бундан ташқари, нега шоир бу гапларини жамлаб, бир бобда айтиб қўя қолмаган? Шу саволларга жавоб топмай туриб масаланинг моҳиятига етиш – қийин.

"Лисон ут-тайр"нинг Аттор ва "Мантиқ ут-тайр"га муносабат акс этган боблари қуйидагилар:

– 13-боб: *"Қудват ул аҳрор ва қиблат ул-аброр Шайх Фаридиддин Аттор қаддасаллоҳу руҳаҳуға мадҳу сано оғози ва ўз арзи ниёзи"* (17 – 20).

– 169-боб: *"Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулиға еткони"* (187 – 190).

– 173-боб: *"Шайх авсофию ўзининг анга пайравлиғда иттисофи"* (193 – 195).

– 174-боб: *"Ўзининг Шайх руҳи мададидин анга татаббуъ қилғонға қақнус тамсили"* (195 – 197).

– 189-боб: *"Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби"* (205 – 208).

– 191-боб: *"Бу китобда тахаллус тағйирининг узри"* (209 – 210).

Қиёс сифатида эслатиб ўтиш керакки, Навоий "Хамса"си достонларининг бироргасида салаф таърифи ёки унга муносабат учун бунчалик кўп боб ажратилмаган. Шунинг ўзиёқ муаллифнинг салафга муносабати кўлами бўйича "Лисон ут-тайр" "Хамса" достонларидагидан кескин фарқ қилишини кўрсатиб турибди.

Санаб ўтилган бу 6 бобда дастлаб шоирнинг "Мантиқ ут-тайр" муаллифини қандай сўзлар билан таърифлаганини кўриб чиқиш лозим. Шулардан ҳам халаф(Навоий)нинг салаф(Аттор)га айрича меҳри маълум бўлади. Бу таърифлар қуйидагилардан иборат:

– *"Қудват ул-аҳрор"* (17) – ҳур, яъни озод кишиларнинг пешвоси.

– *"Қиблат ул-аброр"* (17) – яхшиларнинг қибласи.

---

[2] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 26.

[3] Бунинг сабаблари ҳақида қаранг: О л и м С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 7 – 46.

– *“Ваҳдат асрорини тафсир айла”*ган (18) – Аллоҳнинг ягоналиги сирини шарҳлаган зот.

– *“Мусибатнома”, “Илоҳийнома”, “Уштурнома”, “Лужжайи ҳилож”, “Тазкират ул-авлиё” асарлари, қасида ва ғазаллар муаллифи* (18 – 19).

– Бу асарларининг бари – бир тараф, лекин “Мантиқ ут-тайр” – бир тараф (19).

– *“Камол авроқиға кўп сурди хат”* (190) – камолга етиш йўлида кўп нарса ёзди, яъни ўзини юксак даражада камолга еткарди.

– *“Ҳодийи комил”* (190) – камолотга етган йўлбошчи.

– *“Ҳумоюнфол, тезсайр, тезнутқ, тезҳуш қуш”* (193) – ҳумойга ўхшаш тез учадиган, тез гапирадиган, тез ҳис қиладиган қуш.

– *“Қофи Фано анқоси”* (193) – фонийлик тоғининг анқо қуши.

– *“Жумлайи қушлар тили доноси”* (193) – барча қушлар тилини билгувчи.

– *“Муршиди атвор”* (193) – ҳол пири, яъни тасаввуф йўлбошловчиси.

– *“Қутби авлиё”* (193) – авлиёлар қутби, яъни раҳбари.

– *“Кўнглида шамъи ҳидоятдин зиё”* (193) – кўнглидаги шаъми тўғри йўлни ёритади.

– *“Кашфи асрори ҳақойиқда фарид”* (193) – ҳақиқат (Тангри) сирларини кашф этишда ягона.

– *“Нутқидин аҳли ҳақиқат мустафид”* (193) – сўзларидан Аллоҳга етишни истаганлар баҳраманд.

– *“Аҳли ирфон солики атвори”* (193) – феъл-атвори билан Худони таниш йўлидаги(сўфий)ларнинг намунаси.

– *“Маърифат бозорининг аттори”* (193) – маърифат, яъни Аллоҳни таниш бозорининг аттори. Бу ерда бир йўла шоирнинг тахаллусига ҳам ишора қилиняпти.

– *“Қуш тили бирла такаллум қилмоғи* Ортуқ Осафдин, Сулаймондин доғи” (193) – қуш тилида сўзлаши Осаф билан Сулаймондан ҳам ортиқ.

– *“Мантиқ ут-тайр”да “*шарҳи асрори илоҳий айлабон” (194) – “Мантиқ ут-тайр”да илоҳий сирларни шарҳлаган.

– *“Ул* – шаҳи олийсифат, мен – банда, қул” (197) – Аттор – олий сифатли шоҳ, Навоий эса – унинг қули.

Булар Аттор таърифидаги сўз ва сўз бирикмаларининг ҳаммаси эмас. Биз асосий-асосийларинигина келтирдик.

Тилга олинган 6 бобнинг мағзини чаққанда ҳам, Навоий Атторга қанчалар самимият билан муносабатда бўлгани ойдинлашади. Энг муҳими, бу бобларнинг бирор ерида “Мантиқ ут-тайр” танқиди ёки муаллифга заррача эътирози йўқ. Эҳтимол, Навоий кўнглида бу достонга нисбатан танқидий муносабат бўлгандир. Айтайлик, “Мантиқ ут-тайр”даги кўпсўзлиликми, бир назарий масала иллюстрацияси учун бир неча ҳикоятни кетма-кет келтиришми маъқул тушмагандирки, ўзи “Лисон ут-тайр”ида бунга деярли йўл қўймаган. Лекин халаф салафига нисбатан туғилган бу ички муносабатини ҳеч ерда китобхонга ошкор этмайди. Бу ҳам – бир қатъият.

Бунга сабаб ҳам бор. “Хамса”ни ёзишда салаф билан халаф ўртасидаги муносабатлар устоз-шогирд муносабатларини эслатади. Жомий Навоийнинг пири эди. Аммо, ҳатто, “Хирадномайи Искандарий” ва “Садди Искандарий” асарлари ўртасидаги муносабатларда ҳам пир-муридлик эмас, кўпроқ устоз-шогирдлик боғланиши асосий ўрин тутади. Чунки “Садди Искандарий” Жомий ва Навоий ўртасидаги пир-муридлик муносабатларини акс этти-

риш объекти эмас. Шу сабабдан “Хирадномайи Искандарий” ва “Садди Искандарий” ўртасида, асосан, адабий устоз-шогирдлик муносабатлари акс этган.

Бироқ “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисонут-тайр” муаллифлари ўртасидаги муносабатлар фақат адабий доира билан чегараланмайди: бу ерда устоз-шогирдликдан ташқари, соф тасаввуфона пир-муридлик муносабатлари ҳам юзага чиқади. “Лисон ут-тайр”да муаллиф ўзини Атторнинг содиқ муриди янглиғ тутади. Бошқача айтганда, “Лисон ут-тайр” орқали Навоий Атторга ўзининг муридлик туйғуларини ифода этади ҳам.

“Лисон ут-тайр”нинг лиро-эпиклик даражаси – ҳатто, “Ҳайрат ул-аброр”даги лиро-эпиклик даражасидан ҳам юқори. Сабаби – бу 6-достонида муаллиф бевосита ички бандаликка хос, инсоний, сўфиёна, тасаввуфона шахсий ҳис-туйғулари, нозик ва олий истак-муддаоларини барча маснавийларидагидан кўра кўпроқ, хўброқ ва очиқ-ошкороқ тарзда ифодалаган.

Тасаввуфда уч нарса шарт қилиб қўйилади. Биринчиси – истеъдод. Яъни муридда сўфийлик истеъдоди бўлиши лозим. Иккинчиси – пир. Яъни пирсиз тасаввуф йўлида юриб бўлмайди. Учинчиси – тавфиқ. Яъни пир нияти билан мурид нияти ўртасида кучли мувофиқлик бўлиши зарур. Бошқача айтганда, пир ҳам сидқидилдан муридига бор билим ва қобилиятини юқтириши, мурид ҳам пирдан камоли ихлос билан бу билим ва қобилиятни олишга интилиши керак.

Шуни ҳисобга олсак, биз “Мантиқ ут-тайр” билан “Лисон ут-тайр” ўртасида қарама-қаршилик эмас, аксинча, яқинлик излашимиз лозим. Буни “Лисон ут-тайр”да муаллифнинг ўзи алоҳида таъкидлаган. Достоннинг *“Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулиға еткони”* деб номланган 169-бобида шоир Аттор достони моҳиятига нақадар содиқ қолганини шундай баён этади:

Мен деб истиғфор қилдим, ё Илоҳ,
Ойтмас сўздин санга қилдм паноҳ.

Ўз қошимдин солмадим бу навъ тарҳ,
Айладим Аттор асрорини шарҳ.

Офатимни нуктадин сен асрағил,
Кимга пайравмен – назора айлағил.

Мен ғалат қилсам, анга йўқтур ғалат, –
Ким камол авроқиға кўп сурди хат.

Сўзда табъим гар ғалатқа қилди майл,
Ҳодийи комил сўзига қил туфайл.

Сендин ойтиб, мен анга пайрав бўлуб,
Афв қил журмум, ўзунг узрум қўлуб (190).

Бу – достондаги халафнинг салафга муносабатини аниқлаштириб олиш учун ўта муҳим бир парча ҳисобланади. Биринчидан, шоир “Лисон ут-тайр”ни битаётганда ўзидан янги-

лик қўшмагани, балки Аттор сирларинигина шарҳлаганини қайд этяпти. Иккинчидан, Аллоҳ таолога мурожаат орқали ундан кимга пайравлик қилаётганига эътибор қаратишини сўраяпти. Учинчидан: *"Мен ҳато қилсам ҳам,* Аттор хато қилмайди, чунки у юксак камолот эгаси эди", – деяпти. Тўртинчидан: *"Мабодо, мендан хато топсанг ҳам, уни ўша комил йўлбошчи, яъни Аттор туфайли юз берган, деб ҳисобла",* – дея илтижо айлаяпти. Бешинчидан, шоир Худо ва унга етиш йўлини таърифлашда Атторга пайравлик қилганини алоҳида таъкидлаяпти.

Навоийнинг "Хамса"даги достонларида халафнинг салаф ва унинг асарига бу қадар садоқатини кўрмаймиз.

Достоннинг *"Шайх авсофию ўзининг анга пайравлиғда иттисофи"* деб номланган 173-бобида муаллиф яна Атторнинг устозлик қилгани масаласига қайтади. Ёзу қиш Аттор дўконидан шакар олмоқ ниятида юрар эдим, дейди у, унинг муқаддас руҳи арш боғидан келиб, худди сўзлай оладиган парранда каби қуш тили мушкулларини ечишда йўл кўрсатди, бу борада мени устодга айлантирди-ю, мен туркий тилда достон битдим...

Кейинги – 174-боб *"Ўзининг Шайх руҳи мададидин анга татаббуъ қилғонға қақнус тамсили"* деб аталади. Унда муаллиф Аттор ҳақида, у – ота, мен – ўғил демоқчи эмасман, балки у – олий сифатли шоҳ-у, мен унга қул, дейди шоир:

Мен демонким, ул отодур, мен – ўғул,
Ул – шаҳи олийсифот, мен банда – қул (197).

Хўш, нега Фонийнинг Атторга муносабати, меҳру муҳаббати бу қадар бўлакча?

"Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби" деган 189-бобда айни масалага ойдинлик киритилади. Маълум бўлишича, Алишер болалигида мактабда ўқиб юрган кезлари муаллим Қуръон такроридан чарчоқ сезган болаларга саводи равон бўлсин учун Саъдий Шерозийнинг "Гулистон", "Бўстон" каби насрий ва назмий асарларини берар эди. Менга, дейди шоир, Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр"и кўп ёқди. Бора-бора шу китобдан бош кўтаролмай қолдим. Яширин маънолари сирларига етганда завқим ошгандан ошиб борар эди. Шу китоб мени бемаъни эл суҳбатидан қочиб, узлатга чекиниб олиб ўқишга машғул айлади:

Ким дедим: "Узлат эшигин очқамен,
Даҳри бемаъни элидин қочқамен" (206).

Охири ота-онам бу ҳолатимдан хабар топиб, телбаликка дучор бўлишимдан қўрқди, *китобни қўлимдан олиб, яширди. Лекин улар билмас эдики, мен достонни тўлиқ ёдлаб олган эдим:*

Лек чун ёдимда эрди ул калом,
Ёшурун такрор этар эрдим мудом.

Ондин ўзга сўзга майлим оз эди,
Қуш тили бирла кўнгул ҳамроз эди (207).

Ёши олтмишга қадам қўйганида болаликдан орзуси бўлган шу савоб ишни бошлади. Аттор руҳидан мадад сўради, шайх руҳи имдод берди, иш охирига етиб, тез фурсатда "Лисон ут-тайр" битилди.

"Лисон ут-тайр" сирларини кашф этиш амалда "Мантиқ ут-тайр" сирларини билиб олиш сари ташланган қадам ҳам эканини унутмаслигимиз керак. Муаллифининг ўзи "Лисон ут-тайр"да шундай имкон борлигини қайд этиб кетган.

XX асрнинг 20-йилларида атоқли шарқшунос Евгений Эдуардович Бертельс Навоийнинг тенг ҳуқуқли оҳорий (оригинал) шоир эканини илман исботлаб кўрсатиш учун айнан "Лисон ут-тайр"ни танлагани бежиз эмас. Олим айнан салафига энг яқин тарзда яратилган достон орқали фикрини исботлашни ният қилган. Бироқ бундан қарийб бир аср илгари ёзилган мазкур тадқиқотда муаллифнинг мақсади кўпроқ Аттор ва Фоний асарлари ўртасидаги фарқ-тафовутларни бўрттириб кўрсатишдан иборат бўлиб қолган эди.

Адабиётшуносликнинг эндиги вазифаси эса – бу икки буюк қалам соҳиби достонлари ўртасидаги ялпи вобасталикни очишдан иборат. Ана шунда "Лисон ут-тайр"да форсий-туркий адабиёт, шу асосда эса форсий-туркий тамаддун уйғунлиги(синтези)ни бир ялпи ҳодиса сифатида тўлиқ кўра оламиз. Худди шу мақсад йўлидаги тадқиқотлар давом этаётибди.

Адабиётшунослигимизда "назира" деган атама бор. Унинг "жавобия", "ўхшатма", "татаббуъ" каби маънодошлари ҳам фаол қўлланади. Шунингдек, "сайёр сюжет" деган истилоҳ ҳам мавжуд. Баъзан айни икки тушунча гўё ўзаро маънодош каби ишлатилаверади. Бу – хато. Чунки "сайёр сюжет" тушунчаси билан "назира" атамасини аралаштириб юбормаслик керак. Булар, ҳар қанча бир-бирига яқин тушунчалар бўлгани билан, ўртасида жуда нозик фарқлар ҳам бор. Тадқиқотчи Ғазанфар Алиевнинг "Шарқ халқлари адабиётида Низомий мавзулари ва сюжетлари" китобида келтирилишича, XIII – XX асрлар мобайнида, асосан, форсий ва туркийда, шунингдек, урду, пуштун, курд, арман ва бошқа тилларда Низомий достонлари мавзулари ва сюжетлари асосида нақд 600 асар битилган[1]!

Айнан "Хусрав ва Ширин" мавзуси ва сюжети асосида ҳам кўплаб асарлар яратилган, албатта. Уларнинг ҳаммасини, Низомий достонига назира, деб ҳисоблайвериш – мутлақо хато. Юқорида кўрганимиздек, Низомийнинг "Хусрав ва Ширин"и билан Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин"и, табиийки, бир сайёр сюжет асосида яратилган достонлар ҳисобланади. Аммо "Фарҳод ва Ширин" айнан "Хусрав ва Ширин"га назира эмас. Навоий достони Хусрав Деҳлавийнинг "Ширин ва Хусрав"ига назира тарзида битилган.

Албатта, Хусрав Деҳлавийнинг "Ширин ва Хусрав"и Низомий Ганжавийнинг "Хусрав ва Ширин"ига назира. Демак, Навоийнинг достони, ўртада Деҳлавий достони тургани учун, Низомий достонига билвосита татаббуъ, холос.

Бироқ, ялпи олганда, "Хамса" анъанаси бевосита Низомийдан бошланади. Ўзбек адабиётининг кўп асрлик тарихини ҳам озарбойжонлик бу буюк шоир ижодининг кучли таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг асарлари юртимизда аср-асрлар мобайнида аслиятда – форсийда мутолаа қилиб келинган. Бу бебаҳо ижод намуналарининг кенг халқ оммасига етиб бориши учун уни туркийга, яъни ўзбекчага таржима қилиш ҳам давом этаверган.

XIV асрдаёқ унинг "Хамса"сига кирган "Хусрав ва Ширин" достонини туркийчалаштирган Қутб Хоразмий:

---

[1] Қаранг: А л и е в Г. Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – Москва: Наука, 1985.

Қазонтек қайнаб-уш савдо пишурдум,
Низомий болидин ҳалво пишурдум[1], –

деб ёзади. Демак, Низомийнинг “боли”сиз Қутбнинг ҳалвоси пишмас эди.

Бу асар туркий достончиликдаги катта ҳодиса ҳисобланади. Чунки XI асрда Юсуф Хос Ҳожибнинг худди Фирдавсий “Шоҳнома”сига бир жавобдек битилган “Қутадғу билиг”идан бошланган туркий ёзма достончилик Навоий “Хамса”сигача бўлган жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Айтиш мумкинки, Низомий “Хамса”си ўзбек адабиёти учун Фирдавсий “Шоҳнома”сидан Навоий “Хамса”сигача бўлган саъй-ҳаракатлар даври учун ўзига хос бир кўприк вазифасини ўтади.

XIV аср иккинчи ярми ва XV аср бошларида яшаб, ижод этган Ҳайдар Хоразмий Низомий “Хамса”сидаги “Махзан ул-асрор”ни ўзбекчалаштиришга бел боғлаб, қўлига қалам тутди ва у ҳам, худди Қутб сингари, Низомийдан масаллиқ олиб, ош пиширганини очиқ айтади:

Менки, пишурдум бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдин олиб чошни.

Шайх Низомий дамидин жон топиб,
Маънисидин ёрлиғу бурҳон топиб[2].

Хуллас, назиранинг бир қатъий талаби бор – у муайян бир асарга ўхшатма бўлиши шарт, қандайдир бир сюжетдаги бир неча асарга эмас.

Навоий “Хамса”сидаги 5 достон айнан қайси асарларга назира тарзида ёзилганини шоирнинг ўзига суянган ҳолда юқорироқда қайд этдик. Бироқ ўзбек адабиётшунослигидаги Навоий “Хамса”си достонларини қиёсий ўрганишга бағишланган тадқиқотларда муқоясалар кўпроқ қуйидаги чизиқ бўйича олиб борилган: “Ҳайрат ул-аброр” – Деҳлавий достонига; “Фарҳод ва Ширин” – Низомий достонига; “Лайли ва Мажнун” – асосан, Низомий, қисман, Деҳлавий ва Жомий достонига; “Сабъайи сайёр” – Низомий, Деҳлавий достонларига; “Садди Искандарий” – Низомий, Деҳлавий ва Жомий достонларига қиёсланган.

Бундай тадқиқотлар олиб боришга ҳеч ким қарши эмас. Бир сюжет чизиғидаги бир вазнда битилган ҳар қандай икки асарни қиёсий ўрганиш, ҳатто, типологик таҳлил этиш мумкин ва бу жуда керак ҳам. Лекин бирламчи вазифа асарнинг айнан қайси достонга назира қилинган бўлса, ўшанга қиёслашдан иборат бўлиши лозим. Чунки илм учун шу – бирламчироқ, аҳамиятлироқ, эътиборлироқ.

Бироқ назиранинг ҳам тури – кўп. Бошқача айтганда, “Лисон ут-тайр”нинг назиравийлик хусусияти унинг “Хамса”сига кирган достонлардаги назиравийлик хусусиятидан кескин фарқ қилади.

Мисол учун “Фарҳод ва Ширин”да Навоий салафларини қаттиқ танқид остига олади. Мақсади – янги, уларникига кам ўхшаган, улардан кескин ва ёрқин ажралиб турадиган асар яратиш.

Достоннинг 9-бобида буни исботлайдиган далил – етарли. Шоир ўз олдига муайян, аниқ-тиниқ бир дастур қўяди. Мақсадимиз учун жуда зарур бўлгани боис шу парчани тўлиқ келтирамиз:

---

[1] Уч булбул гулшани. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б. 340.
[2] Ўзбек адабиёти. 5 жилдлик. Ж. 1. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1959. – Б. 203.

Ки чун бу уйда қилғунг нақш дебо,
Керак уй тарҳи доғи бўлса зебо.

Агарчи назми дилкаш тушса масмуъ,
Анинг афсонаси ҳам бўлса матбуъ.

Бурун жам эт неким бўлғай таворих,
Борида иста бу фархунда таърих.

Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай[3].

Демак, асар ёзишни ният қилган муаллиф олдига қуйидаги шартлар қўйиляпти:

а) бир уйга нақш солиш учун, аввало, унинг тарҳи (режаси) ҳам чиройли бўлиши керак;

б) назми қулоққа хуш ёқишидан ташқари, унинг афсонаси (сюжети) таъбга ўтирадиган бўлиши лозим;

в) бунинг учун аввал шу мавзудаги ўтмишда ёзилган асарларни ўрганиб чиқиш зарур;

г) шунда, шоядки, сўз айтувчиларнинг кўзи тушмаган тоза (янги) сўз топилса;

д) чунки шундай нарсани ёзки, тарҳинг (режанг, йўналишинг, *лойиҳанг) тоза бўлсин, халқ уни беандоза (чексиз) майл билан (интилиб, қизиқиб) ўқисин.*

Шоир шундай йўл тутилмаса, нима бўлиши мумкинлиги ҳақидаги саволга бира-тўла жавоб бериб кетишни ҳам унутмаган:

Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ,
Мукаррар айламак сендин не лойиқ?

Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўлеким, эл югурмиштур, югурмак.

Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон кўрди, терди.

Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул – кўп, чаман – кўп[4].

Бу ерда шундай жиддий жиҳат борки, уни эсдан чиқармаслик керак. Бир тилдаги асарга иккинчи тилда жавоб қайтарилдими, бас, энди ундаги оҳорийлик даражаси, сўзсиз-шубҳасиз, ортади. Шу нуқтаи назардан, Навоий “Хамса”си туркийда битилганининг ўзи биланоқ Деҳлавий “Хамса”сидан кўра оҳорийроқ, деган хулосага келиш учун асос бўла олади.

[3] **Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами**. 20 томлик. Т. 8. – **Тошкент**: Фан, 1991. – Б. 44.
[4] Ўша асар. – Б. 165.

Бу хусусият – “Лисон ут-тайр”га ҳам бирдай тегишли. Бироқ, Навоий “Хамса”сидаги достонлардан фарқли ўлароқ, бу асарда назиравийлик хусусияти таржимавийлик хусусияти билан уйғунлашиб кетган. Айнан шунинг учун ҳам шоир достонда:

Мунчаким назм ичра қилдим иштиғол,
Хотиримдин чиқмас эрди бу хаёл, –

Ким бу дафтарға бериб тавфиқ Ҳақ,
Таржума расми била ёзсам варақ (207), –

деб битади. “Бу дафтар” деганда эса Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”и кўзда тутилган, унга шоир қачондир келиб “таржума расми била” жавоб ёзишни бир умр ёдидан чиқармаган.

Навоий ўз “Хамса”си достонларининг бирортаси ҳақида “таржима” атамасини ишлатмаган. Аксинча, кўриб ўтганимиздек, уларда имкон қадар оҳорийлик ҳақида сўз боради. Шу ва шунга ўхшаш эътирозларидан ҳам “Хамса”да халафнинг ўз салафлари билан кучли рақобатга киришгани маълум бўлади.

Бу ҳам – билвосита “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр” ўртасидаги нозик ришталарни аниқлашга хизмат қиладиган бир чизги.

Хуллас, “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр” қиёси бир йўла форсий-туркий шеърият вобасталигини ойдинлаштиришга, шеърият равнақида тасаввуфнинг ўрнини ойдинлаштиришга, Аттор ва Фоний муносабатларини аниқлашга, адабиётлараро уйғунлик (синтез) қонуниятларини белгилашга, назираларнинг турларини аниқлаштиришга, назиравийлик ва таржимавийлик хусусиятларини муайянлаштиришга, “таржима-назира” деган форсий-туркий адабиётлараро ўзига хос ижодий ҳодисанинг ўзига хос жиҳатларини илман таҳлил этишга хизмат қилади.

Бир асарга ёзилган татаббуга нисбатан *“жавобия”, “назира”, “ўхшатма”* атамаларини ишлатса, бўлаверар, эҳтимол. Масалан, Хусрав Деҳлавий “Хамса”сига кирган достонлар Низоий Ганжавий “Хамса”сидаги достонларга татаббу, жавобия, назира ёки ўхшатма. Бироқ Жомий достонлари ҳам Низомий, ҳам Деҳлавий достонларига, Навоий достонлари эса ҳам Низомий, ҳам Деҳлавий, ҳам Жомий достонларига жавобия ёки назира. Чунки уларда назирага назира ёзиш жараёни ҳам бирга кечган.

Кўриниб турибдики, бу иккаласи бир хил жараён ёки айнан ўхшаш ҳодиса эмас. Илмда бир мавзу ва сюжетдаги бир асарга назира билан бир мавзу ва сюжетдаги икки ёки уч асарга назира ўртасида муаяйн тафовутлар борлиги кўрсатиб берилиши лозим.

Бунинг устига устак, Навоийда ўзга тил масаласи ҳам ўртага тушади. Бир асарга ўша тилда назира айтиш – бошқа масала, бир асарга ўзга тилда назира айтиш – бутунлай бошқа масала.

Навоийнинг “Хамса”сидаги достонларда халафнинг салафга муносабати замирида, гарчи лирик қаҳрамон бу салафлар руҳи халафни қўллагани, яъни улардан мадад олганини қайд этиб ўтган бўлса-да, асосан, устоз-шогирдлик тарзида акс этган. Аммо “Лисон ут-тайр”да халафнинг салафга муносабати замирида бевосита пир-муридлик ҳам ётади.

“Лисон ут-тайр”нинг *“Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулиға еткони”* 169-боби (199 – 200) билан “Мантиқ ут-тайр” билан боғлиқ асосий сюжет якун топади. Яъни қушлар мақ-

садга – бақо васлига эришади.

Аммо шундан кейин Навоий гўё янги бир достон бошлайди. Яъни асарнинг охирги 24 боби (170 – 193-боблари) – тўлиқ лирик қисм[1].

"Ўз адоси қусури узриға тамсил" (170-боб, 190 – 191), *"Ҳикоят"* (171-боб, 191 – 192), "Ўз тақсириға афв истидъоси ва журмлариға гуфрон илтимоси" (172-боб,192 – 193), *"Шайх авсофию ўзининг анга пайравлиғда иттисофи"* (173-боб, 193 – 195), *"Ўзининг шайх руҳи мададидин анга татаббуъ Қақнус тимсоли"* (174-боб, 195 – 197) бобларидан кейинги 14 боб лирик қаҳрамоннинг, худди қушлар каби, руҳан ана ўша 7 водийни босиб ўтиш илинжида битилган. Кетма-кет 7 та муножот (*"Талаб тариқи ад*осида муножот", 175-боб, 197; *"Ишқ тариқи адосида муножот",* 177-боб, 198 – 199; *"Маърифат тариқ*и адосида муножот", 179-боб, 199 –200; *"Истиғно тариқи адосида муножот",* 181-боб, 200 – 201; *"Ҳайрат тариқи адосида муножот",* 183-боб, 202; *"Тавҳид тариқи адосида муножот",* 185-боб, 203; *"Фано тариқи адосида муножот",* 187-боб, 204 – 205) битилади. Ҳар бирида лирик қаҳрамон Аллоҳ таолодан ана шу водийдан ўтказишни илтижо қилади. Бу бобларнинг ҳар бирига биттадан ҳикоят келтирилади. Уларнинг 6 тасига шоир *"Ҳикоят"* деб эмас, балки *"Тамсил"* деб сарлавҳа қўяди. Фақат *"Ишқ тариқи адосида муножот"* бобига иллюстрация бўлиб келган 178-бобда келтирилган воқеа *"Ҳикоят"* сарлавҳаси билан берилган (199). Бизнингча, бунда шоир адашган. Асар мантиғи бунинг ҳам *"Тамсил"* деб номланишини тақозо этиб турибди. Бу *"Тамсил"*лар 176(198)-, 178(199)-, 180(200)-, 182(201)-, 184(202 – 203)-, 186(203 – 204)- ва 188(205)-боблар тарзида берилган.

Достоннинг булардан олдинги боблари лирик чекинишлари мазмун-моҳиятида ҳам муножот руҳи – устувор.

Навоий "Хамса"сининг ҳеч бир достонида лирик қаҳрамоннинг ўз кўнглини изҳор қилиши "Лисон ут-тайр"даги миқёсда эмас. Бу жиҳатдан фақат "Ҳайрат ул-аброр"гина "Лисон ут-айр"га нисбатан яқин келади. Чунки унда ҳам алоҳида муножотнома боблар ва бошқа боблардаги лирик чекинишларда Аллоҳ таолога илтижолар – кўп.

Шуларга асосланиб, *"Лисон ут-тайр" – муножотнома,* деб ҳисоблай оламиз.

[1] Амалда лирик чекиниш ана шу 169-бобнинг охирги 6 байтида бошланган эди, бу парчани биз муаллифнинг Атторга муносабати баҳонасида келтирдик (Қаранг: ушбу монографиямиз. – Б. 232).

ТЎРТИНЧИ БОБ

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” – МЕЪРОЖНОМА

Шайх Фаридиддин Аттор – Шарқнинг машҳур сўфий шоири. Милодий 1149 йили туғилиб, 1258 йили мўғул лашкари қўлида шаҳид бўлган. Унинг “Мантиқ ут-тайр” достони умумтасаввуф адабиётида алоҳида ўрин тутади.

Алишер Фоний (Навоий) шу достонга жавобия (назира, татаббуъ, ўхшатма) тарзида битилган “Лисон ут-тайр”ида салафининг “Мусибатнома”, “Илоҳийнома”, “Уштурнома”, “Тазкират” (“Тазкират ул-авлиё”) асарлари, қасида, ғазал, рубоийларини таърифлаб келиб: *“Буларнинг ҳаммаси – бир тараф-у, “Мантиқ ут-тайр”нинг ўзи – бир тараф”,* – дейди:

Бир тараф бориға ойину шараф,
“Мантиқ ут-тайр”иға ойин – бир тараф (19) .

Атторнинг ўзи “Хусравнома” достонида “Мантиқ ут-тайр”ни *“Мақомоти таюр”,* яъни *“Қушлар мақом*лари” номи билан эслаб ўтади:

“Мақомоти таюр” аммо чунон аст, –
Ки мурғи ишқро меъроҷи ҷон аст[1].

Мазмуни: *“*Бизнинг *“Қушлар мақомоти”* (асар)имиз (*“*Мантиқ ут-тайр*”*имиз) шундайки (унда) ишқ қуши жон меърожи (ҳисобланади)*”.*

Шу биргина байт ҳам киши кўнглида бир неча савол туғдиради.

“Мантиқ ут-тайр” амалда *“қушлар нутқи”* деган маънони беради. Атторнинг ўзи уни *“Мақомоти таюр”,* яъни *“Қушлар мақом*лари” дея иккинчи ном билан тилга олаётган бўлса, бу достонда қушларнинг қандай мақомлари ҳақида сўз боради?

“Ишқ қуши” – нима?

“Меърож”-чи?

Нега ишқ айнан *“жон меърожи”* дейиляпти?

То масала ана шундай муайян ва аниқ қилиб қўйилмас экан, мумтоз шеъриятимиз намуналари туб моҳиятига етиб бўлмайди.

“Мантиқ ут-тайр”и моҳиятига етиш эса “Лисон ут-тайр”ни тушуниш сари йўл очади.

Воқеасигагина қаралса, “Лисон ут-тайр” – қушлар ҳақидаги достон. Аслида эса асарда қушлар – бир восита, холос. Мақсад шу орқали соликлар, яъни руҳини ҳадди аълосига етказиб, равнақ топтиришга бел боғлаган сўфийлар, яъни Аллоҳга ошиқлар сиймоларини яратиш эди. Руҳи Аллоҳга етган киши эса комил ҳисобланади. Қушларнинг шоҳ қуш – Симурғни топишга интилиши моҳиятан соликларнинг комил инсонлик даражаси сари ҳаракатини англатади.

Тасаввуфдан ажратиб олиб қаралганда ҳам, комил инсон масаласи – бағоят аҳамият-

[1] Фаридуддин А т т о р. Хусравнома. – Душанбе: Ирфон, 1990. – С. 43.

ли ғоя. Чунки бадиий адабиёт талқинида у, ўз-ўзидан, фақат хос, яъни алоҳида кишилар машғулоти бўлмиш тасаввуфнинг тор чегараларидан чиқиб, кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади ва шу тариқа умуминсоний бир орзу янглиғ жаранглайди.

Шу маънода "Лисон ут-тайр" фақат бир гуруҳ кишиларгагина тасаввуфдан таълим берадиган дастур эмас. Балки у – инсонни ҳамиша эзгуликларнигина мақсад қилиб яшашга, умрни бир пок ва буюк орзу сари интилиш билан ўткаришга, Аллоҳ, бутун дунё, демакки, инсоннинг ҳам асл моҳиятини англаш учун тинимсиз ҳаракат қилишга чорловчи бир буюк бадиий асар.

Лекин достон қаҳрамонларининг қушлар экани Навоийнинг иродаси билангина ҳал қилинган масала эмас, албатта.

Хўш, Фаридиддин Аттор нега Аллоҳ васлига етиш йўлларини айнан қушлар тимсолида кўрсатган?

Айни саволга ҳам даб-дурустдан жавоб бериш – мушкул. Бунинг учун аввал: "Нега мусулмон Шарқи достоннавислиги анъанасида Аллоҳ ҳамди, пайғамбар *(с. а. в.)* наъти, унинг таркибида, албатта, Муҳаммад *(с. а. в.)* меърожи таърифи берилади?" – деган мантиқий масалани ўртага қўйишга тўғри келади. Айтайлик, Навоийнинг мавжуд олти достонида ҳам меърожга бағишланган махсус боб бор: "Ҳайрат ул-аброр"нинг ўн биринчи, "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъайи сайёр", "Садди Искандарий" ва "Лисон ут-тайр" достонларининг тўртинчи бобларида бевосита меърож таърифланади.

Ахир, меърож – пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг мўъжизаларидан биригина, холос-ку. Манбаларда Муҳаммад(с. а. в.)нинг 133 мўъжизаси саналади. Бироқ нима учун сўфий шоирлар мўъжизалар ичидан айнан меърожга айрича эътибор билан қарайди? Меърож – ўзи нима? У – қандай мўъжиза?

Ҳатто, шўро даврида ҳам келажакни олдиндан кўра билган ҳолда собитлик қилиб, исломшунослик билан шуғулланган Алихонтўра Соғунийнинг "Тарихи Муҳаммадий" асарида бу саволларга осон тушуниладиган жавоблар топамиз. Китобда "Меърож воқеаси" деган махсус фасл бор. Унда меърожнинг қандай содир бўлгани батафсил сўзланади. Ана шу тафсилотларга таянган ҳолда меърожни қисқача тасвирлаб ўтиш мумкин.

Айтиш зарур бўлган биринчи гап шуки, исломда ҳар бир воқеа-ҳодиса ҳужжат, яъни исботу далил талаб қилади. Муқаддас динимиздаги биринчи асос – Қуръони карим, иккинчиси – ҳадислар. Меърож ҳақида Қуръоннинг: "Субҳон ал-азнал масжид ил-Ҳароми ил-алмасжид ил-Ақсо *а*л-лазий боракна хавлаҳу, линурияҳу миноётино, иннаҳу ҳувассами ул-басир", – деган оятида далолат қилинади. Бунинг маъносини Алихонтўра шундай баён этади: "Ариғ зотлик (яъни тоза) ул Худоким, масжиди Ҳаромдин қули Муҳаммадни кечалаб хайру барака билан ўралган масжиди Ақсога элтди. Бу элтишда улуғ қудратимизнинг аломатларини унга кўрсатамиз"[2].

Бу оятда пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг Маккадаги масжиди Ҳаромдан Қуддусдаги масжиди Асқога жаннатдан туширилган Буроқ деган учар отда Жаброил (а.) етагида боргани баён этилган. Буроқ шунчалар тез учар эдики, у кўзи етган ергача жойни бир қадам қилар эди. Масжиди Асқода Муҳаммад (с. а. в.) ўзидан олдин ўтган пайғамбар(а.)ларни кўрди, барчалари Муҳаммад (с. а. в.) имомлигида икки ракъат намоз ўқиди. Кейин яна ўша Буроққа миниб, Жаброил (а.) етагида осмонга – Аллоҳ ҳузурига томон парвоз қилди.

[2] Алихонтўра Соғунийй. Тарихи Муҳаммадий. Китоб 1. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 50.

Бу парвоз бадиий адабиётда тез-тез турли сабаблар билан, баъзан, бир ташбиҳ янглиғ тилга олинади. Масалан, Навоий "Садди Искандарий"да Искандарнинг Кашмир қалъасини бузганидан кейин шаҳар қўрғони сари юришини пайғамбар(с. а. в.)нинг чархи гардон, яъни айланиб турувчи фалак сари парвозига ўхшатади:

Деди: "Айлагай азм қўрғон сари,
Нечукким, наби – чархи гардон сари"[1].

Лекин бу ҳали меърожнинг адабиётдаги тўлиқ тасвири эмас.

Пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг Маккадан Қуддусга етиб боргани – "исро" ва Қуддусдан Аллоҳ ҳузурига парвози – "меърож" дейилади. Шунинг учун ҳам Қуръони каримнинг исро ва меърож мўъжизаси ҳақида сўз борадиган сураси "Ал-Исро" деб аталади. Бу сура: "(Аллоҳ) бир кеча, ўз бандаси(Муҳаммад)ни – унга оят ва мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Қуддусдаги) Биз атрофини барокотли қилиб қўйган масжид ал-Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсондан) пок зотдир. Дарҳақиқат, эшитувчи, кўрувчи зотдир"[2], – деган оят билан бошланади.

Биласиз, осмон – қават-қават. Меърож кечаси пайғамбаримиз (с. а. в.) ана шу қаватлардан учиб ўтди.

Биринчи қават осмонда Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) Одам(а.)га дуч келди.

Иккинчи қават осмонда эса Исо (а.) ва Яҳё (а.)га учради.

Учинчи қават осмонда Юсуф (а.) макон тутган эди.

Тўртинчи қават ҳазрати Идрис(а.)нинг мақоми эди.

Бешинчи қаватда Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) Ҳорун (а.) билан юзлашди.

Олтинчи қаватда пайғамбаримиз (с. а. в.) Мусо (а.) дийдорига мушарраф бўлди.

Еттинчи қаватда Муҳаммад улуғ бобоси бўлмиш ҳазрати Иброҳим(а.)ни кўрди[3].

Ана энди бир нозик масала юзага чиқади. Ана шу еттинчи қаватда гап –кўп. Чунки, Алихонтўранинг ёзишича, Иброҳим пайғамбар (а.) Муҳаммад(с. а. в.)га: "Эй азиз фарзандим, на яхши келдинг! Қандоқ улуғ мақомларга етдинг!"[4] – деди. Давомидан ўқиймиз: "Пайғамбаримиз кўрдиларким, Иброҳим Халилуллоҳ осмон фаришталарининг Каъбаси – "Байт ул-Маъмур"га суяниб ўтирибдилар. "Байт ул-Маъмур" биноси Каъба тўғрисидаги бир уйдирким, унинг ҳақиқатини Аллоҳ билур. Ер устида Каъбани тавоф[5] қилганларидек, осмонда фаришталар ани тавоф қилурлар. Ул уй яратилгандин бери, пайғамбаримизнинг айтишларича, ҳар куни етмиш минг фаришта тавоф қилиб кетгайлар. Аларнинг кўплигидан бир қатим[6] тавоф қилганлари иккинчи келишига қиёматгача навбат топа олмайдилар"[7].

Байт ул-Маъмур – Каъба – Иброҳим пайғамбар (а)...

Бу учаласи – бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Меърож кечаси пайғамбаримиз (с. а. в.), мана, еттинчи осмонда Иброҳим(а.)ни худди шу Маккадаги Каъбанинг тўппа-тўғрисида жойлашган "Байт ул-Маъмур"га суяниб ўтирган ҳолда учратибди. Маккадаги Каъба – ана шу еттинчи осмондаги асл Каъбанинг нусхаси.

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 11. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 248.
[2] Қуръони карим / Шарқ юлдузи, 1992 йил. № 8 – 9. – 18-оят.
[3] Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қиссаси. Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 146 – 147.
[4] Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Китоб 1. – Б. 51.
[5] Нашрда "тавоб" деб ёзилган, биз тузатиб кўчирдик.
[6] Қадим – марта, карра, бора.
[7] Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Китоб 1. – Б. Ўша.

“Тарихи Муҳаммадий”да “Байтуллоҳнинг дастлабки биноси”да деган фасл ҳам мавжуд. Унда ёзилишича, ҳақиқий Каъба осмонда бўлган. У ерда фаришталар ибодат қилишган. “Байт ул-Маъмур” – ана ўша фаришталар ибодат қиладиган муқаддас жойнинг ўзгинаси.

Хўш, Маккадаги Каъба қачон, нега ва қандай дунёга келди?

Бу саволга жавобни ҳам Алихонтўра Соғуний китобидан топамиз. Ана ўша “Байтуллоҳнинг дастлабки биноси” фаслида битилишича, инсон насли яратилмасидан илгари Ер юзи Бани Жон наслига макон эди. Иблис, яъни Шайтон ҳам ана шулардан эди. Бу тоифа Ер устида кўп гуноҳу фисқу фасод қилди. Охири Аллоҳ уларни ҳалок этиш учун тўртинчи қават осмон фаришталарини юборди. Фаришталар Ерга тушди. Лекин уларга маконларига қайтиш учун рухсат бўлмади. Шунинг учун улар бир фурсат Ер юзида қолди. Шунда фаришталар Аллоҳга Ер юзида ўз маконларида бўлган қизил ёқутдан ясалган Байт ул-Маъмур каби ибодат биноси ясашни илтижо қилишди. Бу дуолар ижобат бўлиб, Аллоҳ таоло худди ўша Байт ул-маъмурнинг тўппа-тўғрисида Каъбатуллоҳни бино қилди. Каъбани “Аллоҳнинг уйи” дейиш – шундан. Фаришталарга энди ана шу Каъбани тавоф қилиш буюрилди. Каъба зиёрати шундан бошланган.

Каъбанинг биринчи биноси – шу.

Иккинчи биноси эса, Одам *(а.)* тарафидан қурилди, деб ривоят қилинади.

Учинчи бор уни Одам(а.)нинг ўғиллари қурди.

Тўртинчи карра Иброҳим (а.) қурдиргани Қуръонда очиқ айтилган.

Бешинчи марта уни Амолиқа, Жамҳум араблари бунёд этди.

Еттинчи дафъа Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг бешинчи бобоси бўлмиш Қусай ибн Қилоб қурдирган.

Саккизинчи бор эса Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) ўттиз беш ёшда бўлганлари вақтида (у зоти шарифга қирқ ёшларидан ваҳй кела бошлаган) Қурайш қабиласи вакиллари қурди.

Бу ерда шуни қайд этиб ўтиш керакки, Алихонтўра Соғуний китобида бир чалкашлик ҳам бор. Асарнинг “Каъбатуллоҳнинг дастлабки биноси” фаслида Байт ул-Маъмурнинг тўртинчи осмонда экани ҳақида маълумот берилади[8]. Лекин “Меърож воқеаси” фаслида унинг еттинчи қаватда бўлгани қайд этилади. Биз учун муҳим жойи – ана шу Байт ул-Маъмурнинг тўртинчи эмас, балки айнан еттинчи осмонда бўлиши. Иброҳим(а.)нинг еттинчи қаватда Байт ул-Маъмурга суяниб ўтириши – янада аҳамиятлироқ. Чунки ислом аҳли ана шу Иброҳим(а.)ни ўзига асл ота деб билади.

Шунча маълумотларни кўриб ўтганимиздан кейин “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр”га қайтайлик. Бу достонларда қушлар шоҳ Симурғни топиш учун айнан етти водийдан учиб ўтишади.

Лекин осмон етти қаватгина эмас!

Тўққиз осмон борлигини Навоий кўп ёзган. Масалан, “Садди Искандарий”да шундай байт бор:

Тўқуз гунбад ул навъ чекдинг баланд, –
Ки ваҳм анда руст айлай олмас каманд[9].

Шундан кейинги байтларда бу тўққиз фалакнинг бир-бирига узван вобасталикда ҳаракат қилиши ҳақида сўз боради.

---

[8] Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Китоб 1. – Б. Ўша.

[9] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 11. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 9.

Хуллас, меърож – пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг арши аълога парвозлари. XIV аср адиби Носириддин Бурҳониддин Рабғузий "Қисаси Рабғузий"да: *"Расул алайҳиссаломни меърожга элтмак фаришталарни кўргузмак тақи*[1] *пайғамбаримизни кўргузмак эрди"*[2], – деб ёзади. Шу асарда яна ўқиймиз: *"Маккадин Байт ул-муқаддасға, андин уфқи аълоға, уфқи аълодин Сидрат ул-мунтаҳоға, Сидрат ул-мунтаҳодин қоби қовсайнға. Қоби қовсайндин уёғ ҳолинда жони сирри бирла тун ичинда яна келтурдилар. Тақи ўрун тўшаги совумайин иссиғ эрди"*[3].

Пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг бу парвози Буроқ лақабли учар от воситасида амалга ошганини, унга фаришта Жаброил (а.) ҳамроҳлик қилганини айтиб ўтган эдик. Лекин Буроқ билан Жаброил (а.) ҳамроҳлиги ҳам фақат етти водийга етгунга қадар юз берадики, бу ҳақда яна сўз юритамиз.

Масала ойдинлаша бошлади: "Мантиқ ут-тайр" билан "Лисон ут-тайр"да воқеалар қушлар тимсолида кўрсатилгани бежиз эмас. Демак, Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг арши аъло сари парвози билан қушлар сайри ўртасида табиий вобасталик – мавжуд. Ахир, қушлар осмон жониворлари ҳисобланади ва улар ҳам уча олади-да.

Навоий "Хамса"сининг дастлабки тўрт достони меърожномалари насрий сарлавҳаларида қушлар билан боғлиқ ишоралар йўқ. Лекин "Садди Искандарий" меърожномаси насрий сарлавҳаси: *"Ул ҳумойи баландпарвоз таяронинг суръати таърифидаким..."*[4], – сўзлари билан бошланади. Бу: *"У баланд парвоз этадиган ҳумой қушининг учиш суръати таърифидаким..."* – дегани. *"Баланд парвоз этадиган ҳумой қуши"* дейилганда эса Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) кўзда тутилган.

*"Лисон ут-тайр"*нинг меърожнома боби насрий сарлавҳасида тасвир тамоман қушлар билан боғлиқ истиоралар воситасида кечади: *"Ул рисолат қофи анқосининг баландпарвозлиғи ва Маҳбуби ҳақиқий васлиға етиб, қуш тили била такаллум ва ҳамрозлиғи"* (16).

Бунда пайғамбар (с. а. в.) *"рисолат қофи анқоси"* деган истиора билан таърифланадики, у *"пайғамбар(а.)лар тоғининг анқо қуши"* деган маънони беради. Қоф – энг узоқ ва энг баланд афсонавий тоғ. Анқо – ана шу Қоф тоғида яшайди, деб қараладиган ўта ноёб афсонавий қуш. Топилмас нарсаларга *"анқонинг уруғи"* деган ибора қўлланиши ҳам – шундан. *"Баланд парвозлиғи"* сўзлари ўз маъносида ишлатилган. Унда Расулуллоҳ(с. а. в.)нинг меърож кечасида баланд осмонда учиши, *"Маҳбуби ҳақиқий"* дейилганда эса Аллоҳ таоло кўзда тутилган. Бу сарлавҳада, энг муҳими, Муҳаммад(с. а. в.)нинг ана шу ҳақиқий маҳбуб васлига етгани қайд этиляпти. Чунки меърож тасаввуфий адабиётда ошиқнинг маъшуққа етиши янглиғ таърифланади.

Масалан, "Қисаси Рабғузий"да қуйидаги қизиқ савол-жавоб келтирилади:

"САВОЛ: Муҳаммадни меърожға ошурмоқда ҳикмат не эрди? Эшитгил, тун-*ла* элтти, кундуз элтмади. Ҳикмат не эрди?

ЖАВОБ бу турур: Кундуз элтса, тамом халқ кўргай эрди. Тун-ла элтти, мувофиқдин ва мунофиқдин ва сиддиқдин ва зиндиқдин белгулук бўлсун теб. Тақи дўст дўстға, ошиқ маъшуққа, маҳбуб маҳбубға тун-ла қовушур бўлур"[5].

Хўш, ошиқ, яъни Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг маъшуқ, яъни Аллоҳ таолога явуқлашуви қай даражада бўлган?

---

[1] Тақи – тағин, яна.
[2] Носируддин Бурҳониддин Р а б ғ у з и й. Қиссаси. Рабғузий. 2-китоб. – Б. 148.
[3] Ўша нашр. – Б. 161.
[4] Алишер *Н* а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 11. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 24.
[5] Носируддин Бурҳониддин Р а б ғ у з и й. Қиссаси Рабғузий. 2-китоб. – Б. 161.

Умумий қилиб айтганда, пайғамбаримиз (с. а. в.) Аллоҳга энг юқори даражада, яъни бошқа ҳеч бир хилқатга насиб этмаган мақомда яқинлашдики, бундай имконият, ҳатто, бирон-бир фаришта ҳам берилган эмас. Яна "Қисаси Рабғузий" ёрдамга келади: *"Қачон Сидрат ул-Мунтаҳоға тегдилар эрса, Жаброил турди*[6]*.* Расул алайҳиссалом Жаброилнинг илкин тутуб, илгару тортди. Андоғ ҳайбатлиғ, *азаматлиғ* Жаброил Мавло таоло ҳайбатинда ёй киришитек инчкалди. Айди: *"Ё* Расулуллоҳ, ма манна илла лаҳу мақомун ўта кечак ўт келиб, бизни куйдурур*"*, – теди. Расул алайҳиссалом айди: *"*Жаброил, Муҳаммадни ошдурғучи сен эрсанг, мундин устун нега элтмассен?*"* Жаброилни анда қўйди, ўзи подшоҳлар менгизлик кувану боруб, Аршға ошти. Андин ўта кечти. Етти қат кўк фаришталари ани кўруб, тонглаштилар. Айдилар: *"*Илоҳий, бу ким турур? Мундоғ ёлғузун истохлиқ бирла бору турур. Аршни кўзга илмас, курсига боқмас. Ужмоҳни, тамуғни сақишға олмас. Бу ким турур?*"* Яратқан Изимиздин[7] ёрлиғ келди: *"*Эй менинг фаришталарим, бу ул турурким, қачон манинг ариғ отим эшитсангиз*: "*Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳи*"*, – теб, сўнгунча анинг оти турур. Аршдин, курсидин кечти. Ҳижоблардин ўта чиқди, ҳижоблар кўрди. Ул мақомға тегдиким, Мавло таоло ёрлиқлар: *"*Фа каана қоба қавсайни ав адна*". Яъни икки ёй андозасинча тиклик Мавлонинг азамати ва далолати*га ёвушти, андин устун мақом йўқ. Набийи мурсал малики муқарраб тегмас ерга тегди. Аммо Мавло таолоға зот соридин ёвушти, темак раво бўлмас, куфр бўлур. Ким Ҳақ таолони юқори-қуйи, остин-устун, илгару-ортғару бирла ёд қилса, кофир бўлур. Наъузу биллаҳи мин залик*"*[8]*.*

Бу жумлаларда пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг Аллоҳ васлига етгани тасвирланади. Тасаввуфни айнан ана шу васл қизиқтиради. Тасаввуф адабиётида бир умр худди шундай васлни орзулаган инсон куйланади. Демак, сўфийнинг улуғ нияти – ана шу Муҳаммад пайғамбарга тирикликда насиб этган улуғ васлга етишиш.

Навоий "Хазойин ул-маоний"идаги 3-девон бўлмиш "Бадоеъ ул-васат"нинг 650-ғазалида парвона бевосита Жаброил(а.)га ўхшатилади ва тўғридан-тўғри унинг васлдан хушхабар олиб келиши орзу қилинади:

Дема "парвона", де "Жибрил", агар бир ғам туни ногаҳ,
Кишига берса бир шамъи шабистон васли пайғоми[9]*.*

Бу байтда зимдан меърож кўзда тутилаётгани кўриниб турибди.

Хўш, оддий мусулмон банда Муҳаммад (с. а. в.) етган буюк мақомни орзулаш билан пайғамбарлик даъво қилган бўлмайдими?

Йўқ. Чунки буюк муҳаддис – Ҳаким Термизий нақл этганидек: "Солиҳ мўминларда нубувват (пайғамбарлик) шони бордир. Нишони бордир. Нечукким, пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат этар: "Ким Қуръонни ўқиса, буйруғини тутса, пайғамбарлик унинг икки қоши орасида тебранур*"* ва яна айтмишлар: "Яхши туш пайғамбарликнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидур*". Зеро Расулуллоҳ саллал*лоҳу алайҳи ва саллам жанобимиз пайғамбарлик муддатини олган йигирма уч йилнинг олти ойида илоҳий амрларни

[6] Турди – *"тўхтади"* маъносида.
[7] Изи – Эга (Худо).
[8] Носируддин Бурҳониддин Р а б ғ у з и й. Қиссаси Рабғузий. 2-китоб. – Б. 151.
[9] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 5. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 450.

туш орқали қабул қилиб олганларини айтганлар. Олти ой эса йигирма уч йилнинг қирқ олти жузъидан бир жузъидир"[1].

Ана шу исломий тушунчалардан бехабар ҳолда ўқий бошласак, мумтоз шеъриятимиздаги кўп тасвирлар туб моҳиятига тўлиқ ета олмаймиз. Масалан, Мавлоно Лутфийнинг Саййид Ҳасан Ардашер жуда хуш кўрган[2] бир матласи бор:

Лайлат ул-меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,
Қоба қавсайн идтиҳоди қоши меҳробиндадур[3].

Бунда ёрнинг сочи жингаласида меърож кечасининг шарҳи ва икки ёй яқинлигича қовушиш мавжудлиги айтиляпти.

Умуман, сўфийларнинг Аллоҳга руҳан яқинлашувини парвоз янглиғ таърифлаш Навоийдан олдинги форсий шеъриятда ҳам, туркий шеъриятда ҳам етарлича мавжуд эди. Масалан, Аҳмад Яссавийнинг:

Пири муғон хизматида югруб юрдум,
Хизмат қилиб, кўзим юммай ҳозир турдим.
Мадад қилди, Азозилни қовлаб сурдим,
Андин сўнгра қанот қоқиб, учдим мано[4], –

деган сатрларида келган "қанот қоқиб учдим мано" сўзларида айнан ана шу меърожга тақлидан Ҳаққа сари интилиш кўзда тутилган. Ёки Аҳмад Яссавийнинг ҳам тариқатдаю ҳам шеъриятдаги бевосита издоши – Сулаймон Боқирғонийнинг бир ҳикматида Аллоҳ номидан "зокир қуллар", яъни зикр тушувчи сўфийлар учун, худди Муҳаммад(с. а. в.)га насиб этгани каби, сонсиз Бурок оти ҳозирлангани айтиладики, бу сўфийларнинг меърожга ўхшаш васлни орзулашини ёркин акс эттириб турибди:

Фармон келгай: "Ё Муҳаммад, мингил Бурок,
Ҳабибимсан, мандин санга йўқ ул фирок.

Адн ичра яратдим ман сонсиз Бурок,
Зикр айғон зокир қуллар учсун тею"[5].

Ана шу талқинларга асосланиб ҳам айтиш мумкинки, зоҳидлар жаннат тиласа, сўфийлар меърож истайди. Бу ерда мақсадлар ўртасида кескин фарқ бор. Навоий шеърлари лирик қаҳрамонининг зоҳид тимсолига зид фикр-ғояларни илгари суриши ҳам – шундан. Чунки, "Ғаройиб ус-сиғар" девони 40-ғазалида айтилганидек, ҳар ким ўзига керакли нарсани орзу қилади:

Тиласа равзани зоҳид, Навоию кўюнг, –
Ки ҳар киши истарки, бор анга марғуб[6].

---

[1] Фаридиддин А т т о р. Тазкират ул-авлиё. Туркча таржимадан ўзбек туркчасига Мирзо Кенжабек уйғунлаштирган / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993 йил, 18 июнь.
[2] Бу ҳақда қаранг: Алишер Н а в о и й. Асарлар. 15 томлик. Т. 14. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 78.
[3] Л у т ф и й. Девон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 26.
[4] Аҳмад Я с с а в и й. Ҳикматлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. – Б. 45.
[5] Сулаймон Б о қ и р ғ о н и й. Боқирғон китоби. Шеърлар ва достон. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 23.
6 Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 56.

Бу таҳлиллар орқали тасаввуфий достонларда нега махсус меърожнома боблар битилиши ҳам, нима учун “Мантиқ ут-тайр”у “Лисон ут-тайр”да воқеа учиш имкони бўлган қушлар тимсолида кўрсатилгани ҳам бир оз ойдинлашгандек бўлди. Биринчидан, бу дунёда фақат ва фақат бир кишигагина – Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)гагина бўлса ҳам, тириклайин васл насиб этибдими, бас, сўфий ҳам шуни орзулаши мумкин. Иккинчидан, бу васлга Расулуллоҳ (с. а. в.) парвоз орқали эришди, шунинг учун ҳам учиш Аллоҳга ишқнинг йўли янглиғ кўп қаламга олинади. Бунда руҳнинг кўтарилиши кўзда тутилади, албатта.

“Наводир уш-шабоб”нинг 40-ғазалида шоир лирик қаҳрамони Навоийни кўзи боғлиқ қушга ўхшатади. Бу билан у ўзининг бу дунёга боғланмаганлигига ишора қилади ва айни чаман, яъни мавжуд оламда учишнинг унга насиб этишини Аллоҳдан сўрайдики, мазкур парвознинг таг-заминида ҳам Тангри васли сари интилиш ётади:

Чун Навоий кўзи боғлиқ қуш эрур олам аро,
Бу чамандин анга учмоғни насиб эт, ё Раб[7].

Шу девоннинг 650-ғазалида эса мана бу байт – мавжуд:

Ҳавойи ишқида кўнглумда ҳуш қолмадики,
Бу телба қушнинг эрур ул ҳавода парвози[8].

*“*Телба қуш*”* деганда Навоий кўнгилни кўзда тутаётгани, кўнгил эса ёр истаётгани, Аллоҳга интилаётгани – аниқ. “Бадоеъ ул-васат”нинг 3-ғазалида шоир васлга интилиб учган қушларнинг барчаси ҳам орзусига эришавермагани, лекин сидқидилдан парвоз этганлари, албатта, етгани ҳақида сўзлайдики, бу “Мантиқ ут-тайр” воқеалари асосида айтилгани кўриниб турибди:

Гулшани васлингга ҳар қушки ҳаво кўргузди,
Етмади, лек агар етти қилиб эрди ҳаво[9].

Бу байтдаги *“*етти*”* сўзи бира-тўла икки маънода келган: биринчиси – *“етишди”, “етиб борди”,* иккинчиси – рақам маъносидаги *“*етти*”.* Шундан келиб чиқадики, учган ҳар қуш васлингга етмади, агар етти *(*водийни*)* учиб ўтган бўлса, у васлга етди, дейилмоқчи.

Навоий “Садди Искандарий”да ёзганидек, Шарқ нужумиётида юлдузлар ҳам еттига тақсим қилинади, қадим жўғрофия Ер юзини ҳам етти иқлимга бўлади:

Кавобгаким, етти тақсим эрур,
Жаҳон мулки ҳам етти иқлим эрур[10].

“Мантиқ ут-тайр” билан “Лисон ут-тайр”да масала қушларнинг парвози орқали талқин этилиши бекорга эмас. Эътиборли жойи шундаки, пайғамбар (с. а. в.) ана шу дастлабки етти осмонга Бурок ва Жаброил (а.) кўмагида парвоз қилади. Аммо зот ул-буруж – саккизинчи

[7] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 34.
[8] Ўша нашр. – Б. 469.
[9] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 5. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 9.
[10] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 11. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 237.

осмон кўринганда Бурок билан Жаброил (а.), худди қушдан икки пар тушиб кетгандек, қолади. Чунки бундан бу ёғига уларга рухсат йўқ. Ҳолбуки, яна икки осмон мавжуд. Саккизинчи осмондан кейин тўққизинчи фалак – аршу курси келади. Бу ёғига Муҳаммад (с. а. в.), "Қисаси Рабғузий"дан келтирилган парчада айтилганидек, Рафраф ёрдамида яккаю ёлғиз сайр этади.

Бироқ меърож йўлидаги ана шу етти фалакда гап – кўп. Ундан у ёғи –Ҳаққа яқинликка, яъни қурбга етишган Муҳаммад(с. а. в.)гагина насиб этадиган даража. Навоий шеъриятида бу воқеа қайта-қайта қаламга олинганини кўрамиз. Масалан, "Наводир уш-шабоб" девонининг 242-ғазалида шундай байтни ўқиймиз:

Чу қурб қофиға еттинг, етишмади Жибрил,
Не навъ Ҳудҳуд Симурғ ила бўлур йўлдош[1].

Бу ерда бевосита "Мантиқ ут-тайр"га алоқадорлик бор. Чунки байтда айнан меърож кўзда тутилаётганидан ташқари, Ҳудҳуд ва Симурғ ҳам тилга олиняпти. Ҳудҳуд – биламизки, "Мантиқ ут-тайр"да қушларни Симурғ сари етаклаган раҳнамо қуш. Аттор асарида у мажозан пир рамзи бўлиб келган. Симурғ бу достонда Аллоҳ таоло тимсоли янглиғ талқин этилади. Келтирилган байтдаги Ҳудҳуд Жаброил(а.)га қиёсланган. Ҳудҳуд эса – "Мантиқ ут-тайр"да пир рамзи. Демак, пир сўфийни еттинчи водийгача етаклаши мумкин, холос. Кўриниб турибдики, бу байтда Жаброил(а.)ни Ҳудҳудга ўхшатиш Навоий учун анъанавий ташбеҳлардан ҳисобланади.

Бу фикр исботи учун яна бир мисол келтирамиз:

Эй пўяда маркабингға таъжил,
Оллингда ҳақир пайки Жибрил.

Ҳудҳудга не моя, қадру сомон,
Сайр айласа Ер уза Сулаймон[2].

"Лайли ва Мажнун"дан олинган бу парчада, Сулаймон пайғамбар (а.) Ер уза сайр қилганда Ҳудҳудга ҳожат бўлмагани янглиғ, Муҳаммад(с. а. в.)нинг зимдан меърожнинг якуний босқичи, яъни саккизинчи ва тўққизинчи осмонга парвозида Жаброил(а.)га эҳтиёж сезмагани кўзда тутиляпти. Ҳудҳуд, биламизки, Сулаймон пайғамбар(а.)нинг қушлар ичидаги ёрдамчиси эди.

Ана шу тасвирлардан ҳам кўринадики, меърож кечаси Жаброил пайғамбар(с. а. в.)ни васл сари етаклагани каби, пир ҳам – соликни Аллоҳ сари етакловчи раҳнамо. Жаброил пайғамбар(с. а. в.)ни Аллоҳга қандай боғлаб турган бўлса, пир ҳам сўфийни Тангрига шундай боғлайди. Пайғамбар (с. а. в.) еттинчи осмонга етганидан кейин Жаброилга ҳожат қолмагани сингари, сўфий ҳам муайян даражотга етгач, пир унга оқ фотиҳа беради.

Навоий шеъриятида ана шу еттинчи осмондаги Сидра дарахти ҳам муҳим тимсоллардан бири ҳисобланади. "Лисон ут-тайр"да Ҳудҳуд Товуқнинг[3] баҳонасини рад этар экан, Сидра дарахти устида қимирламай ўтирадиган қуш ҳақида ҳикоят келтиради[4].

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 177.
[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 9. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 18.
[3] Аслида, Хўроз кўзда тутилган, шоир бу ерда *"Товуқ"* сўзини умумий маънода қўллаган.
[4] Бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 131 – 140.

Шоирнинг бевосита наът ғазалларидан бирида пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг Сидрага етгани алоҳида эътибор билан қаламга олинади:

Эй келиб минбаринг уч поя била Сидраға сен,
Сен чу анда тутуб ором бўлуб Сидранишин[5].

Биринчи мисрада пайғамбар(с. а. в.)нинг уч қадам билан Сидрага етгани, иккинчисида эса ўша дарахт устида ўтиргани тилга олинган. *"Уч поя"* дейилишига сабаб бор. Бошроқда "Қисаси Рабғузий"дан келтирилган бир парчада айтилганидек, Муҳаммад (с. а. в.) меърож кечаси аввал Байт ул-муқаддасдан – кўкка, кейин кўкдан – уфқи аълога, уфқи аълодан – Сидрат ул-мунтаҳога парвоз қилгани айтилади. Демак, Ердан Сидрагача уч босқич ўтилган.

Ушбу ғазалнинг кейинги байтида айтиладики, пайғамбар(с. а. в.)нинг Сидра сари бу сафарида мингани – руҳи равон, яъни Буроқ ва қаноти – Руҳ ул-амин, яъни фаришта Жаброил (а.) эди:

Ул сафар ичраки, сен Сидра сари айлаб азим[6],
Маркабинг – руҳи равон, пойкинг ўлуб – Руҳ ул-амин[7].

Сидрага етиш ҳам фақат ана шу Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)гагина насиб этди. Шунда шоир, Сидрани минбар қилиб, сўзлагудек бўлсанг, барча расуллар (яъни пайғамбарлар) очиқ оятлар эшитиш учун жам бўлишади, дейди:

Сидрани минбар этиб, нукта десанг эрди, русул –
Жамъ бўлған эди эшиткали оёти мубин[8].

Бу эса, – дейди давом этиб шоир, – худди Сидрага ўхшаш минбари узра гоҳида ҳадис айтганингдан ҳар тарафдан пайғамбар*(с. а. в.)*га ўхшаш суҳбатдошлар йиғилганига ўхшайди:

Уйлаким, Сидра киби минбар уза гоҳи ҳадис,
Йиғилур ҳар сори асҳоби рисолатойин[9].

Муҳаммад(с. а. в.)га йигирма уч йил мобайнида Жаброил (а.) орқали ваҳй келиб турди. Лекин Жаброил (а.) Муҳаммад(с. а. в.)га ҳамиша бир тенгдоши каби кўринар эди. Икки мартагина пайғамбар (с. а. в.) уни фаришта суратида кўрди. Бир гал, Рабғузий сўзлари билан айтилса: *"К*ўкнинг этаклари Ерга қовушған ерда кун туғартек"[10]. Иккинчи сафар ана шу Сидрат ул-мунтаҳода Муҳаммад (с. а. в.) Жаброил(а.)ни кўрди: *"*Бу гал пайғамбар уни қуш янглиғ кўрдилар. Тамом қанотларини ёзди. Жаброилнинг олти минг қаноти бор"[11]. Барча қаноти зумрад, инжу, гавҳар, ёқут билан безатилган.

---

[5] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 5. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 309.
[6] Нашрда бу сўз *"азм"* тарзида хато ёзилган, вазн эса унинг *"азим"* бўлишини тақозо этади, биз тузатиб кўчирдик.
[7] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Т. 5. – Б. 309.
[8] Ўша нашр. – Б. 310.
[9] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[10] Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Китоб 2. – Б. 148.
[11] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Рабғузийнинг ҳикоя қилишича[1], Сидра дарахти мева ҳам тугади. Унинг мевалари Ҳажр қабиласи ишлатадиган сув идиши – қиллага ўхшаш даражада катта. Қиллага эса олтмиш ботмон сув кетади. Барглари филнинг қулоқларига ўхшайди. Энг муҳим жойи шундаки, ана шу дарахт остидан тўрт ариқ оқади. Ичкаридаги икки ариқ тўғри жаннатга йўналган, четдаги икки ариқдан бири – Нил, иккинчиси – Фурот дарёси каби.

Бу тасвирлардан ҳам кўриниб турибдики, ана шу еттинчи қават осмоннинг, яъни Сидрат ул-мунтаҳонинг бевосита жаннатга алоқадорлиги бор.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, фаришталар осмоннинг ана шу етти қатидагина бўлади. Ундан у ёғига кўтарилишга уларнинг ҳамимкони йўқ. Рабғузий меърож тунида етти кўк фаришталари пайғамбар(с. а. в.)га ҳавас қилганларини қайта-қайта ёзади: *"Етти кўк фаришталари ани кўруб, тонглаштилар"*[2], *"Етти қат кўк фаришталари ибодат қилиб, савоб бўлур эрса, ул икки ракъат намоз ўтаб, сўнгича бу калимотни ўқиғанларға онча савоб бергайман, теб ёрлиқади"*[3].

Арш – Аллоҳ таолонинг рамзий макони. Шундай тасаввур қилинади. Рамзийлиги шундаки, Аллоҳ таоло – аслида, ҳамма жойда ҳозиру нозир. Шунинг учун, ҳатто: *"Аллоҳнинг назари фалон жойга тушибди"*, – дейилгани ҳам – тимсолий, яъни образли бир ифода, холос. Сабаби – бу дунёю у дунёда Аллоҳнинг назари тушмаган жойнинг ўзи йўқ. Лекин Аршда малойиклар йўқ. Шунинг учун улар зикру тасбеҳ деб, ҳар сари пешоналарини сурта олмайди:

Даргаҳинг Аршдурур, анда малойик не ажаб,
Зикру тасбеҳ дебон суртса ҳар сари жабин[4].

Шоир тасавввурида пайғамбар (с. а. в.) Аршга чиққанида чарх бошидан сочқи сочиш учун тўққиз дастурхон, яъни осмон ичида юлдузларни қимматбаҳо дурлардек сочиб юборган:

Сен чу Арш узра чиқиб, чарх нисорингға ясаб,
Бу тўқуз хон ичида анжум ила дурри самин[5].

Одатдагидек, шоирнинг бу тасвирларидан кўзлаган "таъма"си бор. У ҳам бўлса, гуноҳлари кўпайиб кетганидан қўрққани учун қиёмат куни пайғамбар(с. а. в.)нинг унга бир назар ташлаб, шафоат этиши, яъни Аллоҳдан унинг гуноҳларидан ўтишни сўрашидан умидворлик қилади:

Журму исён кўпидин бўлди Навоий бехуд,
Бир назар айла анинг сорики, бор асру ҳазин[6].

Сўфийликнинг меърожга бевосита вобасталигини далилловчи яна бир жиҳат бор. Пайғамбар (с. а. в.) Аллоҳ васли сари қават-қават осмонлардан бирин-кетин ўтгани каби, сўфий ҳам кўнгил равнақини босқичма-босқич амалга ошира боради. "Мантиқ ту-тайр" ва "Лисон

[1] Ўша нашр. – Б. 147.
[2] Ўша нашр. – Б. 151.
[3] Ўша нашр. – Б. 156.
[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 5. – Б. 310.
[5] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[6] Ўша нашр. – Б. Ўша.

ут-тайр” мантиғига кўра, фақру фанога етиш – сўфий учун олий истак. Унга эса даража-ма-даража, манзилма-манзил яқинлаша боради.

Келинг, шунча таҳлиллардан кейин энди “Лисон ут-тайр”даги етти водий тасвирини ҳам тасаввуфий, ҳам дунёвий маънода тушунишга уриниб кўрайлик.

Т а л а б водийси инсонни олдига бир улуғ мақсад қўйишга ундайди. Бош мақсад аниқлашдими, демак, энди бари майда-чуйда, икир-чикир жиҳатлар, яъни жамики иккинчи, учинчи, тўртинчи... даражали ният ё истаклар четга сурилади. Бу водийда мақсад шу тариқа батамом ойдинлашади, аниқлашади, муайянлашади.

И ш қ водийсида ана шу муайянлашган мақсадга меҳр қўйилади. Шу меҳр чинакам ишққа айланади. Шу ишқ кишининг йўлини ёритади. Бунда одам ана шу бош мақсади йўлида куйиб-ёнади, ўртанади. Ахир, халқона айтганда, жон куйдирмасанг, жонона қайда!

М а ъ р и ф а т водийсида ҳар ким олий мақсади сари ўз йўлидан юради, лекин йўлдагиларнинг бари бир – асл мақсадга интиляпти. Олий мақсад – ҳатто, инсоннинг дини, эътиқодидан қатъи назар, бир ва у эзгуликлару гўзалликлар мажмуаси, яъни манбасидан иборат. Бироқ маърифат ҳар кимга фақат сезгилар, яккаш ақл эмас, балки, кўнгил билан билиш йўли бўлиб хизмат қилиши лозим. Шунинг учун ҳам Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир”ида (бу тўплам Муҳаммад пайғамбар алайҳиссаломнинг куёвлари – ҳазрати Алининг сўзлари мазмуни асосидаги рубоийлардан ташкил топган) айтилганидек:

Тоат кўпидин маърифатози – яхши![7]

Шунга ҳам аниқлик киритиб ўтиш зарурки, *“маърифат”* сўзи тилимизда ҳозир бир оз бошқачароқ, кенгроқ, яъни русча “просвещение” маънодасида қўлланади. Жадидчилик ҳаракатини *“маърифатпарварлик ҳаракати”* ҳам деймиз. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, унинг ташкилий гуруҳи – ижроия идораси ҳисобланадиган Республика Маънавият ва маърифат маркази фаолият олиб боряпти. Бироқ Навоий асарларида *“маърифат”* сўзи тасаввуфий истилоҳ ҳисобланади ва унинг хос маънолари мавжуд. Юқорида келтирилган мисрада у, ҳатто, *“тасаввуф”* атамасининг маънодоши (синоними) сифатида қўлланган. Чунки *“маърифат”* сўзининг ўзаги *“арафа”*. Бу биздаги *“яқинлашмоқ”* дегани. Бироқ бунда тасаввуфий маънода Зотга, яъни Худога яқинлашмоқ кўзда тутилади.

“Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр”даги *“Маърифат водийси”* тасаввуфнинг муайян бир босқичини англатади.

Улуғ аллома ва шайх Ҳаким Термизий маърифатни ниҳоят даражада улуғлаб, шундай деб ёзади: *“Эскирган камон билан қанчалик ўқ отмагин, ўқ нишонга тегмасдан, хато кетаверади. Шундай ҳолат тан билан ҳам юз беради. Уни қаровсиз қолдирсанг, ундаги ҳирслар кучайиб, ичидаги ҳарорати ошади ва ҳавоий нафс зулмати ортиб боради. Охир-оқибат у ҳам юқори мақомдан қуйи мақомга тушиб қолади. Юқори мақом эса ақл нури, маърифат нури, руҳ нури ҳамда илм-фан нуридир. Қалбдаги бу нурлар қанчалик кучли бўлса, улар ҳирслар оловини шунчалик шиддат билан ёқиб юборади”*[8]. Давомидан яна ўқиймиз: *“Қалб маърифат нури, ақл нури, илм-фан нури, Аллоҳ берган фойдали нур ила ўз жойига қайтади”*[9].

---

[7] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 157.

[8] Ал-Ҳаким а т - Т е р м и з и й. Инсон одоби. Таржимон ва изоҳлар муаллифи: Комилжон Раҳимов. – Тошкент: Noshir, 2015. – Б. 52.

[9] Ўша нашр. – Б. 53.

Нур билан боғлиқ талқин яна мана бундай давом эттирилади: *“Киши манманлик диёридан қалбига тушган нур воситасидагина чиқиб кетади”*[1]. Қалбни поклашнинг энг муҳим воситаларидан бирини эса аллома қуйидаги ҳадиси шариф билан асослайди: *“Қалбларингизни оз таом билан п*окланглар, шу йўл билан қалб тозаланади, нозиклашади, қувватланади ва мулойим бўлади”[2]. Ҳаким Термизий Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) ҳадисларига таяниб, яна ёзади: *“Кўрдикки, ул зот (*пайғамбар – С. О.*) кишиларни маърифатга (Аллоҳга танишга) буюриб, уни “илмнинг боши” деб атадилар. Дарҳақиқат, [Расулуллоҳ(с. а. в.)га мурожаат қилган киши] мусулмон бўлиб, ул зотдан мазкур илмнинг ғаройиботларини ўргатишни сўраганди. Ул зот эса маърифат борасида энг билимдон киши эди”*[3].

“Лисон ут-тайр”даги маърифат водийси тасвиридан сўнг бир зўр ҳикоят келтирилади[4].

Фил бўлмайдиган мамлакатда яшайдиган бир неча кўзи ожиз киши Ҳиндистонга саёҳатга боради. Қайтиб келишганида улардан: *“*Филни кўрдингизларми?*”* – деб сўрашади. *“*Ҳа*”,* – дейишади улар. Кейин ҳар биридан уни тасвирлаб беришни илтимос қилишади. Масалан, оёқларини (Навоий *“*қўлларини*”* дейди, чунки олдинги оёқлари кўзда тутилган, аслида) силаб кўрган киши: *“*Сутунга ўхшайди*”*, – дейди. Фақат қорнини пайпаслаган бирови: *“*Бе сутун уй томига ўхшайди*”*, – дейди. Хартумини ушлаб кўрган бу жониворнинг аждаҳога менгзашини айтади. Тишларига қўлларини теккизган: *“*Иккита суякдан иборат экан фил деганлари*”*, – тарзида хулоса билдиради. Думини ушлаган уни, осилиб турган илон, деб тасаввур қилганини билдиради. Бошини сийпалаган: *“*Қоянинг тумшуғи*”,* – деб таърифлайди. Қулоғини ушлаб кўрган одам: *“*Тинимсиз ҳаракатланиб турган елпиғич*”,* – дейди...

Ҳамма гап шундаки, агар ана шу ожиз кишиларнинг барча айтганлари бир ерга жамланса, ўшандагина фил ҳақида ҳақиқий, яъни бутун, тўлиқ тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Бу билан, биринчидан, маърифатга ҳар ким ўз билгича эришади, иккинчидан, инсон бу дунё моҳиятини фақат кўрган-билгани, яъни сезгилари билангина англай олмайди, учинчидан, маърифат – Ҳақ таоло ва бутун борлиқни бир бутунликда кўриш дегани, дейилмоқчи. Ростда – моҳият ақл билангина англанадиган нарса эмас, уни ҳис этиш, кўнгил билан фаҳмлаш керак.

И с т и ғ н о водийси кишининг, бу дунёда барча – тенг, деган тушунчага келиши жараёнини тасвирлайди. *“*Истиғно*”*нинг маъноси – муҳтож бўлмаслик, эҳтиёжсизлик. Солик бу водийда аъло (баланд, олий) билан адно(паст, тубан)нинг баробарлигини обдон тушунади. Умуман, тасаввуфга алоқасиз равишда ҳам Аллоҳ олдида, динию мазҳаби, ирқию миллати, бойлигию камбағаллигидан қатъи назар, ҳамманинг тенглигини теран англаш олий маданият белгиси ҳисобланади.

Оламда ҳамманинг баб-баробарлигини англаганингиздан кейин, умуман, бу дунёнинг ўзи уйғун ва яхлит эканини тушунишга бир бахя қолади.

Т а в ҳ и д водийси тасаввуфга алоқасиз равишда ҳам бизга ана шундай маърифий таълим беради. Энди: *“*Бу – мен, эдим, бу – сен эдинг*”* ёки *“*Сен – кимсан-у, мен – кимман?!*”* – де-

---

[1] Ўша нашр. – Б. 58.
[2] Ўша нашр. – Б. 59.
[3] Ўша нашр. – Б. 69.
[4] Фил билан боғлиқ бу ҳикоят сюжет чизиғи Имом Ғаззолий, Ҳаким Саноий ва Жалолиддин Румий асарларида ҳам учрайди. Бу сюжет генезисини Р. Н. Жумаев атрофлича таҳлил қилган ва бу масалада Навоий кўпроқ Румийга пайравлик қилганини исботлаган (Қаранг: Ж у м а е в Р. Н. “Маснавийи маънавий” ва “Лисон ут-тайр” ҳикоятларининг қиёсий таҳлили. – Филол. ф. б. фалс. д. ... дисс. – Самарқанд: Нашриётсиз, 2018. – Б. 133 – 137).

ган масала у ёқда турсин: *“Бу – Аллоҳ эди-ю, бу – инсон эди”*, – деган тушунча ҳам қолмайди. Ахир, Холиқ , яъни Аллоҳ ҳам, махлуқ, яъни барча яратилганлар, жумладан, одам ҳам ана шу бир бутунликнинг ичида-ку. Бирлик ғояси шунинг учун ҳам муҳимки, инсон ўзини ҳам ана шу умумий ягоналикнинг таркибида кўради. Бу эса кишига наинки бутун башариятни, балки ялпи оламни – ўзи, ўзини эса – ялпи олам деб билиш туйғусига олиб келади.

Қанийди, ҳамма бу дунёни, унинг жонзотларию мавжудотларию тоғу тошларигача ўз жисми каби ҳис этса... Унда бу олам ҳозиргидан кўра гўзалроқ, мусаффороқ, бехатарроқ, ширинроқ, қадрлироқ бўлиши аниқ эди.

Энди ана шу бир бутунлик, яъни тавҳидни англашнинг ҳам мукофоти бор. Кейинги водийни шундай талқин этиш ҳам мумкин.

Ҳ а й р а т водийсида киши тамом ҳайратга тушади. Ана шунда бу дунёнинг моҳиятини тушуна борган сари у бутунлай гунгу лол бўлиб қолади: кеча ёки кундуз, йўқ ёки бор ва бошқа шу каби барча тушунчалар ўз моҳиятини батамом йўқотади, инсон ана шундай юксак фалсафий мушоҳада юритиш имконини қўлга киритади. Тафаккур шу даражага етадики, бундай кишидан: *“Сен бормисан ё йўқмисан?”* – деб сўрасалар ҳам, у бундай ўта оддий саволга ҳам жавоб беролмайдиган бўлиб қолади. Агар салгина чуқурроқ ўйланса, бу бор ё йўқлигимиз ҳам – ниҳоятда нисбий, бағоят омонат, жуда-жуда ёлғондек, бу ҳаёт ҳам кўз очиб-юмгунча ўтиб кетаётган нарсадек бўлиб туюлади-ку, ахир. Бундан ҳар кимнинг ҳам ҳайратга тушмай иложи йўқ. Бу борлиққа беписандлик эмас. Асло. Аксинча – ҳатто, киши бундай фалсафий мушоҳада поғонасига етганидан кейин бутун олам тугул, унинг ҳар бир кўз илғамас заррасига ҳам ҳайрат кўзи билан боқадиган бўлади.

Навоий “Хамса”сининг илк достонини “Ҳайрат ул-аброр”, яъни *“Яхшилар ҳайрати”* деб бекорга номлаган эмас. Теранроқ мулоҳаза қилинса, ҳаётнинг ўзи – бошдан-охир ҳайратлардан иборат. Тиканли новдадан ўсиб чиқиб, чамандек бўлиб очилган гулни кўриб, бир-бири билан ўйнашаётган мусичаларни томоша қилиб, бешикка бойланган эмизак, яъни сўрғични момиқ қўлчалари билан тортқилаётган жажжи чақалоқни кузатиб: *“О Аллоҳ, мен сени қанчалар яхши кўраман-а!”* – деб, ич-ичидан ҳайратга тушадиганлар камми бу дунёда?!

Ф а қ р у ф а н о водийси – солик учун бир буюк орзу. Чунки Ҳақиқатга – бақога шундан кейин етилади-да. “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр”даги Фақру фано водийси илмда бир қадар таърифланган, таҳлил этилган[5]. Шунинг учун бу ерда биргина ўхшатишни эслаш билан чекланамиз. Фақру фанога етган киши ўзини денгиз юзидаги мавж янглиғ сезади. Чунки бу ерда фақат денгиз бор. Тўлқинлар эса – ҳаддан ташқари омонат. Улар қандай бир зумда пайдо бўлган бўлса, шундай бир зумда йўқ бўлиб, денгизга сингиб кетаверади. Оддий одамни қўя турайлик, бу ерда энди кимсан – Аллоҳнинг элчиси, яъни пайғамбар (а.) бўлса ҳам, бир мавждеккина тушунилади. Бу билан киши бу дунёда Худодан бошқа ҳеч қандай абадий, яъни боқий нарса йўқлигини тўла англайди. Инсон ўзининг ўта ва ўта ўткинчи бир жонзот эканини агар ана шу “Лисон ут-тайр”да талқин этилгани қадар тушунса, бу дунё умрни бемаъни ҳою ҳаваслар, фитнаю иғволар, ҳасаду ғийбатлар билан ўтказиб юборадиган неъмат эмаслигини ҳис қилади. Бу ҳақиқатни туйган одам фақат яхшиликлар сари интилиши, ҳеч бўлмаганда, ёмонлик қилмасликка уриниши мумкин.

Шу тариқа руҳан, яъни маънан камолга ета борар экан, инсон: *“Бу дунё мендан иборат!”* – деган зўр фикрга келади. Сабабки, Аллоҳнинг бу оламларни яратишдан мақсади ҳам ин-

---

[5] Қаранг: О л и м о в С. Мунда Фоний бўлмай иш ўлмас тамом *(“Лисон ут-тайр”ни қайта варақлаганда...)*. / Шарқ юлдузи, 1991 йил, № 2. – Б. 154 – 164; О л и м С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 7 – 42.

сон эди. Шунинг учун ҳам инсон Зот, яъни Худонинг ижмоли, яъни мухтасарлигига тафсил, бошқача айтганда, батафсиллик ва вужуд ишколи – чалкашлигига таъвил, яъни йўйилганлик, тушунтирилганлик ҳисобланади:

Ким сен-ўқсен ҳар неким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ, неким мавжуд эрур.

Зотнинг ижмолиға тафсилсен,
Ҳам вужуд ишколиға таъвилсен (189).

Лекин Аллоҳнинг мақсади шунчаки одамни эмас, айнан комил инсонни кўриш. Меърож мўъжизаси орқали Муҳаммад (с. а. в.) шундай юксак комиллик даражасига етган эди. Тасаввуф талқинига кўра, ана шу бахт ҳамма учун бир мезон, барчага бир ҳаёт чироғи, бани башар учун бир буюк орзу бўлиши керак.

Меърож – инсоннинг комиллик мезони. Етти водийдан парвоз қилиб ўтиш ҳам – меърождек гап. Бундай висолни орзулаш кўп шоирлар шеърларида, шунингдек, Навоийнинг ўзида, жумладан, "Фавойид ул-кибар" девонининг 92-ғазалида ҳам бор:

Ҳарими қурб аро матлуб васлидин бўлуб маҳзуз,
Йўқ андоқким, ҳарими Каъба ичра зумрайи ҳужжож[1].

Ғазалдаги лирик қаҳрамон *"ҳарими қурб"*, яъни яқинлик ҳаримида матлуб, яъни Аллоҳ васлидан ҳузур топишни Каъбада ҳаж қилаётганлар ҳаловатидан устун кўради.

Хуллас, "Лисон ут-тайр"нинг ахлоқий-маърифий моҳияти ана шундай чуқур маъноларга асосланади. Келтирилган таҳлиллар достонни бемалол *"меърожнома асар"* деб аташга тўла асос бўла олади.

169-боб билан достоннинг қушлар парвозига алоқадор қисми тугайди. Шунинг учун *"Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулиға еткони"* деб номланган бу бобда шоир, таъбир жоиз бўлса, назарий хулосалари баёнига ўтади. Шунинг бу бобда достоннинг энг муҳим жойи келади – қушларнинг ўзлари Симурғ, яъни *"си" ("ўттиз")* "мурғ" (*"қуш"*) бўлгани ҳақида сўз боради. Шоир пайғамбар (с. а. в.) меърожи билан етти водий ўртасидаги вобасталикни очиқ таърифлаб ўтади:

Бордур инсон зотида онча шараф, –
Ким ямон ахлоқни этса бартараф.

Бўлмаса фиръавнлиғнинг пайвари,
Қолмас ондин жуз сифоти мавлавий.

У шараф ганжига топиб аҳллиқ,
Салб қилса сийрати Бу Жаҳллиқ,

Шон анга бўлур Ҳабибуллоҳдек,
Буд ила нобуддин огоҳдек, –

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 6. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 70.

Ким қилиб меърожи ваҳдатқа гузар,
Ли мо Аллоҳ сирридин бергай хабар.

Васл нуридин кўз ул янглиғ ёрур, –
Ким ародин менлику сенлик борур (Б. 237).

“Бу Жаҳл” дейилганда Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) давридаги ислом динига қаттиқ қарши турган Абу Жаҳл кўзда тутилган. Исломий адабиётда у кофирлик тимсолига айланган. Муҳаммад (с. а. в.) эса мусулмонликнинг, ҳаттоки, умуман, инсонликнинг олийдан олий намунаси ҳисобланади. Тасаввуфий талқинга кўра, ҳаттоки, Аллоҳ таолонинг икки оламни яратишдан кўзлаган бош мақсади ҳам Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг кўнглини яратиш эди.

Инсон, биринчидан, ёмон ахлоқни ўзидан бартараф этса, иккинчидан, фиръавнлардек ёки Абу Жаҳлдек кофирлик қилмаса, Яратган уни Ҳабибуллоҳ, яъни Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)га насиб этган шону шарафга муяссар айлайди, шунда у бору йўқдан огоҳ бўла олади, ҳатто, меърождагидек ваҳдат, яъни Аллоҳ билан бирикувга эришиб, Тангрининг сирларидан воқифлик топади, у билан Худо ўртасида *“мен”*лигу *“сен”*лик барҳам ейди, қушлар ўзлари Симурғ бўлгани сингари, бундай одам ҳам васлга етишади.

Келтирилган бу нисбатан каттароқ парчанинг 5-байтида *“меърож”* эслаб ўтилгани ҳам бекорга эмас.

Шу тариқа меърож пайғамбар мўъжизалари ичида тасаввуф учун энг олий мезон экани ойдинлашди. Навоийнинг моҳиятан меърож билан энг кўп ва бевосита боғланган достони – айнан ана шу “Лисон ут-тайр” экани ҳам маълум бўлди.

Лекин чуқурроқ тадқиқу таҳлил этилса, “Лисон ут-тайр”гина эмас, Навоийнинг бошқа достонларидаги меърожномалар ҳам ана шундай бевосита ёхуд билвосита асар моҳияти билан туташади. Чунки шоир маснавийларида бадиий интизом шу даражада юксак баркамоллик мартабасидаки, уларнинг бошидан охиригача муаллиф мақсади ва умуммоҳиятдан айри ё унга бегона биргина сатр ҳам йўқ.

“Лисон ут-тайр”да меърож ва етти водий вобасталиги таҳлилидан яна бир муҳим хулосага келамизки, Навоий асарларидаги ўзликдан кечиш, жисмдан қутулиш ғоялари – бизнинг тасаввуримизда йиллар мобайнида қора бўёқлар билан шакллантирилган таркидунёчиликдан тамоман бошқа фалсафий-маънавий мазмуну моҳиятга эга.

Меърож – ана шу асл моҳиятни англаш учун бағоят зарур мўъжиза.

Ялпи олганда, “Лисон ут-тайр”да меърож тасвирий асос ҳисобланади.

Демак, “Лисон ут-тайр” моҳиятан меърожнома достонлар сирасига киради. Соф меърожномалардан унинг фарқи шундаки, бунда меърож тўғридан-тўғри, яъни бевосита эмас, мажозан – қушлар тимсоли орқали, яъни билвосита қаламга олинган. Бошқача айтганда, Навоий меърожнинг ўзини эмас, соликлар руҳининг меърожга интилишини тасвирлаган.

Қушлар минг меҳнату машаққатлар билан сафар қилишди. Баъзилари Симурғ сари учиш фикридан кечмоқчи ҳам бўлди. Лекин Ҳудҳуд уларни таъсирчан ваъзлари билан тўғри йўлга солиб турди. Охири уларда сидқу ихлос пайдо бўлди. Шу иккиси охири иккинчи фано ичра уларни ёрга ошно этди. Васл юз берди. Яъни қушлар олдида шундай бир кўзгу пайдо бўлдики, улар қаёққа боқса ҳам, ўзини кўрди:

Ҳар гул ул гулшанда бир кўзгу эди, –
Ким қаён боқса, алар ўтру эди...

Кўрдилар ўзни қаёнким, тушти кўз,
Аллоҳ-Аллоҳ, не ажойибдур бу сўз, –

Ким қилиб Симурғ ўттуз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул "си" "мурғ"у, бас (Б. 268).

Бу тасвирларни ўқиган китобхон беихтиёр Муҳаммад(с. а. в.)нинг меърож кечаси Арши аълода Аллоҳ таоло билан васл ҳосил қилганини хаёлига келтиради. Бу васл ҳолати тасвирида шоир *"ман араф" ("яқинлик")* истилоҳини ҳам қўллайди:

Мунда зоҳир бўлди сирри "ман араф",
Ким кўрубтур гавҳар ўлмоғлиғ садаф?! (Б. 268).

Гавҳар – нима? У чиғаноқ, яъни садаф ичида пайдо бўладиган қимматбаҳо ялтироқ тош. Шоир бу истиоравий тасвирларида *"гавҳар"* деганда мажозан қушларни, *"садаф"* деганда Аллоҳ таолони назарда тутяпти. Аммо бу ерда садафнинг тўлиғича гавҳарга айлангани айтиляпти.

Яъни васл туфайли энди: *"Бу садаф эди"* ёки *"Бу гавҳар эди"*, – деб ўтириб бўлмайди. Чунки улар бир-бирига қовушиб, бир бутунга айланиб кетган. Бошқача айтганда, *"Симурғ"* тушунчаси, бир қарасангиз, *"си" ("ўттиз")* ва *"мурғ"("қуш")*ни, бир қарасангиз, эса қушлар подшоҳи ҳисобланмиш Симурғни англатади. Муҳими, энди уларни бир-биридан ажратиб тушуниб бўлмайди. *"Васл"* дегани – шу.

Ана энди шоир: *"Эй кўнгул"*, – дея мурожаат қилиш орқали лирик чекинишга ўтиб, нақд 37 байтли катта бир парчада айтадики, киши риёзатлар билан руҳониятини камол топтирса, нафсоният бартараф бўлиб, унда руҳониятнинг ўзигина қолади. Бу дегани – амалда, ўзини барча ёмон ахлоқдан қутултириш, дегани. Бошқача айтганда, бу – Шайтон васвасасидан тамоман қутулиб, бутунлай Раҳмон йўлига юриш, дегани. Шунда инсонни фиръавнлик, яъни кофирлик тамоман тарк этиб, унда мусавийлик, яъни мусулмонлик сифатидан бошқа нарса қолмайди.

"Лисон ут-тайр"нинг 1-боби – тавҳид ҳамд, 2-боби – муножот ҳамд. Кейинги икки, яъни 3 – 4-боблар – наът.

3-боб *"Бу номаға* Саид ул-мурсалин наъти била туғро тузмак ва шафиъ ул-музанинбин мадҳи била зийнат кўргузмак" (Б. 14) деб номланади ва у:

Анбиё сархайли султони русул, –
Ким эрур онинг туфайли жузви кулл (Б. 14), –

деган байт билан бошланади. Бунда бутун борлиқ – заррадан бутунгача (*"жузви кулл"*) айнан унинг туфайли яратилгани айтиляпти.

Улки Одамдин бурун ул бор эди,
Ҳам наби, ҳам соҳиби асрор эди (Б. 14), –

байти эса шу фикрни қувватлаб келган. Исбот шуки: *“Нури мавжуд офаринишдин бурун”* (Б. 14). Демак, бутун борлиқ яратилишдан олдин Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг нури бор эди. Одам Атодан то Муҳаммад(с. а. в.)нинг отаси Абдуллоҳга қадар барча инсонлар ана шу нур туфайли яратилди.

“Ул рисолат Қофи Анқосининг баландпарвозлиғи ва Маҳбуби ҳақиқий васлиға етиб, қуш тили била такаллум ва ҳамрозлиғи” (Б. 16) дея номланган 4-бобда меърож таъриф ва тавсиф этилади. Меърож таърифу тавсифи “Хамса”даги ҳар бир достонда ҳам бор. Лекин уларнинг ҳеч бири асар моҳиятига “Лисон ут-тайр”дагичалик бевоситалик билан боғланган эмас. Бу ерда пайғамбар(с. а. в.)нинг меърож кечасидаги парвози ҳақида гап кетаётганда, биринчидан, *“Анқо”* (қуши) истиораси тилга олинади, иккинчидан, *“қуш тили била такаллум ва ҳамрозлиғи”* сўзларида ҳам асар воқеаси ва қуш қаҳрамонлари билан чамбарчас вобасталик бор.

“Лисон ут-тайр” – меърожнома асар, деган илмий хулоса Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонига ҳам бирдай тегишли.

Шу мисолнинг ўзи ҳам “Мантиқ ут-тайр” билан “Лисон ут-тайр”нинг мақсад моҳияти бир хил ёки бир-бирига ўта яқин эканидан далолат беради. Шу мисолнинг ўзи ҳам шўро олимларининг Аттор ва Навоийнинг бу маснавийлари ҳақидаги: *“...Икки асарнинг фалсафий концепцияси ҳам, ўз олдига қўйган мақсади ҳам бошқа-бошқа эди. Мана шу концепция ва мақсад икки асарда бир-биридан фарқ қилувчи ва бир-бирига зид бўлган ўринларни, хусусиятларни вужудга келтиради”*[1], – деган хулосаси мутлақо хато эканини исботлайди.

[1] М а л л а е в Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Китоб 1 (XVII асргача). – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – Б. 517.

БЕШИНЧИ БОБ

“ЛИСОН УТ-ТАЙР”НИНГ ОЛТИН ҲАЛҚАСИ

Шайх Санъон ҳақидаги ҳикоят “Лисон ут-тайр”да 79-боб тарзида келган. Асар жами 193 бобдан ташкил топганини ҳисобга олсак, у ҳажм жиҳатидан асарнинг биринчи ярмидан ўрин олган. Бу – маснавийдаги энг йирик боб. У 520 байт, яъни 1 минг 40 мисрадан иборат. Достондаги бошқа бирор ҳикоят, бошқа бирор боб ҳажман бунга яқин ҳам келмайди.

Шунга кўра, баъзи олимлар уни *“достон ичра достон”* деб ҳисоблайди. Чунки бобда Шайх Санъон ишқи жуда батафсил баён этилади. Шунинг учун, бошқа ҳикоятлардан фарқли ўлароқ, буни алоҳида асар сифатида ўқувчига тақдим этиш ҳам мумкин[1]. Уни мутолаа қилган китобхон мустақил асар ўқигандек маънавий ва бадиий завқ олади. Айнан шу ҳикоят сюжети асосида бир неча бадиий асар ёзилгани ҳам бежиз эмас.

Бу – достондаги мазкур ҳикоятнинг, айтиш мумкинки, ташқи жиҳатлари.

Шайх Санъон ҳикоятининг ички моҳияти ҳисобга олинса, унинг мазмунан достондаги бадиий ҳалқа ёки мантиқий кўприк вазифасини ўтайдиган энг муҳим боб экани маълум бўлади.

Дарҳақиқат, Шайх Санъон ҳикоятисиз “Лисон ут-тайр” “Лисон ут-тайр” эмас.

Бу фикр исбот талаб қилади, албатта. Шунга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Олдин достондаги асосий воқеанинг бошланишини, унинг Шайх Санъон қиссасигача бўлган ривожини бир эсга олиш даркор.

Қушлар ўз жамиятларида адолат ўрнатмоқчи, ўзларига одиллик билан ҳукмдорлик қилувчи шоҳ топмоқчи бўлишди. Бундай қуш мавжудлиги ҳақида Ҳудҳуд (Попишак) қушларга хабар берди. Кейин ана шу шоҳ қушга етиш учун уларни парвозга тарғиб қилди. Тўти, Товус, Булбул, Қумри, Каклик, Тазарв (Қирғовул), Дуррож (Какликнинг бир тури), Кабутар, Шоҳбоз (Лочин), Шунқор каби қушларга алоҳида-алоҳида тарғибона ваъзлар айтди.

Қушлар бу оташину оҳанрабо гаплар таъсирида учишга тушишди. Лекин учиш осон бўлибдими? Бу кони машаққат эди. Боғу бўстон, гулзору чаманларда роҳат-фароғат қилиб юриш қаёқда-ю, шунча азоб-уқубат чекиб, Симурғ қушни излаш қаёқда! *“Жон куйдирмасанг, жонона – қайда?”* – деганларидек, жононани топиш илинжида жон куйдиришни ҳам чидаганга чиқарган экан. Қушларнинг кўпи бу машаққатга дош беролмади. Айримларининг аҳволи кушод оғирлашди, хастажон бўлиб қолди, Охири, улар Ҳудҳуддан бир жойга қўниб, маслаҳатлашиб олишни илтимос қилишди. Аҳволнинг мушкуллигини, бу тарздаги бошбошдоқлик билан мақсадга етиб бўлмаслигини англаган Ҳудҳуд қушларнинг барини бир водийга қўндирди-да, масалани ойдинлаштирди: хўш, нима гап ўзи?

Шунда Тўти, Товус, Булбул, Қумри, Кабутар, Кабки дарий (Каклик), Тазарв, Қарчиғай, Шунқор, Бургут, Куф (Бойўғли), Ҳумой, Ўрдак, Товуқ (жами ўн тўрт қуш) бир-бир ўз узрини айтган бўлди. Ҳудҳуд уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида рад жавоби қайтарди. Фикрларининг исботи ва ўша қушга ўрнак бўлсин учун биттадан ҳикоят ҳам келтирди[2]. Бу ҳикоятларнинг бари – қисқа-қисқа.

---

[1] Дарвоқе, ўтган асрнинг 60-йилларида шу бобнинг ўзи алоҳида китобча тарзида чоп этилган ҳам.

[2] Лекин эътироз қилган сўнгги қуш – Товуққа жавобдан сўнг асардаги ана шу қоида бузилади: Ҳудҳуд, негадир, энди ҳикоят айтмайди.

Қушлар ўзи-ку ўша эски жамиятларининг адолатсизлигидан нолиб, учишга тушишган эди. Лекин йўл машаққатини кўриб, кўплари олдинги ҳаётини қўмсади, ҳатто, очиқдан-очиқ бундан кейин учишдан бўйин товлай бошлади[3]. "Бизга Симурғ нима керак, тинчгина ўша эски ҳаётимизни яшаб юраверсак, бўлмасмиди?" – тарзида шикоятлар қилди. Ҳудҳуд жавоблари ва келтирган маънили ҳикоятлари билан қушларни бу хато ўй-фикрдан қайтишга ундади. Ниятига етди ҳам: қушларда яна бошқатдан Симурғни топишга иштиёқ кучайди.

Кейин улар Ҳудҳуддан Симурғ билан ўзлари ўртасидаги боғлиқлик қандай эканини: "Томчининг денгизга алоқадорлиги нимада?" – дея сўрашди. Ҳудҳуд: "Оламдаги барча қушларнинг сурати – Симурғнинг пурҳикмат сояси", – деб жавоб берди. Демак, биз кўриб турган бу дунё, ундаги жонзотлар, жумладан, одамзод ҳам – бор-йўғи, Аллоҳнинг бир сояси, холос.

Кейинги – 78-бобда қушларнинг Ҳудҳуддан "йўл кайфияти"ни суриштирганлари ҳақида сўз боради. "Йўл" деганда зоҳиран Симурғ томон парвоз кўзда тутилган. Симурғ сари йўл рамзан ишқни билдиради. Ишқ эса пировардида Аллоҳ васлига етишни англатади.

Шайх Санъон ҳикояти моҳиятини англаш учун ана шу – ундан олдинги боб (ҳатто, бир неча боб) мазмунини яхши тушуниб, нозик фаҳмлаб олишга тўғри келади.

Ҳудҳуд қушларга ишқни шундай таърифлайдики, ошиқ учун жон – мақсад, яъни ёрга етиш йўлини тўсадиган энг катта девор. Энди у тану жонидан ҳам, ақлу ҳушидан, ҳаттоки, иймонию миллату динидан ҳам кечиши, фард, яъни ёлғиз бўлиши – шарт. Кимки ошиққа айланса, унинг жондан ҳеч ғами йўқ. Иймонини бериб, ўрнига куфр олса ҳам – унга барибир. Ошиқ токи тану жони, ақлу ҳуши, дину иймонидан қутулмас экан, у чин ошиқ эмас:

Кимки ошиқдур – анга жондин не бок,
Куфр олиб бермак иймондин не бок.

Гар керак ошиққа ўз жононидин,
Саҳл эрур кечмак жаҳону жонидин.

Жон эрур ошиқ йўлида садди роҳ,
Уйлаким бўлғай биров йўлинда чоҳ.

Фард эрур ошиқ тану жондин доғи,
Ақлу ҳушу куфру иймондин доғи (66 – 67).

Чунки ишқ оламни ҳам, жонни ҳам куйдиради. Шавқ ўти шунчалар кучаядики, у куфру иймонни ҳам ёндириб юборади:

Ишқ оламсўз эрур, жонсўз ҳам,
Шавқ ўтидин куфру иймонсўз ҳам (67).

[3] Бу қай бир жиҳатдан мустақиллик машаққатларидан чўчиб, эски тузумни қўмсаётганлар хатти-ҳаракатига ўхшайди. Ушбу сатрлар муаллифининг Саъдулла Ҳаким билан ҳамкорликда ёзилган мақоласида шу қиёс келтирилиб, достоннинг мазкур воқеаси кенгроқ таҳлил этилган. Қаранг: Ҳ а к и м С., О л и м С. Ирода / Халқ сўзи, 1998 йил, ? октябрь.

Калаванинг учи топилди: Шайх Санъон ҳақидаги ҳикоят ана шу ғоя – тезисни ҳаётий-воқеий таҳлил орқали исботлаш учун келтирилган. Унда то ишқ кучли дардга айланмас экан, чинакам ишқ эмаслиги ҳам пухта далилланади.

Шаклан – Ҳудҳуд, моҳиятан эса – шоирнинг лирик қаҳрамони Шайх Санъон ҳикоятини баён этишдан олдин ўзини шунга руҳан тайёрлар, ўқувчини ҳам шунга чоғлар экан, жумладан:

Ишқ дайри ичра айлаб ўзни хос,
Жонни иймон нангидин айлай халос (67), –

дейди.

Байтдаги "хос" сўзининг маъносига диққат қилинса, шоир бу ерда, ишқ – сўфийлик йўли, ошиқлик – хосларгагина тааллуқли, демоқчи. Хос ҳақиқат йўлини тутган, Худога ошиқ бўлган, унинг васлини истаган, яъни тариқат йўлига кирган (чунки тариқатдан мақсад – ҳақиқат-да) кишини - сўфийни англатади.

Навоий бир қитъасида сўфийликнинг уч шартини айтади: биринчиси – пири бўлиши; иккинчиси – тасаввуфга мос истеъдодга эга бўлиш; учинчиси – пир билан мурид ўртасида мақсад мувофиқлигига (тавфиққа) эришиш лозим[1]. Шайх Санъон тариқатда эди. Яъни у авомликдан ("авом" ҳозирги маънодаги "ўқимаган" дегани эмас, балки "тасаввуф йўлига кирмаган" дегани, исломда муфтий даражасига етган бўлиши мумкин-у, сўфийликка муносабатда у авомлигича қолган) хосликка аллақачон ўтиб бўлган.

Хўш, унда достонда яна қандай босқичдан қандай босқичга ўтиш кўзда тутиляпти?

Сўфий тариқатга кирган-у, лекин ҳали чин мақсаддан – ҳақиқатдан бехабар. Яъни у тариқатда, шариатдан юксалиб (ундан юқорироқ даражага етиб) улгурган. Шунинг учун, иккинчи мисрада айтилганидек, унда иймон нанги, яъни қўрқуви бор. Ҳақиқатга эса ҳали яқинлашгани йўқ. Чунки манзар – назар ташланиши керак бўлган асл манба тўлалигича тасаввур қилинаётгани йўқ. Солик ҳали ёрининг жамолини кўрмаган. Кўрмаган нарсасига қандай қилиб ошиқи беқарор бўлсин?!

Уч боб олдин, яъни 76-бобда келтирилган ҳикоятда бир ўта хушрўю хушсуврат шоҳнинг ўз жамолини ўзи ҳам, бошқалар ҳам кўриши учун бир кўзгу ясатгани ҳақида сўзланади. Бу – кўнгилга ишора эди ва унда ёр жамоли акс этади:

Сен бу кўзгуни кўнгул қилғил хаёл, –
Ким солур аксини онда ул жамол (65).

Демак, Шайх Санъон ҳикоятидаги хослик ҳақида гап борган байтда, ишқ йўлига кирилдими, энди авомлик тамом, бундан бу ёғига мақсад (яъни ҳақиқат) сари олға босавериш керак, вассалом, деган фикр илгари сурилган. Бошқача айтганда, энди шариат босқичидан ўтилиб-ку тариқатга юз бурилган (чунки қушлар Ҳудҳуд раҳнамолигида учишни аллақачон бошлаб, анча ергача парвоз этишган), лекин тариқатни мукаммал қилиб, ҳақиқатга етиб бориш керак-да. Ахир, бош мақсад – ҳақиқат-ку. Ҳали Ҳудҳуд пир сифатида қушлар тарафидан танланганича йўқ-да.

[1] Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 542.

Шайх Санъон, асар мазмун-моҳиятига суяниб айтиш мумкинки, ҳали тасаввуфнинг зоҳидлик даражасида эди. Чунки зоҳидлик ҳам – аслида, тасаввуф. Лекин у сўфийликнинг илк босқичи, холос. Шунинг учун Навоий лирикасида ошиқ тимсоли тинимсиз равишда зоҳидга қарши "курашади".

Таъбир жоиз бўлса, зоҳидлик шариатдан тариқатга ўтиш ҳолатини билдиради. Достон воқеаси бўйича, Ҳудҳуд Шайх Санъон ҳикоятини келтиргунига қадар қушлар бу босқичдан ўтиб бўлишди.

Энди юзни аввал тариқат, кейин ҳақиқат сари буриш керак. Ошиқлик айнан ана шу – тариқатдан ҳақиқатга ўтиш жараёнини англатади. Тасаввуф адабиётида ишқ мавзусининг бу қадар кенг ва чуқур ишлангани сири ҳам – ана шунда.

Шайх Санъон ҳам ҳали ошиққа айланмаган. Чунки у ёрни кўрганича йўқ. Кўнглида маъшуқ жамоли акс этган эмас.

Зоҳид билан ошиқнинг мақсадларида кескин фарқ бор. Тасаввуф адабиёти, жумладан, Навоий шеъриятида шоирнинг лирик қаҳрамони зоҳидга таъна-дашному маломат тошлари ёғдирганда айнан ошиқ тарзида намоён бўлади. Унинг машҳур рубоийсини эсга олайлик:

Зоҳид, санга – ҳур, манга – жонона керак,
Жаннат – санга бўлсин, манга – майхона керак.
Майхона аро соқию паймона керак,
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак[2].

Шу мисраларга суяниб айтилганда ҳам, зоҳидга – жаннат, ундаги ҳур, ошиққа эса – майхона (яъни ишқ), соқий (яъни пир), жонона (яъни Аллоҳ васли) керак. Зоҳидлик билан ошиқлик ҳақиқат йўлидаги босқичлар: зоҳидлик – бошланғич босқич (зоҳид ҳам интиляпти, лекин нимага интилаётгани аниқ эмас ёки бирламчи нарса – маъшуқа қолиб, иккиламчи нарса – жаннатга интиляпти, Ўзи қолиб, у яратган нарса – жаннатга тушиш учун, умрни фақат тоат-ибодату тақво билан ўтказиш лозим, деб ҳисоблаяпти), ошиқлик – олий босқич, яъни ишққа учраган асл манзарга талпинади.

Бир босқичдан иккинчисига ўтилдими, энди биринчи босқич вазифаси адо этилган ҳисобланади.

Биз тасаввуф назарияси масалаларини муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Чунки бу – соф тасаввуфшуносликнинг иши. Бизни адабий-бадиий манба – "Лисон ут-тайр" матни қизиқтиради. Бироқ бошдан-оёқ тасаввуф руҳи билан суғорилган бу каби асарларни айни ирфоний-амалий таълимотдан айри тушунишнинг ҳам, тушунтиришнинг ҳам иложи йўқ.

Шу маънода достоннинг бу ерида ишқнинг ўти билан нафсни, демакки, худбинликни батамом, охиригача енгиш кўзда тутиляпти. Шунинг учун энди ошиқ учун иймон ё куфр деган масаланинг аҳамияти йўқ. Чунки у шундай дарди олийга мубталоки, бу ёғига уни майда-чуйда нарсалар ўртасидаги фарқ қизиқтирмайди. Солик бунақа масалаларни мутлақо унутган. Сабаби – улардан устунроқ мушкулотларни ечиш даражасига кўтарилган. Аниқроғи, айни муаммо унинг учун асосий бўлмай қолган.

Санъон шайх, ҳатто, "восили даргоҳ", "ғайб асроридин огоҳ" эди. Каъбада унинг атрофига тўрт юз мурид тўпланган. "Шоҳлар унинг остонаси гадойи" эди. Шайхлигининг дара-

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 578.

жаси шу қадар баланд поғоналарга етган эдики, дуоси ижобат бўлар эди. Тушида кўргани воқеаси ўнгида ҳам юз берар эди.

Лекин нима бўлибди, ишқдан бебаҳрами, бас, Аллоҳга етиш учун булар ҳали етарли эмасда.

Хўш, исбот?

Шайх Санъон бир кеча туш кўрди. Рум мамлакатида эмиш. Бутхонада худди унинг сокинлари каби маст-аласт ётган эмиш. Тушида кўргани ўнгида ҳам содир бўлишини билгани учун у:

Ботроқ ул кишварға азм этмак керак,
Ҳар қаён тортар қазо – кетмак керак (67), –

деб, Рум сари йўлга тушди. Тўрт юз муриди ҳам пир билан бирга борди. Йўлда бир ажойиб бутхона учради. Шайх беихтиёр шу ерга кириб борди. Кирди-ю:

Ҳусну лутфи жон аро ер тутқудек,
Бир аёқ су(в) бирла балким ютқудек (71), –

бир моҳилиқони учратди.

Ҳаммаси шундан бошланди. Унга кўзи тушди-ю, жисмидан жони чиқиб кетгудек бўлди. Зўрға ҳассасига таяниб қолди. Барибир, бўлмади. Орқаси билан деворга суянди. Фойда қилмади. Қулаб тушди. Гоҳ ҳуши ўзида, гоҳ беҳуш эди. Муридлар бу аҳволнинг сир-синоатига етолмай, тамом лол қотди.

Шайхнинг ўзи ҳам бу аҳволига ҳайрон бўлиб, ноилож, бор дардини муридларига тўкиб солди. Мени қатл этиб, жисмимни куйдириб, кулимни кўкка совуринглар, бу балодан бир йўла қутулай, деди.

Ҳар ким ҳар хил маслаҳат берди. Ўзича бу даргоҳдан қутулишнинг йўлларини кўрсатган бўлди. Шайх уларнинг гапларига киришнинг ҳеч иложи йўқлигини айтди. Охири, Каъбага қайтиш маслаҳат кўрилди. Шунда Шайх: “Ахир, Каъбада талаб қилганимни бу ердан топдим-ку, қандай қилиб у ёққа қайтаман?!” – деди.

Хўш, Шайх Каъбада нимани талаб қилган эди?

Васлни! Ёрнинг дийдорини!

Лекин у айнан кимнинг васлини истаётганини тўла тасаввур қила олмас эди. Унинг интилишлари реаллашмаган, ҳаракат манбасини – манзарини топмаган, тўғрироғи, нимага ва кимга интилаётганини ҳам аниқ-тиниқ билмас эди. Илмий тил билан айтганда, у тариқат йўлига кирган-у, бироқ унда бу талпиниш шу пайтгача ошиқлик даражасига етмаган эди.

Ана энди яна бир нозик нуқтага аниқлик киритиб ўтиш имкони туғилди. Мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодидан даҳриёна фикрлар қидириш расм бўлган шўро замонларида Бобораҳим Машрабнинг:

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак,
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай[1], –

[1] Бобораҳим М а ш р а б. Куллиёт. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2017. – Б. 92.

деган байтини айнан *“худосизлик”* деб баҳолаш бўлди. *“Иброҳимдин қолған ул эски дўкон”* эса Каъба экани – бугун барчага аён. Лекин бу буюк шоир лирик қаҳрамони нега Каъбани рад этяпти? Гап шундаки, унга Аллоҳнинг уйи эмас, балки, унинг Ўзи керак! Бу – васл, яъни меърожнинг оташин иштиёқи билан айтилган шоирона хитоб. Бу байтни, ҳаж ёки умра зиёратига севган ёринг билан қўлтиқлашиб олиб, сафархалтангга *“яримта”*ни ташлаб қўйиб бормасанг, бундай сафарнинг нима маъниси бор, ахир, Макка ўша Иброҳим пайғамбар*(а.)*дан қолган бир эски дўкон, *яъни* иморат, холос, деб талқин этсак, мутлақ хато ва сўфий шоирга нисбатан ҳаддан ташқари оғир туҳмат қилинган бўлур эди. Ҳолбуки, шўро замонида даҳрийлик бу байтдан айнан шундай худосизлик излади ва топган бўлди.

Гап шундаки, бу ерда ёр – Худо ва бода эса – ишқ тимсоли. Маккага қалбингга Аллоҳни жойлаб, у ҳақда муайян тасаввур пайдо қилиб, унга ошиқи беқарор бўлиб бормасанг, бу сафарингнинг не маъниси бор, у ҳам Иброҳим пайғамбар (а.) замонидан қолган бир оддий иморат бўлиб кўринади сенга, демоқчи шоир. Чунки бу ердаги *“ёр”* ҳам, *“бода”* ҳам рамзий-тимсолий маънода келган.

Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг биринчи ғазалида зоҳидга қарата:

Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо[2]*, –*

дейди. Айни байт Машраб мисралари мағзини чақишни осонлаштиради. Шоир лирик қаҳрамони мухолифига, яъни зоҳидга: *“жом”*ни жом, *“май”*ни май деб, тушунма, чунки дунёда сен ўйлагандан фарқ қиладиган жом ва май мавжуд, деяётибди.

Хуллас, “Лисон ут-тайр”да шоир ишқ ва тасаввуфнинг ўзаро қанчалар чамбарчас боғлиқлигини айнан Шайх Санъон мисолида ҳаётий қилиб кўрсатмоқчи.

Ўша кеча шундоқ можаролар билан ўтди. Эрталаб дайрда, яъни тарсолар (христианлар) ибодатхонасида ноғора чалинди. Шайх йўлда ҳушсиздек ётиб қолди: икки кўзи – ўша Тарсо қиз тарафда. Дайр болалари уни масхара қилиб, устидан тоза кулишди. Бундан дин аҳли – мусулмонлар роса изза бўлди. Тарсо қиз эса, гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдек, парда орқасидан қараб-қараб қўяди.

Аҳвол шу тариқа давом этаверди. Шайх ўлик жондек эртаю кеч ўртаниб ётаверди. Бир ой ўтди. Охири, Тарсо қиз ундан: *“Эй ислом аҳлига раҳбарлик қилиб келган зот, сен Каъбани тавоф қилиб юрган эдинг, не сабабдан тарсолар ибодатхонасини ватан тутдинг?”* – деб сўради:

Ким: “Аё ислом элига роҳбар,
Дину ислом аҳлиға иршодгар,

Чун санга Каъба тавофи эрди фан,
Дайр эшигинда недин туттунг ватан? (77).

Ошиққа суйганининг сўзини эшитиш осонми? Шунда Шайх батамом ҳушдан кетиб қолди. Биз учун эътиборли жойи шундаки, шоир буни, ишқнинг комиллиги, деб баҳолайди:

[2] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 25.

Келдилар бошиға аҳли куфру дин,
Уйла комил ишқиға деб офарин (78).

Энг муҳими, бундай комил ишқ маъшуққа ҳам таъсир этмай, унинг кўнглида ўзгариш қилмай қолмайди:

Ишқидин эл кўнглига таъсир ўлуб,
Ул санам ҳолиға ҳам тағйир ўлуб (78).

Ишқ шундай қудратки, у аввал бировни маъшуққа ошиқ қилади, кейин маъшуқнинг ўзини ошиққа айлантиради. Шайх Санъон ҳикоятида ҳам шу ғоя – бор. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ тушунчаларининг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги бу ерда ҳам ёрқин намоён бўлади. Бироқ келтирилган байтдаги "ул санам ҳолида ҳам тағйир (ўзгариш)" бўлганини ишора билан қайд этиб ўтиш бекорга эмас. Бу гап шоирга достон давомида ҳали жуда зарур бўлади ва биз ҳам бу масалага яна қайтамиз.

Ажабки, маъшуқанинг ўзи ошиқ бошига борди, Шайх унинг рухсорига тўйиб-тўйиб боқди. Юз ёшлардаги чолни бу моҳилиқо тамом ром этди. Қиз у билан савол-жавоб қилди. Қарасаки, Шайх Санъон фикридан қайтадиган кўринмайди.

Шунда қиз унга тўрт шарт қўйди:

– биринчиси – май ичиш (биламизки, ислом шариати маст қиладиган нарсаларни ичишни ман этади);

– иккинчиси – белга зуннор боғлаш (бу исломдан чиқиб, бошқа динга ўтишни билдиради);

– учинчиси – Қуръонни куйдириш (бунинг қандай гуноҳ эканини тасаввур қилиш қийин эмас);

– тўртинчиси – бутпараст бўлиш (Аллоҳга ширк келтиришнинг бундан бадтари бўлмайди).

Бу шартлардан мақсад Шайхни исломдаги тўрт энг катта гуноҳга ботириш эди. Шу ўринда XIII аср форс-тожик шоири Муслиҳиддин Шайх Саъдий Шерозийнинг

Май бихўр, Мусҳаф бисӯз-у, оташ андар Каъба зан,
Сокини бутхона бош-у, мардумозорӣ макун[1]*, –*

яъни: май ич, Қуръонни куйдир, Каъбага ўт қўй, бутхонада ўтириб, бутпараст бўл, (лекин) одамга озор берма, мазмунидаги машҳур байтини эслаш – ўринли.

Тарсо қиз айнан шу гуноҳи кабираларни Шайхнинг гарданига юклади. Бу ҳам кам – у бечора ана шу тўрт топшириқни адо этганидан кейин яна икки ишни бажариши лозим:

– биринчиси – йил давомида чўчқабоқар бўлиш (маълумки, исломда чўчқа гўшти ҳаром ҳисобланади);

– иккинчиси – ҳаммомда гўлахлик қилиш.

Шайх Тарсо қиз ўртага қўйган бу талабларнинг барини ўйламай-нетмай, лом-мим демай бажарди: май ҳам ичди, Қуръонни ҳам куйдирди, белига зуннор ҳам боғлади, бутга сажда ҳам қилди. Бир йили дароз кундузи чўчқа боқиб, кечалари гўлахлик вазифасини бажариб юрди.

[1] Саъдии Ш е р о з ӣ. С.

Муридлари ана шу бир йил мобайнида муридлари ҳарчанд уринишмасин, пирларини бу йўлдан қайтара олишмади. Охири, ундан умидларини батамом узиб, бир ўзини Румда қолдирганча Каъбага қайтиб кетишди.

Шайх Худо йўлидаги киши, мусулмонлар раҳнамоси эди. Навоий бутун умр исломга хизмат қилган, асарларида динни ҳадди аълосида тарғиб ва ташвиқ этган буюк эътиқод эгаси, "Низомиддин", яъни динга тартиб берган деган юксак унвонга эга чинакам соҳиби иймон шоир бўлса, умрининг охирларида битган "Лисон ут-тайр" достонида Шайх Санъоннинг Тарсо қиз васли умидида бу даражада диндан чиққанини тасвирлашини қандай тушуниш керак?

Воқеагагина эътибор қилсак, яъни асарни реалистик таҳлил этсак, муаллифнинг ўзи, эҳтимол, мутлақо кўзда тутмаган кўп-кўп талқинлар келиб чиқиши – турган гап.

Биринчи тахминий талқин. Бу ерда шоир барча динлар тенг, эътиқодда ислом ҳам, насронийлик ҳам – баб-баробар, демоқчи бўлган.

Иккинчи тахминий талқин. Ишқ-муҳаббатда диннинг аҳамияти йўқ. Мусулмон одам ҳам бемалол насроний қизни севавериши мумкин.

Учинчи тахминий талқин. Ишқ шундай оташки, у ошиқни диндан чиқаради, ҳатто, унинг ўз дини қолиб, маъшуқаси динига ўтиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

Биринчи талқиннинг хатоси шундаки, достоннинг умуммоҳияти ва муаллифнинг мақсадида икки динни бир-бирига зид қўйиш ҳам, улар иккаласи – тенг, дейиш ҳам эмас. Асар мантиғи ҳам буни талаб қилаётгани йўқ. Бу ерда, сўфий чинакам ошиққа айланганидан кейин ундан олдинги ҳаётини унута боради, дейилмоқчи. Ишқ уни шу даражада мубтало қиладики, ҳатто, энди у дину иймонини ҳам ёдидан чиқариш даражасига етиши мумкин. Шу гапни айтиш учун ҳам атай Тарсо қиз образи танланган. Тарсо қиз – ёр. Умуман, мажозий ишқда одам сифатида қаламга олинган ёр ҳамиша ҳақиқий маъшуқа рамзи бўлиб келади. Ёрни одам сифатида тасвирлаш, бошқача айтганда, инсоннинг яратилган нарсалар, жумладан, инсонга ишқини қаламга олиш "мажозий ишқ" дейилгани – шундан. Ана энди калаванинг учини йўқотмаймиз.

Иккинчи талқиннинг хатоси шундаки, бу ерда реалистик маънода тушуниладиган севги-муҳаббат ҳақида сўз бораётгани йўқ. Мутлақо. Комил ишонч ҳосил қилиш учун Шайх Санъоннинг юз ёшларга етиб қолганию Тарсо қизнинг ёшлигини хаёлга келтиришнинг ўзи – етарли. Буни XIX аср буюк олмон шоири Иоҳанн Вольфганг Гётенинг ёш бир қизни севиб қолишига менгзамаслик керак. Достон умумруҳидан келиб чиқилса, икки дин қиёси рамзий-мажозий маънода – фақат ва фақат, ишқ ошиқни олдинги ҳаётини, ҳатто, динини ҳам унутиш даражасига солиб қўяди, деган ва шундан келиб чиқадиган мақсад ва ғояни илгари суриш учун келтирилган.

Учинчи талқиннинг хатоси шундаки, бу ерда бир диндан воз кечиб иккинчисига ўтиш мантиқан сўфийлик йўлининг бир босқичидан иккинчисига ўтишни англатади.

Хўш, Шайх Санъон ҳикояти орқали сўфийлик йўлининг қандай босқичидан қандай босқичига ўтиш кўрсатилган?

Аввал тўрт, кейин яна икки шартини ўртага қўйишдан олдин Тарсо қиз Шайхга бир нарсани қаттиқ тайинлаган эди:

Қил гумонким, бизни кўрдунг – кўрмадинг,
Ё ҳавас дайриға маркаб сурмадинг (84).

Бу шунга ишораки, ишқ йўлига кирган солик энди олдинги ҳаётини, унинг яхши-ёмон барча жиҳатларини тамоман унутиши – шарт. Олдинги ҳаёт билан боғлиқлик қолмаслиги, кўрганлари кўрмаганга ўтиши керак. Чунки ошиқнинг реал ҳаётда кўрганлари – маъшуқ(Аллоҳ)нинг ўзи эмас, балки суврати, тажаллиси, яъни турли жилвалари, холос. Уларни шунинг учун ҳам унутиш шартки, энди чин ёрнинг ўзи изланяпти. Сувратига маҳлиё бўлиб, уни асл манба деб ўйлаб қолинмсин.

Тасаввуф адабиёти – ўта рамзий адабиёт. "Лисон ут-тайр"да бу юксак даражада намоён бўлган. Рамзларда адашиш – асар моҳиятига етолмаслик, деган гап. Лекин ҳар бир рамз достондаги умумий занжирнинг муҳим ҳалқаси ёхуд асар иморатининг зарур ғишти тарзида келади. Адашмаслик учун маснавий умумруҳини эсдан чиқармаслик ва қисмлар, боблар, ҳатто, байтлар аро вобасталикдан келиб чиқиб фикрлаш – шарт.

Шайхнинг бир мурид бор эди. У кўпни кўрган, сулук йўлида анча жойга етган, қаёққаки бир карвон жўнаса, унга йўлбошчилик қилган эди. Шунинг учун уни шоир "солики раҳрав" дейди. Шунга кўра, шартли равишда, уни "Раҳрав" деб оламиз. Раҳрав – асли арабча "солик" сўзининг форсча-тожикчаси. Бу "йўл юрувчи" маъносини беради. Бу ерда, очиқ айтилмаган бўлса-да, шоир Раҳрав тимсолида халифа, яъни пирнинг ўринбосарини кўзда тутган. Чунки сулукда энг иқтидорли, пишиб-етилиб келаётган мурид халифаликка ўтган. Масалан, Хожа Аҳмад Яссавий ҳам, Абдухолиқ Ғиждувоний ҳам пири комил Юсуф Ҳамадонийга халифа эди.

Рум сари йўлга тушганларида Раҳрав бошқа ерга сафарга кетган эди. Шайх даргоҳидан паноҳ топай, деб, Каъбага қайтиб келса, жой бор-у, жойгоҳ йўқ, деганларидек, хонақоҳ бор-у, пир йўқ. Тўрт юз мурид ҳам тўрт томонга тарқаб кетган.

Аҳволни мулоҳазаю мушоҳада қилиб кўрди-ю, барча муридларни ҳар ерлардан чақиртириб, бир ерга жамлади-да, гапнинг аниғини суриштирди.

Ҳаммасини билиб олганидан кейин эса уларни койиганча койиди. "Сенлардан лозим эдики, деди у, пиримизнинг тақдирига Тангридан нима тушган бўлса, ҳамманг ўйлаб ўтирмасдан унинг қилганини бажариб кетаверишинг керак эди. Ким айтади сенларни иродат аҳли деб?! Уят-е сенларга! Чархдан пиримизга итбоқарлик тақдир этганда, қўшилишиб ит боқмайсанларми?! Бундай бевафо муридлардан вафодор ит яхши эмасми?! У ўзига жафо етказганда, сизлардан ҳам шундай қилиш вожиб эмасмиди?.."

Бунинг достон воқеасига бевосита алоқадорлиги – бор. Ҳикоят достонда Ҳудҳуд тилидан қушларга айтиб бериляпти. Бу билан Ҳудҳуд баҳонада ўзлари Ҳудҳудни пир сайлаб қўйиб, энди Симурғ сари учишдан бош тортаётганликларини таъна қиляпти ҳам. Сулукка кирилдими, энди шайхнинг айтгани – айтган, дегани – деган бўлиши керак эди. У нима қилса, мурид ҳам шуни такрорлаши – шарт, ахир.

Хуллас, Каъбада Раҳрав шу сўзларни айтиб, барчани яна қайтадан Рум сари бошлади. Муридлар истар-истамас унга эргашди.

Румга бориб, пирларини ёбондан топдилар. Чўчқа боқиб юрган экан бечора. Шайх Санъон ўз муридларини мутлақо танимади. Муридлар, ноилож, шаҳарга қайтиб, Раҳравнинг буйруғи билан бир ибодатхона топдилар-да, кечаю кундуз дуода бўлиб, Тангри таолодан шайхларини бу ишқ балосидан тезроқ халос этишини сўрадилар.

Ихлос – халос, деган гап бор халқда. Сидқидил ихлос билан қилинган дуолар – ижобат бўлғуси, албатта.

Раҳрав бир кеча эрта тонггача шундай ашки ниёз тўкдики, буткул ҳолдан тойиб, бир зум кўзи юмилди. Шунда унинг кўзларига аввал бир нур, кейин бу нур ичра эса Қуёш кўрин-

ди. Қараса, нур ичра Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) табассум қилиб келяптилар. Расулуллоҳ (с. а. в.) Раҳравга:

Сидқ ила туз ниятингга офарин!
Саъю олий ҳиммaтингга офарин! (88) –

деб, муножотлари даргоҳида қабул бўлганини айтдилар. Кейин Шайх Санъон ҳақида:

Тенгри махфий ҳикмати изҳорида,
Сайр даштида, сулук атворида

Солик оллида қўюптур воридот, –
Ким ўзин қутқормай ондин йўқ нажот (88), –

дедилар.

Демак, Шайх Санъоннинг Тарсо қизга ошиқ бўлиши ўзини қутқариш, ўзидан воз кечишнинг кўриниши, воситаси ёки бир баҳонаси эди. Ўрни келгани учун таъкидлаб ўтайликки, тасаввуф шеърияти, жумладан, Навоий ижодида ўзликни топиш масаласи худди ана шундай ўзликдан кечиш тарзида қўйилади. Сўфий ўзлигидан (яъни нафсидан, жисмидан, жонидан) кеча боргани сари чинакам ўзликни (аниқроғи, Яратганни) топа боради.

Шундан кейин Раҳрав муридларга бўлган гапни айтди, улар унга ҳамроҳ бўлишди, биргалашиб, яна пирлари томон йўл олишди. Йўлбошчи худди майсазору сув устида шамолдек учиб борар эди. Тавфиқ гулшани эсган шамол пирга – Шайх Санъонга ҳам таъсир қилган эди. Ундан ҳам гумроҳлик кетиб, руҳида огоҳлик бошланган эди. Кутилмаганда зуннорни ечиб ташлади. Унга ҳидоят шамъидан нур етишган эди.

Шайх Санъон яна қайтадан пирлик хирқасини кийди. Асҳоблари билан йўлга тушиб, Каъба сари равона бўлди.

Хўш, Шайх Санъон-ку Каъбага қайтиб кетаётибди, уни ўзини унутиш даражасига олиб борган, ҳатто, динидан маҳрум этган моҳилиқо – Тарсо қизнинг аҳволи не кечди? У Шайхни исломдан чиқарганию шунча майна қилганига қувониб, Румда кулиб қолавердими?

Йўқ. У туш кўрди. Тушида Исо алайҳиссалом унга келган меҳмоннинг кимлигини билмагани, мезбонликни эплай олмаганини айтиб, Шайх Санъонни топиб, ундан узр сўраш, унинг динига киришни тарғиб этиб турибдилар-ку: "Шайх Санъондек муршиди аҳли замон дайрингга меҳмонликка келди-ю, лекин сен мезбонликни эплай олмадинг. У бечоранинг бошига не-не кунларни солдинг-а. Мана, қара, у бу дунёга меҳмонликни мутлақ тарк этиб, ҳарам, яъни Маккага мезбонликка кетди. Сен ҳам тез олдига бориб, унинг динига кир, унга узрингни айтиб, тариқатини қабул қил!"

Биринчидан, шоир Исо алайҳиссалом тилидан:

Дайрнинг меҳмонлиғин тарк этти ул,
Мезбонлиғқа ҳарамға кетти ул (90), –

деганида биратўла икки маънони кўзда тутган:

1. Дайр, яъни насронийлар ибодатхонасига меҳмонликни тарк этиб, ҳарам, яъни Каъбада мезбонлик қилишга кетди. Яъни тарсоликдан воз кечиб, яна исломга қайтди.

2. Дайр, яъни дунёга меҳмонликни тарк этиб (фанога эришиб, ўзлигига батамом барҳам бериб), ҳарам, яъни Аллоҳ даргоҳига мезбонлик қилишга кетди (руҳан Тангри таолога етди).

Иккинчидан, "мезбонлиқ" сўзи бекорга ишлатилаётгани йўқ. Сал ўтмай Тарсо қиз Каъбага меҳмонликка бориш учун йўлга отланади, шунда Шайх мезбонга айланади. Бу ерда шунга ишора ҳам – бор.

Учинчидан, бу ерда, қиёмат яқинлашганда Исо пайғамбар Ерга тушиб, қавмини Муҳаммад Расулуллоҳ (с. а. в.) динига ўтишга ундайди, деган ақидага ҳам суянилган.

Чиндан ҳам, Тарсо қиз Каъба сари йўл олган Шайх Санъон изидан тушди. Ишқ унинг ўзини шу даражага олиб бориб қўйдики, нолаю зорлар қилиб кетаётиб, йўлда – бир чўлу биёбонда бу ҳам ҳушсиз йиқилди.

Шу маҳалда Шайхга ҳам, бир пайтнинг ўзида Раҳравга ҳам (чунки у ҳам пирликка яқинлашиб қолган эди) каромат юзланди – кашф билан Тарсо қиз аҳволини худди кўриб тургандек ҳис этиб, орқаларига қайтиб, юра бошлашди. Нима гап бўлаётганини билишмаса-да, муридлар ҳам ўйламай-нетмай уларга ҳамроҳлик қилишди.

Чўлу биёбондан Тарсо қизни топишди. Шайх Санъон йиғлай-йиғлай ёрининг бошини қўйнига олди. Шу заҳоти қиз ўзига келди. Маъшуқини кўриб, кўзларидан юм-юм ёш тўкди. Хатосини бўйнига олди, Шайхга берган азобларидан пушаймонлигини билдириб, тавба-тазаррулар қилди, узрхоҳликлар айтди, ўзини, юртини, динини ҳам ёмонга чиқарди:

Ҳар неким қилдим, ямон қилдим, ямон,
Мен – ямон, кешим – ҳамон, диним – ҳамон (92).

Сўнг Исо(а.)нинг даъватларини эслатиб, Шайхига исломга кирганини билдирди. Ёридан иймон шартини сўради. Шайх айтиб турди, у иймон келтирди: "Ла Илаҳа Иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ..."

Тарсо қиз чинакам ишқнинг таъсири билан муслимага айланди, чин ошиғи қўлида жон берди, бу дунёдан иймон билан кетди.

Шайх маъшуқасини мусулмонлар мозорида дафн эттирди. Умр ўтиб, ўзи ҳам омонатини топширди – ёр васлига етди.

Бу билан шоир, ишқ комил бўлса, маъшуқнинг ўзи ошиғини севиб қолади, демоқчи. Ана шунда чинакам васл юз беради. Энди, буниси – ошиқ, *униси* – маъшуқ, деб ўтиришга ҳожат қолмайди. Чунки ошиқ – маъшуққа, маъшуқ – ошиққа айланиб кетаверади.

Шоир Ҳудҳуд номидан хулоса қиладики, ишқ бобида шоҳ ҳам, гадо ҳам – бир:

Ишқ мулкида гадоу шоҳ – бир,
Дайр ичида раҳбару гумроҳ – бир (93).

Лекин бу ҳали асосий мақсад ифодаси эмас. Тўғри, бу билан Ҳудҳуд қушларга олдинги ҳаётларини унутишни тарғиб этиб, энди мен шоҳ эдим, мен гадо эдим, деб ўйлаш у ёқда турсин, ҳатто, ошиқлик оташи кишини дину иймонини ҳам унутишга олиб боради, демоқчи.

Шайх Санъон ҳикояти, аслида, достондаги "Қушларнинг йўл кайфиятин Ҳудҳуддин саволи ва онинг жавоби" деган 78-бобнинг ҳаётий далили сифатида келтирилган. Ана шу 78-бобда ғоя назарий жиҳатдан илгари сурилган эди.

Симурғни (моҳиятан Аллоҳни) топиш йўлида ишқ кулли сифат, яъни асосий – умумий жиҳат ҳисобланади. Энди ишқ аҳлига бировнинг маслаҳати кор қилмайди. Чунки у мақсади сари интилаверади. Уни ҳеч ким бу йўлдан оздира олмайди. Энди у бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайди:

Ким бу йўлда ишқдур кулли сифат,
Ишқ аҳлидин йироқдур маслаҳат (66).

Кимки чинакам ишққа мубтало бўлган бўлса, унга жон таслим этгани маъқулроқ, лекин, шуниси ҳам борки, энди унинг жонига офат етса ҳам, парвосига келмайди:

Кимга дарду ишқ муставлодурур,
Тарки жон этмак анга авлодурур.

Кимки жонон сори онинг ройи – бор:
Жонға офат етса, не парвойи – бор?! (67).

Кўриниб турибдики, бу – ўта рамзий бир ишқ.

Шоир китобхонни Шайх Санъон ҳикоятига тайёрлаб борган эди. 77-боб тарзида келган ҳикоятда бир ўта хушрўй подшоҳнинг ўзини ўзи ва халқи кўриши учун қасри олдида бир катта ойина ясатгани баён этилади. Унда шундай байт бор:

Бермайин бу кўзгуга аввал жило,
Акс онда солмағай ул подшо (65).

Подшоҳ (бунда асар воқеаси жиҳатидан Симурғ қушга, моҳият эътибори билан эса Аллоҳга ишора бор) аввал бир кўзгу ясатмай туриб аксини кўра олмаслиги айтиляпти. Яъни Аллоҳ жамоли акс этиши учунинсон аввал ўз кўнглига жило бериши – лозим. Бу кўзгу эса кўнгил рамзи эканини шоир олдин айтган эди:

Сен бу кўзгуни кўнгул қилғил хаёл, –
Ким солур аксини онда ул жамол.

Қасри – тан, онда кўнгулни кўзгу бил,
Кўзгуда шаҳ ҳуснини наззора қил (65).

Кўнгилни кўзгу сифатида таърифлаш достоннинг кириш бобларида бор эди. Бу ерда асосий воқеа ўша назарий мулоҳазаларга чамбарчас боғланяпти.

Шу талқинлардан ҳам маълум бўлиб қолаётибдики, Шайх Санъон ҳикояти орқали шоир сўфий кўнглида ёр акси намоён бўлиши жараёнини қаламга олган. Ҳудҳуд қушларга Шайх Санъон ҳикоятини айтиб бериш билан бу орзуни янада кучайтиради. Уларни мақсад сари интилишга ундайди.

Шайх Санъон ҳикоятидан кейин рамзан қушларнинг чинакам ошиқлик даври бошланади. Энди асарда бир муҳим нарса ўзгаради. Худди Шайх Санъон ошиқи беқарор бўлиб, дину иймонини ҳам унутгани каби, бундан бу ёғига энди ҳеч бир қушнинг номи йўқ – улар ҳақида сўз юритилгудек бўлса, шоир *"бир қуш"* деб кетаверади. Чунки қушлар энди водийларни учиб ўтишга киришди. Ўзликдан кечишнинг биринчи босқичи Шайх Санъон ҳикояти айтилганига қадар босиб ўтилган[1]. Шунинг учун ҳам айрим навоийшуносларнинг, *"Лисон ут-тайр"*да ҳар бир қушнинг ўзига хос характери очилган, деган қабилдаги талқинларини умумдостонга нисбатан ишлатиш мутлақо мумкин эмас. Бу гап фақат достоннинг Шайх Санъон ҳикоятигача бўлган қисмигагина тегишли, холос.

79-бобгача баъзи қушларда шубҳа, эътироз, бош тортиш каби ҳолатлар юз бериб турган эди. Энди бундай гаплар йўқ. Энди ҳақиқатни излаш – Симурғ қушга етиш сари ҳаракатда ҳал қилиб олишга тўғри келадиган бошқа масалалардангина саволлар бўлади. Ҳудҳуд уларнинг барига жавоб қайтариб бораверади.

"Лисон ут-тайр" – лиро-эпик достон. Шунинг учун асар воқеаси баёнида лирик қаҳрамон кутилмаганда "аралашиш"и мумкин. Бироқ Шайх Санъонгача Ҳудҳуд нақд 15 та ҳикоят айтган бўлса, лирик қаҳрамон уларнинг бирортасига "шерик"лик қилмайди[2]. Шайх Санъон ҳақидаги бобда шу қоида бузилади: шаклан: яъни услубан бу ҳикоят ҳам Ҳудҳуд тилидан баён этилаётган бўлса-да, шоир гўё буни "унутади" ва бевосита қалби туғён ура бошлайди.

Шайхни андоққи шайдо этти ишқ,
Олам аҳли ичра расво этти ишқ (93), –

байтидан сўнг шоир тўғридан-тўғри ўзи сўзлай кетади:

Сўнгра мендин солмади ғавғосини,
Кимса кўнгли мулкиға яғмосини.

Ҳолим ондин, кимса гар, ортуқ, демас,
Ортуқ эрмас бўлса ҳам, ўксук эмас (93).

Бу билан достон муаллифи Шайх Санъон ишқига ҳавас қилаётгани, ўзини ҳам шундай мубталолик чулғаганини яширмайди.

Асар воқеаси бўйича, бу ҳавас қушларга ҳам ўтди. Уларнинг Симурғ сари парвози энди бутунлай бошқа маром ва мақомга эга бўлди. Ишқ шавқи улар қўлидан ихтиёрни олган эди. Улар худди чақмоқ чақинидек тез учар, бир ҳамл (қанот қоқиш) билан ғарбдан шарққа етар эди. Лекин, барибир, бўлмади – орадаги бошбошдоқлик буткул барҳам топмади: бирови бировидан ортда қолар, ўзини ҳар манзилларга солар эди. Шайх Санъон ҳикоятининг таъсири шундаки, қушлар, иттифоқ бўлиб учмасак, бўлмайди, ахир, қўйни ҳам қўйчивон бошқармаса, кимдир жамоатга сардорлик қилмаса, бўлмайди-*ку,* деган фикрга келди. Ҳудҳудни йўлбошчиликка ундашди. Ҳудҳуд бунга кўнмади. Тенглик бузилади, ҳаммамиз ҳам бир

[1] Бу – Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достонида Қайснинг Мажнунга айланиши билан бир хил ҳодиса. Бу ҳақда қаранг: О л и м С. Тасаввуфий тавба. / Нақшбандия, 2008 йил, № Нишона.– Б. 10 – 14.

[2] Шунинг учун бўлса керак, достоннинг 1991 йилги нашрида бу ҳикоятлар тўлиқ матни қўштирноққа олиб берилган (Қаранг: Алишер Н а в о и й. Лисон ут-тайр. Насрий баёни билан. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991).

қуш бўлсак, мен сизлардан устундек бўлиб қоламан, бу яхши эмас, деб ҳисоблади. Кейин, адолат (бугунги тил билан айтганда, демократия) бўлсин, деб қуръа ташланди. Қарангки, қуръа ҳам, келиб Ҳудҳудга тушди. Ҳудҳуд бошчилигида қушларнинг ҳаммаси яна қайтадан учишни бошлади.

Бу билан шоир, жумладан, тасаввуф йўлини пирсиз – раҳнамосиз босиб ўтиш мумкин эмаслигини исботлаган ҳам бўлади.

Хуллас, "Лисон ут-тайр" ўзига хос бир и ш қ н о м а бўлса, асар воқеасига кўра, қушларда бу ишқ айнан Шайх Санъон ҳикоятидан кейин чинакамига ўт олади.

Шу ҳикоятдан асардаги тасвир чизиғи кескин ўзгаради. "Анъанавий" деб юритиладиган, "Лисон ут-тайр"да бевосита асар моҳияти билан чамбарчас боғлиқ дастлабки бобларни ҳисобламаганда, шартли равишда, достонни икки қисмга бўлиш мумкин:

Б и р и н ч и с и. Қушлар билан боғлиқ тасвир қисми (бу 14-боб билан бошланиб, "Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулига еткони" деб аталган 169-боб билан тугайди).

И к к и н ч и с и**.** Қушлар билан боғлиқ бўлмаган, бевосита шоир лирик қаҳрамони дарду ҳоли баёни бўлган қисм (бу 170 – 193-бобларни ўз ичига олади).

Ана шу биринчи қисмнинг ўзи яна иккига бўлинади:

– шариатдан тариқатга ўтиш тасвири (14 – 78-боблар).

– тариқатдан ҳақиқатга ўтиш тасвири (80 – 169-боблар).

Мазкур икки қисмни боғловчи ҳалқа – Шайх Санъон ҳикояти (яъни 79-боб).

Шунинг учун ҳам, исботлаган бўлдикки, "Лисон ут-тайр" Шайх Санъон ҳикоятисиз "Лисон ут-тайр" эмас.

Шунинг учун ҳам Шайх Санъон қиссасини, *"Лисон ут-тайр"нинг олтин ҳалқаси,* деб ҳисоблаш – керак.

ОЛТИНЧИ БОБ

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” – ФОРСИЙ-ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТ СИНТЕЗИ СИФАТИДА: ТАРЖИМА-ВИЙЛИК ВА НАЗИРАВИЙЛИК

Адабиётшунослик илмида минг йиллик форсий ва туркий ёзма сўз санъати равнақини яхлит адабий жараён сифатида қараш тамойили (тенденцияси) мавжуд. Бу бежиз эмас. Буни биргина буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий (Фоний) ижоди мисолида ҳам тўла исботлаш мумкин.

Навоий қаламига мансуб олти достон(“Хамса”даги “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъайи сайёр”, “Садди Искандарий”, шунингдек, “Лисон ут-тайр”) нинг ҳар бири эски ўзбек тилида форс-тожик адабиётидаги муайян муаллиф достонига назира-жавобия тарзида битилган.

Аввало, бу олти достон татаббуънинг алоҳида турига киради. Яъни, айтайлик, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийнинг Низомий Ганжавий “Хамса”сидаги достонларга назираси бир тилдаги асарга шу тилдаги жавобия ҳисобланади. Навоий достонлари эса – бу жиҳатдан бир тилдаги асарга иккинчи бир тилдаги жавобия намунаси.

Ўз-ўзидан, бундай татаббуъларни, шартли равишда, таржима-жавобия деб ҳисоблаш – керак. Шунда илмий тақсимот (дифференциация) ёки тасниф (классификация) қилиш тўғри бўлади: бир тилдаги асарга шу тилдаги жавобияни бир тилдаги асарга ўзга тилдаги назирадан аниқ ажратиб олган бўламиз.

Бироқ бу фикримизни ҳеч ким: “Навоий достонларида таржимонлик қилган, дейиляптими?” – деб тушунмаслиги лозим. Бу ерда гап бир тилдаги асарга иккинчи тилда жавоб ёзиш жараёнида, табиий равишда, таржимага хос жараён кечиши ҳақида бораётир. Аксинча, иккинчи бир тилда назира битаётган муаллифда ўз тилида ўша асос (доминанта) асарга мос келадиган янги-янги ифода, тимсол ва баён намуналарини топишига тўғри келади.

Бундай тасниф Навоий достонларининг назиравий хусусиятларини ўрганиш, улардаги типик (андозавий) ўзига хосликларни илмий аниқлаштиришни осонлаштиради.

Бироқ бундан энди иккинчи бир масала ҳам келиб чиқади: Навоий достонлари татаббуъ белгилари жиҳатидан айнан бир хилми? Хусусан, “Хамса” достонларининг назиравий жиҳати билан “Лисон ут-тайр”нинг жавобия табиатида кескин тафовут йўқми? Бўлса, улар айнан нималардан иборат?

Бунда ўта муҳим уч жиҳатни кўздан қочирмаслик керак.

Б и р и н ч и д а н, Навоий “Хамса”ни қирқ икки – қирқ тўрт ёшлари орасида ёзиб тугатди. Бундай синни солдаги ижодкорда, табиий равишда, салафлар билан беллашишга мойиллик ўта кучли тарзда сезилади. Қандай бўлмасин, салоҳиятини тўлалигича намоён этгиси, халқона айтганда, кучини бир “кўрсатиб қўйгиси”, имкон қадар кўпроқ янгилик яратгиси, оҳорий (оригинал), навоиёна атама билан ифодалаганда, “тарҳи (лойиҳаси) тоза” асар бунёд этгиси келаверади. “Лисон ут-тайр”ни у олтмиш ёшга яқинлашганида қоғозга туширди. Бу киши анча босилиб қолган, мулоҳазакорлик кучайган, жўшқинлик ўрнини фалсафийликка мойиллик эгаллаган бир ёш ҳисобланади.

И к к и н ч и д а н, муаллифнинг “Хамса” ёзишдан кўзлаган мақсади билан “Лисон ут-тайр”ни яратишдан кўзлаган нияти ўртасида кескин фарқ – бор. “Лисон ут-тайр”да Фаридиддин Аттор олдидаги ижодий қарздорлик ҳисси устунлик қилади.

У ч и н ч и д а н, "Хамса"га жавоб қайтариш анъанаси Навоийгача ҳам шаклланган эди. Унинг асосий тажрибалари моҳиятида, иложи борича, кўпроқ янгиликка интилиш ётар эди. Улуғ ўзбек шоири шу анъаналарга суяниши шарт эди. "Мантиқ ут-тайр"га дастлабки жавоб битган шоир – ҳозирча Навоий. Бу қандай бўлиши лозимлигини шоирнинг ўзи белгилаган. XVIII асрга келиб хоразмлик ўзбек шоири Мавлоно Ризоий Пайвандий Атторнинг "Мантиқ ут-тайр"ига жавобан "Қуш тили" достонини битди. Энди Пайвандийнинг Навоийнинг айни достонга назира битиш анъанасига суяниш имкони бор эди.

Шу асослардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, назиралик даражаси сифатида "Хамса" достонлари – бошқа, "Лисон ут-тайр" – бошқа мақомда туради.

Бу илмий даъвони биринчи галда шоирнинг "Хамса" достонлари ҳамда "Лисон ут-тайр"даги ўз салафларига муносабатидан келиб чиқибгина исботлаш мумкин.

Кўплар Навоий "Хамса"сини, Низомий Ганжавий "Хамса"сига жавоб, деб ҳисоблайди. Бу – жуда умумий тасаввур маҳсули. Юзаки қарагандагина – шундай, холос. Яъни Навоий ҳам худди Низомий "Хамса"сидаги тартиб асосида беш достон битди, шу достонлар табиати, сюжет чизиғи ҳам – ўша-ўша. Бироқ, аслида, Навоий фақат "Ҳайрат ул-аброр"нигина Низомий "Махзан ул-асрор"ига жавоб тарзида ёзди. "Хамса"сидаги қолган тўрт достонининг ҳар бири – бошқа-бошқа шоирлар маснавийларига жавоб. Аниқроғи, "Фарҳод ва Ширин" – Хусрав Деҳлавийнинг "Ширин ва Хусрав"ига, "Лайли ва Мажнун" – Хожу Кирмонийнинг "Лайли ва Мажнун"ига, "Сабъайи сайёр" – Ашраф Марағонийнинг "Ҳафт авранг"ига, "Садди Искандарий" – Абдураҳмон Жомийнинг "Искандарнома"сига назира. Буни "Муҳокамат ул-луғатайн" рисоласида Навоийнинг ўзи айтган: "Бу тўрт девон ("Хазойин ул-маоний" девонлари – С. О.) овозасин чун рубъи маскунга еткурупмен, "Хамса" панжасига панжа урупмен. Аввалким, "Ҳайрат ул-аброр" боғида табъим гуллар очибдур, Шайх Низомий руҳи "Махзан ул-асрор"идин бошимга дурлар сочибдур. Яна чун "Фарҳод ва Ширин" шабистонига хаёлим юз тутубдур, Мир Хусрав (Деҳлавий – С. О.) дами "Ширин ва Хусрав" ўтидин чароғимни ёрутубдур. Яна чун "Лайли ва Мажнун" водисида ишқим пўя уруб, Хожу (Кирмоний – С. О.) ҳиммати "Гавҳарнома"сида нисоримга гавҳарлар еткуруптур. Яна чун "Сабъайи сайёра" расадин замирим боғлабдур, Ашраф (Марағоий – С. О.) "Ҳафт пайкар"ининг етти ҳурвашин пешкашимга яроғлабдур. Яна чун "Садди Искандарий" асосин хотирим муҳандиси солибдур, ҳазрати Махдум (Абдураҳмон Жомий – С. О.) "Хираднома"сидин кўси ислоҳ ва имдод чолибдур"[1].

"Лисон ут-тайр"даги муаллифнинг Атторга ва бевосита унинг "Мантиқ ут-тайр"ига муносабатлариданоқ кўп нарса ойдинлашади.

"Лисон ут-тайр"ни шоир "Фоний" тахаллуси билан битди[2]. Ҳолбуки, унгача "Фоний" шоирнинг фақат форсий шеърларида қўллаган тахаллуси эди. Достон – жами 192 бобдан иборат. Шундан олти бобда муаллиф бевосита Аттор ва унинг "Мантиқ ут-тайр"ига муносабатини билдириб ўтади.

Аввало, бу қайси боблар? Қолаверса, улар асарда қандай ўрин тутади? Бундан ташқари, нега шоир бу гапларини жамлаб, бир бобда айтиб қўя қолмаган? Шу саволларга жавоб топмай туриб масаланинг моҳиятига етиш – қийин.

"Лисон ут-тайр"да манба ("Мантиқ ут-тайр") ва унинг муаллифи(Аттор)га муносабат "Хамса" достонларидаги халафнинг салафга ва унинг муаллифига муносабатидан кескин

[1] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 16-жилд. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 26.
[2] Бунинг сабаблари ҳақида қаранг: О л и м С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 7 – 46.

фарқ қилиши монографиямиз ушбу қисмининг “Лисон ут-тайр” – муножотнома ёхуд унинг лиро-эпиклик даражаси” деб номланган учинчи бобида кенгроқ кўриб ўтилган.

Энг муҳими, “Лисон ут-тайр”нинг бирор ерида “Мантиқ ут-тайр” танқиди йўқ. Эҳтимол, Навоий кўнглида бу достонга нисбатан ҳам озми-кўпми танқидий муносабат бўлгандир. Айтайлик, “Мантиқ ут-тайр”даги кўпсўзликми, бир назарий масала иллюстрацияси учун бир неча ҳикоятни кетма-кет келтиришми маъқул тушмагандирки, “Лисон ут-тайр”да бунга йўл қўйилмаган. Лекин халаф (Навоий) салафи(Аттор)га нисбатан туғилган бу ички муносабатини ҳеч ерда китобхонга билдирмайди. Бу ҳам – бир қатъият. Бу ҳам – бир одоб. Бу ҳам – бир маданият.

Бунга сабаб ҳам – бор. “Хамса”ни ёзишда салаф билан халаф ўртасидаги муносабатлар устоз-шогирд муносабатларини эслатади (ҳатто, “Искандарнома” ва “Садди Искандарий” асарлари ўртасида муносабатлар ҳам бундан мустасно эмас), чунки бу ерда фақат адабий устоз-шогирдлик – мавжуд. Бироқ “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисонут-тайр” муаллифлари ўртасидаги муносабатлар фақат адабий доира билан чегараланмайди: бу ерда устоз-шогирдликдан ташқари, тасаввуфий маънодаги бевосита пир-муридлик муносабатлари ҳам юзага чиқади. Демак, “Хамса” достонларининг назиравий табиатига, асосан, адабий ҳодиса сифатида қарасак, “Лисон ут-тайр”нинг назиравий табиатига ҳам адабий, ҳам тасаввуфий ҳодиса сифатида қарашимизга тўғри келади.

“Лисон ут-тайр”нинг лиро-эпиклик даражаси, ҳатто, “Ҳайрат ул-аброр”даги лиро-эпиклик даражасидан ҳам юқори. Сабаби – ана шу олтинчи достонида муаллиф бевосита ички инсоний, яъни бандаликка хос, сўфиёна, яъни тасаввуфона шахсий ҳис-туйғулари, нозик ва олий истак-муддаоларини барча маснавийларидагидан кўра кўпроқ, хўброқ ва ошкорроқ тарзда ифодалаган.

Бунинг исботи учун “Лисон ут-тайр”нинг “Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулиға еткони” деган 159-бобини кўриб чиқиш – жуда муҳим.

Шоир қуш тилидан сўзланган бу асар моҳиятида бошқа теран маънолар ётиши ҳақида сўзлай туриб, буни ҳар ким ҳам тушунмаслигини айтади. Кутилмаганда, бир шарт қўяди:

Шарт буким, онглағон шарҳ этмагай,
То тилидин бошқа офат етмагай (189).

Яъни: бу асар моҳиятини тушунган одам уни шарҳламасин, чунки хато қилиб қўймасин-да.

Шунда муаллиф Аллоҳ олдида истиғфор қилиб, айтмас сўзларни айтиб қўйгани учун унинг Ўзидан паноҳ излайди:

Мен деб, истиғфор қилдим, ё Илоҳ,
Ойтмас сўздин санга қилдим паноҳ (189).

Лекин бу ерда бир нозик жиҳат – бор: Фоний ўзидан ҳеч нарса қўшмаган, фақат Аттор сирларини шарҳлаган, холос:

Ўз қошимдин солмадим бу навъ тарҳ,
Айладим Аттор асрорини шарҳ (190).

Шунинг учун, дейди шоир, кимга пайравлик қилганимни назора айлагил (239). Достоннинг лирик қаҳрамони “ҳимояланиш”нинг яхши йўлини топади, яъни барча “гуноҳ”ни Атторга тўнкаб қўя қолади, мен хато қилган бўлсам ҳам, у хато қилмайди, чунки кўп қалам суриб, камолга етган зот ҳисобланади, менинг хатомни ҳам ундан деб билинглар, дейди:

Мен ғалат қилсам, анга йўқтур ғалат, –
Ким камол авроқиға кўп сурди хат.

Сўзда табъим гар ғалатқа қилди майл,
Ҳодийи комил сўзига қил туфайл (190).

Бу парчада шоир мазмунан: “Мен асар тарҳига ўзимдан ҳеч қандай ўзгартириш киритмадим, фақат Аттор сирларини шарҳладим, мен хато қилган бўлишим мумкин, лекин Атторда хато йўқ, мабодо, сўзларимда хатога майл намоён бўлган бўлса, буни комил йўлбошчи, яъни Аттордан кўр, чунки мен унга садоқат билан эоргашдим”, – деяпти.

Достоннинг “Шайх авсофию ўзининг анга пайравлиғда иттисофи” деб номланган 173-бобида муаллиф яна Атторнинг устозлик қилгани масаласига қайтади. Ёзу қиш Аттор дўконидан шакар олмоқ ниятида юрар эдим, дейди у, унинг муқаддас руҳи арш боғидан келиб, худди сўзлай оладиган қуш каби қуш тили мушкулларини ечишда йўл кўрсатди, бу борада мени устодга айлантирди-ю, мен туркий тилда достон битдим...

Кейинги – 174-боб “Ўзининг Шайх руҳи мададидин анга татаббуъ қилғонға қақнус тамсили” деб аталади. Унда Атторни – қақнусга, ўзини эса кул ичидан ғимирлаб чиққан қақнусбачага ўхшатади: у – ота, мен – ўғил демоқчи эмасман, балки, у – олий сифатли шоҳ-у, мен унга қул, дейди[1]:

Мен демонким, ул отодур, мен – ўғул,
Ул – шаҳи олийсифот, мен банда – қул (197).

Хўш, нега Фонийнинг Атторга муносабати, меҳру муҳаббати – бу қадар бўлакча?

“Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби” деган 179-бобда бу масалага ойдинлик киритилади. Маълум бўлишича, Фоний болалигида мактабда ўқиб юрган кезлари муаллим “Каломуллоҳ”, яъни Қуръон такроридан зериккан болаларга саводи равон бўлсин учун Саъдий Шерозийнинг “Гулистон”, “Бўстон”и каби насрий ва назмий асарларни берар эди. Алишерга Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”и кўп ёқиб қолди. Бора-бора у шу китобдан бош кўтаролмай қолди. Яширин маънолари сирларига етганда завқи ошгандан ошиб борар эди. Шу китоб уни бемаъни эл суҳбатидан қочиб, узлатга чекиниб олиб ўқишга машғул айлади. Охири ота-онаси фарзандининг бу ҳолатимдан хабар топиб, телбаликка дучор бўлишидан қўрққанидан, китобни қўлидан олиб, яширишди. Лекин улар билмас эдики, у достонни тўлиқ ёдлаб олган эди:

Лек чун ёдимда эрди ул калом,
Ёшурун такрор этар эрдим мудом.

[1] Бу ҳақда монографиямиз шу иккинчи қисмининг *“Лисон ут-тайр”да Қақнус тимсоли”* деб номланган 7-бобида батафсилроқ фикр юритилади. Яна қаранг: О л и м С. / Тафаккур, 2019 йил, № ?. – Б. ? – ?.

Ондин ўзга сўзга майлим оз эди,
Қуш тили бирла кўнгул ҳамроз эди (207).

Шоир бир умр шу болалик “қадрдон”и – “Мантиқ ут-тайр”га “таржума расми била” жавоб ёзишни орзу қилиб яшаган:

Ким бу дафтарға бериб тавфиқ Ҳақ,
Таржума расми била ёзсам варақ (207).

Ёши олтмишга қадам қўйганида шоир бу достонини бошлади. Аттор руҳидан мадад сўради, шайх руҳи имдод берди, иш охирига етиб, тез фурсатда “Лисон ут-тайр” битилди.

Навоий ўз “Хамса”си достонларининг бирортаси ҳақида “таржима” атамасини ишлатмаган. Аксинча, уларда имкон қадар оҳорийлик ҳақида сўз боради. Масалан, “Фарҳод ва Ширин”да, бу достон воқеасини шарҳлашда ўзгача бир тарҳ (лойиҳа) чизишим керак, деб ҳисоблайди:

Заруратким, солиб бир ўзгача тарҳ,
Бу меҳнатномани қилғумдурур шарҳ[1].

Бундан ташқари, “Фарҳод ва Ширин”да шоир салафларини қаттиқ танқид остига олади. Мақсади – янги, уларникига кам ўхшаган, улардан кескин ажралиб турадиган асар яратиш. Достоннинг 9-бобида буни исботлайдиган далил – етарли. Муаллиф ўз олдига бир дастурий вазифа қўяди. Мақсадимиз учун жуда зарур бўлгани учун, каттароқ бўлса ҳам, шу парчани келтирамиз:

Ки чун бу уйда қилғунг нақш дебо,
Керак уй тарҳи доғи бўлса зебо.

Агарчи назми дилкаш тушса масмуъ,
Анинг афсонаси ҳам бўлса матбуъ.

Бурун жам эт неким, бўлғай таворих,
Борида иста бу фархунда таърих.

Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.

Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа майли беандоза бўлғай[2].

Демак, асар ёзишни ният қилган муаллиф олдига қуйидаги шартлар қўйиляпти:

а) бир уйга нақш солиш учун, аввало, уйнинг тарҳи (режаси, лойиҳаси) ҳам чиройли бўлиши керак;

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 46.
[2] Ўша ерда. – Б. 44.

б) назми қулоққа хуш ёқишидан ташқари, унинг афсонаси (сюжети) таъбга ўтирадиган бўлиши лозим;

в) бунинг учун аввал шу мавзудаги ўтмишда ёзилган асарларни ўрганиб чиқиш зарур;

г) шунда, шоядки, сўз айтувчиларнинг кўзи тушмаган тоза (янги) сўз топилса;

д) чунки шундай нарсани ёзки, тарҳинг тоза бўлсин, халқ уни беандоза (чексиз) майл билан (интилиб, қизиқиб) ўқисин.

Шоир, мабодо, шундай бўлмаса, нима бўлиши мумкинлиги ҳақидаги саволга биратўла жавоб бериб кетишни ҳам унутмаган:

Йўқ эрса назм қилғонни халойиқ,
Мукаррар айламак сендин не лойиқ?

Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак,
Йўликим, эл югурмиштур, югурмак.

Биравким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилғон кўрди, терди.

Ҳамул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бўстон саҳнида гул – кўп, чаман – кўп[3].

Бу ерда шундай жиддий жиҳат борки, уни асло эсдан чиқармаслик керак. Бир тилдаги асарга иккинчи тилда жавоб қайтарилдими, бас, энди ундаги оҳорийлик даражаси, сўзсиз-шубҳасиз, ортади. Шу нуқтаи назардан, Навоий "Хамса"си – туркийда битилганининг ўзи биланоқ Деҳлавий "Хамса"сидан кўра оҳорийроқ, деган хулосага келиш учун тўла асос бўла олади.

Бу хусусият – "Лисон ут-тайр"га ҳам бирдай тегишли, албатта. Бироқ, Навоий "Хамса"сидаги достонлардан фарқли ўлароқ, бу асарда назиравийлик хусусияти таржимавийлик хусусияти билан уйғунлашиб кетган. Айнан шунинг учун ҳам шоир достонда:

Мунчаким назм ичра қилдим иштиғол,
Хотиримдин чиқмас эрди бу хаёл, –

Ким бу дафтарға бериб тавфиқ Ҳақ,
Таржума расми била ёзсам варақ (207), –

деб битади. "Бу дафтар" деганда эса Атторнинг "Мантиқ ут-тайр"и кўзда тутилган, унга шоир қачондир келиб "таржума расми била" жавоб ёзишни бир умр ёдидан чиқармаган.

Навоий ўз "Хамса"си достонларининг бирортасига нисбатан "таржима" атамасини ишлатмаган. Аксинча, кўриб ўтганимиздек, уларда имкон қадар оҳорийлик ҳақида сўз боради. Шу ва шунга ўхшаш эътирозларидан ҳам "Хамса"да халафнинг ўз салафлари билан кучли ижодий рақобатга киришгани маълум бўлади.

Бу ҳам – билвосита "Мантиқ ут-тайр" ва "Лисон ут-тайр" ўртасидаги нозик ришталарни аниқлашга хизмат қиладиган бир чизги.

[3] Ўша нашр – Б. 165.

“Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” тазкирасида Навоий Аттор ҳақида маълумот бера туриб, жумладан, “махлас ниёзмандлардин баъзи”, яъни ихлосманд умидворлардан бири, яна ҳам аниқроғи – Навоийнинг ўзи Шайх қабри узра руҳафзо, яъни чиройли иморат қурдирганини айтиб ўтади. Лекин муаллиф, миннат бўлмасин деб, очиқ қилиб “мен қурдирдим” демаган.

XX асрнинг 20-йилларида йирик шарқшунос Евгений Эдуардович Бертельс Навоийнинг тенг ҳуқуқли оҳорий (оригинал) шоир эканини илман исботлаб кўрсатиш учун айнан “Лисон ут-тайр”ни танлагани бежиз эмас эди. Бу билан олим, ҳатто, Навоийнинг олти достони орасидаги доминант (таъсир этаётган) асарга нисбатан энг яқини ҳисобланган “Лисон ут-тайр” ҳам мустақил ижод намунаси бўлган оҳорий бадиий ижод намунаси, демоқчи бўлган.

Бироқ бундан қарийб бир аср илгари ёзилган мазкур тадқиқотда муаллифнинг мақсади кўпроқ Аттор ва Фоний асарлари ўртасидаги фарқ-тафовутларни бўрттириб кўрсатишдан иборат бўлиб қолган. Адабиётшунослик, жумладан, таржимашуносликнинг эндиги вазифаси эса Аттор ва Фоний достонлари ўртасидаги ялпи вобасталикни тўла-тўкис, яъни ҳартарафлама очиб беришдан иборат бўлиши лозим. Ана шунда “Лисон ут-тайр”да форсий-туркий адабиёт, боринғки, форсий-туркий тамаддун уйғунлигини (синтезини) бир ялпи ҳодиса сифатида тўлиқ кўра оламиз. Айни шу мақсад йўлидаги тадқиқотлар давом этаётибди.

“Лисон ут-тайр” сирларини кашф этиш амалда “Мантиқ ут-тайр” сирларини билиб олиш сари ташланган қадам ҳам эканини унутмаслигимиз керак. Муаллифининг ўзи “Лисон ут-тайр”да шундай имкон борлигини қайд этиб кетган.

Адабиётшунослигимизда “назира” деган атама борлигини кўрдик. Унинг “жавобия”, “ўхшатма”, “татаббу” каби маънодошлари ҳам қўлланади[1]. Шунингдек, “сайёр сюжет” деган истилоҳ ҳам – мавжуд. Баъзан у “назира” билан гўё ўзаро маънодош тушунча каби ишлатилаверади. Бу – хато. Чунки сайёр сюжет тушунчаси билан назира атамасини аралаштириб юбормаслик керак. Булар ўртасида жуда нозик фарқлар бор. Тадқиқотчи Ғазанфар Алиевнинг “Шарқ халқлари адабиётида Низомий мавзулари ва сюжетлари” китобида келтирилишича, XIII – XX асрлар мобайнида, асосан, форсий ва туркийда, шунингдек, урду, пуштун, курд, арман ва бошқа тилларда Низомий достонлари мавзулари ва сюжетлари асосида нақд 600 асар битилган[2]! Айнан “Хусрав ва Ширин” достони мавзуси ва сюжети асосида ҳам кўплаб асарлар яратилган, албатта. Уларнинг ҳаммасини, “Низомий достонига назира”, деб ҳисоблайвериш – мутлақо хато.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”и билан Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”и, табиийки, бир сайёр сюжет асосида яратилган достонлар ҳисобла-

[1] Илмимизда баъзан *“назира”, “жавобия”, “ўхшатма”, “татаббу”* истилоҳлари англатган ҳодисани нотўғри талқин этиш ҳолларига ҳам дуч келамиз. Бунга бир мисол бор. Мирзобек деган шоир яратган:

Кўзунг не бало қаро бўлуптур, –
Ким жонга қаро бало бўлуптур, –

матласи, яъни ғазалнинг биринчи байти Навоий замонида аҳли адаб орасида машҳур бўлиб кетади. Бироқ шоир ёш вафот этади. Ғазал чала қолади. Йиллар ўтганидан кейин Навоий шу бошланма байт асосида ғазал битади. У “Ғаройиб ус-сиғар” девонига 161-рақам билан киритилган (қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 145). Баъзи адабиётшуносларимиз ана шуни ҳам *“татаббу”* ҳисоблашади, бу – мутлақо хато. Бошланган, лекин чала қолган асарнинг иккинчи бир ижодкор томонидан охирига етказилиши – бошқа, тайёр асарга иккинчи бир қалам соҳибининг жавоб ёзиши эса – тамоман бошқа адабий ҳодиса.

[2] **Қаранг:** Алиев Г. Ю. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – Москва: 1985.

нади. Аммо “Фарҳод ва Ширин” достони бевосита “Хусрав ва Ширин”га назира эмас. Кўриб ўтганимиздек, Навоий достони Хусрав Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав”ига назира тарзида битилган. Демак, Низомий “Хусрав ва Ширин”и билан Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ўртасида сайёр сюжет ҳодисаси – мавжуд, бироқ Деҳлавий “Ширин ва Хусрав”и билан Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ўртасида эса ҳам сайёр сюжетлилик ҳодисаси, ҳам бевосита назиравийлик ҳодисаси бор.

“Лисон ут-тайр”га шу мезонлар билан ёндашилса, маълум бўладики, Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”и билан Фонийнинг “Лисон ут-тайр”и ўртасида ҳам сайёр сюжетлилик, ҳам назиравийлик ва ҳам таржимавийлик ҳодисаси кузатилади.

Албатта, Хусрав Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав”и – Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин”ига назира. Демак, Навоийнинг достони, ўртада Деҳлавий асари тургани учун, Низомий маснавийсига бевосита эмас, балки билвосита татаббу, холос.

Бироқ, ялпи олганда, “Хамса” анъанаси бевосита Низомийдан бошланади. Ўзбек адабиётининг кўп асрлик тарихини ҳам озарбойжонлик бу буюк шоир ижодининг кучли таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг асарлари юртимизда аср-асрлар мобайнида аслиятда – форсийда мутолаа қилиб келинган. Бу бебаҳо ижод намуналарининг кенг халқ оммасига етиб бориши учун уни туркийга, яъни ўзбекчага таржима қилиш ҳам давом этаверган.

XIV асрдаёқ унинг “Хамса”сига кирган “Хусрав ва Ширин” достонини туркийчалаштирган Қутб Хоразмий:

Қазонтек қайнаб-уш савдо пишурдум,
Низомий болидин ҳалво пишурдум[3], –

деб ёзади. Демак, Низомийнинг “боли”сиз Қутбнинг “ҳалво”си пишмас эди.

Қутб таржимаси туркий достончиликдаги катта ҳодиса ҳисобланади. Чунки XI асрда Юсуф Хос Ҳожибнинг худди Фирдавсий “Шоҳнома”сига бир жавобдек битилган “Қутадғу билиг”идан бошланган туркий ёзма достончилик Навоий “Хамса”сигача бўлган катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Айтиш мумкинки, Низомий “Хамса”си ўзбек адабиёти учун Фирдавсий “Шоҳнома”сидан Навоий “Хамса”сигача бўлган саъй-ҳаракатлар даври учун ўзига хос бир кўприк вазифасини ўтади.

XIV аср иккинчи ярми ва XV аср бошларида яшаб, ижод этган Ҳайдар Хоразмий Низомий “Хамса”сидаги “Махзан ул-асрор”ни ўзбекчалаштиришга бел боғлаб, қўлига қалам тутди ва у ҳам, худди Қутб сингари, Низомийдан масаллиқ олиб, ош пиширганини очиқ айтади:

Менки, пишурдум бу лазиз ошни,
Шайх Низомийдин олиб чошни.

Шайх Низомий дамидин жон топиб,
Маънисидин ёрлиғу бурҳон топиб[4].

Хуллас, назиранинг бир қатъий талаби бор – у муайян бир асарга ўхшатма бўлиши шарт, қандайдир бир сюжетдаги бир неча асарга эмас.

---

[3] Уч булбул гулшани. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б. 340.
[4] Ўзбек адабиёти. 5 жилдлик. Ж. 1. – Тошкент: Бадиий адабиёт , 1959. – Б. 203.

Алишер Навоий “Хамса”сидаги беш достон айнан қайси асарларга назира тарзида ёзилганини шоирнинг ўзига суянган ҳолда қайд этдик. Бироқ ўзбек адабиётшунослигидаги шу пайтгача Навоий “Хамса”си достонларини қиёсий ўрганишга бағишланган тадқиқотларда муқоясалар қуйидаги чизиқ (линия) бўйича олиб борилган: “Ҳайрат ул-аброр” – Деҳлавий достонига; “Фарҳод ва Ширин” – Низомий достонига; “Лайли ва Мажнун” – асосан, Низомий, қисман, Деҳлавий ва Жомий достонига; “Сабъайи сайёр” – Низомий, Деҳлавий достонларига; “Садди Искандарий” – Низомий, Деҳлавий ва Жомий достонларига қиёслаб тадқиқ этилган.

Бундай тадқиқотлар олиб боришга ҳеч ким қарши эмас. Бир сюжет чизиғидаги бир вазнда битилган ҳар қандай икки асарни қиёсий ўрганиш, ҳатто, типологик таҳлил этиш мумкин ва бу ҳам илм учун жуда керак. Лекин бирламчи вазифа асарнинг айнан қайси достонга назира қилинган бўлса, ўшанга қиёслашдан иборат бўлиши лозим, чунки илм учун шу бирламчироқ, аҳамиятлироқ, муҳимроқ, эътиборлироқ, демоқчимиз, холос.

Бир асарга ёзилган татаббуга нисбатан *“жавобия”, “назира”, “ўхшатма”* атамаларини ишлатса, бўлаверар. Масалан, Хусрав Деҳлавий “Хамса”сига кирган достонлар Низомий Ганжавий “Хамса”сидаги достонларга жавоб тарзида битилган. Бироқ Абдураҳмон Жомий достонлари ҳам Низомий, ҳам Деҳлавий достонларига, Навоий достонлари эса ҳам Низомий, ҳам Деҳлавий, ҳам Ашраф Фарғоний, ҳам Жомий достонларига назира. Чунки уларда назирага назира ёзиш жараёни ҳам бирга кечган.

Кўриниб турибдики, бу иккаласи бир хил жараён ёки айнан ўхшаш ҳодиса эмас. Илмда бир мавзу ва сюжетдаги бир асарга жавобия билан бир мавзу ва сюжетдаги икки ёки уч асарга жавобия ўртасида муайян фарқлар борлиги кўрсатиб берилиши лозим.

Бунинг устига, Навоийда ўзга тил масаласи ҳам ўртага тушади. Бир асарга ўша тилда жавобия айтиш – бошқа масала, бир асарга ўзга тилда назира айтиш – бутунлай бошқа масала.

Бу фикримизни тушуниб, моҳиятига етиш янада чуқурроқ таҳлилни талаб қилади.

Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонида Хусрав билан Фарҳоднинг мунозараси – мавжуд. Бу – жуда машҳур савол-жавоб. Достонга назира ёзган ё шу сюжет асосида асар яратганларнинг ҳеч бири асарнинг бу кульминацион нуқтасига бефарқ қарамаган. Жами 26 байтдан иборат бу парчада Низомий Хусрав билан Фарҳоднинг фикрларини бир мисрада *“бигуфт” (“деди”)*, ё *“бигуфто”(“дедики”)* тарзида келтиради.

Ана энди достонга татаббу битаётган Хусрав Деҳлавийни бу ўринда нима қийнаши мумкин? Фақат ва фақат Низомийга айнан ўхшаб қолмаслик. Лекин савол-жавобни *“гуфташ”, “бигуфт”* ёки *“бигуфто”* деб бошлаш форсий тилдаги асарга форсий тилда жавоб ёзаётган қаламкаш учун ҳеч қандай муаммо туғдирмайди. Шунинг учун ижод жараёни форсий тилдаги асарга туркий тилда жавоб ёзаётган қаламкашдагига нисбатан анча осон кечади.

Келинг, Низомий ва Деҳлавий достонларидаги ана шу мунозаранинг, лоақал, дастлабки беш байтини ўзаро қиёслайлик:

Низомий “Хусрав ва Ширин”ида:

Нахустин бор гуфташ, к-“Аз куҷоӣ?”
Бигуфт: “Аз дори мулки ошноӣ”,

Бигуфт: “Он ҷо ба санъат бар чӣ кӯшанд?”
Бигуфт: “Андӯҳ харанду ҷон фурӯшанд”.

Бигуфто: "Ҷонфурӯшӣ дар адаб нест?"
Бигуфт: "Аз ишқбозон ин аҷаб нест".

Бигуфт: "Аз дил шудӣ ошиқ бад-ин сон?"
Бигуфт: "Аз дил ту мегӯӣ, ман аз ҷон".

Бигуфто: "Ишқи Ширин бар ту чун аст?"
Бигуфт: "Аз ҷони ширинам фузун аст"[1].

Хусрав Деҳлавийнинг "Ширин ва Хусрав"ида:

Гуфтамаш: "Кистии ва дар чӣ созӣ?"
Бигуфто: "Ошиқам дар ҷонгудозӣ".

Бигуфташ: "Ишқбозиро нишон чист?"
Бигуфто: "Он ки з-он дур бало зист".

Бигуфташ: "Ошиқон з-ин раҳ чи пӯянд?"
Бигуфто: "Дил диҳанду дард ҷӯянд".

Бигуфташ: "Дил чаро бо худ надоранд?"
Бигуфто: "Хубрӯён, ки гузоранд".

Бигуфташ: "Мазҳаби хубон кадом аст?"
Бигуфто: "К-аш фиребу ишва ном аст" [2].

Албатта, бу ерда ҳажм масаласи ҳам бор. Низомийнинг 26 байтли савол-жавобига Деҳлавий 25 байтли мунозара битади. "Ширин ва Хусрав" муаллифи, ўзига хослик бўлсин учун, *"бигуфто"* ўрнига баъзан *"гуфтамаш", "бигуфташ"* шаклларини ҳам ишлатади.

Ана энди форсий достонга туркий назира боғлаётган Навоий олдидаги муаммони кўз олдимизга келтирайлик. Биринчидан, ҳинд-европа тиллари оиласининг форсий гуруҳига мансуб форс-тожик тилида аввал *"деди"* деб туриб, кейин сўзловчининг фикри келтирилади. Бу тилнинг синтаксиси учун шу – табиий. Олтой тиллари оиласининг туркий тиллар гуруҳига кирадиган ўзбек тилида эса бунинг тескариси: аввал сўзловчининг фикри келтирилиб, кейин *"деди"* дейилади. Иккинчидан, "Хусрав ва Ширин" арузнинг *"мафоийлун мафоийлун фаулун* (ёки мафоийл)" тарзидаги ҳазажи мусаддаси маҳзуф (ёки мақсур) вазнида битилган. Туркийзабон шоир ана энди айнан *"бигуфт"* ёки *"бигуфто"*га вазнан мос келадиган сўз топиши – шарт.

Ана шу икки масалани ҳал этиш жавобнависни худди таржимонда кечадигандагидек ижодий жараёнга олиб киради. Навоий бунинг иложини топган. Биринчидан, аввал *"деди"*ни ишлатиб, кейин сўзловчининг фикрини келтириш орқали бу масалани форсий тил фойдасига ҳал этган. Инверсия, яъни шеърий нутқда сўзларнинг грамматик қоидаларга

[1] Бу матн интернетдан олинди.
[2] Амӣр Хусрау Д и х л а в ӣ. Хамса. Критический текст. Вторая поэма. Шӣрӣн и Хусрау. Составление текста и предисловие Г. Ю. Алиева (Текст на персидском языке). – М.: Главная редакция восточной литературы. 1979. С. 185 – 186. Мунозара 185 – 187-бетлардан ўрин олган.

номувофиқ тартибда жойлаштирилиши[1] бунга имкон беради. Иккинчидан, шоир қўллаган *"деди"* ва *"дедики"* сўзлари вазнан жиҳатидан *"бигуфт"* ҳамда *"бигуфто"* калималарига айнан мос келади[2].

Худди шу таржимавий муаммога Низомий "Хусрав ва Ширин"ини 1340 йили эски ўзбек тилига ўгираётганда Қутб ҳам дуч келган эди. У достондаги 26 байтли парчани 21 байт қилиб, яъни жуда кам қисқартириш билан, деярли тўлиқ таржима қилган. *"Бигуфт"* ҳамда *"бигуфто"* сўзларини, биринчидан, форсий грамматика талабига биноан, сатр бошига келтирган, иккинчидан, ўзбек тилидан вазн бошига мос келадиган ифода топган. Мана, унинг дастлабки беш байти:

Бурун сўрди: "Не ерликсан тею сан?"
Айттиким: "Ошиқлар шаҳридинман".

Айтти: "Анда не санъат қилурлар?"
Айтти: "Жон сотиб, қазғу олурлар".

Айтти: "Жонни сотмоқлиқ хато ул".
Айтти: "Ишқ йўлинда ҳам раво ул".

Айтти: "Кертиму ошиқ эрурсан?"
Айтти: "Бор кўзунг, охир кўрурсан".

Айтти: "Не қадар севдунг сан они?"
Айтти: "Сўзга сиғмас ҳеч баёни"[3].

Навоий "Фарҳод ва Ширин"да, худди Деҳлавийнинг "Ширин ва Хусрав"идаги каби, бу муноазарага 25 байт бағишлайди. Муайян даражада тасаввур пайдо бўлиши учун унинг дастлабки 5 байтини келтирамиз:

Деди: "Қайдинсен, эй мажнуни гумраҳ?"
Деди: "Мажнун ватандин қайда огаҳ!"

Деди: "Недур санга оламда пеша?"
Деди: "Ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша!"

Деди: "Бу ишдин ўлмас касб рўзи".
Деди: "Касб ўлса, басдур ишқ сўзи!"

---

[1] Қаранг: Ҳ о т а м о в Н. Т. Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик луғат. – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – Б. 50.

[2] *"Дедики"* сўзи *"бигуфто"*га айнан мос келади. Бироқ *"бигуфт"* билан *"деди"* тенг вазндаги сўзлар эмас. Чунки *"деди"*нинг иккинчи бўғини (*"-ди"*) достонда чўзиқ ҳижо бўлиб келади. *"Бигуфт"*нинг иккинчи бўғини (*"-гуфт"*) эса – ўта чўзиқ ҳижо. Аммо Низомий Ганжавийда ҳам, Хусрав Деҳлавийда ҳам у ўзидан кейинги сўзнинг унли товуш билан бошланишини талаб этган ва шу тариқа *"-гуфт"* бўғинидаги *"т"* товуши амалда ўзидан кейинги сўзга қўшиб талаффуз этилади.

[3] Уч булбул гулшани. – Тошкент:Адабиёт ва санъат , 1986. – Б. 485.

Дедиким: “Ишқ ўтидин де фасона”.
Деди: “Куймай киши топмас нишона!”

Дедиким: “Куймагингни айла маълум!”
Деди: “Андин эрур жоҳ аҳли маҳрум!”[4]

Шу таҳлилу мулоҳазалардан кейин бир нозик масалага аниқлик киритиб олайлик. Албатта, Навоий Низомий “Хусрав ва Ширин”и ҳамда Деҳлавий “Ширин ва Хусрав”и вазни ва мавзусида янги, оҳорий (оригинал) жавобия асар яратган, лекин Қутб Низомий достонини таржима қилган. Орада фарқ – катта. Бу икки ижод ҳосиласи бир ҳодиса эмаслиги ҳам –*“Икки карра икки – тўрт”*, – дегандек аниқ. Лекин Қутб олдида ҳам, Навоий олдида ҳам форс-тожик тилидаги матннинг айрим хусусиятларини иккинчи тилда ифодалаш вазифаси турган эди. Ана шу нозик нуқтада Навоий достонининг таржимавий хусусияти намоён бўлади ва биз шунигина кўзда тутяпмиз.

Бироқ “Хамса” достонларига назира боғлашдаги таржимавийлик билан “Мантиқ ут-тайр”га жавоб айтишдаги таржимавийлик даражаси кескин фарқланади.

Хуллас, “Мантиқ ут-тайр” ва “Лисон ут-тайр” қиёси бир йўла форсий-туркий шеърият вобасталигини кўрсатишга, шеърият равнақида тасаввуфнинг ўрнини ойдинлаштиришга, Аттор ва Фоний муносабатларини ёритишга, адабиётлараро уйғунлик (синтез) қонуниятларини белгилашга, назираларнинг турларини аниқлаштиришга, назиравийлик ва таржимавийлик хусусиятларини муайянлаштиришга, таржима-назира деган форсий-туркий адабиётлараро ноёб ҳодисанинг ўзига хос жиҳатларини илман таҳлил этишга хизмат қилади.

[4] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 323.

ЕТТИНЧИ БОБ

“ЛИСОН УТ-ТАЙР”ДА ҚАҚНУС ТИМСОЛИ

Тўтию булбулдан ҳам зўр қуш

Жаҳондаги нечта қушни биласиз? Рости, унчалар кўп эмасдир? Чунки ҳар жойнинг ўз қушлари бўлади. Аллоҳнинг каромати билан Ер юзининг турли бурчакларида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турфа қушлар яшайди. Бундан ташқари, қуш жониворларнинг не-не тури одамзоднинг дастидан қирилиб, йўқ бўлиб ҳам кетди. Айримларининг эса ўзини кўрган бўлсак ҳам, отини билмаймиз. Шундай қушлар ҳам борки, уларнинг отини биламиз-у, ўзини тасаввур қилолмаймиз. Айтайлик, ота-боболаримиз таърифу тасвир қилиб кетган қушлардан қай бири ҳақида кенг билимга эгамиз? Масалан, Симурғ ёки Ҳумо, боринғки, Анқо ҳақида?! Ёки Қақнус – қандай қуш?

Эҳ-ҳе, қанотли дўстларимиз ҳақида қанчадан-қанча тасаввуру таассурот бор эди қадимгилар онгида!..

Алишер Навоий ижоди – бунга ёрқин мисол. Бобокалонимиз кўпинча шоирларни энг сайроқи қушларга ўхшатади. Навосозлик бобида эса, биласиз, булбулга етадигани йўқ. Шундан бўлса керак, “Фарҳод ва Ширин” достонининг Низомий Ганжавию Хусрав Деҳлавий васфидаги олтинчи бобида Деҳлавийни “тўти” деб турган жойида Навоий бу таърифидан “тонади” – уни булбулга қиёслайди:

Не ҳинду, тўтийи ширинмақол ул,
Не тўти, булбули шўрида ҳол ул[1].

Лекин, сал ўтмай, шоир бу фикридан ҳам қайтади:

Дема булбул, де они қақнуси зор,
Топиб лаҳнидин онинг қақнус озор[2].

Булбул-ку хушовозликда тўтидан устун, бироқ қақнус қандай қуш бўлдики, булбулни ҳам доғда қолдирса?! Чунки бу байтларда амал қилинган р у ж у ъ санъати қоидасига бинoан, бир фикр илгари айтилиб, кейин инкор этилганда, ундан-да кучлироқ бир далил келтирилиши – шарт. Қақнус шундай қушки...

Деҳлавий ҳақида “Фарҳод ва Ширин”да яна ўқиймиз:

Агар Қақнус чекиб юз нола жонсўз,
Анга минг нола ўқи борча дилдўз.

Дема ўқ, балки ҳар бир барқ оҳи, –
Ки секриб ўртабон маҳ то ба моҳи(й).

---

[1] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 28.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.

Солиб юз шуъла ҳар дам хирманиға,
Ўзининг йўққи, олам хирманиға[3].

Айтилаётибдики, агар қақнус юз нола чекиб, жонини куйдирса, Деҳлавий минг нола ўқи билан дилларни тикади, аммо сен уларни ўқ эмас, ҳар бирини чақмоқдек чақнаган оҳ деб билки, улар бир сакраганда (яъни чақнаганда) Ер остидаги балиқдан то осмондаги Ойгача етади, бу чақмоқдан чиққан ўт ҳар дамда фақат ўзининг эмас, ҳатто, оламнинг хирмонини ҳам куйдириб юборади.

Очиғини айтинг, парчани ўқиганингиз, ҳатто, маъносини сўзлаб берганим билан ҳеч нарса тушунмадингиз-а? Чунки сизда камида қуйидаги саволлар туғилди: *"Нега энди қақнуснинг ноласи жонни куйдириши керак?"* ёки *"Хирмонга ўт кетишининг қақнусга қандай алоқаси бор?.."*

Бу саволларга жавоб излаш учун қаттиқ киришган одам, ўз-ўзидан, луғат титишга тушади. "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати"даги: *"Қақнус – афсонавий қуш номи"*[4], – деган шунчаки изоҳ мушкулингизни енгил қила олмайди. Негаки унда *"жон"* ёки *"хирмон"* билан боғлиқ, лоақал, бир ишора ҳам йўқ. Порсо Шамсиев билан Собиржон Иброҳимов тузган "Навоий асарлари луғати"нинг 2-нашридан саволларингизга жавоб тополмасангиз ҳам, ҳар ҳолда, Навоий нега қақнусни булбулдан устун қўйганини тушунгандек бўласиз: *"Қақнус – форсча- тожикча (?). Мавҳум бир қуш (афсонага кўра, тумшуғида жуда кўп тешиклар бўлиб, бу тешиклардан чиққан овозлардан гўё музика ўйлаб чиқарилган эмиш)"*[5].

Луғатда бу сўзнинг *"форсча-тожикча"* экани нотўғри кўрсатилганини биласиз, чунки форсий тилда аслан *"қ"* товуши йўқ ва агар бу тилда шу товуш иштирок этган сўз учраса, аниқки, у бошқа тилдан ўтган бўлади. Эски тожик тилининг изоҳли луғати – "Фарҳанги забони точикий" бу сўзни *"юнонча"* деб кўрсатади. Бу луғат изоҳи қақнус ҳақидаги тасаввуримизни яна бир оз ўстиради ҳам – унда бу хушовоз қуш тумшуғида уч юзу олтмишта (!) тешик борлиги айтилади. Аммо, афсус, бу ерда ҳам қақнус ҳақидаги маълумот тўлиқ эмас[6].

"Сабъайи сайёр" достонининг Навоий "Мукаммал асарлар тўплами" таркибидаги нашрида Қақнусга, жумладан: *"Бадиий адабиётда Қақнус абадий ҳаёт тимсоли ҳамдир"*[7], – дея изоҳ ҳам берилган.

Бироқ "Фарҳод ва Ширин"даги Қақнус талқинининг моҳиятига етмай туриб, "Хамса"даги "Сабъайи сайёр"нинг 14-бобида ҳам қўшиқчи қизнинг қақнусга ўхшатилганига дуч келамиз:

Йўққи қақнусдурур намудори,
Косасидин ажуба минқори.

...Чунки қақнуслиқ айлабон изҳор,
Ўт солиб олам ичра қақнусвор[8].

---

[3] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[4] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. Ж. 4. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 43.
[5] Навоий асарлари луғати. 2-нашр. – Тошкент: 1972. – Б. 733.
[6] Фарҳанги забони тоҷикӣ. Иборат аз ду ҷилд. Ҷ. 2. – Москва: Советская энциклопедия, 1969. – С. 684.
[7] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 10. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 427.
[8] Ўша нашр. – Б. 99 –100.

Бу ерда ҳам қақнус билан оламга ўт қўйиш тушунчаси боғлаб талқин этилади. Яна ўша савол: нега?..

Яхши ҳамки, Навоий умрининг охирида бутун ижодини тушуниш учун ажиб дастур ил-амал бўлгудек, таъбир жоиз тутилса, умумназарий бир асар – "Лисон ут-тайр"ни ёзиб кетган экан. Излаган саволларимизга муфассал жавобни ана шу достондангина топамиз.

"Лисон ут-тайр"нинг "Мантиқ ут-тайр"га жавоб қисми тугаб, Навоийнинг бевосита ўз дардини куйлашга ўтишига бадиий ҳалқа вазифасини ўтган бир боб бор. У: *"Ўзининг Шайх* (яъни Фаридиддин Аттор. – С. О.) *руҳи мададини анга татаббуъ қилғанға қақнус тимсоли"* деб аталади. Унда ҳикоя қилинишича, Ҳиндистонда *"қақнус"* деган бир ажойиб қуш бўлар эмиш. У кўп жиҳатдан бошқа қушларга ўхшамас экан. Биринчидан, келишган бу қушнинг ҳар бир пари бир бошқа рангда товланар экан. Иккинчидан, тумшуғида ҳаддан ташқари кўп тешиклар бўлар, уларнинг ҳар биридан эса бир бўлак наво янграр, агар у куйлагудек бўлса, эшитганлар ҳушдан кетар экан. Учинчидан, турмушда унинг жуфти ҳалоли ҳам, тириклигида фарзанди ҳам бўлмас, бирон-бир қуш унга ўхшамас ҳам, бу дунёдан яккаю ёлғиз яшаб ўтар экан. Қаранг-а, бу жиҳатдан қақнус ҳазрат Навоийнинг ўзларига қанчалар ўхшайди!

Қақнус бир дарахт тепасида сайраб ўтирганида Фисоғурс аллома ўтиб кетаётиб, тасодифан эшитиб қолибди. Қақнус навосидаги хилма-хил оҳангу садолардан у мусиқа фанини яратган экан. Фисоғурс – эрамиздан олдинги 571 – 497 йилларда яшаган машҳур юнон алломаси Пифагорнинг шарқона номи. Демак, эски тожик тилининг изоҳли луғатида *"қақнус"* сўзининг *"юнонча"* дейилгани бекорга эмас экан. Ғарб тилларида *"феникс"* ёхуд *"фойник"* деб аталадиган бу қуш ҳақида бир-бирига ўхшаган-ўхшамаган бир олам ривоят – бор. Уларнинг кўпида бу қушнинг ватани Шарқ билан, аниқроғи, Арабистону Миср билан боғлаб кўрсатилади[1].

Ғарбона талқинларни қўя турайлик-да, юзни шарқона – навоиёна талқинлар сари бурайлик...

Қақнуснинг қизиқ бир феъли бор экан. У узоқ (Ғарбда ҳатто 500, 1460 ва 12 минг 954 йил деган ривоятлар ҳам бор[2]) ҳаёт кечириб, умр бўйи ўрмонда ўтин йиғиш билан машғул бўлар экан. Ҳўлми-қуруқми – йиққан ўтинлари бир хирмонга айланармиш. Умри адосида эса ўша неча йиллар меҳнат қилиб яратган хирмони устига чиқиб олиб, шундай бир ҳазин оҳанглар билан нола тортиб куйлар эканки, уни эшитган жамики қушлару ваҳший ҳайвонлар атрофига тўпланиб келишар, баъзилари, ҳатто, бу куй таъсирига тушиб, қаттиқ ҳаяжонидан жон ҳам таслим қилишармиш.

Бу навоси тугагандан кейин шундай ҳам бир ўт-оташ ила сайрар эканки, шундан олов чиқиб кетиб, ўзи тўплаган хирмон ловуллаб ёнар экан. Олов осмонга ўрлаб, бу гулхан ичра қақнуснинг ўзи ҳам куйиб, кул бўлар экан:

Чун навосиға етишти интиҳо,
Сўнгра тортиб бир ажиб ўтлуқ наво,

Солур эрмиш ул нуқул хирманға ўт,
Сокин ўлған манзилу масканға ўт.

[1] Қаранг: Мифологический словарь. – Москва: 1990. – С. 556.
[2] Қаранг: Ўша нашр. – Б. Ўша.

Ўт алам тортар эмиш афлокка,
Барқ тушгандек хасу хошокка,

Ул ўтун ёнғандек ул қуш ҳам ёниб,
Парлари яфроғлардек ўртониб.

Ҳам ўзи, ҳам ул ўтунлар кул бўлуб,
Юз туман жузв ул куярдин кул бўлуб (196).

Ҳангоманинг қизиғи энди келди. Олов ўчиб, пайдо бўлган ана шу кул уюми секин-секин тебрана бошлар, кейин у ерда нимадир ғимирлагандек бўлиб, ичидан, мўъжизани қарангки, бир қақнусбача чиқар экан. Бир нафас ўтар-ўтмас ундан парлар ўсиб, кўз олдингизда бир чиройли қуш намоён бўлар экан!

У ҳам шу ўрмонни кўриб, ўтин йиғишни бошлар, умр бўйи бир хирмон ҳозирлаб, ҳаёти сўнгида яна отаси қилган ишни такрорлар экан:

Чунки ул куллар угулди тоғча,
Махфий эрмиш кулда бир қақнусбача.

Тебраниб кулдин чиқиб таскин ила,
Пар чиқориб зийнату ойин ила.

Чун ҳаво айлаб, кўруб ул бешани,
Жазм этиб ўтун йиғар андешани.

Умрида ул доғи жамъ айлаб ўтун,
Ул иш асносида тортиб дилкаш ун.

Чун анга ҳам етса поёниға ёш,
Ул доғи айлаб ато қилғонни фош (196).

От изини той босади-да.

Аттор – ота, Фоний – ўғил

Ҳикоятнинг бу ёғи – яна ҳам қизиқроқ. Фоний Шайх Фаридиддин Атторни ўша аввалги қақнусга ўхшатади. У ҳам, қақнус каби, умр бўйи наво чекди, унинг ҳалок қиладиган навосидан эса қанча ваҳший ҳайвону қуш ўша хирмону унинг эгаси каби куйиб, кул бўлди:

Шайх гўё келди ул аввалги тайр, –
Ким наво ичра қилиб умрида сайр.

Чекти онча лаҳн аро дилкаш наво, –
Ким симоъин ваҳшу тайр айлаб ҳаво.

Борча ул муҳлик наводин ўлдилар,
Хирману соҳиб киби кул бўлдилар (196).

Энди навбат кулдан чиққан қақнусбачага келди. Бу қақнусбача – Фонийнинг ўзи! У ҳам кулдан ўтда куймас ҳайвон – Самандардек чиқиб, аввалги қушдек, умри бўйи бир нималар жамлади, ҳаёти поёнида тумшуғидан юз хил наво чиқариб, Тангри таолонинг яширин сирларидан куйлади, бу куйидан ўзига ҳам, хирмонига ҳам, ҳатто, бошқаларга ҳам ўт қўйди:

Улки – ул куллардин ахгардек чиқиб,
Балки ахгардин самандардек чиқиб.

Ҳар неким аввалғи қушқа эрди шон,
Зоҳир ўлди мунда ҳам ондин нишон.

Бу доғи деганча нима жамъ этиб,
Чун мунунг ҳам умриға поён етиб.

Гулшани даврон аро ҳар навъ қуш,
Йўққи, ёлғуз тайр-у, бас, балким вуҳуш.

Юз наво зоҳир қилиб минқоридин,
Борча Ҳақнинг ёшурун асроридин.

Ўзига, хирманға доғи ўт уруб,
Ҳам ўзин, ҳам ўзгаларни куйдуруб (196 – 197).

Тимсолий қилиб айтганда, Фонийнинг умр поёнида куйлаган, шундан хирмонигаю ўзигаю бошқаларга ҳам ўт қўйган навоси – "Лисон ут-тайр" эди! Шоир кейинги байтда ўзини Фаридиддин Атторнинг ўғли янглиғ таърифлайди. Аммо дарҳол ана шу таърифидан гўё "ҳимояланади" ҳам, чунки, ахир, Аттордек авлиёга ўзни тенг қўйиш қандоқ бўлар экан? Аттор ни "шоҳи олийсифат", ўзини эса "банда", "қул" ҳисоблаш маъқулроқ эмасмикан:

Мен демонким, ул – атодур, мен – ўғул,
Ул – шаҳи олийсифот, мен – банда, қул (197).

Бу – камтарона бир таъриф. Зеро Фоний бундан кейинги байтларда яна ўша устозни бевосита "отам" деб атайди. Чунки, дейди шоир, ҳеч ким барча оламга ўт солган Аттордан менчалик сўз (яъни ҳам "куйиш" ва ҳам "сухандонлик") топмади, мен қуш тилидан шуълалар чиқариб, ҳам ўзим кул бўлишни билиб олдим ва ҳам эл мендан кул бўлишни ўрганди:

Ким бу ўтқа ул куюб аввал нафас,
Борча оламға ўт ул солди-ю, бас.

Сўнгра ондин кимса топмай менча сўз,
Буйла муҳриқ шуълайи гетиферуз.

Қуш тилидин шуълалар зоҳир қилиб,
Ҳам ўзум, ҳам эл кул ўлмоғни билиб.
Ҳар неким кўрди отамдин рўзгор,
Ҳам они бўлди манга омузгор.

Ўртадим олам элини, ўзни ҳам,
Қуш тилидин ўзга қилмай сўзни ҳам.

Будур уммидимки, бу сўзи фано,
Борча куйганга бақо бергай яно (197).

Аттор ва Навоий, қақнус ва қақнусбача, бақо ва фано!.. Қанчалар вобаста тушунчалар булар.

Қақнус эса – табиатан тасаввуф ақидаларига нақадар уйғун келган гўзал бир тимсол! Чунки унга ўзни ўрташ, жисмни куйдириб, ундан воз кечиш, руҳнинг ўлмаслиги, бақога етиш, адабий тириклик мақсадлари шундоққина жо бўлган. Лекин бу ерда бошқа – бундан-да муҳимроқ бир масала – бор. Албатта, Аттор – қақнус, мен – қақнусбача, дейиш – "Мантиқ ут-тайр" ва "Лисон ут-тайр" муносабатларини билдириш учун энг қулай ташбеҳ. Бироқ Фонийнинг бу тасвирлари фақат ана шу "Лисон ут-тайр" асаригагина тегишли мулоҳазамикан? Бу соф адабий муҳокамалар доирасидан чиқиб, соф тасаввуфий масалалар гирдобида ҳам айланмаётибдими? Очиқроғи, Фоний: *"М*енда Аттор руҳи қайта жилваланди*",* – деган фикрни устакорлик, сухандонлик билан, бадиий тўн кийдириб сингдирмаяптимикин? Биласиз, Алишер болалигида "Мантиқ ут-тайр"ни бошдан-охир ёд олган эди. Атторнинг руҳи умр бўйи уни тарк этмаган, балъакс, тарбиялаб боргандирки, ҳаётининг охирида ўша болалигида ёдлаган китобига ўз туркий тилида *"*таржума расми била*"* жавоб айтди.

Хўш, икки ярим аср илгари ўтиб кетган авлиё – Фаридиддин Атторнинг руҳи қандай қилиб келиб, Алишерга тарбия бериши мумкин? Биз учун бу тамоман ғайритабиий бир тасаввур эмасми?

Тасаввуф авлиёлар руҳини тан олади. Инсон кўнглини, аниқроғи, руҳини камол топтиришнинг, ким билади, дейсиз, эҳтимолки, умум башарият жамияти тарихидаги энг олий даражасига етган тасаввуф таълимоти қатъий қоидасига кўра, солик, яъни сўфий, албатта, бирор пирнинг этагини тутиб, унга мурид тушиши – шарт. Аммо шундай истисно ҳоллар ҳам бўладики, қай бир сўфийни ўтиб кетган бир авлиёнинг руҳи келиб, тарбиялайди. Бундай тарбият топганларни *"*у в а й с и й*"* дейилган.

Увайсий ҳам увайсиймиди?

Ривоят қилишларича, Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) оламдан ўтар пайтда саҳобалар (атрофларидаги суҳбатларига мушарраф бўлган яқин кишилар) у зотдан эски тўнларини кимга бериш лозимлигини сўрашибди. Расулуллоҳ (с. а. в.), Навоий сўзлари билан айтилса: *"*Дебтурларки, Увайс Қаранийға берсунлар ва десунларки, менинг умматимни дуо

қилсун"[1]. Яманнинг "Қаран" деган еридан бўлган бу туябоқар Уҳуд тоғидаги урушда пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг муборак тишлари синганини эшитиб, айнан қайси тишлари эканини аниқлай олмаганидан, уриб-уриб ўзининг ўттиз икки тишини синдирган эди. Аммо Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) билан Увайс Қараний бир-бирларини ҳеч қачон кўрмаган эди. Шундай бўлса ҳам, Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат..."ида қайд этилишича, расулуллоҳ (с. а. в.) уни: "Маъни ва руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин ҳар кишинингки, бу тоифадин (яъни шайхлардан. – С. О.) зоҳир юзидин (яъни бевосита ҳаётда тарбия қилган. – С. О.) пири маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи (!) они тарбият қилғон бўлса, они "увайсий" дерлар"[2].

Демак, "увайсий" деган тасаввуфий атама ана шу Увайс Қаранийнинг номидан олинган. Увайс Қаранийнинг ўзи эса мусулмон оламида, хусусан, исломий бадиий адабиётда жуда машҳур эди. Унинг, ҳатто, ўзбек халқ китобларида ҳам тилга олинганига дуч келамиз. Масалан, "Ҳурилиқо" достонида фарзандсизлигидан нолиб, тахтни тарк этган Хусравшоҳга унинг вазири Қосим тасалли бериб айтган бир ғазалда ана ўша умматларнинг гуноҳларини ёпган, пайғамбаримиз (с. а. в.) хирқаларини кийган Увайснинг ҳам ўғилсиз ўтгани сўзланади:

Муножот тоғиға чиққан, умматлар журмини ёпқан,
Пайғамбар хирқасин кийган Увайс ҳам ўтти ўғулсиз[3].

Увайсийлик ҳақидаги тасаввурни янада ойдинлаштириш мақсадида шуни эслатиш керакки, машҳур мумтоз шоирамиз – Жаҳон отин Увайсий тахаллусининг маъноси ҳам худди ана шу тушунчадан олинган. Ким билади, балки уни ҳам қадим машойихларимиздан бирининг руҳи келиб, тарбия қилгандир, ҳеч бўлмаганда, Увайсийнинг ўзи шуни орзулагандир? Биргина далил. Шоиранинг "Увайсийман" радифли ғазали шундай тугалланади:

Вайси(й) бериёзат деб саҳл этма, эй ориф,
Ишқ аро ниҳон дарди бедаво Увайсийман[4].

Биринчидан, "Вайси(й)" – вазн тақозосига кўра, "Увайсий" сўзининг шартли равишда қисқарган шакли. Уни зинҳор-базинҳор, "вайсамоқ" феъли маъносига алоқадор сўз, деб тушунмаслик керак. Иккинчидан, тасаввуфда солик пирнинг йўл-йўриқларига бевосита амал қила бориб, руҳни камолга етказиш учун истилоҳда "риёзат" деб аталадиган махсус қийинчиликлар босқичини босиб ўтиши – керак. Бу – пирсиз амалга ошиши мумкин бўлмаган бир мушкул машғулот. Чунки, аввало, пирга, таъбир жоиз тутилса, "эстафета таёқчаси" пайғамбаримиз Муҳаммад(с. а. в.)дан узлуксиз тарзда ўтиб келган, қолаверса, солик ўзидаги "менлик"ни енгиши учун Шайтон билан курашмоғи керак, бу курашда эса бир ўзи ғолиб кела олмайди..

Шу ерда Навоийнинг адабиёт тарихи учун жуда зарур яна бир маълумотини эслаб ўтиш – ўринли. "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида қайд этилишича, кучли истеъдод соҳиби Мавлоно Биноий, яхши шоир бўлишидан ташқари, илм, хаттотлик, ҳатто, мусиқада ҳам муайян

---

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 24.
[2] Ўша нашр. – Б. Ўша.
[3] Қаранг: Жуманиёзов Р. Эски ўзбек ёзуви. – Тошкент: 1989. – Б. 75 (Матнлар қисми).
[4] Увайсий. Кўнгил изҳори. – Тошкент: 1983. – Б. 122.

ютуқларга эришади. Лекин феъл-атворидаги айрим камчиликлар туфайли бу соҳалардаги ишлари "эл кўнглига мақбул бўлмайди". У феълидаги ана шу салбий жиҳатларни бартараф этиш учун фақр, яъни тасаввуф йўлига киради, кўп риёзатлар тортади, яъни махсус қийинчиликлар босқичини ҳам ўтайди. Лекин, афсуски, пири бўлмагани, бу ишларни ўзбошимчалик билан амалга оширмоқчи бўлгани учун ҳеч қандай фойда топмайди: "Бу сифати салби учун фақр тариқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғон учун ҳеч фойда бермади"[5]. Ҳолбуки, риёзат босқичидан кейин солик руҳида ўсиш, муайян ўзгариш бўлиши керак эди.

Биргина байтдан ҳам билиб олдикки, шоирамиз Жаҳон отиннинг ҳам ҳаётда бевосита тасаввуф нуқтаи назаридан тарбия берган пири бўлмаган кўринади, чунки у – увайсий. Шунинг учун байтдаги "Увайсийман" сўзини бир йўла ҳам ўз маъносида, яъни ўтиб кетган шайхлардан бирининг руҳидан тарбия топган қабилида ва ҳам тахаллус маъносида тушуниш – керак. Бунинг учун эса ўқувчи уни ҳам кичик ҳарф билан ёзилгандек сўзни бир йўла ҳам луғавий ва ҳам тахаллусий маънода қўллаш "и т т и ф о қ с а н ъ а т и" дейилади. Шоира ориф, яъни сўфийга: "Риёзатсизсан, деб менга таъна қилма, мен увайсийман, яъни мени шайхлардан бирининг руҳи (ўзи эмас!) тарбия қилган!" – деяётибди.

Бундан яна бир нарса аниқлашади: демак, кимники ўтиб кетган шайхлардан бирининг руҳи келиб, тасаввуф бўйича тарбия қилса, у риёзат босқичларини босиб ўтиши шарт эмас ёки, камида, бу босқич зоҳирий эмас, ботиний тарзда кечган бўлади.

Хўш, риёзатнинг ўзи – нима? Бунга ҳам "Насойим ул-муҳаббат..."дан жавоб қидирамиз. Навоийнинг ёзишича, Абу Саид Абдулхайр деган шайх сулукка кирганларидан кейинги дастлабки пайтларда ҳар кеча ўзларини бир қудуққа бошларини қуйи қилиб, оёқларидан осар, эрталабгача зикр айтиб чиқар эканлар, аҳвол шунгача борар эканки, охири кўзларидан қон келар экан[6]. Ёки машҳур шоир Низомий Ганжавий тўрт марта қирқ кундан (жами 160 кун-а!) бир дарахтнинг устида чилла ўтирганлар[7].

Сўфий учун ё зоҳирий, яъни ҳаётда, ё ботиний, яъни руҳ орқали пир бўлиши – шарт. Лекин баъзи соликлар бир неча пирнинг тарбиясини олган. Масалан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Балогардон ҳақларида "Насойим ул-муҳаббат..."да келтирилишича: "Аларға қабул назари Хожа Муҳаммад Бобо Самосийдиндур ва одоби тариқат таълими зоҳир юзидин Амир Саййид Кулолдиндур, андоққи, дер эмишлар. Аммо ҳақиқат юзидин алар увайсийдурлар ва тарбият ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳидин топибдурлар"[8]. Аммо Баҳоуддин ҳазрат, бу уч пирдан ташқари, яссавия шайхларидан Қусам Шайх ва Халил Отадан ҳам тарбия топганлар. Яъни у зот жами беш пири комил муриди эдилар.

Руҳлар ҳам келадими?

Илгари замонларда ўтиб кетган бир кишининг руҳидан қандай тарбия топиш мумкин? Ё руҳлар ҳам келадими?

Бу саволларга жавоб бериш учун гапни узоқроқдан бошлашга тўғри келади.

Хожа Баҳоуддин туғилмасдан бурун Хожа Муҳаммад Бобо Самосий бир буюк шахс дунёга келаётганини она қорнидаги боланинг ҳидидан сезади. "Насойим ул-муҳаббат..."да ўқий-

[5] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 13. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 74.
[6] Қаранг: Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 21.
[7] Қаранг: Ўша нашр. – Б. 471. Бу ҳақда яна қаранг: О л и м С. Буюклик сири. / Халқ сўзи, 1991 йил, 28 сентябрь.
[8] Алишер Н а в о и й. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 21.

миз: *"...Хожа Баҳоуддин ҳазратлари*ға алардин (яъни Самосийдан. – С. О.) қабул фарзандлиғқа воқеъ бўлубтур ва алардурларки, Қасри ҳиндивондин ўтарда дер эрмишларки: "Бу туфроғдин бир эр иси келадур, бўлғайки, Қасри ҳиндувон Қасри орифон бўлғай*". То бир кунки, Саййид Кулол манзилидинки, аларнинг хулафосидиндур, Қасри орифон сори мутаважжиҳ эрдилар, дедиларки: "Ул эр исики, бизинг димоғимизға етар эрди, ортуқроқ бўлубтур, ҳамоноки, ул эр мутаваллид бўлубтур (туғилибди. – **С. О.**)". Чун нузул қилибтурлаб, ҳазрат Хожа Баҳоуддин валодатидин уч кун экандур, аларнинг жадди бир муомала аларнинг кўксиға қўюб, аларни ихлос ва ниёз била Хожа Муҳаммад Бобо назариға келтурубтур. Хожа Муҳаммад Бобо дедиларки: "Ул бизинг фарзандимиздур ва биз ани қабул қилдуқ" ва асҳоб сори боқиб, дебтурларки: "Бу ул эрдурки, бизга онинг иси келиб эрди, рўзгорнинг муқтадоси бўлғай" ва Амир Саййид Кулолға буюрдиларки: "Фарзандим Баҳоуддин ҳақида тарбият ва шафқатни дариғ тутмағайсен ва сенга биҳил қилмағаймен, агар тақсир қилсанг". *Амир дедиким:* "Эр бўлмағаймен, агар Хожа васиятида тақсир қилсам"[1].

Демак, Самосий – Нақшбандга "қабул назари" юзасидан, Амир Кулол эса – зоҳир юзасидан, яъни тариқатга ўргатгани жиҳатидан пир. Аммо Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний – унга ҳақиқат юзасидан, яъни руҳи келиб, тарбиялагани тарфидан, таъбир жоиз бўлса, ботиний пир. Хўш, Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг руҳи айнан қандай йўл билан тарбия берган?

"Насойим ул-муҳаббат..."да айтилишича, ёшлик чоғларида Баҳоуддин бир кечаси чиқиб, Бухоронинг уч мозорига борадилар. Ҳар мозорда ёғи тўла, пилтаси ёғи ичида турган чироқ кўрадилар. Фақат яхшироқ ёниб, тузукроқ ёритиши учун ўша пилталарни сал ҳаракатга келтириш керак экан. Учинчи муқаддас мозорда қиблага қараб ўтирган пайтларида у тарафда девор ёрилиб, ажиб бир манзара намоён бўлибди. Воқеанинг бу ёғини "Насойим ул-муҳаббат..."даги Баҳоуддиннинг ўз сўзлари билан айтай: "Қибла девори шақ бўлди ва бир улуғ тахт пайдо бўлди ва яшил парда ул тахт оллиға тортилғон ва теграсида жамоате ва Хожа Муҳаммад Бобони алар орасида танидим. Билдимки, ул хайл ғойиблардиндурлар. Ораларидин биров менга айттики: "Тахти Хожа Абдулхолиқдур ва ул жамоат аларнинг хулафосидиндурлар" ва бир-бирин аларнинг отин атади ва Хожа Муҳаммад Бобоға етгонда дедики: "Аларни худ ҳаётлари чоғида кўрубсен ва сенинг пирингдурлар ва сенга бир бўрк беribдурлар ва каромат қилибдурларки, нозил бўлғон бало сенинг баракатингдин дафъ бўлғай". *Андин сўнгра ул* жамоат айттиларки: "Қулоқ тут ва яхши эшитки, улуғ Хожа ҳазратлари сенга сўзлар айтғусидурларки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло йўли сулукида сенга андин чора йўқтур". *Ул жамоатдин илтимос қилдимки:* "Ҳазрат Хожаға салом қилай ва муборак дийдорлариға мушарраф бўлай". Пардани иллайларидан олдилар. Пире кўрдум – нуроний. Салом қилдим. Жавоб бердилар ва сўзларки, сулук мабдаъида ва васатида ва охирида керакликтур, менга баён қилдилар ва дедиларки: "Ул чароғларки, ул кайфият била сенга кўргуздилар ишорат ва башоратдур сенга бу йўл қобилият ва истеъдодидин. Аммо истеъдод фатиласин (яъни мозорларда кўринган чироқлар пилтасини. – С. О.) ҳаракатға келтурмак керак, то ёруғай ва асрор зуҳур қилғай" ва яна буюрдилар ва муболаға қилдиларки: "Борча аҳволу ақдомни борча амру наҳй жодасиға қўйғил ва азимат била амал қил ва суннатни бажо келтургил ва рухсатлар ва бидъатлардин йироқ бўл ва Мустафо (с. *а. в.) ва* асҳоби киром р. а. атажассис бўл!"[2].

[1] Ўша нашр. – Б. 256 – 257.
[2] Ўша нашр. – Б. 261 – 262.

Бу парчадан илгари ўтган шайх руҳи қандай қилиб бир соликка тарбия бериши мумкинлигини бир оз тасаввурга келтирдик. Хўш, Фаридиддин Аттордек шайхнинг ҳам ботиний пири бормиди? Мабодо, у ҳазратнинг ўзлари ҳам увайсий бўлмаганларми?

Ёшлигида кексайиб қолган шайх – Фаридиддин Аттор билан учрашиш бахтига мушарраф бўлган ва бу улуғ авлиё совға қилган "Асрорнома" деган китобни умр бўйи қўлидан қўймаган[3] яна бир буюк авлиё Жалолиддин Румий: *"Ўша машҳур "Ан ал-ҳақ!" ("*Мен Худоман!*") дегани учун ноҳақ* дорга тортилган Шайх Мансур Ҳалложнинг нури юз эллик йилдан кейин Фаридиддин Атторда жило топди*"*, – деган: *"*Мавлоно Жалолиддин Румий қ. с. сўзларида мазкурдурки, Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдин сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳиға тажаллий қилди ва онинг мураббийси бўлубтур*"*[4].

Булар – бор гаплар, бўлиб ўтган воқеалар!..

Шубҳасиз, Аттор – тасаввуф тарихидаги энг кучли авлиёлардан. Яна ўша Мавлоно Жалолиддин Румий буюрадилар:

Аттор руҳ буд-у, Саноӣ – ду чашми ӯ,
Мо аз паи Саноиу Аттор омадем[5].

Маъноси шуки, Аттор – руҳ эди, Саноий – унинг икки кўзи, биз Саноию Аттор кетидан эргашиб келдик. Саноий ҳам – буюк тасаввуф шоирларидан. У милодий 1181 йили вафот этган.

Ким билади, балким, чиндан ҳам, "Мантиқ ут-тайр" китоби билан Алишерни болаликдан мубтало қилган Фаридиддин Атторнинг ўша Жалолиддин Румий таърифлаган муборак руҳи умр бўйи Навоийни тарбия қилиб келгандир?..

Ҳар ҳолда, "Лисон ут-тайр"да қаламга олинган ота қақнуснинг навосига яраша ўғил қақнуснинг туркона тилда наво тортиши ўртасидаги жамики вобасталиклар, Навоийнинг турли асарларидаги Аттор шахсияти ва ижодиётига шогирдона самимий муносабат бизга ана шундай бир фаразни баён этиш учун тўла асос беради.

Қақнус – ўтда ёнмас қуш эмас

Мана, "Лисон ут-тайр" таҳлили баҳонасида ўтмиш Шарқ адабиётида кўп тилга олинадиган бир ажойиб бадиий тимсол – қақнус қуши ҳақида ҳам муайян тасаввурга эга бўлдик. Бинобарин, қақнус ҳақида Навоийдан бурунги шоирларимиз асарларида ҳам ўқиймиз. XIV асрнинг охири ва XV асрнинг бошларида яшаб ижод этган ўзбек шоири Ҳайдар Хоразмий Низомий Ганжавий "Махзан ул-асрор" достонига таржимавий жавоб тарзида ёзилган "Махзан ул-асрор"идаги *"*Мусаннифининг васф ул-ҳоли*"* бобида ўзининг тасаввуфий ишқи баёнини қақнуснинг ўтда ёнишига қиёсан тасвирлайди:

Ҳар даму ҳар лаҳза бир ўтқа ёниб,
Ғояти йўқ оташ ила ўртаниб.

[3] Қаранг: Ўша нашр. – Б. 460.
[4] Ўша нашр. – Б. 459.
[5] Ўша нашр. – Б. 460.

Ўт ичида қақнуси бечоравор,
Нолайи жонсўз тузиб сад ҳазор.

Ҳар нафас оҳанг қилиб бир наво,
Дунёда ҳар лаҳза солиб юз садо.

Умр ўтуб, кўрмайин уйқуда туш,
Нолаларимдин уюмай қурту қуш.

Чархи фалак ташна бўлуб жонима,
Дуняйи дун қасд қилиб жонима.

Сабр биносини бикуллий бузуб,
Ҳосили йўқ умрдин уммид узуб[1].

Демак, қақнуснинг жон узиш олдидан ўзини оловда куйдириши, юз минг наво чекиши, нолаларидан "қурту қуш"нинг ухламаслиги ҳақидаги тасвирлар Навоий яратган тимсолга айнан мос келади. Фақат энди Фоний бу қуш ҳақидаги илгариги тасаввурлардан фойналаниб, бевосита Атторнинг ўзи ва унинг достони билан боғлиқ масалаларни ёритади. "Лисон ут-тайр"даги қақнус талқинини яхши билиш, ўз навбатида Навоийдан олдинги шеъриятимизда қаламга олинган қақнус тасвири моҳиятини англашга ҳам кўмаклашади. Чунки "Лисон ут-тайр"да бу қушнинг ҳаёти ҳақидаги тасаввурлар ўзининг кенг талқинини топган.

Қақнус ҳақида чала билимга эга бўлиш кўп хатоларга йўл очади. "Наврўзи олам бугун" номи остида чиққан мақолалар тўпламининг таҳрир ҳайъати томонидан ёзилган "Қайтадан яралган олам наврўзи" деган кириш мақоласида наврўз қақнусга ўхшатилади: "Наврўз... Афсонавий қақнус қушга ўхшатгинг келади уни. Мажусийлар куфр эълон қилиб, ўтга отдилар. Ёнмади"[2]. Кўриниб турибдики, муаллифлар қақнусни ўтда ёнмайдиган қуш янглиғ тасаввур қиляпти. Қақнусни, ўтда ёнмайди, деб айтиш бу қуш ҳақидаги энг муҳим жиҳатни бузиб талқин этишдан бошқа нарса эмас. Ахир, қақнус айнан ана шу ўтда куйиб, кул бўлиши, ундан кейин кул ичидан унинг боласи чиқиши билан машҳур-ку! У тасаввуф адабиётига худди шу ўтда ёниб, жисмини адо қилиши жиҳати билан керак бўлган-ку! Лекин ўтга кириб, ёнмай чиқадиган афсонавий бир жонзот ҳам – бор. У – самандар. Самандар қуш эмас. У калтакесакка ўхшаган бир ҳайвон сифатида тасаввур қилинади. Демак, қақнус ҳақидаги афсоналарни бузиб талқин этмаслик учун ҳам "Лисон ут-тайр"ни яхши билишимиз – керак.

Қақнус тасвири талқинида бир пирнинг руҳи иккинчи бир соликка тарбия бериши, тасаввуф истилоҳи билан сўзлайдиган бўлсак, бир кучли руҳ иккинчи бировда "тажаллий топиши" мумкинлигини айтдик. Лекин руҳ тажаллий топишини, унинг келиб, тарбия беришини дунёда жоннинг кўчиб юриши, яъни ўлганларнинг руҳи (жони) янги туғилган одамларда, ҳатто, ҳайвону ўсимликларда қайта тирилиши ҳақидаги қадимий таълимотлар билан аралаштириб юбормаслик ёки бу иккаласини, бир нарса, деб тушунмаслик керак.

[1] Навоийнинг нигоҳи тушган... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б. 188.
[2] Наврўзи олам бугун. – Тошкент: 1989. – Б. 3.

Руҳнинг бошқа бировда қайта тирилиши, айрича айтганда, ҳозирги одамларда илгари замонларда яшаб ўтган қай бир кишининг жони яшаётгани ҳақидаги таълимот араб тилида *“таносух ал-арвоҳ”* дейилади. Ислом бу таълимотни қатъиян рад этади[3]25. Албатта, тасаввуфдаги увайсийлик тушунчаси билан таносух ўртасида қандайдир билвосита алоқадорлик бўлса, бордир. Лекин, айнан олганда, улар ўзаро кескин фарқ қилади. Чунки руҳнинг тарбия бериши – пирлик билан боғлиқ. Аввало, ҳар қандай руҳ эмас, улуғ бир шайхнинг руҳи тажаллий топади, қолаверса, ҳар қандай одамга эмас, соликка – сўфийлик йўлига кирган, шайхлик аломатлари бор инсонгина тарбия берилади.

“Лисон ут-тайр”ни шўро адабиётшунослиги талқинларидан холи ҳолда қайта мулоҳаза қилар экансан: *“Қани энди, ҳар бир қақнус кулидан янги бир қақнусбача пайдо бўлса!”* – деб ўйлайсан киши. Шу маънода, ҳазрат Алишер Навоийнинг руҳи поклари ҳам, орадан асрлар ўтганига қарамай, келиб қай бир соҳиби истеъдод ўзбек йигитининг тарбиясига машғул бўлармикан?!

Агар миллат руҳий покланишнинг ота-боболаримиз бир пайтлар ҳадди аълосига етказган даражалари сари интилса, шундай кун келиши – муқаррар.

Камина бунга қаттиқ ишонади!

МОҲИЯТ

(Хулоса ўрнида)

Илк бор 1969 йили чоп этилган Иззат Султоннинг “Навоийнинг қалб дафтари. Буюк шоирнинг ҳаёти билан ижоди ўзининг ва замондошларининг тасвирида” монографиясида “Лисон ут-тайр” ҳақида сўз юритилганида, жумладан:*“Ҳали мутахассислар томонидан етарли ўрганилмаган бу катта фалсафий достон...”*[4], – деган қайдга дуч келамиз. Орадан, мана, ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Вазият тамоман ўзгарди. Бугунга келиб, “Лисон ут-тайр” амалда Навоийнинг энг кўп тадқиқ этилган достонига айланди.

“Лисон ут-тайр”ни замонавий адабиётшунослик нуқтаи назаридан жиддий ўрганишни Евгений Эдуардович Бертельс 1926 йили чоп этилган катта ҳажмли “Навоий ва Аттор” мақоласи билан бошлаб берган эди[5]. 1966 йили Шарафиддин Эшонхўжаев “Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”и (илмий-танқидий матн)”[6], 1978 йили Шарофиддин Шарипов “Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонининг генезиси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари”[7], ўша йили Тошкентда ленинградлик олима – А. Н. Малехова “Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони. Композицион ва образлар поэтикаси”[8], 1982 йили Зиёдулла Ҳамидов “Алишер На-

---

[3] Таносух ар-арвоҳ ҳақида қаранг: Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 жилдлик. Ж. 10. – Тошкент: 1978. – Б. 550.

[4] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Буюк шоирнинг ҳаёти билан ижоди ўзининг ва замондошларининг тасвирида. 3-нашр. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2010. – Б. 352.

[5] Бертельс Е. Э. Навои и Аттар // Его же: Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 377 – 420.

[6] Ишанходжаев Ш. “Лисан ат-тайр” Алишера Навои (научно-критический текст). – Автореф. дисс. ... к. филол. н. – Ташкент: Без издательства, 1966.

[7] Шарипов Ш. Генезис и идейно-художественные особенности поэмы Алишера Навои “Лисан ут-тайр” (“Язык птиц”). – Автореф. дисс. ... к. филол. н. – Ташкент: Без издательства, 1978.

[8] Малехова А. Н. Поэма Алишера Навои “Лисан ут-тайр”. Поэтика композиционных и образных средств. – Автореф. дисс.... к. филол. н. – Ташкент: 1978.

воий “Лисон ут-тайр”и тилининг лексик-семантик ва лингвопоэтик тадқиқи”[1], 2001 йили Фарҳод Исомиддинов “Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили (Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий асарлари асосида)”[2], 2011 йили Зуҳра Мамадалиева “Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими”[3] мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Шафоат Ҳасановнинг “Тўтинома” ва “Қуш тили” туркумидаги асарларнинг қиёсий-типологик ва текстологик тадқиқи” мавзусидаги докторлик диссертациясида, жумладан, Навоий “Лисон ут-тайр”и ҳам қиёсан тадқиқ этилади[4]. Рашид Жумаев “Маснавийи маънавий” ва “Лисон ут-тайр”даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили” мавзусида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясини ҳимоя қилди[5]. Бу тадқиқот “Лисон ут-тайр” бўйича саккизинчи диссертация ҳисобланади.

Воҳид Зоҳидов ҳамда Малик Орипов каби олимларимизнинг фалсафа фани йўналишидаги илмий ишларида “Лисон ут-тайр” асосий тадқиқот объектларидан бири бўлган. Азиз Қаюмов “Лисон ут-тайр” таҳлилига бағишланган махсус рисола битган. Шунингдек, ушбу сатрлар муаллифининг “Ишқ, ошиқ ва маъшуқ”[6] рисоласи тўлиқ, “Нақшбанд ва Навоий” монографияси биринчи нашри[7] ва “Луқмайи ҳалол”[8] китоблари қисман, шунингдек, бир неча мақоласи шу достон ғоявий-бадиий хусусиятлари тадқиқига бағишланган. Узоқ Жўрақулов “Назарий поэтика масалалари” монографиясининг бир боби *“Лисон ут-тайр”да хронотоп шакллари”* деб номланган[9]. Достон яна кўплаб олимлар тадқиқотларига асос бўлиб хизмат қилган.

Келтирилган маълумотлардан маълум бўляптики, бугун “Лисон ут-тайр”, аксинча, шоирнинг энг кўп тадқиқ этилган достонларидан бири бўлиб турибди. Бу бежиз эмас. Бунга кучли эҳтиёж – бор. Чунки мазкур достон буюк мутафаккир ижодининг талай асосий жиҳатларини, жумладан, шоир дунёқараши, эътиқоди, ижодий позициясини ўрганиш учун энг муҳим манба вазифасини ўтайди, бу борада нозик нуқталарни аниқлаштиришга асос бўлади. Бу достон бундан буён ҳам яна кўп-кўп тадқиқотларга мавзу бўлиши – тайин.

Диққат қилган бўлсангиз, монографиямизнинг иккинчи қисмида “Лисон ут-тайр”нинг бевосита “ички” масалаларидан ташқари чиқилмади ҳисоб. Бироқ бу достон шундай асарки, фақат “ички” масалалар билан чекланган ҳолда уни атрофлича ўрганиш, моҳиятига етиш мумкин эмас. Достоннинг “ташқи” масалалари ҳам – бор. Бу – “Лисон ут-тайр”нинг “Мантиқ ут-тайр” билан бевосита боғлиқ жиҳатлари. Алоҳида мавзу бу. Уни ёритиш асноси-

---

[1] Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка “Лисан ут-тайр” Алишера Навои. – Автореф. дисс. ... к. филол. н. – Ташкент: 1982.

[2] Исомиддинов Ф. Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили (Фаридиддин Аттор ва Алишер Навоий асарлари асосида). – Фил. ф. н. ... дисс. автореф. – Тошкент: Нашриётсиз, 2001.

[3] Мамадалиева З. У. Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образлар тизими. Фил. ф. н. ... дисс. автореф. – Тошкент: Нашриётсиз, 2011. Ушбу сатрлар муаллифи мазкур диссертацияга расмий оппонентлик қилган.

[4] Ҳасанова Ш. *С.* “Тўтинома” ва “Қуш тили” туркумидаги асарларнинг қиёсий-типологик ва текстологик тадқиқи. – Филол. ф. д. ... дисс. – Тошкент: Нашриётсиз, 2016.

[5] Жумаев Р. *Н.* “Маснавийи маънавий” ва “Лисон ут-тайр”даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили. – Филол. ф. б. фалс.д -ри (PhD) ... дисс. автореферати. – Самарқанд: Нашриётсиз, 1918. Ушбу сатрлар муаллифи мазкур диссертацияга расмий оппонентлик қилган.

[6] Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992.

[7] Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

[8] Олим С. Луқмайи ҳалол. – Тошкент: Маънавият, 1997.

[9] Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 105 –120.

да эса яна бир жиҳат ўртага чиқади: “Лисон ут-тайр”нинг Навоий ялпи ижоди билан қандай алоқадорлиги бор ёхуд достон шоир умуммеросида қандай ўрин тутади?

Кўриниб турибдики, мазкур асарнинг илмий ечимини кутиб ётган муаммолар – ҳали анча.

Навоий ижоди фақат форсий ёки биргина туркий адабиёт эмас, балки ўзигача бўлган кулли Шарқ, лоақал, XV асргача бўлган мусулмон халқлари сўз санъатининг ўзига хос бир синтези, ана шу бой мероснинг барча фазилатлари ўзлаштирилиб, ўзбек (чиғатой) тили имкониятлари замирида ривожлантирилган, умумжаҳон адабиёти учун ҳам бир юксак чўққи янглиғ намоён бўлган бир ижод тарзида баҳоланиши – керак.

Амин бўлган бўлсангиз керакки, “Лисон ут-тайр”нинг ушбу монографиядаги талқинлари шўро даври навоийшунослигининг мазкур достон ҳақидаги аксар қарашларидан кескин фарқ қилади, яъни мантиқан улардаги кўп-кўп хато ва чалкаш фикр-хулосаларни рад этади.

“Лисон ут-тайр”ни келажакда янада теранроқ таҳлил қилиш Алишер Навоий ижодининг ана шу оламшумул жиҳатларини ҳам янгича тахлитда ёритиш имконини бериши – тайин. Чунки “Лисон ут-тайр” моҳиятини очиш амалда шоир умумижоди моҳияти сари катта йўл очади.

МУНДАРИЖА

Ўзим учун ёзганим 7

Биринчи қисм Нақшбандия – Навоий ижодининг ғоявий асоси

Биринчи боб
Хожа Баҳоуддин Нақшбанд: Ҳаёти ва фаолияти 11
Иккинчи боб
Истиқлол ва нақшбандия 25
Учинчи боб
Буюклик сири 46
Тўртинчи боб
Яссавия ва нақшбандия 70
Бешинчи боб
Қитъаларга сингган қат-қат ғоялар 95
Олтинчи боб
“Сафар – дар ватан” шиори талқинлари 108
Еттинчи боб
Қўл ва кўнгил 140
Аҳамият 154

Иккинчи қисм“Лисон ут-тайр”нинг қиёсий поэтикаси: Синтез, назиравийлик ва таржимавийлик

Биринчи боб
“Лисон ут-тайр”да нақшбандия 164
Иккинчи боб
“Лисон ут-тайр” – ишқнома 188
Учинчи боб
“Лисон ут-тайр” – муножотнома 202
Ёхуд унинг лиро-эпиклик даражаси 202
Тўртинчи боб
“Лисон ут-тайр” – меърожнома 212
Бешинчи боб
“Лисон ут-тайр”нинг Олтин ҳалқаси 230
Олтинчи боб
“Лисон ут-тайр” – форсий-туркий шеърият синтези сифатида: таржимавийлик ва назиравийлик 244
Еттинчи боб
“Лисон ут-тайр”да қақнус тимсоли 256
Моҳият 266

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Султонмурод Олим: Нақшбанд ва Навоий; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 272 бет.

Ж.16: Султонмурод Олим: Нақшбанд ва Навоий. 272 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Ўн олтинчи жилд

Султонмурод ОЛИМ
НАҚШБАНД ВА НАВОИЙ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

"TAMADDUN" нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 17 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.